

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ЖУРНАЛ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
ҚЎМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
“МАЪНАВИЯТ ВА
МАЪРИФАТ”
ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ

МУНДАРИЖА

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

А. С. ПУШКИН. Кўнгил орзулари фидо Ватанга. <i>Шеърлар</i>	3
А. БЛОК. Шоирлик қисмати ҳақида	8
М. ШАРАФИДДИНОВА. Ўлмас даҳо	13
БОЗОР ИЛЁС АЛ-АМИН. Гёте совғаси	16

НАСР

АНДРЕ БРИНК. Шамолдаги лаҳза. <i>Роман</i>	19
ФРАНСУАЗА САГАН. Кўлмак сувда кўёш парчаси. <i>Қисса</i>	75

ДРАМА

ЕЖИ ЮРАНДОТ. Тўққизинчи покиза. <i>Комедия</i>	115
--	-----

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

АРВИ СИЙГ. Дунёда эзгулик бор ҳали, инон	69
--	----

ФАЛСАФА. МАДАНИЯТ. САНЪАТ

АНДРЕЙ САХАРОВ. Эсдалиқлар. <i>Охири</i>	149
--	-----

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

МАРИО ПЬЮЗО. Мафия сардори. <i>Роман</i>	172
--	-----

Июн '99

Бош муҳаррир: **Озод Шарафиддинов**

Таҳрир ҳайъати: **Неъмат Аминов, Муҳаммадали Аҳмедов, Шароф Бошбеков, Жамолиддин Бўронов, Эркин Воҳидов, Одил Ёқубов, Неъматулла Иброҳимов, Мурод Муҳаммад Дўст, Мирпўлат Мирзо (Бош муҳаррир муовини), Абдулла Орипов, Ғайбулла Саломов, Жавлон Умарбеков, Шоир Усмонхўжаев, Рустам Шоғуломов, Ғайзи Шоҳисмоил (масъул котиб), Саидбек Ҳасанов.**

Жаҳон адабиёти 6. 1999

ИНДЕКС 828,829

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасида рўйхатга олинган, № 172.

Таҳририят манзили:

700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир Абдуҳамид ПАРДАЕВ

Рассом М. КАРПУЗАС

Техник муҳаррир М. НИЗОМОВА

Мусахҳиҳ Т. ОРИПОВА

Теришга берилди 12.04.1999 й. Босишга рухсат этилди 20.05.1999 й. Бичими 70×108^{1/16}.
Офсет қоғози. Афсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Нашриёт босма табоғи 20,0.
Жами 3000 нусха. К-7070 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасининг “Ўзбекистон” нашриётида
компьютерда терилиб, ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди.
Тошкент — 700129. Навоий кўчаси, 30.

© **Жаҳон адабиёти, 1999 й.**

Александр Сергеевич ПУШКИН

Шоир таваллудининг 200 йиллигига

Кўнгил орзулари фидо Ватанга

ЧААДАЕВГА АТАБ

Севги, умид, жимжит шон алдоқлари
Эрмак бўлолмади бизга кўп замон,
Ўтди ёшлигимиз овунчоқлари
Гўёки туш, гўё тонгдаги туман;
Аммо ёнар ҳали бизда иштиёқ,
Ёвуз бу салтанат қилса ҳамки жабр,
Қалбимиз талпинар бетоқат, бесабр,
Ватан даъватига соламиз қулоқ.
Ошиқ йигит ширин висол дамани
Зориқиб кутгандай, бўлиб нигорон —
Муқаддас озодлик лаҳзаларини
Ишонч-ла кутамиз энтикиб ҳамон.
Ҳали эрк майлида ёнар эканмиз,
Юрак ҳаёт экан номусга — шаънга,
Дўстгинам, ватанга жонни тикканмиз,
Кўнгил орзулари фидо ўшанга!
Ишон, шубҳа қилма, келар у замон,
Балқар бахт юлдузи, — дилбар ва порлоқ!
Россия уйқудан уйғонар, инон!
Шоҳлик вайронаси устига, ўртоқ,
Ёзилажак бизнинг номлар бегумон.

ҚОРА ШОЛ

Қора шолга мажнунона боқаман,
Сўниқ дилни ғам ўтида ёқаман.
Гўл йигитлик чоғи — ишқда куйгандим,
Ёш ва сулув юнон қизин суйгандим.
Соҳибжамол эркаларди ҳар замон,
Келди бироқ қора куним беомон.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Бир кун дилкаш меҳмонларим бор эди,
Эшигимни қоқди жирканч яхудий:

— “Зиёфатда, (деди пичирлаб) барин,
Вафосизлик қилди сенга дилбаринг”.

Кўлига мен олтин бердим, қаргадим,
Сўнгра содиқ қулимни тез чорладим.

Бирга чикдик: отда учдим мен жадал,
Раҳмдиллик йўқди асло шу маҳал.

Юнон қизин бўсағасин кўрган чоқ
Кўзим тинди, мадор кетди, тоқат тоқ.

Йироқ хилват уйга кирдим мен танҳо,
Арман ўпар, кучоғида бевафо.

Қора босди: садо берди ханжарим...
Бўса битмай у ёвуз ҳам ўлди жим.

Бошсиз танни тепкиладим беармон,
Рангим ўчиб, лол боқардим қиз томон.

Ҳали эсда — ёлворишлар... оққан қон...
Ўлди қиз ҳам, битди севги ўртаб жон!

Ўлик бошдан қора шолни тортдим мен,
Қонли тигни ўшанга жим артдим мен.

Қулим, зулмат ёйганда тун дунёга,
Мурдаларни отдим жўшқин дарёга.

Шундан бери ўпмадим кўз, ундай шўх,
Шундан бери хурсанд ўтган кечам йўқ.

Қора шолга мажнунона боқаман,
Сўниқ дилни ғам ўтида ёқаман.

МИРТЕМИР таржималари

БУЛБУЛ ВА ГУЛ

Баҳор чоғда холи боғда бир зулматли тун эрди.
Фариб булбул фиғон айлаб, “Гулим, раҳм айлагил”, дерди.

Бироқ ул гул қулоқ солмас эди фарёду афғона,
Фақат ором оларди ноладин тўлғона-тўлғона.

Сени ҳеч севмаган бир гул учун, эй шоирим, сен ҳам
Ёнарсан, ўртанарсан, дод этарсан тинмайин бир дам.

Кўй энди, беҳуда дод этма, оҳинг унга етмайди,
Қарайсан, яшнаган бир гул, фақат додинга етмайди.

ЧЎЛПОН таржимаси

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

* * *

Сизни севган эдим: қалбади олов
 Сўниб битмагандир ҳали, эҳтимол;
 Ранжитмасин лекин, сизни ушбу ҳол,
 Койитмайман асло ва бўлмайин ёв.
 Сизни севган эдим: сокит, бенаво,
 Жасоратсиз эдим, ғамда бедаво;
 Сизни севган эдим, содиқ, вафодор,
 Энди ҳақ айласин бошқага дилдор.

* * *

Тикиламан кўрганда, дарҳол
 Идрокимни йўқотиб ва лол:
 Ягона кўз менинг бошимда,
 Ой юзингиз ёнар қошимда,
 Агар тақдир кўрмаса малол,
 Эга бўлса эдим юз кўзга,
 Бари билан қарардим сизга.

Ҳамид ОЛИМЖОН таржималари

* * *

Мен сизга ачинмайман, вафосиз севгиларда
 Беҳуда оқиб ўтган баҳоримнинг йиллари!
 Мен сизга ачинмайман, у оташин найларда
 Эҳтирос-ла куйланган, эй тунларнинг сирлари!

Мен сизга ачинмайман, бевафо дўст, жўралар,
 Базмларнинг тожлари, даврада айланган жом.
 Мен сизга ачинмайман, хиёнаткор гўзаллар,
 Мени хаёл банд этган, хурсандчилик қилмас ром.

Қайда, қайда қолдингиз, ёшликдаги орзулар,
 Ва қалбнинг сокитлиги эркалатган кезлари!
 Қани аввалги оташ, илҳом бахш этган завқлар,
 Келинг, келинг, муштоқман, баҳоримнинг йиллари.

... ГА

Эсимдадир ажиб дам ҳали:
 Кўз олдимда бўлдинг намоён,
 Пок гўзаллик даҳоси каби,
 Бир лаҳзалик хаёл, тушсимон.

Ғам-аламдан дилим ёнганда
 Тушларимда кўрдим чеҳрангни,
 Ҳаётдаги бўм-бўш суронда
 Келиб турди товшинг жаранги.

Йиллар ўтди. Исён бўрони
 Хаёлларим совурди дилдан.
 Ва унутдим дилбар садонгни,
 Ўчди азиз чеҳранг ёдимдан.

Қувғунликнинг чангида нурсиз
 Ғамга тўлиб кунларим ботди;
 Худо, илҳом ва кўз ёшсиз,
 Ишқ, изтироб, ҳаётсиз оқди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Мана, қалбга ошно бўлди най,
 Кўз олдимда бўлдинг намоён,
 Гўзаликнинг соф парисидай,
 Бир лаҳзалик ажиб тушсимон.

Руҳим яна уйғонди бу дам,
 Яна унда тирилди нажот;
 Яна дилда худо ва илҳом,
 Кўз ёшию муҳаббат, ҳаёт.

ЗУЛФИЯ таржималари

ШОИР

Кутлуғ қурбон бўл деб, шоирдан ҳали
 Талаб этмас экан Аполлон,
 У, юввошлик билан, гавғоли
 Дунё ташвишидан чиқолмас ҳамон;
 Муқаддас лираси сукунатда, лол;
 Руҳин муздай чулғайди уйқу,
 Дунёда бенафлар ичра, эҳтимол,
 Ҳаммасидан бенафроғи шу.

Лекин агар илоҳий бир сўз
 Сезгир қулоғига урилса қитдай,
 Худди уйқусидан турган бургутдай,
 Шоир қалби титрар сабрсиз.
 Ҳайин-кулги тегар ғашига,
 Одамлар миш-мишин ётсирар, севмас,
 Халқнинг ҳукмдори қошида
 Шоир мағрур бошини эгмас;
 Нотинч қалбда оҳанглар тошар;
 Ёввойи, шиддатли кўз қарашлари,
 Саҳро тўлқинлари бағрига шошар.
 Шовуллаган ўрмонлар сари...

Асқад МУХТОР таржимаси

ҲИКМАТ

Кулбада биттагина шам ёниб турар эди,
 Равшан бўлди, ёқишгач яна битта
шамчиноқ.
 Бежиз эмас, қадимги донолар деяр эди:
 Тўй яхшию ва лекин кенгашли тўй
яхшироқ.

ЯНГИЛИК

“Хўш, дунёда нима гап, қанақа
янгилик бор?”
 У эса тура берди бежавоб, ютиб нафас.
 Охир деди: “О, дўстим, эзмалик
кимга даркор,
 Сен — аҳмоқсан, бу эса асло
янгилик эмас”.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

ТЎҒРИ БАШОРАТ

“Касалим тузаларми?” —
 Шер эшакдан сўради;
 Эшак эса ўйламай деди:
 “Аё, шоҳ жаҳон,
 Ўлмасангиз, яшайсиз,
 Ўлмаганлар туради”.
 Икки карра икки — тўрт,
 бу эшакка ҳам аён.

ДУНЁ

Шундоқ эди бу дунё,
 шундоқ бўлур ҳамиша,
 Кўҳна бир ҳақиқатнинг
 дўкони ёпилмайди:
 Доно одам жуда кам,
 гарчи кўп илм пеша,
 Бисёрдир таниш-билиш,
 лекин дўст топилмайди.

Абдулла ОРИПОВ таржималари

ҚУШЧА

Ватаним одатин бегона элда
 Мен муқаддас билиб бажармоқдаман:
 Баҳор байрамида — гўзал сайилда
 Қушчага эрк бериб учирмоқдаман.

Кўнглим шундан топар тасалли — ором;
 Худодан нолишим ўринли эмас,
 Ахир, мен озодлик этолдим инъом
 Ақалли биргина жонга бу нафас!

Ҳамид ФУЛОМ таржимаси



Александр БЛОК

Шоирлик қисмати ҳақида

Пушкин ўлимнинг 84 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали йиғилишда сўзланган нутқ

Бизнинг хотирамизга болалик чоғларимизданоқ қувноқ бир ном муҳрланиб қолган: Пушкин. Бу ном, бу товуш умримизнинг қанчадан-қанча бўм-бўш кунларини маънога тўлдириб келаяпти. Ҳукмдорларнинг, саркардаларнинг, қотиллик қуроллари ихтирочиларининг, хўрловчи ва хўрланувчиларнинг совуқдан-совуқ номларини қаранг-а. Ва ўшаларнинг ёнида — шундай ёқимли ном: Пушкин.

Шоирлик қилиш осон эмаслиги ва фожиавийлигига қарамай, Пушкин ўз бошига тушган ижод жафоларини енгилгина, қувноқлик билан ўтказди. Пушкин ўз ролини катта санъаткорларга хос тарзда, кенг, ишонарли ва эркин ҳаракатлар билан ижро этди; шунда ҳам, Пушкин ҳақида ўйлаганимизда, юрагимиз орқага тортиб кетади: тантанавор, ғолибларга хос шоирона юришнинг ташқи ҳодисаларга аслида дахли йўқ эди, чунки унинг моҳияти — ички-маънавий бир ҳодиса эдики, моддий қимматга эга бир хумни худодан афзал кўрадиган қайсидир кимсаларнинг ёвузларча аралашувлари оқибатида жуда кўп ҳолларда ўша шоирона юриш Пушкиннинг бурнидан булоқ қилиб олинган.

Биз инсон. — Пушкинни, мустабид тузумнинг дўсти — Пушкинни, декабристларнинг қадрдони — Пушкинни биламиз. Буларнинг ҳаммаси, бир нарса, шоир — Пушкиннинг олдида хиралашиб қолади.

Шоир — ўзгармас маҳобат соҳибидир. Унинг тили, услуби эскириши мумкин, бироқ у бажарган ишларнинг моҳияти ҳеч эскирмайди.

Одамлар шоирдан, унинг қилган ишларидан юз ўгиришлари мумкин. Бугун улар шоирга ҳайкал қўйишади, эртага “замонавийлик кемасидан улоқтирмақчи” бўлишади. Униси ҳам, буниси ҳам

ўша одамларнинг қанақалигини кўрсатади, лекин шоирнинг эмас; шеърятнинг моҳияти, ҳар қандай юксак санъат каби ўзгармасдир; одамларнинг турлича муносабати аслини олганда аҳамиятсиздир.

Бугун биз буюклардан буюк турадиган рус шоирининг хотирасини ёд эта-япмиз. Менинг назаримда, шу баҳонада *шоирлик қисмати* ҳақида гапирсак ва сўзларимизни Пушкиннинг мулоҳазалари билан тасдиқласак хўп соз иш бўлур эди.

Шоир нима дегани ўзи? Шеърлар ёрдамида гапирадиган одамми? Йўқ, албатта. У ашъор битгани учунгина шоир деб аталмайди-ку; у, айтмоқчи, ашъор ёзади, яъни сўзларни ва товушларни уйғунлаштиради, чунки у — уйғунликнинг фарзанди — шоирдир.

Уйғунлик-чи, нима у? Уйғунлик дунёвий кучларнинг иноқлиги, дунёвий ҳаётдаги тартиботдир. Тартибот — бу *қоино*т, яъни тартибсизликларнинг отаси бўлмиш *хаос*нинг тескарисидир. *Хаосдан қоино*т, дунё туғилади, деб ўргатишган қадимгилар. Денгизнинг қийиқ тўлқинлари океан пўртаналари учун қанақа бўлса, *қоино*т ҳам *хаос*га шунақа қариндошдир. Бирор сирли белгисидан бошқа жиҳатлари билан ўғил отасига ўхшамаслиги мумкин, лекин ўша белги ота ва болани бир-бирига ўхшатиб туради.

Хаос ибтидоий, бебош ҳаракатлар мажмуасидир; *қоино*т — вужудга келган уйғунлик, маданиятдир; *хаосдан қоино*т туғилади; *стихия* таркибида маданият уруғлари пинҳондир; бебош нарсалардан уйғунлик юзага келади.

Дунёвий ҳаёт ичида янги турларнинг, янги насларнинг тинимсиз яралиш жараёни кечади. Уларни телба-тескари *хаос* аллалайди, маданият парваришлайди, уларнинг орасида танлов ўтказиши: уй-

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

8

ғунлик уларга тасвир ва шакллар ато этади, оқибатда улар яна бебошлик туманига чулганадилар. Бу ҳодисанинг моҳияти биз учун тушунарсиз, негизлари қоронғудир; биз янгича насл эскисидан афзал деган фикрлар билан овунамиз; бироқ дунёвий қоронғуликни шуъласи билан ёритмоқчи бўлаётган мана шу жажжигина шамимизни шамол ўчириб қўяди. Дунёнинг тартиботлари хавотирларга тўла, у — тартибсизликларнинг жигаргўшасидир ва бизнинг нима яхши-ю, нима ёмонлиги хусусидаги фикр-мулоҳазаларимизга тўғри келавермайди.

Бир нарсани аниқ биламиз: олдингиларининг ўрнига дунёга келаётган насл янги, у янгилаётган аввалгиси эса, эскидир; бу дунёда адоқсиз ўзгаришларни кузатамиз; ўзимиз наслларнинг янгилашниш жараёнида иштирок этамиз, бу иштирокимиз кўп ҳолларда фаолиятсизлик билан кечади: туғиламиз, қариймиз, ўламиз; камдан-кам ҳоллардагина фаолликка юз тутамиз: дунёвий маданиятнинг қайсидир бурчагини эгаллаймиз ва ўзимиз янги наслнинг шаклланишига таъсир этамиз.

Шоир — уйғунликнинг фарзанди; дунёвий маданиятдаги қандайдир роль унга nasib этади. Унинг зиммасига учта вазифа юкланади: биринчидан, қадрдон бўлмиш тартибсизликларнинг, ўзи таркибига кирган *стихиясидан* товушларни озод этиши керак; иккинчидан, бу товушларни уйғунлаштиради, уларни шаклга солади; учинчидан, бу уйғунликни ташқи оламга тадбиқ этади.

Стихиядан юлиб олинган, уйғунлаштирилган ва ташқи дунёга қўйиб юборилган бу товушларнинг ўзлари яратувчилик ишларини бошлаб жоришади. “Шоирнинг сўзи энди унинг иши моҳиятига айланади”. Улар қутилмаган буюкликларни содир этадилар; одамларнинг юракларини синовларга соладилар, кечаётган умр чиқиндилари орасида қандайдир танлов ўтказадилар; улар наслнинг “инсон” деб аталувчи қайсидир бўлақларини бир ерга жамласалар ажаб эмас; нега деганда — эскиси, афтидан жуда, тез таназзулга юз тутади: туғилади ва ўлади. Шоир дунёга келтираётган уйғунликнинг маҳобатига қаршилик кўрсатиб бўлмайди; у билан курашиш ҳам шахсий, ҳам бирлашган инсоний кучлардан юқори бўлган ниманидир ағлатади. “Уйғунликнинг кучини ҳамма ҳам шундай ҳис эта олса эди!” — дея зорланади яккамохов Сальери. Аслида-ку, уни ҳам-

ма ҳис қилади, фақат оддий одамлар, даҳолик ато этилган Моцартдек ҳис этолмайдилар. Шеърят ҳар қадамида аён этадиган белги-нишондан, зарурат туғилганида ошкор қиладиган лақабдан, ўлимдан юз ўгириб бўлмаганидек, ҳеч ким, ҳеч вақт қутулолмайди. Бу ном беҳато нишонга тегади.

Масалан, стихиянинг оддий зарраларини ифода этувчиларни ва бу нарсани тушуниш nasib этмаган, тушуниши мумкин ҳам бўлмаган оддий авомни шоир ҳеч замонда ёмон отлиқ қилган эмас. Ўзлари ҳайдаётган ерга, ўзлари ичидан чиқиб келаётган туман парчасига, ўзлари овлаётган махлуқларга ўхшайдиган одамлар ҳеч қачон *қора халқ*, деб аталган эмас. Аксинча, маданиятга хизмат қилаётгани учун кўп нарсаларни тушунишга бурчли-ю, лекин тушунишни хоҳламайдиганлар борки, ўшалар *қора халқ*, деган шармандали лақабга лойиқдирлар; бу лақабдан уларни ўлим ҳам халос этолмайди; граф Бенкендорф, Тимковский, Булгарин ва улар каби шоирга ўз хизматини бажаришда халақит берганларнинг барисида, ўша лақаб ўлимдан кейин ҳам тамга бўлиб қолаверди.

Одам ўз одамлигини сақлаб қоладиган руҳнинг чуқур қаърида, цивилизация юзага келтирган давлатларнинг ва жамиятларнинг қўли етмайдиган тубларда, ҳаво мавжлари янглиғ, борлиқни қамраган садолар оқади; у ерга тоғларни, шамолларни, денгиз оқимларини, ўсимлик ва ҳайвонот оламини юзага келтирувчи жараёнларни эслатувчи товушларнинг тебранишлари тинимсиз кечади.

Руҳнинг ўша тублари ташқи дунёнинг ҳодисалари билан тўсилган. Пушкин айтадики, ўша тублар шоирдан, балки бошқаларга қараганда кўпроқ тўсиб қўйилган; “тубан дунё болалари ичра, балки у ҳар кимдан пастдир”.

Шоирдан унинг хизмати тақозо этадиган биринчи вазифа, ташқи пардани кўтариб, тубларни очиб олиш учун “ўткинчи дунё ташвишлари”дан воз кечишдир. Бу талаб шоирни “тубан дунё болалари” орасидан ажратиб олади:

Нотинч қалба оҳанглар тошар,
 Ёввойи, шиддатли кўз қарашлари,
 Саҳро тўлқинлари бағрига шошар,
 Шовуллаган ўрмонлар сари...

Ёввойи, шиддатли, саросимага тўла, чунки маънавият тубларини очиш жараёни, фарзанд туғилишидек оғир кечади.

Шоир денгиз ва ўрмонга мурожаат қилади, чунки ўша ёқда ёлғиз қолиб, бор кучини ййгади ва “жонажон *хаос*”га, ажаб-товур *стихия*га, оқаётган товушларнинг тебранишларига қўшилиб кетади. Фаройиб ҳодиса содир бўлади: парда кўтарилади, тублар очилади, товуш қалбга кўчади. Аполлоннинг иккинчи талаби шундан иборатки, тубанликлардан тортиб олинган ва ташқи дунёга тадбиқ этилган товуш пухта ва сезиладиган товушлар шаклига солиниши керак; товушлар ва сўзлар ягона уйғунликни ташкил этиши лозим. Буни моҳир санъаткорларгина удалай олади. Санъаткорлик, худди “жонажон *хаос*га қўшилишдагидек илҳом талаб қилади”; “илҳом, дейди Пушкин, таассуротларни жонли ҳолда қабул қилишга, мулоҳазаларни тушуна олишга, керак бўлса уларни ифодалаб беришга ҳам кўнгилнинг мойил бўлиши демакдир”; шунинг учун, шоир ўзининг биринчи ва иккинчи вазифалари орасида аниқ бир чегара белгилаб олиши мумкин эмас; қобиқлар қанчалик кўп кўтарилса, *хаос*га қўшилиш қанчалик кўпайса, товушнинг туғилиши қанчалик қийин кечса, — у шунчалик ёрқин шаклга киришга интилади, у шу қадар узоқ яшайди, уйғунликни ва одамнинг эшитиш аъзосини шунчалик тиришқоқлик билан таъкиб этади.

Энди шоирликнинг учинчи шартига навбат келади; юракдан жой олган ва уйғунлик касб этган товушларни ташқи дунёга тадбиқ этиш лозим. Шу ерда шоир билан *қора халқ* ўртасида тўқнашув содир бўлади.

Бирор замонда оддий авом *қора халқ* деб аталгани даргумон. Аслида шу лақабга муносиб нухсаларнинг ўзлари оддий авомга нисбатан бу иборани ишлатган бўлса ажаб эмас. Пушкин халқ қўшиқларини тўплади, уларни оддий авом тили билан ёзди; таги қишлоқлик бўлган энгагаси унинг учун энг мўътабар зот эди. Буни тушунмаслик ва Пушкин *қора халқ* атамаси остида оддий авомни назарда тутган деб ўйлаш учун ўтакетган тўпори, ё ёвуз одам бўлиш керак. Агар рус маданияти қайтадан юксалганда эди, Пушкиннинг сўзлари бу масалани ойдинлаштириб берарди. Пушкин ҳам *қора халқ* деганда тахминан биз тушунган нарсани англаган. У кўпинча ўша номга “оқсуяк” сифатини қўшиб айтган ва бу билан сарой аъёнлари мансаб даражалари

бўлмаса ҳеч нарсага арзимас кишилар эканига урғу берган; лекин ўша кезлардаёқ Пушкиннинг кўзи ўнгида аъёнлар авлоди ўрнини шиддат билан бюрократия эгаллаб олаётган эди. Тўраларнинг янги авлоди айнан *қора халқ* номини ифода этарди: аъёнларни эмас, оддий авомни эмас, махлуқларни ҳам, парча ерни, туман бўлакчасини, коинотнинг заррасини ва ҳатто, иблисларни ёки фаришталарни ҳам эмас: айнан кечаги ва бугуни *қора халқни*. “Эмас” деган иборани қўллаётиб, улар ҳақда бир гапни айтиш мумкин: улар кимсалардир; бу — унчалик шарафли ном эмас; ишбилармон ва пасткаш, маънавий тублари чириган ва “ўткинчи дунё ташвишлари”га ўралашиб қолган кимсалар.

Қора халқ турган гапки, шоирдан ўзи хизмат қилаётган мақсад сари боришни талаб қилади: Пушкин гап келганда айтадики, улар шоирнинг “фойда келтириш”ини хоҳлашади; шоирнинг “қўчалардаги ахлатларни супуриши”ни, “ҳамкасблари кўнглига зиё ёғдириши”ни талаб қилишади.

*Қора халқ*нинг ўз нуқтаи назарига кўра талаб қилаётган нарсаси тўғри эди. Биринчидан, у ҳеч қачон, шоирдан талаб этаётгани — қўчалардаги ахлатларни супуриш ишидан жиддийроқ бошқа нарсадан фойдаланишга қодир эмас. Иккинчидан, ички сезгиси билан бунақа ишлар бўлган тақдирда ҳам, тезда ёки секинлик билан ўзига зарар келтиришини у ҳис қилади. Юракларни ларзага солувчи уйғунлик (санъат демоқчи — тарж.), *қора халқ* хоҳлайдиган, бир текисда оқадиган ташқи дунё ҳодисалари ўзанини юзага келтирувчи, осуда машғулот эмас.

Қора халқ табақаси, буни қарангки, одамларнинг бошқа табақалари каби жуда имиллаб тараққий этиши мобайнида, одамларнинг мияси бошқа барча тана аъзоларига нисбатан катталлашиб бораётганига қарамай, *қора халқ* давлатнинг биргина идорасини — Пензуруни ажратиб олди. Шундай усул билан улар шоирнинг учинчи вазифасига — уйғунликни ташқи дунёга тадбиқ этиш вазифасига тўсиқ ташладилар, аслида улар биринчи ва иккинчи вазифаларга ҳам тўсиқ ташлаш йўлини ўйлаб топишлари мумкин эди. Улар уйғунлик манбаларини лойқалатиш усулларини топишларига ҳам бир баҳя қолди; уларни нима тутиб турибди экан, —

¹ Аполлон — қадим юнон афсоналарида санъатга ҳомийлик қиладиган худо.

калтафаҳмлики, журъатсизлики ёки виждонми — бунисини худо билади. Балки, шунақа усуллар изланаётгандир?

Хуллас, кўриб турганимиздек, шоирлик ишларини ташқи дунё тартиботлари билан қиёслаб бўлмайди. Шоирнинг хизмати, таъкидлаб кўрсатилаётганидек, умум маънавий аҳамиятга моликдир, унинг иши — тарихийдир. Шунинг учун Пушкинга қўшилиб шундай дейишга ҳақлимиз:

Ғаму андуҳларим кам эмас сира,
Матбуот эркинми, ёки асира?!
Меровлар бошини қотирар доим.
Сезгирлик ниқобин кийган цензура.
Журналларда титиб фикрни — розни,
Исканжага олар масхарабозни.

Шундай дейиш билан, Пушкин **қора халққа** цензура қилиш ҳуқуқини топширган, нега деганда бу билан нодонларнинг сони барибир камайиб қолмаслигини билган.

Шоирнинг юмуши, аслида, нодонларни битта қўймай шарманда қилишдангина иборат эмас; ҳар қалай, одам (умрининг — тарж.) чиқиндилари уюмини титиб, ўртамиёна фаолият маҳсуллари-дан анчайин қизиқарли нималаргадир эришмоқлик мақсадида, шоир яратган уйғунлик нодонлар ўртасида танлов ўтказганича бор. Бу мақсад эртами-кечми, асл уйғунликни истифода этади: дунёдаги ҳеч бир цензура, менинг назаримда, шоирнинг асосий юмушига халақит беролмайди.

Биз шахсий деб атайдиган хурлик билан, сиёсий деб биладиган хурлигимиз орасидаги фарқни Пушкин тўғри тушунганми ёки йўқми? — бу ҳақда, бугун, Пушкиннинг хотирасига бағишланган улуғ кунда баҳслашиб ўтирмаймиз.

Шуни биламизки, у “ўзгача”, “сирли” хурликни талаб қилган. Бизнинг назаримизда ўша хурлик “шахсий”дир, лекин Пушкин учун у ҳеч қачон фақат шахсий бўлган эмас:

... ҲЕЧ КИМГА

Ҳисоб бериб ўтирма, фақат ўзинг-ўзингга
Хизмат қилишни ўйла, ҳоким бўлгин сўзингга.
Виждонингни сотмагин маъмуру малай учун.
Саёҳатга мойиллик кўрсатсин яна кучин,
Илоҳий табиатнинг кучоғига отланиб,
Сайр этгин қониб-қониб.

Санъат мўъжизасидан дилда илҳом уриб жўш,
Завқу шавқдан этсанг нўш —
Мана бахт! Мана ҳуқуқ!

Бу сўзлар ўлим олдидан айтилган.
Ўсмирлигида бу ҳақда Пушкин шундай деган:

Муҳаббат ва махфий хуррият —
Юракка тасалли тараннум фақат.

Бундай хуфиёна хурлик, бундай эркалик — кейинчалик Фет ҳаммадан кўра баралла айтган сўз (“Кўшиқчининг телбавор майли!”) — умуман шахсий хурлик эмас, анча кенг маънодаги нарсадир; бу аввалданоқ Аполлон шоирдан талаб этган икки вазифа билан қаттиқ боғлиқ нарсадир. Пушкин шеърларида тилга олинган ҳодисалар уйғунликни озод этиш учун зарур. Уйғунлик жиҳатидан одамларни синашда, учинчи юмушда халақит бераётиб, Пушкин аввалги иккитасида бундай қилолмаган эди, яъни ўша икки юмуш — шахсий эмасди.

Шунга қарамай, Пушкиннинг ҳаёти ўз ниҳоясига яқинлашаётиб борган сари кўпроқ тўсиқларга дуч келаверади. Пушкин кучдан қолган сари, унга қўшилиб ўша давр маданияти — Россиядаги ягона маданий давр ҳам қолдан тояверди: ўтган асрнинг фожиавий қирқинчи йиллари яқинлашаётган эди. Пушкиннинг ўлим тўшаги узра Белинскийнинг гўдакларга хос бижирлаган овозлари янграй бошлади. Бу бижирлашлар бизга ҳатто граф Бенкендорфнинг (заҳарханда бўлса ҳам — тарж.) ёқимли туюлган овозига нисбатан бутунлай совуққон, телба-тескари бўлиб эшитилди. Ҳали-ҳануз шундай туюлади...

Олижаноб алдовдан кўра
Зулмат ҳақиқати қадрли бизга.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмида, Белинскийнинг гўдакларча бижирлашларида эшитилган гапларни, Писарёв томоғи қирилгудек бақриб айтди.

У ёғига нима бўлганини гапиришдан ўзимни тияман, нега деганда ўша манзарага аниқлик киритиш ҳозирча мумкин эмас; балки замонлар ўтиб, менинг майда мулоҳазаларимда қулоққа чалинаётган ёки бу мулоҳазаларга тескари фикрларда чуқур ўрнашиб қолган нуқтаи назарга мутлақо ўхшамайдиган бошқа фикрлар юзага чиқиб қолар; яна қандай-

дир воқеаларни бошдан кечириш керак бўлармикин — бу масалада хулоса чиқариш келгуси Россия тарихчиларига на-сиб этади.

Пушкин ўлди. Бироқ, “болалар учун Мағрурлик ўлмайди”, деган эди Шиллер. Пушкинни ҳам аслида Дантеснинг ўқи ўлдирган эмас. Уни ҳавонинг етишмаслиги адойи тамом қилди. Унга қўшилиб ўша давр маданияти ҳам ўлди.

Бўлди, азиз дўстим! Айни пайтидир,
Энди юрак ҳаловат истар.

Бу — Пушкиннинг ўлимоли ҳайқириғи, қолаверса, Пушкин даври маданияти нидосидир.

Дунёда саодат йўқ, бордир ором ва ирода.

Ором ва Ирода. Булар шоирга уйғунликни озод қилиш учун зарур. Лекин ором ва иродани ҳам тортиб олишаркан. Ташқи эмас, ижодий оромни. Болаларга хос иродани эмас, вайсақи ҳурликни эмас, ижодий иродани ва хуфиёна ҳурликни. Шоир шунда ўлади, чунки нафас олиш учун ҳаво қолмайди, ҳаёт маъносини йўқотади.

Шоирга уйғунлик орқали юракларни ларзага солишда халақит берган мулойим тўралар, абадулабад **қора халқ** лақабига маҳкум бўладилар. Улар шоирга фақат учинчи юмушни амалга ошишида халақит берадилар, холос. Пушкин шеърияти кенг кўлами билан эндиликда ўзининг иштирокисиз юракларни ларзага солишда давом этаверади... Шеъриятни қандайдир ўз ўзанларига буриб юбормоқчи бўлаётган тўралар, хуфиёна ҳурликка қасд қилиб ва сирли вазифани бажаришга тўсиқ бўлиб **қора халқ** деганидан ҳам баттар лақаб орттириб олишдан ўзларини тийишса қандай яхши бўларди.

Биз ўламиз, лекин санъат қолади. Унинг вазифаси охиригача бизларга аён эмас, аён бўлиши мумкин ҳам эмас. У ягона ва муштаракдир.

Мен вақтихушлик учун учта оддий ҳақиқатни айтишни истардим.

Ҳеч қандай алоҳида санъат мавжуд эмас, унга нолайиқ бўлмаган одамни санъатга дахлдор деб бўлмайди; санъат асари яратиш учун, катта лаёқатга эга бўлиш лозим.

Мантиққа асосланган бу қувноқ тенгламалар қаршисида, гуноҳларимиз кўп бўлишига қарамай, Пушкиннинг қувноқ номи билан қасам ичса бўлади.

Бахтиёр АҲМЕДОВ таржимаси



Ўлмас даҳо

М. Булгаковнинг “Сўнги кунлар” пьесасида
Пушкин сиймоси талқини

Александр Сергеевич Пушкин, вафотидан буён ўтган даврдаги барча эврилишларга қарамай, рус маданиятининг марказий сиймоси бўлиб қолаверади. Бундан икки аср муқаддам рус халқи дунёга Пушкиндек буюк истеъдод соҳибини берди. Шоирнинг буюк мероси XIX аср рус адабиётининг гуркираб ривожланишига туртки бериб, миллатнинг маънавий мулкини янада бойитди. Пушкин ижоди марказини замондошлари ҳаёти, асрнинг аянчли ҳолатини тасвирлаш ташкил этади. У ўзининг ижодий қувончлари ҳақида, аччиқ шубҳалари ва ишқи-бозликлари, муҳаббат изтироблари ва 1830 йилнинг оғир дамларидаги руҳий азоблари тўғрисида ҳикоя қилади. Айни ўша дамларда подшо, жандармлар ва тўпори оқсуяклар таъқиб унинг ҳалокатини белгилаб қўйганди.

Шу муносабат билан буюк шоир таржимаи ҳолидаги бир нуқтани хотирлаш жоиздир. 1830 йилда подшо ва жандармлар шоирни таъқиб этишни авж олдирдилар. Унинг тутқунликдан қутулиш — қисқа муддатга бўлса ҳам чет элга жўнаб кетишга уринишлари барбод бўлди, унга мамлакатдан чиқиб кетишга рухсат беришмади, пойтахтда яшашга мажбур қилишди. 1833 йил подшо Пушкинга оғир зарба етказди, унга камер-юнкер унвони берди. Бу икки томонлама таҳқиқлаш эди: биринчидан, шоирни сарой мулозимига айлантиришди, иккинчидан, ўрта ёшдаги одамни одатда оқсуякларнинг болаларига бериладиган унвон билан тақдирлашди.

Энди бошқа бир буюк ёзувчи Михаил Булгаков таржимаи ҳолига мурожаат қилайлик. 1929 йилда М. Булгаковнинг барча пьесалари театрлар саҳналаридан олиб ташланди. 1930 йилда унинг янги пьесаси “Риёкорлар асорати” (“Мольер”)нинг саҳналаштирилиши тақиқланди.

Шунда у “СССР ҳукуматига” хатини ёзиб, озодликка қўйишларини сўради. Булгаковнинг чет элга кетишига йўл беришмади. Бунинг эвазига унга “МХАТ” театрида ишлашига ваъда беришди. У театрдан оддий хизматчи маошини олиб, ишлашга мажбур бўлди. 1932 йилга келиб “Турбинлар ҳаёти” спектакли яна қўйила бошлади. Бошқа ҳеч қайси бир пьесаси, шу жумладан, 1934—35 йилларда ёзилган (Пушкин ҳақида, “Иван Васильевич”) пьесалари ҳам ҳаётлиги пайтида саҳна юзини кўрмади. У бирорта асари матбуотда босилганини кўролмади.

Михаил Булгаковнинг Пушкин билан ғойибона мулоқоти бежиз эмасди. Умуман, драматург ижодига шунчаки кўз югуртирган киши ҳам Булгаков Пушкин даҳосига тез-тез мурожаат этганини яққол кўради. Бир эсланг-а, ёзувчи “Изгири” ҳикоясига Пушкиннинг “Қиш оқшоми”дан “Дам ҳайвондай увиллаб ўтар, дам гўдакдай йиғлар, берар ун” сўзларини эпиграф қилиб олади. Шоирнинг бу сатрлари умумлашма моҳиятига эга. Ҳикояда қор бўроннинг гувиллаши бўрининг увиллашига айланиб, бош чаноғи мажақланган қизни даволашга уринаётган ҳақим ўларида мавжланаётган пўртана билан қўшилиб кетади.

Ёки “Уста ва Маргарита”ни олайлик. “...Ҳар тарафдан эшитилаётган радио овози уни таъқиб этар” — барча дераза, эшик, том ва чордоқлардан... “Евгений Онегин” операси полонезининг бўғиқ чийиллаши кириб келарди... Уни бутун оғир йўли давомида ҳар томондан эшитилаётган оркестрнинг Татьянага ўз севгиси ҳақида куйлаётган оғир дўриллаган овоз жўрлигидаги товуши қийнарди”...

Михаил Булгаков ёзган “Сўнги кунлар” пьесасининг номи, мазмуни, ҳатто эпиграфи ҳам Пушкин ижоди унга бе-

қиёс илҳом берувчи адабий манба бўлганлигидан дарак беради:

“Эҳтимолки, тақдир сақлаб қолади,
Мен тўқиган мисра, қўшиқ-қитғалар
Ботмас Унутилиш наҳрига балки...”

Пьесадаги ушбу эпиграф Пушкин даҳоси ўлмаслигини айтиб турибди.

Энди бевосита “Сўнгги кунлар” (“Пушкин” 1934—1935 й.) пьесасининг ўзига эътибор берайлик. Булгаков бу пьесани В. Вересаев билан ҳамкорликда ёзди. Бу адиб ўша пайтлар Пушкиннинг ҳаёти ва ижодига оид адабий тадқиқотлар олиб борарди. Лекин бу ҳамкорлик узоққа чўзилмади. Чунки уларнинг ҳар бири буюк шоир тарихини ўзича тасаввур қиларди.

Хўш, Пушкинни Булгаков қандай тасаввур қилди?

Асар мавзуи шоир тарафдорлари (Жуковский, Александра Гончарова, графиня Воронцова, талабалар) ва рақиблари (Николай I, Долгоруков, Бенедиктов, Дантес ва бошқалар) ўртасидаги тўқнашувлар асосига қурилган. Уларнинг ҳаммаси шафқатсиз бир ўйиннинг иштирокчиларидир.

Подшо Николай I улкан ҳокимият соҳиби, ҳаддан ташқари катта ваколатларга эга одам. У пьесада шоирга қарши ифлос ўйин иштирокчиси, майда-чуйда нарсалар учун ҳам ўч олиш даражасида тубанлашган одам сифатида тасвирланади. Шуҳратпараст Салтиков, мамлакатнинг “биринчи шоири” — Бенедиктов, жирканч фитначи Долгоруков, чақимчи Богомазовлар учун энг муҳим касб-корлик ғийбату фишқ-фасод эди. Улар шоирга қарши иғволар тўқишга, уни қоралашга, номини булғашга, фитна тўқишга қанчалик уринишса, Пушкиннинг сиймоси кўз ўнгимизда шунчалик ёрқинлашади.

Булгаков учун буюк санъаткор билан ҳокими мутлақ ўртасидаги тенгсиз фожиавий қарама-қаршиликни кўрсатиш муҳимдир. Унча катта бўлмаган пьесада, қисқа диалоглардан фойдаланиб, Пушкин теварагидаги ҳаракатларни кўрсатиш орқали Булгаков бутун бир даврнинг ифодали белгиларини: давлат ишларию инсонлар тақдири саройларда ҳал этилаётган Николай Россиясини акс эттирди. “Қулла юрти, тўралар юрти” — деб таърифлаганди Лермонтов ана шу Николай Россиясини. Бу давлатда тирик одам бир қатор ҳокимият чиғириқлари-

дан ўтказилиб ҳаётга бошқа бир қиёфада, ё мансаби оширилган, ё таҳқирланган ҳолда қайтарилади.

Пушкин хонадонини ўраб олган оламнинг жунбушга келиши, Лермонтовнинг “Шоирнинг ўлими” шеъри ўқилиши буюк шоир қотилларига қаттиқ айбнома бўлиб янграйди. Ҳатто узоқ йиллар давомида Пушкин орқасидан айғоқчилик қилиб юрган муҳофаза хизматчиси Битков ҳам шоирнинг буюк қобилиятини тушуна бошлайди ва қилмишлари учун узоқ вақт руҳан эзилиб юриши турган гап. Пушкин тимсолининг мазкур расмиятпараст дунёга қарши бўлгани табиий. М. Булгаков пьесада ўта қизиқ бадиий усулдан фойдаланган. Асарда Пушкиннинг ўзи қатнашмайди. Кўз ўнгимиздан шоир ҳақида гапирувчи шахслар бир-бир ўтадилар. (Бу ерда машъум камзул, шоирнинг хотини билан муносабати, Пушкин ижодини баҳолаш, Лермонтов шеъри эсланади). Шу усулни қўллаш натижасида “санъаткор ва ҳокимият”, “шеърийат ва давр” мавзуи бўрттириб берилади. Булгаков учун шоирнинг ўзини эмас, балки унинг ижоди билан яшаётган жамиятни, Пушкинни қуршаб турган муҳитни кўрсатиш муҳим. Шу тариқа Булгаков ўз тақдирини шоир тақдирига боғлайди, турмуш қабиҳликлари асоратини тасвирлаб беради. Бундай асорат ҳар қандай буюк ижодкор (Мольер, Пушкин, Булгаков) билан ёнма-ён юради. Одатда бундай даҳоларнинг ижодлари ҳукмдорлар томонидан ўз нуфузларига таъна сифатида қабул қилинади. Табиийки, уларнинг ҳар бири ҳаётини захарлашга интилади.

Пушкин ҳақидаги пьесага Булгаков шоирга буюк эҳтиромини, унинг аччиқ қисматидан қаттиқ ачиниш туйғусини сингдира олди. Бу туйғу графиня Воронцова тилидан шундай ифодаланади:

“О, афсус ва надоматлар бўлсинки, ғайриоддий кишиларнинг ўзидан устунлигини тушуниш ҳаммага ҳам насиб этмайди. Пушкинда даҳо ва маърифат уйғунлашиб кетгани қандай яхши! Лекин, на чора, унинг ҳасадгўйлари ва душманлари ошиб-тошиб ётибди!”

Шу тариқа Булгаковнинг 30-йиллар драматургиясидаги ғоявий муаммолар — мустабид тузум ва зolimлик билан келиша олмаган ижодкор шахсини англаш “Мольер”дан “Пушкин”га ҳам ўтади. Кейинчалик бу туйғу “Уста ва Маргарита” асарининг якуний ғоясида уйғунлик кабс этади.

“Сўнгги кунлар” пьесаси асосида адиб билан шафқатсиз ҳокимият ўртасидаги низо ётади. Бу низонинг рамзий ифода воситаларидан бири муסיқадан фойдаланишдир. Шу муносабат билан қайд қилиш жоизки, Булгаков ижодида муסיқа муҳим ўрин эгаллаб келган ва кўпинча асарнинг (масалан, “Уста ва Маргарита”, “Ит юрак”, “Касофат тухумлар”, “Турбинлар ҳаёти” ва ҳ.к.) марказий ғоясини ифодалайди. “Сўнгги кунлар” пьесасида бу вазифани Пушкиннинг “Қиш оқшоми” кўшиғи бажаради.

“Сўнгги кунлар” пьесасининг бошланғич манзараси — тун, изғирин ва “яхши одам итини кўчага ҳайдамас” мақоли асосига қурилади. Асарнинг бошидаёқ ҳокимият билан ижодкор ўртасидаги муносабатларни ифодаловчи жиддий муаммо қўйилади.

Пьесанинг биринчи кўринишидаёқ Наталья Гончарованинг опаси Александра Гончарова фортепьяно чалиб, “Қиш оқшоми” кўшиғини хиргойи қилади:

Бўрон, зулмат осмонни тутар,
Қор-қуюни қилади ўйин.

Эсланг-а, Булгаковнинг “Оқ гвардия”, “Еш ҳаким қайдлари” сингари кўплаб асарларида бўрон увиллайди. “Сўнгги кунлар”да эса бўрон товушлари билан тўйинтирилган. Пьеса яна ўша кўшиқ билан яқунланади, лекин уни энди Пушкин жасади солинган тобутни кузатиб бораётган соатсоз Битков айтади. “Сўнгги кунлар” пьесаси фақат даҳонинг жожеасини, унинг душманларини ғазаб билан фош қилишдангина иборат эмас, балки шоирнинг улугвор сўзи қудрати ифодасидир... “Қиш оқшоми” шеърининг сатрлари ана шундай кучга эгадир.

“Ажойиб ашъор”, — дейди шўрлик айғоқчи Битков, Гончарованинг бу сатр-

ларни қандай дард билан куйлаётганини тинглаб. Кейин Битков Дубельтга Пушкиннинг: “Бўрон, зулмат осмонни тутар” сатрини ўқиб беради. Анча вақтдан кейин Дубельт сарой маслаҳатчиси Богомазовдан қандайдир қоғозларни олар экан, уларни овоз чиқариб ўқий бошлайди: “Бўрон, зулмат осмонни тутар, қор-қуюни қилади ўйин...” Бўрон тимсоли биринчи сатрлардан оқ соат чиқиллаши жўрлигида куча боради. Ёзувчи ташқарида увиллаётган бўронни шоир қалбидаги қуюн уйғунлигида акс эттиради. Хизматкор Никита Пушкин сўзларини такрорлайди: “Сен жонимга тегдинг-ку, ахир, сенсиз ҳам бошимда қуюн қутурар”...

Сўнгги сахнада маст Битков кимнинг орқасидан шунчалик ўлиб-тирилиб айғоқчилик қилганини эслайди: Ўша шеърлар туфайли ҳеч кимга тинчлик йўқ, ўзига ҳам, бошлиққа ҳам, менга ҳам... О, Бўрон! Энг яхши шеърни ёзган у:

Бўрон, зулмат осмонни тутар,
Қор қуюни қилади ўйин.
Дам ҳайвондай увиллаб ўтар,
Дам гўдакдай йиғлар, берар ун...

Битковнинг яқунловчи сўзлари башоратомуз жаранглайди: “У-ку, ўлишга ўлди-я, лекин кўряпсанми, бўрон бўляпти, қуюн қутурмоқда... Мен кўрқиб кетяпман: биз уни кўмдик ҳам деяйлик, лекин фойдаси бўлармикан... Шу билан осойишталик ўрнатилармикан?!” Кўриб турибмизки, Булгаков Пушкин тасвирлаган бўрон орқали ҳақиқатни енгиб, ўлдириб, кўмиб йўқотиб бўлмаслигини зўр жасорат билан ифодалай олган. Шундай қилиб, Пушкин пьесада кўринмас марказ бўлиб ҳаракат қилади. Ана шу марказ теварагида эса муҳаббат ва тухмат эҳтирослари жўш уради.

*Муҳаббат ШАРАФИДДИНОВА,
филология фанлари номзоди.*

Гёте совфаси

Немис шоири Иоганн Вольфганг Гёте А. С. Пушкиндан 50 йил аввал дунёга келди. Жаҳон мумтоз адабиётининг умри боқий устунларидан бирига айланган бу шоир бошқа мамлакатларда, жумладан, Россияда ҳаёти мазмунини бадииятдан излаб, унга содиқ хизмат қилаётган барча қаламкашлар билан қизиқди, заминда умумбашарий адабиёт, яъни “жаҳон адабиёти” мавжудлиги ҳақидаги фикрни ҳам илк маротаба у айтди.

Гёте дунё маданиятининг бир илди-зи, бир асоси бор — бу ҳам бўлса Фарбда, Фарб маданият бешиги деган ноил-мий фикрга қарши ўлароқ, дунё маданияти ягона жараён ва қонуниятлар асосида ривожланишини, бу жараёнда Шарқ ҳеч қачон Фарбдан кейин қолмаганини, балки кўп соҳаларда ундан илгарилаб кетганини таъкидлайди.

Айтиш жоизки, германиялик адибнинг Шарққа ҳурмати, эҳтироми унинг Ҳофиз Шерозий ижоди таъсирида яратилган “Фарбу Шарқ девони” да ўз ифодасини топди:

Ҳофиз, сен-ла беллашмоққа
йўл бўлсин бизга!
Лочин каби учар елкан
тўлқинлар узра.
Енгил, эпчил учиб борар
интилиб олға,
Агар тўфон кўтарилса,
азобда дарға!
Кўшиқларинг кўкка учар
олов қушидай,
Денгиз ўтга дўнса агар
мен нечун куймай!

Мана шу улуғ шоир 19 аср рус адабиёти, хусусан, А. С. Пушкин ижоди-

ни ҳам зўр қизиқиш билан кузатиб боради.

Пушкин-чи? Пушкин тиниб-тинчимас китобхон ҳам эди. Қадим мумтоз ва ҳозирги замон адабиётидаги бирор жиддий асар унинг эътиборидан четда қолмасди. У ўзи ўқиган китоблар ва уларнинг муаллифлари ҳақидаги фикрларини дўстларига йўллаган мактубларида баён қилар, улар билан суҳбатда бу асарларда фойдаланар, танқидий мақолаларида кўчирмалар олар эди. Мунтазам бадиий тафаккур оламида яшаган А. С. Пушкин йиллар давомида ўзининг у ёки бу ижодкор ҳақидаги илк фикр-мулоҳазаларини бойитиб боради.

Шуниси қизиқки, Пушкин ўзи ўқиган китоб муаллифларининг кўплари билан ҳеч қачон учрашмаган бўлсада, уларнинг суратларини чизишни яхши кўрган. У чизган немис адиблари Шиллер, Гёте, инглиз Байрон, француз Мирабо ва бошқаларнинг суратлари кишида кучли таассурат қолдиради.

Италия Уйғониш даври намоянчаси, “Илоҳий комедия”нинг муаллифи Данте Пушкин тасаввурида жиддий, улуғ бир қиёфада ўз ифодасини топади. Француз маърифатпарвари Вольтер тийрак кўз, лаблари қисилган ҳолатда тасвирланади. Инглиз романтизмнинг улкан вакили Байрон ўйчан қиёфада акс эттирилади. Фаранг Мирабо сиёсатдон сиймосида эмас, кўпроқ ҳиссиётли севги мактублари муаллифи, шайдо йигит сифатида кўринади.

Шоирларни боғлар ўзаро
Ширин дўстлик иплари азал.
Барисининг дилида армон,

Барисин ҳам суянгани қалб.
Тақдирлари ҳар хилу, аммо
Биродарлар илҳом туфайли.

Шиллер ва Гётега бағишланган бу сатрлар Пушкиннинг жаҳон шоирлари тақдирига фаол муносабати, ҳурмат-эътиборидан далолат беради.

Дарҳақиқат, шоирларни, умуман ижодкорларни, миллий биқиқлик эмас, тақдир, илҳом яқинлаштиради, дўст айлайди. Зеро, дунёда бирор ҳақиқий шоир йўқки, у нодонликни, хоинликни, сотқинликни ва шунга ўхшаш инсонга зид хислатларни оқласа!

Ҳақиқий ижодкорнинг Оллоҳи — гўзаллик, суянган тоғи — яхшилик, ягона таянчи — халқи, ватани, унинг эртасига бўлган эзгу умиди, ишончи.

Илк бор Гёте ҳақида Пушкинга унинг лицейлик дўстлари Дильвиг, Кюхельбекер сўзлаб беришади. Россияда немис ва инглиз шеърятни тарғиботчиси В. А. Жуковский рус тилида бу адабиётларнинг гўзал таржималарини яратади. Мана шу таржималар ҳам Пушкиннинг Гёте ижодига бўлган қизиқишини янада кучайтиради.

Пушкин баркамол адиб даражасига кўтарилгач, Шиллер ва Гёте унинг учун Германия рамзи бўлиб қолади. У ўзининг шеърый романи “Евгений Онегин”да бу юрт осмонини “Шиллер ва Гёте осмони” деб атайди. Ўзбек тилига асримизнинг 30-йилларида устоз Ойбек, 80-йилларида нафис услубли шоир Мирза Кенжабек таржима қилган бу романнинг қаҳрамонларидан бири Германиянинг Геттинген университети собиқ толиби Ленский Онегин билан дуэлга чиқиши олдидан умрининг сўнгги кечасида Шиллер назмидан баҳраманд бўлади. Романтик руҳдаги шоир шу тахлит ўлими олдидан гўзаллик, санъат билан хайрлашади.

Михайловскда қувгинда кечган йилларда Пушкин ўз ижоди орқали дўстларига мурожаат қилади. Кюхельбекерга бағишланган шеърисида у шундай ёзади:

Сўзлармиз Кавказнинг жўшқин кунлари,
Шухрату муҳаббат, Шиллер ҳақида.

Бинобарин, Пушкин “Борис Годунов” фожиаси устида ишлаётган худди мана шу пайтларда (1825 йил)

Шиллернинг драматик асарларини чуқур ўрғанади.

Пушкин ўзга халқ бадиий тафаккури ҳар қандай миллий адабиётга, агар ундан оқилона фойдаланилса, фақат наф келтиришини уқтиради. У умрининг сўнгги йилида Россия академиясининг аъзоси Лобановнинг “хориж адибларининг рус бадиий адабиётига мантиқ ва ахлоқ нуқтаи назардан салбий таъсири” ҳақидаги зарарли гоёсига қарши чиққанида ҳам Шиллер ва Гётега таянади: “Шиллер “Қароқчилар” асарини, Лобанов ўйлаганидек, университет ёшларини қароқчилик қилиш учун катта йўлга чорлаш мақсадида ёзмаган. Нега энди бугунги ёзувчилар ижодидан жинойий ниётларни қидириш лозим бўлиб қолди? Ахир адибнинг асосий мақсади ёшлар тасаввурини банд қилиш (бойитиш — Б. И.) ва уларни ҳайрат туйғуларини кучайтириш билан яхшиликка ундаш эмасми?”

“Буюк Гёте”, “умрибоқий Гёте” — А. С. Пушкин мактубларида учрайдиган бу иборалар унинг немис даҳосига бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиромини ифода қилади.

Пушкин Гётенинг кўплаб асарларига ўз муносабати — фикрларини очик билдиради. У Шекспир ва Гёте яратган тарихий драмалар, уларнинг ҳозирги замон француз театри, ўз салафлари ва рус адибларига таъсири ҳақида фикр юритади. Пушкин Гётенинг мактубларидан ҳам фойдаланади. Аммо уни қойил қолдирган асар — Гёте ижодининг гултожи бўлмиш “Фауст” эди. Пушкиннинг таъкидлашича, бу “инсон бадиий тафаккури томонидан яратилган энг улуғ асардир”, у янги шеърят, янги адабиёт намунаси бўлиб хизмат қилади ва худди “Илиада” каби жаҳон маданиятининг бебаҳо хазинаси бўлиб қолади”.

Пушкин Гётенинг бадиий жасоратига тан беради. У умрининг сўнгги йилларида ҳам Гёте ижоди билан оналикни тарк этмайди. Ёзилажак асарларидан бирининг режасини тузар экан, “бордию, драма ёзиладиган бўлса, “Фауст”га ўхшаб кетиши мумкин, бундай поэма чиқариш маъқул”, дея ўйлайди.

Хўш, Гёте-чи? У Пушкин ҳақида эшитганмиди?

Аввалдан айтиш лозимки, у Пушкинни билмаслиги мумкин эмасди, зеро, ўша давр рус маданияти намоёндаларидан қайси бири Германияга сафар қилса, Гёте хонадонига ташриф буюрарди. Гёте рус таржимонларидан бири Рожалиннинг гувоҳлигига қараганда, немис даҳоси “Россияга алоқадор барча нарсалар билан доимо қизиқарди. Рус тилидан француз, немис, инглиз, итальян тилларига таржима қилиниб нашр этилган китобларни қолдирмай ўқирди. Инглиз ва немис тилларида бажарилган таржималарни сўрарди”.

Бундан ташқари, Гёте даргоҳида бўлган русларнинг кўпчилиги, жумладан, Пушкиннинг дўстлари Кюхельбекер, Александр Тургенев, Жуковский ва бошқалар немис адабиётининг пешқадам адибига рус шеърятининг султони ҳақида гапирганлар.

Мана, ниҳоят немис адабиётининг отаси рус миллатига мансуб ёш ҳамкасбига фоз патидан тайёрланган қаламини юборишга аҳд қилади. Бу юмушни бажаришни у Германиядан ўз ватанига қайтаётган шоир ва таржимон Жуковскийга юклайди. Жуковский

1827 йилда Петербургга 6 йиллик сургундан энди қайтган ёш дўстига Гётенинг рамзий совғасини топширади.

Гётенинг бу совғасидан мамнун бўлган Пушкин, уни асраш учун махсус сандиқча буюради. Қопқоғи устига “Гёте совғаси” деб битилган бу сандиқчани Пушкин доимо ёзув столи устида сақлар, унинг ичидаги рамзий қалам эса уни илҳомлантирар, тумордек асрар, ўзига ишончини оширарди.

Гёте 1832 йилда 83 ёшда оламдан ўтди. А. С. Пушкин эса ундан беш йил кейин, 1837 йилда ор-номус қурбони бўлди.

Хуллас, Шарқу Фарбни туташтирган заминда бир улуғ шоир ўтди. У умрида жаҳон маданияти, бадииятидан кўп нарса ўрганди. Шу билан ўз халқи маданиятини юксалтиришга эришди. Лекин умумжаҳон адабиёти, маданияти олдида қарздор бўлиб қолган эмас. У нима олган бўлса, ўн ҳисса, юз ҳисса қилиб қайтарди. Бугун Пушкин асарларининг жаҳоннинг юзлаб тилларида жаранглаётгани, ҳар бир халқ уни худди ўз миллий адабиётининг вакилидек қадрлаётгани фикримизнинг яққол далилидир.

*Бозор ИЛЁС ал-АМИН,
Термиз Давлат университети
доценти.*



Андре БРИНК

Шамолдаги лаҳза

Роман

Брейтенга бағишланади

...Эҳ, иккаламиз нақадар
узоқ ва машаққатли йўл юришимизга
тўғри келади...

Бу водий йўлларин барчаси вайрон,
Кўнглимда ишқ ўти, севганим — малак.
Шамолдаги лаҳза, қудратли қисмат
Айтадир: ҳар кимнинг йўли ҳам бўлак.

Гарт КРЕЙН

Каҳрамонларимиз ким? Уларнинг исми шарифлари Адам Мантоор ва Элизабет Ларсон бўлиб, ҳаётларининг айрим қирралари тўғрисида узоқ-юлуқ қайдлар сақланиб қолган. Шу нарса аёнки, губернатор Свелленгребель ҳукмронлигининг сўнгги даврида, яъни 1749 йилда Элизабет эри, швед сайёҳи Эрик Алексис Ларсон билан бирга Капстад чўлларига экспедицияга жўнашади. Ларсон тез орада ҳалок бўлади, унинг хотини Элизабетни эса Адам исмли қул тасодифан чўлда топиб олади. 1751 йил феврал ойининг адоғида улар биргаликда Капстадга қайтиб келишади. Гарчи бу қизиқ тафсилот бўлса-да, мамлакат ва унинг тарихи тўғрисида биз билган нарсаларга ҳеч қандай янгилик қўша олмайди.

Аслида улар кимлар ўзи? Уларнинг насл-насаб шажарасини аниқлаш учун анча заҳмат чекишга тўғри келди. Пировардида омад бизга кулиб боқди — яна қатор фактларни аниқлашга муяссар бўлдик.

АДАМ МАНТООР. Констанция атрофларидаги ерларнинг эгаси, фермер Виллем Лоувренс Рикертга қарашли қулларнинг 1719 йилги рўйхатида Адам исмли ўғил бола туғилганлиги ҳақидаги қайд ҳам учрайди. Боланинг онаси Крисси ёхуд Карис исмли готтентот¹ка экан. Лекин готтентотлар ўша даврларда ҳали қул қилинмаганлиги тарихдан маълум. Қандай сабабларга кўра Крисси

¹ Готтентот — Жанубий Африкадаги қабила номи (тарж.).

*Русчадан
Раҳматулла
ИНОФОМОВ
таржимаси*

Андре Бринк — Жанубий Африканинг жаҳонга таниқли ёзувчиларидан бири. XVIII асрда яшаб ижод қилган адибнинг асарлари рус тилига таржима қилиниб, 1793 йилдаёқ Москвада нашр этилганди. Дастлаб беш жилдлик асарлари Россияда катта қизиқиш билан ўқилди. 1824—1925 йилларда эса Андре Бринкнинг яна уч жилдлик асарлари Санкт-Петербургда дунё юзини кўрди. Адибнинг “Шамолдаги лаҳза” романи энг яхши асарларидан саналади. Оқ танлиларнинг Американи эгаллашлари ҳақида ҳикоя қилувчи бу асар ўзбек тилида эълон қилинётган илк асаридир.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

қуллар рўйхатига тушиб қолганлигини аниқлаш учун темир дафтарнинг олдинроқдаги варақларини титкилашга тўғри келди. Шунда биз Крисси 1714 йилда ўн, ўн бир ёшларида Рикертнинг мулкига айланганлиги, уни қандайдир экспедиция ўша йиллари колонияда авж олган чечак эпидемиясида етим қолган ўнлаб бошқа болалар қатори Олифантс дарёси ҳавзасидан топиб олганлиги хусусидаги маълумотларга дуч келдик. Боланинг отаси сифатида қайд этилган Онтонг ҳам Рикертга тегишли қуллардан бўлган. Аммо у тез орада Пикет-Бергда истиқомат қиладиган қандайдир Херемия ван Никеркка саксон риксдалерга сотилган.

Бизгача етиб келган маълумотларга қараганда Онтонг ё 1698, ё бўлмаса 1699 йилда Мадагаскардан келтирилган Африка исмли қул билан гўдаклигидаёқ Падангдан олиб келинган қул қиз Сели ўртасидаги никоҳдан туғилади. Чама-си, Африка исёнга чақиритиш ва ўз хўжайини қандайдир Гровени ўлдиришда айбланиб, 1702 йилда губернатор саройи олдида қатл этилган машҳур қулнинг айнан ўзига ўхшайди. Қулни азоблашдаги хизматлари учун жаллодга ўн олти риксдалер пул тўланган. Шундан тўрт риксдалери қиздирилган темир билан баданларига тамға босганлиги, ўн икки риксдалери эса чархпалакка тортиб азоб берганлиги учун тўланди.

Орадан қирқ йил ўтиб, Африканинг набираси Адам ҳам қонунни бузди. У ўз хўжайини, юқорида номи зикр этилган Виллем Лоувренс Рикертга бўйсунмади, ҳатто таёқ билан унга ташланди. Бу жинояти учун Адам қамчи билан калтакланиб, қиздирилган темир билан баданига тамға босилди, Роббен оролига сургун қилишга ҳукм этилди. 1744 йилда Адам сургундан қочди. Аммо сургундан қочганлиги тўғрисидаги қайдлар ниҳоятда узук-юлуқ, шундан кейинги етти йил мобайнидаги унинг ҳаёти ҳақида лом-мим дейилмаган. 1751 йилнинг мартада у яна қамчи билан калтакланиб, дорга осилди.

ЭЛИЗАБЕТ ЛАРСОН. Негадир у ҳозиргача эри билан бирга Швециядан келган деб ҳисобланарди. Лекин Капстад архивларидан топилган ва 1749 йил 17 май санаси қўйилган хатда (№С 41, 154-саҳифа) губернатор Свелленгребель мамлакат ичкарасига саёҳат этишга рухсат берганлиги айтилади. Ўша хатда экспедициянинг бошқа аъзолари ҳам санаб ўтилади: Стелленбос шаҳрининг аъёнларидан бири Херманус Хендрикус ван Зил, Гётеборг (Швеция) фуқароси Эрик Алексис Ларсон ва “унинг хотини, Лоувда туғилган, Капстад фуқароси Элизабет Мария Ларсон”.

Мазкур шажара асосчиси Вильхельмус Янсоон Лоув Капстадга 1674 йилда Ост-Инд савдо компаниясининг солдати сифатида хотини ва икки гўдак ўғли билан келади. Ўғилларидан бири Тексел оролидан уйига қайтаётган маҳалида, 1694 йилда қазо қилади. 1668 йилда туғилган бошқа ўғли Йоханнес Вильхельмсоон 1676 йилда Каледа туғилган Мари Жанна Нуртъега уйланади. Бу вақтда унинг отаси Вильхельмус Компаниядаги хизматини ташлаб, Стелленбос атрофидаги ерларда деҳқончилик билан шуғулланарди. Чамаси, отасининг соғлиги ёмонлашиб, хўжаликни бир ўзи бошқариши қийинлашганлиги сабабли бўлса керак, ўғли ўз қаллиғи билан шу ер-мулкда ўрнашади.

Йоханнес билан француз қизи ўртасидаги никоҳдан олти фарзанд туғилади: Жан Луи (1696 йилда туғилган, лекин олти ойлигидаёқ ўлган), Элизабет Мари (1697), Маркус Вильхельм Йоханнес (1698), Аллета Мария (1701), Анна Гертруда (1703) ва Якомина Гендринна (1704). Шаҳар аъёнларининг губернатор Вильям Адриан ван дер Стелга қарши курашида Йоханнес маълум аҳамият касб этганлиги тўғрисида асосли фикрлар бор. Лекин ўз ҳаракатларининг самарасини, губернаторнинг шаҳардан қувиб чиқарилганини кўрмай, 1705 йилда ўлиб кетади. Тул қолган хотини Херманус Кристоффель Фальк аталмиш кимсага турмушга чиқиб, яна уч фарзанд кўради.

Йоханнеснинг яккаю ягона ўғли, биз номини юқорида зикр этган Маркус Вильхельм илгарилари буваси хизмат қилган Ост-Инд савдо компаниясига мирзаликка ишга киради. У тез орада ҳисобчиликка, кейинроқ эса омборхоналар назоратчилигига ўтказилади. У 1721 йилда Компаниянинг юқори мартабали инспекторининг Батавия¹ дан Капстадга меҳмонга келган қизи Катерина

¹ Нидерландиянинг Индонезия оролларидаги колониясининг маркази.

Тереза Ольденбург (1703 йилда туғилган)га уйланади. Бу никоҳдан 1722, 1725 йилларда икки ўғил туғилади, лекин ҳар иккаласи ҳам гўдаклигидаёқ ўлиб кетади, кейинроқ 1727 йилда туғилган қизлари Элизабет Мариягина ҳаёт қолади. Қизиги шундаки, 1740 ва 1748 йиллар оралиғидаги саккиз йил мобайнида Маркус ўзига қарашли учта кулдан яна беш фарзанд кўради. Лекин Маркус 1750 йилда ўлгандан сўнг бешала бола ҳам помешчикнинг бошқа мулклари қатори рўйхатга олинган.

Элизабет Мария 1748 йилнинг февралда Капстадга келганидан кўп вақт ўтмай, чамаси швед сайёҳи Ларсон билан танишган. Улар бир йилдан сўнг қитъанинг ичкарасига қиладиган ҳалокатли саёҳатлари олдиан оила қуришадди. Ларсон экспедицияси ўша даврда унчалик эътибор қозона олмади, ҳукмрон доиралар ҳам унинг илмий экспедиция эканлигини фаҳмламади, овчилик мақсадида уюштирилаётган одатдаги кўнгилочар тадбир деб билди. Шу боисдан экспедицияга олинган рухсатномада фил, каркидон, бегемот ва бошқа ғайриоддий ҳайвонларни отишга ижозат берилганлиги қайд этилган эди. Шу билан бирга Компания ўша пайтларда колонияни ўрганишга жазм этган чет эллик саёҳатчиларга ола кўз билан қарарди. Ҳолбуки, бундан атиги йигирма йил олдин Ларсоннинг машҳур ватандошлари Тунберг ва Спарменларни кучоқ очиб кутиб олишганди. Устига-устак, афтидан, Ларсоннинг ўзи ҳам бирор кимса отни аввалроқ қамчилаб, мўлжалланган режаларини барбод қилиб юборишларини истамади. Унинг режаларига эса Европада ҳали номаълум ўсимликлар, қушлар ва ҳайвонларнинг намуналарини йиғиш, таснифлаш кирарди. Энг муҳими эса мамлакатни жуғрофга жиҳатдан батафсил тадқиқ этиш, унинг барча ҳудудларини икир-чикиригача харитага олиш мўлжалланган эди.

Асли Лоув шахридан бўлган Элизабет Мария Ларсон Капстадга келгач, иккинчи маротаба турмушга чиқади (никоҳларни қайд этувчи актлар китобида унинг фақат қизлик вақтидаги фамилияси зикр этилгани учун анча вақтгача Элизабетнинг изини топишининг иложи бўлмади). Элизабетнинг иккинчи эри қўшниси, анча ёшга бориб қолган Стефанус Корнелис Якобс (1689 йилда туғилган) бўлиб, 1751 йилнинг май ойида бир-бирларининг никоҳларига ўтадилар. Ўша йилнинг августида Элизабет ўғли билан орани очиқ қилди. Тез орада эри ҳам ўлди, шундан кейин бошқа турмуш қурмади.

Капстад ҳужжатасровларида Элизабет Якобснинг саксон беш саҳифалик кўлёзма “Ёднома”лари сақланади. Унда Элизабет ўз ҳаёти тўғрисида қисқача ҳикоя қилади. Ўз бошидан даҳшатли саргузаштларни кечирган аёлнинг ғоятда вазмин, шу билан бирга содда ва жонли тарзда сўзлаб бериши кишини ҳайрон қолдиради, замондош тарихчиларнинг ҳавасини келтиради. У эри Ларсон билан саёҳатини шундай бошлайди: “Биз Капстаддан 1749 йилнинг апрелида икки соябон аравада йўлга тушдик, Готтентот Голландияси тоғларини ошиб ўтиб, Илиқ Булоқлар томон юрдик. Сўнг экспедиция юрган йўлни шундай тасвирлайди: аввал Мосселбай кўрфазигача борилади; бу ерга ўша вақтларда одатда қирғоқ бўйлаб бориладди, сўнг Аутениква тоғи ошиб ўтилгач, қарийб тўппатўғри сўқмоқ бўйлаб шимолга юрилади, кейин эса Камдеба орқали ёйсимон йўл бўйлаб шарққа — тоғ ўлкаси Винтерберг ва Суурвельдга қараб борилади. “Ёдномалар”да қайд этилишига қараганда, аввалига саёҳат ёш аёлни жуда қизиқтиради. Лекин тез орада бу қизиқиш сўниб, унинг ўрнини зерикиш, сўнгра ҳафсаласизлик, ҳатто нафрат эгаллай бошлайди. Эри эса илмий машғулотларга эҳтирос билан берилиб кетди. Бу ишга деярли бутун вақти ва эътиборини бағишлар, турли гулларни қуритар, қушларни отиб келиб, уларнинг тулумини тўлдирар, ҳайвонларнинг терисини ошлаб қўяр, калтакесаклар тутар, босиб ўтилаётган йўлни ҳафсала билан харитага туширарди.

Чамаси, унинг экспедицияда йўл бошловчи вазифасини бажараётган Ван Зил билан келишмовчиликлари бошланади. Бунинг оқибати тез орада ўзини кўрсатди. Чорасиз аҳволга тушиб қолди — йўлдан бутунлай адашди. Ҳаммаси кутилмаганда рўй берди. Ларсон билан Ван Зил қаттиқ жанжаллашиб қолишгач, йўл бошловчи чакалакзорга қочиб кетди-да, ўзини-ўзи отди. Орадан бир неча кун ўтгач, бушменлар экспедиция аъзоларининг йигирмата ҳўкизини ўғирлаб кетишди. Соябонли араваларнинг биридан воз кечишга тўғри келди. Сўнгра

уларнинг хизматкорлари бўлган готтентотлар икки ҳўкиздан бошқа ҳаммасини этаклаб қочиб кетишди. Шундан сал вақт ўтгач, кунларнинг бирида овга кетган Эрик Алексис Ларсон бутунлай қайтиб келмади — беному нишон йўқолди. Экспедиция бу вақтда Грейт-Фиш дарёси ирмоқларидан бирининг ҳавзасида чангалзорда жойлашганди. Кул Элизабетни ана шу ерда топиб олади.

“Ёдномалар”да уларнинг денгиз томон юрган йўлларининг биринчи ярми тўғрисида жуда оз маълумотларга дуч келамиз. Лекин бахтимизга саёҳатнинг иккинчи ярми ҳақида, гарчи қисқа бўлса-да, тўхтаб ўтилган. Шу боисдан биз уларнинг Цицикамма ўрмонларининг шимоли-шарқ томонидан қандай қилиб ялангликка чиқишгани, не-не машаққатлар билан тоғ оша Ланг-Клооф водийси ва Кичик Каррга етишгани, кейин “Қора тоғлар” деб юритиладиган Свартбергега кўтарилиб, пастга тушишлари, сўнгра Каррдан ўтиб, ниҳоят Капстадга етиб келишгани тўғрисида тасаввурга эга бўламиз.

Лекин бу маълумотлар ҳам узук-юлуқ ва оз. Барча маълумотлар ва номлар куруққина қайд этиб ўтилган “Ёдномалар”нинг охириги жумласи кутилмаганда теран фалсафий ҳамда сирли маъноси билан ҳайрон қолдиради. Элизабет: “Буни биздан ҳеч ким, ҳатто ўзимиз ҳам тортиб ололмаймиз”.

Яқинда Лондон Миссионерлик жамияти штабида сақланаётган қандайдир архив ҳужжатлари тартибга келтирилаётганда тасодифан ғоят муҳим ҳужжат — шахсан Ларсоннинг кундаликлари топилиб қолди. Қўлёзма ғоят айниб кетган бўлса-да, амаллаб ўқишга муваффақ бўлинди. Қалин чарм муқовали ярим форматдаги бу учта дафтарнинг Лондон Миссионерлик жамиятининг қўлига қандай тушиб қолганига ақл бовар қилмайди. Элизабет қўлёзмаларга охириги маълумотларни ёзгандан кейин узоқ йиллар ўтгач, уларни кўчманчи гуттентотлар қаерлардандир тасодифан топиб олиб, Бетелсдорпдаги миссионерларга топширган бўлишлари эҳтимоли бор.

Кундаликлардаги ёзувларнинг асосий қисми Ларсоннинг қўли билан битилган. Саёҳатнинг ҳар бир куни тўғрисида ғоят аниқ, батафсил ҳисобот қайд этилган, кузатишлар, кашфиётлар, тахминлар, хулосалар баён қилинган. Масалан, Капстаддан икки соябонли аравада саёҳатга отланишганда ўзлари билан олган буюмларининг тўлиқ рўйхати келтирилган. Биринчи соябонли аравага олтита катта сандиқ ортилган (эр-хотин кечалари шуларнинг устида ўрин солиб ётишган). Шунингдек, бу ерда яна иккита кичикроқ сандиқ бўлиб, уларга куйидаги нарсалар жойлаштирилган:

кийим-кечак

қанд

кофе

чай

10 қадоқ шоколад

домкрат, михлар, темир чивиклар, пармалар, дастпармалар, зўбилалар игналар, тўғнағичлар, пахта айирбошлаш савдоси учун мўлжалланган буюмлар: шиша маржонлар, пичоқлар, тахталанган тамаки, ҳинд шарфлари, тароқлар ичига ҳаво кирмаслиги учун усти ҳўл тери билан ўралган кичкина шишачаларга солинган 500 қадоқ тамаки

1 тонна қўрғошин ва қалай, шунингдек, уларни эритиб қўйиш учун турли-туман асбоб-анжомлар

16 та оғзи воронкасимон калта стволли милтиқ, 12 та иккистволли тўппонча, 2 та қилич, 1 та ханжар

ўсимликларни қуритиш учун 10 пачка ёзув қоғози

илмий ишлар учун зарур асбоблар, шулар жумласидан, компас, гигрометр, горизонталь ўқли оҳанрабо мили, қутичага ўрнатилган симоб барометри (найнинг узунлиги 1 метр) фаянс шишачада симоб (захираси билан).

Иккинчи соябонли аравада йиғилган ўсимликлар, ҳашаротлар ва бошқаларни жойлаш учун иккита баҳайбат сандиқ қўйилган, шунингдек, бу ерда:

2 та палатка

1 стол ва 4 стул

1 темир тўсиқ

1 та катта това, 4 та кастрюлка, 2 та чойнак, 2 та човгум, 2 та қаҳва қайнатадиган идиш, 2 та тоғора, 3 та жом

4 қути бренди¹: бундан 2 қутиси ушланган ҳайвонларнинг намуналарини спиртлаш, 2 қутиси эса готтентотларни ўзига оғдириб олиш, маҳаллий аҳоли билан дўстона алоқа ўрнатиш учун мўлжалланади

майда ва чуқур чинни тақсимчалар, дастали пиёлалар, лаганчалар.

Саёҳатга ўзлари билан бирга ўттиз икки ҳўкиз, тўртта от, саккизта ит, ўн бешта товуқ ва олти готтентот олдилар.

Ҳар кун босиб ўтилган йўлни ўлчаб боришар, об-ҳавонинг аҳволини қайд этишарди. Кундалик ёзувларда шамолга алоҳида эътибор берилгани дарҳол кўзга ташланади — “Бугун шамол бўлиб турибди...”, “Яна шамол...”, “Кучли шамол...”, “Элизабет шамолдан шикоят қиляпти...” Бундан ҳам кўпроқ такрорланадиган жумлалар ҳам учрайди. Эрик Алексис Ларсон кундаликларда ишлатган ва кўп такрорланадиган шоирона ифода: “Бу ўлка кутураётган ҳаво океанига ўхшайди, соябонли аравамизни омонат қайиқ янглиғ хоҳлаган жойига учириб, итқитиб ташлайди”. Кундаликларда ўлкада учровчи ўсимлик ва ҳайвон намуналарининг рўйхати бор. Ёхуд унда ҳар бир ўсимлик ёки ҳайвоннинг қўлга киритилган, ушланган санаси аниқ кўрсатилган. Ҳар бир отилган йиртқич, диққатга сазовор деб ушланган ҳар бир жонзотга зўр ҳафсала билан ишлов берилган, у ҳақда батафсил маълумот ёзилган. Саёҳат маҳалида содир бўлган турли ҳодисотлар ҳам эринмасдан ҳикоя қилинади: “Ярадор шер менга ташланди, сўнгги дақиқада готтентот Боои мени кутқариб қолди, аммо йиртқич унинг қўлини ғажиб ташлашга улгурди. Қизиғи шундаки, готтентот териси остидаги мушакларининг ранги ва тузилиши айни оқтанлиларга ўхшаш экан”.

Кундаликлардан маълум бўлишича, Ларсон қушларни уриб туширишнинг фавқуллодда ўзига хос усулини ўйлаб топган. Бунда қушларнинг қанотларига ҳам зарар етмас, қотириб, унинг тулупи тайёрланганда қуш аслидагидек сақланар экан. Бу усул орадан анча йиллар ўтгач, табиатшунос Вальян томонидан яна қайтадан “кашф” этилади. Бунинг моҳияти шундаки, стволга уриб туширилмоқчи бўлган қушнинг катта-кичиклиги ва унғача бўлган масофага қараб озроқ порох, мумли латта-путта парчалари ва сув солинади. Шундай қилинганда ўқ овози қушни гаранг қилиб қўяди, бунинг устига қушнинг қанотлари ҳўл бўлиб қолганлиги туфайли ҳеч қаёққа учиб кетолмайди.

Ларсоннинг шахсан ўзи ва унинг қайлиғи тўғрисида кундаликларда жуда кам гапирилган. Гоҳи-гоҳида “Элизабет билан жанжаллашиб қолдик...” “Надоматлар бўлсинки, Элизабетнинг ақли илми бутунлай ҳазм қила олмайди...”, “Элизабет кечаси жудаям инжиқлик қилди, бу ҳол эрталаб ҳам давом этди. Булар фикримни бир ерга жамлашга йўл бермаяпти”.

Кундаликларда 1750 йил 3 январ санаси қўйилган охириги ёзувлардан кейин бир неча саҳифа бўш қолган. Сал нарироққа бориб ёзувлар Элизабетнинг қўли билан яна тикланади. Аммо уларда ҳеч қандай сана кўрсатилмайди. Унинг дафтаридаги маълумотлари Ларсоннинг маълумотларига қараганда бирмунча батафсилроқ. Бу қайдларда аёл шахсан ўзи ҳақида орадан анча йиллар ўтиб ёзилган хотираларга нисбатан кенг маълумот беради. Афсуски, бу қайдларда саёҳатнинг тафсилотлари йўқ. Ҳикоя қилишдаги ҳаяжонга қараганда анча муҳим воқеаларнинг асл сабаблари очилмай сирлигича қолади. Лекин маълумотномалардаги баъзи иборалардан бизнинг нигоҳимиздан яширин, бошқа ҳаётнинг баъзи томонларини илғагандай бўласан, киши. “Иккаламиз нақадар узоқ йўл юришимизга тўғри келади. Эй, худойим, худойим-ей...”

Ким ахир улар? Ҳозир гарчи Лондон Миссионерлик Жамияти “Кундалик”-ни чоп этишга узил-кесил рухсат бермаган бўлса-да, “Ёдномалар” ва “Кундалик” нашрга тайёрланмоқда. Китоб дунё юзини кўргудай бўлса, маълумотномаларнинг муаллифлари тарихдан ўзларининг муносиб ўринларини эгаллайдилар. Лекин ҳозир бизни тарихнинг ўзи қизиқтираётгани йўқ. Балки “Буни биздан ҳеч ким тортиб ололмайди...”, “Нақадар узоқ йўл...” иборалари остига нималар яширингани қизиқтирар.

¹ Бренди — коньякка ўхшаш ичимлик (тарж.).

Бунинг учун тарих қатламининг занг босган қисмини олиб ташлашга тўғри келади. Шунчаки, қайтадан ҳикоя қилиб бериш эмас, балки масаланинг моҳиятини англаш, ҳаммасини қайта бошдан ҳис этиш. Чексиз-чегарасиз бу курраи заминда мислсиз йўл босиб, яна юксак тоғ ёнбағридаги тинимсиз шамол эсиб турадиган денгизга, шундоққина очиқ шаҳарчага етиб олишни айтинг. Ҳар лаҳзада қандай ҳодиса рўй бериши номаълум, инсон қадами етмаган бу ёввойи ўлкада, устига-устак, ҳар шамол турганда барча асбобу қуролларингни синдириб, қаёқларгадир итқитиб юборилган кундаликларнинг варақлари шалдираб турган бир паллада олға юришни тасаввур қилинг. Лекин юришга мажбурсан, ҳозиргача оёқларингга озгина мадоринг бор экан, олға босишинг шарт. Олдинда сени нималар кутаётганини ўйлаб ҳам ўтирмай, фақат олға босишга маҳкумсан. Ўзингга ишониб, тобора илгарилайверишинг зарур.

У аравага ўрнатилган “эшак” да ғужанак бўлиб ўтирарди. Қушлар уларнинг қароргоҳи олдидаги ёввойи анжир шохларига ўрнашиб ухлашга тайёргарлик кўришарди. Чор атрофни сафар бошланган чоғда ўзлари билан олган аслаҳа-анжомларнинг қолган-қутганлари — маданийлашган юртнинг тимсоллари бўлган ўқланмаган қуроллар (бугун тунда ва эрталаб улардан отишган эди), порох ва кўрғошин ўқ солинган қоплар, оппоқ қоғозга тикиб қуритилган гуллар, кушлардан ясалган кўғирчоқлар, ҳафсала билан йиғилган скелетлар, ҳайвон ва ўсимликларнинг расмлари, отряд ўрнашган жойдаги дарё ва тоғларнинг манзараси туширилган сувратлар, спиртлаб қотирилган калтакесак ва илонлар, барометр, гулхан олдида човғум ва кастрюлкалар, шохларга осилган гулли чойшаблар, кечаги селдан кейин ҳали қуриб улгурмаган ва ғижимланган кийимлар, занглай бошлаган симли тўсиқ, тарелка ва дастали пиёлалар эгаллаган. Унинг орқасидаги сандиқ устига харита илинган. Хаританинг шаклини бундан бир асрдан кўпроқ вақт муқаддам португал денгиз сайёҳлари чизишган. Шундан кейинги йиллар мобайнида харита доимий равишда тузатилиб, тўлдирилиб борди. Мана, энди эса хаританинг чап бурчагидан унинг маркази томон ингичка йўл ўтган бўлиб, унда дарёлар, тоғлар, текисликлар, денгиз сатҳидан қанчалик баландлиги, кенглиги, узоқлиги, иқлим шароитлари, бу ердаги шамолларнинг характери кўрсатилган.

У аравани сал-пал пана қилаётган омонат четан девор олдида турарди. Ўлдирилган куёни орқа оёқларидан кўтариб олган, куённинг тумшугидан ердаги ўт-ўланларга чак-чак қон томарди. Аёл бошини қуйи солганча ҳеч қаёққа қарамай ўтирарди.

Ҳали ҳам кетаверса кеч эмасди. Аёл ҳатто унинг бу ерда бўлганини билмасди: итлар йўқ, уларни готтентотлар ўзлари билан олиб кетишганди. Ҳар бир қаричи таниш, одатдаги ҳаёт тарзига ўрганган ўрмон ва дала-дашт кишисига оқибати кўпинча ҳалокат билан тугайдиган, бунақа маҳдуд ҳаётнинг нимаси қизиқтириб қолди экан? Бамисоли ит ёхуд йиртқич ҳайвон сингари бир неча ҳафтадан бери ўзини кўрсатмай, араванинг кетидан пусиб юришга нима мажбур қилди? Жилоблаб бўлмайдиган қандай куч уни лагер атрофида бўзчининг моксидай айланаверишга, бу сирли одамларга тобора яқинлашиб келишга мажбур этди?

У ҳали ҳам қайтиб кетса кеч эмасди. Лекин кейинги кунлар ва ҳафталарда аёлга қандай тикилиб турган бўлса ҳамон шундай тикилиб турарди. Лекин илгари ҳеч қачон унга ҳозирчалик яқин масофадан ва ийманмай қарамаганди. Аёлнинг қоп-қора узун сочлари тинка-мадори қуриб кетганидан хиёл букчайган ориқ елкасига тушиб турар, гўё охириги тун унинг бутун куч-қувватини суғуриб олгандай ҳорғин туюларди. Шунга қарамай у жуда ёш кўринар, қарийб қиз болага ўхшарди. Капстадда урф бўлган оқ ипак тўрли, фижмсиз¹ ва астарсиз кўм-кўк кўйлаги ғижимланиб ва ифлосланиб кетганди. Бугун тунда у шу кўйлагида ётган ва сафар мобайнида биринчи маротаба эрталаб юз-қўлларини ювмаган, ҳатто сочларини ҳам тарамаган эди.

Мана, мен сенинг қаршингдаман. Беш йил кутдим. Бу катта, бениҳоя узоқ муддат.

¹ Ф и ж м — 18—19 асрларда аёллар юбкаси этагини қаппайтириш учун ичидан қўйиладиган гардиш ва шу усулда тайёрланган юбка (тарж.).

Ниҳоят, нимадир аёлни бошини кўтаришга мажбур этди. Бу қандайдир овоз, шитирлаш эмас, аксинча, сукунат эди. Кейинги кунларда бир лаҳза ҳам тинмаётган, айниқса бугун кечаси арава тепасига тутилган матони йиртиб, уни парча-парча қилиб юборгудай қутураётган шамол тўсатдан тинганди.

Ниҳоят аёл уни кўрди, қиёфаси, кийимларига кўзи тушди, кутилмаган бу учрашувдан ларзага келиб қалқиб кетди.

— Кимсан? — ниҳоят тилига шундай калима келди.

— Менинг отим Адам Мантоор. — У турган жойида қимир этмади, лекин куённинг оёқларини қулайроқ ушлаб олди.

— Кимсан ўзинг?

Қизиқ ҳолат эди: у аёлдаги ваҳимали ҳолатни бартараф этиш учун яқинроқ боришга интилар, ичини ит тирнаётган аёл эса унинг ҳаракатини бошқача тушуниб қуролга ёпишди, ўрнидан сакраб турди.

— Тўхта, менга яқинлашма!

У бир сония тек қотди, сўнгра барибир олдинга қараб юраверди.

Аёл қўлидаги милтигининг тепкисини босди, лекин у отилмади. Милтигини ташлаб талмовсираганча ён-верига аланглади, узун стволли тўппончани олиб унга қараб улоқтирди. У чап бериб қолди, тўппонча ёнидан ўтиб кетди. У шошилмай арава ёнига келди-да, куённи аёлнинг ёнига қўйди. Аёл эса аста-секин араванинг ичкарасига сурилар, пешонасига тушиб турган сочлари орасидан унга ўкраярди. У қўлини милтиққа узатди. Аёл бир дақиқа қаршилик кўрсатдию сўнг лом-мим демади. Унинг бутун вужудини қоплаган кўрқинч, ваҳима оёқ-қўлларини кишанлаб қўйгандай қочишга ҳам, беркинишга ҳам ҳаракат қилмасди.

Адам усти очик халтачадан бир чимдим милтиқдори олиб қўлида чамалаб кўрди-да, токчага ташлади, сўнг уни чаққонлик билан милтиққа жойлади. Аёл миқ этмай унга қараб турарди. У тепкини кўтарганда милтиқ стволи бамисоли чақишга шай турган илонга ўхшаб кетди. Шундан кейин нақш ўйилган қўндоқли милтиқни аёлга узатди.

Аёл ундан кўзини узмасдан милтиқни олди.

— Сенга нима керак ўзи?

У елкасини учирди. Камзули катталигидан баданида шалвираб турарди.

— Тўхтаб тур, — тўсатдан шундай деди-да, парда орқасига кириб кетди ва бир оздан сўнг мис кружка кўтариб чиқди. — Бренд. — Аёл оғзини кўрсатиб имо қилди. — Ич. — У ҳеч нарса эшитмагандай миқ этмай турганлиги учун яна ҳам қатъийроқ қисталанг қилди. — Ичақол.

Адам бошини ликиллатди ва кружкани жонсиз куённи ташлаган ўриндиққа қўйди.

— Энди туёғингни шиқиллат, — ўқланган милтиқ қўлида турганлиги боисидан энди ўзини дадилроқ сезиб бўйруқ қилди.

— Ҳозир эрим қайтиб келади.

— Йўқ, эрингиз энди келмайди. У адашиб кетган.

— Агар у сени бу ерда кўрса, турган жойингда отиб ташлайди.

— Сув биланми?

— Сен буни қаердан биласан?.. — сўради ўзини йўқотиб қўяр даражада ҳаяжонланиб. Лекин ундаги талмовсираш ўрнини яна ғазаб эгаллади. — Сен уни таъқиб этиб юрганмидинг? Анчадан бери орқамиздан пойлоқчилик қилиб юрибсанми?

У мужмал бир алпозда елкасини қисди. Шунда эгнидаги кимхоб камзулининг энглари шалвираб тургани, жудаям катталиги яна ҳам яққолроқ кўзга ташланди.

— Бу унинг кийими. Сен уни ўлдириб, кийимини ечиб олгансан!

— Мен анчадан бери шу камзулни кияман.

Ҳа, бу тўғри. Чунки Эрик Алексис кеча эрталаб ноёб қушларни қидириб чиқиб кетганда бошқача уст-бошда эди. Лекин бундан икки ҳафтача илгари у ўз кундаликларида кийими йўқолганини ёзганди. Эру хотин кийимни готтен-тотлар ўғирлаб кетишган деган қарорга келишганди.

— Камзулни сен ўғирлаган экансан-да!

У яна елкасини қисиб қўйди.

- Мана сенга эримнинг қўйлаги.
- Нима қиламан?
- Сурбет, ким билан бундай муомала қиляпсан?

У Эрик Алексисга қараганда озгинроқ эди. Бўйи-ку тахминан баробар, аммо жуссаси жуда ихчам. Эгнида этакларию кўкрагига гулларнинг расми туширилган кўм-кўк ҳашамдор камзул, боши шляпасиз, қўналтоғ оёғида хом теридан ўхшовсиз тикилган бошмоқ — бу аҳволда у жуда аянчли ва кулгили кўринарди. Бамисоли саҳрода тўсатдан пайдо бўлиб қолган қизиқчига ўхшарди. Нега келдинг? Кет бу ердан, мен сендан қўрқаман. Лекин сирасини айтганда, кимдир менга ёрдам бериши керак-ку. Кеча эрим кун бўйи йўқ бўлди. У илгарилари ҳам қандайдир ноёб қуш ёки йиртқични қидириб узоқ-узоқ жойларга кетиб қолган пайтлари бўларди-ю, аммо ҳеч қачон бунақа алмойи-алжойи, бунинг устига ҳозиргидақа қўрқинчли жойларда тунаб қолмасди.

Тунда у ҳеч нарсага қарамай ухлаб қолди. Азбаройи қўрқув, ваҳима, чарчоқнинг зўридан шунақанги қотиб ухладики, борлиқни даҳшатга солаётган момақалдиروқ овозини ҳам деярли эшитмади. Итлари йўқ эди уларнинг. Иккитасини шер нимта-нимта қилиб ташлади, биттасини сиртлон олиб қочди, учтасини орқаларидан қувганда бушменлар отиб ташлашди, қолган бевафолари хизматчи готтентотлар билан қочиб кетишди. Ван Зил кун сайин ўзбошимча бўлиб бегонасираб борар, брендиларни ўғирлар, бўлар-бўлмасга жанжал чиқарар, аёл ювинаётганида ва ечиниб-кийинаётганида уни шох-шаббалар орқасидан таъқиб этарди. Сўнг ўрмонга қочиб кетиб, ўзини отиб қўйди. “Менга готтентотлар ёрдам беришади, ўзимиз уни дафн этамиз. Сен бормай қўяқол. Кўрадиган томоша эмас...” Ҳавас қилса арзийдиган назокат, хушмуомалалик! Аммо бу хушмуомалалигинг кечалари қаерда эди? Кечалари чироқнинг сарғиш нури тушиб турган елканга қараб ётганча тонг оттирардим. Сен эса тинимсиз кундаликлар ёзардинг, харита чизардинг. Сен худди ўз ишига муккасидан тушиб кетган мистер Ролофф сингари савдойи эдинг. Сен аслида харитани хотинликка олиб, у билан никоҳ ўқитиб олсанг бўларкан. Ахир сенга хотинингдан ҳеч нарса керакмас-ку. Мен эрталабгача тўлғониб, азобланиб чиқаман, сен эса парвойи палаксан. Мана шундай дўзах азобида мижжа қоқмай тонг оттириш учун ҳамма нарсадан воз кечиб сенга ўргумчакдай ёпишиб, вужудингнинг бир қисмига айланиб ёввойи, инсон қадами етмаган ерларга бирга сафарга чиққанмидим? Сен эса хаританга, кундаликларинга канадай ёпишиб олгансан. Бошқа ҳамма нарса — дунёнинг ҳузур-ҳаловатлари, роҳат-фароғати бегона, уларга теран ақлинг ҳам бовар қилмайди, ҳатто улар сени чўчитади. Сен фақат ўз барометрингга, сезилар-сезилмас баланд кўтарилиб пастга тушадиган симоб устунигагина ишонсан. Симоб солинган идишни синдириб қўйган готтентотни мислисиз даражада жазоладинг-а! Сен уни араванинг ғилдираклари орасига боғлаб ўлгунича азоб беришни буюрдинг. Ўзинг эса унинг тепасида барча шведларники сингари оппоқ кўлларинг қалтираганча қараб туравердинг. Ўша тунда барча хизматкорларимиз қочиб кетишди. Бугун кечаси мен қотиб ухлаганимга ҳойнаҳой ҳайрон бўлаётгандирсан? Мени ўзимдаги қўрқув ҳисси ҳамма нарсадан фориг қилди, шекилли. Момақалдироқ гумбурлаб, бутун борлиқ узра даҳшат солаётган бўлса-да, мен ўзимни хавфу хатардан холи сездим. Сен билан бирга бўлганимда ҳеч қачон бундай хотиржам бўлмаганман. Лекин ҳозир менга ҳеч нарса таҳдид қилолмаслигига ақлим етди. Яна бир кун йўқлик қаърига кетди, бугун эса яна иволгайди мижжа қоқмаслигимни биламан. Сен тириксан, қаерлардандир шу атрофда юрибсан. Нега ўқ узганимда қайтиб келмадинг? Мен барча қуролларимиздаги ўқларни чиқариб қўйган эдим, манави ёввойи келиб уларни яна ўқлаб қўйди. Умид қиламанки, сен ўзинг қидирган, патлари жудаям чиройли қушларингни топгандирсан.

— Қаердан келдинг? — сўради аёл.

У орқасига ўгирилиб ғира-ширада аранг кўзга чалинаётган қия тепалик, умрида кўрмаган дов-дарахтлар, ўт-ўланлар билан қопланиб, ўтиб бўлмас ҳолатга келган пастликдаги водийлар томонга ишора қилди. Бу дов-дарахтлар ва ўт-ўланларга Эрик Алексис Ларсон лотинча исмлар қўйган эди.

Сен тушунтириб, изоҳлаб, ўтирмай, шунчаки қўлинг билан соддагина қилиб кўрсатиб қўяқолганинг яхши бўлди. Ахир бу жойларга ҳали ном қўйилмаган-

ку. Ҳар ҳолда лотинча исми йўқ унинг, хариталарга ҳам киритилмаган. Бу ер сенга тегишли, ўзинг эгалик қил унга. Лекин мен бу жойларда нима қилиб юрибман? Бу ўлкаларга мени нима бошлаб келди, не сабаблардан Капстадни ташлаб тоғлар, водийлар оша бу ерларга келиб қолдим? Янги-янги тоғлар, дарёлар, текисликлар, қияликларга рўбарў бўлиш, шамол ва ёмғир, жазирама иссиқлик, чидаб бўлмас сукунатларга дуч келиш учун шунча йўл босиб келганмидим.

Адам у томонга юрди, аёл дарҳол сергакланди. Лекин у ҳали ўзи қўйган куённинг олдига келиб уни кўтарди. Бу сафар куённи оёғидан эмас, қулогидан кўтариб олди-да, тунги ёмғир суви билан қопланган кечаги гулхан ёқилган жойга келди. Аёл сергакланиб хавотир ичида уни кузатарди. Йигит унинг орқасида чўккалаб ўтирди. — “Мен ҳозир унинг ўзи ўқлаб берган милтиқдан отиб ўлдириши мумкин”, — у пичоқни олиб, куённинг терисини шилди ва гўштини бузишга тутинди. Бир неча элчил ва аниқ ҳаракатлардан кейин оппоқ оёқларидан қорни, кўкрагига қараб юқорига пичоқ тортди... Аёл сеҳрлангандай унинг ҳаракатларини зимдан кузатарди. Мушакларининг ранги ҳам худди ўшанақа... У аравадаги курсичага ўтириб, қуролни тиззасига қўйди. Йигит миқ этмай ўз ишини давом эттираверди. Арава олдида турган бочкадан човгумга сув тўлдирди-да, гулхан ёқиладиган жойга элтди. Ҳамма нарса унга аввалдан танишдай, арава тагидаги қуруқ ўтинлардан олди. Аёлга орқасини ўтирганча олов ёқди. Қизиқ, у қандай қилиб оловни ёқди экан? Қандайдир маҳаллий ўт-ўланларнинг ачимсиқ тутун ҳиди димоққа урилди.

Ўтдан юрт ҳиди анқирди. У кострюлкани оловга қўйиб, ичига гўшт ташлади.

Куёш ўз ётоғига ёнбошлаган, лекин осмон гўё ёнаётгандай ёп-ёруғ эди. Ҳаво фавқулодда осойишта. Энг яқин тоғ тизмаси орқасидан бошқаси, унинг орқасидан эса яна бошқалари ястаниб ётарди. Бу тоғлар кўм-кўк Голландия Готтеноти тоғларига сира ўхшамас, ғоят оғир, баланд ва улкан тоғлар бўлиб, ухлаб ётган баҳайбат йиртқишларга ўхшарди.

Гўшт пишаётган, сув қайнаётган маҳалда у икки ҳўкизни молхонага ҳайдаб киргазди-да, шамол ағдариб ташлаган тўсиқни тузата бошлади. У аёл ўзини таъқиб этаётганини юракдан сезиб турибди. Бошини кўтарса бас, уларнинг нигоҳи, албатта, бир-бири билан тўқнашади. Лекин унга нима дейди? Мен сени танийман, дейманми? Мен сени танимайман. Сен кимсан? Бу ерда нима қилиб юрибсан? — деса-чи. Ўзинг бу ерларга бегонасан. Бизнинг Капстад билан ишимиз йўқ... Йўқ, бу ёлгон. Беш йил мобайнида ўзим билан ўзим гаплашиб, ёввойи ўрмонлар, чўлу биёбонларда сарсон-саргардон кездим. Лекин шунча вақт мобайнида Гора ва унинг ёнидаги кўрфаз ёдимдан чиққани йўқ. Улар айниқса Роббен оролидан ниҳоятда чиройли кўринади. Сени бўйнинггача кумга кўмиб қўйишади-да, бошингдан чопдиришади. Уларнинг икки томонга керишган оёқлари орасидан тоғларга кўзинг тушади. Онам эса хиргойи қилганича узумзорда ишлайди.

Гул тикилган чойшабга ўраниб олган бувим Паданга тўғрисида, ҳаммаёғи кип-қизил гуллар билан қопланган гибискус чакалакзорлари ҳақида, ёввойи хиналарнинг ҳилпираб турган барглари хусусида оҳиста ҳикоя қиларди...

Аёл арава ичидаги чорпояда ўтирганча овқатланарди, у эса гулхан ёнида қолди.

Овқатини еб бўлган аёл ликобчани қўйиб, бошини кўтарди:

— Кўлимни ювишга сув келтир, — буюрди у. Унинг орқароғидаги арава шифтига ёнаётган чироқ калта занжир билан осиб қўйилганди.

У қимир этмади.

— Нима бало, эшитмадингми?

— Ўзингиз олиб келаверинг, нега мен келтирарканман?

Аёлнинг ранглари оқариб кетгани ҳатто гулханнинг ғира-шира ёруғида ҳам кўриниб турарди.

— Мен билан бундай муомала қилишга қандай журъат этдинг, қулвачча?! — газаб билан қичқирди у.

— Мен қул эмасман.

— Бўлмаса сен бу ерда нима қилиб юрибсан?

— Сизга ёрдам керакдир деб ўйловдим.

— Менгами? Сурбет экансан!

— Нега энди? — У бамайлихотир ўрнидан турди.

— Йўқол кўзимдан! — жазаваси кўзгаб қичқирди аёл. — Сенсиз ҳам куним ўтади!

Аёл ранглари бўздай оқарган, тишларини ғижирлатиб аравадан ерга тушди-да, олов устидаги човгумни олди, у эса ҳамон жимгина тикилганча турарди. Сўнг, арава ёнига қайтиб, унга ўгирилиб ғазаб билан: — Ўз ўрнини билмайдиган пандавақи. Чамаси, одамлар билан муомала қилишни ўргатишмаган, шекилли.

Лекин у ҳамон жим эди.

— Қараб тур ҳали, эрим келсин...

У аёлга орқасини ўгириб олганча бамайлихотир гулханга кечаси учун ғўла ташларди. Ғўлалардан чиқаётган тутун ҳиди димоғига урилгач, сал четроққа ўтганида араванинг канопдан тўқилган деворидаги аёл соясига кўзи тушди. Чамаси аёл чироқнинг шундоққина яқинида бўлса керак, соя жуда бесўнақай кўринарди. Шунга қарамасдан у аёлнинг соясидан кўзини узмасди. Аёлга ҳозиргача бунчалик яқин масофада бўлмаганди. У ечинаётган эди. Қўллари ва елкаларини кенг кўйлагидан чиқариб тоғорага энгашганча ювинишга тутинди. У ён томондан аёлнинг кўкракларини ҳам кўриб турарди. Илгари нақш туширилган кўйлаги остидаги янгигина чиққан, қизларнинг қошидан ҳам ингичка ҳилол қараб турар, қип-яланғоч ҳолатда шамолда совуқдан роса қалтирардим. Лекин озодликка фақат шу йўл билан эришиш мумкинлигини билардим.

Сен оппоқсан, ёнгинангда эса қоп-қора соянг. Беш йил мобайнида ҳудудсиз кенгликларда эркин куш бўлиб ўз-ўзим билан ёхуд жангари қабилаларнинг готтентотлари билан сўзлашиб юрдим. Бу йўлни ўз ихтиёрим билан танлаганман. Оролдан қочиб, қандайдир мўъжиза билан чўкмасдан омон қолдим, оёқларим қалтираганча қирғоққа аранг чиқиб келган ўша тунда танлагандим бу йўлни. Ўшанда тепамда янгигина чиққан, қизларнинг қошидан ҳам ингичка ҳилол қараб турар, қип-яланғоч ҳолатда шамолда совуқдан роса қалтирардим. Лекин озодликка фақат шу йўл билан эришиш мумкинлигини билардим.

Қаерлардадир мени озодлик кутаётганини, лекин у мендан тобора узоқлашиб, қочиб бораётганини юракдан ҳис этардим. Қайси тоғларнинг этагида, қайси дарёларнинг орқасида у билан дийдор кўришишимни билмасдим. Қандай шамол, қайси тўлқин уйимга, онамга, болагимга қайтаришини билолмасдим. Мана, сен ўз аравадан турибсан, мен эса девордан соянгни кўряпман. Мен сени кузатиб турганимни билмайсан. Эҳтимол, сен мендан нафратланарсан. Сен сочингни тараяпсан, қўлларинг гоҳ кўтарилиб, гоҳ пастга тушиб турибди. Агар сен салгина бурилсанг учли кўкракларинг кўринади. Э, оқ танли аёл! Сен менга бутунлай тақиқланган, эришишим қийин бўлган малаксан.

Уларнинг ўртасини омонатгина четан девор ва ёввойи анжир дарахтлари ажратиб турарди, холос.

Аравадаги чироқ ўчиб, ёнаётган пиликнинг ҳиди тарқагач, қоронғиликда йиртқич ҳайвонлар пайдо бўлади. Гулханнинг олови ўчмаган бўлса-да, энди у бурқсиб турарди. Кеча кечаси шамол қутуриб, момақалди роқ гумбурлаб турганда ёввойи ҳайвонлар қаерларгадир йўқ бўлиб кетишганди. Лекин улар бугун яна бош кўтариб қолишди. Аввалига уларнинг овози узоқ-узоқлардан эшитилган бўлса ҳам тобора яқинлашиб келарди, ниҳоят шундоққина лагер атрофида турганликлари товушларидан сезилди. Чиябўрилар кулишар, ёввойи итлар воуулашарди. Ниҳоят, шундай увлаш эшитилдики, умрида бундай даҳшатли ва ёқимсиз овозни эшитмаганди, шу боисдан аёлнинг томирларидаги қон ҳам қотиб қолгандай бўлди. Бу ёлдор бўрининг увлаши эди. Увлаш аввалига жуда паст ва бўғиқ ириллаш билан бошланди, сўнгра бутун қоронғиликни тешиб юборгудек ўткир чинқириққа айланди. Осмонда ой кўринмасди.

Эрик Алексис Ларсон қачон ой чиқишинию қачон хиралашиб бутунлай кўринмай кетишигача — ҳамма-ҳаммасини биларди. Эрик Алексис Ларсоннинг билмаган нарсаси йўқ эди.

Эҳтимол, йиртқиқлар унинг суякларини ғажишаётгандир? Балки, лагерга ҳужум қилишга тайёргарлик кўришаётгандир. Омонат четан деворни пайхон қилиш, ўчай деб турган гулханни сакраб ўтиш нима бўпти? Эҳтимол, гулхан уларни ўзига тартаётгандир? Ахир сув отлари кечаси сувдан чиқиб оловга қараб

юришаркан-ку. Ўша куни кечқурун дарё бўйида ўтириб, унга ном қўйдинг, сўнг харитага туширдиг. Шундан кейин сафар столчасида иккаламиз шахмат ўйнадик. Ёнгинамизда чироқ ёниб турарди. Тўсатдан баҳайбат сув оти пайдо бўлди. Сен чироқни кўтариб лагер атрофида чопа бошладиг, сув оти эса орангдан қуварди. Ниҳоят готтентотлар чинқиритиб чироқни ташлашни буюрди. Чироқни улоқтириб ўзинг қочиб қолдинг. Сув оти сени қўйиб, чироққа ташланди, уни эзгилаб дабдаласини чиқарди-да, ҳеч нарса бўлмагандай бамай-лихотир йўлида давом этди. Бу ҳодисани кейинроқ ўз кундаликларингда қуйдагича қайд этгандинг: “Маълум бўлишича, ер юзида ёруғлик, оловдан чўчи-майдиган, аксинча, унга талпинадиган ҳайвонлар ҳам бор экан, масалан, сув отлари шу тоифага киради”.

У ётган ўрнидан туриб араванинг четига тусмоллаб келди-да, пардани кўтарди. Унинг юзига тунги изғирин урилди. Араванинг ичи жудаям дим эди. Кўзлари қоронғиликка бир оз кўниккач, атрофга аланглаб, гулхан ёнида ўтирган қора танлига кўзи тушди. Уни чақирсамикин? Лекин нима дейди, нимани сўрайди? Кимнингдир кўринмас қўли томоғини бўғиб тургандай, овози унга бўйсунмасди. Тун шу қадар қоронғики, қора танлининг ўтирганини илғаб турган бўлса-да, у бу томонга қараб туриптими, ёки йўқми — билиб бўлмасди. Нима бало, у тонготаргача шундай ўтириб чиқмоқчи шекилли? Нега? Аёл унинг бу ерда туришини истамасди. Бу ҳолат унинг эркинлигига раҳна солиши, тинчини бузиши, хавф туғдириши мумкин. Лекин гапнинг сирасини айтганда, агар у ҳозир шу ерда бўлмаганда кўрқувдан юраги тарс ёрилиб ўлиши эҳтимолдан холи эмасди. Балки унга қурол бериб қўйиш керакмиди? Ёхуд мана шундай гулхан ёнида эрининг қимматбаҳо кийимини кийиб олганича (кийим бамисоли илгакка илингандай елкаларида ҳалвираб турарди) ўтиравергани маъқулмикин?.. Қоронғилик узра қоп-қора гавда. Элизабет арава пардасининг боғичини боғлаб қўйди. Қўллари қалтирар, кафтлари ҳўл эди. Қора танли эса ҳамон гулхан олдида ўлтирарди. Аёл нақш туширилган чойшабни даҳанигача тортиб, кўзларини юмади. Унинг хаёлида яна фарқ пишган меваларидан шарбат томиб турган шотут дарахти гавдаланди... Эй, худойим-ей, наҳотки ёлдор бўрилар бугун тонг отгунча тинмай увиллаб чиқса?.. “Ниҳоятда ёқимсиз овоз-да бу”, деган эди бир вақтлар унинг эри. Аёлнинг юзлари худди шотут дарахтининг шохларидай қизариб кетганди.

У икки томондан кўкимтир-қўнғир тепаликлар билан ўралган чуқур, тор чакалакзор водийдан, ёввойи анжир дарахтлари тагидан лагерга қайтарди. Ҳали куннинг тафти кўтарилмаган, устига-устак, қалин кийим кийиб олганда, шу алфозда тонг сахардан бери йўлда. Кийик терисидан тикилган ва орқасига осиб олган халтачада бир неча олачипор ялтиллаб турган тухум келтирди-да, гулхан ёнидан ўтиб нарироқдаги чуқурчага авайлаб қўйди. Сўнг бошини кўтарганда аёлга кўзи тушди. Дарахтлар орасидан чиқиб келаётган баланд бўйли, хипчабел аёлнинг кенг қўйлаги узун оёқлари атрофида ҳилпирар, пешонаси ва юзларига қоп-қора ҳўл сочларининг тутамлари тушиб турарди. У яқинроқ келганда аёл ҳарсиллаб нафас олаётганини, ранги оқариб кетганини, лабларининг атрофи кўкариб, юзида дона-дона тер томчилари пайдо бўлганини кўрди. Аёл Адамнинг шундоққина ёнгинасидан унга тегиб кетгудай бўлиб арава томонга ўтса-да, уни кўрмади, қўллари билан араванинг бурчагини ушлади, айна шу дақиқада шилқ этиб бошини тирсагига қўйди. Қўйлагининг енглари шимарилган эди, қўлларига олачалпоқ куёш шуъалари тушиб турарди.

Аёл Адамни ўрнидан тургандагина пайқади, пайқадию кўрқувдан қалтираб кетди, лекин уни таниб, яна бояғидай боши қўллари устида осилиб қолди.

— Олиб кел, олиб кела қол, менга... — овози бўғилиб қолди, нафаси тикилди, тишларини ғижирлатди. Илтимосини охиригача айтолмай араванинг ёнига ўтди, қулоқли пиёлада сув олиб қайтиб келди. Энди у араванинг олди ғилдиракларига орқа ўгириб, майса устига ўтириб олди. Адам лоқайдгина бир алпозда уни кузатар, ҳатто аёлнинг ҳозирги аҳволидан севинганидан истехзоли кулиб қўйди.

— Қуёшга тоқатингиз йўқми дейман? — сўради ниҳоят у.

— Жиннимисан? — алам билан хитоб қилди. — Ҳозир ўтиб кетади. Мен шунчаки... Унинг аъзойи бадани қалтирарди. У шошилиб ўрнидан турди-да, арава орқасига ўтди. Арава орқасида аёлнинг ўқчиётгани ва қайт қилгани эшитилди. Адам ҳозиргина унинг устидан кулгани учун виждон азобида қолди. Бекор турмаслик учун гулханга ўтин чопа бошлади, лекин шу ондаёқ болтани ташлади. Ниҳоят, аёл арава орқасидан чиқди.

— Қасал бўлиб қолдингизми? — сўради у.

— Йўқ. — Аёл ерга ўтирди ва яна арава гилдирагига суянди. Бошидан соч-тўғнағичини олган эди, сочлари майингина қора тўлқин бўлиб елкалари узра ёйилиб кетди.

— Алдаяпсиз, мазангиз қочди, — ён бермади у.

— Мен фарзанд кутаяпман. — У тўсатдан ғазабга миниб, қаддини ростлади. — Мени ёлғиз ташлаб кетишга унинг ҳаққи йўқ. У ҳеч қачон биров билан иши бўлмаган, фақат ўзини ўйлаган. — Лекин у шу қадар ҳолдан тойган эдики, норозилигини ифодалашга ҳам кучи етмаётганди. — Унинг изини тополдингми? — сўради аёл бир оз тинчлангач.

— Йўқ. Бутун водийнию тоғу тепаликларни қадам-бақадам қараб чиқдим, сел барча изларни ювиб кетибди.

Ҳали эрта бўлса-да, Адам гулхан ёқиб чой қайнатишга қарор қилди.

— Бошқа вақтда куёшнинг иссиғига парво ҳам қилмасдим, — деди у ўзи жини суймайдиган шикоят оҳангида. — Ҳозир шунақаман-да...

Адам жимгина эшитиб турарди.

— Капстадда ўйнаб юрган пайтларимда жуда кўп яёв юрардим, — давом этди Элизабет. — Буни ойимга айтиб ўтирмасдим ҳам. Ойим ҳеч қачон мени портшез¹ сиз узоқ йўлга юбормасди. Бир куни ҳатто тоғнинг энг баланд чўққисигача кўтарилганман. — У сўзлашдан тўхтаб, ўз фикрларига Адамнинг муносабатини кутди. — Шер тепалигига тез-тез чиқардим, Шер Бошида ҳам кўп бўлганман. Энг юқори чўққисига эса фақат бир бор кўтарилганман, холос. Қизиғи шундаки, у пастдан теп-текисдай туюлади, у ерга кўтарилсанг кенг, текис кўчада юргандай юраверасан деган хаёлга боради, киши. Чўққига кўтарилганинг сари сон-саноксиз чўққиларга, дараларга, ўтиб бўлмас чангалзорларга дуч келасан. У ерда ғаройиб мева берадиган дарахтлар ҳам бор. Шунақа тоифалари ҳам борки, қўлингга олиб шарбатини сиқмоқчи бўлсанг қимирлайди, кафтларингни қитиқлайди. — Элизабет ҳамон ўзига келмаган эди, лекин ранг-рўйи аста-секин ўз ҳолига қайтаётганди. — Йигитлар чўққига чиқишганда муқаррар равишда шунақа мевалардан олиб тушишарди-да. Қизлардан қўлларини тутиб, кўзларини юмиб туришларини илтимос қилишарди. Ўшандаги қизларнинг чийиллашлари, қичқирешлари ҳамон кулоғим остида жаранглайди.

Юқорида кучли шамол эсади. Кулранг олачипор қоялар тизмаси шундоққина денгиз соҳилигача чўзилиб тушганди. Денгиз эса кўм-кўк ва бениҳоя катта эди, курраи заминнинг охиригача чўзилгандай туюларди. Чўққига чиққанда унинг қалбида доворак依ликми, эпчилликми — қандайдир ғалати туйғулар жўш урганди. Негадир бошқа жойларда ҳеч ким журъат эта олмайдиган ақл бовар қилмас бирор иш қилгиси келарди. Ҳамроҳлари ёнгинасида бўлмаганда кўйлагини ечиб ташларди.

Элизабет хаёллар дунёсидан қайтиб, кўзини очганида Адамга кўзи тушиб, ҳайрон ва ҳафсаласи пир бўлди.

— Ўша тоғларни мен ҳам биламан, — деди чайналиб Адам. — Кўп маротаба бўлганман.

— Денгизни ҳам томоша қилганмисан?

— Ҳа, денгизни ҳам кўрганман.

— Ўша чўққидан пастга тушишни ҳечам истамасдим. — Нега Элизабет у билан бундай шакаргуфторлик қиляпти? Зиёфатга борган капстад хонимидай чакаги тинмай бидирляпти. Зиёфатдаги хоним ҳам портга кириб келган кемадаги ёш офицерни ўз олдидан жилдирмасликка ҳаракат қилади. У ҳам ҳаётидаги арзир-арзимас нарсалари — турли чўққилар, сайрлар, хатлар, кўрфаз узра тўплар гумбирлаб, байроқлар ҳилпираган байрам кунларини уялмай-нетмай эслаб ўтирипти.

¹ Портшез — енгил кўчма кресло.

— Биз тоққа ўтин йиққани борардик, — Адам истар-истамас гапини давом эттирди. — Тонг гира-ширасида кетганимизча қоронғи тушганда қайтардик.

— Ўтинни кўтариб келиш оғирдир-а?

— Унчалик эмас. Тепадан ташлаб юборардик, пастга тушиб боғлаб кўтариб келардик.

Аёл унга шавқсизлик билан тикилди.

— Сен қулсан, — деди у.

— Йўқ, мен қул эмасман.

Чойгумдаги сув қайнади.

— Чой дамлаб олишингиз мумкин, — кўрс ва қандайдир ғазабноқ гапирди Адам.

— Бу ерга нега келдинг? — деди аёл яна унга нисбатан кўнглида пайдо бўлган ишончсизликни яшира олмай. — Мендан сенга нима керак ўзи? Менда ҳеч нарса йўқ.

— Нега мени бирор нарса илинжида келган деб ўйлайсиз? Мен шунчаки, бутазорда турган соябонли аравани кўриб, тамоша қилгани келдим.

— Сен бизни кузагиб юргансан. Эримнинг кийимини ўғирлагансан. Уни қаерларгадир бошлаб олиб бориб адаштиргансан.

— Ўзингиз у қушларни ов қиларди деб айтдингиз-ку.

Аёл унинг нигоҳидан панароқ бўлиш учун ўзини яна орқароққа ташлади.

— Сен мени уйимга элтиб қўйишинг керак, — деди у. — Мен Капстадга қайтишим зарур.

— Капстадга? — қайтадан сўради Адам. — Мен Капстадга қайтиб нима қиламан?

— Мен бу ерда қололмайман-ку, ахир! — Аёл қўлида турган қулоқ пиёлани қаттиқ сиқди. — Одамлар яшайдиган жойга боришимиз керак. Бўлмаса асло иложи йўқ...

— Нариги томонда кўчманчи готтентотлар бор. — У қўли билан готтентотлар яшайдиган томонга ишора қилди.

— Уларни бошимга ураманми?

Адам миқ этмай аёлга тикилди. Нега энди мен сенга раҳм қилишим керак? Умуман, аравага яқинлашмасам бўлар экан. Ҳозир мен шу ерда турибман, лекин бу дегани...

— Мен денгиз томонга кетяпман, — деди кўзларини аёлдан четга олиб. — Эҳтимол, йўлда қандайдир ферма ёхуд саёҳатчилар қарвони учраб қолар.

Денгизгами, қаёққа бўлса бўлсин, фақат шу поёни йўқ тепаликлардан қутулса, бас.

— Биз бу ердан уни топмасдан кетолмаймиз, — эътироз билдирди Элизабет. — Эҳтимол, у йиқилиб тушгандир, қўли ёки оёғини синдиргандир. Қайтиб келсаю мен бу ерда бўлмасам, нима бўлади?

— У сизни ташлаб кетди.

— Йўқ, мени ташлаб кетгани йўқ. У қуш овига кетган, қайтиб келади.

— Нима, эрингизни аравангизга қўшасиз-у, у сизни бу аросатдан олиб чиқадими?

— У бизни қутқаради. У ахир эркак-ку, “нега мен унга шундай дедим”, деб гапирган гапига пушаймон еди.

Аёлнинг назарида қулоқларига янги туғилган чақалоқнинг овози чалингандай, кўзига отаси кўрингандай бўлди. Қизига кўзи тушган ота бамисоли сеҳрлангандай жойида қотиб қолди. “Қаерда эдинг?” — сўради қизи секин бўлсада, кескин товушда. “Сенинг нима ишинг бор?” — жавоб берди ота. Қиз чаккаларигача оғриқ турганини сизди. “Бу сенинг ҳаромзодангми? Демак, яна биттаси туғилибди-да? Уни қандай аччиқ қисмат кутаётганинкин? Жаҳлимни чиқарма, Элизабет. Бунинг сенга алоқаси йўқ”, — деди отаси. — “Сенга қолса ҳарқандай қул ҳам хотин вазифасини ўтайверадими?!” — ғазаб билан қичқирди қиз ва ичида эса: “Бу аёл бор-йўғи қул бўлса” деган фикр ўтди. Отасининг ҳорғин кўзларида ғазаб ўти алангаланди. “Элизабет, ўз хонанга жўнаб қол. Ўша ерда кечгача ўтирасан”...

— Биз ҳозир кета олмаймиз, — қатъий эътироз билдирди Элизабет. — Мабодо келиб қолса. Агар у яна...

Адам бу пайтда хаёл сураб, негадир денгиз бўйида ўсадиган сутлама деган ўтти эсларди. Капстад соҳилидаги сутламаларнинг танасини ёзда қуёш қиздирганда улардан қайдайдир ачимсиқ ҳид анқийди. Ҳаммаси ёддан кўтарила-ёзган эди. Орадан шунча йиллар ўтиб, мана эндиликда...

Борлиқни қоронғилик қоплай бошлади. Водий узра турли ҳайвонларнинг чинқириғи қулоққа чалинарди.

— Нега уларнинг чинқириқлари бунчалар ваҳималик?

— Нимаси ваҳималик?

— Худди биров уларни бўғизлаётгандек. Аъзойи баданинг жимирлашиб кетади-я.

У назар-писанд қилмагандек жилмайиб қўйди.

— Қаерда яшайсан? — қандайдир ички кучнинг таъсирига берилиб тўсатдан савол берди аёл.

— Ҳеч қаерда.

— Бу ерга нега келдинг? Мен билишим керак, — таҳдид билан гапирди у. Аммо Адам лом-мим демади, аёл эса яна ҳужумга ўтди. — Мени гафлатда қолдирмоқчимсан? Тушунмайди деб ўйлайсанми? — Элизабет безовталаниб ўрнидан туриб кетди ва араванинг олд томонида ётган милтиқ ва тўппончаларни у ёқдан-бу ёққа олиб тахлай бошлади. — Сен қулай фурсат кутаяпсан. Лекин шунга билиб қўйгинки, мен сенинг ҳар бир ҳаракатингни тўхтовсиз кузатиб бораман. Агар сен менга яқинлашсанг... ўзимни ўлдираман. — Унинг ўпкаси тўлиб йиғлаб юборгудай ҳолатда эди, лекин ўзини босиб олиб, гапини давом этдирди: — Тушундингми? Ҳаққинг йўқ. Мен фарзанд кутаяпман. Сен эса бор-йўғи қулсан.

Адам миқ этмай унга қараб турарди. Унинг қўлидаги новда “қирс” этиб синди. Қуруқ новданинг қирсиллаб синиши аёлга ўқ овозидай эшитилиб, чўчиб тушди. Адам аёлга вазминлик билан жавоб бериш учун ўзини босишга ҳаракат қилди.

— Қул, қул, “Ҳаққинг йўқ!” — бошқа сўзни билмагандай тўтиқушга ўхшаб такрорлайверасизми, — ниҳоят гапга тушди у. — Етар энди, бу сўзларни эшитишни истайман.

Эҳтимол, оёғимни чопиб ташлашга ҳаққинг бордир. Майли, чопиб ташлай-қол. Лекин шундан кейин ҳам тўғри юришга ҳаққинг йўқ сенинг, дейишларига йўл қўймайман. Кейин аёлнинг қалтираётганига кўзи тушди. Шунда тўсатдан орқасига кескин қайрилиб, четан девор орасидан ўтиладиган йўл томон шахдам юриб кетди.

— Қаёққа кетяпсан, тўхта! — қичқирди аёл. — Мени ёлғиз ташлаб кетишга ҳаққинг йўқ. Сен мени уйимга элтиб қўйишинг керак, эшитдингми? Қайт орқанга!

Адам елкаси оша унга қаради.

— Кўрқаяпсизми?

Элизабет жавоб бермади.

Кўрқувдан дағ-дағ титраётганинг, менинг олдимда ожизлигинг туфайли менга зулм қиляпсан. Отдан тушсанг ҳам эгардан тушмайсан. Кутилмаганда Адамнинг кўнгли юмшаб, унга раҳми келди.

— Кечки овқатга тухум еймизми? — уялибгина сўради у. — Водийдаги қушларнинг инларидан бир қанча тухум йиққандим.

Ўша кунни чортоқда... Биз Левис билан обдон бирга ишлаб ва ўйнаб чарчаганимиздан кейин чортоққа чиқиб олардик. Бошқа болалар эса ҳали жудаям ёш эди. Биз узун ёз кунлари оқ қарағайзор ва эманзор нарёғидаги кичкинагина тоғ дарёчасининг муздак сувларида қип-яланғоч бўлиб олиб, бир-биримизга сув сачратардик. Аравада шаҳарга қатнаб, Компаниянинг омборхоналарига вино таширдик. Тонг саҳарлаб бугдойзор ва арпазорларни вайрон қилиб ташлайдиган кичкина қулранг бугучаларни тутиш учун тузоқ қўярдик. Ёш яйдоқ новвосларнинг устига ўтириб олганча пойга ўйнардик. Уларнинг орқасидан ичида тезаклар ўйнаган қуоқ чанг кўтариларди. Ҳар кунни кечкурун узун ёғоч нарвондан майиз ҳиди анқиб турган чортоққа кўтарилардик. Майиз қилинадиган, обдон пишиб етилган ширин узумларни теришга ҳам ўзимиз ёрдам берардик. Чортоқда ошланган тери, қуритилган чой сақланарди, шунингдек, бу ерда бошқа

жойни банд қилмаслиги учун қўйилган, ичига қуруқ мевалар солинган иккита тобут турарди. Анвойи ҳидлар таралиб турган ярим қоронғи бу жойда чўккалаб ўтирганча Левисга бувимдан эшитган ҳодисаларни ҳикоя қилардим. Аввалига у ҳам бувимнинг ҳикояларини эшитиш учун доимо мен билан бирга кўрғонча ҳовлисига борар, айниқса бувимнинг Тьилатьяп, Палик-папан, Джокьякарта, Смерос, Паданг, Борободур сингари жарангдор исм ва жойларнинг номларини маржондек териб ташлашга ишқибоз эди. Лекин кейинчалик бувимнинг қўллари болдан қалтирайдиган бўлиб қолганлиги туфайли, ишга ярамай қолди. Шунда хўжайин уни қулликдан озод қилди. Бувим Шерқоя тепасидаги жажжи шаҳарчада, пахсадан қўққайтирилган харобгина кулбада истиқомат қила бошлади. Уша пайтдан бери мен Левисга у билан чортоқда ўтириб ширин майиздан ея-ея бувимнинг бутун тарихини гапириб берганман. Иккаламиз чортоққа чиқишимизни ҳеч кимдан яшириб ўтирмасдик, буни бизга вино сақланадиган ертўлага тушиш тақиқланганидек ҳеч ким тақиқлаган эмасди ҳам. Биз ҳаётимизни долчин, баку¹ барглари, қуритилган балиқ, мева ва тери ҳиди келиб турган чортоқсиз тасаввур қилолмаймиз. Шунинг учун мен аввалига ҳеч нарсага тушунмадим. Левис ўша куни отаси ва Патриядан келган қандайдир меҳмон билан Хаутбейга кетганди. Мен кечга яқин тоғдан қушларнинг тухумларини олиб, очқаб қайганимда дарҳол майиз егани чортоққа чиқдим. Нарвондан тушаётганимда хонадон соҳиби сўроққа тутиб қолди:

— Қўлингдаги нима?

— Майиз, хоним. — Мен кафтимни очиб майизни кўрсатдим.

— Қаердан олдинг уни?

— Юқоридан, хоним. Чортоқдан.

— Ким сенга рухсат берди?

— Ким рухсат берди дейсизми, хоним? Биз, ахир... Буёғи қандоқ бўлди?

Кечқурун эркаклар уйга қайтишгач, хоним мени улар олдига олиб кирганда ҳам шу сўзларни такрорладим.

— Буёғи қандоқ бўлди, хўжайин, ахир биз ҳар куни...

— Қанақа одамлар-а булар ўзи. Ўғирлик қилиш одатларингни қачон ташлайсанлар? — деди хўжайин. — Адабингни бериб қўйишга тўғри келади, шекилли.

Иккита қулни чақиритиб, мени аравага боғлаб ечинтиришни буюришди. Мен шунда ҳам ҳеч нарсага тушунмасдим. Маҳкам боғланган арқон қўлларим ва тўпиқларимни кесиб юборгудек оғриқ берди, йиғлаб юбордим.

— Хўжайин, хўжайин, биз ахир ҳар доим чортоққа майиз ейиш учун Левис билан чиқиб турардик.

Хўжайин ҳамон отнинг жиловини ушлаб турган Левис томон ўгирилди.

— Шу ростми, Левис?

— Йўқ, дада, у ёлғон гапиряпти.

Тоғ дарёсида бирга чўмилишга, аравада бирга шаҳарга борадиган, эгарланмаган ёш новвосларда бирга пойга қиладиган айрилмас дўстим “Ёлғон гапиряпти” деди-я.

— Сен ҳали жуда ёшсан, Адам. Ёш ва фаҳм-фаросатсизсан. Шунинг учун сенга озгина танбеҳ бериб қўямиз, холос.

Хўжайин чортоққа олиб чиқадиغان нарвоннинг пастки зинасига ўтириб олганча трубка тутатади, ўз хаёлларига берилган бир алпозда икки барзанги югурдаги бегемот терисида пухта ишланган хипчин билан орқам ва елкамга ураётганини бамайлихотир кузатарди. Хипчиннинг ҳар бир тушиши худди пичоқ санчгандай бўларди. Хипчин тушган жойлардан чиққан иссиқ қон жилғача бўлиб оқа бошлади. Кейин хоним кичкинагина туздонда туз келтириб, яраларимни у билан артди. Бу оғриққа чидолмай йиғлаб юбордим ва ҳатто аравада ётган жойимни ҳўл қилиб қўйдим.

— Ойи, у ҳақиқатан ҳам мен билан ўша жойга чиққан эди-ку... — дейман хўрсиниб. Устимга бир неча қават пўстин ташланганига қарамай, совуқдан қалтирайман. Онам бўлса яраларимга шифобахш ўсимлик, туркана дориларни авай-

¹ Барглари фармакологияда кенг фойдаланиладиган, қувватни оширадиган, одамни тетиклаштирадиган дори олинувчи дарахт (тарж.).

лабгина босарди. Йўқ, у йиғламасди. У ҳар қачонгидек вазмин ва осойишта эди. — Левиснинг ўзи мени чортоққа олиб чиқарди. Менинг у ерга чиқишим мумкин эмаслигини айтиб огоҳлантириб қўйганда ҳам алам қилмасди. Энди бўлса хўжайинга мени ўғри қилиб кўрсатди. Бу адолатсизлик-ку ахир, ойи!

— Нима адолатлигу нима адолатсизлигини қайдан билай, болам?.. — мулозимлик билан унга таскин берди она. — Мана, мени олиб кўр. Отам ва онам готтентотлардан эди, қонун бўйича мен озод бўлишим керак. Лекин хоним оймлар ўзларига бино қўйган оқ танли кишиларнинг фикрлари бошқача бўлди. Қандай бўлиши лозимлигини улар билишади, бизнинг бурчимиз уларга бўйсунмоқ.

— Йўқ, ойи, бунга йўл қўйиб бўлмайди!

— Гапимга қулоқ сол, акс ҳолда бутун аъзойи баданингни тилка-пора қилиб ташлашади.

— Нима учун ахир, ойи, мен тушунмаяпман...

— Жим, бизлар ким бўлибмизки буни тушуна қолсак? Дамингни чиқарма, Аоб, жим бўл. Хўжайин эртага тонг саҳарда ҳузурига боришинг кераклигини тайинлаган.

Аоб... Бу мен. Менинг исмим. Бу исми менга онам қўйган, ундан бошқа ҳеч ким менинг исмим Аоблигини билмайди. Бутун олам учун мен Адамман. Лекин ўша қоронғиликда нозик қўллари билан яраларимга малҳам қўяётганида мен Аоб эдим. Онам Аобга тоғларнинг нарёғидаги беҳудуд кенгликларда сигир ва думбали қўй подалари билан кўчиб юрувчи озод халқи тўғрисида, улуғ овчи Хейтски-Эйбибнинг бутун ўлкага ёйилган тош қабрлари атрофида ўрнашиб, бирмунча фурсат истиқомат қилишлари ҳақида гапириб берарди. Ҳозир, бу ерда ҳам мен Аобман. Лекин мен онамга: “Мени Адам Мантоор” деб айтишадим” — дедим.

Ўша кунни мен илк маротаба икки қиёфада мавжудлигимни англаб етдим. Бири чор атрофдагилар, хўжайинлар билган Адам, иккинчиси ўзим ва онам учунгина маълум бўлган, волидам баҳайбат тоғлар ортидаги номсиз мамлакатдан хабарини келтирган Аоб.

— ... Баданингдаги илон захрини ҳам сўриб олишга қурбим етади, — деди кампир мени қирчумоли ини олдидан топиб олгач. Сўнг сўриб олган захарни елкам оша туфлаб ташлади. — Кўрдингми, оппа-осон. Лекин хўжайинларнинг қалбингни яралайдиган захардан сени халос қилишга қурбим етмайди...

— Тухум пишди, — деди Адам.

Элизабет ҳамон аравада ўтирарди. Унинг орқасида эса арава шифтига осиб қўйилган чироқ ёниб турарди. Шу топда унинг юзи ҳам Адамники сингари қоп-қора эди. Аёл виқор билан мағрур бир қиёфада гулханга яқинлашди. Тарелка келтириш учун орқасига қайриларкан, бир зум тўхтаб қолди.

— Гапимга қулоқ сол, — деди у. — Ҳали гапирганимда... Мен истамагандимки... Нима қилишимни билмай, эс-хушимни йўқотиб қўйдим. Бутун уни топишимизга ишонгандим...

— Капстад тўғрисида сўзлаб беринг, — тўсатдан унинг гапини бўлди Адам.

— Капстад ҳақида? Нима учун бу нарса сенга керак бўлиб қолди?

— Билишни хоҳлайман. Шунинг учун ҳам олдингизга келгандим.

— Лекин мен сенга қизиқроқ туюладиган бирор нарса билмайман... У ердан чиқиб кетганимизга жуда узоқ вақт бўлди, деярли ҳаммаси ёдимдан чиқиб кетган. Капстад ҳақида ўйлаганимда, болалигим эсимга тушади, холос.

— Болалигингиз ҳақида гапириб беринг.

У ўтирди, бир оз ўйлаб қолди, сўнгра атрофида ҳеч ким йўқдай, бир нуқтага тикилиб ҳикоя қила бошлади.

Якшанба кунлари бутхонага борардик. Онам ҳамиша Епископ минбарига яқинроққа ўтиришни хоҳларди. Лекин бутхонадаги жойлар одамларнинг жамиятдаги ўринларига қараб ажратиларди. Биз яна саройга ҳам бориб турардик. У ерда бўладиган қабул маросимларининг барчасида қатнашардик.

Кўрфазга кемалар келиб тўхтаганда кўчалар одамларга тўлиб кетарди. Кеч-қурунлари биз айвонда ўтирардик, эркаклар эса мусалласни эрмонли ароқ ёхуд алойга кўшиб ичишарди. Отам ахён-ахёнда булардан татиб кўришим учун озгина менга ҳам берарди. Кечки овқатдан кейин аёллар ва қизлар меҳмонхонада лақиллашиб ўтиришар, ҳар хил ўйинлар ўйнашарди. Эркаклар ошхонада қоли-

шарди, ёз вақтлари эса айвонга қайтишиб, хизматкорлар келтирган винодан ичиб, сархонали мундштук ёхуд тамаки тутатиб ўтиришарди. Мен доимо меҳмонхонадан кўзни шамғалат қилиб қочиб, эркакларни кузатишни, уларнинг гапларини эшитишни яхши кўрадим. Эркакларнинг баланд овозда гапиришлари, қувноқ қаҳқаҳа бизларга шундоққина эшитилиб турарди. Буларнинг ўтиришлари меҳмонхонада жажжи дастали пиёлаларда қаҳва ёки бирон ширин ичимлик ёхуд газли сув ичишаётган аёлларнинг ўтиришидан анча завқли бўларди. — Элизабет ҳамон узоқ-узоқларга тикилар, ёнгинасидаги Адам ҳам унинг ёдидан бутунлай кўтарилиб кетгандай эди. Узоқ сукунатдан кейин сўзлаш ҳуқуқига эришган одамдай гапдан тўхтамасди. — Бир куни саройда буқалар жангини ўтказишди. Майдоннинг бир четини ўраб буқани ўша жойга ҳайдаб киритишди. Буқа ниҳоятда баҳайбат, қоп-қора бўлиб, ёллари узун-узун, шохлари буралиб-буралиб кетган эди. Худди ҳозиргидай кўз ўнгимда турибди; териси ортидаги мушаклари бамисоли ўйнаётгандай у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. Ўзини қаерга қўйишни билмай даҳшат билан бўкирар, шохлари билан ер чизарди, тўсиқ-деворни синдириб ташлашга уринарди. Унинг вазоҳатидан ёғочлар ғирчиллар, аёллар қулоқни қоматга келтиргудай бўлиб чинқиришарди. Ниҳоят, тўсиқ ичига бир тўп итни қўйиб юборишди, итлар шу ондаёқ буқага ташланишди. Итлар буқанинг тумшугига ёпишишга ҳаракат қилар, буқа эса бамисоли бир уюм латта сингари итларни тепага улоқтирарди. Лекин итлар жуда кўп эди, шу туфайли буқани ҳар томондан ўраб олди, бўйнига, ёлига, қорнига, оёқларига, тумшугига, думига ҳар тарафдан баробарига ёпишиб таларди. Итлар вовуллар, ириллар, буқа эса бўкирарди. — Қулоғим том битгандай, бирмунча муддатгача ҳеч нарсани эшитмай қолдим. Нима бўлдию буқа қоқилиб, йиқилди. Итлар буқанинг гўштарини тишлаб-тишлаб узиб ола бошлади. Бу даҳшатли манзара эди, томошабинлар лол бўлиб қолди. Лекин буқа яна ўрнидан турди. Унинг тумшуги тилка-пора бўлган, ундан тўхтовсиз қон оқарди, шунга қарамай яна итларга ташланди. Иккитасини шохлари билан санчиб олиб тепага кўтарди. Шохга илинган итларнинг ичак-чавақлари ағдарилиб кетган, буқанинг боши устида осилиб турарди. Мен бу ердан туриб кетишни истардим. Бўлаётган ҳодисага қарашга юрагим дов бермас, ҳамманинг олдида қусиб юборишдан қўрқардим. Лекин мен оёғи кесиб ташланган одамдай ўрнимдан ҳам туролмасдим. Мен йиғлаб юбордим. Одамларнинг бақир-чақири ва фарёдлари ичидан менинг йиғлаганимни ҳеч ким эшитмади. Орадан анча вақт ўтгандан кейин кўзимни очганимда буқа ерда ётар, итлар ириллаб, бир-бирини итаришиб, унинг гўштини бўлақларга ажратарди. Буқанинг энди ялтиллаб турган терисию, ўйнаб турган мушаклари кўринмасди, фақат қонга беланган, усти қум-тупроқ ва ахлат билан қопланган, парча-буриш бўлган танасигина ётарди. Мен ўлимнинг бу қадар бешафқатлигию бемаънилигини ҳеч қачон ўйламаган эканман. Ҳозиргина маҳобатли буқа майдон узра наъра тортиб мағрур юрган, мушаклари ўйноқлаб турганда. Мана, энди унинг кучи, гўзаллигидан ном-нишон ҳам қолмади, қаршимда тупроқ, ахлат, қор аралаш қандайдир балчиқсимон нарса ётарди. — Аёлнинг кўзларига ёш қуйилди. Қўлидаги ликопчани шунчалик қаттиқ сиқдики, синиб кетишига оз қолди.

— Буларни нима учун менга гапириб бердингиз? — ҳайрон бўлиб сўради у.

Аёл уйқудан уйғонгандай бошини кўтарди. Кўз ёшларини артиб, бурнини қоқди. Сўнгра кечки овқати солинган ликопчага тикилганча узоқ ўтирди. Сен ҳали бу ёғини эшитганинг йўқ, кўнгли бўшаб ўйлади у. Уйга қайтганимдан кейинги мендаги кўрқув ва жирканиш аломатлари бутунлай йўқолганини билмайсан. Барча ғам-ташвишларимдан бутунлай фориг бўлгандай жуда енгил тордим. Бошим бир неча ҳўплам ароқ ичган вақтдагидай бир оз айланарди, холос. Бамисоли қанот пайдо қилгандай, ўзимда йўқ хурсанд эдим.

Унинг гага паридан қавилган чойшаби майса устига тўшалган. Чойшаб устига эса каттақон харита ташланган. Харита ўралиб қолмаслиги учун унинг бир томонига спиртланган калтакесак ва илонлар солинган бир қанча банкларни териб қўйди, бошқа томонини эса тиззалари билан босиб чўкқалади. Бу Эрик Алексис Ларсон тузган, ингичка понасимон шаклга турли белгилар, йўллар туширилган, ёзувлар ёзилган харита эди. Понасимон шаклнинг атрофи улкан,

оқ рангли бўшлиқ билан қопланган, баъзи шартли белгиларгина туширилганди. Бу белгиларда Кольба ва Де ля Кейнинг маълумотлари, фил овловчиларнинг ҳикоялари қайд этилганди. Ларсон бу маълумотлар эвазига уларга мис пилик, шиша маржон, ичимлик, бир неча бўлак чайнайдиган тамаки берган эди... Харитада акс эттирилган белги ва ёзувлар ниҳоятда аниқлигини биламан. Дарё ҳам айни шу харитада кўрсатилган жойдан оқади, мана бу тоғтизма-си ва унинг этаklarини ўзим текшириб харитага қайд этганман, мана бу тепаликларда эса ёзлик ёғин миқдори жуда ҳам кам... Нарироқда-чи? Нарироқда ҳамма нарсани кутиш мумкин. Нарироқда узун сочли оқ танлилар юрти — Мономотапа, афсонавий ҳайвонлар салтанати, олтин конлари, унинг кетидан бутун Африка ястаниб ётибди.

— Бу ёққа кел! — чақирди уни аёл. У харита тепасига етиб келди. Аёл хаританинг қийшайиброқ қолган жойларини кафти билан текислади. — Менга кўрсат-чи, биз бу ердан денгизгача қандай етиб олишимиз мумкин?

— Денгизгами? У орқасига ўгирилиб кўли билан кўрсатди. Денгиз жуда узоқ-да, куёш чиқадиган томондан ўнгроқда.

— Йўқ, сен менга бу ердан, харитадан кўрсат, — деди ранжиган оҳангда.

У аёлнинг қаршисига чўк тушиб ўтирди ва қовоғини уйганча қизиқиш ва ҳадик билан харитага тикилди.

— Биз ҳозир мана бу ердамиз. — Аёл кўли билан харитани кўрсатди. — Мана бу денгизнинг бошланиши. Лекин биз унга қандай етамиз? Қайси йўлдан борамиз?

Адам бошини сарак-сарак қилди. Тиззасида ўтирганча жануби шарқ томонни кўрсатди.

— Нима бало, харитани умрингда кўрмаганмисан?

Адам унга хўмрайиб қаради.

— Мана бу Капстад, — шошилиб тушунтирди Элизабет. — Мана бу ер Ис-сик Калидлар. Буниси Свелленда. Мана булар — Аутениква тоғлари. Мана бу ердан шу жойгача келдик. Энди сен кўрсат-чи...

— Нима учун мендан сўраяпсиз? — ғазаб билан унинг сўзини бўлди Адам. — Бу жойлар бизга қарайди деб ҳисоблайсизлар-ку, ахир. — У хаританинг четидан ушлаб жаҳл билан тортди, хаританинг нариги четигадаги банклар йиқилди, банкадаги спирт майса устига тўкилди. Харитани ерга итқитиб, жаҳл билан туфлади. — Харитангизни майда-майда қилиб улоқтириб юборинг. Бу ерлар авваллари қандай бўлган бўлса, шундайлигича қолади.

— Харитамга кўлингни тегизма! — унинг кутилмаганда тутоқиб кетганидан чўчиб ва саросимага тушиб чинқирди. Йўқ, у унча-мунчага кўрқадиганлар тоифасидан эмас. У ҳеч қачон ҳеч кимга ўзини хор қилиб қўймайди. Нега ҳозир чекиниши керак экан? Унга ҳаммадан яқинроқ бўлган отаси, гарчи ўрталарида баъзан ихтилофлар чиқиб турса ҳам, “мен сени тушуна олмайман, Элизабет, ўғил бола бўлиб туғилмаганингга ҳайронман” деб такрорлашини ёқтирарди. Чунки унда эркакларга хос кўпгина хусусиятлар мужассам эди. Йўқ, бу дағаллик ва қаттиққўллик эмас, балки ички йиғинчоқлик, ўз шаънини баланд тутиб, зоҳиран мулойим бўлса-да, унинг дунёсига, ўзимники деб ўйлаган нарсаларига кўз олайтирмоқчи бўлганларга ўша дақиқадаёқ зарба бериш хусусиятлари, отасининг гапларида жон бор экан-да, дейишга асос берарди.

Элизабет жим туриш яхшиликка олиб келмаслигини биларди, унга таслим бўлишни ҳам истамасди.

— Сен билан баҳслашиш эшакнинг қулоғига танбур чалгандай беҳуда нарса, — такаббурилик билан гапирди у. — Сен аҳмоқсан, вассалом.

— Жуда соз бўпти-да. — У яна қизишиб кетди. — Харитангиз сизни шу ергача бошлаб келган бўлса, энди уйингизга ҳам элтиб қўяқолсин!

Ҳеч кимга кераги йўқ харитани сен тушунаркансан-у мен тушунмас эканманми? Шунинг учун мен кул бўламанми? Бўлмаган гап! Мен ёнимда бир парчаям қоғоз олиб юрмайман. Лекин бу ерларни ўз кўзим билан кўрганман, овозини эшитиб, ҳидини туйганман, унинг устида кезганман, бу тупроқни силаганман, кучганман. Бу тупроқ мен учун ҳаво, нон, ҳаётдай азиз. Ер сенинг харитангда эмас, шу жойда, мен билан биргаллигини биламан. Сен у тўғрисида нимаям билардинг?

— Мен аҳмоқ бўлсам, боринг, менсиз тирикчилигингизни ўтказаверинг.

Аёл энгашиб ердан харитани олди-да, ҳафсала билан ўрай бошлади.

— Ўтказавераман. Шу вақтгача ҳам ўтиб келган, — деди ниҳоят зўрма-зўраки.

— Ўзимнинг ҳам, эримнинг ҳам тирикчилиги ўтаверади.

— Демак, яхши ўтмапти-да, эрингиз шу кетганича бедарак йўқолди-ку.

— У албатта қайтиб келади!

— Бир ҳафтага яқинлашяпти-ю. Яна қанча вақтгача уни бу ерда кутиб ўтирмоқчисиз?

— Қандай қилиб уни ташлаб кетишим мумкин? Кейин уни кутмадим, орқамдан келиб қолган бўлса-я, деб бутун умр қийналиб юрайми?

— У сизсиз бир қадам ҳам юролмайдиган чақалоқмиди?

— Мен унинг хотиниман. — Адам ундан жавоб кутмаганди. Кутган тақдир-даям бундай вазмин, мағрур жавобни кутмаганди. Аёл бошини баланд кўтарганча виқор билан турар, ҳар нафас олганда кўкраклари кўтарилиб тушарди. — Орамизда нималар бўлиб ўтганининг ҳозир заррача аҳамияти йўқ. Биз янглишган бўлсак ҳам, мен уни севмаган, ҳатто нафратланган бўлсам ҳам майли. Бу ҳозир муҳим эмас. У менинг эрим, юрагимнинг тагида кўтариб юрган боламнинг отаси, вассалом. Шунча вақтдан бери уни бу ерда кутиш менга осон бўлди деб ўйлайсанми?.. — деди у. Аёлнинг овози анча мулойимлашганди, лекин бу ўзига раҳми келаётганлигининг аломати эмасди. — Бу мамлакатда шунча йўл юришининг ўзи бўлди деб ўйлайсанми...

Адам бошини кўтариб унга қаради, лекин кўзи аёлнинг кўзига тўқнашиб, ерга қараганча арава олдига кетди. Чамаси, энди сенинг навбатинг келди, шекилли. Инсон ўзи яшаётган замин билан мустаҳкам алоқадорлигини ҳамма вақт ҳам ҳис қилавермайди, унга боғлиқлиги ҳақида ўйлайвермайди. Лекин эртами, кечми — қачонлардир заминнинг ҳукмдорлик мавқеини, албатта, ҳис қила бошлайди.

Аёл унинг орқасидан юрди.

— Нима қилмоқчисан ўзи? — сўради Элизабет харитани жойига қўйиш учун аравага чиқаркан. — Сенингча, биз нима қилмоғимиз керак?

— Шаҳсан мен энди денгиз томонга юраман, — деди у. — Номаълум нарсани кутиб ўтиравериш жонимга тегди. Йўлни давом эттирадиган вақт аллақачон бўлган. Эртага эрталаб йўлга тушаман. Сиз ўзингиз биласиз. Эҳтимол, харитангизга қараб сиз ҳам йўлга равона бўларсиз. — Адам аёлга қаради. — Ўйлаб кўриб балки мен билан йўлга тушарсиз?

— Эрим эртага қайтиб келса-чи? Эҳтимол бирор ҳафтадан кейин келиб қолар?

— Сиз кўтариб юрган болангизни соғ-саломат туғишни хоҳлайсизми ёки марҳум одамни кутиб бу ерда ўтирганингиз афзалроқми?

— У марҳум эмас, тирик!

Адам елкасини қисиб милтиқни, шунингдек, озгина ўқ-дори ва ўқ олди.

— Қаёққа?

— Гўшт топиб келаман.

— Ким сенга милтиқни олишга руҳсат берди?!

Адам аёлнинг ҳозирги ҳолатини сезиб турар, шундай бўлса-да, орқасига қарасдан тўсиқдан ўтиб нарига кетди. У бир неча ёввойи анжир дарахтлари орасидан ўтгач, яқиндагина бўлиб ўтган, қизғиш тупроқда чуқур ариқча излари қолдирган селдан кейин яшнаб кетган майсазор қиялқдан пастликка қараб юрди. Пастликка тушган сари дарахт ва ўт-ўланлар тобора куюқлашарди. Сутлама ва саго дарахтлари орасидан ўтган билинар-билинемас сўқмоқ уни дарё ирмоқчасига олиб тушди, сувни кечиб ўтиб кейинги тепаликка кўтарилди. Бу тепаликда кўпинча кийиклар ўтлаб юришини у биларди. Кўнгли гаш эди. Ҳомиладор аёлни денгизгача қандай элтади? Цицикаммагача бўлган бу йўлнинг етиб бўлмас узоқликда эканлигини биласанми? Кейин Цицикаммадан Капстадгача қандай етиб оласан? Бу ерда қолишинг мумкин эмаслигини биламан. Лекин биз бу йўлни қандай босиб ўтамиз? Араванг олдига яқинлашганимда бундай бўлишини кутмагандим, асло ўйламагандим. Мен шунчаки... Дарвоқе, мен нимани истаб келгандим бу ерга? Бунга ўзим ҳам билмайман. Мен шунчаки Капстад ҳақида сўзлаб берармикансан деб ўйлагандим. Мен шунча йилдан бери Капстаддан узоқда, йиртқич ҳайвонлар, тошлар, тиканли чангалзорлар аро сар-

сон-саргардон кездим, аҳён-аҳёндагина кўчманчи готтентотларни учратдим. Инсон ҳамма нарсага ҳам кўникиб яшайверар экан-да. Шундай бўлса ҳам... Мен энди сени бу ерда ташлаб кетолмайман. Сенинг сиймонгда Капстадни кўргандай бўлиб, юрагим бўшашиб кетди. Яна ундан айрилиб қоламанми?

“Қизик, ким кимнинг домида ўзи? — ўйларди Адам. — Ким кимга кўпроқ боғлиқ?”

Қандай бўлмасин, улар олға юришлари шарт. Инсон ҳар сафар бошлаган йўлини давом эттираркан, худди янгидан йўлга отланаётгандай бўлади. Оролда тонг саҳардан қоронғу тушгунгача тош майдалаган, ер чопиб, ариқ олган, балиқ тутган кезларида иложини топган дақиқаларда ўзига сол ва эшкаклар ясаб олиш учун қолган-қутган тахталарни йиғиб юрарди. Ҳамма нарса тайёр бўлгунча орадан анча ойлар ўтиб кетди. Сўнгра у қулай фурсатни пойлади. Чунки аҳён-аҳёнда каторга қилинганларнинг кишан ва занжирларини бўшатишарди. Байрам кuni эди, шекилли. Чунки ҳаммага вино улашилди, узоқ вақт Инжил ўқилди. Сармаст қоровуллар мудрай бошлагандан кейин секингина жуфтакни ростлаб қолди, қоронғи тушгунча чакалакзорларда яшириниб ўтирди. Денгиз тўлқинлари гувиллар, қирғоқдаги қарға қағилларди. Эшкаклар оҳиста ғичирлаб сувни кесиб борарди — у узоқда милтиллаб турган чироқ томон суза бошлади. Боши тепасидаги бепоён осмонда юлдузлар милтилларди. Шамол қаршидан эсар, денгиз кучли чайқалаётганди. Лекин бундан бошқа имконият бўлмаслигини ҳам у биларди. Бир оздан кейин тўлқин шунчалик зўрайдики, эшкакларни кўйиб, қўллари билан солга маҳкам ёпишиб олишга мажбур бўлди, акс ҳолда тўлқин уни денгизга итқитиб юбориши тайин эди. Солнинг тахталари ғирчиллар, ўйин тушаётгандай ҳар томонга лопилларди. Кутилмаганда сол бўлиниб кетди, у бир бўлак тахтага ёпишиб олди, кўкраги билан унга ётиб суза бошлади. Тўлқинларнинг йўналишини кўриб, даҳшатли оқим сенга қачон ёпирилишини билишнинг иложи бўлсайди... У ичига анча сув кирганини, танаси ҳўл елкандай оғирлашганини сездди. У энди қирғоқ қайси томондалигини билмас, йўталар, нафаси қайтиб бўлига, тобора денгиз қаърига кириб борарди. Ҳаммаси тамом. Совуқдан қўлларининг томири тортишди, кўксида мисоли олов ёнаётгандай эди. Улим ҳам, мана, етиб келди. Лекин барибир типирчилар, сузишга ҳаракат қиларди. Кутилмаганда тўлқин уни қирғоққа итқитиб ташлади. Унинг ҳозирги ҳолатини инсоннинг янгидан туғилишига қиёслаш мумкин эди. Ҳеч нарсани ўйламаган ҳолда тўлқин етиб келадиган жойдан юқорироққача судралиб борди-да, қумда ётиб қолди. У қалтирар, жон бераётган балиқдек оғзини каппа-каппа очарди.

— Эсингда бўлсин, замин — сенинг қисматинг, — дерди хўжайини.

— Бу сенмисан, она тупроғим? Мени бағринга ол, асло қўйиб юборма. Курашишга кучим қолмади, сув яна ўзига тортаяпти.

Сўнгра тунни тоғда ўтказиб, ҳали қоронғилик тарқамасдан яширинча кўрғонга борди, битта отни олиб чиқди-да, қамчи босди. Эрталабгача Капстад атрофида қолиб кетгудай бўлса, раҳм-шафқат қилиб ўтирмасликларини у биларди. “Тоғларга тикилар менинг кўзларим...” — бу сўзларни у ёшлигидаёқ эшитганди. Ахир уни руҳоний қилиб тарбиялашмоқчи эди, — Исо Масих, Хейски — Эйбиб ҳақида сўзлаб беришарди унга. Лекин бу афсоналар унинг миясида бувиси Селининг улуғ пайғамбар ҳақидаги эртаклари билан аралашиб кетарди.

Кундузлари қуюқ чакалакзорларда беркиниб юрди. Учинчи кuni кечаси обдон ҳолдан тойган отни тоғнинг тепасида қолдириб, ўзи тик қоялар оша янада юқорироққа ўрмалай бошлади.

Ой ёруғида пастликда гўзаллиги ва улуғворлиги кишини энтиктириб юборувчи Фолс-Бей ястаниб ётар, узоқда Ошхона тоғ — менинг тоғим, менинг кўрфазим қорайиб кўзга ташланарди. Менинг киндик қоним шу ерда тўкилган, онам шу ерда яшайди, бувимнинг қабри ҳам шу ерда. Мен билмайдиган отамчи? Уни губернатор саройи олдидаги майдонда чархпалакка тортиб ўлдиришган. Лекин унинг номи ҳамон халқ ўртасида барҳаёт. Менинг ўлкам, менинг Ватаним. Кўзимни юмиб турсам-да, унинг бепоён текисликлари, узумзорлари, кумушранг дарахллари, оппоқ ўйлари менинг наздимда жонланаверади. Қуллар яшайдиган шаҳар кўчаларининг шовқини эшитилгандай бўлади, орқасидан чанг кўтариб итлар галаси тортиб кетаётган аравалар кўриनावеради. Мана

шу тупроқ — менинг қисматим, — дерди хўжайин. Мана, мен энди эскириб дабдаласи чиқиб кетган, тер ҳиди анқиб, бурга босган чойшабни ташлаб юборгандай итқитиб ташлашим керак. Инсон табиати шундайки, ўзининг эски-тускисига ҳам ўрганиб, ҳатто уни севиб, ёқтириб қолади. Мана бу тоғдан ошиб ўтаману ҳаммасини янгидан бошлайман: мана бу тош, бу дарахт, буниси кийик, буниси эса қора илон... Менинг она тупроғим, шўрпешона саҳроим, мана, сен билан юзма-юз турибмиз. Эртага мени қидиришга тушишади. Милтиқларни тозалаб ўқлашади, отларни эгарлашади, итларни тўплашиб орқамдан тушишади, мени тулкини овлагандай овлашади. Ахир мен улар учун йиртқич ҳайвондай бир нарсаман, ҳатто ундан ҳам ёмонроқ, қочоқ бир қулман. Каиннинг пешонасида тамғаси бор эди. Художўй ойимнинг ҳикоя қилишларича, шу тўфайли ҳам одамлар унга тегишмасди. Менга урилган тамға пешонамда эмас, елкамда эди, бу мени қутқармасди, аксинча, ажалимдан олдин хароб қиларди. Хўш, азаматлар, овлайверинглар, етиб олинглар-чи, кўраим бу иш қўлларингдан келадими, йўқми. Энди бир-биримизга ашаддий душманмиз, ит-мушукмиз. Эй, менинг Капстадим, сен мени нима қилиб қўйдинг? Мен сендан жирканаман. Эй, менинг Капстадим, сенсиз яшай олмайман! Лекин бари-бир сендан айрилишга, бошқа-бошқа яшашимизга тўғри келади, чунки мен эркин қушман. Мана, озодлик нималигини билиб қўй — истаган одам энди мени ўлдириб кетавериши мумкин...

Дарахтлар орасидан у томонга қараб ёшгина нар кийик келарди. Адам қуролини тўғрилаб унинг бўйинни мўлжалга олди. Сўнг жон талвасасида қалтираётган кийикка қараб чопди, шошилганидан тошлар орасида офтобда исиниб ётган хол-хол илонни босиб олай деди. Сергакланиб, оёғининг остидаги тош билан илонни урди, илоннинг олтинранг терисидан қон сизиб чиқа бошлади. Кийикни орқаси билан ерга ётқизиб қўйиб, чаққон ҳаракатлар билан ҳаш-паш дегунча қорнини ёрди, ичак-чавақларини ағдариб ташлаб, ичида йиғилиб қолган қонларини тўқди-да, елкасига опичлади.

Арава ёнида турган Элизабет ўқ овозини эшитиб чўчиб тушди. Аъзойи бада-ни бўшашиб, қимирлашга ҳоли қолмади. Худога шукр, тирик экан, қайтиб келди! Элизабет четан деворнинг очиқ жойигача аранг келди-да, тўхтаб қолди, нарёғига ўтишга мадори етмади. Орадан жуда узоқ туюлиб кетган бир неча сониялик вақт ўтгач, нарироқдаги чакалакзордан бировнинг қораси кўринди. У кийикнинг оғирлиги остида салгина эгилганча қадам ташларди. Бу сенминдинг, эрим эмасмиди?

Элизабет ерга ўтириб қолди. Беҳад эҳтиросу ҳаяжон, чексиз-чегарасиз қувонч-ни кўтариб бўладими! Тепаликка кўтарилиб келаётган одам Эрик Алексис Ларсон эмаслигидан ғайритабиий бир севинч қалбида жўш ураётганидан ўзи ҳам уялиб кетди.

— ... Бу жаноб Ларсон. Бу менинг қизим Элизабет. Сиз ҳақингизда жуда кўп эшитганмиз, қачон сиз билан танишарканмиз деб жуда орзуманд эдик. Қаршимда баланд бўйли, қуюқ малла соқолли, ўттиз беш ёшлардаги, худди қизлардек оппоқ юзли йигит турарди. Узун оппоқ қўлларини сап-сарик тук қоплаган, тийрақ мовий кўзлари қандайдир хаёлчан ва ҳайрат билан боқарди.

У вазмин таъзим қилди, қиз эгилиб саломлашгандай бўлди. Лекин қиз ҳам, йигит ҳам лом-мим демади. Отаси нимадир дегандай бўлди-ю, аммо булар унинг сўзини деярли эшитишмади. Сўнгра онаси отасини бошқа меҳмонлар ҳузурига чақирди. Атрофдагилар, айниқса, хонимлар уларга қизиқиш билан тикилишарди.

— Отангиз, шубҳасиз, мени таништирмақчи эди, — деди уялинқираб. У оҳиста, вазмин овоз билан гапирмоқчи эди, лекин акси бўлиб чиқди. — Эшитишимча, сиз клавиесинни яхши чалармишсиз?

— Капстаднинг ҳамма қизлари клавиесинни қойилмақом қилиб чалишади, — жавоб берди у. — Барчалари ашула ҳам айтишади. Рақс тушишади. Шуғулланадиган бошқа машғулот бўлмагандан кейин нима ҳам қилардик.

— Шаҳрингизни жуда қоралаб юбордингиз-ку.

— Капстад жуда тигиз жой, — жавоб берди у. — Сиз бу ерда тезда зерикиб қоласиз. Аслида сиз учун бу ерда хавф-хатар йўқ, зеро хоҳлаган вақтингизда жўнаб қолишингиз мумкин.

— Бу ерда мен хийла узоқроқ турмоқчиман.

— О, унда қизлар хурсанд бўлишади. Одатда хориждан ташриф буюрганлар тезда кетиб қолишади.

Йигит ўз хаёллари билан банд бўлиб жим турарди. Сўнгра эҳтирос билан гапга тушиб кетди. Бу қизни ҳайрон қолдирди. Йигитнинг овози ёқимли эканлигига ҳам эътибор берди.

— Биласизми, хоним, биз саёҳатчилар учун дунё тобора торайиб бормоқда. Перу кашф этилганидан кейин бизга ҳеч нарса қолмади десак ҳам бўлаверади. Фақат Африкагина қолди ҳисоб.

— Капстад ҳали Африка дегани эмас-ку.

— Тўғри, шу ердан бошланади десак ҳам бўлаверади.

Қиз таслим бўлишни истамасди.

— Мамлакатнинг ичкарасига саёҳат қилиш учун губернатордан рухсатнома олишнинг ўзи бўлмайди.

— Сиз мени бу ишда айбламоқчисиз, шекилли?

— Сизни нега айблар эканман? Мен сизни ҳали билмайман-ку. Сиз нима қилмоқчи бўлаётганингиз билан ҳам менинг ишим йўқ. Лекин сени кутаётган нарсага аввалдан тайёр бўлиб туриш керакмикин деган фикрга қўшиларсиз? Бу ерда ҳар бир арзир-арзимас иш сансалорлик билан боғлиқ, ҳеч ким ёрдам бермайди сизга. Палата рухсатисиз бир қадам қўёлмайсиз. Эҳ, бу Палатадаги жанобларни... — У ҳафсаласи пир бўлиб, бошини сарак-сарак қилди. — Бу жаноблар ўзларига қолса бизни тоғлар ва денгиз орасига қамаб қўйишса. Менимча, улар бизни мамлакат ичкарасига киритишдан қўрқишади. Бу ҳол тўсатдан уларнинг ҳокимиятини кунпаякун қилса-я? Менга ишонмаётганга ўхшайсиз, мен бор гапни айтдим. Отам ҳам амалдорлардан бири.

— Сиз Палатадан чўчирмидингиз? Ахир, ҳар бирингиз ўзингизга хон, ўзингизга бексиз-ку.

— Ҳа, ҳаммамиз ўзимизга хўжайинмиз! — алам билан хитоб қилди у. — Шу нарса бизни хароб қияпти-да.

— Сиз бошқа мамлакатларда бўлганмисиз?

— Йўқ ҳисоби. Фақат Голландияда ойижоним билан бир йил яшаганмиз. Ойимнинг ўша ердаги барча қариндош-уруғлариникида бўлганмиз. — Элизабет бир оз сукут сақлади-да, жумбоқлироқ қилиб: “Голландия ҳам бир нави жой экан-да”, — деди.

— Лекин у ерда ҳаёт қайнайди! — эътироз билдирди йигит. — У жойга дунёнинг ҳам бурчагидан одамлар келади.

— Менга, албатта, бу юрт ёқди. Базми жамшидлар, концертларни айтмайсизми. Амстердам жуда гўзал шаҳар экан. Шунга қарамай... шунга қарамай, ёт ўлкалиги билиниб турибди. Голландия онамнинг ватани, меники эмас. — Қиз энди йигитга очиқ чеҳра билан табассум қилди. — Саёҳат вақтида менга энг маъқул бўлган нарса нималигини биласизми? Уйимизга қайтаётганимизда Бисгай кўрфазида даҳшатли пўртанага дуч келдик. Ҳамма, кема ағдарилиб кетади, деб ўйлади. Мени палубага чиқаришмади. Барибир, бир амаллаб кема устига чиқдим-да, тутқични маҳкам ушлаганча туравердим. Тўлқин билан урилаётган сув оёғимдан бошимгача шалаббо қилди. Бу манзара шу қадар даҳшатли ҳамда гўзал эдики, қиёмат қойим бўлаётгандай туюларди.

— Чамаси, сиз “охир замон” ҳақидаги ривоятларнинг рўёбга чиқишини истайсиз, шекилли.

Қиз бир неча дақиқага ўрнини тарк этиб, ичкаридан мева солинган ваза келтириб қўйди.

— Мен мезбонлик бурчини сунистеъмол қилиб, меҳмонга зарур илтифотни кўрсата олмаяпман, шекилли, — деди мулойимлик билан. — Мана бу майда қизил анжирдан татиб кўринг, жудаям мазали. У Роббен оролидан махсус келтирилган. Рангли карамни ҳам ойимга ўша жойдан олиб келишади. Кечқурун татиб кўрарсиз деб умид қиламан. Алоҳида тантанавор кунларда ҳатто ичимлик сувини ҳам ўша ердан келтиришга буюртма берамиз. Бутун Капстадда унақа тиниқ сув йўқ деб ҳисоблашади. Кўряпсизми, энг яхши нарсаларни бизга бошқа жойлардан келтиришади.

Йигит қизга қандайдир лоқайд тикилганча жимиб қолди.

— Ҳўш, — қутилмаганда гердаиб гап қотди қиз. — Кундаликларингизда менга ҳам бир неча қатор жой ажратарсиз?

— Афв этасиз, — Адам уйқудан энди уйғонган одамдай сергакланди.

— Менга шу қадар қаттиқ тикилдингизки...

— Худо ҳаққи, кечиринг, — уялинқираб луқма ташлади Адам. — Мен ёш қизлар билан жуда кам суҳбатлашганман.

— Менга бошқа қизларга қараганда алоҳида эътибор қаратишингиз шарт-масмикин деб ўйлайман.

— Худо ҳаққи, сиз мени бошқачароқ тушундингиз, — эътироз билдирди уялинқираб. Мен билан суҳбатлашиш сизга зерикарлироқ бўляптими деб ўйловдим. Менда киборларга хос қизиқувчанлик уқуви ҳам йўқ. Устига-устак, мен бундай одамлар даврасида жуда кам бўлганман, ахир умримни номаълум ўлкаларга уюштириладиган саёҳатларда ўтказганман.

Эҳтимол, йигитнинг камгаплиги, ҳаддан ташқари вазминлиги, қизнинг галаёнга келишига сабабчи бўлгандир. Ҳарҳолда бу номаълум йигитни бир силки-тиб қўймоқчига ўхшайди. Узоқ туюладиган тунларнинг хавф-хатарларини, денгиз пўртаналарини бошидан кечирган, олисдан милтиллаётган маёқлар, эртаксион ўлкалар, гаройиб ҳайвонлар, ёввойи одамларни кўравериб дийдаси қотиб кетган, умри саёҳатлару саргузаштларда ўтиб, ўзида бутун бир оламни яширган номаълум бу йигитни гапга солмоқчи, сиру асрорларининг лоақал бир қисми билан ошно бўлишни истади.

— Ўша мамлакатлар ва у ерларда яшовчи халқларни ўрганиш, тадқиқ этиш лозиммасмикин? — қатъий сўради қиз.

— Мени тортишувга чақиряпсиз, шекилли.

— Йўқ, ундай эмас, жаноб Ларсон, — эътироз билдирди Элизабет. — Мен мамлакат эмасман, бор-йўғи тоғлар ва денгиз икки томонидан сиқиб турган ернинг кичик заррасиман, холос...

Орадан бир ҳафта вақт ўтгач, улар ёлланган аравада тоғ йўлидан Констанция томон боришарди.

Тоғ йўли ҳар сафар қайрилгандан кейин пастдаги серботқоқ текисликлар янада яққолроқ кўзга ташланарди. Лекин Элизабет манзарадан кўра ҳамроҳини синчковлик билан кузатар, ундаги ҳар бир ўзгариш, ҳолатни назаридан қочирмасди. Ҳамроҳи эса салгина ҳаяжонланса юзлари ёришиб кетарди. Унғача ҳеч ким қадам босмаган ерлар, мамлакатларга ҳам худди шу тахлит саёҳат қилганини тасаввур этди. Қиз унинг қалбига киришга, у нимани кўрса ўшани кўришга, нимани синаб кўраётган бўлса, ўша нарсани синашга, хуллас, ўзида олам-олам нарсани яширган одамни тушунишга ҳаракат қиларди.

Шаҳарга яқинлашишганда уларнинг араваси бир гала маймунларни чўчитиб юборди. Маймунлар ҳар томонга тумтарақай бўлиб қочишди. Арава орқасида келаётган итлар ғазабнок ириллаб уларни тоғ чўққисигача қувлаб борди.

— Бугун улар биздан кўрқди, — деди истеҳзо билан қиз. — Ўтган сафар мен бу ерларда от миниб юрганымда қари эркак маймун галадан ажралиб чиқиб менга ташланмоқчи бўлди. Ундан зўрға қочиб кутулдим. — У кулиб қўйди-да, сочини орқага ташлади.

— Сиз бу ерларда кўп бўласизми?

— Шу жойларга келгим келаверади. Лекин, албатта, онам рухсат этмайди.

— Бундай саёҳатлар хатарли эмасми?

— Эҳтимол, хатарлидир. Гора дарёсига ҳозир ҳам йўлбарслар сув ичгани келади. Чакалакзорларда эса ҳар хил дайдилар ва уччига чиққан жиноятчилар яшириниб ётади. Лекин дунёдаги ҳамма нарсдан кўрқаверадиган бўлсанг, яхшиси, умр бўйи уйингда ўтиравер... Ҳозир йўл яна бир бор қайилгандан кейин қаршимизда ажойиб манзара пайдо бўлади, кўрарсиз.

Улар тоғнинг туртиб чиққан жойини айланиб ўтишди-ю, серботқоқ текисликни тўлдириб турган кичик-кичик кўлчалардаги қизил ғоз галаларига кўзлари тушди. Арава филдирагининг овозидан чўчиб кетган қизил ғозларнинг бир галаси қанотларини қаттиқ-қаттиқ силкитганча учиб кетди.

— Кўрдингизми? — ҳаяжон билан хитоб қилди қиз. — Менимча, бу жой бутун Капстаднинг энг гўзал бурчаги.

— Қизил ғозлар, — ўйчан бир алпозда деди Адам. — Булар ҳам узунёқ турналар оиласига киради.

Қиз шошилиб йигит томонга ўгирилди. Лекин у жим бўлиб қолди. Йўл қум тепалик томон пастликка бошлади.

— Қишда бу ердан ўтиб бўлмайди, — деди қиз. — Йўл сув билан қопланиб ётади. Агар қишда шу ерда бўлсангиз, муқаррар равишда келиб кўринг.

Йўлнинг икки томонида аввалига аҳён-аҳёнда учраган ёввойи гуллар тобора қуюқлашиб борди, охирида эса бутун борлиқ турли-туман рангли ипақлардан тўқилган улкан гиламга ўхшаб кетди.

Баъзи гулларнинг номини иксия, мелантия, монсония, вашендорфия деб қизга тушунтирди. Бу номларни қиз илгари ҳеч қачон эшитмаганди. Сўнгра йигит аравакашга тўхташни буюрди-да, пастга тушиб, илгари ўзи учратмаган гуллардан тера бошлади. Араванинг ёнига каттакон гулдаста билан қайтиб келди. Гулдастани қизга узатиб, қутилмаганда кулиб қўйди. Бу кулгисидан юзлари яшнаб ўзи ҳам ёшариб кетди.

— Миннатдорман, — деди қиз ҳайратомуз қувонч билан ва гулдастани қўлида олди. — Қандай ажойиб гулдаста!

Лекин йигит аравадаги ўз жойига келиб ўтиргандан кейин қизнинг қўлидаги гулдастани қайтиб олди. Қиз хатога йўл қўйганини англаб, уялиб кетди ва лабини тишлади.

— Уйга борганда буларни қуритиб оламан, — тушунтирди у. — Булардан бирортасининг ҳалигача номи йўқлиги жуда ғалати-да.

— Бунча номни қандай ўйлаб топасиз? — деди истехзо билан, рўй берган ҳолатдан ҳали ҳам ўзига келолмаган қиз.

— Эй, уларга шартли равишда ном қўяман-да, — жавоб берди йигит. — Сўнгра нимаикки тўплагани бўлсам, ҳаммасини Швецияга жўнатаман. У ерда меҳнинг Карл деган дўстим бор. Дўстим ўсимликлар дунёсини ўрғанади. Энди ер юзидаги барча ўсимликларга ном қўйиш имконияти пайдо бўлмоқда.

— Ер юзидаги барча ўсимликлар ўрганиб бўлингандан кейин нима қиласиз?

— Қаерга борсам, ўша жойдан Карл учун ўсимликлар йиғаман, — гапини давом эттирди Адам қизнинг сўзига қулоқ солмай. — Амазонка водийси, Суринам, Янги Зеландия, — қаерда бўлмасин шу ҳол давом этаверади. — Улар танишганларидан бери илк маротаба қизгин ва берилиб ҳикоя қила бошлади у. — Баъзан бегона юртга бориб ҳайронликдан ўзингни йўқотиб қўясан, киши. Атрофдаги ҳамма нарса янги, ҳамма нарса сени лол қолдиради. Бундай хилма-хиллик қаршисида ўзингни тамомила нотавон ҳис қила бошлайсан. Ҳамма нарсани ўзинг билан бирга олиб кетгинг келади. Кўзларинг ва қулоқларинг бу қадар кўп ва турли-туман таассуротларга дош бера олмайдигандай туюлади. Ишни бошлаб, ўсимликларга, ҳайвонларга ном бериб, хаёлингни жойига қўйиб, зарур нарсаларга эътиборингни қаратганингдан кейин маълум бўладики, кўп нарса сенгача аллақачон ҳал бўлган. Ҳаяжондан ўзингни йўқотар даражага келганингдан ҳатто кейинчалик уялиб юрасан. Сен бу мамлакатда бегона эмаслигингни, у сенга ҳам тегишли эканлигини ҳис этасан. Ҳеч ким сени ундан ажрата олмаслигини, бу жойлардан минглаб қақирим масофага узоқлашсанг, ўртада уммонлар ва қитъалар ястаниб ўтган бўлса-да, сен ундан айрилмаслигингга амин бўласан. Энди заминнинг бу бурчаги сеники, сен унинг соҳибсан. — Йигит гулдастани авайлаб ўриндиқ тагига қўйди. — Сиз мени тушуняпсизми? Худди шундай қилиб мен тез орада Африканинг бир бўлагини ўзим билан олиб кетаман. Бу улкан қитъанинг бир қисмини — ўзимники бўлиб қолган бўлагини олиб кетаман.

Қизнинг назарида йигитни бутун умр бўйи биладигандай туюлиб кетди. Камгаплиги ва бегонасирашининг сабабларини ҳам тушунгандай бўлди. Қалбида нимадир — анчадан бери асраб юрган нарсаси акс-садо бергандай бўлди. Ёлланган аравада, унинг ёнгинасида камгаплиги, вазминлиги билан ҳаммани лол қолдирган ўзга юртли бегона одам эмас, балки Гайана, Суринам, Амазонка водийси, Пернамбуко, Террадел Фуэго, Янги Зеландия, Фижи сингари унинг қулоғига худоларнинг номи ёхуд қарғишдай эшитиладиган олис дунёларга саёҳат қилган одам ўтирарди. Бу номларнинг ҳар бири унинг қалбида чексиз қизиқиш уйғотар, бу қизиқишнинг ёлқини кун сайин кучайса кучаярдикки, асло

сўнмасди. Лекин у кутилмаганда шундай хулосага келди:” Мен ҳам ўрганишим керак бўлган номаълум мамлакатман. Ахир мен бу ерда қамоқхонада ётгандай бир ҳолатдаман. Буни кўрмаяпсизми, ахир?”

— Мен Эрик Алексис Ларсонга турмушга чиқаман, — эълон қилди қиз ўз ота-онасига орадан ярим йил ўтгач. — У қитъанинг ўртасига саёҳатга бориб келгунгача кутишимни илтимос қилди. Лекин мен ҳозирнинг ўзидаёқ никоҳдан ўтиб, у билан бирга кетишимни айтдим.

— Уйлаб иш қилаяпсанми ўзи? — эҳтиёткорлик билан сўради Маркус Лоув.

— Уйлаш эмиш! — бақирди онаси. — Бу нодонлик, ўтакетган бемаънилик!

— Нодонлик бўлса бўлақолсин, мен барибир у билан кетаман, тамом-вассалом, — деди Элизабет.

— Сен отасан, Маркус, бундай қилишига йўл қўйма, — буйруқ берди Катарина. Дўстларимиз нима дейди? Аёл боши билан саҳрога кетибди демайдами?

— Нега энди аёл зоти саҳрога бормас экан? — эътироз билдирди Элизабет. — Нега унга ҳамма нарса тақиқланади? Аёл бўлиш уятми? Аёл бўлиб туғилиш жиноятдай гапирасан-а. Эркаларнинг саёҳатга боришлари мумкину, нега менга мумкин эмас?

— Агар сен у билан кетсанг, ҳаммамизни иснодга қолдирасан! Менинг оиламда...

— Мен билан никоҳдан ўтиб Капстадга кетишга қарор қилганингда сенинг ота-онанг ҳам сендан юз ўғирмоқчи бўлишган, — вазминлик билан эслатди Маркус. — Ўзинг ҳам худди Элизабетга ўхшаган қайсар бўлганингни унутдингми?

— Охири нима бўлди? — таъна билан сўради она. — Ландовур бир одамга турмушга чиқдим. Икки фарзандимни — икки ўғилгина боламни ерга қўйдим. — Эҳ, улар ҳозир ҳаёт бўлишганида ҳаммаси бошқача бўларди. Бу мамлакатда шунчалик кўп ғам-алам, кўргиликларни кўрдимки, айтиб адо қилиб бўлмайди. Бир неча марта Батавия ёхуд бошқа қадрдон жойларга бориб яшаш имконияти туғилса-да: — Маркус Лоув шу ерда туғилган, шу ерда ўлади дейишни қанда қилмадинг. Энди Элизабетдан нимани кутиб бўлади? Лекин лаоқал шу сафар қатъийлик кўрсатиб, қизимизни аҳмоқона ишдан қайтарарсан деган умиддаман.

— Онанг Францияни тарк этиб кетаётганида бирор одам бу йўлдан қайтара олганми? — деди у. Отасини ғазабнок қиёфада у жуда кам кўрган, лекин ҳозир томирлари бўртиб кетган, ғазаб отига минган эди.

— Ўша вақтдаги ҳолатни ҳозиргиси билан солиштириб бўладими, — эътироз билдирарди Катарина. — Онамнинг бошқа иложи йўқ эди, француз протестантлари уни таъқиб остига олишганди. Элизабетни бу ердан ҳеч ким ҳайдаётгани йўқ-ку. Ёввойи одамлар олдига қочишга не ҳожат?

— Менинг бошқа иложим борми? — сўради Элизабет. — Ё ўлиш, ё ақлдан озиш — ҳар иккаласи ҳам менга хуш келмайди.

— Қонимни қайнатма! — қизининг гапини кескин бўлди она. — Ё ўлиш ва ё ақлдан озишмиш! Йиртқич ҳайвонлар, ёввойи одамлар орасида, саҳрода нима бор сенга? — У сўзини яна шикоят оҳангида давом эттирди. — Эркалар саргузаштга шунчалик ўч бўлсалар, бораверишсин. Ларсонга ҳам ҳайронман. Ёшлар-ку майли, ҳамма вақт қаёққадир шошилишади. Ларсонга нима жин урди? Унинг ёшида эсини тўхтатиб олиши, ақлини йиғиши керак эди-ку... Бошқалар майли. Ахир, қизим Элизабет, сен туппа-тузук оила қизисан-ку. Айтганинг айтган, деганинг деган эди. Сенга ҳамманинг ҳаваси келарди, ўрناق олишарди сендан...

— Мен саҳродаги одатдаги саёҳатга эмас, гўё жаҳаннамга кетаяпман. Ойи, ахир тушунинг, мен энди бу ерда қололмайман.

— Шунча машғулотларинг, кўнгилхушликларинг бор-ку, ахир!

— Ҳа, бор. Бирор базми жамшид, айтувли меҳмондорчилик, боғ сайрини қолдирмайман. Буларнинг ҳаммаси вақт ўтказишга ёрдам беради. Лекин мен қачонгача бундай яшайман? Дурустроқ қаллик топилиб, тузуккина хонадон соҳибаси бўлгунимча шундай юравераманми?

— Эсингни йиғ, Элизабет! Нега сен жим турибсан, Маркус?

— Менинг отам губернаторга қарши исён кўтарганда, — деди қўлидаги станкага қараб.

— Шу иши билан мангу номусга қолди!

Ота қўлидаги стаканни “тақ” этиб столга қўйди-да: Йўқ, аксинча. Отам қарши курашган компанияга ишга келиб мен ўзимни номусга қўйдим. Иссиққина жой, оилам муҳтожлик кўрмай кун кечиради деб алдандим.

— Сен ҳам саёҳатга отланмоқчимисан дейман? — захархандалик билан сўради Катарина.

— Йўқ, мен энди қариб қолдим. Лекин қизимиз шу одамни яхши кўриб қолган бўлса, у билан кетаверсин. — Ота қизининг кўзига маъюс тикилиб қолди.

Элизабет ерга қаради. Қиз анчагача миқ этмади, сўнг отасига қаради.

— Мен шунга қарор қилдим. Унга турмушга чиқиб бирга жўнаб кетаман.

— Нонкўр! — қичқириб юборди онаси. — Лекин тақдири азалда шу иш пешонамизга ёзилган бўлса шундай тўй қилайликки, Капстадда юз йилдан кейин ҳам эслаб юришсин. Фақат кемалар келгунча кутишга тўғри келади.

— Узоқ вақт саёҳат қилмоқчимисизлар? — сўради отаси кечқурун иккалалари меҳмонхонада ёлғиз қолишгач. Улар шахмат тахтасига тикилиб, қарама-қарши ўтиришар, отаси столга ароқли стаканини қўйиб олганди.

— Иложи борича узоқроқ, — жавоб берди қиз. — У ёғини келажак кўрсатади. Ларсон ҳозир саёҳат маршрутини аниқлаяпти, лекин ҳеч қаердан ишончлироқ харита тополмаяпти. Биров ундай дейди, биров бундай. Яқинда унга мюизенберглик жаноб Роллоффни тавсия этишди...

— Иши ўнгидан келсин. — Ота стакандаги ароқдан бир-икки хўплам ичди-да, чуқур нафас олди. — Сен янглишмаётганингга имонинг комилми, қизим? Чиндан ҳам уни юракдан яхши кўрасанми?

— Ота, у қаёққа борса, мен орқасидан қолмайман.

...Бу ёғига эса ёлғиз ўзи кетади. Бунга ақл-идроки билан эмас, балки ўз овози эшитилиб, Адам чакалакзор аро бу томонга кўтарилиб келаётган дақиқаларда юраги билан жазм этди. Энди ортга қайтадиган барча йўллар тақа-тақ беркилган эди.

— Нима қилаяпсиз? — деди Адам ва кийикни елкасидан олиб ерга қўйди. Ерга чўккалаб олганча кийик гўштини буза бошлади. Элизабет аравада ўтириб нарсаларини шоша-пиша йиғиштирарди.

— Ҳамонки, эртага йўлга тушиб, денгиз сари йўл оладиган бўлсак, ҳамма нарсани саранжомлаб қўйишим керак.

Адам кўзларини бир оз қисганча унинг ишини кузатарди. Аёл эса ҳаддан ташқари асабийлашган ҳолатда ўз ишини давом эттирарди.

Эрикнинг кийим-бошлари солинган сандиқни шу ерда қолдириш мумкин. Эҳтимол, баъзи нарсалар Адамга асқотиб қолар? Лекин аёл Эрик Алексиснинг буюмларини Адамга таклиф қилмасликка қарор қилди. Мабодо у розилик билдириб қолса, сандиқни очишга тўғри келади. Элизабет эса сандиқни очишни сира хушламаётганди. Иккинчи сандиққа аёлнинг кийимлари жойланган. Узоқ давом этган саёҳатлари давомида кун иссиқ бўлганлиги ва чанг-тўзон туфайли кунига икки-уч маротаба кийимини ўзгартирарди. Кийимларни аввалига хизматкор готтентотлар ювиб беришарди, улар қочиб кетишгач, ўзи ювадиган бўлди. Саёҳат олдидан жой танқислиги туфайли кийимларини обдон саралаган бўлса, эндиликда бор-йўғи бир жуфт ҳўкизи қолганда нима қилсин?

Адам кийикни нимталаб, тузлаб чиққандан кейин арава ёнига келиб аёлни кузата бошлади. Унга-ку, барибир, юраги жиз ҳам этмайди, ўйлади аёл. Эртага бу ердан жуфтагини ростлаб қоладию бу лагер бирор марта эсига келмайди ҳам.

— Бу нима ўзи?

— Эримнинг кундаликлари.

У тушунолмайд ҳайрон бўлганча чарм муқовали оғир дафтарни варақлади-да, чекқароққа ташлади.

— Йўқ, биз уни ўзимиз билан олиб кетамиз, — кечирим сўрагандай оҳангда гапирди аёл. — Мен бу дафтарни Капстадга олиб боришим керак.

Адам нафрат билан кулимсиради. Унинг индамай қараб туришидан аёл ўзини ноқулай сезди. Ундан қутулиш, қандайдир ишга буюриб қорасини ўчириш керагу, аммо бу хизматга бормаслигини аёл биларди. Ҳозир эса бу ерда у атрофга вазмин, ҳукмдорларча боқишлари билан хўжайиндай таассурот қолдирмоқда. Аёл у томонга қараб-қараб жаҳл устида буюмларини йиғиштирмоқда.

Шундай қилиб кундаликларни ўзлари билан олиб кетишадиган бўлишди. Бунда аёл кичкина бўлса-да, галаба қозонди, деса бўлади. Лекин сон-саноксиз қотирилган қушлар, шартли равишда номланиб қуритиб олинган ва Швецияга жўнатишга мўлжаллаб қўйилган гуллар учун ҳам жой йўқ эди. Ҳатто қуролларни ҳам жуда танлаб олишга тўғри келаётганди. Ўзлари билан иккитагина чақмоқ милтиқ ва тўппонча, кичкина халтачада ўқ-дори олишади, холос. Касалланиб қолиш ёхуд йўлда учровчилар ёрдам сўраб мурожаат қилган тақдирларида илтимосларини қондириш ва шу йўл орқали улар билан яқинлашишни кўзда тутиб бир шишагина спирт, озгина тамаки, чойшаб олинадиган бўлди. Яна чой, қанд, ун, туз, шоколадларнинг қолгани. Бошқа барча нарсалар — ҳатто қизлик сепида келган қўлда гул солинган чойшаблар, сочга қадаладиган қисқичлар, ҳатто дазмол ва одеколон ҳам ортиқча буюмлар сифатида қолдирилди. Челак, чойгум, това, иккита қошиқ ва санчқи олиш мумкин. Шуларнинг ўзиёқ анчагина юк бўлди.

Адам буюмларни яна бир бор кўздан кечириб чиқишга, жудаям зарур бўлмаганларини шу ерда қолдиришга буйруқ берди. Негадир ҳамма ортиқча нарсалардан фориг бўлиш, қутулиш истаги туғилди унинг қалбида. Мана, Адам ҳам ҳеч нарсасиз келди-ку бу ерга. Эғнида фақат эридан ўғирлаб олган кўйлаги, холос.

Аёл бу ерда нарсаларни аравадаги қути ва сандиқларга ҳафсала билан жойлар, яхшилаб беркитарди. Араванинг матодан ўралган деворлари йиртилиб кетганлиги учун бу бойликни йиртқич ҳайвонлар ва қароқчилардан ким сақлайди? Энди у ўзини бу жой билан боғлаб турган барча нарсалардан бир йўла қутулгиси келарди. Уни кутаётган қисматга қарши бориш, пешонага нима ёзилган бўлса ҳаммасига тайёрлик, қувончга ҳам, ташвишларга ҳам ҳозир туришлик зарурлигини ҳис этди.

Лекин сал фурсат ўтиб, Адам бу ердан узоқлашгач, у сандиқни яна очди-да, буюмларни тита бошлади. Олиб кетиладиган зарур буюмлар солинган тугунга пахта, ниналар, совун, одеколон, ўзининг тўқзангори кўйлагини қўшди. Бу кўйлакни саёҳатнинг охирида, уйларига яқинлашаётганда кийиб олади. Ахир уйга бинойидек бўлиб бориш керак-да.

Адам буюмларни ола ҳўкизга юклашга қарор қилди. У ҳўкизни дарахтга боғлаб калта таёқча ва чарм камардан ўзи тайёрлаган сувлуқни оғзига солди. Эрта тонгда, тоғлар устидаги осмон эндигина оқара бошлагач, иккита катта терини ҳўкиз устига ташлаб, буюмларни унга жойлаштиришга тутинди. Элизабет юкни ўрашга ёрдамлашди, яна баъзи нарсалар олиб ташлангач, Адам уларни яхшилаб боғлади. Сўнгра ҳўкизнинг қорнидаги камарларни шунчалик қаттиқ тортиб боғладики, азбаройи улар терининг ичига кириб кетгудай бўлди.

— Жони оғримайдими?

— Ахир бу ҳўкиз-ку!

Улар ўтириб, бу ерда охирги маротаба нонушта қилишди.

Сўнгра Адам гулханны ўчирди, чўғларнинг устига кум ташлади.

Адам иккинчи ҳўкизни аёлнинг олдига олиб келди-да:

— Эплай олармикинсиз? — деди.

— Албатга! — аёл Адамнинг кўзига тик қаради.

— Бирор қор-ҳол рўй берса-чи?

— Йиқилиб тушмайман, хавотирланма.

Адам тизгинни қўлига олиб, юк ортилган ҳўкизни олдинга торта бошлади. Қўллари билан ҳўкизнинг қорнидан кўтариб ўрнидан туришига ёрдамлашди. Улар хонаки эшик ўрнидаги жойдан ўтиб, шарти кетиб, парти қолган девор ёнига чиқишди.

Аёл орқасига ўгирилиб қарагиси келди... Лекин бунга унинг мажоли етмади, уни қандайдир ҳаяжон босиб, лабини тишлади.

У энди йўқ. У ўлган эмас, шунчаки йўқолган. Уни ўзи ўрганмоқчи бўлган ер ютиб юборган. Энди мен ундан айрилдим. Лекин ўртада бола бор. Бола учун ҳам мен Капстадга қайтишим керак.

Ҳўкиз қўпол жонивор, от эмас, шу туфайли чакалакзорлар орасидан аранг юради. Лекин унга ҳам кўникиш мумкин. Ахир инсон ҳамма нарсага кўникади-ку. Эҳтимол, кўника олмас. Тез орада сен ичимда қимирлай бошлайсан. Қисмат шу экан, бир-биримизга кўникишимизга тўғри келади, сен менга кўника-

сан, мен эса сенга кўникаман. Ҳар иккаламиз ҳам бизни одамлар яшайдиган ерга олиб кетаётган ҳўкизга кўникамиз...

Қияликдан пастликка тушишди, сўнг яна тепаликка кўтарила бошлашди.

— Сен йўлдан адашиб кетмайсанми?

— Йўқ.

— Денгизга етгунча қанча юрамиз?

— Жуда узоқ.

Адам бир нафас тўхтаб орқасига қаради. Энди Элизабет ҳам орқага қарашга журъат этди. Уларнинг тўппа-тўғриларида узоқдан ёввойи анжирзор орасидан соябонли араванинг кулранг томи кўриниб турарди. Бошлари тепасида қушлар галаси ғужгон урарди. Элизабет уларнинг шохдан-шохга париллаб учаётганини кўриб турарди. Қизиқ, улар тўқимачиларми, канарейкаларми, чумчуқчаларми ёхуд бошқа қушларми? Аёл уларнинг номларини билмасди. Ақалли бу қушларнинг номларини билмаганлиги, шу пайтгача қизиқмаганлигига ўз-ўзидан хи-жолат бўлиб кетди.

Элизабет ҳўкиз устида ўрнашиброқ ўтириб олди, яна йўлга тушдилар. Орқада қолаётган лагер тобора узоқлашарди. Бу лагер аёлга ҳаётидаги охирги ва ягона бошпанадек туюлиб кетди ва қалби бу макон билан видолашишни истамасди. Биз ҳаётимизда жуда кўп нарсалардан жудо бўлиб бораверамиз, — ўйларди у, — энг муҳими биз умидларимизни ҳам ташлаб кетаверамиз. Олдинда, кўз илғамас кенгликда эса паст-баланд тепаликлар, чўққили тоғлар ястаниб ётибди.

Адам ўгирилиб орқага қаради. Унинг гаплашгиси келарди. Жуда кўп нарса айтгиси, жуда кўп нарсаларни сўрашни истарди. Ўртадаги жимликни бузишни, аёлга яқинлашишни хоҳларди. Лекин у ниҳоят ўзини қўлга олиб шунга жазм этганда: — Капстад тўғрисида менга яна бирор нарса айтиб беринг, — дея олди, холос.

...Капстад — бутун колониядаги ягона, исми-жисмига муносиб шаҳар¹. Лекин бутун чор-атрофни ҳам кўпинча асосиз равишда шу ном билан юритишади. Шаҳар қиялаб денгиз сари тушиб боради. Уни жануб, ғарб, шимоли-шарқ томонларидан Ошхона, Шер ва Шайтон чўққиси тоғлари ўраб олган. Жанубий ва жануби-шарқий қисмида эса Ошхона кўрфази бор. Охирги ҳисоб-китобларга қараганда бу кўрфазнинг қирғоғи денгиз сатҳидан 550 метр баландликда. Кўрфазнинг ғарбдан шарққача бўлган узунлиги 1344 метрни ташкил этади. Кўрфазнинг ўртаси шаҳарнинг жануби-шарқий қисмидан 2000 метр узоқликда. Шаҳарни ўраб турган тоғларнинг аксарият қисми ўт-ўлансиз. Яйдоқ, рўбарўдаги Ошхона тоғи бирданга тик кўтарилиб кетади. Тоғларнинг баъзи жойлари дарахтлар (агар уларни дарахт дейиш мумкин бўлса) ва паст бўйлик ўт-ўланлар билан қопланган. Жануби-шарқ, шимоли-ғарб томонлардан эсадиган кучли шамоллар бу дарахтларнинг ўсишига йўл қўймайди. Шу боисдан уларнинг кўриниши жуда мажмагил, ҳорғин, барглари майда ва қовжираган. Умуман, уларнинг кўриңиши одамнинг раҳми келадиган даражада аянчли. Шамолни қоялар тўсиб турган, тоғ ирмоқларидан сув ичадиган жойлардаги дарахтлар эса буларга қараганда анча дуруст ривожланган эди. Лекин булар ҳам пастликда — шаҳар ва унинг атрофларида яшаб турган мирта, дафна, дуб дарахтлари, ток новдалари, лимон дарахтлари билан қиёслайдиган даражада кўм-кўк эмас. Қирғоқ бўйидаги ерлардан кейин қовжираб ётган арчагулли майдонлар, қумли ясси тоғликлар кўзга ташланади. Лекин шуни ҳам қайд этмоқ керакки, баҳорда пастликда ва тоғ ёнбағирларида турфа хил ноёб гуллар яшнаб ётарди. Шаҳарни ўраб турган ўтиб бўлмас тиканли чакалакзорлар ва экин битмас чўл қисмидан кейин бошланадиган ҳосилдор ерлардаги яшнаб турган дов-дарахтлар, экинлар кишининг баҳри дилини очади. Аммо табиат шайдолари учун шаҳардан Шайтон Чўққи ёнидан ўтиб Констанцияга қилинадиган саёҳат олам-олам ҳузур бағишлайди. Курраи заминнинг энг хилват жойларидан ҳисобланмиш бу ерда илгари ҳеч қаерда учратмаган фавкуллода қизиқ ва гўзал гуллар: турфа хил иксиялар, гладиолуслар, морейлар, гиацинтлар, ҳар хил пастак дарахтлар ўсиб ётибди.

¹ “Капстад” — голландча бурун устидаги шаҳар маъносини билдиради (тарж. — Р. И.).

Тепаликдан пастликка — шаҳарга қарасангиз, ажойиб манзара кўзга ташланади. Денгиз қирғоғида атрофини баланд деворлар ва тик жарлик қуршаб олган губернатор саройи жойлашган. Саройнинг бир томонини Кампанияга қарашли экин майдонлари ва боғлар, бошқа тарафини Ошхона тоғ дарасидан пастликка югураётган тоғ дарёчасидан сув билан таъминланган фавворалар эгаллаган. Бу дара шаҳардан яққол кўзга ташланади. Шаҳарнинг бутун аҳолиси шу фавворалардан сув ичади. Экин майдонлари ҳам бочкаларга солиб, икки гилдиракли араваларда шу ердан ташиладиган сув билан суғорилади. Экин майдони энига 200, бўйига 500 метр ерни эгаллайди. Бу ерга карам ва бошқа сабзавотлар экилган. Губернатор ошхонаси шу ердан чиқадиган маҳсулотлар билан таъминланади. Голланд денгизчилари ва касалхона хўрандалари ҳам шу сабзавотлар билан овқатланадилар. Шаҳарда мева дарахтлари етиштиришга катта эътибор берилади. Аммо мевали дарахтларни жануби-шарқдан эсадиган қаттиқ шамоллардан иҳота қилиш учун атрофига мирта ва қайрағочлар экилади. Бундан ташқари, шаҳарда алоҳида истироҳат боғи ҳам бор. Унда бўйи 30 фут¹ гача борадиган эман дарахтлари ўсади. Қуёш ҳамма ёқни обдон қиздирган вақтларда бу ерларга келиб қолган чет элликлар унинг оромбахш салқинида дам олишни ёқтирадилар. Бу хушманзара жойнинг шарқ томонида эса ҳайвонот боғи жойлашган. Бу ерда темир ва ёғоч тўсиқлар орқасидан турли оилага мансуб туяқуш, маймун, зебра, кийикларни, шунингдек, жуда кўп тўрт оёқли ҳайвонларни тамоша қилиш мумкин. Шаҳарнинг ўзи атрофдаги мевали боғлар, экин майдонларини қўшиб ҳисоблаганда ҳам унчалик катта эмас. Бўйи ва эни 2000 метр атрофида. Шаҳар яхши лойиҳалаштирилган, тўппа-тўғри кўчалари кенг. Лекин йўлларга ҳеч нарса ташланмаган. Зеро, бунга эҳтиёж ҳам йўқ, чунки бу жойларда ер жуда ҳам қаттиқ. Кўпгина кўчаларга эман дарахтлари экилган. Гееренграфт кўчасидан бошқасига ном қўйилмаган. Гееренграфт кўчасида сарой жойлашган, унинг олдида эса майдон. Уларнинг аксарияти бир услубда, чиройли ва кенг қилиб қурилган. Икки қаватдан ошмайди. Кўпчилик уйлар ташқарисидан сувалган ва оқ рангга бўялган. Баъзилари эса голландлар хушлайдиган зангори рангда. Шаҳардаги энг яхши уйлар каторгачилар Роббен оролидаги очиқ конлардан келтиришган кўкимтир тошлардан қурилган. Аксарият уйларнинг томига қуруқ ва қумли жойларда ўсадиган тўқ қўнғир қамишлар тўшалган. Қамиш ихчам бўлишига қарамай, пичанга нисбатан пухтароқ. Мазкур қурилиш материали Капстадда кенг тарқалишига эҳтимол жануби-шарқ томондан келиб, бу ўлкада қутирадиган шамол — “Қотил”нинг бундан оғирроқ томларни ҳам кўчириб кетиши, беҳад талафотлар ва қурбонлар келтириши сабаб бўлгандир...

— Наҳотки, бу мен бўлсам? — Элизабет тиззалаб ўтирганча дарахтлар ва оҳиста сузаётган булутлар фониди ўз аксини кузатарди. У туфлисини ечиб олган, тўппончаси ёнгинасидаги ясси тош устида, тоза қўйлаги олдида. Ёнгинасида оқаётган кичкина ариқчанинг суви топ-тоза ва сокин оқмоқда. Сув сатҳида унинг акси аста жимирайди. У сув юзидан ўзига қараб турган аёлга ҳайронликда ва ҳаяжонланиб боқади.

— Мени танимаяпсанми дейман? Юзинг танишга ўхшайдию, аммо...

Йўлга тушишганига бор-йўғи уч кун бўлди, холос. Наҳотки, шунчалик қисқа вақт мобайнида одам таниб бўлмас даражада ўзгариб кетса? Бу ерларга соябонли араваларда келишларидаги узоқ муддатли саёҳатларида ҳамма нарсага вақт топарди — кўзгу олдида соч тарарди, ўзига оро берарди. Ҳашаматли уйларида эса у кўзгулар ичида яшарди. Ҳар бир жойда, ҳар бир хонада бўй баробар тош-ойналар қўйилганди. Элизабет ҳатто ваннахонага ҳам унинг учун кўзгу осиб қўйишларини талаб қилганди. Ахир аёлларнинг ягона иши ўзига оро беришу, гўзалликка интилиш бўлгандан кейин кўзгуни қаерга истаса ўша ерга қўйвермайдими? Саёҳат вақтида ҳам ўзига оро бериб юришини онаси кўрганда жуда хурсанд бўларди. Одамизод, айниқса аёл киши саҳрода ҳам ўзини унутиб қўймаслиги, бўшашмаслиги керак экан.

Элизабет лагердан йўлга тушаётганларида жажжигина қўл ойнасини ёнига солиб олган эди. Лекин кейинги кунларда чунонам чарчаётган эдики, кечқурун

¹ Фут — 30, 48 см. га тенг узунлик ўлчови (тарж. — Р. И.).

ойнага қарашга ҳоли келмас, эрталаб эса иложи борича тезроқ йўлга тушиш тараддулида бўларди. Жуда секинлик билан олга юришаётганига қарамай, йўл бутун куч-қувватини сўриб олаётган эди. Қаддини ростлашга ҳоли келмас, қўллари ва оёқлари гўё ўзиникига ўхшамасди. Баъзан қорнида шундай оғриқ турардики, аъзойи баданидан тер қуйиб кетарди. Кечкурунлари у албатта ювиниб оларди. Бунинг учун баъзан Адам бирор қақирим ердан сув топиб келарди. Сув келтиргандан кейин Адамнинг ғалати кулимсираб қўйиши аёлни эсанкиратар ва аччиғини кўзғарди. Ҳа, у сув келтириб беради. Лекин дарахт орқасига ўтиб шошиб-пишиб устидан озгина сув қуйиб кун бўйи танасига ўтириб қолган чанг-тўзонни ювиш ҳам чўмилиш бўлибдими. Сувга шўнғигиси, унда чапиллатиб ўйнагиси, ҳузур қилиб ётгиси келарди. (Тутнинг шириси баданига ёпишиб қолибди, баъзи томчилари оёғидан оқиб тўпиғигача тушибди).

Бугун кундузи аёл обдон чарчади, у ҳўкиз устида ҳам аранг ўтирарди. Адам чамаси буни сезди, гарчи ҳеч нарса демаса-да, дарёча бўйига келишганда дам олиш учун тўхтади. Аёл бу дам олишлардан Адамнинг норози эканлигини фаҳмлади. Денгизга, тезроқ денгизга етиб олиш керак! — ҳозир у бундан бошқа нарса тўғрисида ўйлаши мумкин эмас. Аслида аёлнинг фикри ёди ҳам шу. Лекин юришга Элизабетнинг дармони йўқ эди. Адам ҳозир гулхан ёқиш учун ўтин йиғишга, кечасига тўсиқ қилиш учун шох-шаббалар олиб келишга кетган. Адам кетаётганда у қайишларини кўтариб то кейинги тепалик устига чиққунгача кузатиб турди, шундан кейингина пастга тушди. — “Ўзи бир қадам бўлса-да, тўппончасиз юрмаслик керак, уни унутиб қолдиришдан худо сақласин! Шу яқин орада дарёча бор-ов!” Дарҳақиқат, шундай бўлиб чиқди. Дарёча бўйидаги катта ясси тошга ўтирганича ҳовучлаб сув олиб юзини унга яқинлаштирди. Сўнг сувдаги аксига тикилди — у жуда сўлғин кўринарди. Ҳўл соч толалари юзига ёпишиб қолганди, чаккаларидаги губор юзини бир марта ювганлигига қарамай кетмаганди, қайтага лойга айланиб юзи бўйлаб пастга силқиётган эди. Назарида суяклари бўртиб кўрина бошлаган, озган эди.

— Наҳотки, шу мен бўлсам? — ўзининг ҳайратомуз саволи қулоғига эшитилди. — Ҳа, бу мен, лекин мен кимман?

Лекин Лоув шаҳрида тутилган, унча-мунча одамга сўз бермайдиган Элизабет Ларсоннинг ҳақиқатан шундай кимсасиз жойларда сарсон-саргардон юрганлиги ҳақидаги фикрнинг ўзи юрагини орзиқтириб юборди. Капстадда (бу ер оиладай бир гап) ҳамма бир-бирининг ҳар бир қадамини назорат қилиб турадиган жойда ҳам эътиборда эди. Барча зиёфатлари меҳмондорчиликларда унга эътибор билан қарашар, “Олтиндай ярақлаб турган кўйлакли қиз ким ўзи? — “Ост-Инд Кампанияси омборхоналари бош назоратчисининг қизи-ку!” Саёҳат давомида эса у ҳақида “оқ танли сайёҳнинг хотини” деб гапиришарди. Энди эса тўсатдан ҳаммасидан мосуво бўлиб, сув бўйида, кеч қолган қушлар учиб кетаётган осмон остида танҳо ўтирибди. Бу ерда нима қиляяпман? Мен ҳозир тикилиб турган бу аёл ким ўзи? У чанг-тўзондан сарғая бошлаган, нақш тушириб тикилган оппоқ рўмолчасини ўраганча ўз аксига тикиларди. Тирсақларига капалак нусха тугун тикилган тўқ сариқ кўйлагининг оппоқ қилиб оҳорланган енглари ифлосланиб, латтага ўхшаб эзилиб кетибди. Наҳотки, бу ўзи бўлса? Йўқ, бу мумкин эмас, бундай бўлишни хоҳламайди у. Юзлари кўкимтир-заҳил, кўзларининг атрофида уйқусизликдан қоп-қора доиралар пайдо бўлган. Буларни ювиб ташлашга қанчалик уринмасин — фойдасиз, барибир кетмаяпти.

Аёл бир силтаниб ўрнидан турди-да, тепароқ жойга чиқиб, атрофга аланглади. Адам ҳеч қаерда кўринмасди. У анча узоққа кетган, йиққан ўтинларини кўтариб бир-бир ярим соатсиз келмайди. Аёл эса ҳамон ёлғиз. Ёлғизлик унинг жонидан ўтиб кетаётганди. Илгарилари у кетган тақдирда ҳам лагер, ўрганган араваси бўларди. Ҳатто Ларсон қайтиб келмаган куннинг эртасига Элизабет ўзини бунчалик ёлғиз, ҳозиргидай одамлардан узилиб қолган ҳолда ҳис қилмаганди. Чунки, мана, ҳозир келиб қолар, деган юпанч бор эди унда. Илгарилари, саёҳат қилиб юрган кезларида ҳам яқин атрофда ҳамма вақт кимдир бўларди. Ахир аёл зотини тропик чўл-биёбонда ёлғиз қолдириб бўлмайди-ку.

У дарё бўйидаги тош устида хаёлпарастлик билан қолдириб кетган тўппонча ёнига туфлиси ва тоза кийимлари ўралган тугунчани кўтариб яна келди. Энди у гижимланган кўйлақда тик турганча сувдаги ўз аксига қаради.

Оёқлари кирлаб кетибди. У кўйлагини тиззасигача кўтариб, муздеккина сувга тушиди, оёқлари билқиллаб турган юмшоқ балчиққа ботди. Сувга тушиш олдидаги ҳадиксираш йўқолди. Этагини кўйиб юбориб аста-секин сувнинг ичкарироғига туша бошлади. Сўнгра бир нарсага аҳд-паймон қилгандай, белидан боғланган тасмани бўшатиб юборди-да, кўйлагини тушириб ечди. Кўйлаги тиззалари атрофида бир уюм бўлиб айланганича аста-секин чўка бошлади. Ички кўйлагини ҳам тушириб ўзидан сал нарироққа тепиб юборди. Кийимлари сувнинг саёз ерида ётарди, сокин оқаётган сувнинг уни суриб кетишга кучи етмасди. Аёл сувнинг янада чуқурроқ жойига борди. Сув муздаккина бўлса-да, тиззалари, бели, дўмпая бошлаган қорни, кўкракларига қандайдир ҳузур бағишларди. Шунинг таъсирида бўлса керак, тўсатдан боши билан сувга шўнғиди. Сўнг сувдан бошини кўтарди, обдон ҳўл бўлиб оғирлашган сочларини бир силкиб елкасига ташлади-да, суза кетди. Мириқиб чўмилгач, ҳалиги катта тош олдига қайтди, совунни олиб баданларига суртди ва яна шавқ билан ўзини сувга ташлади.

Аёл яна кўйлак кийишни истамасди, кечки куёш нурлари баданларига хуш ёқаётганди. Сувдан чиқиб, кечгача офтобда қизиган ясси тошда ётди. Руҳи енгиллашиб, баданлари мулойимлашган аёл тошнинг бағрига сингиб кетгудай бўлиб унга ёпишиб олди. Баданларидаги сув томчилари кечки куёш нурларида ялтилар, ўзи эса қандайдир ҳаяжонли ҳолатда эди. Аёл мудроқлик ҳолатидан ўзига келиб, тошнинг бир чеккасига оёқларини осилтириб ўтирди-да, яна сувдаги аксини ҳайратланиб тамоша қилишни бошлади. Ёниб турган бақноқ кўзлар, таранг жажжи кўкраклар, дўмпая бошлаган қорин. У анчадан бери юзлари, баданига бу қадар диққат билан тикилмаганди. Ўзининг бу қадар гўзал, мафтункор, шу билан бирга қандайдир сирли эканлигига ҳайрон қолди. Бу сирлилик ҳатто уни ташвишга сола бошлади. Наҳотки, сувдаги шу малак сиймо мен бўлсам? Агар қиёфам ўзгариб, кўкракларим осилиб, қорним ҳаддан зиёд дўмпайиб, қўлларим қуриган новдадай қовжираб, қовурғаларим туртиб чиқса нима бўларди? Тепамда камалакдай товланиб турган бефарқ осмон, оҳиста сузаётган оппоқ булуллар, куёш, атрофимда эса тошлар, қип-қизил тупроқ, ўт-ўланлар, мудраётган чакалакзорлар.

Аёл хаёллар дунёсидан бир оз ўзига келиб чўккалаб ўтирди, жиққа ҳўл кўйлагига қўлини чўзди. Шу пайт сувнинг нариги қирғоғидаги қандайдир шарпага кўзи тушиб, ҳайратдан лол бўлиб қолди. Азбаройи кўрқиб кетгани ва бу ҳодиса кутилмаганда рўй бергани учун бошини кўтариб унга дурустроқ қарашга ҳам мажоли келмади. Ниҳоят, бошини кўтариб сув томчилаб турган сочларини елкасига итқитиб ҳалиги шарпага қараганди, унинг узун қўлоқларини тиккайтириб, катта-катта кўзларини ўйноқлатиб турган кийик боласи эканлигини билди. Жонивор бир жойда миқ этмай турганча, Элизабетга тикиларди. Ҳали бегона кўзларнинг назари тушмаганда ўзининг яланғочлигини бу қадар чуқур ҳис этмаганди. Ҳозир эса кийик боласининг унга жимгина тикилиб туришидан ер ёрилмадию, ерга кириб кетмади. Сувда акси кўринаётган кийик боласи ўзининг узун ингичка оёқларида миқ этмай буталар орасида турарди. Чор атроф, сув, ер, осмон, бутун олам гўё унинг катта-катта қора кўзлари билан ондан туғилгандай шир яланғоч аёлга тикилиб турарди.

Элизабет уялганидан қўллари билан кўкрагини тўсди, ҳўл кўйлаги яна сувга тушиб кетди.

Нимадир қимирлагандай, липиллагандай бўлди — кийик кўздан йўқолди, гўё бу ерда ҳеч қачон бўлмагандай, бутунлай қораси ўчди.

Элизабет ўзига келиб тезгина ўрнидан турди-да, аравадан олиб келган тоза кўйлагини кийиб, лентасини боғлади. Кенг тўрсимон қадама енги халақит бераётгани учун узиб нарига отиб юборди. Кейин ҳўл кийимларини сувдан олиб ювишга тутинди.

У йиғилган ўтинларни боғларди. Дарахт шохи йиртиб юборган ёқасиз камзули бутага осиб қўйилган. Нимчасини эса йўлга тушишган кун ташлаб юборган. Ҳозир унинг эғнида шимсимон тор кийимию, унниқиб кетган оқ кўйлаги. Улар кетишаётган паст-баланд водий тобора тепага кўтарилиб борарди. Ниҳоят, йўл уларни учли чўққига олиб чиқди. Тепаликнинг нариги томони қарийб

яйдоқ, ўт-ўлансиз, қовжираган эди — ҳавоси ҳам бу томондагидан тамомила бошқача. Ҳадемай тропик чўл-биебонлар бошланади. Бу йўл улар босиб келадиган йўлга нисбатан ҳарқалай текисроқ бўлади. Икки кундан кейин — Элизабет билан эҳтимол уч кун юрилар — Адам бир неча бор тўхтаб ўтган готтентотлар қишлоғига етишади. Адам бугун анчагина йўл босишни мўлжаллаган, тоғ ёнбағрига етиб олишга умид қилган эди. Элизабет тез-тез чарчаб қолар, у Адам ўйлаган даражада чидамли эмаслиги билиниб қолди. Элизабетнинг ўзи-ку буни тан олгиси келмайди, лекин Адам аёл лабларининг атрофлари кўкариб кетганидан, ёмғирда қолиб бутун кечани уйқусиз ўтказганидан кейин кўзлари кир-тайиб қолганидан фаҳмлади. Ниҳоят, улар дарё тўлқинлиниб бир оз эгилиб оқадиган жойда дам олиш учун тўхтади. Бугун ҳаво очик эди, шу боисдан кечагидек тунаш учун алоҳида тайёргарлик талаб этилмасди. Кеча эса бутун юкларни ечиб ташлаб терилар ёрдамида ўзларини ёмғирдан сақлашга, жамики энг керакли нарсаларни — ўқ-дори ва дафтарларни ёпишга тўғри келди. Лекин барибир улар ҳўл бўлибди. Улар йўлга тушишганига уч кун бўлди. Бу уч кун уларнинг ёввойи анжирзордаги ҳаётларига сира ўхшамасди. Энди кундузи ҳам, кечалари ҳам улар бир-бирларига тобора яқинлашиб боришарди. Кечалари уларни фақат гулхан ажратиб турарди. Аёл Адам ўзини тўхтовсиз кузатиб, таъкиб этиб юрганини биларди...

...Мен сени назардан қочирмай кузатяпман. Бу бизнинг сафардаги биринчи кечамиз нимаси биландир илк никоҳ кечасига ўхшаб кетади. Мен сени кузатаман ва сенга интиламан. Ўзимдаги бор эҳтирос билан сени бағримга тортигим, вужуд-вужудинга кириб кетгим келади. Ўчиб қолган гулхан устидан қўл узатиб сени ушласам, бас... Сен ухляпсан ёхуд ўзингни ухлаганга соляпсан. Сен ёнгинангда, нафасинг етадиган жойда турганимни ҳис этасан.

Нима учун сенга қўл узатмаётганимни биласанми? Наҳотки, бу ҳомиладорлигинг учунгина бўлса? Лекин бу нарса мени тўхтатиб қолармиди? Қорнинг бир оз дўмпайган бўлса-да, қадди-қоматинг ҳали бузилмаган. Шунақа пайтда бирор кимса сенинг оналигингни, бағрингдаги жигаргўшангни ўйлаб ўтирармиди?

Аввалги ҳаётимдаги худо менга ҳўжайин қилиб юборган оқ танли жаноб учун ҳеч қандай қонуннинг сариқ чақалик қадри йўқ, мен учун ҳамма нарса мумкин деган ақидада эди. Унинг хотини бор эди, оқ танлилар фойдаланиши мумкин бўлган барча имтиёзлардан фойдаланарди, устига-устак, биз қора танлиларга аталган нарсаларга ҳам уялмасдан беш панжасини тикарди. Вино ортилган бочкаларни араваларга ортиб Капстадга қатнаганимиз эсимда. Тушликкача биз бочкаларни тушириб бўлардик. Сен кичик қаҳвахонага қараб йўл олардинг. Мен эса арава олдида қоровуллик қилиб, кечгача вақтни ўтказардим. Кеч киргач, қўллар яшайдиган уйлар томон йўл олардим. Чунки қоронғи тушгач, қора танли аёллар ётадиган уйларга оқ танли эркакларни киритиб юборишарди. Маҳаллий қўлларнинг наслини яхшилаш, жамият фаровонлиги учун бу жуда зарур деб изоҳлашарди улар. Ярим соатлардан кейин чироқ кўтарган қоровул келиб, “Кеч бўлди, ётинглар” деб кечасига устимиздан дарбозани қўлфлаб кетарди.

“Бунақа кўп савол бераверма, овозингни ўчир”, — дерди онам. Ҳоят сокин ва камгап бўлган онам атрофдагилар билан жуда аҳил яшарди. У ҳеч қачон яшашнинг маъносини билишга, “дунё нега шундай қурилган” деб савол қўйишга интилмаган. Унинг барча қариндош-уруғлари “мисли кўрилмаган ўлат” даврида ўлиб кетишган. Ўша пайтда унинг ҳам ўлиб кетиши ҳеч гап эмас эди, пешона экан-да, деб қўяқолинарди. Ўлат тарқалган жойга бориб қолган овчилар шаҳарга ўзлари билан онам ва тирик қолган бир неча болаларнигина олиб келишибди-да, уларни қўлларнинг рўйхатидан ўтказишибди. Сўнг уларнинг қўллик қисматлари тангри таолонинг амри эканлигини тушунтиришибди. Онам ва болалар тақдирга тан беришибди. Мана, онам ошхона деворига суяниб жимгина трубка сўрмоқда. Унинг қўшларники сингари кичкина бармоқлари, қўллари, оёқларини кўриб узоқдан қизалоқ ёхуд кичкина дайди бола деб фараз қилиш мумкин. Лекин бу кичкина бола эмас, онам, менинг онам бўлади. Ёшлигидаёқ унинг юзини ажин қоплаганди. Уруғимиз одамлари жуда эрта қариб қолишарди. Ҳаёт бахш этувчи дарё қурир, дарё таги қовжираб ёрилиб кетарди. Лекин

Хейтски Эйбиб ҳар сафар тропик чўлу биёбонларнинг тупроқли йўларида қайтадан жонланар, онам эса сен ҳам қайта ҳаёт бошлайсан, ўғлим, худога шукр қил, деб уқтиришни қўймасди.

Чамаси сен, отанг авлодларига, тўғрироғи, бувинга, отангнинг онасига тортдинг, дерди онам. Фель-атворлари ўжар бўлгани учун доимо бошларига бало ортириб юришарди. Гапириш ножоиз нарсаларни вайсашгани-вайсашган эди. Нималарнингдир тагига етишга интилишар, “нима?”, “нега?” деган саволларни тўхтовсиз бераверишарди. Сўрадинг нимаю, сўрамадинг нима, бундан фойда не? Кўп нарса билган саринг яшаш қийинлашавериши ҳаммага аён. Ҳамма-миз ҳам жабр-жафо остида бўлганимиздан кейин индамай яшайвермайсанми. Сен ҳам Сели момога ўхшаб мункиллаб, ҳеч кимга фойданг тегмай қолганда, елкангдаги оғир юк — жабр-жафони олиб ташлашади. Эркинликда дунёдан оёқ узатиб кетишингга имкон беришади. Унгача сенга фақат худойимнинг ўзи ва улуғ пирларимизгина кўмаклашади.

Сели, бувижоним Сели, менга ўз тарихинг, қисматингни сўзлаб бер. Қандай наслдан келиб чиққанимни билишни истайман, ахир.

Падангнинг тоғ ёнбағирларида қаёққа қарасанг тегманозик қийғос ўсиб ётади. Улардан биттасига салгина қўл тегизсанг бас — худди ур кетдига ўхшаб, тоғ чўққисигача бўлган ерлардаги сон-саноксиз тегманозик — ёввойи хиналар силкинади. Болагинам, сен жасур ва кучли бўл. Оқ танлиларнинг ҳар қандай таҳқирлари ғазабингни кўзғатмасин. Бобонг Африкани ёдингда тут. У ажойиб инсон эди, буни ҳамма тан олади. Унинг баданини қиздирилган оташкурак билан қийма-қийма қилганларида ҳам “иҳ” демаган, суюқларини арава гилди-рақлари остида майда-майда қилиб ташлашганда ҳам ўз жаллодига қиё боқиб қўймаган. Кечаси мен унга сув олиб келдим. Табиийки, у ҳеч нарса ея олмасди, аҳволи ниҳоятда оғир эди, лекин эрталабгача яшади, куёш чиқишини кўрдию жони узилди. Йиғлама, куйма, деди у менга кечаси. Гапиргундай ҳоли йўқ эди, лекин шунда ҳам бирор маротаба нола чекмади. Оғриқ нима бўпти, оғриқ кўрқинчли эмас. Агар сен унга енгилсанг, бу даҳшат. Хўжайинларга ҳеч қачон бўйсунманг, дерди у, энди менинг ўрнимни сизлар босасизлар. Олдингизда жуда узоқ ва машаққатли йўл бор.

Этимни қийма-қийма қилсинлар, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган азоблар билан қийнасинлар, ҳаммасига розиман, қайтага хурсанд бўламан, дерди. Кимгаки азоб беришар экан, демак, улар билишадики, бу одам тирик, бардам. Ахир ўлган одамга азоб бериб бўлмайди-ку. Мен ўлатуриб ҳақиқий инсон бўлдим...

— Тоққа чиққудай бўлсанг, менга озгина ўтин келтир, — деди бувим Сели. — Изғирин кунлар бошланяпти, ёшим ўтиб қолгани туфайли қоним ҳам совиб қолган, баданимни исита олмаяпти. Эртага тоққа чиқмоқчисан, шекилли?

— Ҳа, эртага, — деб жавоб бердим. — Эртага тоққа ўтин йиққани чиқаман. Сенга ҳам ўтин олиб келаман, печкани ёқиб исинаверасан.

Лекин эрта тонгда хўжайин чақириб қолди.

Ўтин йиғишга сен бугун бормаисан, мен билан шаҳарга вино олиб борасан. Ўтинни бирор бошқаси олиб келар.

Кечаси эса бувим ўлди, Шер қоясидаги илма-тешик кулбасида совқотиб, бандаликни бажо келтирди. Наҳотки, энди мен унинг ўлимида гуноҳкор бўлсам?

Икки кундан кейин узумзорда бошқа қуллар билан бирга ток новдаларини кесаётган онамнинг нолакор хиргойисини эшитиб қолдим. “Тош кўрғоним, ҳалоскорим бўл, бало-қазолардан ўзинг сақла, эй тош тоғи”, — деб оқ танлилар унга ўргатиб қўйган Забурдаги оятлардан бирини куйларди.

...Қизғиш чўғлари милтиллаб турган гулханнинг нарғида аёл ўзини ухлаганга солиб ётибди. У оқ танли, лекин барибир аёл-ку. Эҳтимол, у ҳам мен истаб турган нарсани истаётгандир? Шундай экан, мени нима ушлаб турибди? Бу бепоён борлиқда фақатгина у ва мен, холос. Ҳеч ким билмайди ҳам, ҳеч кимдан садо чиқмайди ҳам. Ахир, шохдаги қуш уясининг тушиб кетгани билан дарактнинг не ғами бор? Ахир, гулханга итқитилаётган ўтин оловга қаршилиқ кўрсатаолармиди?

Эҳтимол, бизнинг мана шу танҳолигимиз туфайлигина мен бу ишга журъат эта олмаётгандирман? Куч билан бу ишда зафар қозониб бўлмайди. Менинг

қасоскор эҳтиросим унинг юмуқ кўзлари, қулоғимга чалиниб турган бир текис нафас олишигаю мусичадай беозор ётганига тўғри келадими?

Не сабабдан у бу қадар хотиржам? Чунки мен уни йиртқич ҳайвонлардан асраб турганимни у яхши биледи. Уни денгиз сари бошлаб бораётганимни биледи. Лекин буларнинг ҳаммасини қаердан биледи у? Чунки у менга ишонади, ишонишдан бошқа иложи ҳам йўқ. Зеро у бутунлай менинг паноҳимда. Истаган вақтимда сени забт этишим мумкин. Куч билан, зўрлик билан бўлса-да, бамисоли ўлаётган одамнинг чинқириғидай, чирқиратиб бўлса-да, сенга эгаллик қилишим мумкин. Шундай бўлса-да, мен барибир эгаллашим мумкин бўлмаган чўққисан... Сенинг кўзларинг... Кўзларингнинг ичкари-ичкарисиди менинг нигоҳим етмайдиган қаердадир, ўзингни ихота этадиган бир нарса бор эди — бу нарса сенинг оқ танли эканлигинг эди. Эҳтимол, мен сени ҳаддан ташқари ёмон кўрарман...

Ўша қоронғу тунда унинг силлиқ баданини кучоқлаган вақтимда чор атрофда йиртқич ҳайвонларнинг пишқириб нафас олишлари, қушларнинг тунги овозлари эшитилиб турарди. Дарё бўйида қуёш нурларида товланиб ётган аёлдан денгиз ва қандайдир ўтларнинг ҳиди келарди. Мен сени ёқтираман. Унинг нозик бармоқлари энди мени эркалаб силар, ўзига тортарди, юзларини бўйнимга суртарди. Ҳозир ўртамизда не ҳол рўй берди? Одатда бундай нарса тез ва оддийгина ҳал бўлади-қўяди. Баданингни аёл баданига теккиздингми, бўлди, вассалом. Ҳозир эса сен ва мен, адоғи йўқ чексизлик... Бир ойдан кейин хўжайин мўмайгина пулга, тўрт юз риксдалерга уни сотиб юборди. У ахир жуда ёш эди-да...

Адам ўтин-чўпларни хўкизлар ўтлаб юрган жойга олиб борди-да, шох-шаббалардан панжара ясай бошлади. Бир ерни тозаллаб гулхан ёқиш учун жой ҳозирлади. Уларнинг ихтиёрида яна бир неча бўлак сур гўшт қолганди. У панжара яшаш билан овора бўлиб турганда Элизабет топ-тоза, кўм-кўк кўйлагини кийиб, ҳали қурмаган сочларини ёйиб, дарёдан чиқиб келди-да, ювган кийим-кечақларини шохларга осиб қўйди.

— Чарчадингизми? — ўзи истамаган ҳолда беихтиёр сўради Адам.

— Унчалик эмас. Мен чўмилиб олдим. — Адам аёлга тикилди, у эса бўлиб ўтган воқеадан уялибми, қарашларига дош беролмадими — ҳаяжонини яширишга ҳаракат қилди. — Анави ерда кичкинагина кийик боласини кўрдим. Сув ичишга келган, шекилли. Аввалига йўлбарс ёки бирор йиртқич ҳайвон деб ўйлаб, кўрқиб кетдим.

— Сиз анча вақтдан бери саёҳат қиласиз-ку. Наҳотки, бу мамлакат шарт-шароитига ҳалигача кўникмаган бўлсангиз?

— Бунақа нарсаларга кўникиб бўлармиди, ахир? У ҳамма вақт ёнимда эди, бало-қазолардан ҳимоя қиларди...

“У” дегани Ларсон эди, аёл ҳечқачон унинг исмини атамасди.

— Тинчгина Капстадда ўтиравермайсизми... — У ғазаб билан бошини кўтарди-ю, бирор нарса деб юборишдан ўзини тийди.

Адам эса гулхан учун қуриган шох-шаббалар синдирарди.

— Шундай қилганингизда дунёнинг хилват бир жойига келиб қолмасдингиз. Шундай аёзли кунларда очиқ ҳавода тунамасдингиз. Сиз ахир бутунлай бошқача ҳаётга одатлангансиз.

Аёл елкасини қисиб қўйди.

— Уйларингиз қанақа эди ўзи? — унинг сир-асрорини билиб олмоқчидай сўради Адам.

— Бунинг сенга нима аҳамияти бор? — У ағаниб тушган дарахт танасига ўтирди. — Сувалган, оқланган, тепасига қамиш ёпилган рисоладагидек уйимиз бор эди, чор атрофи каттагина боғ билан ўралган эди.

— Каттамиди?

— Ҳа, икки қаватли, катта эди.

— Ўз хонангиз ҳам бўлгандир?

— Ҳа.

— Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, албатта.

— Нега сен нукул мендан Капстад ҳақида сўраб қолдинг? — Аёл унга шубҳали қараб қўйди.

- Яна нима ҳақида гаплашардик?
- Нимани гапириб берсам ҳам сенга камлик қилаверади. Бу билан нимага эришмоқчи бўлаётганингни ҳеч тушуна олмайман.
- Сиз менга бирор нарсани дурустроқ гапириб бермаяпсиз-ку, кўрқаяпсиз. Мен билан сирларингизни баҳам кўришни лозим топмаяпсиз. Мени шунчаки, бир қул деб ўйлаяпсиз.
- Бўлмаса, кимсан? Албатта, қулсан-да.
- Йўқ, бу ерда мен қул эмасман.
- “Бу ерда”, “бу ердамас” дейишингга бало борми? Қулни қаерга олиб борсанг ҳам, барибир, қул-да.
- Ҳа, мени илгари қулликда тутишган. Лекин ҳеч қачон мен қул бўлган эмасман, — ловиллаб кетди у.
- Сен қочиб кетгансан, тўғрими?
- Адам елкасини қисиб қўйди.
- Нега қочиб кетдинг? Мана, сен ҳар нарсаларни сўрайвериб ҳоли жонимга қўймайсан, менинг ҳам сўрашга ҳаққим бор-ку.
- Ким сизга бундай ҳуқуқ берган? — У ғазаб билан аёлга тикилди. Аёл ҳали кийик боласидан кўкракларини яширгандай ҳозир ҳам қўллари билан тўсмоқчи бўлди. Лекин бу гал бунинг уддасидан чиқолмади, жуда кўрқиб кетган эди.
- Майли, гапириб берсам берақолай, — кутилмаганда бирданига юмшади-қолди Адам. У қуриган шохни тошга босиб синдирди-да, бир бўлагини кафтига ботириб алам билан сўкинди. — Менинг хўжайиним винопаз бўлиб, тоғ тепасида тоқзорлари бор эди. Узумдан вино ва коньяк тайёрларди. Менинг коньякларим Капстадаги энг яхши коньяклар деб мақтарди. Ўзи эса коньякдан шу қадар кўп ичардики, айтсам ишонмайсиз. Кайфи ошиб қолганидан бочканинг оғзини беркитиш эсидан чиқиб кетарди. Бундай пайтда биз шаддод негрлар имкониятни бой берармидик — мириққунимизча ичардик. Нафс балоси яхши оқибатларга олиб келмаслигини сезиб, охирида қочишга қарор қилдим.
- Аёлнинг рангпар юзлари ғазабдан гупириб кетгандай бўлди, лекин ўзини босиб, тиззалари устига қўйиб ўтирган қўлларига тикилганча жимгина ўтирарди.
- Сўзларинг бошидан охиригача ёлғон, — деди ниҳоят Элизабет.
- Нима деяпсиз, ҳаммаси рост.
- Ёлғон!
- Албатта ёлғон гапиряпман, — аёлнинг кўзига тик қараганча салмоқ билан гапирди у. — Ахир сиз ҳақиқатни билишни истамайсиз-ку.
- Истамайман? Нега? — ҳақоратланган кишидай эътироз билдирди аёл.
- Сиз ҳаддан ташқари оқсиз, сиздақаларга ҳақиқатнинг кераги йўқ.
- Улар бир-бирларига тик қараб қолишди. Аёл лабларини тишлади, бошини секингина орқага ташлади, юзларидаги нафрат кўзларига кўчди. У ўша-ўша, қўллари билан тиззаларини ушлаганча жимгина ўтирарди. Шунда тўсатдан бошини ташлаб юборди. Адам у нима учун юзини яширганининг сабабини билолмай қолди — бу ўзининг мустақиллигини писанда қилиш учунми ёхуд унинг вужудини тўсатдан қоплаган қизлик журъатсизлигими? Мени алдама, олов билан ўйнашма, хаёлан илтижо қиларди Адам. Сен оқ танлисан, менинг териларим қора, гўрга киргунимча шундай қоралигимча қоламан. Сен фақат аёлсан-да, деган ўйга боришимга йўл қўйма. Ўзингни ҳам, мени ҳам жарликка судрама.
- Адам унинг қаршисида турарди. Аёл эса силлиққина бўлиб тош устида ўтирарди. Шунда иккаласи ҳам тўсатдан бутун борлиққа сукунат чўкиб, ҳаммаёқ жим-жит бўлиб қолганини пайқашди. Бу жимжитлик одатдагидек турли товуш ва шовқинларни энгиб аста-секин эмас, тўсатдан, бамисоли қандайдир кўзга кўринмас маҳобатли қўл бир зарб билан барча қушлар, пашшаю қўнғизлар, чигирткалар, ҳатто дарахтларни маҳв этгандай, бирданига чўкди.
- Нима бўлди ўзи? Нега ҳаммаёқ жим-жит? — ҳадиксираб сўради Элизабет.
- Кимдир ўлди, — деди у. — Одатда ҳаммаёқни бирданига сукунат қопласа, шундай ҳодиса рўй берган бўлади.

Уни эртасига кечкурунга томон кейинги тоғ тизмасининг ёнбағридан топишди. Тонг саҳарлаб йўлга тушишганда осмонда учиб юрган калхатларга кўзла-

ри тушди. Улар доира ясаб оҳиста учар, гоҳи-гоҳида тахминан тоғ тизмасининг ўргаларида пастликка шўнғирди. Аввалига қушлар учта ёки тўртта эди. Бора-бора уларнинг сафига бошқа қушлар қўшила-қўшила охири осмон бутунлай кўринмай қолди.

Довондан ўтилгач, ўт-ўланлар, дов-дараҳтлар анча қуюқлашди. Куриб қолган ерлар ёрилиб кетган, баъзи жойларда эса ҳеч нарса ўсмас, тақир эди, у ер-бу ерда шамол учириб келган шох-шаббалар сарғайиб ётарди. Ер остидан сизиб чиқаётган булоқлардан сув ичадиган тиканли ва қинғир-қийшиқ дараҳтлар ва ўт-ўланлар, дўлана, акас, юлғун, сутлама, каткус ва алойлар, ассагай, ёввойи олча, ёввойи олхўри ва уларнинг барглари кўм-кўк бўлиб турганлиги туфайли водий узокдан жуда шуқуҳли ва чиройли кўринарди. Гўзал, шу билан бирга шафқатсиз манзара. Баъзи жойлардаги буталар ҳаддан ташқари айқаш-уйқаш бўлиб, ўтиб бўлмас чангалзорларга айланиб кетганди. Ҳўкизлар ҳам ўтолмаганидан йўлни бошқа томонга буриб, йиртқич ҳайвонлар ўзлари учун очиб олган сўқмоқни топишга ёхуд ёруғлик тушиб турган очикроқ жойни излашга тўғри келарди. Агар калхатлар тепада гўжғон ўйнашмаганда улар жасадни ҳеч қачон топиша олмасди.

Улар узок йўлдан айланиб боришларига тўғри келди, лекин Элизабет ҳам, Адам ҳам бормай қўяқолсак нима бўларди деган ўйни хаёлига келтирмади. Ниҳоят, улар манзилга жуда яқинлашишди, ўртада бор-йўғи бир неча юз қадам масофа қолганди. Ўлаксахўрлар қанотларини ёйиб, хунук бўйнилари олдига чиқариб, сариқ кўзларини ялтиратиб ерда ва буталарда ўтирарди. Қушлар кутилмаган меҳмонларнинг ташрифидан норози тарзда истар-истамай жой бўшатиб, нарироққа бориб кўнарди. Икки-учтаси эса хиралик билан ерда бесўнақай юрганича уларга эргашди. Лекин салдан кейин улар ҳам орқада қолиб, бошқа қушлар қатори нарироқдаги дараҳтларга бориб қўнди.

У шох-шаббадан тикланган чайлада ётарди. Аввалига улар кийим парчаларини кўришди: узун, оппоқ тиканларга ва қуриган шохларга илиниб қолган, сарғайиб кетган кийим қийқимлари шамолда дилдиради. Сўнгра қора учбурчак шляпага кўзлари тушди, унга ўрнатилган ажойиб патжига эзгиланиб, дабдаласи чиқиб кетган эди.

— Тўхтаб турунг, у ёққа бормай қўяқолинг, — деди Адам.

Лекин аёл ҳўкизнинг устидан тушиб, унинг кетидан юрди. Шунда кутилмаганда қаттиқ чинқирик эшитилди, улар миҳлангандай тош қотиб қолишди. Мурдани мўлжаллаб турган икки ўлаксахўр тирноқлари ва қанотлари билан уларга ҳужум қилмоқчи бўлар, уларнинг тумшуғи, бўйни, ҳатто кўкракларидagi патлар ҳам қон юки эди.

Чамаси куни битаётганини сезиб олдиндан тайёрлаб қўйган шох-шаббалар билан ўз устини ёпган кўринади. Агар унинг шведларга хос эҳтиёткорлиги ва тадбиркорлиги бўлмаганда ҳозиргача мурдадан ном-нишом қолмаган бўларди.

Барибир кўз ўнгларидаги манзаралар ўта даҳшатли эди. Афт-башара бутунлай чўқилаб ташланган, узун тўқ қизил плаш парча-парча бўлиб кетган, ялтиллаб турадиган пўлат тугмаларидан ном-нишон кўринмас, зардўзи нимча латтапутта парчаларига айланган, қон аралаш лойдек кўринаётган гўшт парчалари остидан икки қовурға чиқиб турарди.

Элизабет олдинга интилди. Адам унинг йўлини тўсиб, мурда яқинига боришдан тўхтатиб қолмоқчи бўлди. Лекин аёл Адамнинг қўлини силтаб ташлади. Адам аёл йўлини тўсиш мумкинмаслигини тушунди.

— Мен уни кўришим керак, — вазминлик билан гапирди аёл.

Готтентот хизматкорлар уларни ташлаб, қочиб кетишди, ҳўкизларни бушменлар ўғирлашди. Ван Зил ўзини отиб қўйди, уни кўмишга тўғри келди. Бу бахтсизликларнинг ҳеч бири аёлга даҳлсиздай туюлган эди. Лекин аслида бундай эмаслиги ҳозир билиниб қолди, аёл бундан қочиб қутулолмади. Шунча чақирим йўл юриб, Капстад билан хайр-хўшни насия қилиб, у билан ер куррасининг инсон қадами етмаган ерларга шунинг учун ҳам йўлга чиқишган экан-да.

Гўё қўланса ҳидни сезмагандай, аёл шох-шаббалар уйиб қўйилган ерга яқинлашди-да, уларни олиб ташлай бошлади. Атрофдаги дараҳтларда ўтирган ўлаксахўрлар гўё ҳозироқ аёлга ташланмоқчи бўлгандай ҳурпайди, лекин Адам уларга

қўлларини силкитиб бақирди. Сал нарироқда турган ҳўкизлар туёқлари билан ерни титар, безовталаниб нималарнидир искарди.

Айни шу дамда шер ови хаёлига келганига аёлнинг ўзи ҳам хайрон бўлди. Биринчи ўқ ургочи шерни яралаб, яғринидаги ёлни учириб кетди. Шер бир дақиқа жим турди-да, яна унга ташланди. Готтентотлар қичқиришиб, қўлларидаги милтиқларини ташлаб ҳар тарафга тумтарақай бўлиб кетишди. Сен йиқилиб, чўккалаб қолдингу шерни мўлжалга ола бошладинг. Лекин шу дақиқада баҳайбат йиртқич бўкириб устинга ташланди-да, сени ерга қапиштирди. Лекин шер сакраётган паллада готтентотлардан бири шерни аниқ мўлжалга олди. Боои югуриб келди-да, шер билан олиша кетди ва уни нарироққа суришга ҳаракат қилди. Шер ўзининг бесўнақай ва бақувват олд оёқлари билан унинг елкасига ёпишди. Лекин йиртқич ҳалок бўлганди, у устингда қимирламай ётарди, ёнгинанда эса Боои доллаганича тўлганарди. Ниҳоят, сен ҳаракатга келдинг-да, шернинг тагидан чиқдинг. Мен турган томонга қарадинг, лекин кўзларинг ҳеч нарса кўрмасди. Шунда тўсатдан чопа кетдинг, мендан анча жойгача чопиб бориб, ўша атрофдаги кичикроқ бир дарахтга ёпишиб, маймун сингари унинг тепасига чиқиб кетдинг. Энг тепасига чиққанингда дарахт танаси қутилмаганда эгилиб, сен ерга тушиб кетдинг. Кейин эса ҳеч нарса бўлмагандай, яна дарахтга кўтарилдинг, дарахт яна эгилиб кетди. Сен учинчи маротаба дарахтга чиқдинг, у сени яна пастга тушириб қўйди. Фақат шундан кейингина атрофга разм солиб, ургочи шер аллақачон тош қотганини кўрдинг.

Эрик Алексис Ларсон, кимсан, нимасан ўзинг? Қаршимда кўрса юрак увушадиган, қонга ботган, абжағи чиққан бир уюм нарса ётибди. Лекин бу сен эмассан. Сен кенгликни, узунликни, денгиз сатҳидан баландикни гоё аниқ ўлчардинг, қойил қилиб қушларнинг тулумини ишлардинг, илгари кўрилмаган ўсимликлар, ҳашаротлар, ҳайвонларга исм қўярдинг. Лекин қандай инсон эдинг ўзи? Сен ўзи кимсану бу жойга қандай келиб қолдинг? Мен шуни билишни истайман, жавоб бер. Мен сенинг хотинингман, жавоб талаб қилишга ҳаққим бор. Мен вужудимда сенинг болангни кўтариб юрибман, ҳаммасини билишим керак... Наҳотки, сен менга бирор нарса демайсан!

Адам сал нарироқда, аёл ҳалигина олиб ташлаган шох-шаббалар орасида турарди. Мана, ўйлади Адам бошини оловдай қиздираётган қуёшдан яширишга интилиб, энди навбат ниҳоят сенга келди. Энди кўзинг очилиб, эсинг кира бошлайди. Чунки сен ўлимни билдинг, аслида ҳаммаси шундан кейингина бошланади. Мен ўзим дастлабки кичик сабоқни илон чаққан куни олганман. Ўшанда муштдеккина кампир илон заҳрини сўриб олди-да, доривор ўсимликлардан тайёрланган малҳамни яра ораларига суриб, мени қайтадан ҳаётга қайтарди. Яна бир воқеа бўлган эди: мен суви қуриб қолган дарё ичида ташналикдан ҳолдан тойиб, ҳаёт билан хайрлашаётган эдим. Кўз олдимдами, хаёлимдами, рўпарамда қандайдир шарпалар кўринди. Нуроний бушмен қуриб тарс ёрилиб кетган эски булоқча ичи бўш бамбукни тикиб сув тортиб олди-да, оғзимга қуя бошлади. “Эҳ сен-ей, ёнгинанда сув турибдию ўлимни ўйлаб қолибсан. Атрофга бундай қарамайсанми аввал. Бу ерга ўзи не учун келдинг? Ўзингни ўзинг эплотмасанг уйингда ўтир”. Мен эса лой аралаш сувни ютиб, вужудимга ҳаёт югураётганини, аста-секин тирилаётганимни ҳис этдим...

— Бу ерда қолишингиз тўғри келмайди, — деди Адам.

Унинг сўзлари аёлнинг миясига эндигина етиб борди. Аёл ўрнидан туриб, кўнгилини оздирувчи қўланса ҳиддан нарироқ кетдию тўсатдан қуса бошлади. Кейин анча вақтгача ўқчиб, титраб-қақшаб ўтирди.

Юзи оқариб кетган, офтоб қиздириб турганига қарамай совуқдан дағ-дағ қалтирарди, йиқилай-йиқилай деб аранг ҳўкизларнинг олдида етиб олди-да, эгидиб бошини бўғчага қўйди.

— Нимадир қилиш керак, — пичирлади у.

— Биз нима ҳам қила олардик?

— Ахир, уни бу ерда шундайича қолдириб бўлмайди-ку.

— Готтентотларга ўхшаб зовурга қўймоқчимисиз? — деди Адам қизишиб.

— Сиртлонларга ем бўлишини истамайман.

— Улар аллақачон шу ерда, — деди бағритошлик билан Адам.

— Ё худо, наҳотки бирор нарса ўйлаб тополмасанг?

— Ер тошдан ҳам қаттиқ, қазийдиган нарсамиз эса йўқ. Тўғри, устини тош билан беркитиб, шох-шабба ташлаб қўйса бўлади. Лекин барибир бу йиртқичлар бугун бўлмаса эртага уни қўймайди.

— Нима бўлса бўлар. Тош бостир. Офтоб роса қиздирыпти.

Аёл энди унинг кетидан бормади, ҳўкизларнинг соясига келиб ўтирди-да, Адам катта-катта тошларни юмалатиб, дарахт шохларини ташиб келаётганини кузатиб турди. Аҳён-аҳёнда унинг тепасига келишга журъат этаётган ўлаксахўрларни паришонхотирлик билан ҳайдаб юборарди. Ўлаксахўрлар ҳавога қўтариладди-да, яна қўнарди. Шошилишнинг ҳожати йўқлигини, ўлжалари ҳеч қаёққа кетмаслигини улар яхши биларди.

Аёл яна қусгиси келиб энгашиди, лекин қусолмади, ўқчиди, холос. Оғриқдан кўзлари тиниб кетди. Сўнг титраб-қақшаши босилиб, аввалги ҳолатига қайтди-да, қад ростлаётган тош қўрғонга қараб ўтирди.

Қайсидир кеча барибир ҳаммавақт биринчи бўлади. Рақс ва байрам зиёфатидан кейин узун стол атрофида ўтирганларга қовурилган сон гўшти, каклик, куён, кийик, балиқ пироги, усти сап-сарик апельсин билан зийнатланган, сутга боқилган чўчқадан тайёрланган тансиқ таомлар тортиларди. Оёқ яланг хизматкорлар овоз чиқармай зир югурар, улар муз ташлаб қўйилган идишлардан ширин ичимлик суви ва мозельвейн виносидан пешма-пеш қўйиб туришарди. Маҳаллий вино бўлмаганлиги туфайли, ҳаммаси Европадан келтириларди. Ебичиб, ўйин-кулгидан кейин биз ниҳоят тепадаги уйларимизга кириб кетардик, меҳмонлар алламаҳалгача шакаргуфторлик қилишарди. Сен мендан узр сўраб қандайдир ишингни тугатиб қўйиш учун кичик меҳмонхонага кириб кетдинг. У ерда нима қилганингни билмайман, буни сўраб ҳам ўтирмадим, эҳтимол, чироқ ёнида ўтириб қандайдир ҳисоб-китобларингни қилгандирсан, нималарнидир ёзгандирсан. Юзимдан илтифотсизгина ўпиб: “Ларсон хонимнинг уйқулари келди, шекилли, менинг эса ишим бор эди”, — дединг. Мен эса сен билан бирга бўлишни, қандай ишлашингни кўрмоқчи эдим, лекин халақит бераман деб истиҳола қилдим. Ойим мени ечинтириб қўйиш учун икки хизматчи аёлни юборди. Вақт ярим тундан ўтганига қарамай бу бечоралар тик оёқда эди, ҳолбуки улар эрталабки соат бешдан хизмат қилиб олиб-югуришарди. Улар қачон мизғиб олишлари ёлғиз худогагига аён эди. Хизматкорлар мени ечинтиришиб, сочларимни ёйиб қўйишди. Кўзимни юмиб, сени кўз олдимга келтирдим, қўлларинг баданларимга тегиб кетгандай туюлди. “Менинг қайлигим, менинг эрим”, — деб қайтарардим ичимда. Шунда тўсатдан “Эр... Қандай қўпол сўз-а”, деб ўйладим. Сўнгра хизматкорлар чиқиб кетишди, мен бурма ҳошия, тўр ва нақшли узун қўйлагимни ҳам ечиб ташлаб, ондан туғилгандек бўлиб сени кута бошладим. Сен ётоқхонага кириб келганингда тонг ота бошлаган эди.

— Сен ухляяпсан деб ўйлабман, — деди ҳайрон бўлиб. Унинг овозида ўкинч оҳанглари ҳам зуҳур эди.

— Мен сени кутиб ётгандим.

Ечинаётган вақтингда сени уялтирмаслик учун тескари қараб ётдим-да, ёнбошдаги кўзгудан кузата бошладим. Баданларинг оппоқ, гавданг дуркун ва кучли эди. Узоқ денгизлар ва мамлакатлар сени обдон чиниқтирганлиги кўриниб турарди. Ҳозир қаттиқ оғриқ бўлишини, қон кетишини тасаввур қилдим. Шотут сувидай қип-қизил қон ирмоқча бўлиб оқишини истардим. Буни сену ўзим учун рўй беришини хоҳлардим. Мен ҳозир аёл бўлиш қанақалигини билиб оламан. Сен мени бутунлай бошқа оламга олиб кирасан, мени ҳар хил хаёллардан халос этасан... Сен ёнимга ётдинг-да, бир бўса олиб тескари ўгиридинг ва ўша заҳотиёқ уйқуга кетдинг. Мени кейинги тунда эгалладинг — ҳа, айна эгалладинг деб айтиш мумкин буни. Бир неча сониядаёқ ҳаммаси ҳал бўлди-қўйди. Каравотнинг нариги бурчагига сурилиб ётавердинг. Ҳеч қандай оғриқни ҳам сезмадим, бир неча томчи қон чиқди, холос.

— Бор-йўғи шуми? — сўрадим мен.

— Нима, бор-йўғи шуми?

— Ҳозир бўлган нарса-да. Бор-йўғи шуми?

— Ҳеч нарса тушунмаяпман.

— Мен ҳам.

Бирор дақиқадан кейин сен яна уйкуга кетдинг, мен эса аввалги тундагидек мижажа қоқмасдим.

Мен ҳозир ҳам сендан яна “Бор-йўғи шуми? Ҳаммаси тамомми?” деб сўрашни истардим. Лекин сен яна миқ этмайсан. Бамисоли учиб кетаётган қуш тўсатдан ерга ўлиб тушгандай, патлари шамолда тўзғиб кетгандай даҳшатли, бемаъни, қараш қийин бўлган эт парчаларию суяклардан иборат майит. Бу жудаям оз, ниҳоятда оз!

Аксинча, ўлчаб бўлмайдиган даражада кўпдир? Мен бир нарсани биламан, холос. Ўлим ҳақ, ўлим оддий ва муқаррар нарса. Энг даҳшатли жойи сен ишонган, умид қилган, севган нарсангнинг ўлишидир.

Гўрингда тинч ёт, Эрик Алексис Ларсон. Қайсидир кеча бари бир доимо биринчиси бўлади.

Анчагина баландликда ўзларига қароргоҳ тиклаган кунлари кечаси аёлнинг мазаси бўлмади.

Мурдани топганларидан кейин кечқурунгача лом-мим деб оғиз очишмади. Адам аҳён-аҳёнда унга қараб қўяр, лекин Элизабет чамаси буни пайқамасди. Кўриб турган нарсаларини ҳам англамас, ҳаракат қилаётган нарсаларни ҳам кўрмас, дарё юзида оқиб бораётган пайраҳани оқим пастга суриб кетаётганини идрок этмасди. Кун ниҳоятда очиқ эди, уфқда бирор губор кўринмас, тепаликлар орасидаги водий ғоят осойишта, ҳамма нарса ўзининг асл ҳолида кўзга ташланарди.

Аёл кейинги кунларда қандайдир дард ўзига узлуксиз ҳамроҳ бўлиб қолганини сезарди. Лекин улар тунаш учун тўхтаганларида оғриқ яна кучайди. Бирок у лабларини тишлаб, Адамга ҳеч нарса демади. Ҳозир қоронғиликда оғриқ шунақанги забтига олдики, аёл додлаб юборди.

Адам уйғониб кетди.

— Сизга нима бўлди?

— Ҳеч нарса.

— Додладингиз, ўзим эшитдим.

Аёл қанчалик тишини тишига қўйиб ўзини ушлашга ҳаракат қилмасин, барибир бўлмади, яна додлаб юборди.

— Эй худо, Капстадда бўлганимда бу ҳолга тушмасмидим!..

— Бирон жойингиз оғрияптими?

— Мана бу ерим, — у қўли билан қорнини кўрсатиб, аста силаб қўйди. Қаеридадир сирли титроқ кўзғалиб, худди зилзила тўлқинларидай, ташқарига ура бошлади. Лекин боягидек кўнгли айниётгани йўқ. Аёл қандайдир ички сезги билан унинг танаси вужудининг бир бўлагига айланиб бораётган боласини чиқиштирмай, ташқарига итараётганини англади.

— Қимирламай ётаман, зора ўтиб кетса.

— Коньяк олиб келгин.

Адам бир шиша ичимлик олиб келгач, аёл ундан бир қултум ичди.

— Эртага готтентотлар қишлоғига етиб борамиз, — деди Адам. — Эртагача чидай оласизми? У ердаги аёллар билади... Бугуноқ уларга етиб олган бўлардигу ҳалиги...

Аёл ичкиликни яна оғзига олиб келди.

— Готтентотларингдан ўргилдим. Улардан қандай наф бўларди. Исқирт ёввойилар.

Адам индамади.

Лекин орадан бир оз вақт ўтиб оғриқ шунақанги кучайдики, аёл қўллари билан қорнини чангаллаб олганича бошини ўзи ётган тошдай қаттиқ ерга ура бошлади.

— Готтентотлар менга ёрдам бера олишади деб ўйлайсанми?

— Улар мендан кўра яхшироқ билишади-да.

— Уларгача ҳали узоқми?

— Унчалик узоқ эмас. — Адам ўрнидан туриб, ҳўкизларни йўлга ҳозирлай бошлади. — Қоронғиликда жуда қийин бўлади-ю, лекин на илож, уриниб кўрамиз.

Бир соат ўтгандан кейин аёлнинг ҳўкиз устидан йиқилишига бир баҳя қолди. Аҳшиямки Адам ўз вақтида сезиб, ушлаб қолди — аёл беҳуш эди. Шундагина Адамнинг чинданам кайфи учиб кетди.

У аёлнинг оғзига уқувсизлик билан бир оз коньяк қуйишга интиларди. Элизабет бир оз ўзига келгач, унинг ҳўкизга миниб олишига кўмаклашди.

— Яхшилаб ўтиринг: Мен ёнингизда кетаман. Яқинлашиб қолдик, — дерди илтижо билан у.

Аёл яна нола чека бошлади. Ичкилик аёлни бир оз гангитди ва кўнглини беҳузур қилди.

Рўй бераётган ҳодисалар гўё туман орасида бўлаётгандай эди. Қоронғиликда зўрға юриб бораётган ҳўкизларнинг ҳар бир қадами унда акс-садо берар, оғриқ тобора кучаяр, нафаси сиқилар, юзидан маржон-маржон тер оқарди. Гоҳо оғриқ қўйиб юборарди, бундай дақиқаларда чангалзорлардан ўтиб боришаётганини ҳис қилар, дарахт новдалари боши ва елкасини қамчиларди, Адамнинг пичирлаб нималардир деяётганини, сўкинаётганини илғаб қоларди. Аста-аста тонг ёришиб келарди, шарқ томондаги осмон яллиғланиб, ҳадемай чарақлаб қуёш ҳам кўринди... Сўнг қутилмаганда итларнинг вовуллаши, сигирларнинг маъраши, одамларнинг гапирган овозлари қулоққа чалина бошлади.

Аёлнинг ҳуши жойида эмасди, улар қишлоққа кириб келишганини ҳам пайқамасди. Қишлоқ девор билан ўралган, молхона атрофига солинган ўттиз-қирқта доирасимон кулбадан иборат эди. Сал нарироқда, кичик дарахтзор ёнида яна бир неча кулба бор. Бу ерда беморлар ва бузук аёлларни сақлашади. Кўппаклар вовуллаб чиқар, эчкилар маърарди. Кулбалардан ҳали уйқулари ўчмаган кишилар ҳовлиқиб югургилаб келишарди — улар орасида маржон таққан, олдига чарм фартуқ тутган ёшгина қизчалар, юзлари бўялган, шиппак кийиб, устиларига ёпинчиқ ташлаб олган кампирлар, олдиларига тақиб олган энсизгина маржон шодасини ҳисобга олмаганда, қарийб яланғоч эркаклар, эчки терисидан қилинган узун ёпқич кийиб олган қоқ суяк чоллар бор эди.

Одамлар Адамни танишди. Адам Элизабетни кўрсатиб нималарнидир тунтирарди. Осмондан тушган одамни кўрмоқчи бўлгандай, қизиқувчан оломон Элизабетни ўраб олди. Ҳамма баробар гапирар, қўллари билан уни ушлаб кўришарди. Сўнгра кампирлар тўпланган оломонни қарғай-қарғай ҳайдашга тушишди-да, Элизабетни ҳўкиз устидан тортиб олишди. Уларнинг баданларига сурилган бадбўй ёғ ва баку дарахти барглари қоришмасидан келаётган қўланса ҳиддан Элизабетнинг яна кўнгли айнади. Ҳеч нарсага қарамай улар беморни дарахтзор нарёғидаги кулбалардан бирига сургаб кетишди. Кулба ичи қоқ ер бўлишига қарамай, яхшилаб супирилган, бамбукдан тўқилган ягона бўйра ташлаб қўйилганди. Элизабет бўйрага ётиб фақирона уйга разм солди. Уй деворлари ўрнига ёғоч синчлар ерга қадалиб, уларга ҳўкиз териси тортилган эди. Уйнинг шифтидаги тешикдан кўм-кўк осмоннинг бир бўлаги кўриниб турарди. Элизабетни титроқ босди, оғриқ яна кучайди, лекин кампирлар аёлнинг қўллари ва оёқларидан ушлаб ўтиришга мажбур қилишди, кўйлагини ечишга уришишди. Аёлнинг ўзи кўйлагининг боғичини ечишга, илгакларидан бўшатишга ёрдамлашди. Устидаги барча кийимларини ечиб ташлашди, у совуқдан қалтираб яна бўйра устига чўзилди. Кимдир бошини кўтариб лабига калембаса ўтини олиб борди. Димоғига ўтнинг ўткир ҳиди урилди. Бошини буришга ҳам мажол келмасди. Кимдир аёлнинг тердан ҳўл бўлиб кетган яланғоч баданини тери билан беркитди. Даҳшатли оғриқ аёлнинг аъзойи-баданига ёйилди. Гавдаси энди уники эмасдай, ўзига бўйсунмас, ичидаги барча аъзолари ташқарига отилиб чиқаётгандай, иссиқ қон баданидан шариллаб оқаётгандай туюлди... Ниҳоят, оғриқ босилди. Аёллар сув келтириб, уни чўмилтиришди-да, яна ўстини ёпиб чиқиб кетишди. Аёл оҳиста-оҳиста беҳушлик ҳолатига кета бошлади. Қулоғига дарахт шохларига кўниб турган қушларнинг сайраши элас-элас чалингандай бўлди, ичида эса “Ўлишим керак, тезроқ ўлишим керак...” деган сўзларни кайтарарди.

У уйғонар, яна уйқуга кетар, қаерда тушию, қаерда ўнглигини ўзи ҳам билмасди. Қулоғи остида бир маромдаги ғамгин куй янграр, бу куй кулба ҳовлисидан келаяптими ёхуд дарахтзорнинг нарёғида кимдир қамишсурнай чалаяптими, билиб бўлмасди. Паст оҳангдаги бўғиқ товушлар унинг тушига кирарди.

Қандайдир соялар бир-бирига чаплашиб кетгандай бўлади. Мункиллаб қолган кампир Элизабетнинг тепасида сабр-тоқат билан кутиб ўтирибди. Унинг муштумдеккина бошида зебра терисидан тикилган қалпоқ, қаримсиқ юзлари куриб қолган дарахтнинг тарс-тарс ёрилган тубидай серажин, узун осилиб тушган кўкраклари бамисоли ичига бир сиқим жўхори солиб кўйилган эски халтачанинг ўзи. У ўзининг узун трубкасидан аччиқ тутун чиқарганча оҳиста сўриб ўтирибди. Қаерлардadir итлар вовуллайди, эчкилар маърайди, узоқ-узоқлардан гўё бутунлай бошқа оламдан болаларнинг қичқиришлари, хандон ташлаб кулишлари эшитилади.

— Ич, — деди кампир ва Элизабетнинг лабига мешнинг оғзини тутди. Қатиқ ва асалнинг ҳидидан аёл ўқчиб юборди, лекин у шунчалик беҳол эдики, қаршилиқ кўрсата олмай, итоаткорона оғзини очди. Қандайдир куюқ ва муздай нарса томоғига кирди. Лекин қорни бу бўтқани қабул қилмасликка уринди, ичаклари эса ёниб кетгандай бўлди.

Ҳамма кўргиликлар орқада қолгандай эди-ю, аслида энди бошланаётганга ўхшарди. Мени заҳарлашмоқчи булар, — ўйларди Элизабет. — Менга ишонишмайди, ахир мен бегонаман, оқ танлиман. Лекин нима учун кучли заҳар бериб тез ва қийноқсиз ўлдириб қўя қолишмайди? Оқ танли бўлганим учун мен айбдорми?

Сиз ҳаддан зиёд оқсиз, сиздақаларга ҳақиқатнинг кераги йўқ. У менга шундай деди. Қаердан билади буни у? Кул! Бизнинг ҳаётимиз алдаш ва ёлғонга асосланган деб ўйлайди. Дунёнинг у бурчагидан бу бурчагига алдаш учун келадиларми? Лекин ҳамма вақт ҳам сен кутганингдай бўлавермайди-ку... Мени ортиқ қийнама. Сенда ҳамма нарса очиқ-ойдин. Сендақаларни ҳукумат саройи олдидаги чархпалакда азоблашади. Лекин дунёда шундай азоблар ҳам борки, бундан ҳеч қачон қутула олмайсан. Эҳтимол, пировард-натияжада ҳаммамиз ҳам ягона ҳулосага келармиз. Ҳаёт деб аталган нарса ҳаммамизни маҳв этади. Барчасига худонинг қарғиши теккан ўлка айбдор. Ойим буни мендан олдинроқ англаган экан. Нега англамасин, ахир бу ерда ўз дилбандларидан иккитасини ерга қўйган. Икки ўғилжониси, ўзининг умиди, фахрини тупроққа топширган. Мен — унинг учун суюкли ва ардоқли бўлмаган, унинг қалбидаги бўшлиқни тўлдира олмаган қизча эса омон қолдим... Аёл кишининг саёҳат учун сахрою биёбонга йўлга чиқиши кўз кўриб қулоқ эшитмаган аҳмоқлик-ку!.. Ахир онаси ҳам қачонлардир ёш ва жасур бўлган, бутун дунёни кезиб чиқишни истаган. Отаси шундай дерди. Ҳа, онаси ўз оиласидан, Батавиядай фаровон юртидан, ўз жамоасидан воз кечиб, Капстадда туғилган ва ҳеч қандай мол-мулкка эга бўлмаган кишига турмушга чиққан... Катта бувиси эса Франциядан қочиб келиб, ёввойи қабиалар орасидан макон топди. Тўғри, у озод, эркин эди... Мен сенга ёпишиб олдим. Биз иккаламиз бир вужудга айланамиз... Нима, ҳаммаси шуми?.. На илож, лозим топсанг, мени тентаклигинг билан мафтун эт. Бечора ўспирин Ван Зил мени ёқтирарди. Сен эса рашк қила бошладинг, у билан жанжаллашдинг. Мана, энди Ван Зил ҳам йўқ, у ўлган. Биз ҳаммамиз, Капстаддаги кекса амакижоним Якобсдан бошқа барчамиз ўлдик. Эҳтимол, фақат у ҳамон кутаётгандир. “Қизгинам, камол топ, нарсанинг ғамини ема. Ёлғиз қоламан деб чўчима. Кекса амакигинанг сени ардоқлайди”. Улар отам билан тут дарахтнинг тагига ўтириб олиб, соатлаб шахмат суришарди. “Кел, Элизабет, мен сенга шахматни ўргатиб қўяй, кейин икки кишилашиб отангни бирпасда қолдириб ташлаймиз”. Ҳеч ким кўрмаган пайтларида эса қўйлагим ичидан оёғимни силар, сезмаган киши бўлиб, қўли тобора тепага кўтарилиб бораверарди... Бечора мўйсафид амаким Якобс деб қанча кечаларни кўркувдан қалтираб, ўзимни гуноҳкор санаб уйқусиз ўтказмадим! Ҳозир ҳатто сизни ҳам соғиняпман. Ҳозир мен турган жойда гуноҳ ҳам, гуноҳкор ҳам йўқ. Худойим бизни аросатга ташлаб қўйди. Чамаси, у Капстад томон йўл олди. Қоронғи ва ноқулай бўлса-да, у ерда янги черков қурилган. Қечкурунлари меҳмондорчилик, хизматкор — қўллар меҳмонларга бодом ва анжир келтиришади... Энг ширин меваларни Роббен оролидан келтиришади. Марҳамат, жаноб Ларсон, татиб кўринг... Энг мазали ичимлик сувини қамоқхонадаги қудуқдан олишади. Қизиғи шундаки, чор атроф денгиз бўлса-да, бу оролнинг қаерини қазиманг, мазали сув чиқади. Эсимда,

бир сафар мен у ерда отам билан бирга бўлганман. У ердан Горага ажойиб манзара очилади. Бундай роҳатбахш манзарани ҳеч қаерда кўрмайсиз. Мен ҳатто бу ерга сургун қилинганларга ҳавасим келган.

Патриядан қайтиб кўрфазга кираётганингизда ҳам ўша манзара кўзга ташланади. Гора осмонга виқор билан бўй чўзиб турибди. Мен эса яратганининг паноҳидаман... Лекин сен тоғнинг у томонида қолишинг керак, шунда ҳаммаси рисоладагидай бўлади. Сен аёл кишисан, шу боисдан ўзинг хоҳлаган ишни қила олмайсан. Аёл бўлганинг учун ҳам ўзинг орзу қилган нарсага эга бўлишингга йўл беришмайди. Сен худди губернатор Капстадга олиб келган митти дарахтга ўхшайсан. Мен аминманки, митти дарахтлар ҳам баландга ўсиб, сершоҳ бўлишни, бутуқларида қушлар сайраб, ин қўйишларини, сояларида ҳайвонлару одамлар ором олишларини жуда-жуда исташади. Аммо бировларнинг иродаси уларнинг кучлари ошиб, бўйлари ўсишига йўл қўймаган, мажмағил бўлиб қолишларига, токча устидаги ёхуд печка ёнидаги оддий безакка айлантирган. Лекин ҳозир мен ҳеч кимга бош эгмайман, озодликка чиқиб, менгача ҳеч ким оёқ босмаган ёввойи ўлкага кетаман...

Шундай қилиб мен авваллари ўзимиз кундаликларида қайд этиб юрган сутэмизувчиларнинг оддийгина эрмагига айланиб қолдим. Эҳтимол, сен менга ном ўйлаб топганингдан мамнундирсан. Эсимда бор, ердаги бирор жонли мавжудотга ном қўядиган бўлсанг, гўё ўша нарсага хўжайиндай бўлиб қоламан, дегандинг.

Мен бирор буюм ёхуд тилсиз ҳайвонмидимки, ўзингни менинг хўжайиним деб ҳисоблайсан? Иккита соябонли арава, бешта сандик, иккита това, ўн олти-та қурол, тўққизта хизматкор-готтентот, бир аёл. Буларнинг барчаси қанча маблағ эвазига келган? Компания бу талафотни қачонлардир сенга тўлармикин? Тақсир, афсуслар бўлсинки, улар жудаям зиқна одамлар.

Эҳ, бировга қарам кимса ёхуд буюм бўлганимда эди, эҳтимол, менга осонроқ бўларди. Бировга қарам одам нон-тузу эртанги кун тўғрисида қайғуриб ўтирмайди, унга бахт ҳам, севги ҳам, эътиқод ҳам керакмас. Қул ўзига керакли ҳамма нарса ни олаверади — вақтида овқатини беришади, исташса адабини беришади. Шундай экан, нега мен ўзлимдан воз кечолмадим? Нима учун ҳеч кимни устимдан хўжайинлик қилишига чидолмайман, мендаги қандай куч ўзгаларнинг иродасига бўйсунишга йўл қўймайди? Бу ерда — худуди йўқ ёввойи ўлкада мен яккаю ёлғизман. Ўлсам ҳам ёлғиз бўламан, ҳеч ким менга “Гўрингда тинч ёт” демайди, ҳеч ким йиғламайди. Жасадимни шундоққина ер устига ташлаб, устимдан бир уюм тош бостириб қўйишади. Сўнг чиябўрилар, сиртлонлар сени барибир тошлар тагидан суғуриб олиб, тилка-пора қилади, фақат суякларгина қолади, холос...

Қоқ суякларнинг ўзи қолиши қандай яхши, топ-тоза, оппоқ. Бирор ўйдимчуқурда кўриб қолганингда эркак ёки аёллигини билмайсан. Покиза, ҳамма нарсдан фориг бир нарса, одамнинг қолдиғи. Ахир Момо Ҳаво ҳам қовурғадан пайдо бўлган-ку. Бизнинг тағзаминимиз суяк, биз мустаҳкаммиз, бизни барбод қилиб бўлмайди. Унинг бутун вужуди эса қон... Сен қул эдинг, қулга айландинг... Ким кимнинг устидан ҳукмронлик қиляпти, сен ерга эгалик қилясанми ёхуд ер сенга ҳукмронми?... Ниқ эсламайман-у, лекин шунга яқин фикрни айтгандинг...

Ҳалиги кампир қатиқ билан асал кўтариб келиб Элизабетнинг ёнига чўкка тушиб ўтирди-да, англаб бўлмас нималарнидир пичирлаб ўқиди. Элизабет содир бўлаётган воқеаларнинг моҳиятига етолмай лоқайдгана эшитиб ётарди. Ниҳоят, у нимадир деб сўз қотишга журъат этди, лекин кампир тишсиз милкларини кўрсатиб кулди-да, чиқиб кетди. Сўнгра кулбага кириладиган жойга баланд бўйли бир эркак келиб, булутдай туриб олди. Элизабет тирсақларига таяниб тура бошлаган эди, у ғойиб бўлди.

Кимсан ўзи, эй қора одам? Сен ҳаёт тимсолимисан ёхуд ўлим даракчисимисан? Кучли, обдон қорайиб кетган танангга эримнинг денгиз ортидан олиб келган қўйлагини кийиб олибсан. Сен кимсан ўзи? Бу ерда нима қилиб юрибсан? Нима учун атрофимда ўралашяпсан? Нега сендан кўрқаяпман? Уйимда ўнларча қулларга ўйлаб ўтирмай буйруқ бераверардим, тоғ дарёсида чўмилганимда қуллар мени кўриқлаб туришарди. Эҳтимол, улар мени қип-яланғоч ҳолда

кўришгандир. Лекин улардан уялиш хаёлимга ҳам келмасди. Ахир мушук ва кучуқлардан одамлар ҳайқишмайди-ку...

Ҳа, сендан кўрқяпман. Қоп-қоронғи бу уйда ётиб, шунга иқрор бўлишим мумкин. Сени мустаҳкам кишанда сақлаш керак, акс ҳолда мутеликдан чиқиб кетасан. Сен билан капстадлик хўжайин хонимдай гаплашишим лозим, лекин мен бундай бўлишини хоҳламайман. Бизнинг юксак туйғуларимиз кўркув олдида таслим бўлса не илож? Қизиқ, нега мен сендан кўрқяпман? Сен мени зўрламайсан, буни биламан. Сен буни аллақачон амалга оширишинг мумкин эди, бундан осон иш йўқ. Мени яна нима чўчитиши мумкин? Менга тик қарашга журъат эта олганингми? Нигоҳим сенга тушганда кўзингни олиб қочмаганингми? Ёхуд доимо лом-мим демай юришингми? Сен дағалсан, аммо сенинг дағаллигинг кулнинг дағаллиги эмас. Бундай бўлганда-ку таъзирингни бериб, ўрнинг қаердалигини кўрсатиб қўйишарди. Ўрнинг қаерда ўзи? Уйинг қаерда? Уйинг борми ўзи ёки шамолдай ер юзида мангу дайдиб юраверасанми?.. Биз денгизга чиқамиз дединг, мен эса орқангдан “сенинг” денгизинг томон эргашиб кетяпман. Вафодор итдай, оддий бир хотиндай. Нега сен мени ташлаб кетмадинг? Нега хотиржам ўлишимга йўл бермайсан? Мени ўз ҳолимга қўй, чарчадим. Бундан буён ўйлашни ҳам истамайман...

Аёл кўзини очганда кулбада ўтирган ҳалиги кампирни кўрди. Кампир Элизабетнинг сариқ кўйлагини кийиб, ясаниб олганини бемор дарҳол пайқамади. Чамаси, кампир кўйлакни қандай кийишни билмай белига боғлаб олганди.

— Бу менинг кўйлагим, — шикоятмуз эътироз билдирди Элизабет. — Меники, бер.

Кампир оғзини очиб шодон кулди.

Элизабет ўрнидан туриб ўтирмақчи, кампирдан кўйлагини тортиб олмоқчи бўлар, кўзларидан шашқатор ёш оқарди. Сизлар менинг бор буд-шудимни тортиб олдингиз, хўш, нега? Бунга қандай журъат этдингиз. Лекин шу дақиқада яна оғриқ хуруж қилиб тўлғона бошлади, қалтироқ тутиб, тишлари тақирлади. Қари жодугар чиқиб кетди-да, иккита ёшроқ ёрдамчисини бошлаб кирди. Улар кулба ўртасида шох-шаббалар ташлаб, қандайдир аёл кўтариб келган, бир учи ёниб турган таёқчадан ўт олдирди. Шох-шаббалар тагига қўйилган қоғоз лов этиб ёнди. Гулхандан чиқаётган тутун кулбани тўлдирди... Қанақа қоғоз бу? Элизабет яна ўрнидан кўзғалиб, гулхан олдига судралиб борди,ғижимланган қоғозни гулхандан тортиб олди, ачимсиқ тутундан димоғи ачишиб унга тикилди. Бу хаританинг бир парчаси эди.

Элизабет нима деяётганини улар тушунмас, устига-устак, бошларини қимирлатиб хахолаб кулишарди. Сўнг кампир пичирлаб нималардир деди, аёллар олдинма-кетин кулбадан чиқиб кетишди. Элизабет кулбада ёлғиз қолди, яна жимлик ҳукм сура бошлади. Тутун кўзни ачитиб, ёшлатарди. Гулханга жуда яқин бориш керак, шунда уйни ёқиб юбориш мумкин. Қулба осонгина ёниб кетади. Ҳаммаси тамом бўлади. Энди чидолмайман, бас. Менга бундай муносабатда бўлишларига йўл қўймайман. Лекин у қимир этмай ётарди. Аёлнинг юрагини кўркув, даҳшатли кўркув эгаллаб олганди...

Соҳилдаги кулба денгиз қирғоққа итқитиб юборган тахталардан тикланган эди. Унда йилтиллаб турган қип-қизил кўзларига қалин кўзойнак тақиб олган жиккаккина бир чол ўтирибди, бу жаноб Ролофф. Мис лампа ёниб турибди, стол устида бир дунё харита... Лекин буларнинг бирортасини ўзимиз билан саёҳатга олиб кетишимизга беришмайди, мамлакатни қадам-бақадам, чақирим-ма-чақирим кезиб, ўзимизнинг харитамизни тузишга тўғри келади... Мис чироқ чайқалади, кунларим бирининг кетидан бирини қувиб ўтиб боради. Сен ишлаб ўтирибсан, ўз харитангни чизаяпсан, бугунгача топилган нарсаларни қайд дафтарига туширасан, кундалик ёзасан. “Бугун кечаси Элизабетнинг қайсарлиги тутди...” Мен сенинг орқангдан туриб ёзганларингни ўқиётганимни билмасдинг, тўғрими? Аёллар — жуда маккор бўлади... Бу қайсарлигингни мен ҳеч қачон кечирмайман...

Мис чироқ аста чайқалади... У нега чайқалади? Соябонли арава юраётгани учунми? Эҳтимол, ер ўз ўқи атрофида айланаётгани учундир? Эҳтиёт бўл, бу ерда чуқурлик бор, йиқилиб тушишимиз мумкин... Чироқнинг пилигини па-

сайтир, у тутаяпти, нафасим қайтиб кетяпти, бунақа яшаш мумкин эмас... У қаердайкин? Нега ёрдамга келмаяпти? Кетганига анча бўлди-ку. У тўғри қилди, мен тирик товон эдим, денгизга томон юришига халақит берардим, холос... Ҳозир у эҳтимол денгизга етиб олгандир. Балки эримнинг бемаъни кийимини ташлаб юбориб, соҳилга яланғоч тушиб келаётгандир, унинг қип-яланғоч, тўсдай қора гавдаси қорамтир тошлар орасида ялтиллаб кўринаётгандир. Мана, у ўзини сувга отди... Қара, сенга кийик тикилиб турибди! Кўзлари катта-катта, ёллари узун, сийнаси нозиккина, қорни қаппайган, дум-думалоқ — сен уни танидингми? Кийик хоҳласа қарайверсин, сенга нима? Истасанг — сен сувга чуқурроқ кириб бораверасан. Баҳайбат, кучли, ўжар буқа каби сувга шўнғийверасан... Сўнг кучукларни буқага қарши олқишлашади. Буқа эса уларни ҳар томонга улоқтириб ташлайди, бамисоли қонли латтадай шохига санчиб кўтаради. Лекин барибир пировард-натижада итлар кўпчилик бўлиб буқани маҳв этишади, тумшугига ёпишишиб, ерга ағдаришади-да, тириклайин бурда-бурда қилишади... Охир-оқибат ҳаммамизнинг қисматимиз шундай бўлади...

Кўчада ўйин-кулги қилишяпти, демак, кеч кирган. Қизиқ, ой ҳамма ёқни ёритиб туриптимикин ёки кўр ойдинмикин. Элизабетга рақса тушувчиларнинг қарсак чалишиб, яланг оёқлари билан ер тепинишлари эшитилиб турар, найсимон мусиқа асбобининг товуши ва сибизганинг ғамли ноласи қулоғига чалинарди. Ноғора ва ёғоч шакилдоқларнинг зарблари худди бошига ургандай акс-садо берарди. Элизабет Амстердамдаги оркестр концертига тушганида клавиесин овозини эшитган, соборда органнинг маҳобатли ва шиддаткор товушига маҳлиё бўлган, германиялик Бах, итальян Вивальди ва Скарлаттиларнинг мусикалари ўзида олам-олам таассуротлар қолдирганди...

... Мана, буни маданий дунё деса бўлади, — эҳтирос билан жўшиб сўзлаганди онаси ва азбаройи таъсирланганидан оҳ уриб қўйганди. Умрида биринчи маротаба касалидан шикоят қилмади. Ҳа, бу маданий дунё эди, худди Амстердамнинг чўққили томларидек гўзаллиги олдиндан аён эди... Қор устида ўйноқлаётган қизил юзли болалар худди Брейтель¹ ишлаган расмдан тушиб келганга ўхшайди. Бу дунёда ҳамма нарса худди Стен² ва Вермлер³ расмларидагидек батартиб, ўрни-ўрнида... Рембрандт менга буларчалик маъқул келмайди, — дейди ойм, — унинг асарларидаги бўёқлар жудаям қорамтир, уларни томоша қилганинда гўё юрагинг орқага тортиб кетгандай бўлади... Эҳ, Элизабет-а, онангнинг маслаҳатига кир, бадавлатроқ голланд савдогарига турмушга чиқ-да, шу ерда қол...

... Кальверстраатдаги лўли хотинга борамиз, у келажакни башорат қилади дейишади. Кафтинга қарайди-да, гўё китоб ўқиётгандай: сен қора танли одамга йўлиқасан, ўғил кўрасан... узоқ саёҳат қилишингга тўғри келади...

“Йўқ, узоқ саёҳатнинг ҳеч ҳожати йўқ. Нима керак, ахир, ўша хилватхонага қайтиш, худо қарғаган Капстадга бориш?” — “Ой, сиз ноҳақсиз, Капстад худо қарғаган жой эмас. У ерда куёвингизни жуда ҳурмат қилишади. Якшанба кунлари черковда битта ҳам бўш жой қолмайди, ҳатто буқалар жанги ҳам худога илтижодан бошланади. Тоғ ортидаги ўша жойлардаги одамлар гапира бошлаган”.

Кеча кечаси тушимда Худони кўрдим. У мен билан сўзлашди. Тушимда мен туш кўраяпман деб ўйладим. Назаримда, мен уни фарзандимни тортиб олганликда таъна қилдим. Эҳ, мен қанчалик ноҳақ эканман ўшанда. (Кечир мени, Илоҳим, мен бор-йўғи аёлман, мени ўзинг шундай яратгансан. Худо ҳеч нарса мени тортиб олгани йўқ. У мени унутиб қўйди, холос. Худо инсондаги барча кераксиз, ортиқча нарсаларни: ҳўкизларни, соябонли араваларни, йўл бошловчини, эримни, болани, суҳбатдошларни, лагерни, бошпанамни, ишонч ҳақидаги хом хаёлларни, келадиган ёрдамни, ўйлашга берилган вақтни, ўзига ишонччи, кийимларни тортиб олиб, ўзи билан мени ёлғиз қолдирди. Мен чарчадим, жуда толиқдим. Қани энди уйку кела қолса...

¹ Питер Брейгель Катта (1525—1569) — Нидерландия рассоми, фламанд ва голланд реалистик санъатининг асосчиларидан.

² Ян Стен (1626—1679) — голланд рассоми.

³ Ян Вермер Дельфттинский (1632—1675) — голланд рассоми.

Аёл бу сафар уйғонганда хаёллари биринчи маротаба чалкашмади. Остонада у турарди. Тушида устидаги терини тушириб юборганди, ҳозир уни шошилиб энгаҳигача тортиб олди.

— Сенга нима керак? — сергакланиб сўради Элизабет.

— Ҳали ҳам тузалиб кетмадингизми?

— Мен сени аллақачон денгиз томон кетгансан деб ўйловдим.

— Мен бу ерга ҳар куни келиб турдим. Сиз ўзингизни билмай ётдингиз. Ўлиб қоласиз деб қўрқдим, — деди у.

— Агар ўлганимда мендан қутулардинг. Бунчалик даҳмаза бўлишимни қайдан билай?

У чурқ этмай елкасини қисди.

— Қанча кун ётдим?

— Ўн тўрт кун.

— Мен ҳозир ҳўкизга миниб ҳам юролмайман.

— Ҳеч қиси йўқ, кучга кириб кетасиз.

— Нега сен бир ўзинг денгизга кетаверишни хоҳламадинг? — эътироз билдирмоқчи бўлди аёл. — Одамларни топардинг, менинг бу ерда пойлаб қолганимни айтардинг.

— Ёлғиз ўзингиз бу ерда қандай қоласиз? Ахир сиз уларнинг тилини билмайсиз-ку, — деди ўкинч билан.

Аёл жим қолди. Сўнг алам билан шикоятмуз:

— Улар кўйлақларимни ўғирлаб қўйишибди, — деди.

— Улар ҳеч нарсангизни ўғирлашгани йўқ. Нарсаларингизни шунчаки кўришни хоҳлашганди, сизга кераксизларини бериб юбордим.

— Харитани ҳам уларга бердингми?!

У ишшайиб қўйди, лекин ҳеч нарса демади.

— Сизга бирор нарса керакми? — сўради ниҳоят.

Аёл йўқ маъносида бошини ликиллатди.

— Ундай бўлса мен кетай. Бу ерда эркакларнинг хаста аёллар ҳузурига ташриф буюришлари одат эмас.

Аёл узоқ вақтгача ёлғиз ётди, сўнг яна жодугар кампир қайтиб келди. Элизабет биринчи маротаба пишлоқ ва асал аралашмасини иштаҳа билан еди. Кампир мамнун бўлиб тилини чапиллатди-да, идишни олиб кетди, унинг осилиб тушган кўкраклари у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. Эрталаб бир гала ёш қизлар Элизабетни ювинтириш ва кулбани йиғиштириш учун келишди. Улар тўхтовсиз бижирлашар ва кулишар, Элизабет эса уларнинг бирорта сўзига тушунмасди.

— Кийимларимни олиб келинг, — буйруқ берди у.

Қизлар ҳеч нарса тушунмай қиқирлашарди.

— Кийимларимни, — қайтарди Элизабет баланд овозда, дона-дона қилиб, лекин барибир улар ҳеч нарса тушунишмади. У жаҳли чиқиб ўтириб олди, имо-ишоралар билан мен яланғочман, кийиниб олишим керак, олиб келинг деб тушунтиришга бошлади...

Унинг илтимоси кулги уйғотарди, сўнг қизлар пичирлашиб нималарнидир маслаҳатлашишди, хахолаб кулишди, бир-бирларининг биқинларига туртишиб, итаришиб ўйнашди, ниҳоят улардан биттаси қаёққадир ғойиб бўлди-да, бир неча дақиқадан кейин готтентотларнинг кийим-кечагини кўтариб қайтиб келди.

— Йўқ, буни эмас, тушунмадинглар, ўзимнинг қўйлагимни келтиринглар! — газаб билан талаб қилди Элизабет.

Лекин улар ҳингирлашиб аёлни тик турғазлашди. Аввалига у қаршилиқ кўрса-тиб кўрди, лекин қизларнинг қатъиятига кучи етмай, таслим бўлди, нима қилишса қилишар деб ташлаб қўйди. Тез орада қизлардаги қувноқ кайфият унга ҳам юқди, қизларга қараб кулди. Қизларнинг соддадиллиги аёлни шунча кундан бери тортаётган хасталик ва ёлғизлик укубатларидан бирданга халос этгандай бўлди. Қандайдир ғалати туйғулар таъсирида Элизабет худди Капстадагидек, чор атрофи кўзгулар билан ўралган ўз бўлмасида, хизматкорлари — чўри қизлар ичида юргандек, бутун инон-ихтиёрини уларга ташлаб қўйди. Бу ёввойи қизлар ким бўпти? Улар кулгили даражадаги ҳафсала билан аёлнинг бўйнига маржон

шодаси, белига ва тиззасига мунчоқлардан қилинган камар тақишди, тўпигини мис билагузук билан безатишди...

Элизабетга кийим келтирган қиз, чамаси, дугоналарнинг онабошиси бўлса керак, сира кулгудан ўзини тўхтата олмасди, кулганида оппоқ тишлари янада ярқираб кетарди. У жудаям ёш, ёқимтой эди, эндигина билиниб келаётган кўкраклари таранг эди. У қутилмаганда шўхлик билан Элизабетни силай бошлади ва яна қиқирлаб кулди. Аёл ҳеч нарса тушунмай қовоғини солди ва ўзини четга олди.

Дугоналар кулгидан ўзларини тўхтатиша олмас, бу қиз эса олдини тўсиб турган кичкинагина фартукни ҳам ечиб ташлади. Унинг ёш сонлари ирғиб чиққанди.

Элизабет қип-яланғочлигидан заррача уялмай, ўзининг бокиралигини кўз-кўз қилганча унга қараб турган қизчанинг болаларча уятсизлигидан ва ўзининг қизиқиб тикилиб қолганидан ҳайрон бўлди. Қизалоқ гўё: қара, бу менман, бу эса баданимнинг энг муқаддас бўлаги, буни сенга кўрсатайман. Бу чиндан ҳам гаройиб ва кулгили эмасми? — деяётгандек эди.

Қиз Элизабетни ушлаб олди. Қизнинг мафтункорлигига дарз кетгандай, унга бўлган ишончнинг тагига сув қуйилгандек бўлди. Элизабетнинг жаҳли чиқиб, тескари ўгирилди. Тунов кун дарё қирғоғида кийикнинг нигоҳига дош бера олмагандай, ҳозир ҳам уялиб кетди.

— Менга ўзимнинг қўйлагим керак, ҳозироқ уни бу ерга келтир, — талаб қилди Элизабет.

Улар эса ҳамон аёлнинг гапига тушунишмай, қиқирлашар, шўхлик қилишар, бир-бирларининг биқинларига тирсақлари билан туртишарди, мой сурилган жажжи кўкраклари худди шар каби диркилларди.

— Қўйлак, тушунаёписизларми? Менинг қўйлагим. — У ҳаяжонланиб, турли ҳаракатлар билан фикрини тушунтирмоқчи бўларди.

Қизлар тескари ўгирилишиб ниманидир маслаҳатлашишди, ўқтин-ўқтин унга қараб қўйишар ва кулишарди, лекин энди аввалгига қараганда секинроқ қиқирлашарди. Ниҳоят, қизлардан иккитаси чиқиб кетиб, тезда қайтиб келди. Элизабет уларнинг қўлида ўзининг қўйлагини кўриб ҳайрон қолди. Бу қишлоққа кириб келганда кийган, латтадай ғижимланган, чамаси ювиб, офтобда қуритилган ўзининг қўйлаги эди. Ўзи ҳам тасаввур қилмаган ошиқиш билан уларнинг қўлидаги қўйлагини юлқиб олиб, дарҳол кийди, боғичларини боғлади, каштали қийиқ рўмолини ўради. Жим бўлиб қолган қизлар аёлни қизиқиб кузатиб туришди, сўнг бир гала бўлиб кулбадан кўчага чопиб чиқишди. Элизабет тушиб кетаётган сочларини бармоқлари билан тарашига ҳаракат қиларди, лекин силласи батамом қуриганини сезиб яна ясси эшик қаршисида девор тагига чўзилди. Эшикдан дарахтзор ва ундан нарироқда чопиб юрган болалар ва эчкилар кўриниб турарди.

Мана, мен тузалайман, ўйлади у. Ўламан деб ўйлагандим, йўқ, ўлмадим. Ўйда, ойимнинг боши салгина айланганда кимдир ўша заҳотиёқ вискига сув ва сирка аралаштириб берар, бурнаки ҳидлатарди. Бу ерда эса жодугар кампир қандайдир қўланса нарса ичирса ҳам омон қолдим. Мен энди яшайман. Ёлғиз яшайман, чунки болам ўлди.

... У ҳаммасини бушменлар талаган кун англади. Итлар тўсатдан вовуллаш бошлади, сўнг аянчли ангиллаш эшитилди — итларнинг бирига ўқ текканди. Ҳўкизлар саросимада у ёқдан-бу ёққа чопар, хизматкор готтентотлар чўқиниб соябонли арава тагига кириб яширинишга ҳаракат қиларди.

Ларсон тепага қараб ўқ узди. Лекин бушменлар аллақачон қўрқувдан эсанкираб қолган ҳўкизларни қоронғиликда ҳайдаб кетишар, бамисоли ёввойи кушлардай ўтқир ва бўғиқ овозда чинқиришарди. Лагерда англаб бўлмас саросима, ола-ғовур ҳукм суларди. Ларсон милтиқни олиб отга сакраб миниб олди-да, қароқчиларнинг орқасидан қувди. Унга ёши каттароқ хизматкорлардан Каптейн ва Боои кўшилишди. Бооининг қўли елкасигача дока билан ўраб ташланганди. Қоронғиликда ўқ овозлари эшитилди, ҳўкизлар жим бўлиб қолди. Эркаклар фақат бир соатдан кейингина қайтиб келишди. Бушменлар қочишга улгуришди, Лекин Ларсон ва хизматкорлар ўнта ҳўкизни қайтариб келишга муваффақ бўлишди. Саёҳатни давом эттириш мумкин эди.

Аёл уларнинг қайтишаётганини эшитди, лекин содир бўлган воқеалардан дармони қуриб, боши айланиб ўрнидан туролмади. Назарида атрофида барча нарсалар айланаётгандай, сузаётгандай... Мис лампа сакраётгандай. Бундай ҳолат кейинги ҳафтада бир неча бор такрорланган, буни бирор эскироқ нарса еб ёхуд ифлос сув ичиб қўйдиммикин деб ўйлаганди. Лекин ўша кечаси саросима ва қўрқувдан эсанкираган, қароқчиларнинг шовқин-сурони, ўқ овозлари, туёқ товушлари орасидаги бир сониялик сукунатда, мен ахир фарзанд кутаяпман-ку, шу туфайли мазам бўлмапти, деган тўхтамга келди.

Энди эса унинг боласини ёқиб юборишди ёхуд ерга кўмишди. Эҳтимол Адам билан бирга ўзлари Ларсоннинг жасадига ўхшаб устидан тош бостиришгандир. Ойим иккита ўғлини қабрга қўйган эди. Шу нарса уни адоий тамом қилганди. Лекин мен ҳали адоий тамом бўлганимча йўқ. Эй худо, менга ҳар қандай бахтсизликлару, синовларни юборсанг ҳам мен барибир таслим бўлмайман, ўз танамни бу худо қаргаган ерда қолдирмайман. Ҳали менинг болаларим бўлади, уларни мендан тортиб олгани ҳеч кимга изн бермайман. Бу ер эса қандай бўлса шундайлигича қолаверсин.

У жим ўтирганича аёлни кузатарди. Аёл эса яна нафратни кўзгатадиган дафтарига нималарнидир ёзарди. Эҳтимол, у ўзининг афзаллигини кўрсатиб қўйиш учун атайин шундай қилаётгандай. Агар у ўрнидан туриб дафтарини юлқиб олса-да, майда-майда қилиб йиртиб ташласа нима бўлади? Кўпинча дафтарини тортиб олиб, мижгилаб, йўқ қилиб ташлагиси келади. Лекин ҳар сафар шайтонга ҳай бериб келди. Нега шундай қилди? Сен ўзингни йўқотиб қўйганингни, умидсизликдан қалин дафтарлар орқасига яширинаётганингни кўрмапти, билмапти деб ўйлайсанми? Бечора! Аёл тўсиқ ичида ўтирибди, у эса ўтлаб юрган ҳўкизларни қўриқламоқда. Адам ҳўкизларни дарёга олиб бориб суғориб келди, бир оздан кейин ўз жойига боғлаб қўяди. Уни шерлар жудаям безовта қилаётганди. Бу йиртқичлар кун бўйи ҳўкизларни таъқиб этишди. Уларнинг қўлига бирор ўлжа илинганида буларни тинч қўярмиди. Адам шерларни эрта-лабданоқ тепалик устида пайдо бўлганда пайқаган эди; тушдан кейин бир неча бор уларнинг таҳдидли бўғиқ бўкиришлари эшитилди. Адам аёлга ҳеч нарса айтмади, у ҳали жудаям заиф эди. Ким билсин, шерлар кечқурун дарё бўйида бирор ўлжага йўлиқар? Табиийки, шерлар бу ўлжаларга биринчи бўлиб бориб, қоринлари тўяди. У ҳолда улардан қўрқмаса бўлади.

Аёл ҳамон ёзиб ўтирар, аҳён-аҳёнда Адам томонга кўз ташлаб қўярди. “Мен ҳақимда ёзаяптими дейман?” — аччиғланиб ўйларди Адам. Хўжайинда ҳам шундаки дафтар бўларди, уларда кимга қанча нарса берилганию, қайси ишга қандай ҳақ тўлангани, қанча вино сотилгани ёзиларди. Элизабет ўзининг зангори қўйлагини кийиб, касал ётган кулбасидан илк мартаба аранг юриб ташқарига чиққанда готтентотлар қуршовида Адамнинг олдига келиб аввало ўша дафтарларини сўради: “Қани менинг нарсаларим? Кундаликлар қаерда?” Адам аёл талаб этган нарсаларни кўрсатди. Бренд ва тамакиларни готтентотларга бўлиб берибди. Уларга, шунингдек, битта қурол, озгина ўл-дори, ўқ, Элизабетнинг бир неча қўйлагини берибди. Харитани, албатта, ёқиб юборишибди, у билан гулхан ёқиш қулай экан. Лекин кундаликлар бутун эди, ҳеч ким унга кўз олайтирмабди.

Қувватга киргунгача бўлган узоқ вақт мобайнида Элизабет кундаликларни тўхтовсиз, саҳифама-саҳифа ўқир, баъзан эса ўз хаёлларига гарқ бўлган ҳолда шунчаки варақлаб ўтирарди. Адам уни ўшанда ҳам ҳозиргидай кузатарди. Бу дафтарлардан у нималарни қидиряпти экан? Нима учун ўқиётганида уларнинг юзларида баъзан газаб, баъзан алам, ҳайрат, умидсизлик, оғриқ акс этгандай бўлади? Унда қандай сиру синоат яширинган?

— Эрим бу ерга ҳамма нарсани ёзиб борган, — тушунтирди Элизабет ниҳоят буни сўрашга журъат этган Адамга. — Саёҳат вақтида содир бўлган воқеаларни ёзиб борган.

— Ҳаммасини бир бошдан-а?

— Йўқ, муҳим деб ҳисоблаган нарсаларнинг ҳаммасини.

— Уларни нима қиласиз? Роса оғир бўлса.

— Сен буни тушунмайсан.

Бир неча кундан кейин Элизабет ҳам дафтарга нималарнидир ёза бошлади. Адам ҳамон аёлни кузатарди. Чамаси, Адамнинг тикилиб туриши аёлни саросимага солар, шу боисдан бўлса керак, унга қараб-қараб қўярди. Баъзан рўбарўсидаги бўшлиққа тикилганча узоқ вақтгача хаёл сурарди.

Аёлнинг юзи заъфарон тусга кирган, оппоқ териси ялтиллаб кўринарди. Узун, қуюқ сочларини ювиб, сочилиб турмаслиги учун юкил қилиб ўриб юрадиган бўлди. Бу ҳолат уни янада яшартириб юборди, худди қизчаларга ўхшаб қолди. Бу Адамнинг аччиғини чиқариб, ғазабини келтирди. Боланинг жавобгарлигини бўйнига олишни у зинҳор истамасди. Тўсатдан аёлга бирор кор-ҳол бўлса у нима қилади? Бирор кор-ҳол рўй бермаган тақдирда ҳам у нима қилади? Бу аввалгисидан ҳам даҳшатлироқ. Нозиккина, болаларча ҳимоясиз, ўзига боғланиб қолган, шу билан бирга мағрур, бу дафтарлар ва Капстадаги мол-мулки билан ундан ажралиб турадиган аёл шундоққина ёнида юраверса нима қилибди?

Нега бўлмаса у аёлни ташлаб кетмади? Нега унинг соғайиши ва қувватга киришини кутиб, шунча қимматли вақтини бекорга ўтказди? Бир ўзи бўлганда, эҳтимол, аллақачон денгизга етиб олган бўларди. Шунча йилдан бери ҳамма нарсани ўзи ҳал этарди, ҳеч кимнинг раъйига бўйсунмасди. Хоҳласа юарди, хоҳласа бир жойда туриб қоларди. Унинг учун озодлик шу эди. Элизабет чўли биёбонда якка ўзи қолиб кетганлигини кўриб қолганда ҳам аёлнинг ёнига ўз хоҳиши билан келди. Ҳаммаси бунақасига чархпалак бўлиб айланиб кетишини ўшанда у билиши мумкинмиди? Лекин бошқа томондан қандайдир лаҳзалик куч таъсирида ўша биринчи кундаги қарорга муте бўлиши керак. Сен биринчи кун, бир лаҳзалик қандайдир куч дедингми? Бу қарорга келишнингга қанча вақт кетди? Соябонли арава кетидан юрганингга қанча вақтгача иккиландинг, қанча вақтгача озодлик билан танҳоликнинг қай бири афзаллигини чамалаб кўрдинг.

Ой кичрая бошлади, сўнг бутунлай йўқ бўлиб кетди, кейин нозик ҳилол бўлиб янгидан кўринди — онасининг эртақларидагидай ўлиб тирилди. Элизабет анча тузалиб қолган бўлса-да, ҳали дармонга кирмаган, маъюс ва лоқайд, яшашдан бутунлай кўнгли қолган одамдай ҳолда эди. Адам энди аёлнинг юзларида илгаригидай ҳаяжондан қизариш ҳолатларини кам кўрарди. Фақат аҳён-аҳёнда — кундаликларни ёзаётган дақиқадагина шу ҳолат рўй берарди. Яна бир маротаба, қишлоқда эгизак туғилгани тўғрисидаги хабарни эшитганда шундай бўлди. Эркаклар янги туғилган қизчани терига ўраб ташлаб юборишибди. Иккинчиси ўғил бола экан, ариқчага олиб бориб қўйишибди. Элизабет аввалига қандай воқеа содир бўлганини тушунмади. Готтентотларда чўқинтиришга ўхшаш шундай одат бор экан-да, деб ўйлади. Эртасида бу ҳодисанинг моҳиятини Адамдан сўрайверганидан сўнг у тушунтириб бергач, Элизабет қизчанинг кетидан югуриб, қидириб топиб ва қайтариб олиб келиш ҳаракатига тушиб қолди. Адам уни зўрға йўлдан қайтарди. Чақалоқни барибир тополмайди, бунинг устига умуман маҳаллий урф-одатларни оёғости қилмаган маъқул. Акс ҳолда готтентотлар ғазаб отига миниб, Элизабетни ўлдиришлари мумкин.

Қизиги шундаки, Элизабет ўша кундан эътиборан тезроқ тузала бошлади. Юзида ҳали ҳам қон йўқ эди, лекин кучга кириш учун кўпроқ ҳаракат қилишга интилди. У энди бу қишлоқда яшай олмасди. Жудаям кетгиси келди.

Лекин биринчи бўлиб готтентотлар кетиб қолишди. Бир кунни уйқудан уйғонса, қишлоқда ҳамма елиб-югуриб юрибди. Одамлар буюмларини кўчага олиб чиқишди, кулбаларни йиғиштиришди, тери ва бўйраларни ўрашиб, уй ва молхоналарнинг синчларини суғуришди. Сўнг уларни бир жойга йиғиб, ёқиб юборишди, бирин-кетин оёғи енгил аёлларнинг кулбаларини ҳам ёқиб юборишди. Фақат Элизабет яшаган уйгагина тегишмади. Готтентотлар у билан хайрлашгани келишди, унинг атрофида рақсга тушишди. Қўлларини ликиллашиб роса кулишди. Сўнгра карвон йўлга тушди. Қабилдаги барча одамлар — ёшлару кексалар, эркалару аёллар, болалар жўнаб кетишди... Ҳўкизлар бўқира, эчкилару қўй-қўзилар маърар, итлар гоҳ карвоннинг орқасига, гоҳ олдига ўтиб чопарди... Тобора узоқлашиб кетаётган карвон орқасидан кўтарилган чанг босилгач, қишлоқ ўрнида тутун буруқсиб турган кулхона қолди, холос. Фақат ягона кулба — Элизабет яшаган уйгина ҳамон кўққайиб турарди.

Аёл ҳайратдан ҳамон ўзига келолмасди. Лекин Адам елкасини қисиб қўйди, холос.

— Бир жойда ўтириб нима қилишади? Улар ахир кўчманчилар-ку. Йил мобайнида бир неча бор жойларини ўзгартиришади.

— Улар жойларининг тез-тез ўзгартириб турадиган бўлишса, биз уларни айна шу ерда учратишимизни қаердан билдинг?

— Мен уларнинг тўхташ жойларини биламан.

— Ҳозир улар қаерга боришади?

— Бу уларнинг қаерда совуқ ва ёмғирга дуч келишларига боғлиқ. Уйлайманки, улар Қор Тоғи¹гача етиб олишади. Эҳтимол, ҳатто Катта Балиқ² дарёсидан ўтишга ҳам улгуришар.

— Ахир уларнинг орасида мункиллаб қолган чолу кампирлар ҳам кўп-ку, бундай олис йўлга қандай чидашади улар?

— Мункиллаб қолганлар ва дармони йўқларни жайраларнинг уяларида қолдиришади.

— Йўғ-а!

Адам буларни аёлга тушунтириб ўтирадиган кайфиятда эмас эди, шу туфайли айлангани чиқиб кетди, қайтиб келганида Элизабет кундалик дафтарига нималарнидир ёзиб ўтирарди. “Ёз, ёзавер”, — ўйлади у, — эҳтиёт бўл, яна бирор нарса эсингдан чиқиб қолмасин. Готтентотлар янги туғилган қизчани терига ўраб ташлаб юборишганини, йўлда кексаларни ва касалларни қандай қилиб ўлдириб юборишганини ёз. Балки шундан енгил тортарсан. Нимаики кўнглингга келса, шуни қилавер, фақат менга халақит бермасанг бас”.

Уша тунда яна ёлғиз қолишлари уларга қизиқ туюлди. Кундуз куни ёнғиндан харобага айланган қишлоқ қандайдир эсдаликларни ёдга туширарди, аммо, мана, кеч кирди ҳамки, ҳеч ким гулхан ёқмаяпти, жойларига қайтган моллар маърамаяпти, болалар йиғламаяпти, аёллар бир-бирларини қарғамаяпти, доира шаклида ўтириб олган эркаклар қулмаяпти. Улар яна танҳо қолишганди, бутун оламда ёлғиз Адам ва Элизабет. Осмонда Кханос юлдузлар буржи кўринди, бошқа юлдузлар ҳам милтиллаб бошлади. Узоқ-узоқлардан чиябўриларнинг увиллашлари эшитилди.

Улар гулхан атрофида, Адам бир томонда, Элизабет унинг рўбарўсида миқ этмай ўтирарди. Лекин у ўғринча аёлни кузатарди: энг тагида — ўмров суяги бирлашадиган жойда кичкинагина чуқурчаси бўлган нозик, сип-силлиқ бўйин, ингичка кўллар, чўзинчоққа мойил оппоқ юз, кўм-кўк кўзлар. Бу кўзлар касаллигидан олдингига қараганда катталашгандай ва тийраклашгандай туюларди.

— Мени даволаган кампир, — тўсатдан сўраб қолди Элизабет ва Адамга аланга ортидан тикилди, — жудаям мункиллаб қолган эди, тўғрими?

— Нима бўпти?

— У бунақа саёҳатга дош беролмайди. Уни ҳам уйда қолдиришадими?

— Эҳтимол. У жудаям ҳолдан тойган тақдирда қолдиришади.

— Қандай шафқатсизлик! Раҳмлари келмайдими, ахир?!

— Уни юришга мажбур қилиш шафқатсизлик эмасми?

Орадан анча вақт ўтиб, гулхандан фақат милтиллаб турган чўғ қолганда аёл сўради:

— Боламини нима қилишди?

— У ҳали бола эмасди.

— Уни нима қилишди? Кўмишдими?

— Ахир сизга аёллар қарашди-ку. Билмасам.

— Эҳтимол, уни ҳам анави янги туғилган қизчадек олиб бориб ташлашгандир?

— Билмайман дедим-ку сизга!

— Агар қиз бола уларга керак бўлмаса нега менга беришмади? Уни ўзим билан Капстадга олиб кетардим.

— Нега? Онамни чўри қилгандай ўни ҳам чўри қилиш учунми?

Аёл унга катта-катта кўзлари билан тикилди-ю, аммо индамади. Сўнг ниҳоят сўз қотди:

— Ухлаш керак.

¹ Қор Тоғи — Снийубердаги тоғ кўзда тутилади.

² Грейт-Фиш дарёси назарда тутилади.

Элизабет ўрнидан туриб Кўлбасига томон юрди, лекин эшик олдига борганда тўхтаб, худди бир нарсага қулоқ солаётгандай, бошини қийшайтириб тунга тикилди. У ниманидир эшитишни хоҳлади чамаси, — бола йиғисиними? Ё Адамнинг бирор сўз айтишиними? Бирор ҳаракатини кутдими?

... Шернинг бўғиқ увиллаши яна эшитила бошлади, энди жудаям яқиндан келаётганди бу овоз. Ҳўкизларни шох-шабадан омонатгина ясалган молхонага ҳайдаш керак. Ҳўкизлар бошларини тинмай ликиллатар, ниманидир ҳидлар, бир жойда тура олмай безовталанарди. Аёлнинг тиззасида варағи очиқ кундаликлар ётарди, лекин энди ёзаётгани йўқ. Балки у ҳам шернинг овозини эшитгандир.

... Эртасига юklarини ҳўкизга ортиб, улар ҳам бўм-бўш қишлоқни тарк этишиди.

— Биз ҳақиқатан ҳам денгиз томонга кетаяпмизми? Йўлдан адашмадингми ўзи?

— Мен сизни денгизга олиб боришга ваъда бердимми, олиб бораман.

— Ҳали узоқми?

— Узоқ. Лекин аввалгига қараганда яқин.

Аёлнинг юриши ҳамон қийин эди. Лекин готтентотлар қишлоқни ташлаб кетгач, ўзини чорасиз сеза бошлади. Шу боисдан Адамни йўлга шошилтирди, бунинг бошқа сабаби йўқ эди. Ёввойи одамларнинг бу ерда бўлишлари, унинг назарида, хавфсизликнинг гаровидай туюларди. Ҳозир бошланган сукунат палласида иккаласининг ўз хаёллари билан бўлишига вақт ҳаддан ташқари етарли эди, ҳар иккаласи ҳам бошқаси ёнидалигини ҳис этиб турарди. Улар секин ҳаракат қилишса ҳам, кунига юрадиган масофалари аввалгидан кам бўлса ҳам йўлга тушганлари маъқул. Адам яна егулик нарсалар — турли илдишлар, мевачевалар, қушларнинг тухумлари ва гўшт топди, ювиниш учун ҳар кун сув келтириб турди.

Аёл сувнинг жинниси эди, у тўхтовсиз ювинар, чўмилар гўё йўлда ёпишган чанг захарлидай уларни юваверарди. Бир гал Адам ярим кун юриб гулхан учун ўтин йиғиб келиши биланок, Элизабет унга сув келтиришни буюрди. Адам ғазабдан қалтираб арқонни улоқтириб юборди-да, бақирди:

— Аҳмоқона сувингизни ўзингиз олиб келинг!

— Сенга буюрилгандан кейин боравермайсанми! — буюрди ғазабнок бир алпозда Элизабет.

Адам жаҳл билан оёғи остидаги шохни тепиб юборди.

— Агар биз Капстадда бўлганимиздайди, мен сизга бўйсунушга мажбур бўлардим. Бу ерда эса нимани хоҳласам шуни қиламан, хоҳламасам қилмайман.

— О, Капстадда бўлганинга-ку, миқ этмай амримни бажаришга мажбур қилардим-а.

— Қанақасига? Капстад мажбур қилиши мумкин эди, сиз эмас. Менга хўжайинлик қилишга ҳаққингиз йўқ, акс ҳолда шу ерда ҳам буйруғингизга бўйсунардим. Сиз ким бўлибсиз ўзи? — Азбаройи ғазабланиб кетганидан ҳарита тўғрисидаги жанжал вақтидагидек ўзини тутолмади. — Ўзининг жулдур латталаридан бошқа нарсани кўрмайдиган оддий аёл, холос!

Аёл бир дақиқа миқ этмай унга қараб турди-да, буюмлари қўйилган томонга қараб кетди. Адам қўлларини қайчи қилиб кўкрагига тираб турганча уни кузатарди: мана Элизабет тугунининг устига оҳиста ўтириб узоқ-узоқларга тикилди, у ён томондан кўриниб турарди. Адам ўзи кутмаган ҳолда унинг мағрурлиги, ўз қадр-қимматини баланд тутуши олдидан таслим бўлди.

Адам сув келтирганда у қўйлагини ямаб, чатиб ўтирарди. Адам челақни унинг ёнига қўйди, аёл ярқ этиб йигитга тикилди, аммо у қарамади. Аёл унга “раҳмат” демади, лекин у ҳўкизларни келтириб молхонага боғлаван пайтда Элизабет дарахлар орқасида ювиниб бўлган, энди олов ёқиб сув қайнатар, бутун саёҳатлари мобайнида биринчи маротаба овқатга уннар эди.

Давоми бор.

Арви СИЙГ

Дунёда эзгулик бор ҳали, инон

ТУНДАГИ ЧИРОҚЛАР

Ажиб туйғуларга чулганиб теран,
Тунлар талпинаман уларга бесас.
Қалбим ялангоёқ ўтар қирлардан,
Тошлоқлар устидан ва оғриқ туймас.

Тундаги чироқлар — у олис инсон,
Тундаги чироқлар — сен суйган сиймо.
Улар мисли аёл нигоҳи гирён,
Етолмассан маъсум сирига асло.

Мақсадсиз, омадсиз юрган чоғларим
Қутқарган шуълангиз мени неча бор.
Шунда англаганман — умр гавҳари,
Энг эзгу умидлар сизда, бетакроп.

Чорламасайдингиз сиз агар тунлар,
Ёнмаган бўларди дилда шан хаёл.
Таратмасайдингиз милт-милт учқунлар,
Қисматлар туймасди — нимадир иқбол.

Лозим эрса агар беадад бардош,
Мен сабр қилгайман ундан ортиқроқ.
Сиз борсиз — зулматда тўкмасман кўз ёш,
Сиз борсиз — писандмас менга
гам-финоқ.

* * *

“Сувга калтак билан ёзиб бўлмайди...”
Мен эса ёзаман ёрқин кундузга:
Ёмғир ёғсин, майли.

Сувидан беради қуёшга дарё
Ва чиқади булут кўм-кўк осмонга.

Кейин тўдалашар. Уларни шамол
Шахмат донасидек суради уфқдан.

Умидга тўлдириб кўзларимни мен,
Хушқол қичқираман улар ортидан:
“Сузаверинглар...”

Бегона ерларга ёғарлар шаррос,
Ёғар манглайига ва лабларига

Жайдари одамнинг, гарчи дерди у:
Сувга калтак билан ёзиб бўлмайди...

ҚОР

Қор ташриф буюрди
бизнинг боққа ҳам,
Юпун новдаларни ўрар жим оққа, —
Гарчи укпардай у майиндир бирам,
Лекин аёз ҳидин урар димоққа.

*Мирпўлат МИРЗО
таржималари*

Таниқли эстон шоири Арви СИЙГ (1938 й.) ижодига ўзига хос оҳанг, дунёни фалсафий англаш туйғуси хос. У шеърларида тарихи узоқ замонларга бориб тақалувчи эстон халқини улуглайди, заҳматкаш оддий одамлар юрагига кириб боради. Арви СИЙГ шеърлари образлиликка бойдир. Шоирнинг ҳас-сос қалами ўқувчи эътиборини умумбашарий ғояларга, давр муаммоларига қаратишга ҳаракат қиларкан, айти чоғда андишаси ва камсуқумлилиги билан қалбларда самимиёт ҳамда инсоний қадр-қиммат туйғуларини уйғотади.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

О, қиш...
 Қачонлардир куюнчақт бувим
 Бир ҳовуч қўй юнгин келтириб, мурғак
 Кузги жўжаларга ясаганди ин...
 Энди булар бари бамисли эртак.

Ҳамма ёқ оқ эди ўшанда ҳам, ҳа.
 Эсимда —
 саҳархез жибилажибон...
 Болалик қалбингдан ўчмаган бўлса,
 Дунёда эзгулик бор ҳали, инон.

ҚАЙИН

Кўркамликда маликасан, бас,
 Борлиқ сенинг кўнглингни хушлар.
 Билагингда билагузукмас,
 Товланади сайроқи қушлар.

Кипригингда ялтирар шабнам,
 Нигоҳларинг бамисли юлдуз.
 Шивирлашиб еллар сен билан,
 Қулоғингга айтмоқ бўлар сўз.

Еллар воқиф ҳамма нарсдан,
 Ҳар манзилда бўларлар, бешак.
 Биларлар — ким нимадан зада
 Ва кимларга нималар эрмак.

Сенинг адил қоматинг лекин
 Қайғу билмас — хушҳол ва хуррам.
 Кончиларга монанд томиринг
 Ер остида ишласин бардам.

Шарбат истаб келарлар сенга
 Ва танинга санчарлар пичоқ.
 Илдизингга, юксак баргингга
 Ўткир оғриқ таралар шу чоқ.

ГИЁҲ

Борми, айт, заминга майса-ўландан яқинроқ нарса,
 Ер ҳидин туямиз биз ҳам ўтлоққа узанган лаҳза.

Ғужғон мойчечаклар чумолиларга қалъадир чиндан,
 Неки маъволарда бу кун — чиққанлар бари заминдан.

Гиёҳлар бордирки, тонгги нурларга термилар карахт,
 Гиёҳлар бордирки, қуёш ёғдусин соғинар ҳар вақт.

Улар ўз кулфати, ғалабасидан сўз очмас асло,
 Аммо чин ҳалимлик ва самимият улардадир жо.

Ёнбошлаб ўтлоққа гиёҳ шивирин эшитиб қолгум,
 Оҳиста тебраниб дер у: “Ғамларга мен чидай олгум...”

Юксак дов-дарахтлар, майли, осмонга турсинлар тегиб.
 Лекин қаддин ростлар, кимки заминга ўсса бош эгиб.

БУВИМ ХОТИРАСИ

Чеҳрангиз ёдимда —
 мунгли, серажин
 ва қадим Инжилнинг саҳифасидек
 қорайган бир оз, —
 ўқиб берардингиз бизларга уни
 мойчиноқ нурида
 қиш оқшомлари.

Сиз қари эдингиз Эстония монанд.

Баҳорда олчалар гулга кирган чоғ
 менга туюлдики,
 худди дарахтлар

кифтига илдилар
 сиз қўлингиз-ла
 эринмай чайқаган
 шаффоф ҳид, оппоқ
 якандозларни.
 Мудрардим мен улар аро — бамисли
 пила ичида.

Сиз қари эдингиз Эстония монанд.

Далалар ва боғларнинг
 ёзги либоси
 бирам ғаройиб,

худди сиз қизликда кийган
турфа ранг
жами сарпоингиз олиб сандикдан,
офтобрўяларга осиб қўйгандек.

Кузда ялтиларди бармогингизда
тўқиш симчалари — жажжи паншаҳа,
тайёр қўлқоплардек — жажжи ғарамлар
уюлиб борарди ёнгинангизда.
Йироқдан,
мангулик қаъридан гўё

эшилар кумуш ип —
ойнадан тушган офтобнинг нури.

Толчивиқ савати узра қўранинг
ўйнар оқ калава.
Шундоқ тўқирдингиз ҳар вақт оқ қишни
ўзингиз учун,

менга мерос қилиб қолдиргандингиз
баҳорни эса.

ОҚШОМ ҚЎШИҒИ

Офтобнинг селидан қамашади кўз!
Хуш, салқин гўшалар гўё зим-гойиб.
Фақат кечга бориб лабингдан шу сўз
Учади: кун ўтди бирам ажойиб!

Булут босиб келар, етилган пичан,
Ўрмаса вақтида деҳқон ер дакки.
Пичан ҳам ўрилар. Шунда дер деҳқон:
“Бу йил ёз ҳар ҳолда бўлмади чакки!”

Боғбон боғ қўйнида куйманар яккаш,
Ортиб ташвишлари, заҳмати чандон.
Дер у, сўнгги мева териб олингач,
Бу йил ҳосил чўғи бўлмади ёмон!

Келажак кўз тикар бизга гоҳ пайтда,
Нима деса дейди — унинг ўз таъби.
Кошки у биз ҳақда шу сўзни айтса:
“Ҳар ҳолда бу аср ёмон ўтмади”!

ЖАЙДАРИ СЕВГИ

Балоғатга етган ониди
Яшнагандек йигит-қиз чунон,
Нураб ётган кўрғон ёнида
Турар қайин ҳамда арғувон.

Сувлар оқди, йиллар ўтди ва
Дуркун ошиқ рози дил этди.
Сулув қайин эса ўшанда
Эҳ, тагин ҳам очилиб кетди!

Қовушдилар кейин. Ташвиш-ғам —
Турмуш заҳрин чекканлар озми?
Барин бирга кўрдилар баҳам —
Ёмғир, қорни, аччиқ аёзни.

Фақат... худо фарзанддан қисди,
Қаридилар, мўртлашдилар, ҳа, —
Келмагуни қадар бир қишда
Аррасини кўтарган кимса.

“Ажратолмас ҳатто ўлим ҳам
Ундайларни”, дейди одамлар.
Жуда ҳақ гап: боққин, ушбу дам
Иккисин бир аланга ямлар.

ОРГАН УСТАСИ ВА УНИНГ ҚИРОЛИ ҲАҚИДА РИВОЯТ

Бу воқеа қадим мозийда кечган
Гувоҳликка ўтар қилич ва олов...
Тортганди қаърига бешафқат уруш
Ҳатто ҳужранишин роҳибларни ҳам...
Қай бир черковдаги бир мўмин бироқ —
Мусиқа асбобин ясовчи уста
Аскар йиғиб юрган тахт ноибига
Қайрилиб қўймади бир бор ақалли.
Фақат деди: “Ўзинг курашавер, бор!

Вақтим йўқ. Кўряпсан, ишим кўп тиғиз”.
Бу гап кулоғига етгач қиролнинг —
Қаҳри жунбуш қилиб, от суриб келди,
Унинг таъзирини бермоқ-чун шахсан.
Уста эса ишга мук кетиб чунон,
Қиролда қиролни таний билмади
Ва бошин кўтармай дастгоҳдан сира,
Деди у: “Бир ўзинг курашавер, бор!
Вақтим йўқ. Кўряпсан, ишим кўп тиғиз”.

Кўрмовди ҳеч бундоқ кўрслиқни
кирол
Ва телба устадан тисарилди тез,
У шунчалар шитоб тисарилдики —
То ақлдан озиб қолгунга қадар,
Кейин ақлдан ҳам озди, шубҳасиз.

Унга унинг ёви — бегона қирол
Бехос уруш эълон қилиб қолганда
Шу сўзим душманга етказилсин деб
Амр этди: “Бир ўзинг курашавер, бор!
Вақтим йўқ. Кўряпсан, ишим кўп тиғиз”.

СОЯЛАР

Ёшлик эсга тушар. Илк муҳаббат. Биз
Хайрлашган бўлсак-да, турамиз жилмай.
Шунда йўлакдаги сояларимиз
Бир-бировдан бўса оларди тинмай.

Сурон кўтаради қорда болалар,
Вақтнинг ўтишини қара — бунча тез!
Лекин юрагимнинг қатида қолар
Сен оёқ учингда кўтарилган кез.

Шохларини букар намчил настарин,
Кузак хазонлардан уяди хирмон.
Изғирин тортқилар эман баргларин,
Қишнинг даракчиси изғийди ҳар ён.

Ҳамон ўшандоқдир сояларимиз,
Ул ажиб дамларда қандоқ бўлса — шу.
Ўпишсинлар, лекин уларни ҳаргиз
Озурда қилмасин бизнинг ғам-қайғу.

ЎРМОН

Узоқ замонларда — ҳали одамлар
Шаҳар нималигин билмаган кезлар
Ўрмон ичра эр ва хотин яшарди,
Бошқа ҳеч кимса йўқ — улардан ўзга.

Осмон босиб турган бу ўрмон аро
Ҳатто жанжал пайти унутишмасди —
Уларнинг бойлиги — бойликмас асло,
Уларнинг ўзлари эканин асли.

Ўртада эди нон, ёстиғу тўшак,
Сезилмас эди ҳеч дунёнинг ками.
Ҳар кунги иш, меҳр ва ризқдан бўлак
Йўқ эди уларнинг қайғуси-ғами.

... Бу тезоб асрда нозиклашдик биз,
Тезкор замонага йўқ эрур қиёс.
Қисмат-ла баҳслашиб қолганда, шаксиз,
Ўзни этолмаймиз зардадан халос.

Бироқ ҳаёт маъсум термилар гоҳо,
Менга эшитилар унинг шу саси:
“Сизнинг бойлигингиз — бойликмас асло,
Ҳар нарсадан қиммат ўзингиз асли”.

ШИМОЛИЙ ЎЛКА БАҲОРИ

Денгизда муз кўчди, лекин ҳавонинг феъли ғалати,
Куртаклар, о, бунча бурканмасалар қишнинг лошига.
Тўлқинлар қирғоққа отар пайраха, қути, ғўлани —
Барин улоқтирар зерикиб ётган саржин қошига.

Кутиб кутолмайсан ифор таровчи елларни бир қур,
Қурумсоқ май ойи қисқа муддатга ҳамда кеч келар.
Кўкдаги тунд, захил булутлар багрин тешганда илк нур
Мамнун балиқчилар қайиқни созлар, югуриб-елар.

Қиттақдан олишар, сўнгра моторнинг жўшқин гурроси
Таралар чорлоқлар қичқиригию шамол хуштагин босиб кетгудек.
Ҳаёт қайнаб энди бола-бақранинг тинмас чуввоси,
Айниқса хотинлар майда юмуши ортар, билмас чек.

Омад кулдимикин — овга кетганлар ҳаяллади кўп,
Қишлоқ тиниб қолар, улар йўлини пойлайди гўё.

Итлар овоз берар, лабда хиргойи — Қайтишар тўп-тўп,
Шу чоғ дарчаларда басма-басига порлайди зиё.

Йўк, омад кулмаган — улар изига қайтдилар эрта.
Кимдир ҳовлисида ивирсий бошлар излаб нимадир.
Кимдир томорқага иштиёқ билан белкурак элтар,
Келиб улгурмаган ҳали ўлкага баҳор бари бир.

Лекин келармикин? Эҳтимол ўтиб кетгандир четлаб,
Рангпар ўтлоқларни қолдириб доғда — ўроққа илҳақ.
Ҳов, ана, борар у — гўё қайиқда денгизни бетлаб,
Оппоқ настаринга дуркун қучоғи тўлиб кетган нақ.

КУНДАЛИКДАН САҲИФА

Чанг-тўзон. Сайёҳлар тўдаси. Тонгдан
Қиздирар борлиқни офтоб тобида.
Қизимни ўзим-ла олволдим — мудом
Унинг учун байрам — балиқ овига.

Асфальт арзандаси, менинг кўз нурим
Ўтлоқларни кўриб яйради алҳол.
Бир муддат у карахт довдираб турди,
Сўнгра оқ қайинни қучди унсиз, лол.

У қалбин илк бора англади балки,
Кафти-ла силади қайин пўстлогин.
Бир пайт кипригига ёш чиқди қалқиб,
Қармоқдаги балиқ йиғлатди чоғи.

Қизим ўлтираркан хаёллар ичра
Бехос юрагимни тилди бир хузун.
Гулхандаги таом қайнагунича
Пайқадим мен унинг улғайган юзин.

Шаффоф қалб нечунки илғай олмасин
Турфа замонларни титратган руҳни —
Қонда гупурувчи аждодлар сасин,
Шу мовий сувларни, зангор шуқуҳни.

Мен ҳам ўсгандекман... Лекин терс томон,
Қизим боласига айландим гўё, —
“Совқотмадингизми?” деб сўраган он,
Бирдан меҳри ийиб кетиб шу асно.

Нечук совқотайин — юрагимда ғам,
Дунё сирин ўйлаб дилимда хунлар.
Ойдин кенгликларга лов-лов гулхандан
Хуркак тулкилардек сачрар учқунлар.

ОЛТИН ТҮЙ

Мен ёшманки, сен ҳам
Ёшсан, азизим.
Шоҳи рўмол янглиғ —
Юзда ажининг.

Бизлар ўмармадик
Бу дунё молин.
Яшадик орзудан
Андоза олиб.

Масрурмиз то мудом
Нону туз билан.
Ётдик шу кунларга
Ёруғ юз билан.

Деворимиз — ўрмон,
Шифтимиз — булут.
Шу боис биз бирлан
Барака ва қут.

ЎРМОН КЎЛИ

Тебранади қамишлар елда,
Оҳиста, мудроқ,
Офтоб эса нур сепар қўлга,
Тўлқинлар уйғоқ.

Ўтадилар булутлар сузиб
Қайгадир ҳолсиз.
Кўринади шафақ оҳуси
Сувлоқда ёлғиз.

Шом ўрмондан чиқиб дафъатан
Қотиб қолар жим.
Бу сукунат салтанатида
Топгайсан аслинг.

Неки туяр япроқлар шодон
Ва тўлқинлар хур,
Барин менга қиларлар эҳсон —
Ҳовуч-ҳовуч нур.

Худди буғу мисоли офтоб
Чекинар ортга,
Лекин севги рўёдек шу тоб
Интилар олдга.

Нечун унда ўтмиш ёғдуси
Ва қўрқув бутун? —
Талпинар у балки бўлғуси
Ҳижронлар учун?

Босар экан лабларимизни
Кўл узра қақраб,
Сўнг оҳиста бурамиз изни
Ўрмонга қараб...

ДАРЧАЛАР

Дарчалар — кўз каби беҳад, беҳисоб,
Уларсиз бу дунё зулматдан баттар.
Бири — тунд, безовта, бири — файзиёб,
Бироқ барчаси ҳам дунёга боқар.

Ювмоқда бир аёл ойнани, ана,
Мовий хотиротни артади қўллар.
Унда болалик акс этиб жимгина,
Бизга олис йиллар саломин йўллар.

Ухламай шатранжчи-шаҳар кечаси,
Абжир от донасин чиройли сурар.
Дарчалар қўшиқнинг имло саҳфаси
Янглиғ бир-бирига бедор термулар.

Бир дарча қораяр, порлар бошқаси,
Бирин уйку элтар, уйғонар бири.
Оққанда зулматга нурнинг шарпаси,
Куйлаб юборади инсон тақдири.

Дарчалар нур тарар мунаввар, хушқол —
Зулмату кулфатлар, ғамдан устувор.
Гарчи китоб бизга устод бетимсол,
Дунёга боққанмиз дарчадан илк бор.

Франсуаза САГАН

Кўлмак сувда куюш парчаси

Қисса¹

II боб

Кизик, муаммолар тугунини ўзинг эмас, бошқа биров ечиб берса, баъзан бу жуда қулай бўлади-да. Натали эрини тарк этишга аҳд қилган дақиқадан бошлаб, Франсуанинг бор-йўқлиги Жилни мутлақо ташвишлангирмай қўйди — Натали Франсуадан Жил туфайли ажралмоқчи бўляпти, бироқ бу ишга, бир қараганда, унинг дахли йўқдай. Натали ўз аҳдини сўз либосига буркаб, бу сўзларни талаффуз этганида, масала узил-кесил ҳал бўлган эди. Энди тақдирга тан беришдан бошқа илож қолмаган эди. Натали ўз аҳдидан қайтиши мумкин, деган ўй Жилнинг хаёлига ҳам келмади — ҳар қандай тўғма ёлғончилар сингари у ҳам ҳар нарсага ишона қолар эди. Қолаверса, у ўзини Франсуанинг молига кўз олайтираётган ўғри деб ўйламас эди — ахир, Наталининг лаззатланиб оқвоҳ қилишлари, ҳузурдан тўлғонишлари фақат у туфайли, фақат Жил туфайли эди, Наталини биладиган биронта одам уни бундай қилишга мажбур қилиб бўлмаслигига имони комил эди. Жил ўғирлаётган бўлса, Франсуанинг хотинини ўғирлаётгани йўқ, балки Натали деган инсонни ўғирляпти. Лекин Жил тан олмоғи керак — кўп йиллар мобайнида ана шу қонун-қоидаларни тан олмайдиган, муросаи мадорани билмайдиган Наталига Франсуа кам эътибор бериб келгани йўқ. Мана энди Франсуа уни Жилга топширяпти — топшираётган Наталиси жозибадор маҳбуба ва шу билан бирга, таваккалчи, қаттиққўл она ҳам. Жилга худди шунақаси керак эди. Албатта, шунақа деб ўйлаш виждонсизликдан бошқа нарса эмас, бироқ бахтиёр одам кўпинча виждонсиз одам бўлади. Жил эса бахтиёр эди.

Энг гўзал фурсатлар тушлиқдан кейинги ёзги соатлар эди. Бу соатларни улар Жилнинг ётоғида, тўғрироғи, чордоқдаги ҳоли бир хонада ўтказишар эди. Авваллари бу хонада хизматкорлар ётиб юришар экан. Жил бу хонани кашф этиб, ўзига ётоқ қилиб олди. Хонага ҳовли томондан кўздан панароқ жойдаги зинадан чиқиларди. Шу тариқа ҳар қанақа бидъатлардан куладиган Наталининг иффати эмас, балки аллақандай эътиқодлари важдан ташвиш қиладиган Одилиянинг иффати эҳтиёт қилинарди. Хона кенггина эди, лекин деярлик ҳеч қандай жиҳози йўқ. Ўртада каттагина каравот, унинг ёнида қимматбаҳо ёғоч навидан йўнилган ўриндиқ. Натали кийимларини ечиб, шу ўриндиқ устига ташлайди. Жил бу хонага соат учларда чиқиб келар, дарпардаларни ёпар, каравотга ётиб, қўлига китоб оларди-да, уни кутарди. Орадан кўп ўтмай Натали келар, худди ёввойи одамдек, хонага кириб улгурмай, бир оғиз сўз айтмай, усти-бошини ечиб, Жилга ташланарди, баъзан эса, аксинча, шошмай, гўё истамаётгандай оҳиста ечинар, бу аснода кишини диққинафас қилиб юборадиган ҳар хил зерикарли ўтиришлару зиёфатлар ҳақида Жилга мароқли ҳикоя қилиб бе-

¹ Охири. Боши ўтган сонда.

рарди. Жил буларнинг қай бири унга кўпроқ ёқишини билмас эди, лекин буниси ҳам, униси ҳам тўшакка ётиш билан тамом бўларди. Қизиб кетган томдан келадиган иссиқнинг тафти шунақа эдики, улар бир-бирларининг кучоқларидан чиққанда ҳансираб зўра нафас олишар, ҳамма ёқлари ҳўл, терлаб кетган, ўзлари ҳориб-толиққан, мажолсиз, лекин, барибир, бир-бирларига тўймаган бўлишарди. Жил гижим бўлиб кетган чойшаб билан Наталининг “жонсиз” баданини артар, у қаршилиқ кўрсатмай, кўзларини юмиб ётарди. Жил кўллари тагида Наталининг юраги гупиллаб ураётганини ҳис қиларди. Узоқ вақт беҳуш ётган одам аста-секин ўзига келгандай, Натали ҳам оҳисталик билан лаззат асоратидан халос бўла борарди. Жил бўлса мамнун ва мағрур ҳолда Наталининг устидан кулиб ётарди. Ниҳоят, унга секин-аста қайтадан жон киргандай бўларди. Энди у нафақат ўзининг юрак уришини эшитарди, балки бошини ҳам кўтара оларди. Ҳолбуки, бундан бир дақиқагина аввал дарпардалар орасидан жиндай шўъла тушиб қолса ҳам, кўзлари қамашиб кетар ва у бошини Жил томонга ўгириб оларди. Жил бу вақтда чекаётган бўларди, Натали эса унга бирмунча ҳайқиброқ миннатдорлик билан тикилиб қоларди.

Улар кўп гаплашишарди. Аста-секин у Натали ҳақидаги ҳамма гапни билиб олди. Натали унга Турда ўтган болалигини, Парижда ўқиган йилларини, ўзининг биринчи хушторини, Франсуа билан учрашганини, кейин у билан турмуш қуришганини гапириб берди. Бу жуда оддий ва айна чоқда ғайриоддий бир ҳаёт эди. Оддийлиги шунда эдики, унда ҳеч қанақа фавқуллодда воқеа йўқ эди, ғайриоддийлиги эса шунда эдики, Натали ўқтин-ўқтин ҳикоясини бўлиб, қўққисдан индамай қолар, шунга қараганда ва яна баъзи бир сўзларга, гап оҳангига, айрим ибораларнинг қурилишига кўра ҳукм қилганда, ана шу осойишта ва умуман олганда бахайр кечган ҳаёт бора-бора Натали учун чидаб бўлмас бир ғуссага айланган. Агар Жил “Парижга диплом ҳимоя қилгани борганинда хурсанд бўлганмидинг?” деб сўраб қолса, “Вой, эсингни еб қўйдингми? Мен, ахир, бунга қадар укамдан ажраган эмасман” деб жавоб берарди у. Шунда Жил ҳаёлан овлоқ бир вилоятдан келиб, Парижни кўриб ақли шошиб қолган, теварак-атрофида сон мингта мухлис гирдикапалак бўлган ёш қизалоқнинг классик образини олисдаги бегона шаҳарда укасини соғиниб қайғирувчи қиз образи билан омухта қилмоғи керак эди. Агар Жил биринчи марта учрашганларида Франсуа унда қандай таассурот уйғотганини сўраса, у “мен бир зумда унинг батавфиқ одам эканини англадим” деб жавоб берарди. Шундан кейин ҳар қанча уринмасин, бу тўғрида Наталидан бошқа бирон оғиз гап ололмасди. Франсуадан олдин унинг учта, кейин — битта хуштори бўлган, шекилли. Жил улар тўғрисида гап очса, у бамайлихотир “улар билан учрашганда лаззатланардим” деб жавоб берарди. Бир куни Жил ўта аҳмоқона савол берди: “Улар билан ҳам мен билан бўлганидек маза бўлармиди?” Бунга жавобан у “табиий” деди. Бу жавоб Жилни узил-кесил тутоқтириб юборди. Лекин унинг тутоқиши беҳуда эди. Натали ҳеч қачон ҳеч кимни Жилчалик яхши кўрган эмас, лекин бошқалар билан алоқа қилганида ҳам лаззатланган. У шундоқ дедими, тамом, бу гапларидан тонмоқчи эмас. Наталининг самимияти баъзан мафтун ётарди, баъзан эса Жилни хуноб қиларди. Аммо Жил ҳар қанча куйиниб-пишмасин, ҳатто эҳтирос дақиқаларида ҳар қанча маккорлик қилмасин, Наталини бу гапларидан қайтишга мажбур қилолмади. У Жилнинг навбатдаги тузоқни қўяётганини, уни илинтирмоқчи бўлиб ҳаракат қилаётганини кузатиб турарди-да, кейин жилмайиб туриб, бир оғизгина гап билан ҳаммасини кунпаякун қиларди. Шунда Жил ҳам унга қўшилиб кула бошларди. Ҳолбуки, авваллари Жил аёллар билан улфатчилик қилганида зинҳор-базинҳор ўзи устидан кулмас эди. Сохта эркакча ғурури важдан мабодо бу ишни қилар бўлса, фақат Жан ёхуд бошқа эркаклар ҳам улфатчиликда иштирок этаётган бўлсалар, ўзини ўзи жиндай майна қилмоғи мумкин эди. Мана, ниҳоят, у ўзининг бемаъни шухратпараслигини улоқтириб ташлади, бу уни Наталига яна қаттиқроқ боғлади. Лекин Жил ҳали бунини идрок қилиб етмаган эди.

Соат олтиларга бориб, пастга — айвонга тушишарди. Айвонда Флоран билан Одилия шезлонгларда ўтириб, уларни кутаётган бўлишарди. Жил ва Натали улар билан ўтириб, “порто-флип” коктейли ичишар, об-ҳаводан гурунгла-

шарди. Одилия энди ҳар нарсага қизаравермайдиган бўлиб қолганди, Флоран эса ҳатто Наталига хушомад қилишга ҳам уринарди. Бу — Жилнинг кулгисини кўзгарди. Катта-катта мовий кўзлари бақрайган Флоран тилғмаликни ўрнига қўйиб, ўзининг бемазадан-бемаза сигаретларини Наталига тиқиштирар, уларнинг зарҳал мундштуқларини кўз-кўз қилиб, “бутун Лимузенни қидириб чиқсангиз ҳам бунақасини мендан бошқа ҳеч кимдан тополмайсиз” деб мақтанарди. Натали бўлса Жилнинг истеҳзоли нигоҳи остида бир амаллаб, чидаб сигаретни чекар, “порто-флип”ни ичар ва маъюс оҳангда “майли энди, мен борай” дерди. Албаттаки, ҳамма уни олиб қолишга ҳаракат қиларди. Кунлар узайгандан узайиб бормоқда, фақат соат еттиларга борибгина иссиқнинг дами қирқилади, дарахтларнинг айвонга тушиб турган сояси янада узайиброқ қолган. Баъзан Жил ўзини тўққиз юзинчи йиллардаги қахрамонларнинг ўрнида кўрарди: бир оёқлик думалоқ стол, енгил ичимликлар, эзма нотариус... Бироқ қўққисдан Натали бошини орқага — ўриндиқнинг суянчиғига ташлар ва Жил кўзларини юмиб, бирдан унинг юқорида, хона ичида қанақа бўлганини эсларди. Агар бу ерда чиндан ҳам бирон масҳарабозлик ўйини содир бўлаётган бўлса, Жил унинг худди шунақа бўлмоғини истар эди.

III боб

Ўша ёзда зиёфатлар жуда кўп бўлди, бироқ Жил ҳеч қайсига бормади. Зодагонлар орасида у ҳақда, тушкунлик дардига чалинган, ҳеч қаёққа юраётгани йўқ, ёлғизликни хоҳлаб қолган, деган гаплар тарқаган эди. Бу баҳонаи сабаб ҳаммага қулай эди. Жил буни Натали учун ҳам қулай бўлса керак деб тахмин қилди. Гарчи Натали Жил билан бирга кетишга тайёр эканини айтган бўлса ҳам, Жил эрлик аёл билан ошиқ-маъшуқ тутинганини унутгани йўқ. Аммо обрў-эътибори юқори бўлган бу тўққиз аёл аллақандай асаби пачоқ бир одамнинг кўйнига кириб чиқиш учун ҳар куни машинада олтмиш чақирим йўл босиб ўтишга қодир деб, кимнинг ҳам хаёлига келади? Одилия укасига дашном бериб, “одам бўлгандан кейин қариндош-уруғи, хеш-ақраболар билан борди-келди қилиб туриш керак, бир бурчакка кириб, писиб ётавериш нимаси?” деганида, Жил мудом: “Бориб нима қилдим? Сильвенер билан юзма-юз бўламанми?” деб жавоб берарди. Буни эшитиб, опаси қизариб кетар ва ундан узр сўрашга тайёр эди. Кўпинча кечки пайтлар Флоран билан Одилияни навбатдаги зиёфатга олиб кетаётган кичкина автомобилни хиёбоннинг этагида нигоҳи билан кузатиб қўяр экан, Жил ҳайҳотдек уйда ёлғиз ўзи қоларди. У қўлига китоб олиб меҳмонхонада жойлашиб оларди-да, атрофидаги осойишталикдан, сукутдан ҳузур қиларди. Баъзан у учинчи қаватга кўтарилар, ҳали йиғилмаган ўринга чўзилар ва кўзлари очиқ ҳолда ётиб, Наталининг исини, муҳаббат исини ҳидларди. Қорайиб бораётган осмонда кўршапалаклар шарпасиз учиб юришарди. Пастдан, боғдан курбақаларнинг бир маромдаги қуриллашлари эшитилади. Майин шабада яқинда бўлиб ўтган ишқий олишувлардан қизиган хонага салқинлик ва сокинлик бахш этмоқда. Жил ҳатто Наталининг ёнида эмаслигига унча ачинмай, унинг тўғрисида ўйлаб ётарди. Баъзан у устидаги эски свитерини ечмаган кўйи ухлаб қолар ва машина ғилдираклари остида шитирлаган майда шағал овозидангина уйғониб кетарди. Кейин пастга тушар, ширакайф Флоранга машинадан тушишга кўмаклашар, кейин у билан бирга ўчоқбошига кирарди. “Нечук! — деб ҳайрон бўларди Одилия. — Ҳали ётганинг йўқми?” Эридан кўра ҳикояларини яхшироқ тинглаб, тузуқроқ баҳолашга ярайдиган одам топилганидан суюниб, Одилия Кудеркларникидаги зиёфат қанақа зўр ўтганини, бунақаси ҳатто герцогиня Германтскаяларникида ҳам камдан-кам бўлишини завқ-шавқ билан гапира кетарди. Зиёфатларнинг маликаси ҳар гал, албатта, Натали бўларди. Одилия ўзининг ҳисоботларида уни “мадам Сильвенер” деб атарди, аммо ҳар кунги учрашувларида жўнгина отини айтиб чақираверарди. Шундай қилиб, десангиз мадам, Сильвенер зиёфатга бирам чиройлик ҳаворанг кўйлақда келипти, прокурорнинг муовини қалтисроқ гап айтган экан, жеркиб ташлабди, э-э, нимасини айтасиз, ҳатто профектнинг ўзи ҳам мадам Сильвенердан бир қадам нари

кетмапти... ва ҳоказо, ва ҳоказо... Агар Жил ана шу мадам Сильвенер билан ҳар куни ёнма-ён ётмаганида, албатта, бир мактаб боласидай унга эришмоқни орзу қила бошлаши аниқ эди. Мазза қилиб жилмайиб, у Одилиянинг вижир-вижирини тинглади, прокурор муовинининг устидан кулар ва Наталининг устидаги ҳаво ранг кўйлакнинг ҳар бир бурмасигача тасаввур қилишга ҳаракат қиларди. Шуниси ҳам борки, Одилия ҳамиша меҳру-шафқатининг зўрлигидан бўлсамикин, — ҳикоясининг сўнггида мадам Сильвенер қиёфасини алланечук нурли бир ҳазинлик пардасига чулгашга уринар, Жил эса гўё буларнинг ҳеч қайсиси унга дахли йўқдай паришон тортиб, камсуқум тусга кириб оларди. Ниҳоят, баландпарвоз гапларни гапириб тўйган Одилия Флораннинг ёнига ётиб, ухлашга тушарди. Шампанскийни тўйиб ичиб олган Флоран ҳам Одилияга ўхшаб, боши ёстиққа тегиши билан ухлаб кетарди.

Жилнинг Париждан келганига ҳам икки ҳафта бўлди, лекин у Одилия билан саҳар чоғлари майда-чуйда харид қилгани кўшни қишлоққа бориб-келиб турганини айтмаса, ҳали ҳеч қаёққа боргани йўқ. Унинг қисмати гўё тўхтаб қолгандай эди — назаримда, у бундан буён бугун умри давомида офтобда роҳат қилиб ётаверди, кундуз кунлари Натали билан бўлади, кечқурунлари хаёл қанотларида учди. Икки ойдан кейин газетанинг халқаро бўлимига муҳаррир бўлиш ҳақидаги фикр, ўшанда бир дақиқа ҳам бўш вақти бўлмаслиги ва ҳозир вақтини қандай беҳуда совураётган бўлса, кейин шунчалик тежайдиган бўлиши ва бу вақтнинг ҳаммаси Парижнинг туссиз ола-ғовури ичида кечиши унга уччига чиққан бетамизлик бўлиб кўринарди. Тўғриси айтганда, у бу тўғрида тузукроқ ўйламас ҳам эди, чунки ҳар доимдаги каби ҳозир ҳам келажакда бўладиган ишларга энгил-елли қарарди. Эрталаб уйқудан турганида энг жўн масалаларни ҳал қиларди: Флоран билан балиқ овига борсамикин ё қўяқолсамикин, бугун Натали қанақа кайфиятда келаркин, бугун офатижон бўлармикин ёхуд шаддўдлик қилармикин, уларнинг дим ётоқларидаги қийшайиб қолган деразаларни ўзи тузатиб қўюлармикин? Баъзан газета ўқиб ўтириб, ўй ўйлашга тушиб кетарди — инсонни ўз яқинини ўн саккиз бўлакка бўлиб, тилка-тилка қилиб ташлашга нима мажбур қиларкин? Бу тўғридаги мулоҳазаларини Одилияга айттар, у бўлса даҳшатга тушганидан тустовуққа ўхшаб чинқириб юборарди, Флоран эса ўзининг одатига кўра кўли билан ҳар хил имо-ишоралар қилишга киришарди — бармоғи билан пешонасига чертар ёхуд бўйинбоғини сиртмоққа айлантириб, торта бошларди. Хулласи калом, Жил бахтиёр эди, бахтиёрлик ҳам гапми — у буни яхши англади ва мардона гурур билан буни Наталига ҳар мақомда писанда қилишга уринарди. “Ўзинг ўйлаб кўр, — дерди у. — Ўзинг ўйлаб кўр, ахир, бор-йўғи икки ой олдин мен соб бўлган одам эдим. Энди эса шунчалик бахтиёрман...” Унинг ўзи ҳам бахтиёрлигига унча ишонмайдиган каби кўринарди ва бундан Наталининг кулгиси қистарди. Жил “буларнинг бари сен туфайли бўлди” деб кўшиб қўйганида Наталининг киприклари пирпираб кетарди.

Ниҳоят, Сильвенерлар ҳам уйларида зиёфат берадиган бўлишди. Ҳар йили тахминан бир хил вақтда Франсуа Сильвенер ўз уйига Лимож ва унинг теварагидаги аҳли жамоани тўплар эди. Бу ёз фаслидаги энг ҳашаматли зиёфат бўларди. Одилия ахлоқ-одоб борасидаги мулоҳазалардан кўз юмиб, бу зиёфатга ўн кун олдиндан тайёргарлик кўра бошларди. Жил ўзининг ёлғизлигидан кечиб, бориши мумкин бўлган бирдан-бир йиғин шу эди. У Наталининг турмуши қанақа эканини кўришни истар эди. Жил Наталини бека сифатида кўрмоқни хоҳлар эди ва буни ўйлаб, аввалдан яйраб кетарди.

Франсуа Сильвенер ўн саккизинчи асрда қурилган каттагина қасрда истиқомат қиларди. Афтидан, бу иморат ҳамиша қонун ходимларининг ихтиёрида бўлиб келганди. Уй Лиможнинг қоқ ўртасида жойлашган бўлиб, деразалари жуда серфайз боққа қараган эди. Ҳозир бу боғ байрам муносабати билан керагидан ортиқ ёритилган эди. Зинадан кўтарилиб борар экан, Жил, бу ерда гул жуда кўп экан, деб ўйлади. Яна “ҳар томондан ҳаддан зиёд пул келар экан” деган фикр ҳам кўнглидан ўтди. Албатта, бу пуллар ҳалол йўл билан топилган пуллар, мерос йўли билан ўтган пуллар, лекин ҳар нима бўлганда ҳам пул-да! Усти жилвирланган залварли мебель, қадимги гиламлар, жиндай хира тортган

катта кўзгулар, буфет ёнида гўдайиб турган оқ қўлқопли, қизил юзли, қадди-қомати келишган иккита эшик оғаси, — буларнинг бари бу хонадоннинг бадавлатлиги ва фровонлигидан далолат беради. Бироқ Жил барига жиндай юқоридан, менсимайроқ қарайди, чунки у парижлик журналист сифатида бундан кўра зўрроқ, бундан кўра дабдабалироқ зиёфатларни ҳам кўп кўрган. Баъзан аллақачон бор-будини совуриб тугатган мақтанчоқ олифталар ҳам бир амаллаб дабдабали йиғинлар қилишади. Жил бундан ҳам хабардор, албатта. Ва, умуман, у елга беҳуда совириладиган пулларнигина яхши кўради. Наталининг уйида эса куруқ ҳашамаг йўқ, балки замини бақувват тўқлик сезилади, холос. Зинанинг тепасида Натали ва Франсуа Сильвенер ёнма-ён туриб, меҳмонларни кутиб олишяпти. Баайни — тўқсонинчи йилларнинг романларида тасвирланганидек. Бироқ Жил Наталининг қўлини ўпаётиб, унинг кўзларида унга манзур бўлиш иштиёқи жўш ураётганини сезди. Гўё унинг кўзлари “Буларнинг бари сен учун” деб порлаётгандек туюлди. Шунини ўйлади-ю, ўзининг мутақаббирлиги учун Жил уялиб кетди. Жуда илиқ ибораларда Наталига уйининг гўзаллигини мақтади. Сильвенернинг қўлини қисди ва улкан меҳмонхонага кирди.

Меҳмонхона завқи баланд меҳмонлар билан тўлиб бўлган эди. Жил кимлар биландир алланималар тўғрисида гурунглашди, кимлардир унинг соғлом кўриниши ҳақида мақтовлар ёғдирди, шундан кейингина у, афтидан, кутубхона ўрнида хизмат қиладиган хонага кириб олишга муваффақ бўлди. У бу хонада Натали камин олдида эрининг рўпарасида ўриндиқда ўтирганини кўз олдида келтирмоқчи бўлди, лекин бунинг иложи бўлмади. У Наталини чордоқдаги дим хонада каравот устида қўл-оёғини ёзиб чалқанча ётган ҳолда ёхуд майсалар бағрида ястаниб ётган кўйидагина тасаввур қила оларди. Кутубхонада жиндай ҳордиқ чиқаргандан сўнг у балконга йўл олди ва бу ерда кимгадир рўпара келди. Бу кимса Натали болалиги ҳақидаги ҳикояларда “укам” деб атаган одам эди. Улар Лиможда бор-йўғи бир мартагина учрашишган эди. Шундоқ бўлса ҳам, Пьер Лакур шу заҳотиёқ унга қўлини узатди. “Укажон”и жуда новча эди. Жил ичида унинг мардона қиёфаси борлигини эътироф этди. Пьернинг чеҳраси ҳам ғоятда бежирим эди. Жил Касиньякларникидаги зиёфатда уни Наталига рашк қилганини эслаб, жилмайди.

— Биз сизни кўришдан ортиқ умид қилмай қўювдик, — деди Лакур. — Одамлар орасида сира кўринмайсиз. Мен ҳамма жойда опангизни кўраман-у, сизни эса бирон марта ҳам кўрмадим.

— Мен чинданам йиғинларда бўлмоқчи унча ёқтирмайман, — деди Жил.

— Бизнинг йиғинларимиз сизни зериктириб қўйса керак-да?

Лакурнинг овози анча зардали эди, бироқ Жил уни ўзига мойил қилиб олмоқчи бўлди.

— Йўғ-е, унақа деманг. Мен Парижда жуда толиққан эдим. Бу ерга дам олиб кетай деб келувдим.

Орага жиндай жимлик чўқди. Тўсатдан Пьер Лакур юрак ютгандай дадиллик билан Жилнинг тирсагидан ушлади.

— Сиз билан бир гаплашиб олмоқчи бўлиб юрган эдим... Биласиз, мен жуда ҳам... опам билан жуда иноқман.

— Ҳа, биламан, — жавоб берди Жил жилмайиб.

У ўзини ҳайрон қолган қилиб кўрсатмоқчи эмас эди. Ё Пьер ҳамма гапдан хабардор, ёки у ҳеч нарсани билмайди. Бу одам Жилга нимаси биландир маъқул эди — унинг бир оз қўполроқ бўлса ҳамки тўғрисиқлиги сезилиб турар ва тўғри сўзгина эмас, анча ақлли экани ҳам аниқ эди. Бироқ уканинг биринчи сўзлариёқ Жилни ҳанг-манг қилиб қўйди.

— Натали сизни яхши кўриб қолипти, — деди у анча кескин оҳангда. — Бунини кўриб мен жуда ночор аҳволга тушиб қолдим.

У бу гапини тескари ўгирилиб туриб айтди, Жил бир лаҳза бу сўзларни тўғри эшитдимми-йўқми деб иккиланиб қолди.

— Нима учун “ночор аҳвол”га тушиб қолдингиз?

— Шунинг учунки, сиз менда унчалик чуқур ҳурмат туйғусини кўзгамадингиз. Бетга айтганнинг заҳри йўқ, дейдилар. Узр!

Гуё иккита бир-бирига душман одам бу нимқоронғи хонада муқаррар тарзда хуфиёна амалга оширадиган дуэлни келишиб олаётгандек, улар паст овозда гаплашардилар. Жилнинг гурсиллаб юраги ура бошлади.

— Нима сабабдан мени хурмат қилмайсиз? Ахир, танишганимизга кўп бўлгани йўқ-ку?

— Натали сизни яхши кўради, гапларингизга қараганда, сиз ҳам уни яхши кўрасиз. Ундоқ бўладиган бўлса, Натали бу ерда нима қилиб юрипти. Балки сиз уни ишқий саргузаштларга ўрганиб қолган суюгоёқ деб ўйларсиз? Ёки унга ҳозир Франсуа билан ёнма-ён яшаш осон дейсизми? Наҳотки, сиз Наталини шунчалар ёмон биласиз?

— Натали ёзнинг охиригача кутишга қарор қилди... — деб гап бошлади Жил.

Пьер Лакур жаҳл билан қўлларини силкиди.

— ... у ҳеч нарсага қарор қилгани йўқ. У сизни ўзига ишончи комил эмас деб ўйлайди, сизни мажбурламоқчи эмас. Тамом, вассалом. Мана, бир ойдирки, унинг ҳаёти бошдан-оёқ муросаи-мадорадан иборат бўлиб қолди. Ҳолбуки, у ҳамиша ланжликни ёмон кўрарди, мужмалликдан жирканарди. Шуларнинг ҳаммасига сиз сабабчи бўлдингиз.

Жилнинг энсаси қота бошлади. Жаноб Лакур олижаноб ука ролини ижро этар экан, анча-мунча ҳаддидан ошиб кетди.

— Кўз очиб кўрган йигитига ўхшамайман-ку!

— Йўқ, албатта. Лекин бу унинг биринчи севгиси — бунга шубҳа йўқ. Шунинг учун мен қаттиқ хавотирдаман.

— Нима учун?

— Шунинг учунки, сиз иродасиз бир худбин одамсиз...

— Эркакларнинг ҳаммаси ҳам худбин, — деди Жил.

— Лекин эркакларнинг ҳаммаси ҳам сизчалик ўзига бино қўйган эмас.

Энди улар бир-бирларига ташланишга тайёр эдилар. Жил ҳушини йиғиб олишга уринди. Албатта, Пьер ҳақ, лекин шу билан бирга у ноҳақ ҳам. Жил чуқур хўрсинди.

— Менинг ўрнимда бўлганингизда сиз нима қилардингиз?

— Мен ҳеч қачон сизнинг ўрнингизда бўлмас эдим. Агар мен мен бўлмасам-у бошқа бир одам бўлганимда ва Натали ҳам менинг опам бўлмаганида, мен уни аллақачон олиб кетиб қолган бўлардим.

У овозини кўтарди. Жил жилмайди.

— Ё тавба! Уни жуда яхши кўрар экансиз-ку!

— Бу гапларни сизга айтмоғим керак эди, тўғрими?

Орага жимлик чўкди.

— Лекин мен уни яхши кўраман, — деди Жил паст овозда.

Лакурнинг чеҳрасида ортиқ ғазаб ифодаси йўқ эди, аксинча, у энди маъюс ва ялинчоқ, деярлик муте қиёфага кириб қолганди. Бунақа ифодани Жил Наталининг чеҳрасида кўрган эди. Унинг юраги орзиқиб кетди.

— Мен уни олиб кетайми? Сиз шундай қилиш керак деб ҳисоблайсизми? Эртага олиб кетайми?

— Ҳа, — жавоб берди Лакур. — Имкони борича тезроқ. Жуда эзилиб кетди шўрлик.

Улар бир-бирларига тикилиб қараб қолишди. Улардан уч қадам нарида Сильвенерлар зиёфатига келган меҳмонлар ола-говур кўтариб кўнгилхушлик қилишмоқда. Кўққисдан Жил ўзини лирик қаҳрамонми ё романтик қаҳрамонми деб ҳис қилди.

— Бўлмаса шундай қиламан, — деди у. — Унинг ташвишини менга қўйиб бераверинг.

Унинг тасавурида фаройиб манзара пайдо бўлди: мана у танца қилинадиган катта зални кесиб ўтяпти, Наталининг қўлидан ушлади ва миқ этиб оғиз очмай, уни лол қолган меҳмонлар орасидан олиб ўтиб боряпти... Ростакам ўн тўққизинчи аср! Лакурнинг овози уни воқеликка қайтарди:

— Сильвенер номусли одам. Натали уни муносиб тарзда тарк этмоғи лозим. Агар, умуман, яқин одамнинг ташлаб кетишнинг иложи бўлса...

Жилнинг эсига Элоиза билан бўлган гаплар тушди ва у ҳеч нарса деб жавоб бермади.

— Фақат шуни унутмангки, Натали иродали аёл, эҳтиросли, йўлидан қайтмайдиган одам.

Лакур Жилнинг ёнидан ўтиб, кўздан ғойиб бўлди. Бир неча дақиқа мобайнида бўлиб ўтган бу гурунғ тушга ўхшарди. Агар тузукроқ ўйлаб кўрилса, йигитчанинг эси жойида эмасга ўхшайди. Лекин бу Жилга аён бўлиб қолди. Шунинг учун кетиш олдидан Наталининг қўлини ўпар экан, зинанинг тепасида ўз уйида уни эри билан ёнма-ён ёлғиз қолдираётиб, Жил бирдан фаҳмладики, ўзиники деб ҳисоблаб юрган ана шу аёл ҳозир Жил билан бирга жўнаб кета олмайди, бу аёл ҳам худди Жил каби нима қиларини билмай ночор аҳволда қолган. Шунинг учун Жил худди шу дақиқада бир тўхтамга келди.

БЕШИНЧИ ҚИСМ

ПАРИЖ

І б о б

— Гапирсанг-чи, ахир, нима бўлди ўзи?

Улар Парижда Жилнинг уйида эдилар. Натали яқиндагина етиб келди, Жил уни уч кун пойлади, уч кунгача ундан ҳеч қанақа хабар бўлмади. Мана энди у шу ерда, унга тикилиб ўтирипти. Анча саросимада, худди бирор зарба егандай, анча шаштидан қайтиб қолган. У чемоданини даҳлизга қўйди, пальтосини стол устига улоқтирди, у огоҳдантирмай келган, сиёғидан ҳозир яна қайтиб кетадиганга ўхшайди. Натали квартирани кўздан кечириб ҳам чиқмайди, бу анча-мунча ғалати эди, чунки Наталининг уйидаги зиёфатнинг эртасига улар Парижга борганда шу уйда бирга туриш тўғрисида бир тўхтамга келишганди. Улар теран бир бахтиёрлик туйғуларидан илҳомланиб шундай қарор қабул қилгандилар. Жил бахт деган нарсага жуда қатъий ва нафис донолик хос бўлиши мумкинлигини, бу донолик қилиш керак бўлган нарсани, албатта, рўёбга чиқаришни талаб қилишини билмас эди. Ҳар ҳолда Натали Жилни ўзидан олдин жўнаб кетишини талаб қилиб туриб олди — унинг гапига қараганда элу юртнинг кўзига шундоқ қилган маъқул экан, ўзи бўлса уч кун ўтгандан кейингина Жилнинг уйига кириб келди. Бу уч кун давомида Жил хавотирликдан ўлиб бўлди. Жил унга иккала қўлини узатди, уни ўриндиққа ўтқазди, шароб куйиб берди, у эса ҳамон лом-мим демас, ҳамон сукут сақлар эди.

— Гапирсанг-чи, ахир, нима бўлди?

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, — жавоб берди Натали. Унинг оҳангида нечукдир гашлик бордай туюлди. — Мен Франсуа билан ҳамма гапни бир ёқлик қилдим, укам билан гаплашдим, у мени вокзалга чиқариб қўйди, сенга хабар қилишга улгурмадим. Парижда такси олдим, адресинг менда бор эди...

— Мен уйда бўлмаганимда нима бўларди?

— Ўзинг айтган эдинг-ку кутаман деб?

Наталининг нигоҳида алланечук бир нарса зуҳур этди — ҳеч шубҳа йўқки, бу тасвирлашга ожизлик қиладиган шафқатсиз дақиқалар ҳақидаги хотирот эди. Жил кўкқисдан фаҳмладики, Натали бошидан кечирган шафқатсиз дақиқалар олдида унинг асабийлашганлари, бўйдоқона интиқиб кутганлари ҳеч нарса эмас. Ахир, Натали ўзининг жамики аввалги турмуши билан хайр-маъзур қилиб келди, Жил бўлса фақат кутиб зерикди, холос. Таққослаб ҳам бўлмайди — зериканингдан эски газеталарни ўқиб ўтириш қаёқда-ю, эрининг кўзига тикка қараб, сени ортиқ яхши кўрмайман дейиш қаёқда? Жил энгашиб, Наталининг бетидан ўпди.

— Эринг қанақа муносабатда бўлди?

Натали унга таажжуб тўла кўзларини тикди.

— Сенга нима? Мен у билан турганимда, сен бирон марта ҳам унинг туриш-турмушига қизиқмагансан, тўғрими? Шундоқ бўлгандан кейин, биз бир-биримиздан қандай ажралганимизни билиб нима қиласан?

— Мен фақат сўрамоқчи эдим, холос... бирор оғир ботадиган гап бўлмади-ми?.. Сен учун, албатта.

— Э-э, мен учунми? — қайтариб сўради Натали. — Нега мен учун оғир гап бўлсин, ахир, мен уни ташлаб, севган одамимнинг олдига кетдим-ку? У шўрлик бир ўзи ёлғиз қолди. Шундоқ эмасми?

Жилнинг миясидан битта ғира-шира, беҳаёгина фикр лип этиб ўтди — охир-пировардида ташлаб кетилган эр туйғулар нуқтаи назаридан ҳозир мавжуд эрга қараганда мушкулроқ дардисар бўлади. Наталининг аъзойи бадани қақшаётганга ўхшарди. Жил унинг муздек совуқ қўлларини кафтларига олиб ҳарчанд уринмасин, исита олмади. Нима учундир у Наталининг йиғлаб юборишини истарди. Йиғласа-да, ҳамма гапни гапириб берса, ҳеч нарсани яширмай юрагини бор бўйича очса, ёки эҳтирос ўтида ёниб унинг кучоғига отилса... Ошиқ-маъшуклар бошқа учинчи шахсларга нисбатан қилган шафқатсизликларини эслашса, одатда, кўққисдан ана шундай эҳтирос гулхани гуриллаб ёнади. Бироқ уятдан дир-дир титраётган ана шу унсиз аёлга тик қарашга Жилнинг юраги бетламади.

— Сен кўрқяпсан, — деди у. — Сенга оғир. Кел, яхшиси, менинг кулбамни кўздан кечирайлик.

Жил ўзига хос бўлмаган ғайрат-у, шиддат билан уйини Наталининг келишига ростлаб қўйганди. Оқсоч аёл ҳаммаёқни супуриб-сидириб чиқди, Жил чой, бир боғлаб қоғоз салфеткалар, олам-жаҳон гул, қоқи нон ва пластинка харид қилди. Оқсоч аёлнинг эри куйган лампочкаларни алмаштириб, музлаткичини ишлатиб берди. Хуллас, Жил нима тўғрида ўйлаган бўлса, ўйлади-ю, фақат Наталининг изтиробларини ўйламади. Аниқроғи, уларни бир театр томошаси янглиғ тасаввур қилган эди — ҳар хил олди-қочдилар, югуриб-елишлар, бақириб-чақирришлар, йиғи-сиғи — хуллас, ҳикоя қилиб берса бўладиган воқеалар силсиласи. Улар ҳатто кишини қизиқтириб, лол қолдириши ҳам мумкин. Лекин у Наталининг мана шу аҳволда ночор кайфиятга тушиб қолишини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Натали ўрнидан туриб, беихтиёр унинг орқасидан юрди. Сирасини айтганда, ётоқ билан деворига тахта қопланган (Элоизанинг эстетик кашфиёти эди бу) ваннахонадан бошқа кўришга арзигулик ҳеч нарса йўқ эди. Натали квартиранинг диққатга сазовор ҳамма жойларини паришонхотирлик билан юввошгина кўриб чиқди. Унга қараб турган одам бу аёл шу уйда, шу тўшакда ухлайди, кийимларини мана шу жавонга олиб қўяди, демас эди. Ҳатто Жилнинг ўзи ҳам бундай деб айтолмас эди. Бирдан Жилни ваҳима босди. Мабодо, Натали аҳдидан қайтган бўлса, нима бўлади? Мактуб ёзиш ёхуд айтадиган гапларини телефонда айтиб кўя қолишга унинг ҳуши йўқ эди. Шундоқ бўлгач, уй-жойимни ташлаб, сенинг олдинга келиб туролмайман деб айтгани келган бўлса нима бўлади? Шу гап хаёлига келди-ю, сотиб олган гуллари ҳам, бежирим қилиб тўшаб қўйилган тўшак ҳам, кириб келаётган сентябрь ҳам, олдинда турган қиш ойлари ҳам, кўйинг-чи, бутун ҳаёт Жилга чидаб бўлмайдиган даражада жирканч кўриниб кетди. У Наталининг қўлини олиб, юзини ўзига қаратди.

— Сенга маъқулми?

— Ҳа, албатта, — жавоб берди у. — Уйинг яхши экан. Ана шу “яхши” дегани Жилга жуда-жуда малол келди. Демак, унинг оғзига талқон солиб олгани, унга талпинмаётгани, қўлларининг совуқлиги, ҳадеб кўзини олиб қочиб, бошқа томонларга қараётгани бежиз эмас экан-да? Йўқ, Натали ортиқ уни яхши кўрмай қўйган. Ана шу уч кун мобайнида газеталарни очиб, ўқиб ҳам ўтирмай полга улоқтирганлари, телефон гўшагини апил-тапил олиб, яна жойига қўйиб қўйишлари, хуллас, минг азоб, минг изтироб билан кутганлари бежиз эмас экан-да? Буларнинг ҳаммаси ўз-ўзидан айтиб турипти. У яна ўзи ёлғиз қолади. Натали кетади, уни ташлаб кетади. У Наталидан ўгирилиб, деразага яқин борди. Аллақачон қоронғи тушиб бўлган эди, аммо шунга қарамай, кўчаларда худди ёздагидек ўтиб-кешиб турганлар сероб эди.

— Жил! — деб чақирди уни Натали.

У ўгирилди. У оёғидаги туфлисини ечиб ташлаб, тўшакда ётарди. Йўқ, у бутун ҳали кетмайди, оқшомни шу ерда ўтказди, ўзининг “қараб тўймайди-

ган”и билан тунни бирга ўтказди, уни “жоним, севгилим” деб эркалайди, эрталаб эса унга ҳамма гапни айтади-да, жўнаб кетади. Албатта, Натали ҳалол, номусли аёл. Лекин шунақа ҳаёт шароитлари бўладики, улардан воз кечиш жуда қийин. Жилнинг қалбида ғазаб аланга олди, у деразанинг олдидан кетиб, тўшакнинг бир чеккасига ўтирди. Бу дақиқада Натали бениҳоя гўзал бўлиб кетганди — мана у — ҳорғин, паришонхотир, сал-пал энсаси қотган ҳолда ётипти. Жил уни севади.

— Мени чақирдингми?

Натали таажжуб билан унга қаради, унга қўлини чўзди. Жил бу совуқ қўлларни ушлаб олди, маҳкам қисди.

— Сўнгги тунни туҳфа этмоқчимисан менга?

Натали бир оз қаддини кўтарди. У давом этди:

— Эртага эрталаб турасан-да, менга шўрлик Франсуага бу қадар жабр қилолмаслигингни, унинг ҳамма оdatу кўникмаларини барбод эта олмаслигингни айтасан-у, жўнаб қоласан. Тўғрими?

Ғазабга тўлиб-тошган Жил унинг ҳақиқат зарбасидан довдираб қолишини ва Жилнинг топқирлигига лол қолиб хижолатга тушишини кутарди. Аммо Натали унга тикилиб қараб турарди, холос. Шунда у бирдан юзидаги биронта мускули қимир этган бўлмаса-да, иккала кўзи жикқа ёш эканини кўрди. Шунда Жил ўзининг хато қилганини пайқайди. У уялиб кетди ва айни чоқда жуда энгил тортди-да, ўзини тўшакка ташлаб, Наталининг ёнига ётди ва бошини унинг елкасига қўйди. У гапиролмай қолган эди. Натали шивирлаб деди:

— Тавба! Шўрлик Жил, мунча худбин бўлмасанг?

— Жуда ҳам кўрқиб кетдим, — жавоб берди у. — Уч кун ичида кўнглимдан нималар ўтмади? Ҳозир ҳам нималарни ўйламадим... Ҳеч қачон мени ташлаб кетиб қолмайсан-а?

Қисқагина жимлик чўқди. Кейин Наталининг овози эшитилди. Ниҳоят, унинг одатдаги, майин ва истехзоли овози.

— Йўқ, — деди у. — Яна билмадим — агар бунни ўзинг илтимос қилиб қолмасанг...

— Мен сенсиз яшолмайман! — деди у. — Бунни мен ҳозир тушундим.

У қимирламай ётарди. У яна унинг ҳидини искаб ётарди. Нақадар таниш, муаттар ҳид. Бу ҳид унинг хотираларида ям-яшил ўтлоқ, ундаги майсалар, кимсасиз чордоқдаги хона билан боғланиб кетган. Унинг бу уйи, мана шу ётоғи қанчадан-қанча аёлларни кўрмаган, бу ерда яқингинада Элоиза яшар эди. Шундоқ экан, бу ерда Наталининг ҳидини искаб ётиш галати эмасми? Шаккоклик эмасми? У хонага қарар, аммо хушбўй ҳид пардаси орқали қараётгани учун ва бунинг устига Наталининг елкаси тўсиб турганидан уни кўрмас эди. Жил ҳам юраги така-пука бўлиб ёнида ётган аёлга ўхшаш ерда ўзини бегона ҳис қиларди. Улар Пиафнинг кўшиғида куйланган бошпанасиз ошиқлар каби бирор меҳмонхонанинг номерида ҳам бемалол висол онларини ўтақазаверишлари мумкин эди. Лекин у эндиликда ўзининг тақдирини Наталининг тақдири билан боғлади. Улар ўзларининг уйида. Шундоқ экан бу эзилиш қаёқдан келди? Нима учун юраги бу қадар ачишяпти? Бу аввалги кунларда бўлгани каби ваҳимали кўрқув, ғазаб ёхуд қайғу эмас эди, бу буларга қараганда теранроқ, унга ҳали номаълум бир нарса эди. У бўлажак гулдиракларнинг шабадасига ўхшаш нарса эди.

У Наталига суйканди, унинг қулоғига муҳаббат сўзларидан шивирлади, уни эркалатди, ҳатто ингради. Наталининг кафтлари унинг бўйнида эди. У бир маромда, равон ва оҳиста нафас оларди. Жил бирдан сездики, у ухлаб қолипти. У ўрнидан турди, музлаткичдан бир шиша шампан олди, қадаҳга тўлдириб қуйиб, уни қўлида кўтарганча ётоққа қайтиб кирди ва каравотнинг оёқ томонида туриб қолди. Наталининг чехраси ҳорғин ва маъсума эди. У қадаҳни баланд кўтарди. Бу аёлга ҳеч қачон, ҳеч қачон ёмонлик қилмасликка ичида қасам ичди ва муздек шампанни бир кўтаришда сипқорди. Шу заҳотиёқ у кафеда Жан билан бирга ўтиришганда бир кружка илиқ пивони шунақа бир кўтаришда бўшатгани, кейин кутилмаганда Жанга бу аёлни яхши кўришини айтиб берганини эсдади. Бу — бир ой олдин бўлганди. Йўқ, йўқ, бир ой эмас, ўн йил олдин

бўлган эди. Ҳозир бўлса, бу аёл унинг уйида, бу аёл — уники, у ютди. Жил истеҳзосини тия олмади. Бу истеҳзо ўзининг аввалги кўрлиги, ўзининг ўжарлиги, ўзининг масъулият тўғрисидаги таассуротлари, ўзининг тентаклиги, ўзининг ғалабалари устидан эди.

II боб

— Мен ҳали Элоиза тўғрисида сенга ҳеч нарса деганим йўқ, — деди Жан жилмайиб. — Шўрлик Элоиза тўғрисида Жилнинг ўзи ҳамма гапни айтиб бергандир?

Натали жилмайиб бошини чайқади. Улар дарё бўйидаги чоғроқ ресторанлардан бирида уччаловлари ўтирардилар. Жан билан Натали бир-бирларига тўғри келишганга ўхшайди. Жил бундан жуда мамнун эди.

— Унинг Элоиза тўғрисида сизга гапириб берганига ишончим комил эди. Ахир, Жил бирор гапни ичида сақлаб туrolмайди. Бир марта сиз тўғрингизда гап очилганда, Жил сир сақлашга бир уриниб кўрган эди. Ўшандаёқ у сизни яхши кўриб қолганини сезган эдим. Охири, уни тан олишга мажбур қилдим. Албатта, бу тўғрида у сизга гапириб бермаган бўлса керак.

— Бўлди, бас қил, — деди Жил.

Бироқ у юзига балқиб чиққан мамнун табассумини яширолмади. Албатта, у ҳозир ҳис этиб турган ҳузурда болаларга хос алланарса бор эди, лекин ростини айтганда, қадрон дўстинг билан маъшуқанг бирга ўтириб, эркататгандай тарзда устингдан юмшоқ кулиб ҳазиллашиб ўтирса одам жуда ҳам роҳатланиб кетаркан. Аввалига сен бегона одамдай бир оз четда турасан, гап нима тўғрисида бораётганини англамаётгандай бўласан, кейин секин-аста англаб етасанки, гап сенинг тўғрингизда боряпти, улар сенинг таъриф-тавсифингни қилишяпти. Буни англашинг биланоқ уларнинг ўзингизга севгисини ҳис қиласан ва назарингизда қадрингиз ортиб бораётгандай бўлади.

— Майли, бўлмаса, мен сенинг ҳафсалангни пир қилиб, бир шаштингдан қайтариб қўяй. Элоизанинг ошиғи олчи, ишлари юришиб кетди. У “Вог” журналидаги энг пешқадам сувраткашнинг маъшуқаси бўлиб олди. Унинг ҳамма ишлари яхши. Жилнинг башарасига бир қаранг, Натали. Унинг чиндан ҳам тарвузи қўлтиғидан тушган кўринади. Унга қолса, бутун умри давомида аёллар унинг учун мотам тутишса...

— Тупурдим ўша аёлларингизга! — деб хитоб қилди Жил.

— Мен ҳам сенинг ўрнингизда бўлсам, худди шу гапни айтган бўлардим, — деб унинг гапини маъқуллади Жан ва энгашиб, Наталининг қўлини ўпди.

Натали унга қараб жилмайди. Мана, бир ҳафтадирки, Натали Жил билан бирга Парижнинг хувиллаган кўчалари бўйлаб сайр қилишади — август ойларида Париж кўчалари шунақа хувиллаб қолади. Мана бир ҳафтадирки, улар Дофин кўчасидаги уйда кенг тўшак устида тунларни бирга ўтказишмоқда. Натали жуда ҳам бахтиёр, шоду хуррам кўринарди. Улар яқиндагина таътилдан қайтиб келган Жандан бошқа ҳеч ким билан кўришаётганлари йўқ. Жан икки соат олдин уларни олиб кетгани уйларига борганда, Наталининг бу уйда ўзини тасодифий меҳмондай тутгани Жанда жуда ғалати таассурот туғдирди. Сервантдан қадаҳларни ҳам, музлаткичдан музни ҳам Жилнинг ўзи олишига тўғри келди. (Нега улар бунақа қилишганини кейин сўраш эсдан чиқмаса гўрға эди.)

— Клубга бориб келсак бўларди, — деди Жан. — Натали бордимми у ерга? Йўқми? Сиз, албатта, у ерга бормоғингиз керак — манавига ўхшаган такасалтанглар у ерда қандай маишат қилишини бир кўриб қўйингиз-да!

Натали ўрнидан туриб, сочини турмаклай бошлади. Жан унинг орқасидан қараб турар экан, йирик бошини маъюс чайқади.

— Гўзал! Жуда ҳам гўзал! — деди у.

— Ростданми? — деб сўради Жил.

Икковлари ҳам кулиб юборишди — ингичка овоз билан чўзиб туриб, шунчаки йўл-йўлакай, гап орасида берилгандай туюлган бу савол жуда ғаройиб эшитилди.

— У сендан кўра анча тузук, — деб ҳаёлчан давом этди Жан. — Ҳа, анчамунча тузук. Мен ташқи қиёфани айтаётганим йўқ.

— Раҳмат, — деб садо берди Жил.

— Сен ҳаракат қилки... — деб гап бошлаган эди Жан, лекин гапи оғзида қолди.

— Биладан, биладан... — деб унинг гапини илиб кетди Жил. — Унинг изтироб чекишига, азоб тортишига йўл қўйма, уни ҳозирги туришида асрашга ҳаракат қил. Худбин бўлмасликка интил, ўзингни ҳақиқий эркакдай тут демоқчи-сан-да.

— Ҳа, — деб унинг гапини маъқуллади Жан. — Ҳаракат қил...

Улар бир-бирларининг юзига қарашди ва кўзларини барабар олишди. Вақти-вақти билан Жил ўзининг дўстининг кўзига кўринган сиёқини ёмон кўриб кетарди. Натали чиқиши биланоқ уларнинг икковлари ҳам ўринларидан туришиди ва клубга жўнашди.

Клуб гавжум эди. Шоду хуррамлик аллақачон бошланиб кетипти. Афтидан, париждиклар учун август ойи тугаб бўлган кўринади. Меҳмонларни куёшда роса тобланган Пьер қарши олди. У Жилни кучоқлади ва “ўғлим” деб атади, ҳолбуки охири учрашувларида шу “ўғли”нинг тумшугига тушириб қолгани эсида йўқ эди. Кейин у аёлларни кўп кўрган эркак нигоҳи билан Наталини кўздан ўтказди. Жил индамай қолди. Агар у бу ерга бошқа бирон аёл билан келганида: “Бу — Натали, Пьер, танишиб қўй” дерди-ю, ҳаммаси аён бўларди-қўярди — демак, Жил Лантьеннинг янги ўйнашини Натали деб аташар эканлар. Ҳозир Жил бундай қилолмайди. Шунинг учун у тақаллуф билан мурожаат қилди: “Натали, сени Пьер Леруга таништиришга ижозат бергайсан. Пьер, танишиб қўй, мадам Сильвенер”. Шундай деб у қизариб кетди.

Ана шу таништириш русумини у оқшом давомида камида ўн беш мартача қилди. Эркаклар унинг елкасига қоқишарди, аёллар ўша йилларда расм бўлган ошначилик таомилига биноан Жил билан ўпишишарди, Жил бўлса ҳар гал елкасидаги қудратли билакми ёхуд нозик қўлни (қўлнинг қанақа экани дўстларининг жинсига боғлиқ эди, баъзан эса бунга ҳам қарамасди) аста олиб қўяр, кейин Наталига ўгирилиб, у ёки бу ошнасига “мадам Сильвенер” деб таништирарди. Ҳар гал бу манзират одамларнинг энсасини қотирар, лекин Жил ўжарлик билан ўзининг сертақаллуфлигидан қолмас эди. Унинг тақаллуфбозлиги Жаннинг кулгисини кўзгатарди, ҳамма гапни дарров илғаб ололмаётган Наталини эса жиндай ҳам ҳайрон қолдирмасди. Табиийки, шу заҳотиёқ қария Никола уларга елимдай ёпишиб олди. Албатта, ҳар доимдагидек унинг кайфи тароқ эди. Наталини навбатдаги таништирувдан кейин у деди:

— Бизнинг йигитимизни ўғирлаб кетган сизмисиз? Биз роса хавотир бўлдикда. Лекин, ростини айтсам, мен унинг ўрнида бўлганимда, ўлақолсам ҳам қайтмаган бўлардим.

У очиқ кўнгил билан кулиб юборди — аёлларга хушомад қилувчи боадаб эркаклар одатда шундай қилишади ва хотиржамлик билан уларнинг улфатига қўшилиб олди.

— Менга виски олиб берарсизлар дейман? Бу шодиёна ҳодисани ювмаса бўлмайди.

— Биз ҳеч нарсани юваётганимиз йўқ, — деди гаши келиб Жил. — Биз тинчгина хотиржам ўтиришимизни нишонламоқчи эдик, осмондан тушгандек сен келиб қўшилиб олдинг.

— Ё тавба! — деб хитоб қилди Никола. У ҳар нарсани ўзига юқтиравермас эди, ҳозир эса роса ичгиси қистаб турганди. — Ё тавбангдан кетай! Бу одам рашк қиляпти-ку! Мен аминманки, биз мадам Сильвенернинг клубимизга биринчи келиши шарафига жиндай ичсак, бундан у киши хурсанд бўладилар, холос. Илгари мен сизни бу ерда бирон марта ҳам кўрмаган эдим, тўғрими? Кўрган бўлганимда, албатта, эслаб қолардим. Хотирингиз жам бўлаверсин.

У Наталига мулойим қараб, стол устида турган шишани қўлига олди-да, ўзига виски қуйди. Жилнинг жон-пони чиқиб кетди. Бунинг устига у ўзига рўпарама-рўпара ўтирган Жаннинг кулгидан ўзини зўрға тўхтатиб, юзларини бужмайгириб ўтирганини кўрди. Натали лом-мим деб оғиз очмади.

— Менга қара, Никола, — деди Жил, — бизнинг жиддий гапимиз бор.

— Агар сизнинг жиддий гапингиз бўлса, мадам Сильвенерга унинг қизиғи бўлмаса керак. Ундан кўра юринг, танца тушамиз, мадам Сильвенер.

Тўсатдан Натали қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Унинг кетидан Жан ҳам хохлаб кулиб юборди. Улар кулгидан тўхтолмасдилар. Табиатан қувноқ одам бўлгани учун Никола ҳам уларга шерик бўлиб хохлади. Кулар экан, у ўзига яна бир стакан виски куйишни ҳам унутмади. Ёлғиз Жилгина қовоғини осилтириб, жиддий қиёфада ўтирар, лекин ўзини таҳқирланган ҳисоблаганидан ичида газаби жунбуш урмоқда эди.

— Ха-ха-ха... — кулгидан Жанни ҳатто ҳиқичоқ тутиб қолди. — Қани энди ҳозир башаранг қанақа эканини ўзинг бир кўрсанг!..

Наталининг ҳам кулавериб кўзларидан ёш тирқиради. Жил бир амаллаб ўзини тиржайган қилиб кўрсатишга уринди. Қани энди, иложи бўлса-ю, қорнини силкитиб хохлаётган манави иккита бетамизни тарк этса-да, бошқа столга ўтиб эски ошналари билан улфатчилик қилиб бир мириқиб ичса... Ахир, Парижни кўрмаганига ҳам анча бўлиб қолди. Агар маъшуқасининг дилига озор бермаслик учун қилган барча хатти-ҳаракати шу оқибатга олиб келган бўлса, ҳаммасига ҳам тупургани бўлсин... Ҳаммасидан қулайи ўзи шу!

— Танца тушсанг бўлмайдами? — деди у Наталига.

— Мен бу куйга тушмайман, — деб жавоб берди у, — ўзинг биласан-ку... Мендан хафа бўлманг, мсье, — деди у Николага. — Мен вилоятдан келганман.

— Ё тавба! — деб хитоб қилди Никол. — Қайси вилоятдан?

— Лимузендан.

— Лимузендан? Жон-дилимдан яхши кўраман Лимузенни. У ерда қариндошларим ҳам бор. Ундоқ бўладиган бўлса, бун ювиш керак. Қани, Жил, Лимузен учун олайлик.

Шу чоқ лол қолган Жилнинг кўз ўнгида Никола билан Натали ўртасида Лимузен манзараларининг латифлиги ҳақида, ҳосилни ўриб олиш ва узумни йиғиш фасллари тўғрисида узундан-узоқ суҳбат бошланиб кетди. Николага, айниқса, узум йиғиш фасли жуда ёқар экан. Жиндай ширакайф ва қувноқ Жан уларни уйига олиб бориб қўйганда соат тунги иккидан ошиб қолганди. Натали сал-пал гандираклар, Жилнинг кайфияти эса жуда ёмон эди. Ваннада ювинаётиб у узиб оладиган бир-иккита гап ўйлаб қўйди, аммо ётоққа кирганида Натали донг қотиб ухлаб ётарди. У Наталининг ёнига ётди, лекин анча вақтгача ухлаёлмади.

Ш 606

Эртасига эрталаб Натали уйқудан карахт бўлиб уйғонди. У аввалги уни қаттиқ ичиб қўйган одамдай бир оз хижолат чекди. Лекин у мириқиб тўйиб ухлаган, шунинг учун бардам ва енгил эди. Натали Жилга маккарона кўз ташлади ва Жил беихтиёр кулиб юборди.

— Хўш, қалай? — деди у Наталига. — Ҳойнаҳой, тушингда Николани кўриб чиққандирсан?

— Никола менга жуда ёқиб қолди, — деб жавоб берди у. — Бирам яхшики... Худди каттакон итга ўхшайди.

— Тўғри айтасан. Каттакон ва маст итга ўхшайди. Айтгандай, мен билмаган эканман — ичишга суягинг йўқ экан-ку...

Натали унга ялт этиб қаради, бир оз индамай турди-да, жавоб берди:

— Гап шундаки... гап шундаки... мен жуда кўрқиб кетдим. Мен у ерда ҳеч кимни билмайман. Сен бўлсанг ҳаммани танийсан. Анави бетутуриқ қизларнинг олдида мен жуда ҳам бемаъни кўриндим, шекилли.

Жил ҳайрон бўлиб унга қаради.

— Ҳа, ҳа. Устимда жўнгина қора кўйлак, бўйнимда бир қатим дур. Уларнинг ҳаммаси нақд овчи Диананинг ўзгинаси. Улар билан таништиришга ўзинг ҳам анча хижолат бўлдинг.

— Ҳой, нималар деяпсан ўзингдан ўзинг? — деб жаҳли чиқди Жил. Бу энди ҳаддан ташқари! Сен чиндан ҳам шундай деб ўйлайсанми?

У ўзини тўшакка ташлади-да, Наталини тагига босиб олди. Ҳали жуда кўрқиб кетдиларми? Натали-я? Ҳеч нарсадан кўрқмайдиган, бутун Лимузенга гап бўлиш-

дан ҳайиқмаган, қўрқмай эрини ташлаб кетган шаддот Натали тўсатдан клубдаги бир тўда ёқимтой пиёнистандан қўрқиб кетибди-да? Бу Жилга кулгили ва, айни чоқда, таъсирли кўринди.

— Мен улардан қимтиниб тортинганим йўқ, — деди Натали ўйчан қиёфада. — Йўқ, тортинганим йўқ. Мен фақат сени ўйладим, мен билан зерикиб қоласанми деб қўрқдим. Шунинг учун Никола бизнинг столимизга келиб ўтирганига хурсанд бўлдим.

— Ахир, биз билан бирга Жан ҳам бор эди-ку. Унинг фикрича, сен мўжизалар ичида мўжизасан.

— Ҳар нима деганингда ҳам, — Жан — даставвал сенинг дўстинг. Уни нима қиламан десанг — сенинг ихтиёрингда. У сени кечиради. Менинг хаёлимга бошқа яна бир гап келди — сенинг ёмон қилиқларинг унга ҳузур бахш этмасмикин?

— Эсинг жойидами? — деди Жил.

Бироқ шундоқ деди-ю, дабдурустан бошқа нарса эсига тушди — Жан ва Жил икковининг ибораси билан айтганда, Жил “навбатдаги таназзулни кечираётиб”, ҳар хил куракда турмайдиган бемаъни қилиқлар қилганида Жаннинг башарасида аллақандай тантанавор ифода пайдо бўлар эди. Жан дўстига тасалли берар, уни ўйлаб иш қилишга ундар, лекин буларнинг барини қандайдир ҳомийларча қувноқлик билан, ҳатто Жилнинг кирдикорларига қойил қолгандай бўлиб қиларди, шунинг учун кўпинча унинг панд-насиҳатлари-ю, ўгитлари Жилга қор қилиш ўрнига, оловга ёғ сепгандай бўларди. Ҳар ҳолда ҳеч ким ўзининг дўстлари ҳақида, уларнинг бизга кўрсатадиган таъсирлари тўғрисида ҳеч нарса билмайди, чунки бу таъсирлар зимдан рўй берарди. Баъзан эса уларнинг қанақа эканидан ўзлари ҳам беҳабар бўлади. Шундоқ бўлса ҳам Жанни, ўша дилкаш, меҳрибон, бағри кенг Жанни Мефистофел ролида тасаввур қилиш кулгили эди. Жил хоҳолаб кулиб юборди.

— Сен ҳамма нарсани шубҳа остига оляпсан. Сен, нима бало, менинг бутун ҳаётимни ағдар-тўнтар қилиб юбормоқчимисан?

— Менимча, менинг ҳаётим масаласида ўзинг ҳам унчалик тақаллуфга борганинг йўқ-ку, — деб жавоб берди Натали муросасозлик билан.

У жилмайган кўйи, кўзларини ярим юмиб, унга қараб турарди. Ким билсин дейсиз, эҳтимол у клубдаги такасалтангларнинг ҳаммасидан кўрққан бўлса кўрққандир, лекин унга, Жилга келганда, ундан зиғирча ҳам тап тортмайди.

— Сен дийданг қаттиқ, шафқатсиз аёлсан, — деди у. — Сен ҳеч нарсадан қўрқмайсан. Бундан ташқари, сен пиёнистасан. Яна бундан ташқари — ҳаёсизсан, — деди у гапини хулосалаб, уни турткилар экан. — Сени Жильда билан таништириб қўйиш керак.

— Жильда деганинг ким бўлди?

Жил энди фақат Натали тўғрисида ўйлашга ўтган эди, Жильда тўғрисида гапиришга унинг зиғирдек ҳам хоҳиши йўқ эди.

— Бир бузуқ аёл...

— О-о-о! — деб хитоб қилди у. — Ҳамма аёллар ҳам бузуқ бўлишлари мумкин. Қолаверса, мен ҳам... ўзинг биласан-ку... Лекин бунинг ҳеч қанақа аҳамияти йўқ. Агар яхши кўрсанг, лаззати...

— Жим бўл, маҳмадана, — деди у.

Улар тушликни Липпнинг ошхонасида қилишди. Жуда кеч қилишди. Жил бу ерда ҳам кечаги “таништирув” русумини давом эттирди, лекин бугун анча самимий чиқди. Уч кундан кейин у янги лавозимда ишлай бошлайди, унинг маъшуқаси жуда соҳибжамол, ниҳоят унга ҳам бахт кулиб боқди. У ҳайрат ичида ўйлаб кетди — нечук шундай бўлган эдики, бор-йўғи уч ой олдин аянчли, ҳар нарсадан титраб-қақшайдиган, бутунлай умидсизликка тушиб қолган бир махлуқ эди? Унинг ўзи сезмаган ҳолда бўладигани бўлиб қолган эди, сўнгги нуқтага етиб борганди. Энди эса бутун дунё унинг оёғи остида. Бунақа улуғ иш муносабати билан шампань ичмаса бўладими? Шампаннинг устидан сосиска билан димлаган карам тановул қилиш — уччига чиққан аҳмоқлик, лекин улар шампань ичишди.

Кейин икковлари қўшни кинотеатрга бориб, аллақандай бемаъни фильмни томоша қилишди. Фильм бошлангандан тугагунча Жил Наталининг қулоғига

бир нималар деб пичирлаб ўтирди, бунга Наталининг жуда ҳам аччиғи келди. Чунки у ҳар қандай томошага болалардай эътибор билан жиддий қарар эди. Натали уч кундан бери театрга “интеллектуал” пьесани томоша қилишга олиб боргин деган илтимос билан Жилга бекорга хархаша қилгани йўқ эди. Айтишларича, пьеса жуда ҳам яхши эди, лекин уни ҳаёлига келтиришнинг ўзидаёқ Жилнинг томиридаги қонлар қотиб қоларди. Унинг театрга бормаганига бир неча йил бўлиб қолди ва умуман, аввалдан режалаштириб қўйиладиган кўнгил-хушликларга тоқати йўқ эди. Буни у “маданий қоқоқлик” деб атарди. Ҳозир ҳам у Наталининг “маданий қоқоқлиги”дан кулиб қўя қолди.

— Шошиб нима қиламиз? Улгурамыз, — дерди у. — Сен Парижга бир ҳафтага келганинг йўқ-ку? Париждаги ҳамма театрларни бир ҳафтада кўриб битириш шарт эмас. Нима, Лимождаги бекорчиқўжа хонимларга бориб айтиб берамидинг?

— Буларнинг бари менга чиндан ҳам ёқади, — деб эътироз билдирарди Натали. — Наҳотки, шунини тушунмасанг? Кўриб келиб сенинг ўзинг билан уларни муҳокама қилардик.

— Мен заковатбоз хотинга йўлиққанман, шекилли. Роса маза қиладиган бўлибман-да.

— Мен буни сендан ҳеч қачон яширган эмасман, — деб жавоб берди Натали жуда жиддий қиёфада. Бироқ Жил қотиб-қотиб кулди. У ўзининг жўшқин эҳтиросли маҳбубасининг бирдан заковатпарастга айланиб қолганини тасаввур қилиб, ўзини кулгидан тўхтатолмай қолганди.

Бироқ аҳён-аҳёнда у биронта майда-чуйдага қараб, Наталининг ўзидан кўра теранроқ ва кенроқ маданият эгаси эканини кўриб, роса ҳайрон бўларди. Албатта, вилоятда истиқомат қиладиган ўттиз яшар аёлда китоб ўқиш учун етарли вақт топилади. Аммо Наталига чиндан ҳам “бари ёқарди”. Шунинг учун талашиб-тортишишлар жонига теккан Жил биронта чиройли ибора билан ёхуд умумий гаплар билан баҳсга чап беришга уринса, Натали алланечук туюқиб, ҳайрат билан унга ташланиб қоларди. Гўё тўсатдан Жил ўзига номуносиб иш қилиб қўйгандай.

— Қизалоғим, бўтам, мен, ахир, унчалик зиёли одам эмасман, — деб жавоб берарди у гарчи ичида бутунлай бунинг аксига амин бўлса ҳам, — мени қандай бўлсам, шундайлигимча қабул қилавер.

— Лекин сен зиёли бўламан десанг бўлаоласан, — деб совуққина эътироз қиларди у. — Бунинг учун ақл-заковатингдан фақат шахсий ҳаётингда фойдаланишдан воз кечиш керак. Сени ҳеч нарса қизиқтирмайди. Ҳайронман, қандай қилиб сени ҳали ҳам газетада ишлатиб қўйишган?

— Чунки мен меҳнатсеварман, айтганим дарров бажараман, машинкада тез босаман.

Натали елкасини қисиб, кулиб юборарди, лекин унинг кулгисидан матонат оҳанглари сезилиб турарди. Шуниси ҳам борки, иш шунақа баҳсларга бориб етадиган бўлса, Жил беҳад хурсанд бўлиб кетарди: биров уни “сўкса”, бу Жилга жуда хуш ёқарди. Ўз-ўзидан маълумки, буларнинг ҳаммаси, албатта, муҳаббат сўзлари, кучоқлари билан тугар ва Жил уни ўз ҳукмига бўйсундирар экан, эҳтиросининг зўридан ҳансираб, Наталидан “бу тентак ошиқнинг сенга ёқяптими?” деб сўрарди. Уларнинг икковлари ҳам бахтиёрлик фаслининг шундай бир палласига қадам қўйган эдиларки, унда севишганлар бир-бирлари билан тинмай жиқиллашишни яхши кўришади ва ҳатто тасаввур ҳам қилолмайдиларки, уларнинг ана шу доқа рўмолнинг қуришига ўхшаган уришишлари келажакда анчамунча қайғули, катта-катта можароларнинг куртаги бўлиши мумкин.

IV боб

Жил янги лавозимда ишлай бошлаганидан бери ўтган икки ой мобайнида биринчи марта уйга қайтишдан олдин ёлғиз ўзи биронта барга кириб бирор стакан вино ичгиси келди. Ростини айтганда, ўзингни ҳали ёш йигит деб ҳис этишга нима етсин. Бунинг устига, севган аёлинг бўлса, сен унга тўла ишон-

санг ва ҳозир бир жойда сенинг йўлингга кўз тикиб ўтирганини билиб турсанг, ўзингни эркин ҳис қилиш қандай ажойиб?! Париж қаҳвахоналари омади чопмаган якка-ёлғизлар учун тубсиз жарлик, бахтиёр маъшуклар учун эса парвоз майдони. Жил қаҳвахонадан чиқиб кетишга ошиқмади, у ҳатто бармен аёл билан ҳам бир оз чақчақлашди ва оқшомги газеталарга кўз югуртириб чикди. У ўзига ўзи нима учун ишдан кейин дарҳол уйга ошиқмадим деб савол бериб ўтирмади, аксинча, у Наталидан миннатдор эди, чунки Натали сабабли ана шу зўрма-зўраки қаҳвахонага кириб ўтиш озодликнинг шодмон ва маънодор тимсоли бўлиб кўринди. Одам эркин бўлса, муқаррар равишда бошқа бировга нисбатан бўлади. Агар у ана шу эркинлик туйғусини бахтиёрлик кунларида кечирган бўлса, бу дунёдаги энг ёқимли туйғу бўлади. Ўша кунни Жил жуда самарали ишлади, кечкурун ресторанига кечки овқатга бормоғи керак эди. Натали билан Жилни ва Жан билан Маргани ресторанига Фермон таклиф қилди. Зиёфатга Фермоннинг хотини келиш-келмаслиги маълум эмас эди. Келмаслиги ҳам эҳтимолдан холи эмас, чунки Жан билан Жил хушторлари билан таклиф қилинган. Жил шошмоғи керак эди, чунки ҳали уйга бориб, кийимини алмаштириб келиши зарур. Аммо ҳозир бу қаҳвахонада ўтириб, шунақа роҳат қиляптики, шу беғамлик кайфиятида узоқроқ ўтиргиси келяпти. Натали, албатта, бир оз ҳориб-толиқиб уйга қайтган бўлса керак. У деярлик ҳар кунни тинимсиз равишда Париж бўйлаб сайрга чиқади. Бу сайрларида музейларга боради, шаҳарнинг қадимий кўчаларини томоша қилади, сўнмайдиган ёниқ бир эҳтирос билан Парижнинг ўзи учун кашф этади. Буларнинг барига Жил ишонқирамай, менсимай қарайди. Ҳозир Натали биладиган кўчалар, қаҳвахоналар, суратхоналарни Жил умрида эшитмаган. Мана энди Жил Наталининг шаҳар бўйича изғишлари қачон тамом бўларкин деб хавотир ичида ўзи сўрайдиган бўлиб қолди. Парижни ўрганиб бўлгандан кейин нима қиларкин? Ҳар оқшом улар кечки овқатни ресторанда қилишарди, баъзан-баъзан клубга ҳам бориб туришарди. Клубда Жил Наталини “эйтиборга лойиқ одамлар” билан таништирарди, лекин Натали уларга лоқайд муносабатда бўларди. Ёлғиз Николагина бундан мустасно эди, Натали Николага чин юракдан ачинаиб, раҳми келиб муомала қиларди. Кези келганда айтиш керак — Жил ҳайрат билан бир нарсани фаҳмлади — бу бақалоқ лақма Никола жуда кўп китоб ўқиган экан, ақли жойида, кайфи йўқ вақтларда анча-мунча жўяли, нозик мулоҳазалар билдиради. Ҳаммадан ҳам ҳайратланарлиси шуки, Жилнинг кўз ўнгиди Наталига борган сари ошиқ-у беқарор бўлиб бормоқда. Суриштириб келганда, анча-мунча ғаройиб ишлар бўлмоқда: тилга тушган бирон актёрнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳақида гап сотиш ўрнига, улар Золя асарларидаги қаҳрамонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари тўғрисида баҳслашиб юришипти. Албатта, Жил бу борада уларнинг баҳсидан бирон янгилик олишдан умидвор эмас эди, лекин шундоқ бўлса ҳам у баъзи бир билмаган гапларини билиб олди. Никола биронта зийрак продюсер тополмай хуноб эди. Қани энди шундоқ одам топилса-ю, таваккал қилиб, Николадан уч юз миллион франк пулини аямаса. Шундоқ истезодли одамнинг бирон бадавлат ҳомий топилмаганига ғазабланмай юришининг ўзи мўъжиза. Натали ана шу шармандали ҳолга чидаёлмай, ғазабдан ёниб, туюқиб кетарди. Наталининг соддадиллигига мафтун бўлган Жил эса унга Николанинг шундай ялқов эканини, учтига чиққан пиёнисталигини, олти марта шифохонага ётиб чиққан бўлса ҳам фойдаси бўлмаганини, ўн йилдан бери белидан қувват кетиб, ҳеч нарсага ярамайдиган заиф бўлиб қолганини айтиб, тушунтириб ўтиргиси келмади. Ахир, буни ҳамма биллади. Баъзан ўзининг малла сочли Мартаси билан уларга Жан ҳам шерик бўларди. Марта худди бир беадаб нарсага рўпара бўлгандай, Наталининг ўзидан ҳам, гап-сўзларидан ҳам ҳайиқиб турарди. Унинг эътиқодига кўра аёл киши фақат индамай ўтириб гап тинглаши керак. Жилнинг нигоҳида ҳам афсус-надомат белгилари зуҳур этиб қоларди, афтидан, у ҳам унча рози эмас кўринарди. Лекин Жил бу норозиликнинг қардан келиб чиққанини билди — улар Жан билан ўн беш йил мобайнида дилрабо жононларнинг бошларидан оша мулоқотда бўлиб келишган. Энди эса уларнинг орасида нафақат дилрабо, эс-хуши жойида, ақли, заковатли аёл пайдо бўлди. Бу эса, албатта, унинг рашкини кўзгамай қўймади. Бу рашкнинг бир тури бўлмиш дўстона рашк деган нарса

эса ҳар қанақа рашкдан кўра даҳшатлироқ. Бироқ Жил Наталининг берган саволларига, ташлаган луқмаларига, баъзан жуда кескин шаклда бўлса ҳамки, пинагини бузмай айтадиган эътирозларига соддадиллик билан қулоқ солар, баъзан эса ундан гурурланиб ҳам кўярди. Бир соат, икки соатдан кейин у Жилники бўлади, ҳар доимдагидек унинг ҳар бир истагини бажо келтириб, уни севади. Шунинг ўзи Жилга етиб ортади. У биладикки, яна жиндай фурсат ўтса, Минерва эҳтиросли маъшуқага айланади. Тўғри, буларнинг клубидаги овчи Дианаларга ўхшаб Натали ҳали алланимабало пижамалар-у, қўнжи узун этиклар киймайди. Аммо унинг мағрур боши, зангори кўзлари, бутун қиёфасидан ёғилиб турадиган алланечук тийиқли эҳтироси устидаги жўнгина қора кўйлакни ҳам, бўйнидаги бир қатим дурни ҳам унутишга мажбур қилади. Рост, кўйлаги ҳам, дури ҳам аллақачон модадан чиқиб қолган бўлса-да, Натали ўжарлик билан улардан эскарағис келмайди. Ана шу ёш ва айни чоғда қай бир жиҳатлари билан эскичароқ кўринадиган бу аёл Бальзак тўғрисида эҳтирос билан мулоҳаза юритганида клубдаги ярим кечагача ўйин-кулгидан толиқмайдиган, шарми-ҳаёдан узоқроқ юрадиган ғийбатчиларни “сиз”лаб гапирадиган яхши тарбия кўрган шу хоним шу бугуннинг ўзида бир неча соатдан кейин унинг кучоғида бўлишини, ишқ бобида ҳозирги ўта замонавий қизларнинг ҳар қандайдан ҳам топқирроқ ва довюракроқ бўлишини ўйлаганда Жил аллақандай ҳирсий ҳаяжонга асир бўлиб қолганини билмай ҳам қоларди. Клубга келадиганларнинг ичида беш-олтита ҳақиқий эркаклар ҳам бор эди. Уларнинг Наталига ютоқиб қарашларидан Жил бир нарсани билиб олди — аёллар масаласида ҳамма нарсани сув қилиб ичиб юборган бу кимсалар Жилга ҳавас қилишарди.

Газета ноширининг зиёфати Сенанинг ўнг соҳилидаги катта ресторанда бўлди. Жил сабабли таклиф қилинганлар бир оз кечикиб келишди. Фермон ёлғиз ўзи келди ва хотинини олиб келмагани учун шунақа ибораларда уэр сўрадики, Жан билан Жил жилмайишди. Ношир Наталига кўз югуртирди... Афғидан, у жиндай ҳайратга тушиди шекилли, чунки кино юлдузи бўлишга даъво қилувчи ёшроқ қизалоқ билан улфатчилик қилишга ўзини сошлаб келган эди. Бир оз хижолат чекаётгандай қиёфада буюртмалар берди. Жан Мартанинг қулоғига қўйган бўлса керак, у шўрлик Жаннинг бошлиғига шунақа хушомад билан тикилар эдики, буни кўриб Жил кулгисини зўрға тийиб ўтирарди. Фермон унинг ишидан мамнун эканини Жил биларди, газета ношири билан танишиш Натали учун ҳам мароқли эди — демак, бугунги оқшом яхши ўтади. Чиндан ҳам аввалига ҳаммаси яхши бўлди. Фермон Наталидан бу ресторан ёқадими деб сўради. Натали бу ресторанда бир марта эри билан бўлганини ва ўшанда жуда лаззатли таомлар еганини айтди. Афғидан, Фермон анча гапдан хабардор эди — у Лимузеннинг гўзалликлари ҳақида сўради. Натали жуда мухтасар жавоб берди, гурунгу умумий гаплар билан давом этди. Гаплар жуда беозор эди, бирон-бир ёмон гапнинг шарпаси сезилаётгани йўқ эди. Сирасини айтганда, гурунгу Натали билан Фермон ўртасидагина борарди. Фермон аллақачон Наталига “Жил Лантьедек кимсанинг нимасига учдинг?” деган маънодаги саволчан назар билан қарай бошлаганди. Натали эса унинг нима демоқчи эканини англаб, ўзининг севгилисига шунақа бир латиф табассум билан қараб қўйдикки, Жил чидаб туролмай стол остида унинг қўлини маҳкам қисиб қўйди. Энди Фермон Наталига маъкул бўлишга уриниб қолган эди — унинг жиндай кайфи ошиб, тўхтовсиз гап сота бошлади. Марта шўрлик бўлса ҳали ҳам кўзларини лўқ қилиб, унга тикилганча ўтирарди.

— Аҳволимиз ҳаддан ташқари мушкул, — дерди Фермон. — Воқеалар бирам зиддиятли...

— Воқеалар ҳар доим зиддиятли бўлади, — деди Натали.

— Бир сўз билан айтганда, — деб сўзлади Фермон шеър ўқиётгандай оҳангда. — Стендаль айтганидек, парча-парча бўлсин юраклар ёки майли, тошга айлансин...

— Буни Шамфор айтган, шекилли? — дея унинг гапини тўғрилади Натали.

— Лаббай?

Фермон қўлида санчқи билан тахта бўлиб қолди. Нима бўляпти ўзи? Кимсан Фермондай одам камсуқумлик қилиб қўли остида ишлаётган икки сўтакни

кечки овқатга таклиф қилган бўлса, бунинг устига унинг иккови ҳам ўйнаши билан келган бўлса, унга ақл ўргатишлари керакми? Бир ками энди адабиёт бобида шулардан дарс олиш қолувди. Йўқ. Фермон буни истамайди. Жил стол тагидан оёғи билан Наталини туртиб қўйди. Натали ҳайрон бўлиб Жилга қаради.

— Сизга зид бораётганим учун бағоят озурдаман, лекин бу сўзлар Стендалники, — деди Фермон чўрт кесиб. — Бу ибора “Парм ибодатхонаси”дан олинган, шекилли, — деб илова қилди у ўйланиб. Бу лўкмани қандай оҳангда айтгани Жилни даҳшатга солди — унда яққол гумон оҳанглари сезилиб турарди, бу эса Наталининг ҳақ эканидан далолат берарди.

— Нима бўлганда ҳам, жуда чиройли айтилган гап экан, — деб шоша-пиша гапга қўшилди у.

— Ижозат берсангиз, мен текшириб кўраман, — деди Фермон Наталига мурожаат қилиб. Кейин Жилга ўгирилиб, қўшиб қўйди: — Ҳар нима бўлганда ҳам, сизнинг ана шундай ёш ва маърифатли жувон билан таниш эканингиздан хурсандман. — Бу гапларни у жуда ширин овозда — тилёғламалилик билан айтди. Бу эса унинг жаҳли чиқа бошлаганидан аён эди. — Сиз ўзгариб кетибсиз.

Ҳамма жим бўлиб қолди. Жил енгил таъзим қилди.

— Миннатдорман, — деди у.

Унинг ҳам аччиғи келди — Фермоннинг қўполлиги учун, Наталининг эса беадаблигидан. Натали жиндай қизарди. Анча давомли ноқулай жимлик чўкди. Жил овқатнинг жуда тамли тайёрланганидан хурсанд бўлиб бир нарса дейишга оғиз жуфтлаган эди, Наталининг овози эшитилди.

— Кўп афсус чекапман, — деди у. — Бир матн парчасига берилган изоҳ сизни шунчалик ранжитишини билганимда индамаган бўлардим.

— Соҳибжамол аёлнинг оғзидан чиқадиган ҳеч қандай гап мени ранжита олмайди, — деди Фермон жилмайиб.

“Мен бора-бора унинг газетасида югурдакликка тушиб қолмасам гўрга эди” — деб ўйлади Жил ва илтижо билан Жанга қаради. Жан эса лоқайдгина кайфиятда тортишувни тинглаб ўтирарди. Лоқайдгинами ё яширин бир завқ биланми? Ундай бўлса, нимадан завқланаётганикин? Ниҳоят, Фермоннинг таъзини бериб қўйишганиданми? Ёки Натали Жилни ноқулай аҳволга солиб қўйганиданми? Зиёфатнинг охири тушкунроқ кайфиятда ўтди. Эрта тарқашди. Натали билан Жил уйларига бориб ёлғиз қолишганда Натали деди:

— Аччиғинг келяптими, Жил? Хўжайининг кўнгилни оздирадиган одамлардан экан. Мунча ўзига бино қўйган бўлмаса?

— Ҳар нима бўлганда ҳам, ризқимиз шу одамга қараб қолган, — деди Жил.

— Лекин бу унга Шамфор билан Стендални қориштириб юборишга ҳуқуқ бермайди-ку? — деб мурасозлик билан эътироз билдирди Натали. Бунинг устига калондимоғлигини қара.

— Калондимоғми, калондимоғ эмасми, ҳар нима бўлганда ҳам, у менинг бошлиғим, — деб тўнғиллади Жил.

Бунақа гапларни гапирётганидан унинг ўзи ҳам жирканиб кетаётган эди. У ҳозир ўзини “кекса ходим”дай ҳис қиларди. Ҳолбуки, ўзи ҳамиша топқир ва абжир муҳбир бўлишни орзу қиларди. Ҳозир эса зинҳор-базинҳор ўзини шундай деб ҳис қилаётгани йўқ. Бунинг сабабчиси — ёнида жилмайиб ўтирган мана шу аёл. Нима учун, охир-оқибат, Натали уни қўллаб-қувватламади? Ҳаёт нима эканини у жуда яхши билади-ку? Ҳаётда шундай ҳоллар бўладики, жилмайиб туриш, манзур бўлишга интилиш, фақир кишидай панада туриб туриш керак. Кейин эшагинг лойдан ўтгач, майда хушомадгўйлигингдан кўнглингга сиққанича қаҳ-қаҳ уриб кулавермайсанми? Ахир, Парижда, яна бунинг устига 1967 йилда, яна бу ҳам етмагандай, бизнинг касби-коримизда бунақа ҳақиқат-парастлик кетмайди. Меники тўғри деб оёқни тираб туриб олиш-ку, сира ҳам тўғри келмайди. Нима учун Натали ҳамма жойда ва ҳар қачон мурасозлигини пеш қилаверади, нима учун мужмалликни кўрган жойида ҳадеб даҳшатга тушаверади? Ахир, нима иложинг бор — одамга хотиржам яшаш имконини ана шу мужмаллик беради-ку! Унинг назарида Натали унга хиёнат қилганди. Жил унинг юзига шу гапни айтди.

— Агар мен мужмалликни яхши кўрганимда эди, — деб жавоб берди у, — мен бу ерга келмаган бўлардим. Мен Лиможда яшайверардим-да, икки ҳафтада бир марта сенинг олдинга келиб турардим.

— Сен туйғулар билан чиройли қилғиликларни қориштириб юборяпсан, — деди у пичинг билан. — Сен мен билан кетган бўлсанг, бунинг сабаби шуки, сен мени севиб қолдинг, мен сени севиб қолдим, кетишдан бошқа илож йўқ эди. Бироқ мутлақо равшанки, бугун Фермон билан гаплашганимда аҳвол ба-тамом бошқача эди.

— Мен фақат бир нарсани айтмоқчиман, холос. Агар мен ўзига бино қўйган бу одамнинг бетамизлигига дош беролганимда, ўзимнинг аввалги ҳаётимга ҳам бемалол чидаёлган бўлардим. Тамом-вассалом.

Жил тўсатдан дийдаси қота бошлаганини ҳис қилди, у қаттиқ алам чека бошлади. Авваллар ҳеч қачон бундай бўлмаган эди.

— Хуллас калом, сен ўзинг ўйнаётган ролингдан жуда мамнунсан: эрксе-вар аёл, ўйнашини деб ҳамма нарсасидан воз кечган, музейма-музей санғиб юрадиган маърифатли аёл, санъат асарлари қаршисида ийиб кетади, пиёниста Николада Чехов қаҳрамонларига хос сифатларни кашф этади, кўтаринки, олижаноб, ақлли, заковатли аёл, тасодифий тарзда турмушини шўрпешона бир адиб билан боғлаган, бу адибнинг феъли-атвори бўш, у мутлақо сенга ўхшаган баркамол эмас, сен эса ҳақиқий аёлсан, сезгир, мушфиқ, эҳтиросли аёл, бир аёлки...

— Ҳа, — деб унинг гапини бўлди Натали, — менинг табиатим анча-мунча бутун. Гарчи мен бу билан фахрланмасам-да, сен мени қисман худди шу сифа-тим учун ҳам яхши кўриб қолгансан.

— Шунақа, гапинг тўғри, — деди у ўйчанлик билан. — Сен ҳамини ҳақсан.

— Жил, — деб чақирди уни Натали.

Жил ялт этиб унга қаради. Наталининг кўзлари даҳшатга тўла эди. Жил уни кучоқлади. Сирасини айтганда, Жил унга нисбатан разиллик қилмоқда. Нота-ниш, бегона шаҳарда ҳар куни ёлғиз ўзини қолдириб кетади, бетамиз одамлар билан тамадди қилишни сўрайди, яна уларнинг ёнини олиб, уни дашномларга кўмади. Эҳтимол, у Парижда ўлгудек зерикаётгандир. Эҳтимол, Жилдек одам-нинг тан олинган маъшуқаси ротида жиндай бўлса-да, қадр-қимматни сақлаб қолиш учун жон-жаҳди билан қилаётган ҳаракатлари ўз-ўзини ҳимоя қилиш инстинкти туйғули пайдо бўлган нарсадир. Эҳтимол, уни Жилга муҳаббати Натали учун нечоғлик муҳим бўлса, бу ҳам шу қадар муҳимдир... Нима учун Натали унга тегишни истамайди? Жил эрга тегишни ўн марталаб таклиф қил-ди, у бўлса, ўн марта рад этди. Жилни ўйлаб рад этди, албатта — буни у билади. Чиндан ҳам у уйланишдан кўрқарди, уйлансам, турмушнинг икир-чикирларига ботиб қоламан деб кўрқарди. Ҳолбуки, Натали: “Ҳа, мен рози!” деб жавоб бермоғи керак эди. Кейин эридан ажралиб, маҳбубини ҳар қандай шубҳалар-у хавотирларга қарамай, сочидан судраб, мэрияга олиб бормоғи керак эди. Шун-дай дақиқалар бўлдими, одамни мажбур қилиш керак ва унинг кечинмаларини суриштириб ўтирмай, ўз манфаатлари йўлида ҳаракат қилмоқ лозим. Бунда шеригининг иккиланишларига қараб ўтириш керак эмас. Шунда охир-оқибат-да унинг ҳам фойдасига ҳаракат қилган бўласан. Аммо Натали бундай қила олмас эди ва у Наталини худди шунинг учун яхши кўрарди. Ҳаммаси нақадар чалкашиб кетди-я!

— Бор, ётақол, — деди у мулойимлик билан. — Кеч бўлиб қолди.

Ҳар ҳолда, уларнинг кенг тўшақларида икковларининг орасида ҳеч қандай мураккабликлар пайдо бўлаётгани йўқ-ку! Афтидан, Натали ҳам шундай деб ўйлайди, шекилли, чунки бугун у ўтган кечаларга қараганда янада эҳтиросли, янада куйдирмажон ва янада дилрабо эди. Сахарлаб соат бешларга яқин у уй-қудан уйғонди, Натали унинг ёнида тўшак устида қимирламай ўтирар ва қорон-ғида сигарета чекарди. У уйқусини қочириб, ундан ҳол-аҳвол сўрамоқчи бўлди-ю, аммо аллақандай ғира-шира туйғу уни янгидан кўзини юмишга, номардлик қилиб индамай қўяқолишга мажбур қилди. Агар гаплашиб олишга баҳона сақ-ланиб қолса, эртага ҳам бемалол гаплашса бўлади-ку!

V б о б

— Бир қадаҳдан коньяк ичайликми? Ҳали вақтимиз бор.

“Менга деса юз қадаҳ бўлмайдими!” деб ўйлади газаби ичига сигмай. Улар ресторанда ўтиришарди. Бу ресторанда, албатта, “хурмачада пишган гўштни” татиб кўрмоқ расм эди. Сўнг чорак соатдан кейин ҳамма улфатлар театрға бориб, тилга тушган бир асарни томоша қилмоқлари керак. Бу асар Наталини қизиқтириб қолганди.

Натали Парижда болаликдаги дугонасини топиб олди. Бу аёл хунуқкина бўлса-да, жуда ақлли эди. У аллақандай бақироқ ва маишатбоз заводчига турмушга чиққан экан — бахтини тополмапти. Бугунги зиёфатни шу аёл ташкил қилган эди. У аввалдан Наталини огоҳлантириб қўйди — эри анча-мунча нохуш одам экан, икки оғиз гаплашганни диққинафас қилиб юборар экан. Столға ўтириб улгурмасларидан бу аёлнинг ўзи дугонаси билан болаликлариди бошларидан кечган ҳар хил воқеаларни эслаб, вижир-вижир гурунглаша кетишди; ўзининг ақли қосир эри билан Жилни эса ўз ҳолларига ташлаб қўйишди. Жил ҳамма мавзуларда гап очиб кўрди — биржа ҳам қолмади, солиқлар ҳам, ресторанлар ҳам. Лекин гап қовушавермади — мана энди ёрилиб кетай деб зўрға ўтирипти.

— Дўстингиз Рожега ишонаверинг — мен сизни жўнгина Жил деб атасам майлими, қаршилигингиз йўқми — ишонаверинг, биз сиз билан икковимиз, албатта, тил топишиб кетамиз. Мен ҳам театрға борсам ухлаб қолай дейман. Хотиним бўлса ҳар ойда қамида бир марта судраб театрға олиб боради.

“Мана, икковимизни яқинлаштирадиган муштарак сифат ҳам топила қолди, — деб ўйлади Жил жирканиб. — Шўринг қургур меҳнаткашлар-а! Ўлгудай ишлаганлари камлик қилганидай хотинчалари оқшомлари уларни театрға судрайди”.

— Ахир, телевизор деган нарса бор-ку! — деб жаврашдан тинмасди Роже. — Албатта, телевизор нима ҳам қилиб берарди, мен фикрингизга тўла қўшиламан, лекин аҳён-аҳёнда қизиқ нарсаларни кўрсатиб қолишади. Нима бўлганда ҳам ўз уйингда бемалол оёғингни узатиб ўтирасан-ку! Ходласанг чекасан, хоҳласанг жиндай-жиндай отиб ўтирасан. Театрда-чи? Энсаларинг қотиб, сиқилиб, тарс ёрилиб кетай дейсан. Яна шу зерикишинг учун оламжаҳон пул ҳам тўлайсан. Гапим тўғрими?

— Йўқ, мен театрни жон-дилимдан яхши кўраман, — деб қатъий эътироз билдирди Жил. — Лекин коньякни бажону дил ичаман, майли.

— Эсингдами, жонгинам... — деб гап бошлаган Натали уларга мурожаат қилди: — Нималарни гаплашяпсизлар ўтириб олиб?

Натали гўё узра сўраётгандай, Жилга илтижоли назар ташлади.

— Театр тўғрисида гаплашаётган эдик, — деб жавоб берди Жил истеҳзо билан. — Мсье, йўғ-е, узра. Роже телевизорни афзал кўрар экан.

— Уни уйдан бирор жойга олиб чиққунимча она сутим оғизларимга келади, — деди Наталининг дугонаси. — Лекин биз келишиб олганмиз — ҳар ойда бир марта мен уни зўрлаб театрға олиб бораман.

— Биз ҳам бора-бора шунақа қиламиз, шекилли, — деди Жил пичинг аралаш истеҳзо билан Наталига қараб. — Эру хотиннинг кучи ҳам аслида ана шу келишиб олишда-да.

Натали жилмаймади. Унинг ҳозиргина хуррамликдан чақнаб турган чеҳраси бирдан маънос тортиди. Шу даражада маъюсландики, уни кўриб Жилнинг виждони қийналиб кетди. Ахир, суриштириб келганда, у шўрликнинг Парижда ҳеч қанақа таниши йўқ, бари — ана шу дугонаси, холос. Дугонасининг эри бунақа тўнка бўлса, Натали айбдор эмас-ку! Наталининг жуда ҳам театрға боргиси келяпти. Борса борсин, унинг дилини хира қилиш нимага керак?

— Бир қадаҳ коньяк ичасанми? — деб сўради Жил. У стол устидан чўзилиб, Наталининг қўлини олди. Натали унга миннатдорлик билан қаради ва Жилнинг юраги ориқиб кетди. Бугун у Наталини хафа қилди, ҳа, афтидан, бундан кейин ҳам хафа қилиб туради. Лекин унинг учун бир оқшом зерикса зерикибди-да? Нима бўпти шунга? Жилнинг улфатлари даврасида у озмунча диққина-

фас оқшомларни ўтказдими? Лекин инсоф юзасидан айтганда, уларнинг биронтаси ҳам эзмаликда манави Рожега тенг келолмасди. Унга ўхшаган парижликлар билан улфатчилик қилишга фақат вилоятлардан келган овсарларгина чидайди.

— Шошилмоқ керак, — деди Наталининг дугонаси. Кейин у Жилга мурожаат қилди. — Наталининг Парижга келиб қолганидан қанчалик хурсанд эканимни тасаввур ҳам қилолмайсиз. Тез-тез учрашиб турармиз энди, а?

Бу сўзларни у жиндай хавотирлик ичида савол оҳангида айтди. Афтидан, эрининг қанақа одам эканини у жуда яхши тасаввур қиларди. Лекин шунақа одамга теккани учун унга таъна қилиб бўладими? Ахир, бу ерда мантиқ бор — хунук бир қиз вилоятда сиқилиб, хуноб бўлиб юрган-у, бирдан парижлик эркакка рўпара келган. Албатта, у мантиқан тўғри иш қилган, бироқ Жилнинг гашига теккан нарса шу бўлдики, у ўзининг тарихи билан Жил ва Натали ўртасидаги муҳаббатни фарқламаяпти. Тўғри, уларнинг кийинишлари бир-бириникига ўхшарди, гурунглашганда ҳам иккита мактаб боласидек бир-бирига гал бермай, вижирлашиб гурунглашарди — парижлик аёллар ўзаро бунақа гаплашолмайди: парижлик аёллар одатда ўз эркакларига ҳаддан ташқари муккасидан кетган бўлишади ва дугоналари билан дил-дилдан очилиб суҳбатлашгани имкон тополмайдилар. Лекин Натали гўзал, унда ҳеч қандай маҳдудлик йўқ. У Жилни яхши кўради. Жил жилмайди.

— Ҳа, бўлмаса-чи! Албатта, кўришиб турамиз. Баъзан-баъзан кўнгил очиш учун “вестерн”ларга ҳам бориб турамиз.

— Телевизорда бугун “вестерн” кўрсатишлари керак эди, — деб ўқинди Роже. — Янаги гал, дўстим, биз сиз билан икковимиз уйда қоламиз. Бир бўйдоқона улфатчилик қилайлик. Хотинларимизни театрда жўнатамиз, кўраверсинлар ўзларининг драмаларини...

Бунақа оқшом ҳақидаги фикр Жилни шу қадар даҳшатга солдики, буни кўриб Натали асабий кулиб юборди. Театрда ўтирганларида ҳам Натали астагина кулиб қўйди-да, қоронғида Жилнинг қўлини ушлади. Бунга жавобан Жил унинг мўйна ёпинғичи тагига қўлини юбориб, уни тўлқинлантириб, ҳирсини кўзга ш учун атайин сонига қўйди. Лекин Натали унга ортиқ эътибор қилмай қўйган эди — спектакль ҳақиқатан ҳам жуда ажойиб экан — Натали бутун борлиғи билан унга маҳлиё бўлди-қолди. Жил бўлса ҳамон асабийлашиб ўтирар эди. Бундан ташқари, қорнини роса тўйғазиб олгани учун у оғир тортиб, деярлик ҳеч нарса қулогига кираётгани йўқ эди. Танаффус вақтида эркаклар таомилга кўра виски ичгани чиқишди, аёллар пьесани муҳокама қилишар экан, Роже устма-уст икки-уч қадаҳни бўшатди, Жил бўлса теварак-атрофни кўздан кечирди. Вилоятлардан келганларнинг ҳаммаси гўё шу театрда бир-бирлари билан учрашишга келишиб олишгандек кўринарди. Бунда ёш йигит-қизлар ҳам, ёши бир жойга бориб қолган эру хотинлар ҳам бор эди. Улар икки жуфт, тўрт жуфтдан бўлиб олишиб, салобат билан айланиб юришарди. Аёлларнинг устидаги либослари озми-кўпми башанг, баъзи бирларининг елкаларида мўйна ёпқич, ҳаммалари ҳам бу ердalikлари учун димоғлари кўтарилган, такаббур; француз буржуасига хос бепасанд оҳангда, ўзларига бино қўйиб, драматургининг ниятлари ҳақида сафсата сотишади. Жил премьераларда ҳам худди шу аҳвол бўлишини биларди. Фақат унда томошабинлар сатангроқ бўлишади. Тўсатдан унга айни шу сатанглик — туғма бўладими ёхуд ўзлаштириб олишганми — ундан қатъий назар, фавқуллодда муҳим бўлиб кўринди. Ё олифта бўлмоқ керак, ё риёкор бўлмоқ керак. Ундай бўлишга ҳам, бундай бўлишга ҳам Жилнинг юраги бетламайди. Спектакль тугагандан кейин театрнинг ёнидаги турқи совуқ барда “йўл озуғи” деб яна бир қадаҳдан отиб олишгач, улар бир-бирларидан ажралишди. Ўзининг сафга қайтган эски машинасини ҳайдаб борар экан, Жил ҳар эҳтимолга қарши эҳтиёт бўлиб сукут сақлаб борарди. Аммо унинг сукутида жиндайгина пичинг сезилиб турарди. Ниҳоят, Натали маъюс оҳангда деди:

— Роса зерикдинг-а, шундайми?

— Йўқ, унчалик эмас, — деб жавоб берди Жил. — Пьеса яхши экан. Клубга борсак, яна бир қадаҳдан ичардик. Майлими?

— Менга қара, дугонам жуда яхши қиз эди-да, — деб давом этди Натали унинг гапига жавоб бермай. — Шунақа бир дилбар, шунақа юмшоқ эдики...

— Ҳа, дугонангнинг жозибаси бор, — деди Жил. — Лекин анави нусхага теккани чакки бўлипти.

— Ҳа, жуда ачинарли бўлипти.

Жил жилмайиб унга ўгирилди.

— Менга қара, Натали, сени жону дилимдан яхши кўраман.

Бу гапни нима учун айтаётганини ўзи ҳам билмасди — унга шу гапни айтиши кераклигини ҳис қилди, холос. Натали жавоб бермади. Индамай унинг руль чамбарагида турган қўлини қисиб қўя қолди. Улар клубга бориб тўхташди.

Тутун, ола-говур, бақирган-чақирган овозлар, эшик олдидаги назоратчи аёлнинг таниш чеҳраси — буларнинг бари Жилга тоза ҳаво оқимидай таъсир қилди. Жуда ғалати-я! Улар бир зумда бўш стол топишди ва апил-тапи ичадиганларини ичишди. Жил энгил тортди, анча хушвақт бўлиб қолди, унинг кайф қилгиси, бемаъни гапларни гапиргиси, эрмак учун бирортаси билан муштлашгиси келиб кетди. У майнавозчилик қилишни истарди. Бирдан у залнинг нариги томонида бегона бир даврада Жан турганини кўриб қолди. Жан қўли билан ишора қилиб уни чақирди. Жил шу заҳоти ўрнидан туриб, Наталини ҳам ўзи билан судради. Мана, у ниҳоят ўзининг ҳамтовоқлари даврасига — ўрганган жойига келди. Унинг ҳамтовоқлари туни билан майшат қиладиганлар, пиёнистлар, мияси айнаганлар ва, умуман, икки пулга қиммат одамлар эди. Столга яқин келгандагина у Элоизани кўрди. Унинг устида алламбало чарм костюм, калта юбка, ҳамма ёғига занжир-панжирлар осиб олган, жуда дилрабо, жуда мафтункор эди. У заррача хижолат тортмай Жилга жилмайди. Наталига далда берадиган назар билан қаради ва уларга баланд бўйли, ичиб олган аллақандай америкаликни таништирди. Бир хил аёллар ўзларининг ўйнашларини ҳамма билан таништиришни жон-дилларидан яхши кўради. Жан жилмайиб ўрнидан турди ва Наталини ўзининг ёнига ўтқазди. Ҳозир улар ўзаро пьеса тўғрисида суҳбатлаша бошлайдилар — Жан бунақа суҳбатларни жуда яхши кўради. Бинобарин, ҳаммаси яхши бўлади. Бунга Жан заррача шубҳа қилаётгани йўқ. Жил эса сал-пал ўзининг тизгинини бўшатиши, бир оз эркинроқ нафас олиши, янгидан ўзини бўйдоқ ҳис қилиши мумкин.

Америкалик унинг елкасидан қучиб, музиканинг сурони остида унга бир нималар демоқчи бўлар, бироқ Жил унинг гапини тушунмасди.

— Элоиза ва сиз... Better? Yes?¹

У кулиб туриб, кўрсатгич бармоғини гоҳо Жилга, гоҳо Элоизага ўқталди. Ниҳоят, у гапга тушунди, шекилли, кулиб юборди:

— Yes, it is me².

Наталининг нигоҳига дуч келиб, Жил унга қараб жилмайди. Сирасини айтганда, Наталининг Элоиза билан танишиб олгани унга жуда маъқул келган эди. Бунинг устига бугун Элоиза жуда очилиб кетипти — бунинг учун ҳам Жил ичида ғурурланиб кўйди. Бу гаплар Натали учун ҳам яхши эди.

— Ҳа-ҳа, мени шунча азобга қўйган одам мана шу! — деб қичқирди Элоиза сурондан устун келишга уриниб.

— Bad guy³, — деди америкалик Жилнинг елкасини силкитиб. — Энди ўзингиз ёлғизми?

— Йўқ, — деб бақирди Жил музика садоларини босишга ҳаракат қилиб. — Мен манави аёлни яхши кўраман.

— Қайси аёлни?

Жил бармоғи билан Наталига ишора қилди ва гарчи унинг юзида бир лаҳзага даҳшат ифодаси кўринган бўлса-да, Жил бунга эътибор бермади. Натали, албатта, унинг америкалик билан нима тўғрисида гаплашганини тушунди. Хўш, нима бўпти? Бу йигит ёқимтойгина экан, тузук йигитга ўхшайди. Унга Наталини яхши кўришини айтди. Хўш, нимаси ёмон бунинг? У, ахир, бу гапларни ҳеч

¹ Аввалми? Шундайми? (Ингл.)

² Ҳа. Бу мен. (Ингл.)

³ Ярамас бола. (Ингл.)

қандай манзиратсиз, тун чоғидаги арзимас бир суҳбатда айтди. У катта стаканда тўлатиб шотланд вискисидан ичди. Бугунги диққинафасликдан кейин жиндай кўнгилхушлик қилишга ҳаққи йўқми? Албатта, ҳаққи бор.

— Пьеса сенга маъқул бўлдими? — деб сўради Жан.

— Жуда ҳам! Ақл бовар қилмайдиган даражада.

Жан хохолаб кулиб юборди ва Натали билан гаплаша бошлади. Жилнинг жуда ҳам вақти чоғ эди, унга ҳеч ким ҳеч нарса деб таъна қилолмайди, у ҳеч нарса учун масъул эмас, ҳеч кимдан ҳеч қанақа қарзи йўқ. Бугунги диққинафас оқшом бахайрлик билан интиҳосига етмоқда.

— Эски замонларимиз хотиротига мен билан танцага тушсанг бўлармиди? — деди Элоиза.

Жил танцани ёқтирмас ва танца тушишни билмас ҳам эди. Нима бўпти? Шу ҳам муаммоми? У эс-хушини йиғиб улгурмасдан танца тушиладиган доирага бориб қолди ва деярлик қимирламай бир жойда туриб танца қилаётганлар орасида дадиллик билан депсинишга тушди. Эркаклар синчиклаб Элоизага қарашарди — унинг устида Тарзаннинг дугонасиникига ўхшаган либоси ҳаммининг эътиборини ўзига жалб қилган эди.

— Ё тавба! — деди Элоиза норози оҳангда. — Ҳали ҳам танца тушишга укувинг йўқ экан, Жил.

У бунга жавобан кулиб қўя қолди. У Элоизанинг атирини таниди, бу аёлни кўриш унга мароқли эди — ҳар ҳолда, Элоиза Жилнинг ҳаёт йўлидаги бир шахобча эди.

— Қолган масалаларда қалайсан? — деб яна гап бошлади Элоиза.

— Шарми ҳаё деган нарса қолмабди, сенда. Шу ерда гапингга жавоб беролмайман-ку?

Суриштириб келганда нима учун жавоб беролмайди? Мана шу янги Элоиза билан яна бошқатдан муҳаббат ришталарини боғласа хўп ғалати бўларди-да! Янги Элоиза! Иборанинг ўзи ғаройиб. Сўз ўйинига ўхшайди. Жил унга шуларни гапирди, лекин у тушунмади, шекилли. Натали бўлганда дарров тушунарди. Натали маърифатли аёл. Шу пайт Жил уни кўриб қолди — Натали америкаликнинг кучоғида унинг ёнидан “лип” этиб ўтиб кетди; америкалик бир оз қоқиларди, Натали бўлса диққинафас бўлиб сиқилиб кетганга ўхшайди. “Э-э, қанақасан ўзи! Бир оз ёзилиб яйрамайсанми? — деб ўйлади у алланечук қаҳр билан. — Ўйнаб-кулгин-да, ахир!”

Жил билан Элоиза жойларига қайтиб боришди. Натали эса ҳали ҳам америкалик билан танца тушишда давом этарди.

— Наталининг кайфи йўқроқ кўринади, — деди Элоиза.

— Сенинг ошнанг оёғини босавериб эзиб ташлади, шекилли, — деб жавоб берди Жил.

— У жуда зўр йигит, — деди Элоиза.

“Икки ой аввал Элоиза ўлақолса эркак киши тўғрисида “зўр” деб айтмаган бўларди”, — деб хаёлидан ўтказди Жил. “Мен билан турганида ҳамма эркакларни баджаҳл деб ҳисоблаган бўлиши керак”. Кейин бирданига мастликда бўладиган кўнгилчанлик вужудини қоплаб олди.

— Менга қара, Элоиза, сен бахтлимисан?

— Агар шундан хурсанд бўлсанг, майли, марҳамат, — деб қуруққина жавоб берди Элоиза ва ўтирилиб олди.

Шу чоқ унинг кўз ўнгидан Наталининг гуссали қиёфаси лип этиб ўтиб кетди ва Жил яна бир стакан вискини сипқорди. “Э-э, нимасига хуноб бўламан! Ҳамма аёллар бир гўр — ҳеч қачон ўзларини бахтиёр ҳис қилишмайди. Ҳар гал биз айбдор бўлиб чиқамиз. Яхши ҳамки, ошна-оғайнилар бор, шулар жонингга ора киришади”. Шундай деб у Жанга муғомбирона кўз қисиб қўйди. Натали қайтиб келди, Жил ўрнидан турди. Натали юраги пўкиллаб унга қаради:

— Толиқмадингми?

Ана холос, энди Наталининг уйга кетгиси келипти — ҳолбуки, Жилнинг эндигина кайфияти кўтарилиб, эндигина вақти хушлик қила бошлаган эди.

— Йўқ, — деб жавоб берди у. — Юр, танца тушайлик.

Иттифоқо, оркестр босиқ фокстрот куйини чалиб юборди. Ўшанда — ёзда ҳам шу куйга рақс тушишган эди. Дафъатан очиқ ҳавода Лимож яқинидаги

зиёфат кўз олдига келди. Ўшанда Наталидан танца тушгани зўрға розилик олган эди, укасини Наталига роса рашк қилган эди. Ўшанда икковлари дарахт панасида туриб ҳаммадан яширинча роса ўпишишган эди... Натали... У ҳозир Жилга ёпишганча бир маромда аста чайқалмоқда. Жилнинг унга меҳри ийиб кетяпти, уни яхши кўради, ўзининг ана шу тўпори тентаккинасини севади. Жил бошини энгаштириб, унинг қулоғига бир нималарни пичирлади, Натали бошини унинг елкасига қўйди. Энди ортиқ на ошна-оғайнилари, на собиқ ўйнаши, на шериклари қолган эди, Жил учун ҳозир фақат Натали мавжуд эди.

Кейин эса, анча вақт ўтгандан кейин тонг ёриша бошлаган паллада улар ниҳоят бу тун кучоғини тарк этишди. Машинани Натали ҳайдашига тўғри келди. Жил оёғида зўрға турарди, лекин алланималарни тўхтовсиз жаврар, ўзининг ғира-шира ва дадил фикрларини ифодаламоқчи бўларди. Нималар рўй берганини у тушунмади. У ҳали хасталигида, Натали ёш боладек уни парвариш қилиб, ғамини еб юрган кезларда, унинг муҳаббати туфайли Жил ўзини анча бардам ва тетик ҳис қиларди. Энди эса Жил ўз навбатида Наталига ғамхўрлик қилиши керак бўлганда, уни ҳимоя қилиши зарур бўлганда у бўшашиб ўтирипти. Уни ич-ичидан аллақандай зиддият кемирапти — у ўзини иккита одамдек ҳис қиляпти — бир томондан, бу аввалги, эски Жил, иккинчи томондан эса Наталини яхши кўрадиган Жил. Натали Жилни бир амаллаб ечинтириб, ўринга ётқизишга уринар экан, Жил буларнинг ҳаммасини унга гулдираб-гулдираб тушунтирмоқчи бўлди, лекин Натали бир оғиз ҳам жавоб бермади. Эрталаб тонг ёришиши билан уни гул дўконининг югурдаги уйғотди — у улкан бир гулдаста олиб келипти.

Натали эснай-эснай кеча америкаликнинг “менга эрга тегасан” деб роса авраганини айтиб берди.

VI б о б

Жил кун бўйи ўкиниб изтироб чекиб юрди. Суриштириб келганда у бу аёлнинг олдида жуда бемаъни аҳволга тушиб қолган. У театр деганда ҳеч вақони тушунмайди, адабиёт борасида ҳам ҳамма нарсага ақли етавермайди, бадий диди йўқ даражада, у ҳатто ўзининг мутахассислиги деб ҳисоблайдиган соҳада ҳам бемалол қовун тушириб қўйиши мумкин. Натали эса бунақа ҳолларда билдирмай жонига ора киришга ҳаракат қилади. Жилнинг Элоизага хушомад қилганларини кўриб Натали ичида роса кулган бўлса керак. Шўрлик Элоиза! Топган бадавлат ўйнаши чакки эмасга ўхшайди — Наталини кўриши билан Элоизани кўйиб, унга осилиб олди. Албатта, Натали ҳар қанча маърифатли бўлмасин, феъл-атвори ҳар қанча бекаму кўст бўлмасин, алланечук оҳанграбоси бор — ҳатто бадмаст америкалик ҳам бунга сезди. Жил гул олиб келган йигитни кузатиб, кўлида кучоққа сиғмайдиган гулдастани кўтариб, жуда бемаъни бир қиёфада ётоққа қайтиб кирганда, Натали нима гап эканини тушунтириб ўтирмай, хоҳолашга тушди. Жил бўлса ўриннинг бир чеккасига омонатгина ўтириб, Натали кўлидан гулдастани олмагунча: “Ана холос! Ана холос!” деб ғудраниб турди. Кейин Натали уни ўпди.

— Сен унга нима деб жавоб бердинг?

— Марҳаматингиздан ғоят миннатдорман, дедим. Лекин мен бошқани яхши кўраман, дедим. Лекин қўлим билан сени ишора қилиб кўрсатиш эсимдан чиқиб қолипти, — деб йўл-йўлакай кўшиб ҳам қўйди у.

— Ҳар ҳолда тузуккина сурбет экан, — деди Жил.

Унинг иззат-нафси камситилган эди. Наталининг ёнида у ҳаммиша сояда қолиб кетади. Албатта, у Жилни яхши кўради, аммо муҳим масалаларда Натали унга қараганда беқиёс ўткир. Унинг кўнглидан бир фикр ўтди — уч ой муқаддам худди шу нарса уни қутқариб қолган эди; шу билан бирга у бунинг аксини истаб қолмоқчи бўлиб, бошини қотириб ўтирипти. Агар тузукроқ ўйлаб кўрилса, алоқаларининг бошиданоқ ҳамма ишда ташаббус унинг қўлида. Жил фақат битта иш қилди — уларнинг жўнаб кетишларини тезлаштирди, холос. Бошқа масалаларда... Жилни танлаган у. Жилнинг қўйнига кирган у, охир-

оқибатда шунга эришдики, мана энди икковлари бирга. Албатта-да, ихтиёрни бериб қўйсанг, ҳадемай икковларининг ҳаёти буткул у кўрсатган изга тушиб кетади. Далил-исбот керакми? Ана, кеча кечқурунги аҳвол. Тўғри, сўнгги икки ой мобайнида Наталининг инон-ихтиёри билан кечагига ўхшаган оғир мажбурият зиммасига биринчи марта тушди. Лекин одатда бунақа нарсалар бир бошлаб олгунча, кейин ўзидан-ўзи кетаверади. Жил камситилган одамдан эзилган, ихтиёри қўлидан олинган одамга айланиб бормоқда эди. Ўша кунининг қўли сира ишга бормади, кайфияти жуда ҳам ёмон эди. У Жильданикига боришга аҳд қилди. Парижга қайтиб келганидан бери ҳали уникига бир марта ҳам бош суққани йўқ. Жилнинг бу иши, албатта, номаъқул эди. Ҳар ҳолда, Жильданининг камида иккита ажойиб фазилати бор эди — биринчидан, у ҳамини эркакларнинг тарафини оларди, иккинчидан, сир сақлашни биларди. Соат олти бўлиб-бўлмади у Жильданикига етиб борди ва унинг остонасидан ўтиши биланоқ баҳорда шу уйда аллақандай аёлни пойлаб, жуда бўлмағур бир оқшомни ўтқазганини эслади. Ўша аёл келганида у эшикни очмаган ҳам эди. Бу воқеа “Натали”дан аввал бўлган эди. Албатта, ўз-ўзидан аёнки, ҳозир Натали ҳақида оғиз очмаслиги керак. Натали — унинг пинҳона сири, Натали унинг хотини, рафиқаси, Жил унинг тўғрисида ҳеч ким билан гаплашмаслиги керак, акс ҳолда, бу разиллик бўлади ва буни Натали, албатта, кечирмайди. Бироқ у аллақачон қўлида муздек виски солинган стакан билан юмшоқ қизил ўриндиқда ўтирарди. Рўпарасида эса ўтмишдаги саёқликларига шерик бўлган ҳар нарсага қизиқувчан аёл Жилнинг гапларига махтал бўлиб ўтирипти. У ўзини ёшаргандек ҳис қилди. Энди, нимасини айтасан, ишқий саргузашт ишқий саргузашт, холос, ундан ўзга нарса эмас.

— Хўш, қалайсан? — деб сўради Жильда. — Кўринишинг жуда ҳам яхши. Одамларнинг гапига қараганда, жуда ҳам бахтиёр эмишсан.

— Жуда, — деб тасдиқлади у эринчоқлик билан.

Жильда ҳар доимдагидек ҳамма нарсадан жуда яхши хабардор эди.

— Ундоқ бўлса, нега бу ерга келдинг? — Шундай деб кулиб юборди у. — Эркаклар менинг ёнимга ё ишқ излаб келишади, ёки кўнгилларини бўшатгани. Турқинга қараса, унчалик бахтиёр ошиққа ўхшамайсан. Нима гап ўзи?

— Нимасини айтай? Жуда мураккаб буларнинг бари, — деб бошлади Жил.

Шундан кейин гапира кетди. Узоқ гапирди. Гарчи ёлгон гапиришни жиндан бадтар ёмон кўрса-да, фактларни ўз фойдасига жиндай-жиндай ўзгартириброк гапирди. Ҳикоясининг охирига етганда кайфияти бутунлай бузилди. Жильда кўзларини қисиб олганча, устма-уст сигарета чекиб индамай ўтириб тинглари. Унинг юзидаги ифода фолбинниқига ўхшаб кетарди — Жильданининг чеҳрасида бундай ифода тез-тез пайдо бўлиб турарди. Жил гапдан тўхтагач, Жильда ўрнидан турди, сал-пал сонларини диркиллади, хонани айланиб чиқди, кейин яна ўриндиққа ўтирди-да Жилга синчиклаб тикилиб қолди. Умуман, буларнинг ҳаммаси кулгили эди. Жил унинг олдига келганига пушаймон бўла бошлаган эди. Жильда унинг нигоҳида ялт этган мугомбирликни пайқаб қолиб, аччиғланди.

— Агар мен тўғри тушунган бўлсам, хониминг сени қаттиқ қўлига олиб олган-у, унинг чангалидан қандай қутулишни билолмай гарангсан, шунақами?

Жилнинг жаҳли чиқди.

— Сира ҳам ундоқ эмас-да, — деди у. — Асосий гапни унутибман. Мен сенга асосий гапни айтмабман.

Асосий гап эса Наталининг эҳтиросида эди. Ухлаётган Жил бетларини қўйиб ётадиган бетларида, икки бетидаги кулгичида, Наталининг битмас-туганмас меҳри-ю латофатида, унинг ҳаддан ташқари теран ҳаққўлигида ва унинг Жилга бўлган чексиз ишончида эди. Арзон-гаров бузуқилик йўлига кирган жуда кетиб юборган чала фоҳиша Жильда бунақа нарсаларни тушунмай қўйганига анча бўлган эди. Ундоқ бўладиган бўлса, нима қилиб юрипти Жил бу ерда?

— Асосий гап нимада экан? Нима бало, жигарингдан уриб қолганми дейман?

Аммо Жил аллақачон ўтирган жойидан сапчиб турган ва ғазабданми ёки уялганданми дудуқланиб, гапини минғирлаб чала-ярим гапирмоқда эди:

— Мен сенга тузукроқ айтиб беролмадим, шекилли... Кўй, бу гапларни унутайлик. Мени кечир.

— Ундай бўладиган бўлса, суйғилинг қишлоғидаги қозисининг олдига қайтиб кетганида менинг олдимга келарсан. Биласан-ку, ҳамиша уйдасан.

“Ҳа, — деб ўйлади нафрати жўшиб, — сен ҳамиша уйдасан. Сен ошнала-рингнинг ҳар қандай разиллигидан, ҳар бир жирканч ишидан, ҳар бир бузуқлигидан ҳамиша хурсандсан. Сен аёлларнинг ғалати тоифасига мансубсан — бунақа ёлларнинг кўйнида эркак ҳамма дардларини унутаётгандай бўлади-ю, аслида эса турли-туман қабоҳатлардан бўғилиб, ўлишига сал қолади”.

Эшик олдига борганда у ўтирилди.

— Сен айтгандай, у мени кўлига олиб олгани йўқ, мен ўзим ундан ажрала олмай қолганман.

— Унақа бўладиган бўлса, хушторинг тўғрисида бошқача қилиб гапириб бериш керак эди, — деди Жильда кулиб ва унинг кетидан эшикни беркитди.

Зинанинг тепасида Жил бутун аъзойи бадани ғазабдан қақшаётганини ҳис қилди, лекин у кимдан ғазабланаётганини ўзи ҳам билмай гаранг эди. Бутун Париждан қутурган ит қувгандай елиб ўтди, машинасини қайгадир қўйди-да, зинадан югуриб, уйига кўтарилди. Аммо эшигининг олдига бориши билан Наталининг кулганини ва эркак кишининг гулдирлаган овозини эшитди. Оғир хансираб тўхтаб қолди. “Агар бу америкалик бўлса, башарасини абжақ қиламан, тамом. Шундай қилсам, менга ҳам, унга ҳам фойда бўлади. Иккимизга ҳам”. Шу хаёлидан ўтди-ю, эшикни ўзининг калити билан очиб киришнинг ўрнига, қўнғироқ тугмачасини босди. Назарида шундоқ қилса одобдан бўларди. Аммо Натали чах-чах уриб кулганича эшикни очди.

— Қани, топ-чи, ким келди бизникига! — деди у.

Меҳмонхонанинг эшигида унинг укаси жилмайиб турарди. Жилнинг башарасида ғалати бир ифода қотиб қолган эди. Шунинг учун Натали сўради:

— Сен ким деб ўйловдинг?

— Билмасам, — деб гўлдирлади у. — Яхшимисиз, Пьер.

— Сен Уолтер деб ўйладингми?

— Уолтер?

— Анави кечаги америкалик-да... Мен унинг тўғрисида Пьерга гапириб тургандим.

Шундай деб, кўздан ёши чиққунча кула-кула у ўзини ўриндиққа ташлади. Укаси унинг ёнида турар ва у ҳам куларди. Жилнинг бутун вужудини масрурлик туйғуси чулғаб олди. Опа-ука болалардек юракдан кулишар, уларнинг кулгисида болаларга хос беғуборлик ва самимият сезилиб турарди. Уларнинг икковлари ҳам шундай чиройли эдиларки, уларга қараб тўймас эди киши. Демак, ҳали дунёда рисоладаги одамлар бор экан. Жил ўртана-ўртана эзилган ва айни чоғда мамнун қиёфада ўзини ўриндиққа ташлади. Ўзининг бемаъни феълитвори вайидан бутун кунини аҳмоқона бир тарзда ўтқазгандан кейин ўзининг уйига, ўзининг оиласига келди.

— Қачон келдингиз, Пьер?

— Бугун эрталаб. Икки кун бўш вақтим чиқиб қолган эди. Наталини жуда ҳам кўргим келиб кетди. Хатларининг ўзига сабрим чидамайди.

Бундан чиқадики, у укасига тез-тез хат ёзиб турар экан-да? Музейларга бориш орасида-я? Умуман, кун бўйи Натали нима иш қилади ўзи? Жил ҳамиша ишдан қайтиб келганида, кунни қандай ўтганини унга айтиб беради; улар тен-таклардек ҳовлиқишиб сиёсат ҳақида баҳслашар, газеталар, таниш-билишлар тўғрисида гап сотишар эдилар, лекин Натали ҳеч қачон ўзи тўғрисида унга гапириб бермасди, гапирса ҳам, фақат ўзининг Жилга муҳаббати тўғрисида гапирарди, холос. Нималар тўғрисида ёзиши мумкин эди укасига? “Мен бахтиёрман... Мен сиқилиб кетдим... Жил жуда ҳам яхши... Жил учун яхши эмас...” Жил Пьернинг чеҳрасига разм солди — шу мактубларнинг бирон муҳри унинг чеҳрасида сезилармикин? Пьернинг чеҳрасида ҳеч нарсанинг муҳри йўқ эди. Ёввош бир қизиқиш ифодаси бор эди, холос. Йўқ. Натали ичида борини ундан ҳам, укасидан ҳам бирдай яширадиганга ўхшайди. Жил бир соат олдин Жильданинг ёнида ўтириб, Натали тўғрисида гапирганларини эслади ва ўзи уялиб кетди.

— Нима бало, ичадиган бирон нарса йўқмиди? — деди у шоша-пиша. — Натали бекаликни роса ўринлатибди-да?

— Натали ҳамма жойда ўзини меҳмондай тутади, — деб унинг гапини қўллади укаси. — Бу масалада унда ҳеч гап кор қилмади-қилмади, — деб шодмонлик билан жилмайди у.

Натали музлаткичга қараб югурди, эркаклар ёлғиз қолишди.

— Сиёғига қараганда, опам бахтиёр кўринади, — деди Пьер.

Пьер хотиржам оҳангда гапирарди, лекин барибир, унинг овозида жиндай бўлса-да дағдага нишонлари бор эди. Худди ўша Лимождаги машхур зиёфат вақтида бўлганидек. Хуллас калом, Пьер ҳамон “олижаноб ука” ролини ўйнашини бас қилмаган ва бу Жилнинг гашига тегмоқда эди.

— У чиндан-да бахтиёр бўлса керак, деб умид қиламан, — деди у.

— Менинг хавотирларим бекор бўлиб чиқса, жуда хурсанд бўлардим, — деб осойишта давом этди Пьер. — Опам кетгандан кейин Лиможда ёлғиз ўзим жуда сиқилиб қолдим.

— Албатта, ҳолингизга ачинаман, Пьер, — деди Жил. — Натали бўлмаса, Парижда мен ҳам сиқилиб қолардим.

— Ана шуниси муҳим-да! Ман айни шу гапни оғзингиздан эшитсам деб юрардим.

— Натали сизга бу тўғрида ёзиб юбормаганмиди?

Пьер кулиб юборди.

— Натали ўзининг туйғулари ҳақида гапиришни ёқтирмайди. Сиз буни бишлишингиз керак.

Қўлида патнусни уқувсизгина кўтариб Натали кириб келди ва Пьер шу заҳотиёқ сапчиб туриб, унинг қўлидан патнусни олди. Ҳа, Наталини бутун умри мобайнида авайлаб-асрашганга ўхшайди, уни бутун умри мобайнида яхши кўриб ардоқлашган, энди эса Жил унинг тантиқ боланикига ўхшаш қақшаган асаблари билан кўпинча унинг юрагига ваҳима солаётган кўринади. Натали билан укаси ўртасида теран бир муҳаббат мавжуд эди, улар бир-бирларига боғланиб қолишган, улар бир-бирларига жуда кўп яхшиликлар қилишган, уларни бировнинг буйруғи билан эмас, ўз-ўзларича, юрак амри билан қилишган; шу яхшиликлар ҳақидаги хотиротлар уларни бир-бирига боғлаб туради. Тўсатдан Жил унинг ҳаёти ҳам шундай бўлмоғини кўмсаб қолди. Кўққисдан у опаси билан ўзи ўртасида бунақа самимий яқинлик бўлмаганини эслади. Албатта, опаси ҳаммиша уни ўғилдай кўрган, лекин шундан нари ўтмаган. Унинг бошқа аёлларга муносабатидан ҳам қувониб мақтанадиган нуқталар жуда кам бўлган. Бу муносабатлар кўпинча киши билмас қувончсиз мухорабалардан иборат бўларди. Бу мухорабалар орасида қисқа муддатли бахтиёрлик дақиқалари ҳам рўй бериб турар, лекин улар муқаррар тарзда мағлубият алами аралашган музаффарият билан, ёки тўғридан-тўғри мағлубият билан тамом бўларди. Жил кўққисдан кеча ортиқча ичиб юборгани учун ўзида ҳорғинлик ҳис қилди. У ўзининг бунақа аҳволини ёқтирмас эди.

— Кечки овқатни икковларинг бирон жойда бирга қилақолсаларинг бўлмасмикин? — деди у. Шундай қилсаларинг хотиржамроқ бўлармидиларинг? Мен эртароқ ётардим. Жуда ланж бўлиб кетяпман — кеча ортиқча ичиб қуйибман.

У опа-уканинг “йўқ” дейишини кутган эди, лекин Наталининг чехраси ёришиб кетди.

— Сен ёлғиз ўзинг зерикиб қолмайсанми? Пьер билан икковимиз кўпдан бери учрашганимиз йўқ.

— Сиз ростдан ҳам қарши эмасмисиз? — деб сўради Пьер.

“Шўрлик Натали, — деб ўйлади Жил, — сен бечора кўпдан бери тузукроқ одамларни кўрганинг йўқ. Ҳақиқатан ҳам, қани, сен кимни кўрдинг ўзи? Адойи тамом бўлган Николани, мени сендан қизғанадиган Жанни, шўрпешона дугонагни кўрдинг, оқшом соат саккиздан эрталабгача мендай ночор махлуқни кўрасан. Бу ҳам етмагандай, шу махлуқни яхши ҳам кўрасан, менинг тентаккинам”.

У бошини сарак-сарак қилди.

— Йўқ, қарши эмасман... Аксинча. Борақолинглар, менсиз тамадди қилақолинглар. Агар сизлар қайтиб келгунча ухлаб қолмасам, ўтириб биргалашиб чой ичамиз.

Улар чиқиб кетишгандан кейин Жил телевизорни қўйди, қўйди-ю, шу заҳотиёқ ўчирди. Музлаткичнинг олдида тик турганича бир тўғрам гўшт еди ва ўрнига кириб ётди. Унинг ёстуғи ёнида жуда ажойиб детектив роман бор, қўлини чўзса, етадиган жойда — катта шишада минерал сув, сигарета турипти. Радиодан жуда яхши концерт беришяпти.

Ахён-ахёнда одам ёлғиз ўзи қолиб турса ҳам чакки бўлмайди — бунинг ўзига хос яхши жиҳатлари бор. Суриштириб келса-ку, Жил ҳамиша ёлғиз бўлган. Қартайиб қолган ёлғиз меҳрибон бўри! Жил ўзининг ўзи яратган бу образига маҳлиё бўлиб, чироқни ўчирмай ухлаб қолди.

VII б о б

Вақт ўтиб боряпти. Натали ишга киришга қарор қилди. У Жилга туристлик агентлигидан ўзи учун яхши бир жой топганини айтди. Маоши ҳам дуруст, шекилли. Тирикчиликларини бемалолроқ ўтказишга ёрдам беради. Жилнинг топгани рўзғорга зўрға етяпти. Жил аввалига кулиб юборди. Жилнинг кўмагисиз ўзи биритиб келганига жиндай энсаси қотди. Ва, умуман, Наталини идорада стол ортида ўтирганини тасаввур қилишнинг ўзи ғалати эди.

— Ҳамма музейларни томоша қилиб бўлдингми? Яна нима жин урди сени?

— Кун бўйи ҳеч нарса қилмай бекор ўтираман, — деб жавоб берди у. — Бунақада мия палағда бўлиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

— Лиможда нима иш қилар эдинг?

— Лиможда менинг зиммамда хайрия жамияти бор эди, — деб хотиржам жавоб берди у.

Жил хохолаб кулиб юборди. Вой тентаг-ей!

— Биламан, бу гап бемаънидай кўринади, — деди у. — Лекин биласанми, кўпларга ёрдамим тегарди...

— Шундоқ бўлса ҳам... Сени ионачи хоним ролида тасаввур қилиш... Кун бўйи сен мен билан бирга бўлардинг-ку?

— Сен билан бирга бўлсам, бу ёзда бўлган эди, — деб унинг гапини қайтарди Натали. — Камбағал одамлар учун энг оғир вақт — қиш фасли.

Жил ҳайрон бўлиб, унга тикилиб қолди.

— Агар гапингни тўғри англаган бўлсам, бундан чиқадики, мен опамникига қишда борган бўлсам, биз сен билан учрашмаган бўларканмиз-да?

Натали кулиб юборди, қизариб кетди.

— Йўғ-е... Гап бу тўғрида эмас. Агентликдаги иш жуда яхши экан, директори — Пьернинг ошнаси экан, жуда ёқимтой одам. Биласанми, туристлар учун маршрутлар ишлаб чиқиш гоятда мароқли иш. Мен уларни Перуга, Ҳиндистонга, Нью-Йоркка жўнатаман...

— Агар уч-тўрт сўмнинг илинжида ишлаётган бўлсанг, бу бемаъниликдан бошқа нарса эмас, — деди Жил. — Рўзғорга тежаброқ харжлаш мумкин.

Қолбуки, мутлақо равшан кўриниб турарди, исрофгарчилик қилаётган Жилнинг ўзи. Бунинг устига, у пулнинг қаёққа кетаётганини сира ҳам билмайди. Ошна-оғайнилар, ичкилик, такси, қўйинг-чи, пул сувга ургандек шувиллаб кетади. Агар Натали бирон жойга бораётган ёхуд бирон либос харид қилаётган бўлса, буни Жил топиб келадиган пул ҳисобидан қилаётгани йўқ. Наталининг қандайдир эскидан қолган оилавий рентаси бор экан. Шунинг ҳисобидан Лимождан ҳар ойда юз минг франк келиб туради. Бунинг устига Жил мавлуд байрамида унга жуда чиройли қадимий тўғнағич олиб берди. Унинг пулидан ҳали узилгани йўқ. Очигини айтганда, Наталининг миясига келган фикр сира ҳам ёмон фикр эмас, лекин шундоқ бўлса-да, унинг “ишлайман” дегани нима учундир Жилнинг гашига тегарди.

— Йўқ, уч-тўрт сўм илинжида ишлайин деяётганим йўқ, — деди Натали. — Шу иш мени қизиқтириб қолди. Лекин сенга маъқул келмаса, мен рад этишим мумкин.

— Билганингни қил, — деди у. — Айтганча, саёҳатдан гапирсак, гулфурушинг қачон қайтади?

Гап шундаки, америкалик сувраткаш жуда безор қилиб юборди. У Наталини атиргулларга кўмиб юборди; сертавозеъ мактубларга ҳам. Шунинг учун Жил унга “гулфуруш” деб лақаб қўйиб олди. У олис бир сафарга жўнаб кетди ва қаерга борса, ўша жойдан Наталига откриткалар жўнатарди. Уларнинг мазмунни беозор бўларди, лекин бу откриткаларда керак бўлса ҳатто ўттиз йил ҳам кутишга аҳд қилган одамнинг комил ишончи сезилиб турарди. Жил кайфиятига қараб, баъзан улардан куларди, баъзан ғазаби кўзирди. Откриткалар Наталига ёқарди ва у ўзининг одатига кўра буни яширмасди. Наталининг яширмагани, албатта, Жилни хотиржам қилмоғи керак эди, лекин икковларининг биргалликда бу ношуд хуштор устидан кулишларига халақит берарди. Натали ҳар қандай самимий туйғуда, унинг қандайлигидан қатъий назар, мазаҳ қилиб куладиган ҳеч нарса бўлмайди деб туриб олди. Бу тўғрида Натали Гарнье билан узундан-узоқ баҳслашиб турарди. Жил уни бир куни Гарньега таништириб қўйганди. Гарнье эса турмадаги ёш дўстидан кўнгил узгани йўқ эди. Ўрни келганда айтмоқ керак — Гарнье зиммасидаги ишларни Жилнинг бўйнига борган сари кўпроқ юкламоқда эди. Жил эса ҳориб-чарчаб уйга қайтганда, Наталининг ёнида Гарнье ўтирганини кўрарди. Камининг ёнига жойлашиб олиб, Натали билан гап сотишиб ўтирган бўларди. Ҳар қалай, Наталининг хўп ғалати диди бор-да! Пиёниста Никола билан фосиҳ Гарньега улфат бўлиб қолса, Натали очилиб кетарди — қувноқ, сўзамол бўлиб қоларди. Зиёли, эсли-хушли Жан билан улфатчилик қилиб қолганда эса, афтидан, Наталига малол келарди. “Сен билмайсан, — деб эъгироз билдирар эди Натали Жил тўғрида оғиз очиб қолганда, — уларда алланечук самимият бор, тўғрилиқ бор. Шу менга ёқади!” Жил елкасини қисиб қўя қоларди. Унинг фикрича, Никола билан Гарнье одамни хуноб қилиб юборадиган кимсалар, аммо у Наталининг америкалик гулфурушдан кўра шуларга қизиққанини афзал кўради.

Шундай қилиб, Натали ишлай бошлади. Энди у ишдан кейин Жилни олиб кетгани тез-тез газетага кириб турарди. Бутун дунёда одамлар борган сари эсларини еб, телбалашиб боришмоқда, газета ходимлари ўртасидаги баҳслар, тортишувлар борган сари шиддатлироқ бўлиб бормоқда. Шунинг учун Натали баъзан Жилни кутиб, икки соатлаб барда ўтирадиган бўлиб қолди. Албатта, Натали ҳеч нарса деб унга дашном бермас эди, ҳатто унга ачиниш ҳам кўярди, аммо “Натали пастда ўтирипти, мени пойлаб, сиқилиб кетяпти” деган фикр Жилга азоб бераверарди. Охир-оқибатда, улар “ўзларининг уйларида” гина бир-бирларини кутишни келишиб олишди. Кунлардан бирида эса Жил тунагани келмади.

Ўша куни жуда бемаза кун бўлди. Аблах Тома, ярамас Тома разилликнинг ҳар қандай чегараларидан чиқиб кетди. Кейин Жилни Фермон ҳузурига чақириб олиб, роса таъзирини берди: унинг фикрича, Жилнинг мақолалари ҳаддан ташқари қуруқ эмиш, уларда “ўқувчини” қизиқтирадиган кутилмаган воқеалар, олди-қочдилар йўқ эмиш. Жил донғи кетган бу ўқувчи ҳақида тасаввурга эга эмас эди. Шу “ўқувчи”ни гапиравериб, унинг қулоқ-миясини еб юборишди. Қани, энди иложи бўлса-ю, Жилнинг кўлига бир тушиб қолса — Жил роса ҳузур қилиб унинг бурнини ерга ишқаган бўларди.

— Ўқувчига, — деб давом этарди Фермон, — албатта, объектив информация бермоқ керак, аммо мавзу уни қизиқтирмоғи керак, ҳатто уни хотиржам ўтиролмайдиган қилиб қўйсин.

— Фактларнинг ўзи, воқеликнинг ўзиёқ китобхонни етарли даражада жунбушга келтира олади деб ҳисобламайсизми? — деб пичинг билан сўради Жил.

— Ҳамма ёқда уруш, ҳамма ёқда...

— Уруш фақат бир ҳолдагина китобхонни жунбушга келтира олади — бунинг учун у бевосита унга дахлдор бўлмоғи керак.

— Албатта, дахлдор-да, — деди тарвузи қўлтигидан тушган Жил. — Сиз мендан нима истайсиз? Мен ўқувчиларга Вьетнамга жўнатиш учун солдат ёллайдиган идоранинг адресини берайми? Наҳотки, рақамлар сизга етарли даражада маънодор туюлмайди?

— Сиз етарли даражада маънодор туюлмайсиз.

Хуллас калом, Жил Фермоннинг олдидан ловуллаб отилиб чиқди ва мақолани бошқатдан ёзишга киришди. Ҳолбуки, соат олти бўлган эди. Хонасига кириб келаётиб у Гарньёга рўпара келди ва ундан Наталени огоҳлантириб қўйишни, иложи бўлса, уни бирор жойга олиб бориб, овқатлантиришни илтимос қилди. Буни эшитиб, Гарньё хурсанд бўлиб кетди, шекилли. Жилнинг ўзи эса хонасига кириб, ёзув машинкасининг ёнига ўтирди. Аммо унинг фикри-зикри қайта ёзилиши керак бўлган мақолада эмас, балки Фермоннинг дашномларига жавобан айтилиши керак бўлган, лекин вақтида эсига келмай, айтилмай қолган ибораларда эди. Тахририятда ҳеч ким қолмаган эди, Жил ўзининг ижод маҳсулидан ижирғаниб, ҳамма хоналарни бирма-бир айланиб чиқа бошлади. Жаннинг хонасига кириб, жавондан бир шиша шотланд вискисини топиб олди, ундан бир стакан қуйиб ичди, лекин ҳеч қанча энгиллашмади. Бу ланнати газета хўп ҳам жонига тегди-да! Бу ерда у ҳеч нарсага эришмайди, умрининг охиригача шу аҳволда эзилиб ўтиб кетади, Фермон бўлса бутунлай ақлидан озади ва Жилни ўз ҳолига қўймай, қийин-қистокқа олаверади. Жил Лантье қариб соб бўлади. Натали бир оғир карвон муҳтарама хонимга айланади. Балки улар турмуш қуришар, балки улар фарзанд кўришар, эру хотин Лантьелар машина сотиб олишади, телевизор билан яхши жиҳозланган чоғроқ ферма олишар. Кошки эди улар шунақа фаровонликка эриша олса. Ҳаммаси даҳшат! Қандоқ одам эди-я у, яъни Жил Лантье! Ҳар қандай хатарли ишдан тап тортмас эди, бутун дунёни кезиб чиқишга тайёр эди, нақадар тиниб-тинчимаган, жўшқин эди! Ана шу Жил бугун-эрта хўжайини ва ўйнашининг зулми остида бутунлай адоий тамом бўлади. Яна уларнинг иккови Жил бечорани қоралаганига ўласанми?.. Бас, бўлди, етар! Энди у ортиқ истамайди — уни қораламасинлар ҳам, уни кечирмасинлар ҳам, уни ҳеч қанақа қолипга жойлаб, қўл-оёғини боғламасинлар ҳам. Бу қолип хоҳ унинг касбига тегишли бўлсин, хоҳ туйғулар бобида бўлсин, Жил унга жо бўлишни хоҳламайди. У аввалгидек ёлғиз ва эркин бўлишни истайди. Худди кучук боладай эркин бўлса... Илгари шунақа эди. Шишадаги вискидан қултумлай-қултумлай у кўнглидаги аламларини бир-бир титкилаб қикди ва борган сари фиғони фалакка чиқаверди. Ҳали шунақами?! Улар ўйладики, гўё Жил Лантье худди тушлик овқатдан маҳрум қилинган иккинчи ўқувчидек мақоласини тузатиб қайтадан кўчириб ўтирипти. Жил бўйнини эгиб уйига қайтади, вафодор ва саховатли ўйнашининг қўйнига киради. Жуда соз-да! Ҳали кўрсатиб қўяди уларга Жил! У плашини кийиб, биронта ҳам чироқни ўчирмай чиқиб кетди. Бугунги ёнган чироқнинг ҳақини отинг ўчгур “ўқувчи” тўласин.

У эртасига чашгоҳда кимнингдир нотаниш тўшагида, аниқроғи, ҳаддан ташқари яхши таниш тўшагида — исловатхонада уйғонди. Ёнида қора сочли семиздан-семиз бир хотин пишиллаб ухлаб ётарди. У элас-элас Монмартрдаги тунги қаҳвахоналарни, қанақадир муштлашувни, полициячининг башарасини эслади — минг қатла шукрки, бу беъманиликларни у Сенанинг ўнг соҳилида қилипти. Лоақал унинг боши оғриётгани ҳам йўқ, фақат томоғи қақраб кетяпти. У ўридан туриб, ютоқиб сув ичди. Хайрият, хонанинг ўзида эмалланган раковина бор экан, шунинг устига энгашиб, тўғридан-тўғри краннинг жўмрагидан қулт-култ тўйиб ичди. Кейин деразанинг олдига келди. Деразадан аллақандай нота-ниш кўча кўринди. Жил ичида инграб юборди. Нима бало қилиб қўйди Жил? Яна қандай ғалвани бошлади? У ухлаб ётган хотинни турткилаб уйғотди. Хотин бир нарсалар деб минғирлади, кейин кўзини ярим очиб, Жилга қаради. Ҳозиргина Жил бу аёлга қараб қандай ҳайрон бўлган бўлса, унинг нигоҳида ҳам шундай ажабланиш белгилари зуҳур этди. Хотин киши ҳам шунақа совуқ бўладими?

— Демак, сен билан ётибман-да? — деб сўраган бўлди у. — Лекин ичганда ҳам ичибсан ўзинг ҳам.

— Қаердамиз?

— Хиёбонлар яқинида. Сен менга беш минг беришинг керак, йигит.

— Мен нима ҳунар кўрсатдим?

— Билмайман. Сен менинг қўлимга соат олтига яқин тушдинг. Олиб келиб, сени тўшакка ётқиздим, холос. Ундан аввал нима бўлганидан хабарим йўқ.

Жил апил-тапил кийинди, хотиннинг кўрпаси устига пулни қўйди-да, эшикка йўналди.

— Хайр, амаки, — деди хотин.

— Хайр.

Қуёш чарақлаб турарди. У Италия хибонига чиқди. Натали, Натали... Ҳозир қаерда экан Натали? Агентликда бўлсамикин? Йўқ, ҳар доимдагидек ёни-вериди бирон жойда нонушта қилаётгандир. Жил таксига ўтирди. Калласи бўм-бўш эди. Ҳар нима бўлганда ҳам Наталини кўрмоғи керак. Ҳозир энг муҳими — шу. Аммо агентлик берк эди, қўшни ресторанда ҳам Наталини тополмади. Жил кўрқиб кетди. Таксига жавоб бермай, уйга қайтишни буюрди. У кўча эшикни овоз чиқармай очиб, ичкари кирди-да, даҳлизда қотиб қолди: Натали ўриндиқда ўтирар, авзойидан хотиржамдек кўринарди. Унинг назарида ҳозир жуда қади-мий ва ўта бемаъни бир саҳна манзараси — тунги ишратдан кейин саёқ эрнинг уйга қайтиш манзараси ижро этиладигандек бўлди.

— Ичиб учиб қолибман, — деди у.

Натали жавоб бермади. Жил унинг қовоқлари остида кўкиш ҳалқалар пайдо бўлганини сизди. Ўзи, Натали, неча ёшда? Унинг эгнида қора кўйлак, кўкрагида тўгнағич, кечаси ўринга ётмаганга ҳам ўхшайди. Туни билан шу ўриндиқда ўтириб чиққан бўлса ажаб эмас.

— Мен агентликка кирган эдим, — деб давом этди у. — Сен йўқ экансан. Мен. Мен жуда қаттиқ хижолат чекапман, Натали. Сен ташвишланмадингми?

У бири-биридан бемаъни гапларни гапирарди, аммо бошқа яна нима ҳам десин? Лекин шундоқ бўлса ҳам, у бир оз энгил тортди. У энди англаб етди, — таксиди келаётганида фақат битта нарсадан — Наталини тополмай қолишдан ёмон кўрққан экан. Хайрият, мана у, ўтирипти, ҳатто жиндай жилмаяётганга ҳам ўхшайди.

— Ташвишландингми, дейсанми? — деб қайтариб сўради у. — Нима учун?

У Наталининг ёнига келди — шундагина Натали ўтирган жойидан туриб, унинг башарасига алланечук қизиқувчанлик билан тикилиб қолди. Кейин салмоқлаб туриб икки тарсаки урди. Уриб бўлиб ошхонага йўналди.

— Ҳозир кофе қайнатаман, — деди у текис овозда.

Жил қимир этмади. У ҳеч нарсани ҳис қилолмай қолди, фақат икки бети лов-лов ёнарди: Наталининг қўли оғиргина экан. Бир оз гўдайиб тургач, у ҳам ошхонага йўналди-да, кесакига суянганча туриб қолди. Натали бутун диққат-эътиборини бир нуқтага жамлаб, кофенинг қайнашини кузатиб турарди.

— Гарнье мен билан кечаси соат учларгача ўтирди, — деди у ҳамон хотиржам оҳангда. — Таҳририятга кўнғироқ қилди, кейин клубга қилди. У ерда ҳам йўқ экансан. Шундан кейин у Жанга телефон қилди. Жан бунда фавқуллода ҳеч гап йўқ, бу сенинг одатдаги қилиқларингдан эканини айтди. Ҳатто бизнинг ташвиш чекаётганимиздан кулди, шекилли. Шундан кейин бир оз хотиржам бўлди.

Унинг оҳангида кишини эзиб ташлайдиган пичинг яққол сезилиб турарди.

— Уйдаги иккинчи телефондан мен ҳамма гапни эшитиб тургандим. Жаннинг бундан хабари йўқ эди. Шунинг учун Гарньега “Наталига айтгин, энди кўниксин” деди. Бу менга кейин ҳам асқотиб қолармиш.

— Бас қил, — деди Жил.

— Кечаси шу гапларнинг ҳаммасига ўн икки соатлик умрим кетди. Мен буни сенга икки минутда айтиб беряпман. Ҳар ҳолда, сенинг вақтингни суи-истеъмол қилмаётгандирман-а?

— Ҳар қандай одам ҳам бирда-ярим учиб қолиши мумкин?

— Ана шу “ҳар қандай одам” уйга кўнғироқ қилиб, “Мен ичиб ётибман, бемалол ухлайвер” деб қўйиши мумкинми? Лекин ўйлайманки, шундай қилсанг, ҳамма ҳузурингдан путур кетар эди.

— Чиндан ҳам шунақа, тўғри гапиряпти, — деб ўйлади Жил. — Ўзимнинг гуноҳкорлигим ҳақидаги фикр кечаги кирдикорларимга туртки бўлди-ку!”

— Мана кофе, — деди Натали. — Сен ўзингга керак бўлган нарсанинг ҳаммасига эришдинг: тунги ишрат қилдинг, маъшуқангнинг машмашасини кўрдинг, иккита тарсаки единг, мана, кофе ичяпсан. Тўғрими? Сенинг нусхангни тугал чиздимми? Жуда соз. Энди мен агентликка кетдим.

Натали палтосини кийди-да, оёқ учида чиқиб кетди. Жил ҳанг-манг бўлганича бир дақиқа туриб қолди, кейин кофени ичди, газетани қўлига олди, лекин уни ўқиёлмади. Буни қаранг, унинг кечаги баттоллиги Наталининг на рашкини кўзгапти, на жаҳлини чиқаришти. Дастлаб, у анча-мунча хавотир олипти, кейин ундан жиркана бошлапти. Телефон жиринглади. Жил ҳовлиқиб гўшакни кўтарди. Эҳтимол, Натали ўзининг бағритошлигига пушаймон бўлиб қўнғироқ қилаётгандир.

— Хўш, қалай, оғайни? — деган Жаннинг овози эшитилди. — Яна бемаъни қилиқларни бошладингми?

— Ҳа, — деб жавоб берди Жил.

— Ўзинг ёлғизмисан?

— Ҳа.

Жаннинг овозида шерик одамнинг овозида бўладиган алланечук беписандлик сезиларди. Жан уни қияликка итармоқчидай туюлар, Жилнинг қалбида эса нимадир шу қияликка тойиб кетишига халақит берарди.

— Қайтишинг қалай ўтди? Ёмонми?

— Иккита тарсаки едим, — деб жавоб берди Жил.

Жан кулиб юборди. Шунда Жил англадики, ҳар қанча уринмасин, у, барибир, тойди.

VIII б о б

Энди унинг ишончи комил эди — Натали билан муносабатлари дарз кетди. Бунинг сабаби нима эканини у аниқ билмас эди. Эҳтимол, Жил ўзи билмаган ҳолда Наталининг биронта пасткашлик қилишини ёхуд бирон бачкана қилиққа йўл қўйишини кутгандир. Агар шундай қилса, Натали ҳам Жилнинг даражасига тушиб қолган, икковларининг мақоми бир хил бўлиб қоларди. Бироқ бу кутишлар беҳуда бўлиб чиқди. Унинг кечаги ичкиликбозлигини олайлик. Умуман, жонидан тўйиб кетган одам учун бу жуда оддий қилғилиқ-ку! Наҳотки, шу қилғилиқ уларнинг икковларининг ҳам ички моҳиятларини рўйи-рост ошқор этган бўлса? Наҳотки, Наталининг ундан юқори эканини кўрсатган бўлса? Ёки олти ойлик бирга кечирилган иноқ ҳаётнинг эвазига охир-оқибатда мана шу тарзда бир-биридан ажралиб кетиш муқаррарми? Ҳақиқатан ҳам, Натали ундан яхшироқми? Ишқий муносабатларда бири-биридан яхшироқ бўлиши мумкинми? Ахир, улар шунақа муносабатларки, бу ўринда ахлоқий сифатларнинг аҳамияти йўқ, балки эмоционал сифатларгина муҳим. Лекин шунга қарамай, ҳар нима бўлганда ҳам энди Натали аввалгига қараганда кам куладиган бўлиб қоляпти, озиб кетяпти. Уларнинг соф жисмоний яқинлигида ҳам қандайдир ўзгаришлар бор. Авваллари жисмоний яқинликдан олинадиган лаззат ҳар қайсилари учун табиат инъом этган беқиёс тухфа эди. Энди эса унда аллақандай зўриқиш, сунъийлик пайдо бўлиб қолди, гўё у иккинчи томоннинг эҳтиросини қондириш учун ва шу йўл билан уни ўзига бўйсундириб олиш учун хизмат қиладигандай туюларди. Хуллас, лаззат лаззат эмас, алланима балонинг исботи эди, холос. Аммо бу ингранишлар, инқиллашлар, бу титроқлар, бу сесканишлар нимани исбот қилиб бераоларди? Бир-бирига талпиниб турувчи икки аянчли махлуқнинг кучоғи нимани ҳам исбот қилиб бера оларди? Наталининг баъзи дақиқалардаги қарашлари қаршисида ва Жилда бунақа қарашларнинг йўқлиги билан қиёслаганда буларнинг бари қанақа аҳамиятга эга? Уларнинг қўлларидан ҳеч нарса келмас эди — улар жисмонан бир-бирларига илҳақ экан, лекин бу мутлақо етарли эмас экан; уларнинг яқинлиги фақат лаззат бахш этарди, холос. Бу яқинликдан қашақ нарса кутиб ҳам бўлмас эди. Жил шу пайтга қадар ҳеч қачон ҳирсга шу қадар мубтало бўлиб қолмаган эди ва шу пайтгача ҳали ҳеч қачон муҳаббатига шодмонлик бу қадар кам бўлган эмасди.

Бир кун келиб, Наталининг Лиможга бориши зарур бўлиб қолди. Матильда — ҳар ойда Наталига юз минг франк юбориб турадиган холаси ўлим тўшагида ётган экан. У жиянини йўқлатипти. Келишиб олишди — Натали у ерда бир ҳафта бўлади. Пьерникида туради ва иложи борича тезроқ қайтиб келади. Жил уни вокзалга олиб чиқиб қўйди. Бу Аустерлиц вокзали бўлиб, саккиз ой муқад-

дам Жил ўта тушқун кайфиятда шу вокзалдан жўнаб кетган эди. Кейин ўзининг севиб қолганини ҳали билмай қайтиб келганига, кейин ошиқу беқарор бўлиб яна жўнаб кетганига ва ниҳоят ўзини узил-кесил Натали билан боғлаб яна қайтиб келганига ҳам шу вокзал шоҳид бўлган эди. Жил ана шу тўрт сайёҳнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида эслади ва ҳозир улардан қайси бири бўлиб қолишни истагини билолмай хуноб бўлди. Йўқ, биларди. У май ойидаги ошиқ Жил бўлишни истади. Мана, у ошиқ бўлиб қолганини англаган, лекин ўзини нима кутаётганидан бутунлай беҳабар ҳолда вагон деразасидан Луаранинг оқишини томоша қилиб, кўкда сузиб ўтаётган булутларга, орқада қолаётган шаҳар гирдларига қараб кетиб боряпти. Бу Жил учун вагонда йўлда ўтказган соатлар ғаройиб кашфиётларга, кутилмаган мўъжизаларга тўла эди. Буларнинг бари мўъжизанинг энг зўри билан яқунланган эди — перронда уни зиёфатдан қочиб келган Натали қарши олганди. Ўшанда Натали қучоқ очиб Жилнинг бўйнига осилиб олганди. Баъзан Жилга уларнинг ҳозирги ҳаёти унча маъқул тушмаса-да, у Натали билан ораларидаги муҳаббат тарихини жуда яхши кўрарди. Жил ўша кезларда озгин, маъюс, шўрпешона бир йигит эди, умидсизликнинг сўнгги чегарасига етиб борган, азоб-уқубатга кўмилиб кетганди — у шу қиёфадаги Жилни ёқтирарди ва айниқса, эҳтиросли, орқа-олдига қарамай иш юритадиган, меъёрини билмайдиган, лекин яхши тарбия кўрган шаддот аёлни жуда ҳам яхши кўрарди, чунки шу аёл тўсатдан уни севиб қолган эди. Оҳ, Лимузен ўтлоқлари, қуёшнинг тафти сингган майсалар, тиниқ сувда кўриниб турган дарё туби, унинг бўйинини илк бор силаган Наталининг кафтлари, улар биринчи марта қовушишган сўхтаси совуқ хужра, ошхона хўжайинининг қаҳрли нигоҳи, қизиб кетган томнинг тагидаги дим хона, Флораннинг коктейллари!.. Бироқ нима учун улар ҳозир перронда адашган ит каби саросима ичида кезиб юришипти? Нима учун бир-бирларига айтадиган гапларини зўрға ўйлаб топишяпти? Нима учун аллақандай сувратли журналлар харид қилишар экан, кўлларидаги соатларни тез-тез вокзалникига тўғрилаб қўйишяпти? Нима бўла қолди ўзи? Жил ён томондан Наталининг чеҳрасига разм солди, улар Парижда бирга яшаган уч ойни эслади, лекин ўзининг ичида ҳозир нималар кечаётганини билолмади. У Наталининг бирор ёққа кетишини сира-сира хохламаяпти, бироқ бирон ақл бовар қилмайдиган сабаб чиқиб қолиб, йўлда, масалан, Орлеан яқинида бирор воқеа рўй берса-да, Натали уйга қайтишга мажбур бўлиб қолса, Жил ғазабдан туюқиб кетган бўларди. Шу кун Жан ва ошналари билан бирга кечқурун ўтиришмоқчи эди, бу ўтиришда ўзига жалб қиладиган бирон нарса йўқ эди, ҳар ҳолда, ҳозир уни шу аёлдан кўра ортиқроқ ўзига жалб қила оладиган инсон йўқ эди, лекин шундоқ бўлса-да, Жил унинг тезроқ жўнаб кетишини, поезднинг тезроқ йўлга тушишини тиларди. Нима бало — у ақлдан озиб қолгани йўқми? Унинг ичида аллақандай шўрпешона бир телба бор — бу телба учун унинг эркинлиги, икки пулга қиммат, ҳеч кимга кераги йўқ озодлиги ҳамма нарсадан ортиқ.

У Натали билан узоқ ўпишиб хайрлашди, унинг вагон йўлагидан ўтиб боришини кўриб турди. Унинг қаршисида улкан шаҳар ястаниб ётарди. У ой сатҳининг сувратидаги каби ўйдим-чуқурлардан иборат, нурга чўмган, намдан ҳоли эди. Жилга айни шунақа шаҳар керак эди. Ҳа, Натали Жил тўғрисида гапириб, “у ўз даврига жуда яхши мослашиб олган” деганида мутлақо ҳақ эди.

“Сирасини айтганда, сен фақат шуни яхши кўрасан, — дерди Натали. — Сен бизнинг асримизга хос бўлган ваҳшиёна бемаъниликлардан, унинг ёлғонларидан, зўравонлигидан нафратланишингни пеш қиласан. Лекин сен бизнинг асримизда худди балиқ сувда юргандек юрибсан-ку? Ана шу бемаъниликлар-у ёлғон-яшиқлар бағрида бемалол сузиб юрибсан. Тўғри, оқимга қарши сузаясан-у, лекин жуда эпчиллик билан сузаяпсан. Сен телевизорингни ўчириб қўясан, радиони ўчириб қўясан, лекин бунинг бирдан-бир боиси шуки, сенга ўчириш ёқади. Сен шу билан ажралиб турасан”.

“Сен-чи? — деб сўрарди Жил. — Сен қайси асрда яшамоқни истар эдинг?”

“Менми? Қайси аср мени қойил қолдирса, ўша асрда...” — деб жавоб берарди Натали.

“Қойил қолдирса” эмиш. Аёл киши бунақа гапларни гапирмаслиги керак. Аёл киши ёнидаги эркакка қойил бўлса кифоя. Шунда у амалга ошиши мумкин бўлмаган йўқ нарсани орзиқиб кутиб, болалардай сиқилиб юрмайди.

Бир оздан кейин Жил бориб ошна-оғайниларига кўшилди. Улар Жилни тантанали равишда қарши олишди, албатта, тантана жуда арзигулик даражада даб-дабали бўлгани йўқ, лекин шундоқ бўлса ҳам, барибир, тантана эди. Одатда хотинининг чангалидан қутулиб, озодликка чиққан ошналарини шунақа кутиб олишади. “Ие! Жил-ку бу!” — деб қичқирди кимдир. Жил кўлини кўкрагига кўйиб масхарабозлардай тазим қилган эди, ҳамма барабар кулиб юборди. Албатта, улар ҳеч қачон мана шундай оҳангда “Ие! Жил билан Натали-ку бу!” демаган бўларди. Лекин бунинг учун улардан хафа бўлишнинг ўрни йўқ эди: ҳангоматалаб одамларда тарки одат амри маҳол бўлади, Жил бўлса — мана ўн беш йилдирки, ёлғиз одам ролини ўйнайди. Тўғри, бу ёлғиз одамнинг ёнида кўпинча биронта аёл бирга юрган бўларди. Албатта, бу аёлни истаган пайтда клубда ошна-оғайнилариининг даврасида ва ҳаттоки, нотаниш ёш-ялангларнинг даврасида ҳам қолдириб кетса бўлаверарди. Хуллас, Элоизага ўхшаган аёл ёнида бўларди. У ҳаммани танирди ва Жил ўйланиб ҳам ўтирмай уни ташлаб кетаверарди, чунки билардики, бу аёлнинг ёнига бирорта йигитчами ёхуд ўзининг дугонаси, албатта, келиб ўтиради. Лекин мана эндиликда унинг ҳаётида Натали пайдо бўлди, бу Натали ҳозир Орлеандан ўтиб қолган бўлса керак.

Жил оқшомни жуда тинч ўтказди, кам ичди, уйига ёлғиз ўзи соат ўн иккилардан ошганда кириб борди. Унинг уйида Пьернинг телефони ёзиб қўйилган эди, Жил уйга келиб, унга қўнғироқ қилди. Телефон гўшагини шу заҳотиёқ Натали кўтарди. Жуда латиф бир тарзда майин оҳангда Жил унга уйга келганини, Моцартнинг музикасини тинглаётганини, Наталининг йўқлигига тўшак унга жуда катталиқ қилаётганини айтди. Табиийки, Жил ўзининг намунали хулқига ўзи қойил қолиб, гапларига жиндай пардоз берди.

— Мен йўлда жуда узоқ юрдим, — деди Натали. — Шу йўлни ёмон кўраманда! Қалайсан? Ўзингни қандай ҳис этяпсан? Тузукмисан?

Унинг овози олис-олислардан келаётгандай туюларди, телефондаги овоз зўрға эшитилмоқда эди. Жил сўз қидириб эзилиб кетди. У биронта тентаклик қилиб қўйганида, Натали билан гаплашгани гап топилар эди, албатта. Ёлғон гапиришга эҳтиёж одамни топқир қилади, хаёлот отини қамчилайди.

— Ҳозир ётаман, — деди Жил. — Эртага жуда ишим кўп. Ўзинг биласан-ку — сени ўйлаяпман.

— Мен ҳам. Хайрли тун, азизим.

Натали гўшакни илиб қўйди.

Улар бир-бирлари билан худди ўн йилдан бери турмуш қуриб келаётган эру хотинлардек гаплашишди. Жил эснаб туриб бўйинбогини ечди, кўзгуга қаради. Мана ҳозир у рисоладагидек манави ўринга ётиб чўзилади, рисоладагидек яхши мусиқа тинглайди (Наталига Моцартни айтганида, Жил жиндай тўқиб-бичган эди), кейин гўдак боладай роса тўйиб ухлайди. Эртага қйличдай бўлиб уйқудан туради, кун бўйи роса берилиб ишлайди ва сеvimли маҳбубасининг қайтишини кутади. Аммо кўзгудан унга асл Жилнинг башараси тикилиб турарди. Унинг рўпарасида турган бу бошқа Жил жилмайди — ҳа, Жил ҳақиқатан ҳам ўзини жилмайиб турган ҳолда кўрмоқда эди. У курткасини қўлига олиб, эшикни тарақлатиб ёпти-ю, уйдан чиқди.

— Ҳа, балли! Ўзимиз ҳам шундоқ деб ўйлагандик.

У яна клубга борди. Жан кулди: Жил дўстлари билан яйрарди. Бу дўстлар ҳақиқатми, сохтами — ҳар ҳолда дўстлар эди. Улар истаган ишга бош кўшишга тайёр, истаган йўлингга бошласанг кетаверадиган қувноқ йигитлар эди. Хотин кишини деб Жил шундоқ дўстларини унутиб юборди-я! Бу яхши эмас. Бу одамларнинг руҳий мувозанати ҳамма вақт ҳам жойида бўлавермайди, улар кечки мактабдаги машгулотларга сурункасига қатнамай қўйишлари тўғри келмайди — бу уларни латгадай бўшаштириб юборади.

Жил Жанга эгилди:

— Ростини айтсам, мен уйда қолмоқчи эдим. Қарасам ухлаёлмайман. Ёлғиз ётишни ёқтирмайман.

— Бунга тўғрилашнинг қийин жойи йўқ, — деди Жаннинг ҳамшираси.

Бунча ҳам бетамиз булмаса бу аёл шу оқшом! Жил авваллари ҳам уни бефаросат деб ҳисоблардим, аммо у ҳали шу чоққача ҳеч қачон бугунгидек бетамиз

кўринмаган эди унга. Жан пинагини ҳам бузмади, Жил эса, ҳойнаҳой унинг кўнглига бир гап келди-ёв, деб ўйлади. Ҳа, яхши ва ёмон хулқ ҳақидаги тушунчаларни Жилнинг миясига Натали қоқиб киргизган деб ўйлапти Жан. Ҳолбуки, бунақа нарсаларни суриштиришга Жилнинг тоқати борми?

— Албатта-да, — деди у, — бу дунёда Катрин деган жонон бўлганидан кейин қийинлиги қоладими!

Катрин малла соч офатижон жонон эди, анчадан бери Жилнинг ўзига ёқишига шама қилиб юрарди. Шу дақиқада Катрин уларнинг ёнидан ўтиб кетаётган эди.

— Бунга илакиша кўрма, — деди Жан. — Зағизғондай вайсақи. Натали бирпасда ҳамма гапдан хабардор бўлади.

Тавба, нима жин урди Жанга? Жилни уйдан қочган мактаб боласи деб ўйлаптимми? Яна бунинг устига қандай мақсадни кўзлаётгани маълум эмас — Наталини беҳуда ташвишдан эҳтиёт қиляптимми ёхуд Жилнинг унга қарамлигига шама қиляптимми?

— Мен ёш бола эмасман, — деди у мужмал оҳангда. — Ҳар ҳолда, аллақандай Катриннинг вазидан Натали билан менинг муносабатларимда ҳеч нарса ўзгармайди.

— Ана шунисига унча ишончим комил эмас-да, деб муросасозлик билан жавоб берди Жан. — Натали ўзига етгунча бор...

Унинг юзида маккорона табассум пайдо бўлди. Жил унга еб қўйгудай ўқрайиб қаради, аммо бу ўқрайишдан ҳеч қандай фойда бўлмади. Ўқрайиб қараганда эмас, тасодифан қараб қолганингдагина бирон нарсани кўриб қолишинг мумкин. Жилнинг кайфияти бузилди. Сиқила бошлади. Натали ёнида бўлганида Жил ўзини худди қопқонга илингандай ҳис қиларди, энди бўлса, унинг йўқлигида аҳволи бадтар бўляпти-ку!" "Турмушингни расво қилиш" деб шуни айтсалар керак-да. Дўстларининг ҳар бир нигоҳидан, уларнинг ҳамма гап-сўзларидан Жил сезиб туриптики, уни "ёлғизликдан сиқилиб кетган шўрлик амаки" деб ёхуд "маъшуқаси ихтиёрини бутунлай олиб қўйган, энди жиндай кўнгилхушлик қилмаса бўлмайдиган бечора ошиқ" деб ҳисоблашади. (Бу ролларнинг иккови ҳам унга тўғри келмайди). Агар у бутун оқшом давомида ўтирган жойида қимирламай ўтираверадиган бўлса, у ҳаммага жуда ғамгин кўриниши мумкин. Агар у бирданига, яна бунинг устига тўғридан-тўғри клубда "жонон Катрин"га ташланиб қолса, бу Натали учун таҳқирли бўлади, ўзи учун ҳам уят-да! У хўрсиниб, ҳисоб-китоб қилишни сўради. У ҳаётининг яна бир соатини расво қилган эди.

IX боб

Йўқ, у на фақат бир соатини расво қилган эди. Бунга у эртаси куни эрталаб уйғониши билан Наталига кўнғироқ қилганидан кейин узил-кесил амин бўлди.

— Кеча сенга айтиш эсимдан чиқипти, сенинг кўк костюмингни тозалашга берган эдим, бориб олишинг керак эди, костюм аллақачон тайёр бўлган, — деди Натали. — Яна бир марта кўнғироқ қилдим, лекин сен телефонга келмадинг.

Ҳа, албатта, келганим йўқ-да! Ахир, бу боадаб бола гўшакни қўйганидан кейиноқ бир дақиқа ўтар-ўтмас уйдан жуфтакни ростлаб қолган эди. Афсус, бекорга жуфтакни ростлаган экан, аммо Натали энди унинг гапига ишонарми-ди? Рост ҳам, ёлғон ҳам бирлашиб олиб, Жилга қарши фитна қилишяпти. Ҳолбуки, Натали билан кеча кечкурун гаплашаётганида у чиндан ҳам уйда қолмоқчи эди!

— Мен дарров фаҳмладим — оғайниларинг билан учрашгинг келиб кетганда, — дер эди Натали олис-олисан. — Лекин нега менга бунақа найранг қилдинг? Наҳотки, мен сенга малол келиб қолдим? Уйимиз тўғрисида, ҳаддан ташқари кенг тўшагу музика тўғрисида гап сотишининг нима кераги бор эди? Нега, Жил?

— Сенга кўнғироқ қилганимда чиндан ҳам уйда ўтирмоқчи эдим, — деб жавоб берди у. — Кейин бирдан клубга боришга аҳд қилиб қолдим.

— Бир дақиқа ичида-я?

Унинг сўзлари сохта бўлиб эшитилди — рост гап ўзи кўпинча жуда сохта бўлиб эшитилади — бунда энди унинг ҳеч қанча иложи йўқ. Шунга қарамай, у тушунтиришда давом этди:

— Клубда Жан билан жиндай-жиндай ичишдик. Бир соатдан кейиноқ уйда бўлдим.

“Сени деб дилрабо Катриннинг яқинига йўлаганим йўқ, сени деб ўзимни фариштадек тутган бўлсам, буларнинг ҳеч қайсиси кор қилмапти-да? Барибир, мен сенга озор берибман-да? Яна бунинг устига мени ёлғончига чиқариб ўтирибсан. “Аҳвол жуда ёмон-ку? Нима илож бор? Жилнинг фиғони фалакка чиқди. Лекин у Наталининг ҳолини тушуниб турипти: Жил ҳозир ҳар қанча софдиллик қилаётган бўлмасин, барибир, ёлғончилиги ошкор бўлиб қолган эди.

— Нима қилганинг ёки нима қилмаганинг унча аҳамиятли эмас, нима деганинг аҳамиятли, ўзингни нима дейишга мажбур деб ҳисоблаганинг муҳим.

Жил хўрсинди, сигарета тутатди, кўли билан сочини силади.

— Кейин сенга ҳаммасини тушунтириб бераман, — деди у. — Холанг қалай?

— Жуда ёмон. Бир-икки кунлик умри қолганга ўхшайди. Ҳозир Пьер билан уникига жўнамоқчи бўлиб турувдик.

Айтгандай, Натали Пьерникида турипти-а. Бундан чиқадики, опасининг кеча телефон гўшагини кўтарганини, майин овозда гаплашганини, кейин “Вой, химчистка эсимдан чиқипти” деб хитоб қилганини, кейин ўзи қўнғироқ қилганини, жавоб ола билмагач, укасига ҳаддан зиёд хотиржам чеҳра билан қараганини Пьер кўрган. Биз кўпинча одамларнинг бевосита ўзига озор берибгина қолмай, яқинлари орқали қаттироқ азият етказамиз. Шунда такаббурлигимиздан ёлғон гапиришга, алланимабалоларни тўқиб чиқаришга, телефон шундоққина ёнимизда турганини унутгандай бўлиб, бўлар-бўлмас ваз-карсонлар кўрсатишга тўғри келади. Натали ёлғиз бўлганида эди, эҳтимолки, у Жилга ярим соатда қўнғироқ қилиб турган бўларди ва кўп ўтмай Жил гўшакни кўтарган бўларди. Эҳ, нимасини айгасиз, охир-оқибатда суриштириб келсангиз, ҳаёт жуда бемаъни қурилган-да!

— Натали, — деди у. — Мен сени яхши кўраман.

— Мен ҳам, — деб жавоб берди у. Лекин унинг овози тушкун эди. У ўзидан кўриниб турган нарсанга мутелик билан тан берган кўринади.

Шундай деб Натали гўшакни илиб қўйди. Бир ҳафтадан кейин Жил унга ҳаммасини тушунтириб беради, уни кучоқлайди, Наталининг иссиққина дуркун гавдасини бағрига босади, унинг ўжарлик билан қовоқ-тумшугини осилтириб олгани эмас, телефонда гапирган маъносиз тушкун иборалари эмас, ана шу дуркун гавдаси уларни бир-бирларига боғловчи ришта бўлади. Бошқалар масаласига келганда эса (Жил бу “бошқалар” ким эканини аниқ билмасди — унинг хаёлида арилардай гўнғиллаб турган бир тўда парижликлар гавдаланарди, холос), улар ҳали кўрадиганини кўради. Улар, биринчидан, бутун бир ҳафта мобайнида Жил Лантьени кўришмайди, кейин эса Натали қайтиб келгандан сўнг уларнинг икковларини ҳам кўришмайди. Улар уйда ўтиришади ёки бўлмаса Натали театрни яхши кўргани учун театрга боришади. Натали мусиқани ҳам яхши кўради, боришса, концертга боришади. Албатта, Жилга қолса, гилам устига чўзилиб олиб, яхшироқ пластинкани тинглашни афзал биларди, лекин на илож — зарур бўлгандан кейин зарур-да — у Наталининг қўнғилини олиш учун ҳамма нарсани қилишга тайёр. Бу ўйлардан далда олгандек, у ниманидир хиргойи қилиб ўрнидан турди, вақтидан олдин бўлса ҳам таҳририяга жўнади ва кун бўйи чин дилдан берилиб ишлади. Лекин тунги соат учда бир англиз журналисти билан клубда Американинг бугунги турмуши ҳақида гурунглашиб ўтирганини кўриб ҳанг-манг бўлиб қолди.

Ўн кундан кейин эса кечқўрун соат ўн бирда Натали келди. Жил уни ўзлари яхши кўрадиган Жануби-Ғарбий вокзалда кутиб олди. Перронда уларнинг орқаларида ҳам, олдиларида ҳам одам гавжум. Мана вилоятдан келган бир тўп аёллар. Улар ҳам Наталига ўхшаб кийинган. Моладагига қараганда узунроқ юбка, бошларида ипак рўмол, қўлларида чемоданча. Натали улардан ҳеч нарсаси билан ажралиб турмайди. Фақат бошини мағрур тутишини айтмаса... Ёхуд

синчиклаброқ қараганда Наталининг хусни ортиқроқ бўлиб чиқади. Бир замонлар унинг баъзи ўйнашлари бўлган, уларнинг кучуклари бўларди. Бу кучукларни хизматкорлари гулдастадай қўллариди кўтариб юрарди. Жил бунда ҳеч қандай ғайритабиийлик кўрмас эди. Аммо бугун Жил мана шу туссиз ва бадқовоқ (ёмғир ёғиб турипти) вокзалда Наталининг алланечук афсонавий бир нарсасидек, лов этиб ёнган алангадек пайдо бўлишини истарди. Жил уни маҳкам қучиб, юз-кўзларидан ўпди. Кўзларининг тагида кўкиш ҳалқалар ҳосил бўлипти. У, албатта, азадор эди. Мунча аҳмоқ бўлмаса Жил!

— Вой, сенмисан?! — деди Натали ва Жилга ёпишиб, қимир этмай туриб қолди.

Одамлар уларга қарай бошлади. Жил хижолат торта бошлади — ахир, суриштириб келганда, улар йигирма яшар ёш-яланг эмаски, вокзалда ҳамманинг кўз ўнгиди ҳисларини шунчалик ошқора намоён этишса... Жил ҳазил қилмоқчи бўлди:

— Ҳа, ким бўлиши мумкин эди?

— Сен, сан-да, — деб жавоб берди Натали. — Бошқа ҳеч ким бўлмайди.

Натали бошини орқага ташлади ва Жил синчиклаб унинг юзига қаради. Унинг назарида Наталининг юзи бир оз шишинқирагандай, бугун у пардозандозини ҳафсаласизгина қилгандай туюлди. Жилнинг ўйида, унинг Жилга қайтиши қанчалик табиий бўлса, Жилнинг севгилисининг афти-ангорини кўздан кечириётгани ҳам шунчалик табиий эди. У вокзалга салкам хотинидай бўлиб қолган севгилисини кутиб олгани чиққан, эски ошиқ-маъшукларнинг ҳаммаси ҳам ҳижрондан кейин бир-бирларини кўздан кечирадilar. Жил ҳам худди шундай қилипти, холос. Жил Наталини қўлтиқлаб олди.

— Мен қоврилган товук олиб қўйганман. Уйда тамадди қиламиз. Дафн маросимидан кейиноқ йўлга чиқдингми?

— Ҳа, албатта. Узинг биласан-ку, Лиможда қолишга унчалик ҳушим йўқ.

— Покиза одамлар кўча-кўйда сени тошбўрон қилмадимми?

— Йўқ, — деб жавоб берди у. — Тан заиф, ожиз эканини улар билишади.

Ҳозир улар ҳам газета ўқишади.

Уйда Натали паришон нигоҳ билан бесаранжонликни кўздан кечирди — Жил вокзалга чиқиш олдидан икки соат мобайнидаёқ уйни ағдар-тўнтар қилиб улгурган эди. Кейин ваннахонага кирди, пардозининг чаласини қилди, Жил эса бу орада хуноб бўлиб, бўғилиб-сўкиниб товукни майдалар эди. Кофе ичгандан кейин улар меҳмонхонага киришди ва Жил эҳтиётлик билан Гайдннинг яқингинада харид қилинган пластинкасини қўйди.

— Хўш, қалай? — деди Натали. — Парижда қандай янгиликлар бор?

У бу гапни кўзларини юмиб туриб, беписандроқ айтди. Унинг оҳангидан гўё Парижда ҳеч қандай янгилик бўлиши мумкин эмасдай туюларди.

— Айтадиган дурустроқ янгилик йўқ, — деб жавоб берди у. — Сен газеталарни ўқиб турдингми?

— Сен-чи?

Саволнинг оҳанги ҳамон боягидай эди. У кулди.

— Мен ҳам ўқиганим йўқ. Кўп ишладим. Лекин сенсиз кўпроқ ичим куйди, шекилли. Яна мана бу товукни харид қилдим.

У бир куни гирт маст ҳолда Катринни уйигача кузатиб қўйганини, лекин шармандаи-шармисор бўлиб қайтганини гапириб ўтирмади. Лекин ҳар нима бўлганда ҳам бу жонон лом-мим деб оғиз очмаслигига ишонса бўлади. Чунки унинг кўққисдан ожизлик қилиб қолганини яширишдан унинг ўзи миннатдор, негаки эндиликда Жил унинг ҳамма қилиқларидан хабардор бўлиб қолди. У қўлини чўзди. Натали унинг қўлини қисиб қўйди.

— Сен-чи? Франсуани кўрдингми?

— Ҳа, кўрдим. Мен билан кўришиш учун у атайин Пьерникига келипти.

— Нима мақсадда?

— Қайтган деб авради. Менимча, жуда соғинганга ўхшайди.

— Вилоятлар ҳам ўзгариб кетибди-да, — деди Жил.

Унинг энсаси қотиб кетди, лекин нега энсаси қотаётганини ўзи ҳам билмас эди. Эркак зотики бор, уларнинг ҳаммаси Жилдан шу аёлни тортиб олиш пайига тушиб қолган. Уларнинг биронтаси ҳам лоақал бир дақиқа бу аёл Жилни яхши

кўриши мумкин деган ўйга бормади. Тушунарли. Жил Наталининг ҳаётида тасодифий бир кимса, холос.

— Хўш, унга нима деб жавоб бердинг?

— Қайтмайман, дедим. Сени яхши кўришимни айтдим. Кўп афсус-у надоматлар бўлсин, лекин... дедим. Пьер ҳам мени қолгин деб кўп жон куйдирди.

Жилнинг қалбида ғазабга ўхшаган бир нарса бош кўтарди. Албатта, у бу ерда ўн кун мобайнида ўзини ёш болалардек тутди, ҳар қандай тўшовлардан ҳоли йигитчадай қилиқлар қилди. Лекин бари нималарда намоеън бўлди? Ҳа — энди икки соат бир бузуқ хотин билан бирга бўлди-ю, тунлар давомида ҳар хил маҳмадоналар, қуриб адо бўлган пиёнисталар, бўлар-бўлмас қасанғилар билан шакарғуфторлик қилди. Ҳолбуки, бу вақт мобайнида Натали таниш одамлар қуршовида қолди. Уни тўсатдан гурурини йўқотиб қўйган, қаттиқ ҳаяжонга берилган одамлар ўраб олишди. Натали эса яшашда давом этди. У Анна Каренина ролини ижро этди, фақат буни у тескарисига ижро этди. У эрини ташлаб кетганига виждонан қийналиб кетди, ҳатто афсус-у надоматлар қилди. Хуллас, инсоний туйғуларни бошдан кечирди.

— Нима учун буларни сенга гапираётганимни ўзим ҳам билмайман. Жуда ҳам толиқдим. Демак, сен ишингдан мамнунсан, шундайми?

Нима бало — Натали Жилга хулқи бўйича яхши баҳо қўймоқчи эмасми? Нимага рашки келаётганини, нимага ғазоби кўзиётганини ўзи ҳам англаёлмай гаранг эди. Ахир, Натали қайтиб келди-ку! Жилни деб ҳамма нарсани ташлаб келди-ку? Мана у, шу ерда. Жил нимадан бунча кўрқали?

— Мен опангни ҳам, Флоранни ҳам кўрдим. Таъзияга келишди. Опанг хафа бўлди — сендан анчадан бери хат-хабар бўлмапти. Хат ёзиб юборсанг, бўлмай-дими?

— Эртага ёзаман, — деди у.

Жил овозидаги шикасталикни йўқотиш учун, қўлининг титроғини тўхтатиш учун ўзини тинчлантиришга ҳаракат қилди. У ҳатто жилмайди.

— Сен ётиб ухласанг бўларди, — деди у. — Жуда ҳам ҳолдан тойибсан. Мен ҳозир келаман.

Ёлғиз қолгандан кейин Жил тўғри шишанинг оғзидан лунжини тўлдириб виски хўплади. Спирт томоғини куйдириб ўтди. Ана энди шу баркамол дугонаси билан ишрат тунни бошланади. Ана шу тўкис, бекаму кўст маъшуқа билан. Ана шу мукаммаллигу бенуқсонликнинг тажассуми билан! Охир-оқибат ҳаёт ҳам изга тушиб кетади. У ҳатто ҳозир Наталига қараб туриб, “Биласанми, жуда-жуда йўқлигинг билинди. Мен сенга муҳтожман” дея олади. Шундай деса, бу гапи ёлғон бўлмайди. Бироқ у тиши-тишига тегмай даг-даг қалтирай бошлади.

Х б о б

Натали ҳақиқатан ҳам уни ўтмиш билан, болалиги билан, дўстлари билан боғлаб турган сўнги кўприкларни ёндириб юборган эди. Укаси ҳар хил маслаҳатлару илтижолар билан роса қийнаб юборди, эри бўлса, “Ё ҳозир шу ерда қолсан, ё бутунлай кўзимдан даф бўласан” деб масалани кўндаланг қўйди. Натали буларнинг ҳаммасини Жилга ҳансираб-ҳансираб, ихчам жумлаларда гапириб берди. Жил эса кўзидан шашқатор оқаётган ёшларни Натали қоронғида кўрмаётганидан хурсанд эди. Лимузенда Жилга ҳеч ким ишонмас эди. Ҳа, биронта тирик жон йўқ эдики, унга ишонсин. Ҳатто ўзининг туғишган опаси Одилия ҳам. У ҳатто бир куни Наталини овлоқроқ жойга судраб, ундан “бахт-лимисан — йўқми?” деб сўрапти. Сўраганда ҳам гўё қандайдир бўлиши мумкин бўлмаган нарсани суриштираётгандай қиёфада сўрапти.

“У ерда менинг бошқа қиладиган ишим қолмади”, — деди Натали. Шундан бери Жил тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолди: эҳтимол, замин узра мустаҳкам турган ана шу ижобий одамлар ҳақдир? Вақт ўтиб боряпти, апрел аллақачон дарахтларга яшил кўйлак кийгизиб бўлди, улар бўлса ҳамон қандай тўғри келса, шундай яшашда давом этмоқдалар. Бир куни эрталаб Жил таҳририятга яхши кайфиятда кириб келди: кеча кечқурун у Юнонистон тўғрисида жуда яхши мақола ёзган эди. Фермоннинг гапига қараганда, мақола ҳақиқатан ҳам яхши

чиқипти — у Жилни мақтади; ҳатто ҳов бирдаги машҳур тунги оҳанжамалардан кейин Жилдан ўзини тортиб юрган Гарнье ҳам оғайнисини муваффақият билан табриклади. Мақола ихчам, лўнда ва эҳтирос билан ёзилган эди. Газетада ҳар ҳафтада мана шунақа мақолаларни бериб бориш керак, деди Фермон. Жил жуда ҳам яхши кайфиятда эди ва у эски қадрдон дўсти Жанни бирга нонушта қилишга таклиф қилди. Нонушта қилиб ўтириб улар нуқул сиёсатдан гаплашишди, кейин бугун ишга бормаи кўяқолишга, бунинг ўрнига кинога боришга қарор қилишди. Елисей далаларидаги ҳамма кинотеатрларни айланиб чиқишди, лекин беҳуда бўлиб чиқди — бирлари фильмни кўрмаган бўлса, иккинчилари, албатта, кўрган бўлиб чиқарди.

— Сени уйга таклиф қилолмайман, — деди Жан. — Бугун Мартанинг меҳмонлари бор. Сени диққинафас қилиб нима қиламан.

— Меникига борақолайлик, бўлмаса, — деди Жил. Натали олти яримда ишдан қайтади, Юнонистон воқеалари тўғрисида бемалол гаплашиб ўтирсак бўлади.

Жил ҳозир ҳар хил майда-чуйда мавҳумиятларни соқит қилиб, фикри тиниқ ишлаётганини ҳис қилди ва Жаннинг қаршисида яна икки соат мобайнида ўз фикрларини баён қилиши мумкинлигидан хурсанд бўлди. Жан эса бировнинг гапини тинглашни ҳам, унга эътироз билдиришни ҳам ўрнига кўяди — буни Жил яхши билади. Жил эшикни очди, Жанни ўтқазди, унга кальвадос қуйиб берди.

— Сеникига келмаганимга ҳам анча бўлиб қолди, — деди Жан ўрнашиб ўтириб олар экан.

Унинг овозида заррача ҳам таъна йўқ эди, лекин Жил уни ҳақ деб ҳисоблади. Авваллари бу уйда ҳар доим одам гавжум бўларди, ҳатто ўтиргани стул этишмай қоларди. Бу аҳвол... Натали келгунича давом этди. Жил афтини бужмайтирди.

— Биласанми...

— Ҳа, биламан, биламан, оғайни, — деб унинг гапини бўлди Жан. — Ишқ дегани зўр нарса бўлади. Сенинг бошингга тушиши мумкин бўлган савдолар ичиди бу — энг яхшиси. Айниқса, Наталидай аёлга ишқинг тушган бўлса, нимасини айтасан?

У самимий гапираётгандай кўринарди.

— Ҳа, деса ҳам бўлади, йўқ, деса ҳам, — деди Жил ва Жанга энгашиди. Кўққисдан у ўзини худди Прустникига ўхшаш нозик психологик таҳлилга қодир эканини ҳис қилди. Ўзингни ақлли одамман деб ҳис қилганингда сотқин деб ҳис қилмайсан. — Нима десам экан... Натали билан танишганимда, мен... Албатта, эсингда турган бўлса керак... менинг бир қават теримни шилиб олишгандай бўлганди. Худо билади нега бунақа бўлди, лекин мен худди шундай ҳис қилгандим ўшанда. У менинг бошимни пар ёстиққа қўйди, мендан тафтини аямади, бошқатдан ҳаётга қайтарди. Рост. Лекин энди-чи? Энди шу ёстиқ юзимни куйдирипти, бўғилиб кетяпман. Шунақа бўлар экан-да. Наталининг жамики мен яхши кўрган жиҳатлари: тўғри сўзлиги, қатъияти, иродаси каби менга далда берган сифатларининг ҳаммаси бугун мен учун қимматини йўқотиб, гашимни келтирадиган бўлиб қолди...

— Чунки сен ўзинг ланж одамсан, беқарорсан, — деди Жан эркалатганнамо.

— Майли, сен айтганча ҳам бўлақолсин. Балки мен уччига чиққан ярама одамдирман, лекин ростини айтганда, шундай дақиқалар бўладики, мен унинг қаҳрига учмаслик учун бор-йўғимни беришга ҳам кўнган бўлардим. Яна аввалгидай ёлғиз бўлишни қўмсаб қоламан.

Гапларим аниқроқ бўлсин деганда Жил “Наталисиз яшашни тасаввур ҳам қилолмайман” деб қўшиб қўйиши ҳам керак эди. Аммо ўзининг яхши чиққан мақоласидан мамнунлиги вазидан, ҳамма маъқуллаб тургани учун гердайиб кетгани сабабли, Жаннинг ҳам ошқора хайрихоҳлигини кўриб, бундай эътирофни ўзидан соқит қилиб қўя қолди.

— Эҳтимол, буларнинг ҳаммасини Наталининг ўзига тушунтириб берарсан, — деди Жан ва жимиб қолди.

Жил ўгирилди. Ётоқнинг эшиги олдида Натали турарди. У хотиржам кўринарди. Йўқ, кўзлари ҳар доимгидан кўра чақноқроқ эди. У келганда эшик ёпиқмиди?

— Хайрли оқшом, — деди Жан.

Шундай деб ўрнидан турди. Унинг ҳам бир оз ранги ўчиб кетганди.

— Гурунглашиб ўтирибсизларми? — деди Натали. — Агентлик бугун кундузи ёпиқ экан. Шундан фойдаланиб, жиндай мизғиб олай дедим...

— Сен... Ухлаб ётувдингми? — деб зўрға тили калимага келиб сўради Жил.

— Ҳозиргина уйғондим. Хавотир олманглар — ҳозир сизларни ҳоли қолдираман. Менинг харид қиладиган нарсаларим бор.

— Э-э, қўйсанг-чи, — деди шоша-пиша Жил. — Кетиб нима қиласан? Биз Жан билан сенга ўқиб берган мақолам тўғрисида гаплашиб ўтирувдик.

— Мақола тузук-а, тўғрими? — деди Натали Жанга. — Йўқ, мен қололмайман. Рост, бормасам бўлмайди.

Шундай деб Натали уларга жилмайди-да, чиқиб кетди.

Улар оҳиста ўриндиқларга чўкдилар.

— Вой шайтон-ей! — деб сўкинди Жил. — Вой шайтон-ей!.. Нима деб ўйлайсан, Натали...

— Йўқ, бунақа деб ўйламайман, — деб жавоб берди Жан. — Менимча, эшик ёпиқ эди. Ҳар ҳолда, сен ҳеч қанақа ёмон гап айтганинг йўқ. Фақат аҳён-аҳёнда юрагинг сиқилиб кетишини айтдинг, холос. Бу нарса ҳар бир аёлга таниш.

— Йўқ, ёмон бўлди. Жуда ёмон бўлди. Наҳотки шуни тушунмасанг?! — деб қичқирди у. — Натали билан муносабатларим тўғрисида шунақа гапларни айтганим ёмон бўлди. Яна келиб-келиб сенга айтганим чакки бўлди.

— “Келиб-келиб сенга айтганим” деганинг нимаси? Мен нима гуноҳ қилиб қўйибман?

— Гуноҳинг йўқ, — деб жавоб берди Жил. — Ҳозир хафа бўлишнинг вақти эмас.

— Менга қара, кел, кальвадосни ичиб қўяйлик-да, бир оз кутайлик. Кечқурун келиб Натали роса жанжал қилиб таъзирингни беради. Бошингга тушиши мумкин бўлган ғалвалар ичида энг ёмони шу. Лекин сен бунга ўрганиб қолгансан-ку!

— Йўқ, — деди Жил ўйчанлик билан, — ўрганиб қолганим йўқ.

Вақт ўтиб борар ва айнаи чоқда тўхтаб қолгандек туюларди. Жаннинг гаплари Жилнинг қулоғига кириб-кирмаётган эди — Жил зинадан Наталининг қадам товушлари эшитилиб қолмасмикин деб илҳақ бўлиб ўтирарди. Унинг чиқиб кетганига бир соат бўлди, мана, Натали бир ярим соатдан бери йўқ. Ҳолбуки, унинг магазинма-магазин юришга тоқати йўқ эди. У у-бу харид қилгани кетган бўлиши мумкин эмас. Ҳар эҳтимолга қарши Жил Гарньегга қўнғироқ қилиб кўрди, лекин у Наталини кўрмапти. Соат бешда Жилга ҳамма нарса аён бўлди — Натали вокзалда, ҳозир поездга ўтиради-ю, Лиможга қайтиб кетади. Жил Жанни уйида қолдириб, вокзалга югурди, ҳамма вагонларга бирин-сирин кириб чиқди, Наталини тополмади. Жадвал бўйича Лиможга бугун бошқа поезд йўқ эди, бугун у томонга самолёт ҳам учмас эди. Соат олтида поезд Жилсиз ва Наталисиз жўнаб кетди. Натали вокзалда ҳам йўқ эди. Жил ҳовлиқиб уйга йўл олди, бироқ машиналар тикилиб кетганидан, юролмай қолипти. Буни кўриб, хуноб бўлиб “дод” деб юборишига сал қолди. Эҳтимол, Натали уйдадир. Эҳтимол, у Жилнинг гапини эшитмагандир. У уйининг эшигини очиб, ичкарига кирганида соат етти бўлиб қолган эди. Уйда ҳеч ким йўқ эди, стол устида Жан ёзиб кетган мактуб: “Кўп ташвиш қилаверма! Хоҳласанг, кечки овқатга бизни-ки бор”.

Нима деяпти-я Жан? Жинни-пинни бўлиб қолганми? Фақат битта илож бор — кутмоқ керак, холос. Кутушга эса Жилнинг сира-сира тоқати йўқ. Эҳтимол, Натали ўзининг бадбашара дугонасиникидадир. У телефонга ташланди. Йўқ, дугонасиникида эмас экан. Йўқ, шошмай турсин ҳали, қайтиб келади-ку. Жил ҳам икки тарсаки уриб хумордан чиқмагунча қўймайди. Тунов кунги тунги маишатдан кейин Жил эрталаб кириб келганида Натали тўғри қилган эди. Аммо у онгли равишда Жилни кўрқитиб қийнармикин? Унинг бунақа одати йўқ эди-ку! У одамларни ҳурмат қилади. Жил ўриндиққа ўтирди, лекин газетани қўлига олиб, ўқишга уриниб ҳам кўрмади. Мияси тўхтовсиз гувиллаб ётибди. Ярим кечада телефон жириглади.

Доктор пачоққина малла одам экан. Мускулдор қўллари сержун. Қизиқ, малла одамларнинг бармоқларининг бўғинида ҳам туки бўлар экан. Доктор Жилга лоқайд нигоҳ билан қаради, унинг кўзларида на таъна, на ачиниш бор эди. Жил касалхоналарда врачларда бунақа нигоҳларни кўп кўрган. Наталини кечаси ўн бир яримда топишипти. Роппа-роса соат тўртда у меҳмонхонада бир хона олипти, жуда толиққанини айтипти ва эртага соат ўн иккида уйғотиб қўйишни илтимос қилипти. Ўзи эса хонага кирипти-ю, жуда кўп миқдорда уйқу дори ичипти. Соат ўн бирларда қўшни хонадаги одам номерига келиб, девор орқали унинг хириллаётганини эшитиб қолипти. У Жилга мактуб қолдирган экан. Аввал унга биринчи ёрдамни кўрсатишиб, кейин Жилга кўнғироқ қилишипти. Унинг тирик қолишига умид йўқ ҳисоб. Албатта, организм ўлимга қарши курашапти, бироқ юраги дош беролмайдиганга ўхшайди.

— Уни кўрсам бўладими? — деб сўради Жил.

У зўрға оёқда турарди. Буларнинг бари ўта бемаъни алаҳсирашга ўхшарди. Врач елкасини қисди.

— Истасангиз...

Натали ярим яланғоч ҳолда ётарди. Теварагида ҳар хил трубкалар. Аллақандай нотаниш нарса башарасини бужмайтириб юборипти. Жил Наталининг бўйнида уриб турган кўкиш томирини кўрди, ишрат чоғларида бу томир тез-тез уриб туришини эслади ва унинг вужудини ғира-шира газаб туйғуси чулғаб олди. Унинг бундай қилишга ҳаққи йўқ эди, Жилдан мангуликка ўзини тортиб олмаслиги керак эди, ахир шундай навқирон, шундай жўшқин, шундай севимли аёл Жилдан қочмоққа уриниб кўришга ҳам ҳаққи йўқ эди. Қорайиб кетган, тердан ҳўл бўлган бир тутам сочи пешонасига ёпишиб қолипти, одеял устида қўллари қимирлайди. Унинг тўшаги ёнида ўтирган тиббиёт ҳамшираси врачга саволчан нигоҳ билан қарайди.

— Юраги бўшашяпти, доктор.

— Бу ердан чиқиб турунг, дўстим. Ҳозир олдингизга чиқаман. Бу ерда керак эмасиз.

Жил хонадан чиқиб, деворга суяниб қолди. Йўлакнинг охирида дераза бор экан — унинг орти зулмат эди — бу улкан шаҳар ҳали тун бағрида ястаниб ётарди. Жил қўлини чўнтагига тикди, қўли аллақандай қоғозга тегди, ғайриихтиёрий тарзда уни чўнтагидан олди. Бу — Наталининг мактуби эди. Қоғозни ёзди, хатга кўз югуртирди, аммо дабдурустдан маъносини тушуна олмади:

“Бу ишга сенинг дахлинг йўқ, азизим. Мен ҳамиша кўнгилчан одам бўлганман, ҳаяжонга тез бериламан. Мен сендан бошқа ҳеч қачон ҳеч кимни севган эмасман”.

Имзо ўрнига бир оз қийшиқроқ қилиб “Н” ҳарфини ёзиб қўйипти. Жил мактубни чўнтагига солиб қўйди. Сигарети қаёққа ғойиб бўлди-я? Натали-чи? Натали шу ерда, ёнгинасида-ку? Қаёққа, қаёққа ғойиб бўлди Натали? Нечук уни йўқотиб қўйди? Палатадан врач чиқиб келди — у чиндан ҳам хунукдан-хунук малла эди.

— Ҳаммаси тамом, дўстим, — деди у. — Кечиқиб қолдик. Афсуслар бўлғай. Уни кўришни истайсизми?

Бироқ Жил йўлак бўйлаб деворларга урина-урина югуриб кетди. Бу малла одам кўзидан дув-дув оқаётган ёшларни кўришини хоҳламас эди. Нотаниш касалхонанинг зинасидан шамолдай елиб тушиб борар экан, орқасидан врачнинг нималар деб қичқираётганини зўрға эшитди. Зинадан тушиб бўлгач, юрак ўйноғидан энтика-энтика тўхтади.

— Ҳужжатлар-чи? — деган қичқирик эшитилди юқоридан — олис-олислардан. — Ҳужжатлар масаласи нима бўлади? Унинг сиздан бошқа ҳеч кими йўқми?

У дудмалланди, лекин тўғриси айтди — бу гапининг ҳақиқат эканини Жил биларди.

— Ҳеч кими йўқ.

Ежи ЮРАНДОТ

Тўққизинчи покиза

ИККИ ПАРДАЛИ

Комедия

ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

Зоровавель — ҳакам.
 Азария — ҳакам.
 Ход — ҳакам.
 Каат — сутфуруш.
 Иераха — кампир “шаҳримиз ифтихори”.
 Тамар — Иераханинг чўриси.
 Лот — майхоначи.
 Иоас, лақаби Ярамас.
 Ценла — Иоаснинг ўйнаши.
 Салеф } — товламачилар.
 Хамуэль }
 Хаггита } — уларнинг дилхушлари.
 Наара }
 Абисур — миршаб.
 Ахса — ишратхона бекаси.
 Себеон — шоир.
 Робоям — банк директори.
 Нахор — иттугар.
 Биринчи аёл.
 Иккинчи аёл.

*Ҳусниддин
 ШАРИПОВ
 таржимаси*

Ежи ЮРАНДОТ Польшанинг кўзга кўринган драматург ва шоирдир, у 1929 йили, ҳали Варшава университетининг кимё-математика факультетида ўқиётган пайтидаёқ бадиий ижод билан шуғуллана бошлади, ҳажвий журналлар ва эстрада жамоалари билан ҳамкорлик қилди.

1945 йили 34 ёшли Ежи Юрандот тинч даврдаги биринчи поляк эстрада театрларидан бўлмиш “Сирена”ни ташкил қилди, унинг учун асарлар ёзди ва ўзи саҳналаштирди. “Замон шунақа”, “Учинчи кўнғироқ”, “Фолтисювнанинг эри”, “Польша санами” каби комедиялари эл ичида овоза бўлиб кетди, у Польша Давлат мукофоти билан тақдирланди. Эътиборингизга ҳавола этилаётган “Тўққизинчи покиза” комедияси 1963 йилда яратилиб, у драматургнинг ўз юртидан ташқарида, жумладан, бизнинг республикамизда ҳам олқишларга сазовор бўлган.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

115

БИРИНЧИ ПАРДА

Шаҳар бозори. Атрофдаги қурилишлар орасида уч иморат алоҳида кўзга ташланиб туради. Чапда — Иераханнинг икки қаватли, болохонадор кўркем уйи. Унинг қаршисида, бозорнинг ўнг қанотида маҳкамага ўхшаш дабдала бино. Лекин, эшиги тепасидаги қизил чироққа қараб, бу уйнинг вазифаси бошқачароқ эканини сезиб олиш мумкин. Ниҳоят, майдоннинг тўрида пешонасига каттакон пешлавҳа ёпиштирилган майхона. Бозор марказида бир ҳайкал юксалиб турибди.

Саҳар пайти. Шаҳар ширин уйқуда, ҳамма эшиклар берк, ҳамма деразалар ёпиқ. Сукунат.

Вазмин қоплар остида икки букилиб, ҳассага таянган Зоровавель, Азария ва Ход киради. Озгин Зоровавель ва семиз Азариянинг соқоли, худди пайғамбарникидай узун ва оппоқ. Ход эса ёш, соқоли ҳам қисқа ва қопқора. Лекин учови тенг чарчаб, тенг чангга ботган. Улар ҳайкал ёнида тўхташади.

Зоровавель. Мана, ниҳоят, ташриф буюрдик.

Азария. Бунақа инжилбоп жимжимадор гапнинг нима кераги бор? “Мана, келдик” дейиш минг марта ўнғай-ку!

Ход. Очигини айтсам, “мана” деган сўзнинг ўзи ҳам ошиқча: “Келдик!” Вассалом... Ундан ташқари, келганимиз ҳаммага аён бўлгандан кейин, яна “келдик” деб жар солиш ақлли одамнинг ишими?

Азария (*бўғилиб*). Кимга аён? Ким кўрипти? Қани ўша бизни кўрадиган тирик жон?

Зоровавель (*аланглаб*). Дарҳақиқат, бирор тирик жон кўринмайди-я! (*Кичиради*). Эҳе-ҳей, ким бор бу шаҳарда?

Ход. Ҳеч ким...

Зоровавель. Фафлатга булғаниб ётибди булар...

Азария (*ўкинганнамо*)... Маза қилиб. (*Қопларини ерга қўйиб, ўзлари унга ўлтиришади*). Қорин роса буровга олди-ку... Майхона қачон очиларкин? (*Ўқийди*). “Туз устун соясида, биринчи даражали ресторан”. Номи ҳам иштахани қитиқлайди-я!

Ход. Оғзимга чанг тўлиб, тилим бўлди мум, тишларимда эса ғижирлайди кум...

Зоровавель (*жиддий*). Гапингга тушуниб турибман. Лекин, раҳбар сифатида, бирор томчи шароб билан оғиз чайқашингга йўл қўймайман. Тушундингми сен ҳам?

Ход. Сабаб?

Зоровавель. Сабаб шуки, ҳакамлар ўз мияларини кайф дуди билан булғамай, доим беғубор тутишлари зарур.

Ход. Шу билан бирга, ҳакамларнинг тишлари орасида кум ҳам ғижирла-маслиги лозим — бу уларнинг нуфузига путур етказида.

Зоровавель (*қатъий*). Ундоқ бўлса, бор, бирор қудуқ топиб, оғзингни чайқаб ол. (*Бир неча муддат сукут сақлаб, у ён-бу ёнга кўз югуртишади*.)

Азария. Гўзал шаҳар экан.

Ход. Ҳа, гўзал.

Азария. Бинолари ҳам бинойидек. Дарвозахоналарини кўринг, куббаларини айтмайсизми?..

Зоровавель. Иморат деб аталмиш ушбу иншоотларнинг тиғизлиги эса нур устига аъло нур. Зўр гулхан бўлади.

Азария. Иҳм...

Ход. Тақсир!

Зоровавель. Хўш?

Ход. Улуғимиз бу шаҳарни аввал олов билан суғормоқчиларми ё олтингу-гурт дуди билан димламоқчиларми? Ё унисини ҳам, бунисини ҳам бирданига бошлаб юборармиклар?

Зоровавель. Бу масала ҳозирча қоронғи.

Ход. Ҳар ҳолда қизиқ тажриба бўлар экан. Авлодлар учун катта аҳамият касб этиши шак-шубҳасиз.

Азария. Қуёш ўз тиғини деразаларга ура бошлади. Бир неча лаҳзадан сўнг эшиклар очилгай ва кўз ўнгимизда шаҳарнинг осий ва осия бандалари намоён бўлгай.

Зоровавель (*қатъий*). Шуни унутмагинки, на осийлар ва на осиялар ҳаёлингни чалғитмаслиги даркор...

Азария (*ҳам оғриниб, ҳам итоаткорона*)... ва чалғита олмайди!

Зоровавель. Сен уларнинг орасидан фариштадек покизаларини қидир, топсанг — назардан қочирма. Ўзингга маълумки, зикр этилганидек...

Азария (*бесабр*). Биламан, тақсир, биламан, ҳатто ёдлаб олганман: “Агар ушбу шаҳарда ўн покиза фуқаро топилса, ўшалар ҳурмати жамики элнинг гуноҳидан ўтилуру”.

Ход. Бу халқнинг асаби мустаҳкамлигини қаранг. Илоҳимнинг ўзи уларни бизнинг келишимиздан уч бора огоҳ этганди. Мен шаҳардаги ҳамма эркагу аёл бозорга тўпланиб, кечадан бери йўлимизга нигорон бўлса керак, деб ўйловдим.

Азария. Э, илоҳингга қулоқ соладиган лақма қоптими ҳозир ер юзида!

Зоровавель. Улар ўз қисматларидан гофил яшаётганлари, эҳтимол, яхшилиққа дохилдир. Бизнинг арши-аълобоп амал-тақалларимиз ҳам қопда тура турсин, ўзимизни шунчаки сайёҳлар деб қўя қоламиз.

Ход. Минг офарин! Бу алоқа ўрнатишнинг мутлақо янги ва жуда зўр услуби бўлади.

Ҳаёт уйғона бошлайди. Аввал бир дераза очилади, кейин иккинчиси.
Қаердадир эшик гижирлайди.

Азария. Ниҳоят ўз кўрпаларини тарк эта бошлади улар.

Ход. Бу ёққа қаранг, ана, биттаси келяпти. Тавба, мен осийларни доим қора кийимда тасаввур қилардим. Бунинг турган-битгани оппоқ-ку!

Азария. Сутфуруш бўлганидан кейин оқ бўлади-да!

Сут идишлари ортилган аравачасини тортиб, Каат киради.

Зоровавель. Худо ёрлақасин сендай бандани.

Каат. Тушунмадим...

Зоровавель. Худо ёрлақасин, деяпман сенга.

Каат. Нега?

Зоровавель. Бекорга. Саломнинг шунақа хили ҳам бор.

Каат. Э, у ҳолда, ваалайкум ассалом. Саёҳатлаб юрибсизлар, чамамда, а? Лекин сиздақаларини биринчи кўришим, гап-сўзларингиз ҳам ўзгачароқ.

Зоровавель. Тўғри, саёҳатлаб юрибмиз. Узоқ йўл босиб келдик, борар жойимиз бундан ҳам олис. Менинг исмим — Зоровавель, бу — Азария, буниси эса — Ход.

Каат. Эҳ, афсус, асбобим ёнимда бўлганида, бир ажойиб замонавий ашула тўқиб юборар эканман. (*Хиргойи қилади.*)

Зоровавель, Азария,

Аворавель, Заровия,

Ававия, Заория,

Ход, Ход, Ход!

Азария. (*Пешонасини тириштириб.*) Оббо сутфуруш-ей, анчагина шўх одамга ўшайсан-ку!

Каат. Жон-дилим ашула. Зўр ашула эшитмоқчи бўлсангиз, кечкурун майхонага келинг. Қаллоб, қўли эгри, ёлғончи кишиларнинг иштаҳасини очиб юборадиган сокин гўша ҳақидаги қўшиқни айтиб беришим мумкин. Хоҳласангиз, қиз вафоси тўғрисидаги ашулани эшитасиз. Бунисини энгил оёқ хотинлар, бузуқи ва қотил одамлар севишади. Ичак узилди кулгини кўрмоқчи бўлсангиз, Абакука деган бечорага бағишланган дилгир қўшиғимни бошлайман.

Ход. Шунақа кишиларнинг кўнглини овлагани ор қилмайсанми?

Каат. Нега ор қиларканман? Улар хизмат ҳақини нақд тўлашади менга. Бу ёқда хотин, бола-чақаларни, у ёқда икки канизак... Озмунча пул керакми ҳаммасини боқиш учун? Сизларга қуллуқ, мен сутни тезроқ мижозларга етказай.

Зоровавель. Шошмай тур. Биз бу шаҳарнинг ўнг-терсини билмаймиз. Айт-чи, бошимиз қай томонга оғса яхши бўлади. Қандай диққатга сазовор жойлар бор бу атрофда?

Каат. Саёҳатчига нима? Оёғи қаёққа тортса, ўша тарафга кетаверади: бири тангрининг кошонасига бош урса, бири ишратхона остонасига. Очиғини айтсам, бизда ишхонадан кўра ишратхона кўпроқ ҳам, қизиқроқ ҳам.

Зоровавель (*дарғазаб*). Ибодатхоналарингиз эса эҳтимол... У ерда, ахир, сохта тангриларга сажда қиласизлар-ку!

Каат. Нима бўпти? Ҳеч зарари йўқ. Чунки саждамизнинг ўзи ҳам сохта-да!

Ход. Ташналиқдан ўламан ҳозир. Йўлнинг чанги томоғимни гиппа бўғди-қўйди. (*Каатга.*) Майхона соат нечада очилади?

Зоровавель. Яхшиси, сутфурушга айт, оппоқ обиҳаётидан бир қадаҳ узата қолсин.

Ход. Сутми? Сут деган нарсани мен охирги марта она кўксидан ичгандим, расво таъми ҳалиям тилимда турибди. Ундан кўра бирор тиниқроқ қудуқ излаганим маъқул.

Ход чиқиб кетади. Чапдаги уйнинг болаҳонасига Иераха чиқади. У қачонлардир анчагина чиройли бўлган эса-да, ҳозир шарти кетиб-парти қолган бир кампир.

Иераха. Ҳей, сутфуруш! Қачонгача бизни нонуштадан қантармоқчисан?

Каат. Салом сенга, шаҳримизнинг ифтихори бўлмиш Иераха! Узоқроқ гап сотиб, кеч қолганим учун кечир мени. Идишни остонанга қўйиб кетаверайми?

Иераха. Ақлингни еб қўйдингми? Ҳайт-хуйт дегунча ўғри уриб кетади-ку! Ҳозир чўрим Тамар, идиш-оёқни ювиб бўлиб, ёнингга тушади. Фақат, тўғри ўлчаш ёдиндан чиқмасин.

Каат. Одатдагидек, хоним.

Иераха. Одатда, энг ками, чорак литрдан уриб қоласан. Кечаги сутнинг ярми эса сув экан.

Каат. Афсуски, бу сўзда жон бор. Кеча бола боғчаю касалхоналарга бериладиган сутни сенга ташлаб кетибман. Бу айб бошқа такрорланмайди.

Иераха. Сенда лафз борми?

Каат. Ростини айтсам, менда лафз йўқ, лекин бошқалар учун йўқ. Сени ҳеч қачон алдаган эмасман. Биламан кимлигингни. Барча фазилатларнинг кони, улуснинг покдомони бўлмиш сендай зотни алдашга виждон йўл кўярмиди?

Иераха. Бу бошқа гап. Ёдингда турсин. (*Ичкарига кириб кетади.*)

Зоровавель. Эшитдингми?

Майхонанинг тамбаланган эшиги очилиб, остонада унинг эгаси Лот пайдо бўлади.

Лот эснаб, керишади. Кейин сайёҳларга тикилиб қолади.

Лот. Саломларим бўлсин. Олисдан келяпсизларми?

Азария. Ҳа...

Лот. Менинг исмим Лот. Камина қулингизнинг эшиги сизлар учун очиқ, қадмингизга ҳасанот. Оч бўлсангиз, дарҳол хамир қораман, сўнг зиёфатни бошлаб юбораман.

Азария (*афтини буриштириб*). Хамир, деддингми? Ичакка юқ бўладиганроқ нарсанг йўқми?

Лот. Пул бўлса, чангалда шўрва. Мен сизларни қандайдир делегациянинг аъзолари деб ўйлабман, чунки ҳамёнингиздан “хемири”нинг ҳиди келмаяпти.

Зоровавель. Шошма.

Иераханинг уйидан, қўлида кўзача билан, сут олгани Тамар чиқади.

Азария (*қойил бўлиб*). Мулки Бобилнинг барча наҳрларига қасам ичиб дейманки, бу тўпиқлар беқиёс!

Зоровавель. Бу қизалоқ билан дарҳол гаплашмоғим керакка ўхшайди. (Лотга.) Сеникига кечроқ кирамиз, майхоначи.

Лот. Ихтиёр ўзингизда. Лекин салдан кейин ўринларнинг кўпчилиги маҳаллий ҳукуматга банд бўлиб қолади, хизмат жўнидан деганларидек... Борди-ю, Иоас Ярамас ўз безорилари билан келиб қолса, сизга жой етмаслиги ҳам мумкин.

Азария. Иоас Ярамас деганинг ким?

Лот. Иоасни танимайсизми? Ўша машҳур Қаллобимизнинг ўғлини-я? Иоас — исми, Ярамас — лақаби. Шуни ҳам билмасангиз, нима, осмондан тушдингизми?

Зоровавель. Осмонданми, бошқа ерданми, бунинг ҳеч кимга дахли йўқ.

Лот елка қисиб, майхонага кириб кетади. Каат Тамарнинг кўзчасига сут қуяди.

Тамар. Яна чорак литрча қисиб қолдинг, ўғри!

Каат. Менга қара, қўғирчоғим, Бетордан олиб келиб берган узугим ёдинг-дами?

Тамар. Кўзи сопол бўлса ҳам, олиб берганинг рост.

Каат. Томошага олиб тушиб, шаробга ҳам тўйдирганмидим?

Тамар. Бир томчи бўлса ҳам, шаробингни ичганман.

Каат. Шундоқ экан, юлдуздек кўзларингни бир нафас олиб, ёдлаб ол: қарс икки қўлдан чиқади. Сендан угина, мендан бугина.

Аравачасини судраб, чиқиб кетади.

Зоровавель (қизнинг ёнига келиб). Салом сенга, Тамар. Айт-чи, бу хонада кўпдан бери хизмат қиласанми?

Тамар. Ҳа, кўпдан бери.

Зоровавель. Вазифанг ўзингга маъқулми?

Тамар. Ўз лавозимидан мамнун кишини ўзингиз ҳеч учратганмисиз, бо-бой?

Азария (қойил бўлиб). Бу аёлнинг ақли ҳам ҳуснидан кам эмас. Баракалла!

Зоровавель. Баъзи сабабларга кўра, бизни сенинг соҳибанг қизиқтириб қолди. Биз у ҳақдаги фикрингни билмоқчи эдик.

Тамар. Молия шўъбасидан келдингларми?

Зоровавель. Йўқ.

Тамар. Миршабхонаданми?

Зоровавель. Йўғ-ей... Биз бу масала билан шунчаки қизиқяпмиз холос. Қалай, инсонпарварми у аёл? Яхшилиқни унутмайдими? Ишида ғараз, қўнглида кир йўқми?

Тамар. Наҳот уйланмоқчи бўлсангиз унга? (Азария кулиб юборади) уйланиб бўлсиз: бу хотин на ичади, на чекади ва на эркак зотини бир пулга олади.

Зоровавель (Азарияга). Қиқирлама. Ишимиз юришиб турганини кўрма-япсанми?

Уйдан Иераха чиқади.

Иераха. Сутинг бошингни егур-ей! Сут қани, Тамар? Нонушта қиламанми ё йўқми бугун?

Тамар. Мени мана бу икки мўсафид тутиб қолувди, хоним. Мана, кетдим.

Иераха (ғаш келиб). Замоннинг бузилгани шу-да! Муқаддас китобда ёзилибдики, “Ёши бир жойга етиб, соқоли эчкиникидай оқарган зотлар бузуқлик ва эгри оёқликдан ўзларини сақлағайлар”.

Азария (унинг жиғига тегиш учун). Сақлағайлар, сақлағайлар... Китобий гапларни бизга рукач қилаверма, эй аёл, чунки сен бизга бирини айтсанг, биз учтасини ёқангга ёпиштириб қўйишга қодирмиз. Касбимиз шунақа, тушундингми?

Зоровавель (унга “тилингни тий” дегандай тикилиб). Дарҳақиқат, биз тараллабедод қилиб юрганимиз йўқ. Бу ерга келишимизнинг боиси соҳибжамол чўринг Тамар эмас, балки сенинг ўзингдирсан.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

И е р а х а (*бир оз эриб*). Хўш, хизмат? Кулоғим сизда?

З о р о в а в е л ь. Боя сутфуруш сени “шаҳримиз ифтихори” деб атади...

И е р а х а. Мени доим шундай аташади.

З о р о в а в е л ь. Шаҳрингга эндигина қадам қўйган мусофирнинг ғофиллигини афв этиб, айт-чи, бу юксак унвонга қандай эришдинг?

И е р а х а. Қандай, дейсизми? Тақсиримнинг кўнглини хушлаб! Қанча деса, ўшанча хушлаб! Шуни ҳам билиб қўйингки, у анча-мунчага кўнадиганлардан эмасди.

З о р о в а в е л ь (*хижолат бўлиб*). Бир оз тушунолмай қолдим. Агар кўрпадаги кўнгилхушликларни назарда тутаётган бўлсанг, бунақа иш билан бошқа аёллар ҳам шуғулланади.

И е р а х а (*бурнини кўтариб*). Оббо, мусофир-ей, оппоқ соқолингиз ақлингизга қараб эмас, сартарошга пулингиз йўқлигидан узайиб кетганга ўхшайди. Ўша муқаддас китобда “Аёл кишининг қилган ишига баҳо берилади” дейилмаган, балки “Аёл киши ишни ким билан қилганига қараб баҳо берилади” деб ёзилган.

А з а р и я. Бунисидан мен ҳам беҳабар эканман. Зўр айтилибди.

И е р а х а. Бу ҳайкални кўрдингизми?

З о р о в а в е л ь. Кўрмай бўлармиди?

И е р а х а. Кимга қўйилганини биласизми?

А з а р и я. Қайдан билайлик, ахир, бошидан тортиб, юз-кўзи аралаш, елкасига каптарлар “ҳалоллаб” кетишибди-ку!

И е р а х а. У бизнинг қонундоримиз, шухрати шаҳардан ҳам четларга таралган улуг Қонундоримиз! Мен унинг дилхуши эдим. Мана шу кўзларимдан ўпарди, мана шу сочларимни силарди, мана шу белларимдан қучарди у... У ўлгач, менинг ўзим, маълум маънода, тарихий ёдгорликка айланиб қолдим.

А з а р и я (*Зоровавелга*). Менимча, бу воқеалар жуда қадимда бўлиб ўтганга ўхшайди.

И е р а х а. Ҳа, мусофир, жуда қадимда. Лекин ҳозир соат, ниҳоят, аёл фойдасига айланмоқда. Вақт ўтиши билан хотиралар қадри ҳам ошиб бораётир. Мен ўз хушторим билан танишганимга қанча бўлди, Тамар, айтиб юбор!

Т а м а р. Ўттиз йил, уч ою ўн икки кун.

Зоровавель билан Азария бир-бирларига ҳайрон тикилишади.

З о р о в а в е л ь. Наҳот вақт хотирангни хиралаштириб, кўр киши ҳассага таянгани каби, чўринг хотирасига суяниб қолган бўлсанг?

И е р а х а. Асло. Бутун умрим худди ҳозиргидай ёдимда. Мен хизматкорларим ўша воқеаларни нақадар эслашини текшириб кўраман, холос. Мен ҳар кун бу нарсаларни уларнинг миясига ўн марталаб мих қилиб қоқаман. Тамар, Қонундор билан танишган маҳаллар қандоқлигимни бир таърифлаб юбор!

Т а м а р. Қўшалоқ сийнангиз оҳунинг чўмилиб чиқаётган бир жуфт улоқчаларидек, тишларингиз эса нилуфарлар аро ўтлаб юрган пода-пода кўзичоқлардек...

И е р а х а. Яна чалкаштириб юбординг. Оҳулар нилуфарлар аро ўтлаб, қўзилар сувдан чиқаётган бўлиши керак эди.

Т а м а р. Кечиринг мени.

А з а р и я (*Зоровавелга*). Бу — ўзимизнинг ҳазрат Сулаймондан бир сура-ку!

И е р а х а. Тўғри, мен баъзи ўхшатишларни бадий адабиётдан олганимни инкор этмайман... Маълум сабабларга кўра, хотираларнинг ўз таржимаи ҳолимга алоқадор жойлари гўзалроқ бўлсин, дейман-да!

З о р о в а в е л ь (*тавозе билан*). Кўп издошлар орттиришингиз мумкин бу жабҳада.

И е р а х а. Энди давомини эшитинг. Тамар, муҳаббатимиз равшан этган биринчи тун ҳақида сўзлаб бергин!

Т а м а р. Жуда чўзилиб кетади-ку! Яхшиси, буюринг, нонуштага нима қилай?

З о р о в а в е л ь. Тўғри, хоним, чўрингга рухсат бериб юбора қол. Бизни мана шу кун, мана шу соат қизиқтиради, холос.

И е р а х а (*Тамарга, хижил бўлиб*). Боравер энди.

Т а м а р чиқиб кетади.

Хўш, сизга нима керак?

З о р о в а в е л ь. Сен, мангу ҳайкал бўлиб қолган...

А з а р и я. ... ва каптарлар “севган...”

З о р о в а в е л ь. ... ушбу одам яратмиш қонунларга умринг бўйи тўлиқ риоя қилдингми?

И е р а х а. Риоя қилмай бўлармиди? Ахир, у қонунларга ўзим тенг шерикман-ку! Эркак зотининг феъли маълум: уларнинг қалби аёл танига интилар экан, ижодга мутлақо ярамайди. У мана шу кўзларимдан ўпарди, мана шу сочларимни силарди, мана шу белларимдан кучарди... У кейинроқ ақлини йиғиб, мураккаб қонунлар устида бош қотира бошлади.

З о р о в а в е л ь. Шундай экан, сени “фикри покиза ва қўли ҳалол хотин” деб айтса бўладими?

И е р а х а. Мени ҳамма одамлар ҳамма вақт шундай деб келишган.

З о р о в а в е л ь. (*Азариянинг битта бармоғини букиб.*) Бир!..

Шовқин-сурон кўтариб, бир гала кишилар — Иоас ўз ўйнаши Цеила билан, Салеф ва Хамуэль ўз “жонон”лари Хаггита ва Наара билан кириб келишади.

И о а с. Бормисан бу дунёда, эй фазилатлар гултожи? Ҳолинг қалай?

И е р а х а. Раҳмат, маккор, аҳволим жуда яхши.

И о а с. Эшитдингизми, дўстлар, у мени “маккор” деяпти. Ўтган сафар “аблах” деган эди, ундан аввал эса унақа-мунақавачча деб атаганди. На чора, менга бир оз ҳуши йўқ.

Ц е и л а. Юр, юра қол, Иоас, гап сотишдан нима фойда?

С а л е ф. Одобни унутма, Иоас. Менинг тилим, масалан, бирор қари хонимга: “Сен ажинасан” дегани мутлақо айланмасди.

Х а г г и т а (*қиқирлаб*). Ажина... Гапини қаранг, вой, мени кулдириб ўлдиради бу...

И е р а х а. Йўқолинг бу ердан! Кайфингиз бошингизни есин.

Х а м у э л ь. Кайф? Қанақа кайф? Мен тўнғиздай соппа-соғман. (*Наарага.*) Тўғримми, чумчугим?

Н а а р а (*Хамуэлниг елкасини силаб*). Сен... Сен менинг ҳам фариштамсан, ҳам сариштамсан...

И о а с. Бекор кўнглимизни оғритдинг. Ҳали бир-икки соат ўтсин, Ўтнинг майхонасига кириб чиқайлик, ана ундан кейин маст десанг, рост бўлади. Биз ҳозирча ўтмишда юрибмиз...

С а л е ф. Майхонадан чиққач эса, келажакда липиллаб кетаётган бўламиз.

Х а г г и т а (*қиқирлаб*). Келажакда липиллаб?.. Вой, топган гапини қаранг...

И о а с. Менга қара, фазилатлар гултожи, юр биз билан, сен ҳам озгина кўнгил ёз, чинакам ҳаёт нималигини кўриб қўй. Менинг ҳисобимдан.

Ц е й л а. Ақлинг жойидами, Иоас?

Н а а р а. Бош оғригининг нима кераги бор?

Х а м у э л ь. Шошманглар. Иоас ўз ишига пишиқ. Агар хоним кўнса, ростдан бир тўйиб кулиб олардик.

И о а с. Қимлигидан қатъий назар, мана бу икки мўйсафид ҳам юраверсин, биз билан. Ўзим тўлайман. Ичамиз, хурсандчилик дарёсини кечамиз!

З о р о в а в е л ь. Бугун қанақа байрам? Нима, бирор улуг кунни ё бирор улуг туғилган кунни нишонлаяпсизларми?

Ҳамма кулиб юборади.

И о а с. Келгиндига ўхшайсиз, а?

З о р о в а в е л ь. Биз сайёҳмиз.

С а л е ф. Мен сизни ҳозирги олифта йигитчалардан деб ўйлабман.

Хаггита қаҳқаҳа уради.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

И о а с. Ҳовлиқманглар. Сайёҳлар бизнинг одатимизни билишмайди. Аввал тушунтириш керак. Гапнинг пўст калласи шуки, бу шаҳарда ичиб яйраш учун байрам шарт эмас.

Х а м у э л ь. Бўлмаса шароб — ҳаётинг хароб. Ростми, чумчуғим?

Н а а р а (*завқланиб.*) Оҳ-оҳ, осуриялик жасуриямдан ўргилай!

И о а с. Ҳовлиқманг, деяпман. (*Зоровавелга.*) Байрам кунлари, албатта, байрам қилиб ичамиз. Бошқа кунларда эса ҳамма ўз иши билан овора. Аммо, ишни қоқилмай бажариш учун буфет орқали йўл солиш даркор.

С а л е ф. Аввал ҳам, охир ҳам.

И о а с. Шундай қилиб, биз оддий кунлар мажбурият юзасидан ичсак, байрам кунлари дам олиш учун ичамиз.

Ц е и л а. Иоас, юрагим сиқилиб кетди. Чолларни тинч қўйиб, юр бу ёққа. Бугун ёрилиб кетгунча ўйнатаман деганинг ёдингдами?

И о а с. Ҳозир, ярим жаҳонимнинг соҳибаси. (*Атрофдагиларга.*) Бу ерда ҳозир бўлган йўлдошларим билан биргаликда ниҳоясига етказган бир ишни ювишимиз керак бугун.

И е р а х а. Яна ўғирликдир-да?

И о а с. Бун сен тушунмайсан, муҳтарама “фазилат халта”. Ўғирлик — озгина пул ўмариш деган гап. Бу мени ҳам, улфатларимни ҳам қизиқтирмайди. Бизнинг соҳа — ундан нари, савдо ва молия деб аталади. Хуллас, бирга бўламизми?

И е р а х а. Бунақа иш билан мен ҳам қизиқмайман, ичадиган одатим йўқ.

З о р о в а в е л ь. Мен ўз ҳамроҳим билан бирга сенинг таклифингни қабул қиламан, лекин кейинроқ етиб бораман.

И о а с. Ихтиёр ўзингизда. Кетдик, болалар!

Иоас ўз улфатлари билан майхонага кириб кетади.

И е р а х а. Қалай дейсиз буларни?

З о р о в а в е л ь. Мутлақо осий бандалар, мутлақо. Саркорлик қилиб юрган ҳалиги Иоас деганлари ким?

И е р а х а. Ўшаларнинг энг расвоси. Пул унадиган бўлса, қўлини ҳар қанақа ифлос нарсага уришдан тоймайдигани. Аммо, ҳамкасблари ўртасида обрўйи баланд. Ҳамма жойда ўз одами бор. Шаҳарни бошига телпак қилиб кийиб олган.

А з а р и я. Наригилари-чи?

И е р а х а. Жуда масъул кишилар. Бўйи пастроқ, Салеф деганлари — қўли эгрилар жамияти бошқарувининг аъзоси. Нариги, новчароқ, Хамуэль деганлари эса товламачи хўжалик ходимлари ташкилотининг казо-казоларидан. Иккови ҳам шахримизнинг эркаси.

З о р о в а в е л ь. Ё тавба...

А з а р и я. Дўзахнинг ўзи-ку!

Т а м а р (*ошхона деразасидан*). Марҳамат, нонушта тайёр!

И е р а х а. Хайр энди. Насиб қилса, яна кўришармиз.

З о р о в а в е л ь. Илло, насиб қилгай. Хайр, муҳтарама Иераха.

И е р а х а кириб кетади.

Шундай қилиб, бир покиза нақд бўлди.

А з а р и я (*уҳ тортиб*). Дарҳақиқат, шу қадар покизаки, на ишида қусур, на сўзида қийиқ ва на юзида ҳусн бор.

З о р о в а в е л ь. Иоас ва унинг улфатлари билан ҳам бир гаплашиб олмоқ керак. Боя шунинг учун таклифини қабул қилувдим. Қани, юр-чи!

А з а р и я (*ҳайкалнинг ёнида тўхтади*). Бир нафас тўхтанг, ҳазрат. Бир нарсага тушунмаяпман. Ҳар қадамда қонунни оёқ ости қилаётган кишилар нима учун Қонундорга ҳайкал ўрнатиб, унинг хотирасини шу қадар улуғлашаркин?

З о р о в а в е л ь. Одамзоднинг феълени билмайсан-да. Агар бирор жойда бирор ёзувчига ҳайкал қўйишган бўлса, демак, у жойда унинг китобини ҳеч

ким ўқимайди. Артистга ҳайкал ўрнатишган бўлса, демак, у ҳамманинг ёдидан чиқиб кетган, ҳеч кимга халақит бермайди.

Азария. Хуллас, каптарлар билан ҳайкаллар ва халойиқ билан алломалар ўртасидаги муносабат бир хил экан-да.

Зоровавель. Оламдан ўтган улуғлар у ёқда турсин, тириклигида ҳайкали ўрнатилганларнинг қисмати ҳам шу. Қани, кетдик. (*Аланглайди.*) Ход қайда қолди?

Азария. Билмадим. Умуман, ҳазрат, сиз бораверинг, мен уни озгина кутиб тураман.

Зоровавель. Хожати йўқ, ўзи бизни истаб топа қолсин.

Азария. Менга кутиш маъқулроқ.

Зоровавель (*шубҳаланиб*). Нима қилмоқчисан, огоҳ эт мени.

Азария (*қизариб*). Чўри қиз Тамарда ҳам бир гап бор. У менга ҳалол ва бегуноҳ кўринапти. Менимча, у биз излаган покизалардан бири. Имоним комилки, гўзаллик — покизаликда! Сиз қизнинг қаддига назар солдингизми?

Зоровавель. Сен, яхшиси, режангни айт.

Азария. Ҳалиги фикримни дарҳол текшириб кўришни ўзимнинг энг зарур вазифам деб ҳисоблайман. Агар кўнглим тўғри йўл кўрсатаётган бўлса, бир тонгда икки покиза инсонни қўлга киритамиз. Бу эса топшириқнинг йигирма проценти, демакдир.

Зоровавель. Оҳ, Азария, Азария-ей! Сен пайгамбар муовини даражасидаги жиддий бир фаришта эканингни унутма. Борди-ю, бирор жанжал-тўполонга йўлиқиб қолсанг...

Азария. Ҳазрат, шу ёшда-я?

Зоровавель. Афсуски, худди сенинг ёшингда фаришталар ҳам йўлдан оза бошлайди. Лекин, на чора, сенга ишонмай иложим йўқ.

Кетади.

Азария (*дераза остига келиб, оҳиста.*) Тамар!

Азария кафти билан оғзини тўсиб, чўзилганича, қизни яна бир марта чақиради. Кейин чапдан ўнгга ва ўнгдан чапга юриб, барча деразаларга разм солиб чиқади. Атрофни текшириб, бозордан ўтиб кетаётган Абисур унинг ҳаракатларини кузата бошлайди.

Абисур. Нима қидиряпсан бу жойда, эй шубҳали шахс? Нима учун ҳамма тарқаб кетгандан кейин ҳам бир ерда ўралашиб қолдинг?

Азария (*аччиғи келиб*). Сен ўзинг кимсан? Мени шубҳали шахс дегани нима ҳаққинг бор?

Абисур. Менинг исмим Абисур, шу ернинг миршаби бўламан. Шубҳа билан қараганимнинг сабаби шуки, мен танимаган ҳар бир киши шубҳали шахсдир. Касбим шуни тақозо қилади. Фақат мен яхши билганларгина шубҳадан ҳоли; масалан, бирининг ўғрилиги аниқ, иккинчисининг қотиллиги...

Азария. Сен мени танишинг мумкин эмас. Чунки мен келгиндиман.

Абисур. Ишинг унда жуда расво экан. Мен, бу ерда бирор нарса ўғирлаш учун гимирлаб юрибсан, деб ўйлаган эдим. Аммо билиб қўйки, бизда фақат ўзимизникилар, кўп асрлик муқаддас тартибга риоя қилиб, ўғирлик билан шуғулланишлари мумкин холос. Акс ҳолда...

Азария. Қамайсизларми?

Абисур. Қамаш шарт эмас. Жамоатчилик олдида беобрў бўладилар.

Азария. Мен ўғри эмасман. Хотиржам боравер йўлингда.

Абисур. Сўзингга ишонса бўладими?

Азария. Бўлади.

Абисур. Агар айбингга иқдор бўлсанг, сўзингга ишонишим мумкин эди. Афсуски, сен бўйнингга олмаяпсан, демак, мен ҳам сенга ишонишим қийин, чунки эҳтимол, ҳукуматни лақиллатишга ҳаракат қилаётгандирсан, бу эса, маълум қоидаларга биноан, айбингга айб бўлиб қўшилади. Энди масалага бошқа томондан ёндашадиган бўлсак, сенга ишонгани зарра ҳаққим йўқ, чунки жиноят-

чининг гапида ҳақиқат бўлмайди. (*Нафасини ростлаб олгач.*) Кўрдингми, мусофир, хизматим нақадар оғир ва мураккаблигини? Моянада эса барака йўқ. Олиқ-солигидан кейин қўлингга сариқ чақа ҳам тегиб-тегмайди. Менга қара, сотиладиган чет эл буюмларидан йўқми? Ҳақини сўрайвер кўнглингга сиққанича.

Аз а р и я. Йўқ, ҳеч нарсам йўқ.

А б и с у р. Узингга қийин...

Кетади.

Аз а р и я. Тамар!.. Ҳей, Тамар!..

Деразадан Тамар кўринади.

Т а м а р. Азария, бу ёққа чиқ, жиддий гапим бор сенга. (*Чиқиб келади.*) Хўш?

Аз а р и я. Бугун кечкурун бўш эмасмисан?

Т а м а р. Анавини қаранг! Мусофир бўлсанг ҳам, гап-сўзинг ўзимизникилардан қолишмайди-ку! Шунча йил шунча одамдан эшитганим битта: “Бугун кечкурун бўшмисан, Тамар!”

Аз а р и я. Хуллас, бугун кечкурун бўшмисан, Тамар?

Т а м а р. Вақтим йўқ. Соҳибамнинг иши бор менда.

Аз а р и я. Эртароқ бўшашига уриниб кўр. Бирор жойга бориб, шаробхўрлик қилармиз, ашула эшитиб кўнгил ёзармиз ё қарағайзорда сайр айлаб, мангу сокин самовот алласини тинглармиз.

Т а м а р. Бунча шошмоқ боиси нима?

Аз а р и я. О, покизалар маликаси, буни сен тушунмайсан. Ўзимнинг ақлим ҳам унча етгани йўқ. Фақат, сени кўрган заҳотим ичимда бир олов гур этиб кўтарилдики, энди уни на сув сепиб ўчириб бўлади, на денгизга чўктириб! Тирсиллаб ёрилган анордай лабларингдан бўса олгим келаётир. Мусофирга қўша маёқ бўлган кўзларингни бир ўпай дейман.

Т а м а р. Булбул бўлиб кетдинг-ку! Ҳозирги замонда фақат оқсоқоллар қизларга мана шунақа чиройли гап айта олишади.

Аз а р и я. Мен унчалик қари эмасман шекилли, а? Агар соқолимни олдириб ташласам, ҳали ўх-хўў. Энг муҳими — кўнглим ёш. Хуллас, висолга тайёрмисан?

Т а м а р. Соҳибам қўймайди. Ишимиз бошимиздан ошиб-тошиб ётибди.

Аз а р и я. Қанақа иш экан?

Т а м а р. Қонундор мактубига изоҳ ёзишимиз керак.

Аз а р и я. Унинг мактублари ҳали ҳам нашр этилмаганми? Айб кимда?

Т а м а р. Мактуб кирхонада йўқолган ички иштон тўғрисида. Аммо, мусофир, шуни билиб қўйки, тарихий шахснинг иштони ҳам тарихий аҳамиятга эгадир.

Аз а р и я. Ундан кўра, ўзинг тезроқ чиқа қол ёнимга, эй жаннатнинг тоза гули. Жону таним куйиб кетмоқда. Тарихни қўявер, у сен айтганчалик муҳим нарс эмас. Ўша тарихинг, эҳтимол, эртага адо бўлар...

Т а м а р. Бу нима деганинг?

Аз а р и я. Албатта шундоқ бўлади, демайман, лекин шундоқ бўлаши ҳам мумкин! Масалан, эртага шаҳар олов ва олтингугурт дудига кўмилади, ер юзи қатрон бўлиб, тирик жонга қирон келади, дейдиган бўлсак, шу охириги тунни муҳаббатга қурбон келтирганимиз маъқул тушмайдимми?

Т а м а р. Ўйлаб топган янги гапинг шуми?

Аз а р и я. Нима бўпти?

Т а м а р. Бу — қари хотинбозлардан қолган эски усул.

Аз а р и я (*жаҳли қайнаб*). О, лабларимдаги муҳри асрорни олиб ташлаш иложи бўлсайди..

Т а м а р. Сени хафа қилмоқчи эмасдим. Умуман, ёқимтой бобойсан. Жун босиб муҳри асрор остида ётган бўлса ҳам, лабларинг гулдеккина.

Аз а р и я. Демак, келасан, а? Гира-ширада, ҳайкал ёнида кутаман.

Т а м а р. Иложим йўқ. Соҳибам уришади.

Аз а р и я. Наҳот шунчалик муҳим бўлса у мактуб? Эртага қолдиришининг иложи ҳам йўқми?

Тамар. Қонундорга алоқадор ҳар бир нарса соҳибам учун биринчи висолдай, биринчи тўй оқшомидай азиз!

Азария. Соҳибанг уни ростдан севармиди? Наҳот Қонундордан кейин бирор эркак зотига қўлини ё бошқа бирор жойини ушлатмаган бўлса?

Тамар. Йўқ. Фақат битта мурдага мўлжалланган тобутнинг ўзгинасига ўхшайди менинг соҳибам.

Азария. Менга қара, Тамар, сен тобора ақлимни ҳайрон этяпсан. Ўхшатишларинг ўткир, мулоҳазаларинг таг-заминли. Гап-сўзинг ходиманикидан кўра кўпроқ олиманикига ўхшайди.

Тамар. Ростдан-а?

Азария. Билимдонлигинг ҳуснингга гулдай ярашиб турибди. Бу фазилатларнинг ҳаммасини сенга ота-отанг бахш айлаганми?

Тамар. Йўқ, Аҳса холам.

Азария. Доно аёл экан. Ўз холангми?

Тамар. Йўқ, йўқ, мусофир, қариндошим эмас у. Касби шунақа.

Азария. Тушунолмадим... Уйи қаерда?

Тамар. Ана, ўша...

Азария. Қани, шуми?

Тамар. Худди ўзи...

Азария. Мана шу, эшиги устига қизил чироқ ўрнатилган-а?

Тамар. Ўша, қизил чироқ ўрнатилгани.

Азария. Қари эшакка ўхшамай ўлай!

Тамар. Нима дединг?

Азария. Ҳеч нима, ҳеч нима...

Тамар. Бу — шаҳардаги энг дуруст, энг бамаъни уй. Агар кечкурун зерикиб қолсанг, шу ерда вақтинг хуш ўтишига мен кафил. Таништириб қўяйми? (*Чақиради.*) Аҳса хола! Холажону...

Азария. Раҳмат, қўя қол.

Тамар. Нега?

Азария. Кераги йўқ. Ундан кўра, ўз ҳақингга сўзла, шуниси қизикроқ. Бу уйда узоқ яшадингми?

Тамар. Озгина, холос. Лекин у йиллар шунчалик ширин ўтувдики!.. Яхши тарбия олдим, ўзни тутишни ҳам шу ерда ўргандим. Ишим энгил, кундузлари кўпинча бўш бўлардим, шеър ўқирдим, фалсафа билан шуғулланардим. Қанча-қанча ажойиб одамлар билан танишдим, улар билан мулоқотда онгим ўсди. Афсуски, ота-онам мени бу ердан олиб, Иерахага чўри қилиб беришди.

Азария. Ота-онанинг иши шу-да!

Тамар. Мен ўз ота-онамни жуда яхши кўраман. Лекин улар қолоқ, бидъатга берилган, эски одамлар. Илмим ошиб, ақлим оғиб қолишидан чўчишади.

Болохонада Аҳса хола пайдо бўлади. У нафис кийинган, бамаъни хотин. Гап-сўзи, юриш-туришига қараб, уни аслзода аёллар мода дўконининг хўжайини деб ўйлаш мумкин.

Тамар. Ана менинг боқий муаллимам, кўрдингми? Чақирганимни эшитибди.

Аҳса. Ким у? Сенмидинг чақирган, Тамар? Аҳволинг қалай, болам?

Тамар. Аҳса хола, бир мусофир учраб қолди. Кечкурун қайга боришини билмас эмиш. Ундан ташқари, ичим тўла олов, дейди. Уни ўзинг паноҳингга оларсан деб чақирувдим. Хўпми?

Тамар кириб кетади.

Аҳса. Салом, мусофир. Мен мусофирларни яхши кўраман. Умуман. Шаҳримиз аҳли мусофир хотинни жуда севади. Айниқса тил билганларини. Негаки, тил билмаганлар билан салом-алик қилиш қийинроқ! Кирасанми бу ёққа?

Азария. Йўқ, раҳмат.

Аҳса. Тамарнинг гапига қараганда, кечкурун бўш эмишсан. Бизникига ўшанда кирсанг ҳам бўлаверади, лекин, хоҳласанг, ҳозир ҳам — бемалол. Шароит гўзал Тамар давридан бери анча ўзгариб кетди: энди кеча-кундуз, узлук-

сиз ишлайдиган бўлиб қолдик. Ундан ташқари, ширинаки қилиш, танлаб олиш каби модабоп янгиликларни тадбиқ этдик. Чунки, рақобатда қолиб бўламан деган киши давр билан тенг одим ташлаб бориши керак. Кирақол тортиниб ўлтирмай.

Аз а р и я. Раҳмат, менинг бунақа кошоналарга кирадиган одатим йўқ.

А х с а. Кўйсанг-чи ҳазилни! Урф-одатларимизни ўрганиб юрган мусофир олим ё сайёҳ бойлардан эмасмисан? Балки расмий топшириқ билан келгандирсан? Агар сайёҳ бўлсанг-у, пул совургинг келса, бунинг учун бизникидан маъкулроқ жой топишинг қийин. Борди-ю, урф-одатларимизни ўрганиб юрган бўлсанг, бизникида кўрганларингдан кўзинг шокосадай ўйнаб кетишига мен кафил. Мабодо расмий иш билан келган бўлсанг, шошилишнинг ҳожати йўқ экан, юр бизникига, ўйна-кул, дамингни ол.

Аз а р и я. Кўрамиз, кейинча...

А х с а. Ҳозир кўриб қўя қол!

Аз а р и я. Қорним оч. Майхонага кириб, тамадди қилмоқчиман.

А х с а. Бизникида ҳам бир камтарона дастурхон топилиб қолар сенга. Камтарона деганимнинг боиси шундаки, замон оғирлашиб кетди. Ҳатто молия назоратидан холи бизнинг ишда ҳам майда касибларга хос бачканапазлик авж ола бошлади. Бунга йўл қўйиш мумкин эмас. Бу — ахлоққа зид ҳол. Ўз ташвишларим билан бошингни оғритиб юбормадимми? Илтимос, кир энди. Нонушта ҳақини чет элга қилинадиган ташвиқот ҳисобига чақиб юборармиз, бунинг учун ҳамма вақт пул топилади.

Аз а р и я. Хўш... Илтимосни жуда ошириб юбординг, рад этмоқ одобдан бўлмайди шекилли.

Аз а р и я, атрофга олазarak кўз югуртириб, бошини эганича, Ахсаннинг уйига кириб кетади. Бир-бирига суяниб, ширакайф Ход билан шоир Себеон пайдо бўлади.

Себеон. Менгача ёзилган шеърлар ҳаммаси муқаддима эди. Мендан кейин туғилладиганлари эса тақлид бўлади. Ягона ва ҳақиқий шоир мен — Себеон, тушундингми?

Ход. Тушундим, Себеон.

Себеон. Яхши йигит экансан, мени Себек десанг ҳам майли.

Ход. Сен ҳам дуруст болага ўхшайсан. Озроқ ичганингда, ўша ўнларнинг бири бўлардинг. Афсус, иштаҳанг бузуқ экан.

Себеон (*тили каловланиб*). Мен ўннинг бири бўлишни истамайман. Бешнинг бири бўлиш ҳам менга камлик қилади. Ҳатто иккиннинг бири бўлишга рози эмасман. Мен ягонаман, муҳаққақман, қиррадорман, асабим нозик...

Ход. Зоҳир шаробидан жунбушга келган каллам сенинг бу ажойиб сўзларингдан мутлақо ғовлаб кетди.

Себеон. Шоир нималигини биласанми?

Ход. Бир оз биламан, Себек. Бировнинг калласида туғилган фикрни чиройли шаклда ифодалаб беролсанг, демак, шоирсан.

Себеон. Шеърят ҳақидаги тасаввуринг моғорлаб кетибди. Мен шаклни мажақлайман. Гўзалликнинг пўчоғини чиқараман. Синдираман, ёндираман, ўлдираман, тушундингми?

Ход. Буниси тушунарли. Фақат, нима учун синдиришинг кераклигини тушунмаяпман. Ичинг ачишмайдами, ахир?

Себеон. Ҳеч ачишмайди. Ичимнинг ўзи номутаносибликдан тўкилган. Мен ҳаёт билан муроса қилолмайман. Умуман, ҳаёт, бу — чўпчак. Мен уни мажақлаб юбораман.

Себеон қоқилиб кетади.

Ход (*уни ушлаб қолади*). Эҳтиёт бўл, бурнингни мажақлаб ўлтирма тагин! Ҳаёт билан муроса қилиб турганинг маъкул, ҳеч бўлмаса кайфинг бир оз тарқагунча... Зоҳирнинг шароби капалак уйқусидай нафис, бева оғушидай ҳароратбахш экан. Бир қултумидан олам икки баравар гўзал бўлиб кетди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Себе он. Олам? Шу ҳам оламми? Тартибсизлик билан ҳафтафаҳмлиқнинг қоришмаси-ку бу!

Ход. Ҳар на бўлса ҳам, Себусь, бу оламда яшамоқ яхши-да.

Себе он. Яшашнинг маъноси йўқ. Мен ҳеч нарсага ишонмайман.

Ход. Жиддийми шу сўзинг?

Себе он. Жиддий.

Ход. Елга кетмайдими?

Себе он. Кетмайди.

Ход. У ҳолда, мен бировга айтилиши ва биров эшитиши лозим бўлмаган баъзи идора сирларини сенга ошқор этаман. Менга шароб куйиб берганинг, бирга ичиб биродарим бўлганинг ҳаққи, гапимдан қулоғинг қувониб, юрагинг яйрасин, дейман: Сен бебошбоғ деб атаган бу олам эртага йўқ бўлиб кетади. Ўзинг ҳам ўша маъниси йўқ ҳаётингдан озод бўласан.

Себе он (*ҳушини йиғиб*). Нима?.. Эсингни едингми?..

Ход. Бор гапни айтяпман; осмондан оташ ёғиб, заминни қасир-қусир ва оҳ-фарёд кучади. Шаҳарни ер ютиб, ҳамма тирик жон ҳалок бўлади. Жумладан, ўзинг ҳам. Қалай, кўнглинг ўрнига тушдими?

Себе он. Жинни бўлсан! Мен рози эмасман! Эшитдингми, рози бўлолмайман! Нима ҳаққинг бор? Мен қаршиман!

Себе он бақирганича, югуриб чиқиб кетади. Майдонда Ходнинг ўзи қолади. Туйқисдан майхона эшиги тарақлаб очилади. Ичкарида бир оз говур-ғувур, ур-сур бўлиб тургач, думбасига тепки еган Зоровавель тошдай отилиб чиқиб, Ходнинг оёғи остига чўзилиб тушади. Уни қувиб чиқаётганларни Лот, эшик қасавасини маҳкам тутиб, ташқарига қўймайди.

Лот. Биродарлар, нима кераги бор? Эсингизни йиғинг, деяпман!

Салеф. Қўйвор, ақлини пешлаб қўяй, иккинчи марта бировнинг кайфини бузмайдиган бўлади.

Хамуэль. Насихат ўқийман дейди-я, товламачи! Қонунни оёқ ости қилаётган эмишимиз, ҳаромхўр эмишимиз... Ҳалолхўр тишларингни қўлингга қоқиб берайми?

Лот. Оғайнилар, у менинг уйимда, менинг меҳмоним, тирноқ текизсангиз ҳам яхши бўлмайди. Ўпкангизни босинг, жон дўстлар!

Салеф. Қоч йўлдан, бўлмаса, ўзингнинг суробингни тўғрилаб қўямиз.

Лот. Бир бочка ажойиб шаробим бор. Маханаиндан келтирилган, тинчланинг, ўшани куйиб бераман.

Хамуэль. Шаробинг билан қўшмозор бўлгур, қўйвор бизни!

Лот. Икки ҳалол қизим бор, ўшалар билан гаплаша қолинг унда! Аммо, меҳмонга тегманг...

У кучана-кучана, маст ҳамшаҳарларини ичкарига киритади ва эшикни бекитиб олади.

Ход (*Зоровавелни ўрнидан турғизиб чангини қоқаркан*). Ҳамма жойингиз ўрнидами, ҳазрат?

Зоровавель. Ким билсин.

Ход. Ҳе, тиззанг букилиб, бурнинг сўкилиб, ичагинг тўкилиб кетгур маҳшарийлар...

Зоровавель. Сўкинма, сен безори эмас, авлиё эканингни унутма!

Ахсанинг уйидан хавотирда Азари я югуриб чиқади.

Азари я. Нима гап? Нима бўпти? Ким у бақирган?

Ход. Кўрмаяпсанми, ҳазратдан ажрашимизга сал қолди.

Зоровавель. Янгича яшаш ҳақида эндигина ваъз бошловдим, бирдан “бунинг ҳар сўзи оғу, у бизни заҳарламоқчи” деб қий-чув кўтаришса бўладими? Нутқимни давом эттиравердим. Шунда, улар даргазаб кўзголиб, мени дўппослай бошлашди, кейин эшикдан отиб юборишди.

Азари я. Ҳа, бўйнингиз қон, ҳазрат, пешонангиз ғурра, анақага ўхшаб.

Зоровавель. Шунисига ҳам шуқр. Қопда доривор алаф билан давобахш мой бор эди, афсус, майхонада қолиб кетибди.

Ход. Кира кўрманг у ерга. Акс ҳолда қулоқнинг ичига ҳам, остига ҳам насиба тегиб қолиши мумкин.

Азария. Тўғри, кирмаганингиз маъқул. Давобахш мой менда ҳам бор. (*Қолини очиб, ичига қўл солади. Юзига ҳайрат ва ғазаб ифодаси қалқийди.*) Шўрим курсин! Нечук жигарим жазиллаб, зардам қайнамасин энди!

Зорова вель. Хўш?

Азария. Тўнаб кетишибди... Ҳаммасини олиб, ўрнига ахлат солиб қўйишибди.

Зорова вель. Боплашибди-ку! (*Типирчилаб қолган Ходга разм солади.*) Сенинг қопинг қани?

Ход. Худди шунга ўйлаб турибман... Аниқ ёдимдаки, шароб ичиш учун дастурхонга ўлтирганимизда уни ёнгинамга, ўриндиққа қўйган эдим...

Зорова вель. (*Жаҳли чиқиб.*) Шароб ҳам ичдингми? Буйруғимни бузиб-а?

Ход бошини эгиб, сукут сақлайди.

Қайтгандан кейин сен билан алоҳида гаплашиб қўяман. Асаларининг уясидай ичим тўла асал эканини билардинг, лекин бу сафар зарра ширин нарса тегмайди сенга. Аввало маъмурий жазо оласан, қолаверса, чет эл саёҳатларига ҳам ўйлаб чиқарамиз энди.

Азария. Ҳеч нарса йўқ; арши-аълонинг амал-тақаллари ҳам, ҳужжат ҳам, пул ҳам... Илон ва чаёнлар гиж-гиж қайнаган саҳрода қип-яланғоч қолгандай, шип-шийдон бўлиб турибмиз.

Зорова вель. Мингиллайверма ҳадеб. Пулсиз ҳам гулдек яшаётган одамлар кўп.

Ход. Ҳужжат-чи? Ҳужжатсиз қандоқ яшаймиз.

Азария. Ҳужжатни ўзимиз қайтариб олишимиз қийин. Бу лаънати шаҳарда ёрдам берадиган бирор одам ҳам йўқ.

Зорова вель. Китобларда айтилибдики, “жон бор жойда эшик бор, мол бор жойда тешик бор”. Шундай экан, ўғри бор жойда миршабхона ҳам бўлади, албатта.

Азария (*юзи ёришиб*). Бор! Яқинда бир миршабни кўрган эдим, шу атрофда юрган бўлса керак...

Ход. Чақириш керак... (*Қичқиради.*) Миршаб, ҳай миршаб!

Азария. Дод, ёрдам беринглар...

Абисур пайдо бўлади.

Абисур. Нега бақирасиз?

Зорова вель. Ўғри уриб кетди бизни...

Ход. ... Менинг соддалигимдан фойдаланиб...

Азария. ... Ҳаммага ишонавермай мен ўлай...

Абисур. Ҳовлиқманг. Асабийлашувнинг ўрни йўқ; ўғирликни одам боласи қилади. Жамият, ўзингизга маълумки, ўғрилар, молини ўғирлатганлар ва соқчилардан иборат. Замон ўтиши билан бу уч тоифа ўртасидаги нисбат ўзгариб туриши мумкин...

Зорова вель. Фалсафанг ўзингга тортиқ, эй миршаб, бизга қопимиз керак.

Абисур. Ҳовлиқманг, топамиз. Ҳозир бизда ўша тоифадан иккитаси, яъни соқчи ва мол ўғирлатганлар мавжуд. Учинчи нуқтани топсак, иш битди, деяверинг. Борди-ю, ўғрининг ўзи мавжуд бўлиб, мен ҳам, сиз ҳам бўлмаганимизда, ишнинг чатоғи чиқарди. (*Ён дафтари билан қаламини олади.*) Хуллас, нима гап?

Ход. Мен Себеон билан шароб дўконига кетаётган эдим.

Абисур. Хув, бурчакнинг орқасидагигами?

Ход. Ҳа.

Абисур (*ўйланиб қолади*). Демак, бу ишга ўша ерда ўралашиб юрувчи Икония, Хис, Иобаб, Зуза Ручкавий, Натан ва Сехем Стервалар алоқадор. Шоир Себеондан шубҳаланиш ноўрин, чунки шоирлар фақат шеър ўғирлашади. Хўп, кейин нима бўлди?

Ход. Қопни ёнимга, ўриндиққа қўйдим.

Абисур. Сўнг бир нафас четга ўгирилдингми?

Ход. Ҳа.

Абисур. У ёғини айтмасанг ҳам бўлади.

Зоровавель. Шунинг ўзи етарлими сенга?

Абисур. Ўғрига етган бир лаҳза менга ҳам етади-да! (*Азарияга.*) Сен қандоқ қилиб йўқотдинг?

Азария. Мени Ахсанинг уйига таклиф қилишувди. Қопим ҳамма вақт ёнимда, уни қўлимдан қўйганим йўқ эди.

Абисур. Қизлар билан қучоқлашганимда ҳам, а?

Азария. Ҳеч бир қизни қучоқлаганим йўқ.

Абисур. Тиззанга ўлтиргани новчамиди ё паканамиди, семизмиди ё ориқмиди?

Азария (*қизариб*). Паканаю миқтигина!

Абисур (*дафтарини ёпиб*). Раҳмат, етарли.

Зоровавель. Сезишимча, миршаб, шерикларимни ким “қоқиб” кетгани сенга аён. Энди қопларни қайтариб олишга ёрдам қиласанми?

Абисур. Миршабнинг иши ғоят оғир ва масъулиятлидир, олиқ-солиқлардан кейин қўлига тегадиган моянаси эса ҳатто тишга юк бўлмайди.

Зоровавель. Гапинг рост. Лекин мен, ўғирланган молларни қайтариб олишга ёрдам берасанми, деб сўраган эдим сендан.

Абисур. Мен ҳам жавоб бердим-ку, миршабнинг иши оғир ва масъулиятли, моянаси эса оз, деб.

Зоровавель. Жуда ғалати ва сирли сўзлар экансан: гулини кўриб турибман-у, ақлим илдизига етиб бормаяпти.

Азария. Ўзинг ўйлаб кўр, дўстим миршаб, қопда пул-ку пул, пулдан ҳам қимматлироқ ҳужжатлар бор. Ўша ҳужжатлар бўлмаса, биз ёш боладек мўлмайиб қолаверамиз.

Абисур. Бу сўз юрагимга жиг этиб тегди.

Ход. Ишонаманки, сен тартиб ва қонунни муҳофаза қилувчи сифатида биздан ўз ёрдамингни аямайсан.

Абисур. Бу сўз виждонимни уйғотди бир оз.

Зоровавель. Демак...

Абисур. Демак, яна битта иш қолди — энди кафтимни қизитишингиз керак.

Зоровавель (*даргазаб*). Нима? Сен ҳимоячи бўла туриб...

Абисур. Тўғри, ҳимоячиман. Лекин, айни вақтда, пора олувчилар бирлашмасининг узоқ йиллик, шаънига доғ тушмаган аъзоси ҳам бўламан. Охирги сайловда номзодим тафтиш комиссиясига қўйилган.

Зоровавель. Тушунолмай қолдим: шаҳар аҳли сенга ишонч билдирган бўлса, эгнингдаги мундир ўша ишончнинг далили бўлса...

Абисур (*ифтихор билан*)... дарвоқе, мундир ҳам порага келган, ҳукумат бергани, биласиз-ку, ёпишиб турмайди...

Азария. Шаҳар халқи сенга ҳақ тўлайди, шунинг учун “вазифангни бажар” деб талаб қилишга ҳаққи бор.

Абисур. Бажариб турибман, мусофир. Аммо, топар-тутаримда поражўрлар бирлашмасига аъзолигимнинг ҳам таъсири анчагина. Акс ҳолда, шаҳар аҳли моянамни ошириши керак бўларди. Шундай экан, мени ҳар икки томон бошига кўтарса арзийди. Агар сизнинг илтимосингизни фақат шаҳар маҳкамасининг ходими сифатида адо этсам, бу ёқдаги бирлашма ва ҳамкасбларим ҳақиға хиёнат қилган бўлардим. Нагизада бирлашма олдида қадрим пасайиб, номим нопокка чиқиб қоларди. Айтинг-чи, ишонч билан шундай мундирга лойиқ деб топилган мендай инсон нопок деб аталса яхшими?

Ход. Минг лаънат! Наҳотки худо безориликка барҳам бергани бирор назоратчи топилмаса бу жойда?

Абисур. Назоратчи бор, мусофир, тергаб ҳам туради. Тергаган сари элнинг чиқими ошади, чунки назоратчининг ҳам томоғи бор-да!

Майхона эшиги яна тарақлаб очилади. Гала-говур кўтариб, кўчага Иоас ва унинг ҳамтовоқлари чиқиб келишади. Иоас ғазаб оғушида.

Иоас. Хей, чол! (*Зоровавель томон интилади.*) Сенга гапиряпман. Майхонада қолган қопингда фаришталарнинг буклама қаноти бор экан. Бунинг маънисини нима? Гапир!

Хамуэль. Жосус!

Салеф. Тошбўрон қилиш керак!

Оломоннинг сурони авжлана боради. Шовқинни эшитиб, Иераха билан Ахса ўз болохоналарига чиқадилар. Ахса уйининг деразаларида қизлар ҳам кўринади.

Иоас. Ҳовлиқманглар! Гапиравер, оқсоқол!

Зоровавель (*самовий илҳом билан*). Гапнинг не ҳожати бор, эй Иоас амалтақалларимизни топибсан, демак, кимлигимиз ҳам маълум: биз — сенинг ҳакамларингмиз.

Иоас. Сиз? Менга ҳакам? Тутуриғи йўқ-ку бу гапнинг. Шаҳар аҳлининг ҳаммаси менинг ҳакамим бўлади. Негаки, мен уларга “чўзиб” тураман. Сиз эса бу ерлик эмассиз!

Хамуэль. Гапни чўзиб ўтирмай, Иоас, сол оғзи-бурнига!

Иоас. Ўзим рози бўлмагунча, ҳеч ким менинг устимда ҳукм юритиши мумкин эмас.

Зоровавель. Шундоқ бўлса ҳам, Иоас Ярамас, мен ҳақиқатни айтаётирман. Биз сен ва сенинг биродарларингга, бутун шаҳар аҳлига ҳакаммиз. Самодан ваҳий келмадими сизга?

Салеф. Қанақа ваҳий? Нима деб алжираяпти бу чол?

Хамуэль. Ваҳий-пахийни эшитиб ўтиргани вақт борми?

Цеила. Мен эшитувдим.

Иоас. Эшитдим, дедингми?

Цеила. Ҳа, сочимни эшак сутида ювиб, гулоб суртгандан кейин, дераза тоқчасида ўлтириб, қуритаётган эдим. Эшитдим-у, маънисига тушунмадим. (*Иоасга.*) Сенга айтмоқчи эдим, ёдимдан кўтарилибди.

Лот. Мен ҳам эшитган эдим, дарвоқе.

Иоас. Сен ҳамми? Айт, у ҳолда, нима бўлганини!

Лот. Карнай овозига ўхшаган садо уч марта момақалдироқмисол янгради. Садонинг маълум қилишича, Самовотдан уч элчи келаётган экан, уларнинг номи, ҳозир эслайман, ҳозир, Зоровавель, Азария ва Ход!

Зоровавель. Мен — Зоровавель.

Азария. Азария — мен.

Ход. Демак, менинг исмим — Ход.

Зоровавель. Улуғимиз бизни бу ерга ҳалол ҳукамолик қилиш учун йўлладилар.

Одамлар анқайиб қолишади.

Иоас (*энг оғир шароитда ҳам ўзини йўқотмайдиган одам бўлгани учун*). Биз сизнинг қуруқ сўзингизга ишонишимиз керакми? Ваколатномангиз билан шахсий ҳужжатингизни кўрсатинг.

Зоровавель (*дард билан*). Бор-будимиздан айрилиб қолганмиз, ахир. Қоп ҳам кетди, унинг ичида — ҳужжатлар ҳам.

Фаразли шивир-шивир бошланади.

Иоас. Қопинг мана. Лекин ичида қанот, сочиқ-почиқ, қуруқ колбасадан бошқа ҳеч вақо йўқ-ку?

Зоровавель. Ҳужжатлар Азарияда турарди. У котибимиз бўлади.

Салеф. Бизни лақиллатаяпти, чамамда.

Хамуэль. Бунақа товламачиларни кўп кўрганмиз!

Азария. Ўғирлатганимиз миришаб Абисурга маълум. Биз унга ўз вақтида еткизувдик.

И о а с. Абисур!

А б и с у р. Ўз кўзим билан кўрганим йўқ. Лекин булар, айниқса мана бу семизи дарров шубҳа уйғотган эди менда.

И о а с. Хуллас, кўриб турибсизки, биз сизни ёлғончи, сохта ҳакам ва босқинчи деб аташ учун асосга эгамиз. Бундай кишилар нима қилинади?

С а л е ф. Икки-уч тафтишчи бир вақтлар ўз ихтиёри билан миямизни ачитмоқчи бўлганида, кўп ўтмай тавбасига таяниб қайтган эди.

И о а с. Сизларни суд қилиб, бемалол қамоқда чиритиб юборишимиз мумкин.

А з а р и я. Ҳаққингиз йўқ!

И о а с. Суд қилмасдан қамаш ундан ҳам осон.

Х о д. Бу қонунбузарлик! Бунга йўл қўйиб бўлмайди.

И о а с. Мен нима хоҳласам, йўл очиқ. Мени Ярамас деб аташади, бу гапда жон бор. Масалан, ҳозир уч-тўрт болани чақириб, қулоқларига бир сўз айтсам, сизларни шундоқ дўппослашадики, ўзингизни ҳам, бир-бирингизни ҳам таниёлмай қоласиз. Кейин далага чиқариб ташлашади.

Ц е и л а. Қиладиганингни қил, Иоас, тезроқ кетайлик. Юрагим сиқилиб кетяпти.

И о а с. Шундоқ қилсам, ҳеч ким, ҳатто ўзингизнинг улуғингиз ҳам финг деёлмайди. Чунки, муқаддас китобда айтилибдики, “бирор нарса деган бирор кимса ўшанинг учун асосга эга бўлиши керак! Ҳатто фариштага ишониш ҳам шарт эмас”.

А з а р и я. Сураларини қаранг, бало-ку!

А б и с у р. Қамаб қўя қолайми?

С а л е ф. Қараб ўлтирасанми? Қамайвер.

И о а с. (“Тўхта” деб ишора қилади.) Лекин мен ишонишга уриниб кўраман.

Х о д. Раҳмат, донишманд қароқчи...

И о а с. Сабабини айтайми? Сабаби шуки, сен айтган даражадаги кўз бўямоқликка киши абжир ва доно бўлиши керак. Сизлар эса ҳалол ишдан бошқага ярамайдиган лапашанга ўхшаясиз.

З о р о в а в е л ь. Қўланса бўлиб кетган шахсий варақангни яна бир гуноҳ билан беамаганинг соз бўлди, (раҳбарона) чунки шаҳрингизда гуноҳ, бузуқлик ва дахрийлик шундоқ ҳам жуда авж олиб кетибди. Шунинг учун улуғимиз: “Уларни ер юзидан сидириб ташлайман, шунда ғазабим ором олади” деганлар.

А з а р и я. Улуғимиз айтдиларки, “ўзларини йўқ қилиб, худобезор шаҳарни ер билан яксон айлайман”.

З о р о в а в е л ь. Яна айтдиларки, “тоғлар силкиниб, юксак миноралар йиқилгай ва деворлар чангга айлангай. Ўзларини ёмғир ва дўл билан саваб, оташ ва олтингургурт дудига буғлагайман, мурдалари кўча-қуйда гўнгдай беқадр бўлгай”.

Х о д. Таниш сифатида сизларга шуни айтиб қўяйки, улуғимиз бунақа портлатишлар бўйича кўпдан бери машқ қилиб, қўлларини анчагина пишитиб олганлар.

Бу ваҳимали гаплар юрагига гулгула солади.

Л о т. Шўримиз қуриди!

Х а м у э л ь. Дард, касофат, тўнғиз...

Ц е и л а. Ётмайман кўча-қуйда гўнг бўлиб, ётмайман!

И е р а х а. Наҳот ҳеч нарса қолмаса? У бўса олган лаблар ҳам, у силаган сочлар ҳам, у эркалаган ушбу бел ҳам йўқликка кетадими?

И о а с (Зоровавелга). Ўша ишни адо этгани келдингизми бу ерга?

З о р о в а в е л ь. Ҳа.

Ц е и л а (даҳшат ичра). Керак эмас менга!

И о а с. Ўзингни бос. Ўзингни бос дарҳол!

С а л е ф. Мана кўрасиз, Иоас ҳозир чорасини топади.

И о а с. Ҳеч нарса топишнинг ҳожати йўқ. Гап бундоқ: агар ҳукм қатъий бўлиб, ўлимдан ўзга илож топилмаса, куйиниб ўлтириш ҳам бекор. Ундан кўра,

қолган лаҳзаларда лаззатга тўйиб олиш керак. Майхонага қайтиб, яна шароб ичамиз, шодлик уммонини кечамиз.

Хамуэль. Тўғри гап! Кетдик майхонага!

Салеф. Ҳа, малах Лот, бугун ҳамёнингни роса қаппайтириб оладиган бўлдинг! Рўзи маҳшар деса, майхоначининг жони киради.

Ахса (*болохонада туриб*). У ердан чиққач, бизникига марҳамат. Нарх-наво-ни ялпи пасайтираман! Мажруҳлар ва ўқувчи ёшларга имтиёз ортиқроқ бўлади!

“Яшанг, Ахса хола! Мана буни ижтимоий етуклик деса арзийди” деган ни-долар янгради. Халойиқнинг бир қисми майхонага, қолгани Ахсанинг уйи то-мон йўл олади.

Зоровавель. Тўхтанг!

Азария. Шошманглар!

Ход. Яна бор!

Иоас. Нима бор?

Салеф. Нима бўлиши мумин.

Зоровавель. Тингланг! Агар имкони топилса, бошингиз узра кўтарилган қилич бўйнингизга тегмай ўтиб кетиши, қолган бир неча кунлик умрингиз яна кўп йиллар давом этиши мумкин. Негаки, илова қилинганидек, “агар ушбу шаҳарда ўн нафар имони соғлом, покиза инсон топилса, уларнинг шарофати билан қолганларга ҳам омон-омон бўладилар!”

Иоас. Ўн нафар покиза? Бизнинг шаҳардами?

Салеф. Ўн нафар покиза? Ичмай, безорилик қилмай, бузуқлик кўчасига кирмай, фақат гул ҳидлаб яшайдиганларми?

Хаггита (*кулиб юборади*). Гапини қаранг, кулмай бўладими?

Хамуэль. Ўн нафар покиза? Ўғирламай, алдамай, ҳаромга қўл чўзмайди-ганларми?

Абисур. “Чўз-чўз” демасдан...

Хамуэль. Бировнинг томоғини ёғламасдан...

Салеф. Келажакка дадил боқиб...

Абисур. Фақат моюнанинг ўзига беармон кун кўрадиганларми?

Ҳамма қаҳқаҳа уради.

Салеф. Кетдик, болалар, шаробхўрликка! Вақт ўтмасин!

Иоас. Шошилманг! (*Зоровавелга*) Покиза билан нопокни ажратувчи ким? Сизми?

Зоровавель. Биз, уччаламиз.

Иоас. Бу борада янглишмоқ нақадар осонлигини ўйлаб кўрдингизми? Ахир, китобларда: “Бир поғонада покиза бўлган иккинчисидан пок бўлавермайди. Ҳамма поғоналарда имонини саломат сақлаётган киши эса икки пулга арзи-маслиги мумкин”, деган сатр ҳам бор-ку!

Зоровавель. Ўқитма кўп. Биз аввал роса тайёргарлик кўриб, кейин кел-ганмиз бу ерга.

Иоас. Демак, ҳукмингиз узил-кесил ва қатъий бўладими?

Зоровавель. Узил-кесил ва қатъий!

Иоас. Хўп. Энди маслаҳатни ниҳоясига етказиш керак. Сизлар кетаверинг-лар. Мен бу киши билан ёлғиз гаплашиб олишим зарур. Салеф билан Хамуэль қолсин.

Цейла. Мен-чи? Мен ҳам қолай, Иоасжон...

Иоас. Биз иш юзасидан гаплашамиз, зерикиб қоласан.

Йўлдошлар ҳар ёнга тарқаб кетишади.

Зоровавель. Кулоғим сенда, Иоас.

Иоас. Очигини айтсам, вазифангиз жуда жўн экан. Эртага улуғингизга ҳисо-бот жўнатаверинг: “ўнта имонли покиза топилди” деб.

Салеф. Шубҳа туғилмасин десангиз, “ўн битта” деб қўя қолинг.

Зоровавель. Эртагача тополмасак-чи?

Иоас. Зарари йўқ.

Азария. Тушунолмадик фикрингга.

Иоас. Ҳақини нақд оласизлар.

Хамуэль. Кўйнингиз ҳам, кўнжингиз ҳам тўлади!

Зоровавель (*дарғазаб*). Бизни эгри йўлга бошламоқчимисан? Фактларни бузиб кўрсатишга даъват этмоқчимисан?

Иоас. Факт ўткинчи нарса, акт қолса бўлди.

Салеф. Ишонаверинг бизга, бунақасини кўп кўрганмиз.

Азария. Шўрим курсин! Ўзингиз ўйланг, кейин улуғимиз ҳузурига қандоқ қайтиб, унинг кўзига қандоқ қараймиз?

Иоас. Буни ҳам ўйлаб қўйганман. Биз билан қолаверишингиз мумкин. Жойлаб кўямиз.

Салеф. Биз жойлаб қўйсак, тирикчилигингиз қанд бўлади.

Хамуэль. Пулни пул билан ўйнайсиз.

Ход. Таклифингиз мутлақо номаъқул ва номақбул! Устига-устак, биз пул топиш нималигини ҳам билмаймиз.

Иоас, Салеф ва Хамуэль кулиб юборди.

Иоас. Пул топишдан осон иш йўқ.

Салеф. Нон, шароб ва гулоб, тери ва жунни чайқаб...

Хамуэль. Фил суюги, сассиқ мою гишт ва тахталарни чайқаб...

Салеф. Раъною аччиқ ўт, иморату олтин, ҳатто эски-тускини чайқаб...

Иоас. Умуман, бир йилда бошингиз узра уй-жойингиз, банкда жарақ-жарақ пулингиз нақд бўлишига...

Хамуэль. Жононлар оёғингиз остида ётишига биз кафил.

Иоас. Шундай қилиб...

Зоровавель. Мутлақо!

Иоас. Бу қарор ҳам қатъийми?

Зоровавель. Қатъий. Биз имонимизни сотмаймиз.

Салеф. Сотмаганингиздан нима фойда?

Зоровавель. Виждонимиз тинч бўлади.

Азария. Кўнглимиз тўқ бўлади.

Ход. Юзимиз ёруғ бўлади.

Иоас. Ихтиёр ўзингизда, зўрламоқчи эмасмиз. Фақат, бир нарсани ўйлаб кўринг: сиз қилаётган ишнинг ўзи имонга, покизаликка дохилми? Ахир, уччалангизнинг виждонингиз азоб чекмасин деб, бутун бошли шаҳар, унинг минглаб аҳолиси қурбон бўлади.

Азария. Мантиқнинг жингиртоблигини кўринг. Қувлигингга қараганда, сен ё шайтонсан, ё юрист.

Иоас. Шундан кейин ҳам сиз виждоним пок деёлармикинсиз? Ишониб бўлмайди.

Зоровавель. Бошқа иложимиз йўқ-да!

Салеф. Инсон учун иложсиз нарсанинг ўзи йўқ.

Хамуэль. Шўрингиз курсин сиз — авлиёларнинг!

Иоас. Инсон шунинг учун фаришта зоти билан чиқишолмайди-да! Аниқроғи, фариштага нафрат — инсоннинг қонида! (*Салеф ва Хамуэльга.*) Кетдик, бу ерда қиладиган ишимиз қолмади.

Кетадилар.

Азария. Ишлар улуғимиз айтганидан чалкашроқ чиқиб қолди...

Ход. Ҳа, анча чалкаш...

Зоровавель. Тўғри, одамзотни яратишдан кўра, уни бошқариш мураккаб! Жуда мураккаб!

Парда.

ИККИНЧИ ПАРДА

Ўша бозор майдонининг ўзи байрамлардагидек безатилган: Иераханинг уйида “Ҳақ ва имон” деган, Ахсанинг деворида “Имонлиларга 50 процент арзон” деган, Лотнинг майхонаси пешонасида “Таомимиз арзон ва ҳалқумни поклайди” деган алвонлар яшнайдди. Қонундор ҳайкали қуш гўнгидан тозаланиб, чиннидай ярқираб турибди. Ҳайкалнинг пойдеворидаги супага бир хонтахта ва ҳакамлар учун уч кресло қўйилган. Бир гала эркак ва аёллар сўтфуруш Каат атрофига йиғилиб, унинг гитара чалиб айтаётган қўшиғини тинглашаётир.

Каат

Чап томону ўнг томонлар
Бўлди тинтув неча бор.
Қайдасиз, эй покдомонлар,
Бунда сизга интизор

Зоровавель, Азария,
Азоровель, Завария,
Зоро-аза-вавель-рия,
Ход, Ход, Ход.

Бизга дўзах ёки жаннат
Чин насиб бўлмай бу дам,
Яъни, энг маъул бу соат
Бизга бўлмайлар ҳакам.

Зоровавель, Азария,
Азоровель, Завария,
Зоро-аза-вавель-рия,
Ход, Ход, Ход.

Қолмади боғу идора,
Қолмади бир ҳовли ҳам.
Ўнта пок топилса зора,
Тинчигай уч муҳтарам.

Зоровавель, Азария,
Азоровель, Завария,
Зоро-аза-вавель-рия,
Ход, Ход, Ход.

Ҳар томонда наҳсу ифлос,
Ҳар томонда фисқ-фасод.
Қўймагай ҳеч кимга ихлос,
Бўлмагай бир лаҳза шод.

Зоровавель, Азария,
Азоровель, Завария,
Зоро-аза-вавель-рия,
Ход, Ход, Ход.

Э худо, покизаларнинг
Ўнтасин этгин ато.
Сўнг ҳакамлар ҳам, демай гинг,
Йўлга чиқсин бехато:

Зоровавель, Азария,
Азоровель, Завария,
Зоро-аза-вавель-рия,
Ход, Ход, Ход.

На хор. Ҳар ҳолда, уч-тўрт имонли киши топилди, дейишади, ростмикин бу гап?

Каат. Ҳаммаси ғийбат. Эл ваҳимага тушмасин деб, атайлаб тарқатишган.

Робоям. Ур-тўполондан қўрқишади-да! Тартибсизлик бошланса, одам ўлиши мумкин. Бунинг оқибати бутунлай бошқа.

Биринчи аёл. Метехабель деган қўшним бор, ҳамма пулига ёрма билан шакар олиб қўйибди.

Иккинчи аёл. Ёрма билан шакардан нима фойда?

Биринчи аёл. Пулдан нима фойда?

Иккинчи аёл. Ҳа, тўғри, мен ҳам бориб, бирон дурустроқ нарса олишим керак экан — узукми, билакузукми...

Аёл тез чиқиб кетади. Майхонадан Салеф билан Хамуэль чиқади. Халойиқ билан саломлашиб, майдон айланишади.

Салеф. Менга қара, текингинага бир вагон зайтун сотиб олишинг мумкин ҳозир.

Хамуэль. Зайтунни пишириб ейманми!

Салеф. Пишириб ейсанми, хом ейсанми, савдогар савдо қилади-да!

Хамуэль. Ўзинг нега олмаяпсан?

Салеф. Мен сотаман, деб турибман.

Иккови чиқиб кетади.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

На хор. Шундай бўлса-да, бир нечта покиза инсон топилишига менинг имоним комил. Сиз нега буни гийбатга чиқаряпсиз? Нима, ҳеч имонли киши қолмабдими?

Робоям. Ҳеч.

На хор. Ёлгон. Мен ўзим ўшанақаларнинг бирини шахсан танир эдим. Афсуски, у ўтган йил очликдан ўлиб кетди.

Абисур киради.

Абисур. Марҳамат қилиб, тарқалинг!

Каат. Сабаб?

Абисур. Сабабки, қабул ярим соатдан кейин бошланади. Буйруқ шундай. Тарқалишингизни сўрайман.

Майдондаги кишилар нохушлик билан тарқала бошлашади. Майхонадан Иоас ва Цеила чиқади. Абисур уларга честь бериб, чиқиб кетади.

Цеила. Хукамолар қачон иш бошлашаркан?

Иоас. Тез орада.

Цеила. Қачон тугатишаркин?

Иоас. Биз тамом бўлгандан кейин. Куйинма бекорга!

Цеила (*йиғлаб юборади*). Яхши кўрмаганингдан кейин йиғлайман-да!

Иоас. Йиғининг фойдаси йўқ.

Цеила. Сен мени севмайсан! Севсанг, бирор иложини топардинг.

Иоас. Ниманинг иложини?

Цеила. Менинг ҳеч ўлгим келмаяпти, Иоас! Кўрқаман ўлимдан.

Иоас. Ҳамма кўрқади.

Цеила. Ҳамма кўрқади-ю, менчалик эмас-да! Ростдан ҳам ўнта имонли киши топилмасмикин?

Иоас. Менимча, топилиши қийин.

Цеила. Ростини айтсам, мабодо топишса, ўшаларнинг ўновига ҳам танимни бахшида этаман, деб қасам ичиб қўйганман. Дурустроқ бир иш қилмоқчи эдим-ку, ақлим етмади. Хафа бўлмассан, а?

Иоас. Топган покизалари хотин киши бўлса-чи?

Цеила. Хотин киши. Покиза-я? Шунисини ўйлаб кўрмабман. (*Рухи туншиб*.) Энди нима қилай?

Иоас. Бу тўғрида ўйлаш беҳуда. Ўладиган бўлсак, ҳаммамиз бирга ўламир, ҳеч ким ҳеч нарса ютқизмайди. Сен ўлсанг, Хаггита билан Наара ҳам ёнингда кетади. Орқангда: “Шўрлик Цеила, бу дунёга келиб нима кўрди, дурустроқ кийинишнIAM билмай ўтиб кетди” деб йиғлаб қоладиган бирор дугонанг бўлмайди. Кўнглинг таскин топдими сал-пал?

Цеила. Ҳазилни қўй! Олтингугурт гулханини ўйладингми ҳеч? Сасиб кетса керак, а?

Иоас. Юр... Тез қайтишимиз керак ҳали... Унгача бир тўйиб олай сенга...

Цеила. Мени яхши кўрасанми?

Иоас. Юр, деяпман.

Цеила. Буни ҳамма билсин-да!

Иоас. Кўйсанг-чи!

Цеила. Айтмасанг — қўймайман. Ўладиганлар ўлаверсин, менинг ҳеч ким билан ўлгим йўқ.

Иоас. Цеила, жонгинам, гап ўлишда эмас. Ўлиш осон нарса. Мен сени кафтимда кўтариб юрдим, ҳамма айтганингни қилдим: эшак суғида чўмиламан дединг, чўмилдинг, а? Буни Хаггита билиб қўйсин, дединг, билиб қўйди, а? Қолаверса, Хаггитага ўшанақа сут тегмасин деб, шаҳардаги ҳамма эшак эгаларини қўлга олдирдим? Олдим...

Цеила (*қайсарлик қилиб*). Барибир, улар билиб қўйиши керак!

Иоас. Кийимларинг соз, тақинчоқларинг ундан аъло. Хамуэль эзган Наара куйиб ўлсин деб, бўйнинг билан кўкрагингни кўкартиб қўярдим доим. Ўшанда ҳам ҳеч нарса демаганман. Энди илтимос: тилингни тий!

Цеила. Тиймайман!

И о а с. Юр бу ёққа. (*Кўлидан тортиб.*) Тўйгунингча, эриб кетгунингча эркалатмасам бўлмайдн шекилди. Ё эриб, гапимга кўнасан, ё ўлдираман. Кетдик.

Цеилани тортиб кетади. Болохонага Иераха чиқади.
Бир оз туриб, ичкарига бурилади.

И е р а х а. Тамар!

Т а м а р. (*Остонага чиқиб.*) Лаббай.

И е р а х а. Алафларни олиб чиқ, тоза ҳавога бир тўйиб олай. Тамар.

Т а м а р алафларни олиб чиқади.

Об-ҳаво зўр, а? Сен, чўри бўлсанг ҳам, гўзалликни тушунасан, ҳар ҳолда.

Т а м а р. Тушуниб турибман, ҳар ҳолда.

И е р а х а. Бўр билан тозалагандан кейин Қонундорнинг ярақлаб кетганини қара. Тириклигида у сиртидан кўра маънавий жиҳатдан порлоқ эди. Унга кўрсатолган ҳурматимнинг сўнггиси бўлди бу.

Т а м а р. Мен бўрга сода ҳам қўшган эдим.

И е р а х а. Яша! Сен, умуман, дуруст қизсан. Афсуски, дунёдан ўтиб кетасан энди.

Т а м а р. Ҳа, минг афсус...

И е р а х а. Афсусинг нима? Чўрига афсус чикора? Хўш, ҳамма ҳужжат ва мактубларни жойлаб қўйдингми?

Т а м а р. Ҳа.

И е р а х а. Ёдингдан ҳеч нарса чиқмадими?

Т а м а р. Чиқмади.

И е р а х а. Бор-будимни омборхонага кўмиб қўя қолай дегандим аввал. Ўйла-сам, олиб кетганим маъқул кўринди. Негаки бу ерда куйиб-кул бўлиши ҳеч гап эмас. Шунча бўғчани кўтариб юриш қийин, албатта. Лекин, қаерга бормайин, бировга муҳтож бўлмайман энди.

Ахса хола ўз болохонасига чиқади.

Т а м а р. Кетаверайми?

И е р а х а. Ҳа. Ёмғирпўшимни тозалаб, йўлга киядиган пойафзалимни тайёрлаб қўй. Кейин, жон бериш олдидан озгина дам олсанг ҳам майли.

Т а м а р. Раҳмат.

И е р а х а. Боравер.

Т а м а р кириб кетади.

Ахса. Салом, қўшни. Об-ҳавонинг гўзаллигини қаранг.

И е р а х а. Ҳа, яхши.

Ахса. Жуда саёҳатбоп бўпти, а?

И е р а х а. Гап ўғирлаб чарчамадингми?

Ахса (*мазах қилиб*). Сен ҳаммабоп аёлсан, сўзинг элга тез ёйилади-да!

И е р а х а. Кимнинг ҳаммабоплиги тўғрисида сен билан тортишмоқ хайф!

Ахса. Мени “ҳаммабоп” деб кўнглимни оғритмоқчи бўлсанг, адашибсан. Тўғри, мен маълум ва машҳур ташкилотнинг раҳбариман, лекин бу билан фахрланаман. Чунки қизларимнинг насибасини, ўз ҳалол нонимни меҳнат қилиб топаман. Улар билан аҳилман, ишнинг пачаваси чиққанида, баъзиларга ўхшаб, ташлаб қочадиган одатим йўқ.

И е р а х а. Ёлғон. Мен қочмоқчи эмасман.

Ахса. Шунақами? Ёмғирпўшингни куя тушмасин деб тозалашга буюрган экансан-да!

И е р а х а. Мен қочмайман. Лекин эҳтиёт яхши. Ҳар бало бўлганда ҳам менинг омон қолишим аниқ.

Ахса. Сенми?

И е р а х а. Мен.

Ахса. Сабабини билсак бўладими?

И е р а х а. Хизмат кўрсатган, ошна-оғайниси кўп айрим шахсларга ҳар қандай фалокат чоғи ҳам дард тегмаслиги мумкин.

Ахса (*мазах қилиб*). Шунақами? Ҳо, биламиз хизматинг нима-ю, ошна-оғайнинг кимлигини.

Иераха. Гапнинг оҳангини қаранг! Ҳаддингдан ошма кўп! Билиб қўйки, эй бузуқи, шаҳар бошига тушган бу фалокатларга сен ва сендақалар сабаб!

Ахса. Ким бузуқи? Ўзингнинг бутун хизматинг ҳалиги билан фақат бир марта унақа бўла туриб... Вой менгина, кула-кула ёрилиб кетмасам бўлди!

Иераха. Ёрил, ёрилиб ўл! Ҳар ҳолда, дўзах оловидан шуниси енгилроқ.

Ахса. Сен, имонлилар қатори, дўзах оловидан қутулиб қоламан, деб ўйла-япсанми? Ҳовлиқма, сен покизалар қаторидан жой олгунингча менинг каф-тимдан қарағай ўсиб чиқади.

Иераха. Ҳа, кўчабезори, юҳо!

Ахса. Ҳе, отинча маймун!

Ўгирилиб, иккови ҳам уй-уйига кириб кетади. Майдонга Зоровавель, Азария ва Ход чиқиб келишади. Столни текшириб, қоғозларни тартибга солишади.

Зоровавель. Мен ўртага ўтираман, сен — ўннга, сен — чапга.

Азария. Ким очади?

Зоровавель. Мен. Сўзим қисқа бўлади. Чалкаш, узун гапларни эшитгани фаришталардан бошқанинг чидами етмас.

Азария. Фаришталарнинг ҳам ҳаммаси чидайвермайди.

Зоровавель. Инсон ҳақида гапириб ўтириш ортиқча.

Ход. Лекин, эшитмаса-да, тушунади улар.

Зоровавель. Бу — нотикнинг фойдаси.

Азария. Амал-тақалларни нима қиламиз?

Зоровавель. Шундоқ тантанавор дамда тақиб олиш керак эди-ку, муни-ки чатоқ, майхонада устига шароб тўкиб юборишибди.

Азария. Кимлигимиздан хабардор бўлгач, ана бу кекса қўшмачи тавба-тазарру билан қанотимни келтириб берди. Аммо барибир, энг яхши патларини олиб қолибди. Қиз қурмағурлар шляпага қадаймиз деб, юлиб олишгандир-да, дейди.

Ход. Меникидан уч-тўртта патни шоир Себеон “Шаҳар ажал оғзида” деган дoston ёзишга тилаб оловди. Ўқиб кўрдим. Бош оғриғи.

Зоровавель. Демак, амал-тақалсиз, аммо, қадр-қимматимизни юксак тутиб, аҳволи руҳиянинг мушкуллигини ҳис этган ҳолда иш бошлаймиз.

Азария. Мушкул, дедингизми?

Зоровавель. Ҳа.

Азария. Мушкул бўлса...

Зоровавель. Нима бўпти?

Азария. Ҳеч нарса. Мундоқ ўйлаб қаралса, мушкулот бемехрликнинг синг-лиси, бағритошликнинг онаси бўлиб чиқмасмикин?

Зоровавель. Нима демоқчисан?

Азария. Бу одамларга раҳмим келяпти. Кечаси билан ухламай чиқдим. Тўғри, мусофирхонада қандала деганлари саҳронинг қумидан ҳам кўп экан. Лекин, уйқумни ўчирган бошқа нарса.

Ход. Уларга менинг ҳам ичим ачишяпти.

Зоровавель. Улар — осий!

Ход. Лекин ёқимтойгина!

Зоровавель. Осий банда доим шунақа бўлади. Эсланг-чи, имони соғлом инсон қиёфасини гўзал чизган санъаткор борми ҳеч?!

Азария. Ҳаётда ҳам шу аҳвол! Қонундорнинг вафодорини қаранг — қурба-қадай кучангани кучанган.

Ход. Вақиллаб, фақат ўзини мақтайди.

Азария. Чўрисини эса эзади, холос.

Зоровавель. Ҳар не бўлса-да, у — имонли аёл. Покдомонлар топилмай турган ҳозирги шароитда ундан воз кечиш яхши бўлмас.

Азария. Тўғри, ўнтасини топиш, ҳар ҳолда, қийин.

Зоровавель. Ҳали Лот билан унинг оиласи бор.

Ход. Лот, хотини, икки қизи — ҳаммаси бўлиб тўрт жон. Дарвоқе, Лотга кўнглим унча чопмай турибди. Кўп ҳақимизни уриб қолди ўшанда.

Зоровавель. Лекин, пиянисталар гажийман деб турганида, у мени ўлим чангалидан қутқариб қолди.

Азария. Тўғри, лекин буни ҳам эрмакка чақиб, ўн беш фоиз ошиқ ҳақ олди.

Зоровавель. Кўйинг! Китобларда айтилган ва барчага аёнки, бунинг адаши ҳазрати Лот покиза сифатида ўшандаёқ жазодан халос этилган. Китобда ёзилганини таҳрир қилиш бизнинг вазифамиз эмас. Буни келгуси авлодлар қилгани маъқул. Улар бизга нисбатан билимдон, оқнинг қора, қоранинг оқ ва, ҳатто, қизил эканини исбот этишга қобил бўлишади.

Ход. Ҳақ гап, ҳазратим, маъқул. Демак, вафодор жонон ва мана булар билан бирга беш покиза чўнтагимизда. Ҳисоб-китобни давом эттирадиган бўлсак...

Зоровавель. Менда яна бир хомаки номзод бор. Яна бир номзод — Азарияда.

Ход. Менда ҳам — битта! Лекин, барибир, оз.

Азария. Шунинг учун, жазога буюриб кўямизми, деб хавотирдаман-да. Уйқим қочганининг сабаби шу.

Ход. Мен қотиб ухлабман-ку, аммо жуда даҳшатли туш кўрибман. Тушимда ҳамма уйлар парча-парча бўлиб кетганмиш, одамлар юзтубан тушиб, жон бераётганмиш. Фақат шоир Себеон омон қолиб, майдон ўртасида достонини ўқиётганмиш. Менга энг алам қилгани шу бўлди.

Зоровавель. Хўш, нима қилайлик? Қандоқ маслаҳат берасиз?

Ход. Ҳозир, ҳазрат, баҳона топиб, терговни кейинроққа сурсак... Эл ичида яна айланайлик, суҳбатлашайлик, ўшанда, эҳтимол, излаганларимиз ўнтага бориб қолар. Ўн киши нима деган нарса, битта футбол командага ётмайди.

Зоровавель. Бу расмий таклифингми?

Азария. Ҳа.

Зоровавель. Бир овозга — икки қарши.

Ход (*чехраси ёришиб*). Демак, кейинроқ, а?

Зоровавель. Асло, асло... Сиз айтган демократия ҳали дунёга келганича йўқ. Овоз бериш натижаси шуни кўрсатдики, терговни дарҳол бошлаб юборишимиз даркор. Сиз беҳаё, каллаварамларнинг қувлигини сезмадим деб ўйлаяпсизми?

Азария. Ҳазрат...

Зоровавель. Биламан, бу ишни шаҳарда шароб билан аёл зоти тугагунча чўзмоқчи бўлаётганларингми! Демак, одамзот сиздай дуб-дуруст авлиёларни ҳам бузишга қодир экан. Мен бунга йўл қўёлмайман. Миршаб!

Азария (*руҳи тушиб*). Халқ нима бўлади? Шаҳар-чи? Ақлинг етмаган нарсани йўқ қилишдан осон иш борми? Бу шўринг курғур заминга тушмасам бўларкан.

Ход. Менинг юрагимни ҳам тошдай бир нарса эза бошлади. Ҳазрат бу ўринда принципиалликдан кўра кўпроқ ҳарфхўрлик қилаётир: яъни, шаҳар йўқ бўлади дейилган экан, у йўқ қилмоқчи.

Зоровавель. Гапинг нотўғри. Ҳали ҳеч нима ҳал бўлгани йўқ. Мен аҳолининг ўзи ўз орасидан имонлиларни сайлаб кўрсатади, деб ишонаман. Ана шунда фармони олийни бекор қилишим мумкин. (*Қарс уради.*) Миршаб!

Абисур киради.

Абисур (*“Смирно” ҳолатида*). Эшитаман!

Зоровавель. Шаҳар аҳли терговга тайёрми?

Абисур. Ҳамма кутиб турибди. Биз, буйруққа асосан, белгиланган вақтга-ча йўлни тўсиб қўйгандик.

Зоровавель. Айт, кирсин.

Абисур. Бош устига.

Абисур шартга бурилиб, чиқиб кетади. Зоровавель, Азария ва Ход юзларида шароит тақозо қилганидай ғоят жиддий ифода билан стол атрофидаги ўз жойларини эгаллашади. Бозор майдонига халқ йиғила бошлайди. Бировлар девор остига, бировлар ҳайкал пойдеворининг супасига, бировлар ерга чўқади. Иераха курси олиб чиқиб, болохонага қўнади. Буни кўрган Аҳса ҳам худди шундай қилади. Иккала аёл халойиқ бошида тургандай.

Зоровавель (*тантанавор*). Эй осий шаҳардаги осий халойиқ! Гуноҳга ботган бошингизнинг тақдири ҳал этилажак даҳшатли асно етиб келди. Маълумки, сиз қонунбузар ва ҳаромхўрларнинг бошига улуғимизнинг қаҳри ёғмишдир. Унинг қалбида ғазаб олови туғён уриб, сизни олти карра фалокат қозонида қайнатишга қарор этмиш. Агар ушбу шаҳарда ўн нафар имони соғлом, покиза инсон топилса, уларнинг шарофати билан шаҳар оловдан фориф, халойиққа эса омон-омон бўладилар... Хуллас, сизларни бу ерга маҳкум сифатида эмас, балки ҳалос бўлмоқ йўлини излаш учун таклиф айладик. (*Стол устидаги қоғозларнинг бирига кўз югуртириб.*) Кун тартиби: 1. Кириш сўзи. 2. Ўн покиза номзодини тасдиқлаш. 3. Навбатдаги масалалар. Яна қандай таклифлар бор?

Сукунат.

Йўқ, демак, кун тартиби тасдиқланади. Иккинчи масалага ўтамиз.

Себеон. Мажлисни бошқариш тартибига биноан, сўз сўрайман.

Зоровавель. Мажлисни бошқариш тартибига биноан, шоир Себеонга сўз бераман.

Себеон. Имон — чўпчак. Имон — ҳақиқатнинг бир унсури, холос. Обьектив ҳақиқат эса йўқ нарса. Ҳар кимнинг ўз ҳақиқати бор. Сизнинг ҳақиқатингиз ўзингизга маъқул, меники — ўзимга. Ҳакам ўзича одил, шоир ўзича. Сиз устимдан чиқарган ҳукми мен тан олмайман, чунки сизнинг услуби тафаккурингиз хом, илмий асосланмаган.

Ҳакамлар шошиб қолади, дарҳол шивирлаб кенгашувга бошлайди.

Салеф. Боплади! Шоирлик шу-да!

Каат. Омон қолсам, бир кўшиқ тўқийман: “Ўзга ҳақиқати оғритар кўзни” деган...

Абисур. Тартибга риоя қилинсин!

Ҳакамлар маслаҳати тугайди.

Зоровавель. Ҳайъат, ҳакамлар ҳуқуқини шубҳа остига олган шоир Себеоннинг фикрини безътибор қолдириб, кун тартибидаги масала муҳокамасини бошлайвериш зарур, деган қарорга келди. Шоир Себеоннинг нутқи чиройли ва пухта тузилган бўлса-да, мутлақо пучдир, ҳақиқат ҳақиқатлигича қолаверади, яъни яхшилик — яхши, ёмонлик эса ёмондир. Бугун яхшилик устидан яхши деб, ёмонлик устидан ёмон деб ҳукм чиқаришимиз шарт.

Себеон. Мен қаршиман.

Азария. Шоирнинг қаршилиги чумчуқнинг чирқиллашидай гап. Чумчуқ чирқиллагани билан тарих ғилдираги орқага айланармиди?

Ход. Эътирозингизни ёзма равишда изҳор этишингизни сўрайман, ҳужжатларга тиркаб қўямиз.

Себеон. Кейин-чи?

Ход. Ҳеч нарса!

Зоровавель. Демак, келишдик. Кун тартибининг иккинчи қисмига қайтаман.

Робоям (*қўл кўтаради*). Савол бор.

Зоровавель. Савол бўлса, марҳамат.

Робоям. Имонлилар номзодини ким кўрсатади? Бунга ҳамма ҳақлими ё фақат ҳайъат аъзоларими? Умуман, тартиб қанақа?

Нахор. Оғзаки кўрсатиш керакми, ёзма равишдами?

Зоровавель. Ҳар икки саволга жавоб бераман. Ўн нафар покизани аниқлаш — ғоят улкан аҳамиятга молик, шунинг учун аҳолининг ҳар бири ўз номзодини айтиши мумкин ва ўз номзодининг покизалигини исботлаши шарт. Номзод сифатида ўз отангизни, оғангизни, кўшингизни, бошлиғингиз, муаллимингиз ёхуд шогирдингизни кўрсатинг. Эркакми, аёлми — аҳамияти йўқ. Тушунарлими?

Ҳамма маъқуллайди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

139

Яна саволлар борми?

Одамлар жим.

Саволлар бўлмаса, сайловга киришамиз. Миршаб!

Аби сур. Лаббай.

Зорова вель. Тахта ёнига кел, қўлингга бўр ол, номзодлар рўйхатини тузамиз. Ким биринчи?

Ҳамма жим.

Аби сур. Нима, тушунмадингларми? Ўзингиз имонли деб ҳисоблаган, ўз покизалиги билан сизни ва шаҳрингизни асраб қолиши мумкин кишиларнинг номини айтинг.

Ҳеч ким миқ этмайди.

Ход (*Зорова вельга*). Очиқ айтгани тортинишаётганга ўхшайди. Бошлигини атаган лаганбардорга чиқиб қолиши мумкин, ўз оила аъзоларини аташ ундан ҳам ноқулай.

Зорова вель. Ундоқ бўлса, марҳамат, ёзма равишда!

Одамлар жонланади. Қандайдир қоғоз қўлма-қўл бўла бошлайди.

Ход. Ҳайрият!

Олдинда ўтирганларнинг бири қоғозни Азарияга узатади.

Азария (*ўқийди*). “Элизер — тўнғизмижоз одам, мени роса ишлатиб, ҳақимни еб кетди. Бошқаларни ҳам алдаган. Хотини ўзидан қолишмайди. Энг аввал ўшаларни жаҳаннамга жўнатинг”.

Кулги кўтарилади.

Зорова вель. Афсус, фикрим сизларга етиб бормабди.

Ход. Расмий рўйхатни ўқиб қўя қолайлик.

Зорова вель. Мен юқоридан тазийқ бўлмасин деб, истиҳола қилувдим. Ўзга чора қолмади. Энди гап бундоқ: биз ҳайъат сифатида номзод кўрсатамиз, сиз эса номаъқулларини бекор қиласиз.

Ахса (*Иерахага иржайиб*). Қани, қани...

Иераха (*ундан кўзини олиб қочиб*). Уйлайманки, бундай доно арбобларнинг фикри пухта, асосли ва қатъий бўлади.

Одамлар юқорига қарашади.

Зорова вель. Ишончинг учун миннатдорман, муҳтарам Иераха, исминг эса, албатта, рўйхатимизнинг бошидадир.

Халойиқ чайқалиб, шивир-шивир бошланади.

Қаршилар борми?

Сукунат. Иераха Ахсага хавотир билан қарайди.

Демак, йўқ. Шундай бўлмоғи керак эди ҳам. Дарҳақиқат, мана, қаршимизда...

Ход. Аниқроғи, тепамизда...

Зорова вель. ... том маъноси билан имонли деб атаса бўладиган аёл турибди. Элнинг ҳурматига сазовор, оқида, қонунни эъзоз этган аёл! Бу аёл буюк ва унутилмас Қонундорнинг қаламдоши, маълум маънода илҳом париси бўлган.

Иераха (*ўрнидан туради*). У мана шу лаблардан бўса оларди, мана шу сочларни...

Азария. ... Мана шу белларни ва ҳоказо. Эшитганмиз кўп.

Зорова вель. Миршаб, ёзиб қўй — Иераханинг номини.

Аби сур. Хўп бўлади.

Миршаб чиройли қилиб ёзади. Иераха Ахса сари кинояли нигоҳ отиб, жойига ўлтиради.

Ахсанинг юзида ҳамон заҳарханда.

Хаггита. Мен, аёл сифатида, ифтихор қиламан.

Наара. Менга ҳам ёқди. Ҳамжинсларимизнинг муносиб вакиласи бу аёл.

Хаггита. Қадди-қоматини қаранг!

Наара. Чин қаҳрамон!

Хамауэль. Доим алвасти деб атардиларинг-ку уни?

Наара. Жим бўл, каллаварам, сен ҳеч нарсага тушунмайсан.

Зоровавель. Навбатдаги номзод муҳокамасига ўтамыз. Вазифамиз мураккаб ва масъулиятли бўлгани учун қулоғимиз ҳам, кўзимиз ҳам доим катта очиқ. Баён этилажак муайян шароитда кўзимиз фақат саранжом-саришталик, меҳмондўстлик, оилавий меҳр-оқибат, содда ва ҳалол турмушни кўрди, қулоғимиз ташаккур эшитиб яйради.

Нахор. Менинг ҳақимда эмасми бу гап?

Ход. Йўқ, йўқ. Сен кимсан?

Нахор. Исми — Нахор. Шаҳар иттутариман.

Биринчи аёл. Колбасапазлик ҳам қилади.

Зоровавель. Менинг юқоридаги сўзларим муҳтарам Лот, унинг рафиқаси ва икки қизи хусусидадир.

Йиғилганлар шошиб қолишади.

Эътироз борми? Миршаб, ёз.

Абисур оҳиста “Лот, унинг хотини, номер 1 қизи, номер 2 қизи” деб ёзади.

Ҳамманинг эътибори унда.

Каат. Мана, бештага етди.

Иккинчи аёл. Аммо тўрттаси хотинлардан. Қалайсиз энди?

Салеф. Мен бор-будимни Лотнинг майхонасида кўкка совурганман. Унинг шунинг учун кўкка кўтарамизми?

Нахор. Ишнинг ярми битди, ҳайрият.

Ход (Зоровавелга). Топганларимиз тугади. Бу ёғи нима бўлади?

Зоровавель. Бир гап бўлар. (Овозини кўтариб.) Ўзингизни босинг, халойиқ! Орангизда Робоям аталмиш банк директори борми?

Робоям. Борман.

Зоровавель. Тур ўрнингдан, Робоям, ўз ҳақингда сўзлаб бер, чунки навбатдаги номзод — сен!

Бобоям. Мен оддий камбағал оиласида дунёга келдим. Отам ўғри, онам кисавур. Иқтидорли бўлганим сабабли тезда ўз касбимда юксак маҳоратни эгаллаб, темир сандиқларни буза бошладим, бу тариқа жамият пиллапоясининг юқори поғонасига кўтарилдим. Мен бузолмайдиган қулф ё пўлат сандиқ қолмади бу атрофда. Бойлигим ҳам, шуҳратим ҳам ўсаверди, ўзим оила фахрига айландим. Шундай бўлса-да, кунлардан бир кун ҳунаримдан кечигша тўғри келди.

Зоровавель. Бизни худди мана шу нарса қизиқтиради.

Робоям. Бенақдина савдо тартиби жорий этилди-ю, одамлар уйда пул сақламай қўйишди. Мен хатойимни тушуниб, касбимни ўзгартирдим.

Ход. Турмуш тақозоси, дегандек...

Робоям. Энди ишни оддий банк ходими сифатида бошлаб, аста-секин директорлик даражасига кўтарилдим. Негаки, қулфларнинг сирини яхши билганим учун банкимизни ўғри урмас эди.

Азари я. Бу, албатта, номзод ҳалоллигининг бир далили, аммо масаланинг бошқа жиҳатлари ҳам бор.

Зоровавель. Ҳайъат кенгашиб олмоқчи. Қисқа танаффус эълон қиламан.

Ҳайъат кенгаша бошлайди. Халойиқ кўзголиб, ўзаро суҳбатлашганча, майдонни айланади.

Ўртада Иоас билан Цеила.

Иоас. Кўрдингми, умид бор ҳали. Қўрқанингга арзимайди.

Цеила. Барибир кўрқяпман. Унтага етмаса, нима қиламиз?

Иоас. Ичган қасаминг ёдингдами?

Ц е и л а. Ўзинг ичирдинг менга!
И о а с. Ўзинг ичгансан!

Ҳайъат кенгаши тугади.

А б и с у р. Танаффус тугади. Ҳамма жой-жойини эгалласин.
З о р о в а в е л ь. Ҳайъат масалани ҳар томонлама, диққат билан ўрганди.
Робоям бир маҳал кулф бузишдай гуноҳ иш билан шуғуллангани, албатта, ёмон. Шу билан бирга, бу гуноҳдан савоб ҳам туғилганки, масалан, у ўшанда кулфбузар бўлмаса, ҳозир ундан намунали банк директори ҳам чиқмасди. Биз бир хатоси учун инсонни сафдан ўчириб юборадиган догматиклар эмасмиз. Бир бузилишнинг бир тузалиши бор.
А б и с у р. Рўйхатга киритайми?
З о р о в а в е л ь. Ҳа.

Одамлар ҳам маъқуллашади.

А з а р и я (ўрнидан туради). Мен кўрсатмоқчи бўлган номзод бу ерда эмас, у ибодатхона остонасини ялаб ётибди, у ўз жойини тарк этолмайди, қимирласа аччиқ азоб кучоғида қолади, негаки, у икки орқа оёғидан маҳрум, икки олд қўлидан ҳам. Мен мажруҳ тиланчи Исахорни назарда тутаётганимни сезаётгандирсиз.

Х о д. Мен ҳам биламан уни. Ҳалол киши.
З о р о в а в е л ь. Нақадар оғир бўлса-да, бу номзод маъқул эмас. Менимча, киши ўз хоҳиши билан покиза бўлиши керак. Мажруҳ Исахор икки қўли ва икки оёғи бут бўлиб, хоҳлаганини қила олганида, имонини соғлом сақлармиди?

А з а р и я. Чуқурроқ қарасак, бу фикр хом. Масалан, тасаввур қилинг: тасодифан баъзи имконларга эга бўлиб қолган хотин эркагона қилиқ қилмайди деб айта оламизми? Айтишимиз қийин. Аммо, бу ҳол барча аёлларни қоралашга асос бермайди.

Х о д. Киши ўз хоҳиши билан покиза бўлиши керак, деган фикрга мен ҳам қўшиламан. Менимча, мажруҳ Исахор айнан ўз ихтиёри билан имонини саломат сақлаб қолган шахс. Икки оёғи бўлмаса ҳам дўстларини тепкилайдиган зотлар камми дунёда?

З о р о в а в е л ь. Фикрингиз дуруст, дўстларим. Миршаб, ёз мажруҳнинг исмини.

А б и с у р. Хўп бўлади.

Миршаб ёзади.

Н а х о р. Еттитаси тайёр. Етти рақами омадбахш бўлади, дейдилар.
К а а т. Мен ҳам отпойгада қимор ўйнаган вақтларим еттиликка етти марта босардим.

Б и р и н ч и а ё л. Нима бўларди кейин?
К а а т. Етти танга ютқазганман.
С а л е ф (Ҳамузлга). Хўш, зайтунни оласанми, йўқми? Фалокат йироқлашиб, у ҳам икки баравар қимматлашиб қолди.

Ҳ а м у э л ь. Мен арзонига харидорман. Қани, сабр қилай-чи яна.
С а л е ф. Кейин бармоғингни тишлаб қолмасанг бўлди.

Х о д. Сўз бераман.

З о р о в а в е л ь. Марҳамат.

Х о д. Мен шоир Себеон номзодини кўрсатаман. Тўғри, жиндаккина қусури бор, яъни оз-моз ичиб туради. Лекин ичмайдиган шоирнинг ўзи йўқ-да!

Халқ ажабланиб, яна шивир-шивир бошланади.

А б и с у р. Жим бўлинсин!
С е б е о н (бошқалардан ҳам ортиқроқ ҳайратланиб, ўрнидан туради). Менми? Нега? Мен ахир аксилахлоқшахсман. Менинг шеърларим, ғалаён, даҳшат, вайронгарчиликлар келтириб...

Ход. Себек, нима қиласан ёш болага ўхшаб? Ким ўқирди шеърингни?

Себеон. Барибир, қаршиман!

Ход. Ўқиган бўлса, ким ишонарди? Хуллас, нимани урдингу, нимани синдирдинг? Ҳеч вақони, бўш ҳавони...

Себеон. Шеърятнинг кучи шундаки...

Азария (унинг гапини кесиб). Жилловини узиб кетган битта от учта сенга ўхшаган шоирдан кўпроқ фалокат келтиради.

Ход. Сени, шоир сифатида, бу сийқа турмушнинг диққатга сазовор нуқта-си, ҳатто умумий манзаранинг безаги деб аташ мумкин. Ана шу жиҳатдан, сен ҳар ҳолда ижобий аҳамиятга эгасан.

Зоровавель. Биз рози. Майли, шоир Себеоннинг номи киритилсин.

Себеон. Мен... Мен барибир қаршиман! Сиз ижодимда гоят катта ўрин тутган вайронизмни ҳисобга олмаётирсиз.

Ход. Ўтир!

“Ўтир... Ўтир!” деган овозлар эшитилади. Абисур Себеон номини рўйхатга қўшади.

Зоровавель. Шаҳар аҳли! Рўйхатимизни, мана саккиз покизанинг исми безаб турибди. Фақат икки киши кам.

Азария. Бизда номзод қолмади.

Ход. Энди ўзингиз айтинг.

Сукунат чўкади.

Азария. Иккита бўлса бас!

Ҳамон сукунат.

Зоровавель. Наҳот қариндош-улуғ, дўст-ёрингиз орасида имонли одам топилмаса?

Ҳамма жим. Бирдан осмон қизариб, момақалди роқ гумбурлайди.

Иккинчи аёл. Кунимиз битди!

Нахор. Улуғларнинг сабри тугабди-да!

Цеила. Менгина ўлай! Юрагим чиқиб кетяпти, вой-дод!

Хамуэль (*Салефга*). Мана энди зайтунингни оламан, аввалги нарҳида уйим-га келтириб берсанг.

Наара. Ҳозир иш тўғрисида гапирадиган вақтми?

Хамуэль. Ёш боламисан? Вақтида фойдаланиб қолиш керак-да!

Хаггита. Ишингиз ҳам қурсин, ўзингиз ҳам қуриб кетинг!

Халойиқ ваҳима кучоғида. Самовий садо ҳайъат аъзоларини ҳам шошириб қўяди.

Ход. Ҳазрат, покиза қариндош-уруғларини сўраб, хато қилдик, чамамда. Ахир, ҳар киши аввало ўзини имонли деб билади.

Зоровавель. Гапинг тўғри. (*Халққа.*) Қўрқманг, ноумид бўлиш бекор! Яна икки киши топсак, учта бўлади-қолади. Кимнинг ўз тўғрисида фикри яхши бўлса, ўз номзодини кўрсатаверсин.

Оғир сукунат чўкади.

Ахса (*ўрнидан туриб*). Мен.

Зоровавель. Нима?

Ахса. Мен ўз номзодимни таклиф этаман.

Азария. Сен-а?

Вазият оғирлигига қарамай, халқ гуррос кулиб юборади.

Ахса. Кулгига нима бор? Менинг идорамни ҳукумат расман қувватламаса ҳам, ҳукуматнинг расмий одамлари шахсан қўллаб туришади. Чунки, шаҳарда-

ги бошқа бирор шунақа ташкилотда меникидагининг ярмича ҳам қулайлик йўқлигини билишади улар.

А б и с у р. Бу гапинг рост.

З о р о в а в е л ь. Нотиққа халақит берилмасин.

А х с а. Шаҳар бошқармаси ҳам хурсанд: солиқларни ўз вақтида, ўз ихтиёрим билан тўлаб тураман. Мабодо менинг идорам ёпилиб қолса, ҳамма кутубхоналарнинг эшигига қулф тушади, негаки, уларнинг чиқимини менинг киримим қоплайди доим.

А б и с у р. Бу гапинг ҳам тўғри.

З о р о в а в е л ь. Нотиққа халақит берилмасин.

А х с а. Имонлиман десам арзийди. Шахсий ҳаётим — кўз ёшидай мусаффо. Идорам намунали ишлаб турибди. Ўрнатган тартибим ғоят қаттиқ, чунки ташкилот қанча бамаъни бўлса, тартиб шунча қаттиқ бўлиши лозим, тартиб қанча қаттиқ бўлса, ташкилот ҳам шунчалар бамаъни бўлади.

Маъқулланган садолар эшитилади.

Шунинг учун номимни рўйхатга киритишингизни сўрайман.

Ахса ўлтиради. Ҳакамлар кенгаша бошлайди.

С а л е ф. Хотин киши бўлса ҳам, калласи зўр ишларкан!

Б и р и н ч и а ё л (*жаҳл билан*). Нима, шунча давлатни калласи билан топиб-дими?

Н а х о р. Қизик, рўйхатга киритишармикин ё йўқми?

З о р о в а в е л ь. Ҳайъат кенгашиб, ушбу номзодни рўйхатга қўшмасликка қарор қилади. Ҳайъат номзодликка номзоднинг уддабурролиги ва ташаббускорлигини юксак баҳоласа-да, энг муҳими — ишнинг сифати эмас, балки йўналишидир, деб ҳисоблайди. Масалан, хом-хатала яхшилик қилган киши аъло даражада ёмонлик қилганга нисбатан имонлидир.

С е б е о н. Бу — исботталаб фикр.

Б и р и н ч и а ё л. Тўғри гапиряпти.

Х а м у э л ь. Нотўғри!

А х с а (*ўрнидан отилиб туради*). Юзи лавлаги бўлиб кетган, бамаънилигидан асар ҳам йўқ). Шунақами? Покизаликка ярамай қолдимми? Наслу насаблилар жамоасига кирмоққа нолойиқманми? У ҳолда, ҳамма сирни очиб ташлайманки...

З о р о в а в е л ь (*Ахсанинг сўзини бўлиб*). Сенга сўз берилгани йўқ.

А х с а. Ўзим олдим сўзни, энди жамики фаришталарингиз ҳам тилимни тил-ёлмайди. Мен номуносиб бўлсам, рўйхатдан мана бу ифлосни ҳам чиқариб ташлашни талаб қиламан.

Ахса Иерахани кўрсатади.

И е р а х а (*сакраб туриб*). Нима ҳаққинг бор? Сен ўзинг...

Ҳамманинг кўзи юқорида.

З о р о в а в е л ь. Ҳовлиқманг!

А б и с у р. Тартиб сақлансин!

А х с а (*қўлини белига тираб*). Ҳақим йўқми? Ҳақим йўқлигини кўрсатиб қўяйми? (*Халққа*.) Мен шунча йил тилимни тишлаб келдим, бировнинг ишига бурун тикмадим, аммо мана бу бефариштани мендан юқори қўядиган бўлсанглар, фош этиб ташлайман, ҳамма билиб қўйсин.

А з а р и я (*завқланиб*). Менимча, эшитсак, зарар қилмайди.

И е р а х а. Ишонманг унга. Ҳамма гапи ёлғон.

З о р о в а в е л ь. Ўзингни тут, эй аёл. (*Ахсага*.) Одоб билан сўзласанг, сўз беришим мумкин.

И е р а х а. Унга ишонманг ҳеч.

А х с а. Эшитдингизми, ишонманг, деганини? Демак, нима дейишимни, деганларимнинг ҳаммаси ҳақ эканини билади у. Мана неча йилдирки, у буюк бир инсоннинг хотирасини сотиб тирикчилик қилаётир...

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

144

Зоровавель (*столни муштлаб*). Айнилмасин!

Ахса. Кечиринг, қизишиб кетибман. Мен дипломат эмасман. Мен содда бир Ахса холаман, холос. Аммо бояги хато такрорланмайди энди.

Зоровавель. Давом эт.

Ахса (*ўзини тутиб, одатдагидай бамаънилик билан*). Хуллас, неча йилдирки, у Қонундорга ўйнаш бўлганини бозорга солиб тирикчилик қилади.

Иераха (*куйиб-пишиб*). Ўйнаш бўлганман: у мана шу лабларимдан бўлса олган, мана шу сочларимни силаган, Мана шу белларимдан кучган.

Ахса (*хайъатга юзланиб*). Қонундорнинг ўзи эса ҳезалак эди.

Ғала-ғовур кўтарилди.

Иераха. Ёлғон!

Ахса. Уйимда ҳозир ҳам пенсияга чиққан икки ходима яшаб турибди. Ҳақ эканимни улар исботлаши мумкин. Шулар ҳамон уни эҳтиром билан эслашади, у берган майда-чуйда тухфаларни авайлашади. Дарҳақиқат, у буюк инсон эди, буюк хурматга лойиқ эди. У дўстона, илиқ даврада кўнгил ёзиш, оилавий жаҳаннам азобларини унутиш учун гоҳ-гоҳ бизникига чиқиб турарди. Унга маҳрам бўлгучи, ўз вазифасига масъулият сезиб қараган ўша икки ходима у билан, албатта, бизнинг уйимиз шароити тақозо қиладиган алоқалар ўрнатишга кўп уринишарди. Афсуски, ҳар буюкнинг бир куюғи бор, деганларидек, афсус...

Иераха. Тухмат! Мени шарманда қилиш учун бу хотин ўша икки манжалақини йўлдан урибди. Кўрганмиз бунақасини кўп!

Тамар (*ҳозиргача ўзини четга тутган қиз хайкал ёнида пайдо бўлади*). Ҳаммаси рост. Қонундордан қолган қўлёмалар орасида дори қоғозлари бор. У жуда кўп дори ичган, фақат наф кўрмаган.

Иераха. Тамар! Наҳот сен ҳам ёвлик қилсанг менга?

Тамар. Мен бу кунни кўпдан кутардим. Энди ўлсам, армоним йўқ.

Зоровавель. Хайъат оғир аҳволда қолди. Бир покизамиз ўз фойдаси учун тарихий фактни бузиб кўрсатгучи юлғич бўлиб чиқмоқда. Бу жузвий камчилик. Лекин, жузвий камчиликлар, тажриба кўрсатиб турибдики, кўпинча кечикиб юзага чиқади. Мажлис тартиби эса бир марта кўкка кўтарилган шахсни қайта оёқ ости қилишга йўл қўймайди.

Азария. Бироқ, бундай ҳоллар тарихда бўлган.

Ход. Бўлган, аммо ўша шахс у дунёга кетганидан кейин!

Азария. Тириклигида ҳам бўлган. Отларини айтайми?

Зоровавель. Кераги йўқ. (*Шериклари билан маслаҳатлашиб*.) Хайъат ҳозирча бу масалани ортга суриб, кейинроқ кўриб чиқишга қарор қилди.

Иераха билан Ахса аччиғланиб, уй-уйларига кириб кетишади.

Ход. Яна ким бор?

Сукунат.

Азария. Кўзингизни очинг, бир лаҳзадан сўнг ҳамма андуҳларингиз бефойда бўлиб қолиши мумкин.

Сукунат.

Зоровавель. Демак, орангизда имонли одам қолмадимми?

Аввалгидан ҳам даҳшатлироқ момақалдиروқ гумбурлаб, осмонни чақмоқлаб поралайди.
Халқ ваҳимага қолади.

Азария. Эй шўринг қургур осий бандалар, навбатдаги огоҳлантириш бу!

Зоровавель. Сўнгги илтимос: яна икки кишини айтинг, фақат икки киши! Ўшанда ўзингиз ҳам ҳалокатдан қутуласиз, сизни ҳалокатга юзлаштиришдай оғир вазифадан биз ҳам халос бўламиз.

Ҳамон сукунат.

Ход. Вақт тугади.

Зоровавель (*ўрнидан туриб, тантанавор ва фожеий оҳангда*). Эй бечора эл, энди шафқат йўқ. Мен буни ҳакам сифатида ўзим ва дўстларим номидан изҳор этмоқдаман. Сизни асраб қолиш учун ҳамма чорани кўрдик. Нетайки, шахрингизда ўн нафар имонли киши топилмади. Берилган ваколатга асослашиб, эълон қиламанки...

Цеила (*чинқириб юборади*). Бор... Бор ўшанақа имонли одамлар.

Ҳамма ҳайрон бўлиб, Цеила томон ўгирилади.

Зоровавель. Яқинроқ кел, эй аёл, айт айтадиганингни.

Цеила (*даврани ёриб ўтаркан*). Тўққизинчи покиза бор, у шу ерда, орамизда!

Ҳакамлар столи олдида тўхтади.

Зоровавель. Исми?

Цеила. Иоас... Қаллобзода.

Шовқин-сурон кўтарилди.

Ход. Нима, бизни кулги қилмоқчимисан?

Зоровавель. Ҳазилнинг вақти эмас, эй аёл!

Цеила. Ҳазил қилаётганим йўқ. Ишонинг, рости шу.

Цеиланинг куйинишини кўрган ҳакамлар, нимадир сезгандай, кўз уриштириб олишади.

Азария. Эсини еб қўймаганмикин кўрқиб?

Зоровавель. О, шўрлик, қайтавер жойингга, биз ночормиз ёрдам бергани.

Цеила. Кулоқ солинг менга! Кулоқ солишингиз шарт! Қасам ичиб айтаманки, Иоасдан ҳалолроқ ва покизалик унвонига муносиброқ киши йўқ бу шаҳарда.

Азария. Иоас Ярамасми?

Цеила. Ҳа.

Азария. Ўзинг ярамас деб турганингдан кейин у қандоқ қилиб ҳалол ва имонли бўларди? Алжираяпсан, а?

Цеила. Гап лақабда эмас. Масалан, ҳамшаҳарларимиз сени хўппасемиз Чўчқаворий дейди. Нима, авлиёлигингга зиёни етдими?

Ҳамма кулиб юборади. Зоровавель ҳам.

Ход. Маълумки, ўша Иоас халқни кўп лақиллатган, ўнг қўли чап қўлига панд беради, рост кўча қолиб, паст кўчадан пул топади.

Цеила. Тўғри.

Ход. Демак...

Цеила. Ўша пулларни у нима қилганини биласизми? У бирор тийинни ҳам ўзи емайди!

Зоровавель. Тушунолмадим.

Азария. Ўзи емаса, ким ейди?

Цеила. Буни ўзидан сўранг. Мен билганимни айтдим.

Ҳамма ҳайрон, Асаблар таранг, Ҳакамлар яна кенгашади.

Зоровавель. Иоас Қаллобзода, бери кел-чи!

Иоас ҳакамлар столи ёнига келади.

Иоас, биз ўзингни сўроқ қилишга қарор этдик ва ишонаманки, ким бўлишингдан қатъий назар, виждонан жавоб берурсан. Айт-чи, бу аёлнинг гапи ростми?

Иоас (жуда катта айбини бўйнига олаётгандай, эзилиб, бошини қуйи солиб).
Рост.

Азария. Ҳайронман.
Ход. Мен ҳам...

Говур-гувур бошланади, ҳамма ҳаяжонда.

Зоровавель (столни бир-икки муштлаб). Тартиб бузилмасин. Ўтиринглар!

Абисур. Ўзини тутолмаганлар ҳайдаб чиқарилади, натижадан беҳабар қолади.

Зоровавель. Ўзим ва бошқа ҳакамлар номидан изҳор этаманки, ҳеч нарса тушунолмадик. Эй Ярамас лақабли Иоас Қаллобзода, бу гапларнинг маъзани қақиб бер бизга. Топганингдан фойдаланмасанг, нега жиноят билан шуғулландинг? Худобезориликдан келган даромадни нима қилдинг?

Иоас (ҳамон эзилиб). Айтсам айта қолай. Бўлганича бўлди. Ўладиганнинг ўлгани яхши.

Азария. Ўлишга нима бор? Аксинча...

Иоас. Эҳ ҳакамлар, ҳакамлар... Барибир тушунмайсиз.

Ход. Сабаб?

Иоас. Сиз бошқа оламнинг фуқароларисиз. Мен эса, афсусларки, шу замин, шу шаҳар фарзандиман. Мабодо номим яхшига чиқиб қолса, эртадан бошимга қандоқ кунлар тушажагини ўзим биламан.

Зоровавель. Яхши одам дегани юксак унвон-ку!

Иоас. Ҳа, ҳа. Ўша унвонга сазовор бўлгач, бош кўтариб юргани қўйишармикин? Обрўйим неча пуллик бўлади?

Цеила (ўкинч билан). Кечир, Иоас!

Иоас. Қасамхўрлик қилдинг сен!

Цеила. Сен ўлиб кетаверсанг, мен қараб тураверайми? Мен сени севаман, ахир!

Иоас (дард билан). Бугундан севгинг ҳам адо бўлар, хотинжон. Элу халқ нафрат билан эъзозлаган кишини севиб бўлармиди?

Ход (ҳайрон). Хотинжон, дедингми?

Иоас. Ҳа, у менинг хотиним, содиқ рафиқам. Одамлар менинг устимдан кулмасин деб, ўзини ўйнаш атаб юрарди.

Зоровавель. Эй халойиқ, сизни ким деса бўлади? Биз юксакдан нигоҳ ташлаб, жўнгина ҳисоб-китоб қилардик: буниси яхши, буниси ёмон, буниси маъқул, буниси номаъқул деб. Ўйлаб кўрсам, роса лақиллаганга ўхшаймиз.

Иоас. Даромадни нима қилардинг, дедингиз боя. Мен топган пулимга йўл ва кўприк қурдим, касалхона ва бола боғчаларнинг қозонини қайнатдим. Аммо, ҳаммасини шаробу ишратга сарфлагандай яшадим. Обрўйим шунинг учун банд эди.

Ход. Ана одамлар-у, мана одамлар!

Иоас. Ундан ташқари, мендан ҳамма кўрқарди. Ҳаммани зир-зир титратдим. Кўрқитмасанг — иш битириш қийин... Афсус, энди ишим чатоқлашди: ҳалол одамдан ким кўрқарди? Ўлганим яхши.

Иоас йиғлаб юборади.

Зоровавель. Кўз ёшингни тий, Иоас.

Азария. Йиғлама, юрагимни қон қилиб.

Ход. Имонли кишининг кўз ёши фариштани ҳам эритиб юборади, (кўзини уқалаб) хизматдан бўш вақтларида.

Зоровавель. Бу ёққа қара, Иоас, хурсанд бўлди. Сени ҳам рўйхатга киришиб қўямиз. Энди ҳеч ким устингдан кулмайти, аксинча, шаҳарнинг халоскори деб, бошига кўтаради... Миршаб!

Абисур. Жон деб бажарамиз!

Иоаснинг номини ёзди.

Азария. Шундай қилиб, тўққизинчиси ҳам тайёр.
Ход. Фақат биттаси қолди...
Зоровавель. Ҳа, бир покиза етмай турибди. Насиб қилса, уни ҳам то-
памиз.

Сукунат чўкади.

Ход. Халойиқ, тезроқ ўйланг! Мудраманглар!

Сукунат.

Азария. Наҳот қирғоққа қўлингиз етганда чўкиб ўлишни истасангиз?

Сукунат.

Ўзингизга қуймасангиз, биз — ҳакамларга раҳм қилинг!
Иоас. Менга сўз беринг.
Зоровавель (*шошиб*). Марҳамат, марҳамат!
Иоас (*ҳакамлар столи ёнига қайтиб*). Сизларга ич-ичимдан ҳайронман.
(*Ўзини ўнглаб*.) Кечирасиз, сизга ўхшаб сайрай бошлаганим учун. Тил бузуқи-
лик ҳам юқумли касалдай гап экан...

Зоровавель. Зарари йўқ, гумбурлатавер.
Иоас. Дарҳақиқат, ҳайронман: кўзингиз бор-ку — кўрмайсиз, қулоғингиз
бор-ку — эшитмайсиз.

Азария. Ҳай-ҳай, покиза бўлсанг ҳам, қуюшқондан чиқма.
Зоровавель. Кўрмайсиз ҳам, эшитмайсиз ҳам, дедингми? Бу қанақаси?
Иоас. Атрофга зеҳн қўйиб қаранг: агар одамзод сиз ўйлагандай ифлос бўлса,
дунё аллақачон асфаласофилинга кетвормасмиди? Турибди ўрнида. Туради ҳам.
Бунинг сири ё сеҳри борми?

Ход. Сеҳр — йўқ гап.

Ход ўз сўзидан ўзи қизариб кетади.

Иоас. Тўппа-тўғри, сеҳр — йўқ гап. Демак, дунёни ўша сиз қидириб юрган,
ўзингиз айтгандай, покиза одамлар тебратиби туришибди.

Азария. Қани ўшалар? Кўрсат тезроқ!

Зоровавель (*аччиғи чиқиб*). Азария, ўзингни бос.

Иоас. Қани, дейсизми? Мен қасқдан билай! Писиб яшашади. Хуфиёна меҳ-
нат қилишади. “Жамоат” фикридан чўчиб паст бўлиб юришади. Олифта деган
лақабдан оғири йўқ бизда.

Халқдан садо: Ўлим олифталарга!

Иоас. Эшитдингизми? Тушундингизми энди?

Зоровавель. Ҳа.

Иоас. Мени покизалар рўйхатига тиркадингиз. Лекин, билиб қўйингки, бу
шаҳарда юзлаб, минглаб менга ўхшаганлар бор.

Азария. Демак, шаҳрингиз юз фалокатдан ҳам қутулиши мумкин экан!

Иоас. Аммо, бунинг учун ҳамшаҳарларим ўз покизаликларини рўй-рост
тан олишлари керак.

Зоровавель. Ҳамма гап шунда: ўз покизаликларини рўй-рост тан ол-
моққа юраклари дов берармикин?

Парда

Таом

Андрей САХАРОВ
Эсдаликлар

1964 ЙИЛДАГИ АКАДЕМИЯГА САЙЛОВЛАР

1964 йил ёзида СССР Фанлар академиясига навбатдаги сайловлар бўлди. Академиклик учун сайловлар икки босқичда ўтади: дастлаб Бўлимларда яширин овоз бериш йўли билан қанча ўрин ажратилган бўлса, шунга мувофиқ академик ва мухбир-аъзо сайланади (ўринлар партия-ҳукумат, афтидан, СССР Вазирлар Кенгаши қарорига кўра белгиланади). Кейин умумий мажлисда аъзоларнинг учдан икки овозини олган номзодлар тасдиқланади. Умумий йиғилиш бўлимнинг қарорини тасдиқлайди. Камдан-кам ҳоллардагина қарши овоз берилади. Мазкур номзодни бўлимда маъқулламаган академиклар кейинги босқичда ҳам қаршилиқ кўрсатадилар. Бошқа бўлимларнинг аъзолари эса биринчи босқичдаги сайловлар натижаларига ишонадилар.

Бўлимимиздаги йиғилиш пайтида менга биологлар Н. И. Нуждинни академикликка сайлаганлари маълум бўлди. Бу киши менга таниш эди. Нуждин Т. Д. Лисенконинг яқин сафдошларидан бўлиб, сохта илмий назарияларни илгари сурган ва чинакам илмнинг, ҳақиқий олимларнинг таъқиб қилинишида фаол қатнашганлардан бири ҳисобланади. Лисенкога қарши яна ғазабим кўзғалди; шўро генетикасининг бутун фожиалари ва жабрдийдаларини эсладим. Умумий йиғилиш Нуждиннинг номзоди тасдиқланишига асло йўл қўймаслиги керак, деб ҳисоблардим. Бу хусусда Умумий йиғилишда сўзлашни кўнглимга туғиб қўйдим.

Овоз беришлар орасидаги танаффусда академик Л. А. Арцимовичнинг олдида бордим ва биологлар Нуждин номзодини кўрсатганларидан ташвишда эканимни билдирдим. Сайлов можароларидан толиққан Лев Андреевич оромкурсида дам олаётган эди. У:

— Ҳа, хабарим бор, — деди. — Унга йўл бермаслик керак. Лекин Умумий йиғилишда сўзлашингиз кифоя қилмайди.

— Нега шундай ўйласиз? — деб ундан узоқлашдим.

Умумий йиғилиш эртаси куни бўлиши керак эди. Мен, бир гуруҳ физиклар ва биологлар ҳам тайёргарлик кўришаётганларидан беҳабар эдим. Умумий йиғилиш арафасида академик, йирик биохимик, Лисенконинг ашаддий рақиби В. А. Энгельгардтнинг уйида И. Е. Тамм, М. А. Леонтович ва бошқалар тўпланишиб, маслаҳатни пишитиб олишган экан. Такрорлайман, мен бу йиғиндан мутлақо беҳабар эдим.

Умумий йиғилиш одатдаги йўсинда бошланди. Бўлимларнинг академик-котиблари сайлов натижалари тўғрисида навбат билан маъруза қилдилар ва ҳар бир сайланган олимнинг илмий хизматларини қисқача таърифладилар. Олдиндан сайланган ҳисоб комиссияси овоз бериш учун ҳужжатларни тайёрлай бошла-

Охири. Боши ўтган сонда.

ди. Ниҳоят, биология бўлимнинг академик-котибига навбат келди (адашмасам, бу вазифани илгари Лисенкони қўллаб-қувватлаган академик Опарин бошқарарди). У Бўлимга Нуждин сайланганлигини маълум қилди ва уни атоқли биолог олим сифатида таърифлади. Мен сўзлашга узил-кесил аҳд қилдим ва Бўлимлардан кўрсатилган номзодлар ҳақидаги маълумотнома орқасига мулоҳазаларимни ёздим (афсуски, бу қораламаларим сақланмай қолган) ва қўл кўтариб сўз сўрадим. (Бу борада Тамм, Энгельгардт ва Леонтовичдан илдамлик қилдим). Келдиш шу заҳотиёқ мени минбарга таклиф қилди. Мен тахминан шундай дедим: “Академия Низоми академикликка лойиқ кўрилатган кишига нисбатан — фан олдидаги хизматлари борасида ҳам, ижтимоий мавқеи борасида ҳам жуда юксак талаблар қўяди. Биология Бўлимидан академикликка сайлаш учун кўрсатилган мухбир-аъзо Н. И. Нуждин бу талабларга жавоб бермайдди. У академик Лисенко билан бирга, совет биологияси, айниқса замонавий илмий генетика соҳасидаги шармандали қолақлигимиз учун, сохта илмий қарашларни қўллаб-қувватлаганлиги, фирибгарлиги ва ҳақиқий олимларни таъқиб қилганлиги, уларни ишдан бўшаттирганлиги, ҳибсга олдирилганлиги ва ҳалок қилганлиги учун жавобгардир.

Мен сизларни Н. И. Нуждин номзодига қарши овоз беришга чақираман”.

Нутқимни тугаллаганимда катта залда бир неча дақиқа сукунат ҳукм сурди. Кейин овозлар янгради:

— Шармандалик! — Бир пайтнинг ўзида залнинг катта қисмида, айниқса орқа қаторларда, йиғилиш меҳмонлари ва мухбир-аъзолар ўтирган жойда қарсақлар янгради. Мажлис раёсати ва минбар жойлашган саҳнадан тушиш учун саҳна ўртасига боришим ва гилам тўшалган зинадан пастга юришим керак эди. Жойимга бориб ўтиргунимча ва ундан сўнг ҳам бир неча дақиқа мобайнида залда қарсақлар янграб турди. Лисенко мендан нарироқда ўтирган эди. У даргазаб бўлиб, бўғиқ овоз билан бақирди:

— Сахаров сингариларни қамаш керак! Суд қилиш керак.

Нутқ сўзлаётган пайтимда Игорь Евгеньевич Тамм, В. А. Энгельгардт, М. А. Леонтович сўз сўрашди. Лисенко жаҳл билан ўрнидан туриб сўз беришларини талаб қила бошлади. Келдиш аввал Тамм, М. А. Леонтович ва Энгельгардтга сўз берди. Улар жуда яхши, мантиқли ва ишонарли далиллар келтиришди. Улар ҳам Нуждин академикликка сайланишга нолойиқ эканлигини исботлашди. Лисенко, албатта, биз айтган сўзларни гирт бўҳтонга чиқарди ва Нуждинни буюк олим деб таърифлади. Кейин Келдиш сўз олди. У академик Сахаров бундай масъулиятли Йиғилишда йўл қўйиб бўлмайдиган айрим иборалар ишлатганлигидан афсусланганлигини изҳор қилди. У Сахаровни мутлақо ноҳақ деб ҳисоблайди, Йиғилиш овоз бериш пайтида мухбир-аъзо Н. И. Нуждин номзоди масаласига вазминлик билан, эркин ва одилона ёндашади ва биология Бўлимнинг фикрини ҳисобга олади, деб ишонч билдирди. Охирида эса Лисенкога шундай деб мурожаат қилди:

— Мен Сахаровнинг фикрига қўшилмайман. Лекин, Трофим Денисович, ҳар бир академик мажлис тартиби доирасида сўзлаш ва ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

Кейин билишимча, президиумда ўтирган КПСС МК тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири Л. Ф. Ильичёв гапираётган пайтимда жуда ҳаяжонланибди ва фикрини билдиришни хоҳлабди. У ёнида ўтирган академик Л. И. Капицадан (бу тафсилотларни шу кишидан эшитдим) сўрабди:

— Бу сўзлаётган ким?

Капица жавоб берибди:

— Водород бомбасини яратган олим.

Бу изоҳдан кейин Ильичёв, афтидан, ҳар эҳтимолга қарши, сўзламасликни маъқул кўрган бўлса керак.

Бир соатдан кейин ҳамма овоз бериши учун қути қўйилган саҳнага чиқа бошлади. Мутлақо нотаниш кишилар қўлимни сиқиб, нутқим учун миннатдорчилик билдиришарди. Бошқалар қаторида курсдошим, бу пайтда Арцимович қўлида котиб бўлиб ишлаётган Катя Скабур ҳам ёнимга келди:

— Ҳамма дўстларимиз (яъни бошқа курсдошлар — А. С.) сенинг нутқингдан хабардор бўлишади! — деди у.

Хуллас, Нуждин сайланмади. Нуждин ишига аралашувим ер устидаги синовларни тўхтатиш учун кураш билан қўшилиб (синов муаммоси салмоқлироқ эди, албатта) ижтимоий фаолиятимни ва келажак тақдиримни белгилади. Нега мен қалтис қадам қўйиб, ўзим ҳатто шахсан билмаган одамнинг номзодига қарши сўзладим? Шунинг учунки, фаннинг эркинлиги, илмий ҳаққонийлик қалбимга яқин эди — фанни тараққиётнинг муҳим қисми деб билардим (ҳозир ҳам шундай деб биламан) ва шу боисдан бу соҳада ҳеч қандай тажовузга йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблардим. Энгельгардтнинг уйида маслаҳат бўлганлигини билмаганлигим ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Сўнги қарорга беихтиёр келдим: эҳтимол қисматим, тақдирим шу ҳодисада ифодалангандир.

Бир неча кундан кейин ҳузуримга илгари нотаниш бўлган биолог Жорес Медведев келди. У илмий-тадқиқот институтларидан бирида ишлашини, геронтология генетикаси муаммоси билан шуғулланишини айтди. Айни пайтда у олти-етти йилдан бери лисенкочилик тарихи бўйича материаллар тўплар экан. У менинг нутқимни жуда юқори баҳолади ва айнан нималарни гапирганлигимни ва вазиятни батафсил, иложи борича аниқ айтиб беришимни илтимос қилди. У бу гапларни китобига киритиш учун ён дафтарига ёзиб олди. Ж. Медведев кетаётиб, бўлажак китобининг қўлёзмасини қолдирди, қўлёзма “СССРда биологик баҳс тарихи” деб (ёки шунга ўхшаганроқ) номланган эди. Қўлёзма ҳақиқатда жуда қизиқарли эди.

Июль-августда биз яна, аввалги йиллардаги сингари, бутун оиламиз билан “Мисхор” санаторийсига бордик. Дам олишдан қайтаётганимизда Симферополда тасодифан “Қишлоқ хўжалиги газетаси”ни (бошқаси йўқ эди) сотиб олдим. Уни самолётда кўздан кечирдим. Ўша пайтдаги ВАСХНИЛ президенти Ольшанскийнинг катта мақоласи босилган экан. Унда менинг номим ҳам тилга олиниб, шаънимга анча нохуш гаплар айтилган эди. “Муҳандис Сахаров СССР Фанлар Академиясининг Умумий йиғилишида Медведев яширин ёзиб берган хатни ўқиб бериб, мичуринча совет биология фанига ва таниқли биолог-олимлар шаънига тўхмат қилди, Умумий йиғилиш ишини бузди” (Афтидан, гўё биологияни билмаслигимга ургу бериш, ўқувчидан академик эканлигимни яшириш учун муҳандис деб айтишган бўлса керак).

Бу мақола лисенкочилар қарши ҳужумга ўтганлигини ва уларнинг юқори партия-ҳукумат доираларида кучли таянчлари борлигини кўрсатади. Гап-сўзларга қараганда, шахсан Хрушчевнинг ўзи ҳам уларни қўллаб-қувватлаган эди. У “мичуринча” фанни қўллаш ҳисобига қишлоқ хўжалигида аҳволни тез ва осон ўзгартириш мумкинлиги ҳақидаги ваъдаларга маҳлиё бўлгани эҳтимолдан холи эмас (худди Сталин каби). Мен Хрушчевга хат ёзиб, ҳақиқий аҳволни “очиқ кўрсатмоқчи” бўлдим. Албатта, бутун муаммони ёритиш учун менинг билимим етарли эмасди, лекин академиклигим, илгари Хрушчев билан шахсан учрашганлигимни, шунингдек, генетика, наслийликнинг молекуляр назарияси ва генетикани амалда қўллаш тўғрисида умумий тасаввурга эга эканлигимни эътиборга олиб, мактуб фойдали бўлади, деб ўйладим. Мактубни бир ҳафта ёздим ва ўзим машинкада бир бармоқлаб оққа кўчирдим. 10 сентябрда мактубимни Хрушчевга жўнатдим. Унда “илмий-оммабоп” бўлимдан ташқари, лисенкочилик гуруҳлашган, мафиялашган қиёфада эканлигини, у ўзига тобе одамлар орқали кўпгина партия ва ҳукумат муассасаларида ҳам илдиз отиб кетганлигини ёздим.

Биология соҳасидаги ҳаракатларим Хрушчевга қандай таъсир қилганлигини қулоғимга чалинган гаплар орқали биламан. Улар менга турли воситалар орқали етиб келарди. Бу гап-сўзларнинг ҳаммаси тўғри деб кафолат беролмайман.

Менга айтишларича, Хрушчев Нуждиннинг сайланмай қолишига сабаб бўлган нутқим ҳақида эшитгач, жуда ғазабланган, ер тепинган ва КГБ раисига (ўшанда бу лавозимда Семичастний ишларди) мени обрўсизлантирувчи далиллар тўплашга буйруқ берган экан.

Илгари Сахаров водород бомбасини синашга қарши чиққан эди, эндиликда яна ўзига дахли йўқ ишга тумшуғини тикаяпти, — деган у.

Хрущевни фақат менинг хатти-ҳаракатимгина эмас, балки умуман Академия тугган йўл қаттиқ газаблантирган. Айтишларича, у Академияни қисман ислоҳ қилиб, илмий-тадқиқот институтларининг бир қисмини бошқа маҳкамаларга беришни кўзлаган. Афтидан, Хрущев лисенкочиларнинг таклифидан кўп нарса кутган; бундан ташқари у лисенкочилар билан қандайдир қариндошлик алоқалари орқали ҳам боғланган эди (лекин хотини ва қизи Рада, менга айтишларича, унга бошқача, соғлом таъсир кўрсатиб келишган). Энг асосийси, у “ўзиники” ҳисоблаган соҳага бегоналар аралашганидан даргазаб бўлган эди.

Хрущев мактубимни КПСС МК Президиумининг бошқа аъзоларига негадир кўрсатмаган эди.

Мактуб МК Президиумининг бошқа аъзолари кўлига Хрущев ишдан олинган МК октябрь Пленуми арафасида теккан. Менга айтишларича, Президиум номидан маъруза қилган М. А. Сулов ўз нутқида Хрущев олимлар ўртасида ўзаро ишончга раҳна солган, деган айбни ҳам қўйган: у Сахаров мактубини МК Президиумидан яширган...

Хрущевнинг ишдан олиниши Лисенко тарафдорлари буткул мағлуб бўлганини билдирарди. Кейинги бир неча йил мобайнида мен илгари бадарга қилинган, эндиликда академик ва институт директори бўлган генетик олим Н. П. Дубининдан янги йилда мунтазам табрик хати олиб турдим...

Иккинчи қисм

БУРИЛИШ ОЛДИДАН

...1966 йилда янги бир одам билан танишувим катта аҳамият касб этди. Москвадаги хонамга Жорес Медведевнинг акаси Рой келди. Мен илгари уни билмасдим. Рой ва Жорес — эгизак, бир-бирларига жуда ўхшаш. Рой тарихчи эканлигини ва ўн-ўн беш йилдан бери Сталин ҳақида китоб ёзаётганлигини айтди (бу ишни, ўзи таъкидлашича, XX съезддан кейиноқ бошлаган эди). Ройнинг отаси 20-йиллар бошида касаба уюшмаси мухолифати аъзоси бўлиб, 1937 йилда ҳибсга олинган ва лагерда ҳалок бўлган экан. Рой, ўзининг айтишича, кўпгина кекса большевиклар билан яқин алоқада бўлган ва кўпчилик учун мутлақо номаълум маълумотларни уларнинг ҳикоялари ва эълон қилинмаган эсдаликларидан олган.

Рой Медведев ўз қўлёмасининг бир неча бобини қолдирди. Кейин у кўп марта янги бобларни келтириб, эскиларини олиб кетиб турди. Ҳар галги ташрифидан у ижтимоий йўналишдаги, жумладан, диссидентлар (ўзгача фикрлайдиганлар) таъқиб қилинаётганлиги тўғрисида кўпгина миш-мишларни айтарди. Бу янгиликлар мен учун жуда муҳим, қизиқарли бўлиб, кўп нарсаларни англатардики, мен илгари улардан буткул беҳабар эдим. Бу ҳикояларнинг ҳаммаси рост бўлмаганида ҳам, мени ёпиқ дунёдан чиқишимга катта кўмак берди.

Рой Медведевнинг Сталин ҳақидаги китоби мен учун ниҳоятда қизиқарли туюлди. Мен ҳали у пайтда Конквистнинг “Катта қирғин” номли ажойиб китобини билмасдим ва умуман Сталин давридаги қатағонларнинг кўпгина жиҳатлари тўғрисида жуда кам маълумотга эга эдим. Рой Медведев эса, унга тан бериш керак, 1966—1967 йилларда, ҳали ҳеч қерда эълон қилинмаган кўпгина маълумотларни топа билган эди. Бир мисол келтираман — Медведев китобида Хрущев ташаббуси билан ташкил этилган Кировнинг ўлимини текшириш комиссияси натижалари келтирилган. Менга бу машъум қотиллик қандай тайёрлангани, кейин барча гувоҳларнинг бартараф этилгани ҳақидаги батафсил қайдлар қаттиқ таъсир қилди. Маълумки, Сталин ўзига ашаддий рақиб деб билган Кировнинг ўлдирилиши, 30-йилларда кенг миқёсда қатли ом бошланиб кетишида катта рол ўйнагани. Ҳеч шубҳасиз, Медведев китобидаги аниқ маълумотлар, қарашларимнинг ўзгаришига кўп жиҳатдан таъсир кўрсатди. Лекин мен муаллифнинг нуқтаи назарига ўша пайтда қўшила олмадим. Гарчи Медведев 20—50-йиллардаги улкан фожиаларни фақат Сталин шахсига боғламаслик

кераклиги ҳақида гапирса ҳам, китобидаги бутун қарашлар тизими шу доирадан нарига чиқмайди. Тарихимизни ақидапарастликдан, янглиш хулосалардан ҳоли, ҳаққоний таҳлил қилиш — келажакдаги вазифадир.

Кейинги йилларда Рой Медведев билан қарашларимизда кескин фарқлар яққол кўрина бошлади. 1973 йилдан кейин бизнинг алоқаларимиз бутунлай узилди.

1966 йилда Медведев ўз асаридан ташқари, бошқа кўлёмаларни ҳам — жумладан, Евгений Гинзбургнинг жуда қизиқарли китоби “Эгри-бугри йўл” (Сталин лагерлари ҳақидаги машҳур китоблардан бири)нинг кўлёмасини олиб келди. Ўша биринчи ташрифидан олдин у жиноят кодексининг 190-1-моддаси тўғрисидаги мурожаатномага имзо қўйдириш учун Я. Б. Зельдовичнинг олдига Пётр Якир билан борибди. Зельдович: “Сиз имзо қўйдингизми?” деб сўрабди. У йўқ, деб жавоб берибди. “Аввал ўзингиз имзо чекинг, мен сиздан кейин қўяман”, депти у. Хуллас, Якирдан сўнг қўл қўйибди. Ҳозир замон ўзгаряпти, эҳтимол, бугун Зельдович ўзини бошқача тутган бўлармиди? Дарвоқе, бу воқеанинг қай даражада тўғрилиги менга номаълум.

1966 йил 3 ёки 4 декабрда почта қутисидан адреси ёзилмаган конверт топдим, унга иккита юпқа қоғозда яна бир янги мурожаат ёзилганди. Мурожаат икки қисмдан иборат эди. Улардан бирида, СССРнинг янги Конституцияси лойиҳасини тайёрлашда иштирок этган расом Кузнецов ҳибсга олиниб, руҳий касаллар шифохонасига жойлаштирилганлиги ёзилган эди. Бошқасида, 5 декабрда, Конституция кунда, Пушкин ҳайкали ёнида сиёсий маҳбусларни, жумладан, Кузнецовни ҳамма қилишга бағишланган сўзсиз намойиш бўлиши айтилган эди. Мурожаатда майдонга оқшом соат 6 дан беш-ўн дақиқа аввал келиш ва роппа-росса соат 6 да Конституцияга ҳурмат белгиси сифатида шляпани олиб, бошяланг бир дақиқа туриш тавсия этилган эди. Орадан анча вақт ўтгандан кейин мен бу мурожаат ва намойиш ғояси бошқа кўпгина жуда ноёб ва самарали қарашларнинг ҳам муаллифи бўлган Александр Есенин-Вольпиндан чиққанлигини билдим.

Боришга қарор қилдим, бу ҳақда Клавага айтдим, у эътироз билдирмади, лекин бу — тентаклик, деб огоҳлантирди. Таксида Пушкин майдонигача бордим. Ҳайкал олдида ўнларча киши тўдаланиб турарди, уларнинг ҳаммаси менга нотаниш эди. Айримлари бир-бирлари билан паст овозда гаплашишарди. Соат 6 да уларнинг тахминан ярми шартлашилгани бўйича шляпасини олди, мен ҳам олдим, келишилганидек, сукут сақлаб туришди (кейин билишимча, одамларнинг кўпчилиги КГБ ходимлари экан). Шляпалар кийилгандан кейин ҳам одамлар яна анча вақтгача тарқалишмади...

Бир неча кундан кейин Живлюк менга бу “ножўя қилигим”ни КГБ ходимлари инфракүзил нурларда сезгир кинотасмага олганлигини (анча қоронғи тушиб қолган эди) ва бу тасма олий раҳбарларга намойиш этилганлиги ҳақида сўзлаб берди.

Живлюк шу йилги янги танишларимдан бири эди. Уни менга Медведев ёки у ўша пайтда ишлаган Фанлар академияси физика институтидаги бошқа биронта одам таништирган бўлиши керак. Аниқ эслолмайман. Живлюкни ўша пайтда ҳам, ҳозир ҳам тўла тушуна олмаганман. Физика институтида менга айтишларича, 60-йилларнинг ўрталарида Живлюк тажрибахоналардан биридаги комсомол ташкилоти котиби бўлган. Шу пайтда комсомоллар орасида комсомолнинг ўз наشريга ўхшаш қандайдир ҳужжат (муаллифи, афтидан, Скурлатов бўлган) тарқалади. Ҳужжат “Комсомол шарафи кодекси” деб аталган, у фашистларнинг “Ер ва қон”и руҳида эди. Живлюк бу ҳужжат тўғрисида МКга жуда кескин хат ёзади. Юқори комсомол ташкилотлари уларнинг иккисини ҳам — Скурлатовни ҳам, Живлюкни ҳам жазолайди. Охиргиси “уйдаги гапни кўчага олиб чиққанлиги учун” жазоланган бўлса керак. Шундан кейин Живлюкни Шимолга комсомол муҳбири сифатида хизмат сафарига юборишади. У бу ҳақда менга кўпгина қизиқ нарсаларни (хўжалик ва экологик носозликлар, Сибирнинг маҳаллий овчи аҳолиси ялпи ичкиликбоз бўлиб кетганлиги — овчилар яшайдиган жойларга тайёрловчилар асосан ароқ ортилган вертолётларда учиб келишлари; овчиларнинг хотинлари, болалари ва кекса ота-оналари би-

лан ўтовда ичиб ётишлари, вертолёт эса экспортга мўлжалланган мўйнани ортгач, учиб кетиши тўғрисида) гапириб берди. Менда шундай таассурот туғилдики, эҳтимол бу нотўғридир, Живлюк КГБ (айтайлик, ундаги тараққийпарвар доиралар) билан қандайдир алоқада бўлган. Живлюкнинг миллати украин эди, унинг Украинадаги диссидентлар билан кучли алоқаси бор эди. У мени Украинадаги диссидентлик ҳаракати иштирокчиларидан бўлган Иван Светличний билан таништирди. Живлюкнинг Москва диссидентлари, хусусан, Андрей Твердохлебов билан ҳам яқинлиги бор эди. 70-йилларда Живлюк мен билан учрашмайдиган бўлиб кетди.

1967 йил бошида Живлюк бошқа янгиликлар қаторида Гинзбург, Галансков, Лашков ва Добровольскийнинг ишлари, Буковский ва Хаустовнинг январь ойидаги намойиши ҳақида гапириб берди. Бу ишлар жуда кенг ёритилгани учун уларни қайтадан ҳикоя қилиб ўтирмайман. Фақат шуни айтаманки, ёзувчилардан Синявский ва Даниэлнинг машхурроқ ишларидан кейин мамлакатимизда ижтимоий онгни, инсон ҳуқуқларини ҳикоя қилиш ҳаракати анча жонланиб кетди. 1967 йил февралда, Живлюкнинг ахборотномасида Гинзбург, Галанский, Лашков ва Добровольскийни ҳикоя қилиб, КПСС МК Бош котиби Л. И. Брежневга мактуб ёздим. У ёпиқ эди. Яъни уни эълон қилиш ва тарқатиш учун ҳеч кимга, айниқса чет эл мухбирларига бермадим. Шунга қарамадан бу мактуб таржимаи ҳолимдаги муҳим босқичдир. У бошқача фикрловчиларни ҳикоя қилиш бўйича қилган биринчи ҳаракатим эди. Синявский ва Даниэл устидан суд бўлган пайтда мен “чеккада” эдим, аслида у ҳақда ҳеч нарса билмас эдим: ҳатто Шолоховнинг съездида: “Бундайларни бизнинг давримизда отар эдилар”, деб айтган гапларига қарийб эътибор бермаганман. Мактубимдан вазирликдагиларни хабардор қилишибди. Март ойида “иккинчи” объектда шаҳар партия конференцияси бўлди. Унда менга шахсан таниш бўлмаган кўпгина кишилар қатнашди, улардан бири Славский нутқ сўзлаганлигини ва “академик Сахаровнинг хулқи” ҳақида гапириб ўтганлигини айтди. Славский шундай дебди:

“Сахаров яхши олим, у кўп иш қилди ва биз уни яхши мукофотладик. Лекин у телбароқ (яъни ақлсизроқ, бебошроқ. — А. С.) сиёсатчи, биз унга чора кўрамиз”.

Чора кўрилди, гарчи мени объект илмий раҳбари ўринбосари лавозимида сақлаб қолишган бўлсалар ҳам, бўлим бошлиғи ҳисобланмайдиган бўлдим. Натижада маошим 1000 сўмдан 550 сўмга камайди. (Бунгача ҳам бир марта камайтиришган эди). Бош бошқарма бошлиғи Цирков (магнитли кумуляция ва бошқа тажриба ишларининг собиқ қатнашчиси, вазирликда маъмурий ишга ўтиб кетган ходим) юқори доирада шундай нолибди: “Мен тушунмайман, бундай маошга қандай яшаш мумкин?” (Оддий совет мезонлари бўйича бу барибир юқори кўраш эди.)

1967 йил апрель ёки майда менга академик Владимир Кириллин кўнғироқ қилди. У СССР Вазирлар Кенгаши қошидаги Фан ва Техника қўмитаси раисининг муовини эди. У ҳузурига киришимни илтимос қилди. Белгиланган соатда унинг идорасида ўн академик ва йирик муҳандислар тўпланди, булар орасида Гинзбург, Зельдович, Илья Лифшицлар бор эди. Катта столга дастурхон ёзилганди. Кириллин АҚШда илмий-техник футурология билан кўп шуғулланишларини, бунда юзаки ва сийқаси чиққан нарсалар ҳам ёзилиши, лекин умуман олганда бу фаолиятнинг истиқболи катталиги ва режалаштириш учун жуда муҳимлиги ҳақида гапирди. У ҳар биримизга эркин шаклда яқин ўн йилликларда фан ва техника тараққиётини қандай тасаввур этишимиз ҳақида ёзиб беришни таклиф қилди. Шунингдек, агарда хоҳишимиз бўлса, бошқа умумий масалалар хусусида ҳам сўз юритишимиз мумкинлигини таъкидлади. Биз тарқалдик. Бир-икки ҳафта ичида мен ҳажми унча катта бўлмаса-да, хаёлотга катта эрк берилган мақоламни ҳафсала билан ёзиб тугалладим. Самолётда объектдан қайтаётганимизда кўлёмани Зельдовичга ўқигани бердим, у ҳам менга ўз мақоласини кўрсатди. Бизнинг мақолаларимиз “Фан истиқболи” сарлавҳаси остида тор доирада фойдаланиладиган тўплам сифатида нашр этилди. Бу мақола устида ишлаш мен учун катта руҳий аҳамиятга эга бўлди, яна фикримни

инсоният тақдирининг умумий масалаларига қаратдим. Бу мақоладаги баъзи бир фикрлар кейинчалик “Тараққиёт тўғрисидаги ўйларим”га (1968) ва “Дунё ярим асрдан сўнг” (1974) мақоламга кирди.

Шу йили ёзган бошқа бир мақолам эълон қилинмади. Бунинг ўз тарихи бор.

Генри келиб, ҳозирги дунёда зиёлиларнинг ўрни ва масъулияти тўғрисида мақола ёзишни таклиф қилди. У савол берадиган, мен эса жавоб қайтарадиган бўлдим — у шундай шаклни таклиф этганди. Рози бўлдим. Лекин ёзган нарсам кескинлиги билан Генрини кўрқитиб юборди — бу суҳбатда “Тараққиёт тўғрисида ўйларим...”даги асосий нуқтаи назарларимга яқинлашиб қолган эдим. Қўлёзмани “Сокол” метроси яқинида яшайдиган машинисткага бўлак-бўлак қилиб олиб бордим. У илмий ва илмий-оммабоп мақоаларимни бир неча йилдан бери кўчириб берарди. Мақоламнинг охириги қисмини олгани борганимда у нимадандир ҳаяжонланаётганлигини сездим. У оилавий шароити ўзгарганлигини баҳона қилди-да, бундан кейин мендан иш олмаслигини айтди. У ниманидир яшираётгани кўриниб турарди. Ўйлашимча, унга Давлат хавфсизлик қўмитаси ходимлари тазйиқ кўрсатган бўлса керак. Шундан кейин “Тараққиёт тўғрисидаги ўйларим...”ни объектда кўчирдим.

“Литературная газета” таҳририятида Генрига раҳбар ташкилотлар рухсат бермаса мақолани босолмаймиз дейишибди. Чамаси мен улар мўлжаллаган доирадан чиқиб кетган бўлсам керак. Қўлёзмани вазирлик орқали Сусловга жўнатдим (Генри шундай маслаҳат берди). Икки ёки уч ҳафта ўтгач, Сусловнинг котиби имзо чеккан хат олдим. У мақола Михаил Андреевичга жуда маъқул бўлганлигини, лекин унинг фикрича, ҳозир эълон қилиш мақсадга мувофиқ эмаслигини ёзганди. Мақолада бошқача талқин қилиниши мумкин бўлган айрим мулоҳазалар бор экан. Генрининг илтимосига кўра мен қўлёзмани унга олиб бориб бердим. Кейин уни унутиб юбордим.

Лекин мақоланинг тарихи шу билан тугамади. Бир неча йилдан кейин мен мақола “Сиёсий кундалик” тўпламида кичик ҳолда босилганлигини билдим. Ҳатто бир неча нусхаси чет элга чиқиб кетибди ҳам. Бир неча йилдан кейин Рой Медведев тўпламини мен тузган эдим, деб айтди. Лекин мақола қандай қилиб унинг қўлига тушиб қолганлиги менга ҳамон номаълум.

1967 йил июнь ёки июль ойида М. А. Леонтовичнинг илтимосига биноан менга конверт беришди, унда Лариса Богораз — Мордовадаги лагерда бўлган Юрий Даниэлнинг рафиқаси ёзган мактуб бор эди. Объектга учиб кетмоқчи бўлиб турган эдим, хатни ўзим билан олиб кетдим.

Объектга келгач, ҳукумат телефони орқали Андроповга кўнғироқ қилдим. Хат олганлигимни, унда Даниэлнинг оғир аҳволи хабар қилинганлигини, бу ишга аралашиб, чора кўришини илтимос қилдим. Андропов шу ҳақда 18 киши мурожаат қилганлигини (мен ўша пайтдаёқ бу сўзларга ишонмаганман), бу хабарларни текширишини айтди ва хатнинг асл нусхасини юборишимни илтимос қилди. Мен “Нима учун?” деб сўрадим. У: “Коллекция учун”, деб жавоб қайтарди. Мен асл нусха ҳақидаги сўзларни тушунмаганга олдим ва хатни кўчириб, Андроповга бир нусхасини жўнатдим. Бир ярим ойдан кейин менинг Москвадаги квартирамга Бош прокурор ўринбосари кўнғироқ қилди (бу одам 1973 йил августда КГБнинг бошқа топширигини бажариб, менга “огоҳлантириш” эълон қилган эди). Бу гал Маляров менга ўртоқ Андропов Даниэл ҳақидаги хабарни текширишни топширганлигини маълум қилди. У текширув ўтказибди. Ҳозир бу иш хусусида ташвишланишимга асос йўқ эмиш. Сабаби, Октябрь инқилобининг 50 йиллиги олдидан умумий афв эълон қилиниб, Даниэл ҳам, Синявский ҳам озод этилар экан.

Мен ўшанда (кейин ёлғонлиги маълум бўлган) бу хабар учун миннатдорчилик билдирдим — афвнинг сиёсий маҳбусларга дахли бўлмади. Кейин Рой Медведев, гўёки сиёсий маҳбусларни рўйхатдан чиқариш ҳақидаги қарор охириги паллада қабул қилинди, деб ишонтирди, лекин бу ахборот манбаи менга номаълум (Медведевда ҳаминша шундай бўлади) ва шу боисдан фикр тўғрилигига шубҳаланаман.

1967 йилда мен катта аҳамиятга эга бўлган ишга — Байкал муаммосига арашладим. Бунгача “Комсомольская правда” ва “Литературная газета” ҳамда бошқа

газеталарда бу мавзуда ташвишли мақолалар босилган, улар жуда ўткир ва таъсирли ёзилган эди. Буларда Байкал қирғоғида саноат иншоотлари қурилгани, ўрмонлар кесилаётганлиги, ёғоч оқизилаётганлиги, кимёвий ишлаб чиқариш чиқиндилари қўлга катта хавф солаётганлиги ҳақида сўз борарди. Байкал — дунёдаги энг катта кўллардан бири, аҳамияти дунёда кун сайин ортиб бораётган улкан чучук сув ҳавзаси, энг муҳими, табиатнинг ноёб ҳодисаси, мамлакатнинг фахри ва беази, ҳатто кенг маънода — унинг рамзи эди. Байкал учун курашдаги иштироким натижасиз тугаса-да, мен учун катта аҳамиятга эга бўлди. У мени атроф-муҳитни сақлаш муаммолари, айниқса бу иш мамлакатимизда қандай бажарилаётгани билан яқиндан танишишга ундади. Горькийдалигимда Комаровнинг китоби билан танишдим, уни қизиққан ўртоқларга тавсия этман, унда СССРдаги атроф-муҳит муаммолари, шу жумладан, Байкал муаммосининг барча асосий жиҳатларига доир улкан маълумотлар мавжуд.

1967 йилнинг дастлабки ойларидан бирида олдимга Москва энергетика институтининг талабаси, комсомол МК қошида Байкални ҳимоя қилиш Кўмитаси аъзоси бўлган ёш йигит келди. У менга Кўмита йиғилишларида иштирок этиб, муаммо билан танишишни, агар лозим деб ҳисобласам, Байкални ҳимоя қилиш ишига қўшилишни тавсия қилди. Мен бу ишга жиддий қарадим ва бир неча кундан кейин комсомол МКнинг Кўмита йиғилишлари бўладиган биносига келдим. Бу ерда мен академик Петрянов-Соколовни (Петряновнинг чанга қарши фильтри машҳур), авиаконструктор Антоновни, ёзувчи ва журналист Волковни (кўп йиллар Сталин лагерларида бўлган), РСФСР шаҳар қурилиши Бош бошқармаси аъзосини (афсуски, исм-шарифи ёдимда йўқ), биолог-лимнолог Никольскийни кўрдим. Мени Байкал, шунингдек, бошқа экологик муаммолар бўйича ҳайратомуз маълумотлар билан таништиришди. Хусусан, Петрянов саноат корхоналари ҳавони булғаетганлиги ҳақида гапирди, бу унинг соҳаси эди. Баъзи пайтларда аҳвол фалокатли даражага етган эди. Ҳаво булғанаётганлиги тўғрисидаги барча маълумотлар у пайтда, янглишмасам, ҳозир ҳам сир сақланади. Давлат қурилиши ходимлари текисликларда электр станциялари қуришни лойиҳалаштириб, экин майдонлари сув остида қолишига чидаб бўлмайдиган даражада сабаб бўлишар ва мамлакат ҳўжалигига катта иқтисодий зарар етказишар эди. Булар ҳақида асосли гаплар айтилди. Мен қоғоз саноати бўйича мутахассис бўлган профессор Рагозин билан учрашиб, ўзимча тадқиқот ўтказдим — ўша пайтда Байкал атрофида ишлаб чиқарувчи катта корхона қурилиши ҳақидаги режа долзарб муаммога айланган эди.

Қоғоз саноати вазир Орлов 50-йиллардаёқ Байкалда катта қоғоз корхонаси қуриш тўғрисида кўрсатма берган эди. Бунда асосан — авиация корди (шиналар асоси) учун алоҳида мустақкам вискоза ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Байкалнинг тиниқ тоза сувида полимерга айланиш жараёнида вискозанинг узун молекулалари ҳосил бўлади ва шунга мувофиқ иплар пишиқ чиқади, деб мўлжалланган эди. Бевосита ишлаб чиқариш жараёнида бу тахмин исботланмади. Кейинчалик авиация саноати вискоза кордидан воз кечиб, уни металл симлар билан алмаштирди. Натижада катта зарар етказиши бошиданок сезилиб турган мазкур корхонани қуриш режаси барбод бўлди. Лекин қурилиш давом этди. Амалдорларнинг бутун бир армияси илгари қабул қилинган зарарли ва маъносиз қарорни маҳкам ушлаб олиб, аслида эса обрў талашиб, корхона давлат учун, мамлакат мудофааси учун (одатдаги “узил-кесил” далил) зарурлигини ўқтиришда давом этди. Айтишларича, Орлов бўлажак қурилиш жойини ўз яқинлари билан катерда сайр қилиб юриб танлаган экан. У ҳатто соҳилга тушмасдан қайси томонда қуриш лозимлигини бармоғи билан кўрсатиб кетаверган. Қурилиш бошланган пайтда, Байкал ҳимоячилари корхона зилзила хавфи кучли жойда қурилаётганлигини аниқладилар. Москвага телеграммалар юборилди. Лекин қурилишни тўхтатишмади, уни бошқа ёрдамчи ижарачига, аниқроғи, ўрта машинасозлик вазирлигига беришди (Петрянов шундай деди: “Байкални ҳароб қилаётган энг асосий айбдорни биласизми? — Бу Сизнинг Славскийингиз”). Эски лойиҳани янги, зилзилага чидамли лойиҳа билан алмаштиришди, албатта. У 50 ёки 100 йилда такрорланиб турадиган зилзилаларга маълум даражада бардош бера оларди. Қурилиш таннархи бир неча баробарга ошиб кетди.

Ер остига чуқур кўмилган пўлат синчлардан иборат кўп қаватли корпуслар барпо этилиб, уларга алюмин ва ойнали бирикмалар пайвандланиши лозим эди. Бу қурилиш санъатининг мўъжизаси бўлишига қарамай, бошиданоқ зарарли ва маъносиз иш эди. Ўрта машинасозлик вазирлигига бу жасоратлари учун миннатдорчилик рамзи сифатида Байкалдаги сувни муҳофаза қилиш зонасида даракларни кесишга рухсат беришибди. Лекин энг асосий муаммо — оқар сувларни тозалаш эди. Тегишли институтлар оқана сувларни биологик тозалаб, Байкални четлаб ўтиб, Ангара дарёсига қуйиш режасини ишлаб чиқдилар. Тўғри, мутахассислар ва Байкал ҳимоячилари бу режанинг заиф жойларини топа олишди (кейинроқ уларнинг хавотирлари мутлақо ўринли эканлиги исботланди). Бу муаммони яхши билмайдиган, лекин Академия президенти-нинг буйруғини (Президент эса СССР Госпланининг айтганини қилишга тайёр эди) сўзсиз бажаришга тайёр бўлган академик Жаворонков раислигида Фанлар академиясининг махсус синов комиссияси тузилди.

Байкални кутқариш кўмитаси ихтиёрида Байкал ҳавзасига қуйиладиган дарёларда инсон таъсирига доир турли омиллар, жумладан, ёғоч оқизиш оқибатида кўпгина балиқлар, айниқса Байкал омули тухумининг нобуд бўлишига чек қўйиш эҳтиёжи туғилди (1960 йилда омул балиғи авария натижасида ифлос чиқиндиларнинг сувга оқиши, ўрмон кесиш, ўт кетиши ва бошқалар натижасида нобуд бўлаётгани тўғрисида кўп маълумотлар бор эди). Кўлни тоза ҳолда сақлаб қолиш учун Байкал ҳудудини кўмитанинг фикрига кўра, фойдаланиш учун ёпиқ зона деб эълон қилиш, шу пайтгача қурилган корхоналарни эса бошқа жойларга кўчириш лозим эди. Умуман, бу лойиҳа у қадар қимматга тушмас эди. Кўмитанинг биз ва ВЛКСМ МКнинг бир котиби имзо чеккан ҳужжатлари, “Литературная газета” ва “Комсомольская правда” газеталари таҳририятларига фуқаролардан келган хатлар (умумий миқдори 7000та) илова қилинган ҳолда КПСС МКга юборилди.

Мен шахсан Л. И. Брежневга ҳам кўнғироқ қилишга қарор қилдим (бу у билан охири гаплашишим бўлди). Брежнев, гапининг оҳангига қараганда, мен билан жуда ҳурмат ва эҳтиром билан гаплашди, ниҳоятда чарчаганлигидан шикоят қилди, Байкал муаммоси билан Косигин шуғулланаётганлигини, унга мурожаат қилиш лозимлигини айтди. Афсуски, мен бу ишни ўз вақтида, дарҳол бажара олмадим. Косигинга ишим тушмаган эди, уни шахсан билмасдим, тайёргарликсиз қилинган кўнғироқдан фойда йўқ, деб ўйладим. Шубҳасиз, бу хато эди. Косигин билан Брежнев ўртасидаги муносабатларни ҳам билмасдим. Брежнев ўзи учун кўнгилсиз бўлган ишни бошқага юклаб, нега ўзини чеккага олаётганлигини тушунмадим. Мен давлат тепасида турган одамга кўнғироқ қилиб, зарур гапни айтдим, улар (Брежнев ва Косигинни бир-биридан ажратмас эдим) чора кўришди, деб ўйладим.

Бир оз вақт ўтгач, Вазирлар Кенгашида бу хусусда йиғилиш бўлиб, узил-кесил қарор қабул қилинганлигини билдим. Академия номидан М. В. Келдиш (президент) ва адашмасам, Жаворонков (Фанлар академиясининг Байкал бўйича комиссияси раиси, ноорганик кимё бўйича мутахассис) иштирок этибди. Кенгашда Косигин Келдишдан сўрабди:

— Академиянинг фикри қандай? Агар ҳимояси ишончли бўлмаса, биз қурилишни тўхтатамиз.

Келдиш жавоб бериб, Жаворонков комиссияси Байкални ҳимоя қилиш тизими тўла ишончли эканлиги ҳақида чиқарган қарорни баён қилибди. Катта ишларда ҳамини ниманингдир баҳридан ўтиш, камроқ зарар кўриладиган йўлдан бориш лозимлиги ва ҳоказоларни гапирибди. Афтидан, Байкал бўйича экологик хавфни Комитет аззолари тўла тасаввур қилмаган бўлса керак. Лекин шунга аминманки, Келдишнинг масалага ёндашуви, фикрлаш тарзи, у ёки бу томоннинг далилларини қабул қилишда тугган йўли шу билан изоҳланадики, Фанлар академияси ҳам маъмурий маънода МК бўлимлари, Госплан, вазирликлар ва бошқалар қаторида улкан бюрократик машинанинг бир қисми ҳисобланади. Фанга маблағ ажратиш, таъминот ва бошқалар шу машина ихтиёрига боғлиқ. Шу боисдан Келдиш учун, СССР Фанлар академияси Президиуми учун бу машинага қарши боргандан кўра “романтик бузғунчилар”нинг далилларини

кавлаштириб ўтирмасдан, уларни сафсатабоз, ваҳимачи ва умуман аҳмоққа чиқариб қўя қолиш осонроқ эди.

Икки йилдан кейин комсомол экспедицияси Байкалда авария натижасида кўлга тушган заҳарли сувлар таъсирида кўплаб ўлган балиқлар ва бошқа жониворларни суратга олди. Йўриқнома бўйича бундай бўлиши мумкин эмасди. Шу боисдан заҳарли оқавалар журналда қайд қилинмади. Ҳар галгидек, қоғозда ҳамиша ишлар жойида эди.

АФҒОНИСТОН, ГОРЬКИЙ

1979 йили декабрда СССР Афғонистонга ўз аскарларини киритди. ДХҚнинг махсус бўлими давлат раҳбари Х. Амин ва ушбу воқеа гувоҳларини отиб ташлади. Бабрак Кармал Тошкент радиоси орқали янги ҳукумат тузилганини эълон қилди. Совет қўшини партизанлар билан жангга киришди, аслида бу афғон халқига қарши уруш эди. Босқиннинг мақсади нима ва унинг оқибатлари қандай эди? Кўпгина совет баёнотларида, совет қўшинлари Афғонистонга унинг қонуний ҳукумати илтимосига кўра, апрель инқилобини Покистон босқинчиларидан ҳимоя қилишда унга ёрдам бериш ниятида кирган, дейилади. Бу изоҳ нотўғри.

Давлат бошлиғи Амин совет қўшинларини талаб қилиши мумкин эмасди. Аслида Амин Афғонистоннинг миллий мустақиллигига интилган ва унинг худди мана шу ҳаракатини совет раҳбарияти маъқулламаган эди. У ички сиёсатда ҳақиқатан ҳам катта қаршиликка дуч келган, аммо, чамаси, уни миллий кучлар ёрдамида ҳал этишга умид қилганди. Аминнинг ўлдирилган Тараки сиёсатига қарши қуролли қаршилиги 1979 йил декабригача ички, қабилавий кўринишда эди. Совет босқинидан кейин у умуммиллий ҳодисага айланди ва бу мамлакат ташқаридан, бошида ҳам, ҳозир ҳам баъзи ёрдамлар ола бошлади. Совет босқини Афғонистон халқининг асосий қисми учун улкан мусибатларга тўла катта фожиа бўлиб қолди.

Бу тажовуз ўз моҳиятига кўра совет босқинчилик сиёсатининг таркибий қисмини ташкил этади. Чамаси, ДХҚ иштирокида Довуд ҳукумати қонга ботирилгандан кейин Афғонистон кўпроқ итоаткор бўлиш ўрнига, бошқача йўл тута бошлаганидан совет раҳбарияти норози эди. Шу билан бирга, менинг фикримча, Афғонистондаги вазият босқин учун бир баҳона бўлган, холос. Афғонистон, чамаси, улкан ҳудудларни ўз ичига олган қўшни давлатларда совет ҳукмронлигини ўрнатиш учун хизмат қиладиган қулай майдон ҳисобланган. Босқиндан икки ойча олдинроқ инқилобчи талабалар Техрондаги Америка элчихонасига бостириб кирадилар ва элчихона ходимларини гаровга олади. Ушбу воқеа Америка-Эрон муносабатларини ўта кескинлаштириб юборди. Буларнинг ҳаммаси СССРнинг Эронга “тинч” ёки ҳарбий куч билан кириб бориши учун йўл очиши мумкин эди, ҳатто, элчихона ходимларини гаровга олишда ДХҚ гумашталарининг иштироки бор, деган фикр ҳам туғилади. Чет эл матбуотида эълон қилинган баъзи маълумотлар бу фикр тўғрилигини тасдиқлаши мумкин. Чамаси, совет раҳбарлари Афғонистонга қўшин киритаётганда тез галаба қозонишга умид қилганлар. Аммо бутунлай акси бўлди. Ўтмишда Англия ва чор Россиясига тиз чўкмаган Афғонистон бу сафар ҳам бўйин эгмади. Совет қўшинлари умумхалқ қаршилигига дуч келдилар. Кармал режимига қарашли қўшин пароканда бўлиб, унда оммавий тарзда қочиш ва партизанлар томонига ўтиш авж олди. Уруш борган сари ёвуз хусусият касб эта борди.

Биз даҳшат ва уят ҳисси билан партизанларга таянч бўлган қишлоқлар вертолётдан ўққа тутилгани ва бомбардимон қилинганини, улар устига ёндирувчи бомбалар ташланганини, партизанларга қарашли ҳудудларни очлик ва ўлимга маҳкум этиш учун экинзорлар ялпи пайҳон қилинганини, тоғ йўллари миналаштирилганини, тузоқ миналар ва ҳатто заҳарловчи моддалар ишлатилганини ғарб радиолари орқали эшитдик. Уруш даҳшатларидан безиб кетган 4 миллиондан зиёд афғонлар Покистон ва Эронга қочдилар.

Урушнинг биринчи ойларида Давлат хавфсизлиги ходимлари Кобул кўчаларида, радионинг хабар беришича, ўқувчи қизлар намоёнишини ўққа тутганлар. Бундай вахшийлик кишиларга қаттиқ таъсир кўрсатади ва у ҳеч қачон унутилмайди. Ҳатто асирга олинган партизан ва ярадорлар тириклай ёндирилгани, партизанларга кўмаклашган деҳқон оилалари отиб ташлангани хабар қилинди. Албатта, партизанлар ҳам кўп вахшийликлар қилишган. Вакиллардан бирининг баён қилишича, партизанлар асирларни сақлаш ва боқиш имконияти бўлмаганидан, одатда, уларни отиб ташлаган. Кармал режими билан ҳамкорлик қилган афгонлар ва асир олинган совет аскарлари жуда шафқатсиз жазолангани ҳақида кўп хабарлар бор.

Асирларни алмаштириш таклифини Совет-Кармал томони ҳар доим рад этади. Ҳатто шундай ҳам бўлганки, қамалда қолган совет аскарлари асирга тушмасин деб совет вертолётлари томонидан ҳаводан туриб, ўққа тутилган.

Чет эл радиосининг хабар қилишича, урушнинг уч йили ичида 15 мингдан зиёд совет офицерлари ва аскарлари ҳалок бўлган. Ярадор бўлиб бедарак кетганлар ва афгон ҳукумати кўшинларининг талафоти — бу ҳисобга кирмайди.

Афгон воқеалари халқаро муносабатларга жуда жиддий таъсир кўрсатди. Афғонистонга тажовуз туфайли, “бетараф давлат” мавқеига путур етди ва “қўшилмаслик” ҳаракати зарбага учради. Барча мусулмон давлатларида жиддий норозилик уйғонди. Хитой СССРнинг хатти-ҳаракатларидан хавфсираб қолди. СССР ва ХХР ўртасидаги муносабатлар яхшиланиш ўрнига яна бир муҳим тўсиққа дуч келди. Ушбу воқеалар сабабли, дунёдаги кучлар тақсимоти бутунлай ўзгардики, бунинг оқибатлари ҳатто бутун жаҳон учун фожиали бўлиши мумкин. Фарб мамлакатлари, айниқса АҚШ ва Япония, бу тажовузни совет босқинчилик сиёсатининг аянчли кўриниши деб билдилар.

Бу билан бир вақтда содир бўлган бошқа воқеалар Совет Иттифоқининг халқаро обрўсига, унинг сиёсатига, тинчлик ва халқаро хавфсизликка интилиш ҳақидаги баландпарвоз сўзларига бўлган ишончга қаттиқ путур етказди. Фарб ва ХХРнинг яқинлашуви, Фарбнинг қуролланиш дастурининг қайта кўриб чиқилиши, бутун халқаро сиёсатдаги ўзгаришлар, АҚШ Конгрессининг стратегик қуролларни қисқартириш, (ОСВ)-2ни тасдиқлашдан воз кечиши юз берган психологик ўзгаришларнинг бевосита натижаси эди. БМТнинг Бош Ассамблеяси кўпчилик овоз (104 овоз!) билан босқинчи халқаро ҳуқуқни поймол қилиш деб қоралади. Фақат Хавфсизлик Кенгазининг таъқиқи СССРни жаримадан (санкциядан) қутқариб қолди. Ишончим комил, совет кўшинларининг Афғонистонга бостириб кириши совет раҳбарияти йўл қўйган энг йирик хатолардан бири эди. Босқин ҳақидаги қарор ким томонидан ва қачон қабул қилинганини, бунга ким шахсан жавобгарлигини биз ҳатто билмаймиз ҳам.

Ёпиқ тоталитар жамиятнинг бутун дунё учун хавфли экани яққол намоён бўлди. Жамиятимиздаги ушбу иллат туфайли илгари Венгрия ва Чехословакияга бостириб кирилган. Фожиали оқибатларга олиб келган 1939 йилги Совет-Герман шартномаси ва кейинги Сталин-Гитлер иттифоқини мен ҳали айтганим йўқ.

Фарбда тез-тез, совет халқи, бефойда афгон урушида аскарларимизнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан ўлаётганига, ҳукуматнинг бу жиноий ҳаракатига қандай муносабатда бўлган, деб сўрашади. Бу саволга жавоб бериш осон эмас: бизда хур матбуот ҳам, исми-шарифи номаълум тарзда ўтказиладиган аҳоли сўрови ҳам йўқ. Умуман, бизда энг муҳим муаммолар бўйича кенг аҳолининг фикри сўралмайди, яширин тарзда аниқланганини эса ҳукуматдан қўрққанлари учун, эълон қилишмайди. Кўриниб турган нарсалар ҳақида гапирсак, кишилардаги фаолиятсизлик, бефарқлик, беҳабарлик, нималар бўлаётганини билишга қизиқмаслик, ҳатто ўғилларимиз қаерлардадир жазоловчилар, зўравонлар, қотиллар ролини ўтаётганига, айна бир вақтда даҳшатли, ёвуз ва бераҳм уруш қурбонларига айланиб қолганига лоқайд муносабат ҳайратга солади...

1980 йил хаёлни доим тортиб турадиган уруш ташвишлари билан бошланди. Айна вақтда, ДХК, билмайман, ё уруш туфайли ёки Олимпиада ўтказилиши муносабати билан, қандайдир кенг ваколатлар олди. Ушбу ваколатлар менинг бадарға қилинишим ва бир қатор янги ҳибсга олишларда кўринади. Мен жазо

идоралари мавқеининг бундай кўтарилишида катта хавф мавжуд деб биламан, чунки биз 1937 йил такрорланиши мумкин бўлган мамлакатда яшаймиз-да!..

Менинг шахсий ва оилавий тақдиримга бевосита алоқадор воқеалар эса қуйидагича ривожланди.

3 январь куни эрталаб ташқарига чиқишим зарур эди, Люся билан меҳмонга бормоқчи эдик. “Ди вельт” олмон газетаси муҳбири Дитрих Мумендейлнинг хотини Зора телефон қилиб қолди. У эрининг саволини етказди: Совет қўшинларининг Афғонистонга бостириб киргани учун Москва Олимпиадасини байкот қилиш ҳақида қандай фикрдасиз? Мен жавоб бердим:

— Олимпиаданинг кўхна анъаналарига кўра, ўйинлар даврида урушлар тўхтатилган. Мен СССР ўз қўшинларини Афғонистондан олиб чиқиши шарт; бу бутун дунё, бутун инсоният учун муҳим. Акс ҳолда Олимпиада қўмитаси уруш олиб бораётган мамлакатда Олимпиада ўтказишдан воз кечиши керак.

Эртасига Зора телефон орқали Дитрих ёзган мақола матнини ўқиб берди. Матн бўйича менда қандайдир эътирозлар туғилди. Мен мақолани бир оз тўхтатишни сўрадим. Зора, бу мумкин эмас, деб жавоб қайтарди. Агар эсимдан чиқмаган бўлса, 4 январь куни “Нью Йорк таймс” газетасининг муҳбири Тони Остин кўнғироқ қилди. У интервью олиш учун келишга ижозат сўради. Мен рози бўлдим. Тони Афғонистондан келаётган бир қатор кейинги хабарларни айтди ва юзага келган вазиятни қандай баҳолашим ҳамда уни тузатиш йўллари ҳақида саволлар берди. Бир неча соатдан кейин у мақоланинг тайёр матни билан келди. Люся уни чой билан меҳмон қилгунча, мен ўз жавобларимни кўриб чиқдим, муҳбир изоҳларини тахрир қилдим. Мавзу ўта аҳамиятли эканлиги боис, тахрир ҳам жуда жиддий бўлди. Шундай имконият туғдиргани учун Остиндан миннатдорман. Одатда муҳбирлар шошмашошарлик қилишади, оқибатда мен сочимни юлиб қолавераман. “Ди вельт”даги мақола хусусида чет эл радиосида эшиттиришлар бўлганлигидан беҳабарман, аммо Остиннинг мақоласи “Америка овози” радиоси орқали кўп марта такрорланди ва чамаси, у етарлича таассурот уйғотди.

7 январда Руфа Григорьевна неvara ва эвараларини кўриш учун АҚШга боришга рухсат олди. Бунинг айнан шу пайтда бўлгани тасодиф эмас; у ДХҚнинг қандайдир режаларига ҳалақит бераётганди чамаси.

8 январь куни мени ҳукумат мукофотларидан муҳрум этиш ҳақида Фармон чиқарилди. Уни биз 22 январда билдик.

14 январда менга Америка Эй-би-си телекомпаниясининг муҳбири Ч. (Чарльз?) Е. Бирбауэр телеинтервью олиш учун мурожаат қилди ва саволларни етказди. 17 январда телеинтервью бўлди. Одатдагидек, телекомпаниянинг оғир асбоб-ускуналари билан, бир неча операторлари келди, сим тортишди ва менга ўткир чироқларини йўналтиришди. Олинган тасвир шу заҳоти аэродромга етказилиши зарур эди. ДХҚ томонидан бирор нохушлик етказилишидан хавфсираб, елкамга пальтомни ташлаб, уйимиз рўпарасидаги майдончада турган машинага уларни кузатиб чиқдим. Телевидение ходимлари машинасига ДХҚнинг икки машинаси тақалиб турарди.

— Булар ўзимизники, — дедим.

— Ҳа, булар ўзимизники, — деди ходимлардан бири, гердайган баланд овоз билан. Бирон кўнгилсиз воқеа рўй бермади; америкаликлар ҳеч қандай қаршиликсиз жўнаб кетишди.

21 январда кечқурун бизникига Афғонистон бўйича Хельсинки гуруҳининг баённомасини муҳокама қилиш учун Георгий Николаевич Владимов хотини Наташа билан келди. Владимов афғон воқеалари хусусида Москвада юрган ҳар хил овозларни, жумладан, Аминнинг ўлдирилиши тафсилотларини ва Ички ишлар вазирлигидаги юқори зобитлардан бири ўзига суиқасд қилганини гапириб берди. Кечқурун соат 10—11 ларда Владимов хотини билан кетди. Кечаси соат бирда телефон жиринглади. Жуда ҳаяжонланган Владимов кўнғироқ қилаётган эди. Унинг яқин дўстларидан бири сиёсий ахборотчиларнинг қандайдир кенгашида бўлибди. Унда маърузачи Сахаровни Москвадан сургун қилиш ва барча мукофотлардан маҳрум этиш ҳақида қарор қабул қилинганини айтибди. Люся бу ҳақда мени хабардор қилганида бепарво қаршиладим:

— Бир ой олдин бундай хабарга жиддий қараган бўлардим, энди эса, биз Афғон воқеаларига аралашганимиздан кейин, ҳар нарса бўлиши мумкин.

Шу куни ва эртаси тушгача Люся билан бу мавзуда бошқа гаплашмадик. Ҳатто Владимовнинг хабарини ҳам эсламадик. Кейин Георгий Николаевич Люсяга ўша машғум кун — 22 январда эрталаб қаергадир кетганимда, ҳаммаси бошқача бўлиши мумкин эди, деди. Мен бундай деб ўйламайман...

1980 йил 22 январда Фанлар Академиясининг Физика институтида семинар бўлиши керак эди. Мен, ҳар қачонгидек, Академия гаражидан машина чақирдим ва соат бир яримда уйдан чиқдим. Семинаргача озик-овқатлар олиш учун Академиянинг буюртмалар столига кирмоқчи бўлдим. Кўлимда қаймоқ солинадиган шиша идиш ҳам бор эди. Аммо биз Краснохолм кўпригигача бордик, холос. Бизни кўприкда ДАН машинаси қувиб ўтди. Инспектор олдимизга чиқиб тўхташга ишора қилди. Ҳайдовчи ҳеч қандай қондани бузмагани учун норози бўлиб тўнгиллади ва инспектор олдига борди. У кўлини чеккасига қўйди ва йўл ҳужжатларини текшира бошлади. Мен олдинги ўриндикда эдим, нима бўлаётганини кузатиб ўтирардим. Ногаҳон эшиклар очилганини эшитиб, орқага ўгирилдим. Машинага икки томондан икки киши чиқди; қизил гувоҳнома-ларини кўрсатиб (улар шубҳасиз ДХҚ ходимлари эди) буюришди:

— ДАН машинаси кетидан Пушкин кўчаси, 15, СССР Прокуратурасига қараб юринг.

Ҳайдовчи индамай йўлга тушди. Биз секин борардик. Кўприкда бошқа бирорта ҳам машина йўқлигини пайқадим. Чамаси, ҳаракатни икки томондан тўхтатиб қўйишганди. Биз тор кўчага бурилдик. Телефон-автомат ёнидан ўтаётганда Люсяга кўнғироқ қилиш учун ҳайдовчидан машинани тўхтатишни илтимос қилдим. ДХҚ ходимларидан бири тезлик билан эшик тутқичига қўл чўзди, бошқаси эса ҳайдовчига:

— Тўхталмасин, кетдик, — деб буюрди ва менга ўгирилиб деди:

— Прокуратурадан кўнғироқ қиласиз.

Машина Прокуратура ҳовлисига кирди. Мен ҳайдовчидан уйимга бориб сумкани бериб қўйишни, буюртмалар столига кеч қолганимизни айтиб қўйишни сўрадим. Машинадан чиқдим. Шу заҳотиёқ мени ДХҚ ходимлари зич ўраб олишди ва 1973 йилда Маляров ва 1977 йилда Гусев билан “суҳбатлашган” жойим — тўртинчи қаватга лифтда олиб чиқишди. Бу сафар мени “СССР Бош Прокурорининг ўринбосари А. М. Рекунков” деб ёзилган эшикка рўпара қилишди:

— Бу ёққа ўтинг.

Икки қаватли эшик орқали катта хонага кирдим. Эшик қаршисидаги столга ўтирган киши менга ўтиришни таклиф этди. У Рекунков эди. Унинг юзини эслаб қолмадим. Чап томондаги столда яна бир неча киши ўтирарди: бутун суҳбат давомида улар сукут сақлашди. Мен сўрадим:

— Нима учун сиз чақирув қоғози юбормасдан бундай ғайритабиий усул қўлладингиз? Мен Прокуратура кўрсатмаларини доим бажарганман.

Рекунков:

— Вазият фавқуллодда ва ўта шошилишч бўлганлиги учун шундай кўрсатма бердим. Менга СССР Олий Советининг Фармонини сизга етказиш вазифаси топширилган.

Кейинчалик СССР Олий Совети Ахборотномаларида эълон қилинган матннинг айнан ўзини — мени ҳукумат мукофотларидан маҳрум қилиш ҳақидаги Фармонни ўқиб берди.

Мана унинг матни:

СССР Олий Совети Президиумининг 100-сонли Фармони

А. Д. Сахаровни ҳукумат мукофотларидан маҳрум қилиш тўғрисида

А. Д. Сахаров юсак мукофот обрўсини тўқувчи хатти-ҳаракатларни мунтазам амалга ошираётгани туфайли совет жамоатчилигининг кўп сонли таклифларини инobatга олиб, СССР Олий Совети Президиуми “СССРнинг орден, медаль ва фахрий унвонлар ҳақидаги умумий қоидалар”нинг 40-моддасига мувофиқ қарор қилади:

Андрей Дмитриевич Сахаров Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони ва барча СССР давлат нишонларидан маҳрум этилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси
СССР Олий Совети Президиумининг котиби

Л. БРЕЖНЕВ
М. ГЕОРГАДЗЕ
Москва, Кремль, 8 январь 1980 йил.

Рекунков тўхтамасдан давом эттирди: “А. Д. Сахаровни Москвадан бошқа, чет эл фуқаролари кириши тақиқланган жойлардан бирига сургун қилиш ҳақида қарор қабул қилинди”.

Шу жойда у бошини кўтариб деди:

— Бундай жой сифатида чет элликлар учун берк бўлган Горький шаҳри танланди. Марҳамат, Фармон билан танишганингиз ҳақида имзо чекинг.

У менга машинкада Фармон босилган бир варақ қоғозни узатди. Брежнев ва Георгадзе имзолари ҳам машинкада босилган, ҳеч қандай сана йўқ эди. Рекунков давом этди:

— Орден ва медаллар ҳақидаги Низомга мувофиқ ҳукумат мукофотларидан маҳрум этилганлар, уларни СССР Олий Совети Президиумига қайтаришлари шарт.

Олдимда ётган қоғозда ҳам шундай ёзилганди. Бу қоғоз мени бир қадар чалғитиб кўйди, мен: “Кўрсатган хизматларимга мувофиқ берилган орден ва медалларни қайтариб топширишдан бош тортаман”, деб ёзиб бердим. (Ҳозир сўзма-сўз айнан эслай олмайман).

Мен, нима учун Фармонда сана, Брежнев ва Георгадзенинг шахсий имзолари йўқ, деб сўрадим. Рекунков техник сабаблар ҳақида нималардир деб гапирди ва кўшимча қилди:

— Бу ерда СССР Олий Совети Президиумининг вакиллари (ким ва қайси лавозимда эканлигини айтмади) қатнашмоқда, улар ҳаммаси тўғрилигини тасдиқлаши мумкин.

Чап томонда ўтирганлардан бири индамай ўрнидан турди ва менга қараб ярим таъзим қилди. Рекунков Горький шаҳрини тилга олганда мен қайта сўрадим:

— Ҳақиқатан ҳам Горький чет элликлар учун ёпиқ шаҳарми? Бу муҳим.

— Ҳа, шундай, албатта.

Аслида бунинг менга дахли йўқ эди, бу ҳақда сўрашим ҳам шарт эмасди. Кўпгина муҳим нарсаларни эса сўраёлмай қолдим. Қайси юқори идора, шахсан ким ва қандай расмий асосга мувофиқ мени сургун қилиш ҳақида қарор қабул қилинганини ҳам сўрамадим. Мен бу саволларни бермадим, чунки рўй бераётган воқеаларнинг ҳаммаси бутунлай қонунга хилоф эканини билар эдим. Мен учун қарорни ким қабул қилгани — ДХҚнинг йўл-йўриғи билан Олий Совет Президиуми ёки Президиумнинг лоқайдлигидан фойдаланган ДХҚми, — барибир эди... Рекунков, орденларни қайтармаслик ҳақидаги фикрларимга эътироз билдириб ўтирмади:

— Энди баъзи бир амалий масалаларни ҳал этишга тўғри келади. Сиз Горькийга зудлик билан жўнайсиз. Хотинингиз сизни кузатиб бориши мумкин.

Мен сўрадим:

— Уйга боришим мумкинми?

— Йўқ, аммо хотинингизга телефон қилишингиз мумкин.

— Биз қаерда учрашамиз?

— Буни айтолмайман, аммо хотинингизни олиб келишади. Нарсаларини йиғиштириши учун унга қанча вақт зарур?

— Билмайман, икки соатлар етар.

— Яхши, майли, икки соат. Сиз унга қўнғироқ қилгач, икки соатдан кейин унинг олдига боришади.

Ушбу суҳбат чоғида Горькийдаги тартиблар (ҳар ҳолда бу ҳақда Рекунков менга айтганида яхши бўларди) қандай бўлишини, Люсяга нималар тақиқланишини ҳам сўрадим. Мен кўп нарсаларни аниқлаштириб олишга интилмадим, чунки аста-секин мавжуд вазият кучга киришини ўйлаб воқеаларни тез-

лаштиришга шошилмадим. Ўзимга ортиқча ташвиш орттиришим мумкин эди. Балки бу ўринда тўғри қилгандирман.

Мен жуда кўп телефонлар қўйилган қабулхонага чиқдим. Деворлар бўйлаб ДХҚ ходимлари тўдалашиб туришарди. Уйга телефон қилдим ва Люсянинг одатдаги овозини эшитдим. (Ҳайдовчи ҳали уйга етиб бормаган эди).

— Прокуратурадан кўнғироқ қилаяпман. Мени кўчада ушлашди.

— Нима-ааа?!

— ДАН машинамизни тўхтатди, ёнимизга ДХҚ ходимлари киришди ва Прокуратурага ҳайдашни буюришди. Бу ерда Бош прокурор ўринбосари Рекунков мени ҳукумат мукофотларидан маҳрум қилинганим ва чет элликлар учун берк бўлган Горький шаҳрига сургун қилинганимни эълон қилди.

— Сен уйга келасанми?

— Йўқ, тўғри шу ердан жўнашим керак. Сен ҳам мен билан боришинг мумкин. (“Боришинг мумкин” деган сўз билан мен Люсяни бориш ёки бормаслиги ўз ихтиёрида эканлигини таъкидламоқчи эдим, чамамда, у сўзимни тушунмади ёки охиригача англамади ва шу боис бошқаларга ҳам етказмади).

— Мен сени қаерда кўришим мумкин?

— Икки соатдан кейин олдинга боришади.

Телефонда Люся менинг айтганларимни Руфа Григорьевна ва Лизага сўзма-сўз такрорлаганини эшитдим. Икки соатдан кейин олдинга боришади, деган охириги сўзларим деярли икки соатдан кейин сени ҳибсга олишга боришади, дегандек эшитилди. Мен телефонни қўйиб, ўзимча тўнғилладим:

— Мана шунақа-да...

Яна Рекунков олдига таклиф қилишди. У сўради:

— Гаплашдингизми?

— Ҳа.

— Менга бошқа саволларингиз йўқми?

— Йўқ.

(Мен ўзимнинг “ҳуқуқий” саволларимни беришим зарур эди, аммо ундай қилмадим).

— Хайр.

— Хайр.

Орқамга ўгирилиб, хонадан чиқдим. Эшик ёнида тўхтадим. Мени ҳар томондан ДХҚ ходимлари ўраб олдилар; иккитаси “рамзий” тарзда тирсагимдан ушлаб қўйди ва шу ондаёқ орқага чекинишди. Биз пастга митти автобус томонга кетдик. Ходимлардан бири менинг озиқ-овқат халтамни кўтариб борди. Чамаси, улар халтани, мен бинога кирган заҳотиёқ ҳайдовчидан тортиб олишган эди. Биз ойналарига парда тутилган митти автобусга ўтирдик. Мен охириги ўриндиққа жойлашдим: ўнг ва чап томонимга ходимлар ўтиришди. Йўлга чиқдик. Олдимизда чинқириб ва кўк чироғини ўйнатиб ДАН машинаси борар, орқамиздан эса қандайдир энгил машина эргашиб келарди. Рўпарамга ўзини врач деб атаган ва “мен унга шундай қарашим шарт бўлган” киши жойлашди. У ҳар замонда мендан, совуқ эмасми, юрак дориси ёки бош оғриғи дориси керак эмасми, деб сўраб қўярди. Мен ҳаммасига йўқ жавобини бердим. Фахрий кузатувчилар билан, гўёки мени кимдир олиб қочаётгандек, биз Домодедово аэропортига етиб келдик. Мени қандайдир, чамамда, милиция хизмат хонасига олиб киришди. Икки-икки ярим соат кутишдан кейин ходимлардан бири:

— Хотинингиз етиб келяпти, ҳозир кетамиз, — деди.

Люся билан, унинг айтиб беришича, қуйидагича муомалада бўлишган. Уйга кўнғироқ қилиб бўлишим биланок телефонни узиб қўйишган. У ҳозиргача уланган эмас. Люся нарсаларни шошиб йиғиштира бошлайди ва дарров Лизани дўстларга ва чет эл мухбирларига кўнғироқ қилиш учун телефон-автоматга жўнатади. Уйимиз атрофидаги телефонлар узиб қўйилганди, аммо Лиза ҳали ўчирилмаганига чопиб бориб, чет эллик мухбирлардан бирига ва Настя Подпольскаяга (Гриша ва Машанинг қизи) кўнғироқ қилишга улгурган. Шу ондаёқ телефон-автомат ўчиб қолган, бир неча дақиқадан сўнг Подпольскийларнинг телефони ҳам узиб қўйилган. Аммо Настя яна бир жойга, чет эл мухбирларига маълумот бериши мумкин бўлган Ира Каплунга хабар қилишга улгурган (мен

Ира ва унинг оғир тақдири ҳақида олдинроқ ёзганман. Ярим йилдан кейин у фожиали тарзда ҳалок бўлди).

Лиза қайтиб келганида уй милиция ва ДХҚ ходимлари билан зич ўраб олинганди. Хонамиз эшиги олдида икки милиционер турарди. Мабодо Лиза озгина ушланганида, уни ташқарига чиқаришмаган бўлишарди. Тез орада бизнинг дўстларимиз ва чет эл мухбирлари кела бошлашади. Аммо улардан бирортаси ҳам ўралган ҳалқадан ўтиб ичкарига киролмаган. Милициядан, тўғрироғи, ДХҚ ходимларидан, кимдир мени Шереметьевога (ҳалқаро аэродромга) олиб кетишган бўлишса керак, деган гапни айтган. Шу тариқа сургун қилинишим, мени Венада кутишаётгани ҳақида хабарлар пайдо бўлди. Ушбу соатларда бутун телетайп ва радиостанциялар, телекўрсатувлар ва газеталарнинг экспресс-сонларида менинг ҳибсга олинганим, мукофотлардан маҳрум этилганим ва Горькийга бадарға қилинганим, мен билан бирга хотинимни ҳам олиб кетишгани ҳақида хабарлар тарқалиб, бугун дунёни жунбушга келтирмоқда эди.

Икки соатдан кейин уйга кўнғироқ қилишибди. Майдончада бир неча офицерлар туришарди. Улар сўрашибди.

— Сиз тайёрмисиз?

Люся жавоб берибди:

— Ҳа, ўтинг.

Улар рад қилишибди.

— Мени Руфа Григорьевна ва Лиза кузатиб қўйиши мумкинми?

— Ҳа, албатта.

Люся, Руфа Григорьевна ва Лизани орқа эшикдан олиб чиқиб ҳовлида турган деразалари пардали митти автобусга (балки мени олиб келган ўша автобусдир) ўтказишган. Унда “фахрий кузатувчилар” ҳам бор эди. Люся, Руфа Григорьевна ва Лиза билан ўтираман деб айтган ва пардани кўтариб Домодевога олиб кетишаётганини кўрган. Бу вақтда улар кимсасиз қолган хонадонимизда яширин тинтув ўтказишлари ва нима лозим топилса олиб кетишлари мумкинлигини ўйлашмаган ҳам. Ўша куни бошқа нарсалар қатори нашрга берилган рус ва инглиз тилларидаги илмий мақолаларим қўлёзмалари ва яна кўпгина бошқа нарсалар йўқолиб қолди. Шу куни менга берилган Нобель мукофоти дипломи ҳам ўғирланган эди.

Кечқурун соат олтига яқин мени милиция хонасидан аэродром майдонидаги митти автобусга олиб боришди. Унда хотиним, Руфа Григорьевна ва Лизани кўрдим. Биз ўлишиб кўришдик. Беш дақиқадан кейин зобит буйруқ берди:

— Қани бўлди, самолёт тайёр.

Люся иккимиз Руфа Григорьевна ҳамда Лиза билан хайрлашдик. Қўлимиздаги Люся икки соатда шоша-пиша йиғиштирган нарсалар солинган сумка билан самолёт зинапоясига бордик. У ёнимизда тайёр турарди.

Бир неча дақиқадан кейин ТУ-154 самолёти Горькийга йўл олди. Руфа Григорьевна билан Лиза ўша митти автобусда уйга қайтдилар. Уларни дўстларимиз ва чет эллик мухбирлар кутишарди. Улар етказган хабар эса бир соатдан кейин бутун дунёга маълум бўлди.

Самолётда биз ва ўша ДХҚ ходимлари (улар ичида, бизга айтишганидек, эркак ва аёл врачлар ҳам бор эди) учиди. Кейин билишимча, биз билан бир вақтда бошқа самолётда Горькийга ДХҚ ёрдамчиси Цвигун ҳам учган. Бу маълумот тўғрилигига кафолат беролмайман.

Биз бирга кетаётганимиздан ўзимизни шундай енгил ҳис қилдикки (дунёнинг нариги чеккасига юборишса ҳам майли), кенг осмонда учиб катта бахт каби туюлди. Стюардесса ичимлик келтирди. Одатда бундай қисқа учиб кетишларда йўловчиларни овқатлантиришмайди, бизни эса худди чет эл сайёҳлари, тўғрироғи, катталар каби олий даражада тамадди қилдиришди. Бу айни вақтида бўлди, чунки иккаламиз ҳам эрталабдан бери туз тотмаган эдик. Кўниш пайтида озгина безовталиқ рўй берди, яъни самолёт ғилдираклари чиқмади. Самолёт шаҳар устида бир неча марта доира ясаб учди (донишмандлар ўргатади — агар ишга катталар аралашса, ундан бирор кори-ҳол кутавер). Аэродромда бизни қандайдир одамларга тўла митти автобусга ўтказишди ва олиб кетишди. Узоқ юрдик. Люся сўради:

— Қаерга кетаяпмиз?

— Уйга, — деди киноя билан кузатиб келаётганлардан бири. Ниҳоят, автобус Гагарин шоҳ кўчасидаги (буни биз кейинроқ билганмиз) 12 қаватли уй-минора томонга бурилди.

Биринчи қаватдаги хонага кирдик. Мени дарров стол атрофида бир неча киши ўтирган катта хонага таклиф қилишди. Аслида суҳбат учун Люсяни ҳам таклиф қилишларини талаб этишим зарур эди. Аммо мен расмий қисм тезроқ яқунланишини истаб, барча масъулиятни ўз зиммамга олдим. Столда ўтирган киши ўзини таништирди:

— Горький вилояти прокурорининг ёрдамчиси Перелигин. Жорий тартиб-ботлар билан сизни таништириш вазифаси менга топширилган.

(Ким томонидан ва қандай асосларга мувофиқ бундай тартиблар ўрнатилганини сўраб ўтирмадим, бари бир ҳаммаси маълум эди. Бу ишимни ҳозир нотўғри деб ҳисоблайман...).

Перелигин давом этди:

— Сизга Горький шаҳри доирасидан ташқарига чиқиш тақиқланган, сиз очиқ кузатув остида яшайсиз. Сизга чет эл фуқаролари ва жиноятчи унсулар билан алоқа қилиш тақиқланган. Ички ишлар бўлими чақирувига биноан рўйхатдан ўтиш учун мунтазам ИИБ Бошқармасига, Горная кўчаси, 3-уйга, ўртоқ Глоссенга учрашиб турасиз. Ушбу кўрсатмаларни бажаришдан бош тортсангиз, сизни куч билан олиб келишлари мумкин. Бирон муаммо пайдо бўлса, сиз Давлат Хавфсизлик Кўмитаси ходимлари майор Юрий Петрович Чупров ва капитан Николай Николаевич Шуваловга мурожаат қилишингиз мумкин. Уларнинг телефонларини ёзиб олинг.

Мен Перелигиннинг сўзларига рози ёки норози эканлигим ҳақида ҳеч нима демасдим. У кузатиб келган кишилар билан чиқиб кетди. Бу вақтда Люся ўзини “меҳмонхона-уй бекаси” деб таништирган аёл билан гаплашиб, хоналарни кўриб чиқди. Квартира 4 хонадан иборат эди. (Аммо бир хонани “меҳмонхона-уй бекаси” эгаллаганди. Биз ярим йил ўтгач, унинг вазифаси нимадан иборат эканлигини билдик). “Меҳмонхона-уй бекаси” ДХК зобитининг беваси бўлиб, уни эрининг ўртоқлари ишга жойлаштириб қўйишганди. У ўз хонасига кириб кетди. Кейинчалик у кечалари ва кундузлари ҳам узоқ вақтга чиқиб кетарди, кундузи атиги икки-уч соатга келиб, ўз хонасида, чамаси бекор ўтирарди.

Люся иккимиз қолдик. Люся менга ИИБ ходимлари билан ёлғиз (у олдимизга кирганида, чиқиб туришини сўрашганди) гаплашишга рози бўлганим учун дакки берди. У ўзи билан энг асосий нарса — транзисторли радиони олиб келганди. Биз уни қўйдик. Шу кунга кечкурун ва келгуси кунлари ҳам, Сахаровнинг сургун қилингани, Афғонистон воқеалари билан бирга, хабарларнинг бош мавзуси бўлди. Икки ҳафта давомида менинг дунёқарашим ва ижтимоий фаолиятим ҳақида етарлича тасаввур уйғотувчи мақолаларимдан парчалар ўқиб беришди. Жамоат арбоблари, ёзувчилар, айниқса кўзга кўринган — олимлар, улар қаторида Филипп Хандлер, Жерелин Стоун, Сидней Дрелл ва бошқаларнинг қатъий норозиликлари эшиттириб турилди. Хандлер 1973 йилда америкалик олимлар ва Академия номидан мени ҳимоя қилиб чиққанди. Сургун қилинганимда кейинги ва бошқа чиқишлар “Сахаров дефенс” компаниясининг шаклланишида, ҳамда ишончим комилки, фақат менинг тақдиримдагина эмас, бошқа масалаларда ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. АҚШ Миллий Академиясининг президенти Хандлернинг ва бошқа таниқли олимларнинг чиқишлари, шубҳасиз, совет ҳукуматида таъсир этди ва уларни менга қарши янги чоралар кўришдан тийди.

Минг афсуски, СССРдаги ҳамкасбларим, одатдагидек, сукут сақладилар. Академик Фёдоров ва академик Блохиннинг, чамамда юқоридан берилган кўрсатмаларга мувофиқ, менга қарши очиқ чиқишлари бу ҳисобга кирмайди. Ваҳоланки, хизмат кўрсатган, хурмат қозонган академиклар очиқ норозилик билдирганида катта таъсир кўрсатган ва фақат менинг тақдиримни эмас, шу билан бирга мамлакатдаги аҳволни ҳам бутунлай ўзгартирган бўларди. Айни пайтда (бу ҳам жуда муҳим) улар учун сургун ёки ҳибс, ишдан ажралиш, илмий мавқени йўқотиш сингари хавф таҳдид солмаётган эди. Нарг борса — маълум

бир вақтга уларни чет элларга чиқармай қўйишарди. Бошқа ҳеч нима! Улар дадил туришганда бутун мамлакат учун, шунингдек, фан учун, унинг обрўси учун беқиёс катта хизмат кўрсатган бўлишарди. Бироқ СССР фани чўққисидида турганлар орасида бундай кишилар топилмади. Бу аянчли ва шармандали ҳол эканлиги равшан. Наҳотки бизнинг зиёлиларимиз Короленко ва Лебедевлардан кейин бу даражада майдалашиб кетган бўлса? Ахир бир пайтлар таълим вазири Кассо университетга жандармларни қўймоқчи бўлганда П. Н. Лебедев бунга қарши кўкрагини қалқон қилган эди-ку! Қолбуки, у фанни ҳозиргилардан кам севаган бўлса керак! (Ҳозир МДУда қанча ДХҚ ходимлари борлиги фақат Андроповга маълум). Одамлар ҳали ўз имкониятларини ва вазиятни тўла англаб етишмаган, деб ўзингни овунтиргинг келади. Агар шундай бўлса, ҳали яхши нарсалардан умид қилиш мумкин.

1980 йил февралда Люся совет физикларига мурожаатнома ёзди. Эълон қилишдан олдин, менга ва ўзига бирор кор-ҳол бўлишидан хавфсираб, уни мен билан келишиб олди. 1980 йил мартада ёки апрелида Анатолий Марченко (унинг тақдири ҳақида аввалроқ ёзганман) академик П. Л. Капицага очиқ хат ёзганди. Иккала ҳужжатда ҳам, — ҳар хил нуқтаи назарлардан, — бугунги олимларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги, масъулият ҳисси ҳақида фикр юритилади.

Горькийга келган биринчи кунларда биз қаттиқ изтироб чекдик — хориз радиосидан Танянинг овозини эшитдик. У сургун хусусидаги мурожаатномани ўқирди. Унинг овози шунчалик яқин, мулоим ва ҳис-ҳаяжонга тўла эдики, кўзларимизда беихтиёр ёш ўйнади. Менинг ҳаётимдаги ўзгаришлар Бостондаги болалар тақдирида ҳам кучли аксини топди. Уларнинг АҚШга келгандан кейин қандай оғир ва тушунтириш қийин бўлган вазиятга тушиб қолганини олдинроқ ёритишга ҳаракат қилган эдим...

Совет матбуотида бадарға қилинганим ва мукофотлардан маҳрум қилинганим 23 январда эълон қилинди.

СССР Олий Совети Ахборотномаларида ҳам мени мукофотлардан маҳрум этиш ҳақидаги Фармон эълон қилинди. Эътиборлиси шундаки, унда 8 январь санаси кўрсатилганди, ушбу Фармон ДХҚга бемалол ҳаракат қилиши учун йўл очиб берган ва улар мени сургун қилиш йўлларини ишлаб чиққандилар.

Менга айтишларича, Фармон қабул қилинган доирадаги кенгашга Тихонов (СССР Министрлар Советининг бўлғуси раиси) раислик қилган, унга Брежнев қатнашмаган. ДХҚ номидан Цвигун ҳисобот берган.

Сургуннинг дастлабки кунларида совет матбуотида яна менинг фаолиятимни қораловчи мақолалар пайдо бўлди; телевизорда эса таниқли сиёсатчи Юрий Жуклов ўз шарҳлари билан чиқди. Ушбу ўйинларнинг бутун башараси “Комсомольская правда”да босилган “Цезарь чиқмади” мақоласида акс этади. Кейин бу мақола “Горьковский рабочий” ва чамаси, бошқа маҳаллий газеталарда ҳам қайта босилди.

Горькийга келганимиздан кейин уч кун ўтгач, 25 январда Люся Москвага борадиган бўлди. У мени бадарға қилишгани ва ўрнатилган тартиблар ҳамда ижтимоий масалалар бўйича қарашларимни тасдиқловчи баённомани олиб вокзалга кетди. Аммо икки-уч соатдан кейин қайтиб келди. Шундай бўлибдики, у поездга ўтиргач, ёнига милиция зобити келибди ва поезддан тушишни сўрабди.

— Менга сафар қилиш тақиқланганми?

— Тақиқланган эмас, аммо онангиз ҳақида хабар бор.

Ҳаяжонга тушган Люся поезддан чиққан.

— Онангиз Наташа Гессе ва Лиза билан машинада Горькийга келаяпти.

— Буни ким ўйлаб топди?

(Люся буни сўраши керак эмасди, аммо оғзидан беихтиёр чиқиб кетган!)

— Эҳтимол, Наташадир, — деган ДХҚ ходими заҳархандалик билан.

Аслида Руфа Григорьевна, Наташа ва Лиза, биздан тайинли хабар бўлмагани сабабли (қўнғироқларимиз узиб қўйилар, телеграммаларда эса фақат манзилимиз ва жуда оз хабарларни маълум қилишимиз мумкин эди), йўлга чиқишганди (улар яқин танишимиз Эмиль Шинбергнинг машинасида қишки оғир йўллардан зўрға юриб тунги соат бирларда Горькийга кириб келишди).

Бу, албатта, касалманд Руфа Григорьевна томонидан қилинган мутлақо кераксиз қаҳрамонона ҳаракат эди.

1980 йилда у 80 га кирганди, шунга қарамай, қийин вазиятларда, яқин одамларига ёрдам бериш зарурати туғилганида, доим куч-ғайрат топа оларди.

Люся иккимиз уларни нимага келдингизлар, деб гина билан қарши олдик. Бу ноҳақлик ва бераҳмлиқ эди, албатта. Аммо улар ҳам бизни ва мусибатларимизни тушуниши керак эди, режаларимиз бутунлай бузилиб кетди.

Руфа Григорьевна Москвадаги вазият ҳақида гапириб берди. 22-куни кечкурун Руфа Григорьевна ва Лиза шошилинич матбуот конференцияси ўтказишади, бу ҳақда биз хабардор эдик. Фақат шу куни эмас, кейинги кунларда ҳам Чкаловдаги квартира эрталабдан кечганча одамларга — янги хабарларга ўч чет эл мухбирлари, дўстларимиз, танишлар ва бутунлай нотанишларга тўла бўлган. Наташанинг иборасича у, “телбалар уйи”га айланган эди. Наташанинг ўзи бу воқеаларни Ленинградда радиодан эшитган заҳоти 22 январда кечкурун Москва поездига чопган. Чамаси, бу хабарларни энг аввал Регина эшитган, чунки у радиони қолдирмай эшитиб боради.

Бу ёққа келишдан олдин Руфа Григорьевна танишларнинг уйдан (бизнинг телефонимиз узиб қўйилгани сабабли, у уйдан телефон қилиши мумкин эмасди) академик П. Л. Капицага кўнғироқ қилган. Бу аслида рўй берган воқеаларга аралашшига даъват эди. Аммо Капица бошқа ном чиқарганлар каби, бу ишга аралашшдан қочган. (1988 йилдаги қўшимча: 1987—1988 йилларда, Капица икки марта мени ҳимоя қилишга интилгани кейинчалик маълум бўлди). Академия ва унинг Президиуми ҳақида бир неча оғиз сўз. Мени академикликдан чиқаришни талаб этган ҳукумат тазйиқига Академия қарши турган, деган фикр юради. Аслида ундай эмас. Президиум йиғилишида икки ёки учта алоҳида “тиришқоқ” академиклар мени академикликдан ўчиришни талаб қилишган. Уларнинг исми-шарифи эсимда қолмаган. Александров, бу масала кун тартибига қўйилган эмас, деб жавоб берган. Маълум бўладики, на МҚнинг илм-фан бўлими, на ДХҚ мени академикликдан чиқаришга ҳаракат қилган эмас.

Люся Лиза билан Москвага кетди ва бир ҳафтадан кейин қайтиб келди. У матбуот конференциясида менинг кенг овоза бўлган баённомани эълон қилган. У икки марта, махсус чақирув бўйича, прокуратурада ҳам бўлган. У ерда Люся менинг сургуниим боисини тушунтиришни ва ўз куёви — Алёша олдига кетолмаётган Лиза муаммоларини ҳал этишни талаб қилган...

Душанба куни Руфа Григорьевна Эмиль билан Москвага қайтди. Кейинги ҳафталарда мен билан Наташа бўлди. Афсуски, бу ҳафталарда мен ҳокимият билан бўлган муносабатларда бир қатор жиддий хатоларга йўл қўйдим... Руфа Григорьевна кетгандан кейин бир соат ўтгач, бир зобит келиб ИИВ Бошқармасига боришимни сўради. Биринчи гал мен ундан чақирув қоғози сўрамадим ва тезда Наташа билан кўрсатилган Горная кўчасидаги манзилга етиб бордим. У ерда фуқароча кийинган икки киши ўтирарди. Улар ўзларини таништиришди:

— Майор Чупров.

— Капитан Шувалов.

Улар суҳбатни менга даъводан бошлашди: чет эл радиоси, Горькийдаги телефонингизни қайд этган ҳолда, Хельсинки гуруҳи ҳужжатига қўшимчалар киритганингизни хабар қилди. Бу ишингиз билан сиз ўрнатилган тартибни бузгансиз.

Мен:

— Бу англашилмовчилик, — деб эътироз билдирдим.

— Сиз буни ёзиб бера оласизми?

— Албатта.

Қоғоз олиб ёздим: “Мен Москвага телефон қилганим йўқ; менинг барча кўнғироқларим қонунга зид ҳолда узиб қўйилади. Хельсинки гуруҳи ҳужжатига ҳеч қандай ўзгартириш ва қўшимча киритмаганман. Чунки, мен у гуруҳга аъзо эмасман. Бу ҳақдаги хабар англашилмовчиликдан келиб чиққан. Аммо мен ҳужжатга қўшилганман”.

Чупров давом эттирди:

— Сиз гаплашиш тақиқланган кишиларни қабул қилсангиз ҳам тартиб бузилади. Красавин илгари қамоқда бўлган, Ковиер рухсат берилмаган намойишда иштирок этгани учун жавобгарликка тортилган, Пономарёв қамоқда ўтирган.

Бу гапларга қўшилмадим:

— Мен умуман тушунмайман, “жиной унсурлар билан гаплашиш” нима дегани ўзи? Мен ўзим танийдиган кишилар билан гаплашаман. Феликс Красавин эски танишимиз, аллақачон оқланиб кетган, у Горькийда ишлайди ва у билан гаплашиш, ўйламанки, менинг шахсий ишим. Мен билан гаплашган кишиларга кўнгилсизликлар келтиришингиз мумкинлигини тушунаман, буни менинг хузурига келганларнинг барчасига айтаман, Пономарёвга ҳам (уни беҳуда эсга олдим!) айтганман. Бу ўринда қонунга зид ҳеч қандай нарса йўқ. Аслида буларнинг сизга мутлақо кераги ҳам йўқ.

Мазкур суҳбатни эслаганимда, характеримдаги кўнгилчанлик, жанговарлик етишмаганидан фақат Феликс билан эмас, шу қатори истаган одам билан гаплашиш ҳуқуқига эга эканлигимни қатъий туриб ҳимоя қилмаганим ва ДХК ходимларига даъво кўрсатмаганим учун ўзимдан норозиман. Мен қўшимча қилдим:

— Менинг ҳам бир қатор илтимосларим бор. Биламан, менга тааллуқли барча масалалар юқорида ҳал этилади. Талабларимни ёзиб олиб, уларни юқори раҳбарларга етказишингизни сўрайман.

1. Вазиятни бутунлай юмшатувчи ва зудлик билан ҳал этилиши зарур бўлган муҳим масала Лиза Алексееванинг ўғли ва келинига боғлиқ. Унинг келини ҳозиргача куёви олдига бориши учун рахсатнома олгани йўқ, унинг ушланиши қонунга тўғри келмайди.

2. Менинг олдимга Фанлар Академияси Физика институтининг ёш илмий ходимлари келиб туришлари лозим. Бу илмий ишимни давом эттиришим учун зарур.

3. Мен — СССР ФА поликлиникасининг рўйхатида турадиган беморман. Менга ўз врачларим хизматидан фойдаланиш имкониятларини яратиб беришлари лозим.

4. Москвадаги қайнонамнинг телефони қайта ишлаши лозим. У — оғир касалманд киши, телефон алоқасининг йўқлиги унинг соғлиғи учун хавфли.

5. Мен жойлашган квартирага телефон ўрнатилиши лозим. Мен академикман ва шахсий телефондан фойдаланиш ҳуқуқига эгаман.

Чупров бу илтимосларимни юқорига телефон орқали етказишини айтди.

— Телефон хусусида ўзингиз телефон станциясига мурожаат қилишингиз мумкин. Тиббий ёрдам бўйича ҳам истаган шифохонага мурожаат қилсангиз бўлаверади.

Мен, Горькийда рўйхатда турмайман, москваликман, шу боисдан телефон станциясида ҳеч ким мен билан гаплашмайди, дедим.

— Сиз рўйхатдан ўтишингиз мумкин.

— Мен ҳеч қачон бундай қилмайман. Горькийга жўнатилишимни ноқонуний деб ҳисоблайман. Тиббий ёрдамга келсак, врачларимни ўзгартирмоқчи эмасман, бу менинг ҳуқуқим.

Шундай деб, жўнашга кўзғолдим. Чупров бир дақиқа тўхтатиб, ташрифга кўл кўйишимни сўради. Чупров Глоссен деб таништирган, кўлтиғига дафтар қистирган фуқаро кийимидаги киши кирди. Чақришганда келсаму кўл кўйишдан бош тортсам кулгили бўлади, деб ўйладим. Кўл кўйишдан қатъий бош тортиш ҳақида ўйламаган ҳам эдим, чунки мавжуд ҳолатимга алоқадор имкониятларимни ҳали бутунлай тасаввур қилмасдим.

Кечкурун яна бир кўнгилсизлик бўлди. Эшик кўнғироғи жиринглади. Икки эркак ичкарига кирди. Иккови ҳам маст эди ёки ўйлашимча, ўзларини мастликка солишганди.

— Биз Сахаров қандай одамлигини кўрмоқчимиз?!

— Мен — Сахаровман.

— Нима учун сиз Олимпиадани бекор қилиш учун чиқаяпсиз?

— Чунки СССР Афғонистонда ҳарбий ҳаракатлар олиб бораёпти.

— Нима учун сиз борт кузатувчисини ўлдирган бандитларни ҳимоя қил-
япсиз?

— Мен ҳеч қачон Бразинкасларни ҳимоя қилиб чиқмаганман. Самолётни
олиб қочганлари учун улар турк суди ҳукмига мувофиқ жазо муддатини ўташ-
ган. Аммо Надя Курченкони улар эмас, совет ҳимоячиси тасодифан отиб қўйган.

Менинг бир маромда вазминлик билан айтган сўзларим таъсир этмади, улар
баттар жазовага миндилар. Менга бемаъни айбларни тўнкаб, қичқира бошла-
дилар. Улардан бири кутилмаганда чўнтагидан Макаров тўппончасини чиқар-
ди ва уни ўнг ва чапга айлантириб, “ўйнай” бошлади. Тўппончани менга ўқтал-
ганда ё ўнг, ё чап томонимни ёки бошим устини мўлжалга оларди. У ростмана-
сига мақтанишга ўтди:

— Ҳимоячи бировни тасодифан ўлдириши мумкин эмас. Ўзим ҳимоячи бўлиб
ишлаганман, тик туриб ҳам, ўтириб, ётиб ҳам ҳар қандай ҳолатда адашмасдан
нишонга ураман.

Шериги ҳам унинг “намунали” мерганлигини тасдиқлаб, гўё тинчитгандек
бўлди. Мен хотиржам сўрадим:

— Бу нима — пистолетми ёки ўт олдиргичми?

Улар мазаҳ қилиб хохолаб қулишди:

— Ҳа, бу ўт олдиргич, аммо у одам баданида тешик очади. Шу пайт биттаси
ваҳимали тарзда қичқириб жунбушга келди:

— Мен ҳозир сизга Афғонистонни кўрсатаман! Мен ҳозир бу квартирани
Афғонистонга айлантираман!

Кейин улар муносабатларини бутунлай ўзгартиришди ва мулойим гапира
бошлашди.

— Сиз бу ерда узоқ яшолмайсиз, тезда сизларни яхши дорилари бор санато-
рийга олиб кетишади: у ерда одамларни бир пасда телбаларга айлантиришади!..

Ошхонада бу пайтда Наташа, уй бекаси, чой тайёрлашаётганди. Наташа очиқ
эшик орқали хонада бўлаётган тўппонча ўйинини кўриб, ваҳимага тушган ва
амаллаб чора топишга қарор қилган. У уй бекасининг қулоғига шипшийди:

— Ахлат тўкмоқчидай челақни олиб кўчага чиқинг. Тез милиционерга бо-
риб, уйга тўппончали мастлар кириб олишганини айтинг.

Бека чиқиб, узоқ вақт йўқ бўлиб кетди (ахлатхона уй ёнида эди). У қайтиб
келгач, Наташа сўрабди:

— Айтдингизми?

У ҳеч нимани тушунмагандек елка қисибди. Наташа уни яна бир марта юбо-
ради. Бир неча дақиқадан кейин милиционерлар киришди. Улар сўрашди:

— Нима гап бўлаяпти?

Мен жавоб бердим:

— Айтарли ҳеч нарса.

Улар шу заҳотиёқ “мастларни” олиб кетишди.

Кечқурун кундалик ёзишга ўтирдим. Уни 1977 йил январдан бери тутаман
(Афсуски, бу ишга олдиндан одатланмаганман; эсдаликларим учун кўпгина аниқ
ва қизиқарли тафсилотлар сақланган бўларди). Ўша кечқурун 22 январь ва ун-
дан кейинги кунларда бўлган воқеаларни ёза бошладим. Ёзиб тугатишимдан
олдин Наташа чироқни ўчириб қўйди. Бошқа куни эрталаб (Наташа ошхонада
нонушта тайёрлаётганди) Глоссен келди:

— Менга паспортингиз керак.

Ўйлаб ўтирмасдан нариги хонадан паспортимни олиб чиқдим. Глоссен қараб
ўтирмай паспортни папкасига сола бошлади.

— Паспорт нимага керак? — менда қандайдир шубҳа уйғонди.

— Раҳбариятимиз паспортингизни олишни буюрди. Биз сизни Москвадан
чиқариб Горькийга доимий ҳисобга қўйишимиз мумкин.

Ичимдан зил кетсам-да, академикка хос иззат-нафсимни сақлашга қарор
қилдим.

— Бу мумкин эмас. Мен паспортимни жуда нари борса вақтинча ҳисобга
қўйиш учун бераман.

Глоссен деди:

— Бу гапни раҳбарларга етказаман.

Аслида унга:

— Менга паспортимни қайтаринг, — дейишимиз керак эди.

Чамаси, бунинг фойдаси йўқ эди. Ёки ундан паспортни тортиб олишга ури-
ниб кўришим зарурмиди? Мен бундай қилолмадим. Паспортни талаб қилиб,
қайтариб олмаганим учун қаттиқ афсусланаман. Аммо нима учун паспортни
осонгина бериб қўйдим? Мен буни ўша пайтда ҳам, ҳозир ҳам охиригача ан-
глаб етганим йўқ...

Бошқа куни (30 январь, чоршанба куни) кўчада (дўконга бораётгандим) менга
нотаниш милиция зобити яқинлашди ва Горький вилояти прокурорининг ўрин-
босари ўртоқ Перелигин ҳузурига боришим зарурлигини айтди. У менга ман-
зилни тушунтира бошлади. Мен тўхтаб дедим:

— Чақирув қоғози бўйича бораман.

Қисқа фурсат ичида Перелигин олдига боришга таклиф қилиб бир неча
зобит олдимга келди. Мен эса чақирув қоғози талаб қилавердим. Ниҳоят, шо-
шилинч тайёрланган чақирув қоғозини келтиришди (у аввал ёзилган бўлиши
ҳам мумкин). Мен Наташа кузатувида, прокуратурага бордим. Перелигин хо-
насига кирдим. У якка (бундай суҳбатда камдан-кам бўладиган ҳол) ўзи эди.
Перелигин шундай гап бошлади:

— Хотинингиз Москвада чет эл мухбирлари билан матбуот конференцияси
ўтказган. Бўхтон ва ёлғонлардан иборат бўлган баённомангизни ўқиб берган.
Бу ҳаракатлар сиз учун ўрнатилган 22 январда мен таништирган тартибларни
бузиш ҳисобланади.

Мен сўрадим:

— Бу таклифлар ким томонидан қайси асосда ўрнатилган? Менинг кўлимда
сурғун боиси ва унинг шартлари баён этилган ёзма ҳужжат бўлиши зарур. Оғза-
ки тафсилотлар мени қизиқтирмайди ва ҳеч қандай масъулият юкламайди.

Перелигин:

— Ушбу масалага кейин яна қайтамыз. Ҳозир сизга айтишим зарур бўлган
нарсаларни охирига етказаман. Сизни огоҳлантиришим лозим. Сиз ўрнатилган
тартибни бузган тақдирингизда қўшимча чора-тадбирлар қўлланади. Хусусан,
сизнинг сурғун жойингизни ўзгартириш масаласи кўтарилди. Сизни яна огоҳ-
лантираман, сиз билан чет элликлар ўртасида алоқа ўрнатишга воситачилик
қилган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар. Йўл қўйган тартиббузарлик-
ларингиз ҳақида тушунтириш хати ёзишингиз лозим.

Мен бир неча варақ қоғоз олиб, тахминан қуйидагиларни (афсуски, иккин-
чи нусхасини олиб қолмаганман) ёздим:

“Менинг эътиқодим ва ҳозирги аҳволим битилган баённомани илтимосига
кўра хотиним Е. Г. Боннэр Москвада матбуот конференциясида эълон қилган.
Мен, фақат менинг ўзим баённома мазмуни ва ундаги маълумотларни дунё
матбуоти ҳамда радиосида эълон қилиниши учун жавобгарман. Бундан кейин
ҳам мен дунёдаги у ёки бу масалалар бўйича фикр билдириш, ўз аҳволим ҳақида
хабар қилиш ва уларни босиб чиқариш ҳуқуқига эгаман. Горький вилояти про-
курори Перелигиннинг ўрнатилган тартибни бузганим ҳақидаги даъвосини асос-
сиз деб биламан. Бу ҳаракатларим менинг ҳуқуқларимга зид эмас. Перелигин
воситачилик қилганлар, хусусан, хотиним Елена Боннэрга қўйган айблари ва
таҳдидлари қонунга зид ва йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир. Ушбу ҳолда “воси-
тачи” сўзининг ўзи ҳеч қандай ҳуқуқий маънога эга эмас. Ҳужжатларимни,
ахборот ва эътиқод эркинлиги борасидаги ҳуқуқимга мувофиқ, ҳеч қандай во-
ситачисиз ўзим чоп эттираман, булар учун ўзимдан бошқа ҳеч ким, ҳеч қандай
жавоб бериши мумкин эмас.

30 январь, 1980 йил,

Андрей САХАРОВ, СССР ФА академиги”.

Перелигин ёзганларимни ўқиб, мийиғида кулди ва ғулдиради:

— Жуда устамонлик билан ёзилган.

Кейин менга қуйидагича мурожаат қилди:

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

170

— Ушбу суҳбат ва мен ёзган баёнимни тасдиқлаш учун мана бунга имзо чекишингизни сўрайман.

У менга ярим варақдан ҳам кичик қоғозни узатди. Унда машинкада қўйидагилар босилганди:

“Бугун, 1980 йил 30 январда, адлия маслаҳатчиси, Горький вилояти прокурори ўринбосари Перелигин (исми, отасининг исми) менга ўрнатилган тартибни келгусида бузсам, сургун жойини ўзгартириш масаласи қўйилиши мумкинлигини эълон қилди ҳамда менга воситачилар орқали чет элликлар билан алоқа қилиш тартибни бузиш ҳисобланиши ҳақида хабар қилинди.

Сана, имзо жойи”.

Мен дедим:

— Ҳа, сиз ҳақиқатан ҳам буларни айтдингиз, аммо мен ҳаммасига ўз муносабатимни билдирдим.

Ва шундай деб туриб, қоғозга қўл қўйдим. Перелигин:

— Сезиб турибманки, ҳамон тартибни бузишни мўлжаллаяпсиз, — деди.

Мен дангалига ўтдим:

— Албатта, мен буни қонунга зид деб ҳисоблайман, нима учунлигини эса ёзиб бердим.

У билан хайрлашдим. Наташа иккимиз кўчага чиқдик, мен унга қилган ишимдан мамнун ҳолда суҳбат чоғидаги сўз қистиришларни гапириб бера бошладим. Фақат бир неча соатдан кейингина қўл қўйган қоғозим — ҳужжат, у мени огоҳлантирилганимни тасдиқлашини англаб етдим. Катта ихтилофлар туғилган пайтда у зиммамга мажбурият олганимни тасдиқловчи ҳужжатга айланади, буни ҳуқуқшунос арбоблар яхши билишади. Мен ҳаяжонга тушдим ва шу кун кечкуруноқ Перелигин номига “Имзога изоҳ” ёздим. Унда мазкур имзо фақат баён этилган фикрларни англатиши менга етказилганлигини тасдиқлаши мумкин, деб кўрсатдим. Унинг даъволари қонунга зид эканлигини ва қилган пўписаларга муносабатимни ёзиб берганман. Бу “Изоҳ”ни почта орқали жўнатдим ва ярим ой ўтгандан кейин у топширилганини тасдиқловчи қоғозни олдим.

Кундалиқда 22—30 январдаги янги вазиятимга боғлиқ воқеалар, ўзим йўл қўйган хатолар ҳақида батафсил ҳикоя қилдим. Уларни эслар эканман, ўз ҳолатимни бутунлай яққалаб қўйилган, бундан ҳам кучли тазйиқ ва қаттиқ хўрликларга маҳкум этилган қамоқдаги маҳбусларники билан беихтиёр қиёсладим. Аммо мен ўша кунларда ва улардан кейин ҳам ўз хатти-ҳаракатларим билан фақат хатога йўл қўйганман деб ўйлайман. Энг муҳим масалаларга оид асосий эътиқодимни батамом сақлаб қолдим ҳамда янги шароитда яшаш ва тинмай ишлаш учун ўзимда куч топа олдим. Кўп жиҳатдан бунга Люся туфайли эришдим, у ҳозир ҳам ҳаётимда муҳим ўрин эгаллаб келади.

*Алиазар ЭГАМНАЗАРОВ
ва Виктор АЛИМАСОВ
таржимаси*

*“Знамя” журналининг 1991 йил
10-сонидан олинди*

Марио ПЬЮЗО

Мафия сардори

Романдан боблар

Ҳар қандай катта бойлик ортида
жиноят яшириниб ётади.

БАЛЬЗАК

БИРИНЧИ ҚИСМ

Биринчи боб

Америго Бонасера, Нью-Йорк шаҳар ишлар судининг учинчи бўлимида, қизини ваҳшийларча калтаклаган ва номусига тегишга уринган кимсаларнинг тегишли жазоланишини, адолат юзага чиқишини кутиб ўтирарди.

Салобатли, жиддий судья столи олдида турган икки ўсмирни, гўё ўз қўллари билан бўғизламоқчидек қора ридоси енгларини шимарди.

Унинг тунд қиёфасида шум нафрат туйғуси қотиб қолганди. Айни чоғда бу шумлик тагида самимий бўлмаган нимадир яшириниб ётарди. Америго Бонасера гап нимадалигини тушуна олмаётган бўлса ҳам, бу сунъийликни кўнглида туйиб турарди.

— Сизлар энг тубан, жирканч ишга қўл ургансизлар, — деди судья кескин.

Тўғри, ўйлади Америго Бонасера. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ҳайвонлар махлуқлар. Силлиқ сочлари чиройли қилиб тарошланган, йилтиллаб турган қиёфасида итоаткорлик ифодаси муҳрланган икки ўсмир, тавба қилаётгандек бошини эгиб турарди.

Судья давом этди:

— Худди ўрмондаги махлуқлар сингари иш тутгансизлар, бахтларингга шўрлик қизни бадном қилишга улгурмагансизлар. Акс ҳолда, ҳар бирингга йигирма

**Муҳаммаджон
УРИНБОЕВ,
Турсунбой
АДАШБОЕВ
таржимаси**

Америкалик машҳур адиб Марио Пьюзонинг “Чўқинтирган ота” ёки “Мафия сардори” романи сиёсий асарларнинг классик намунаси сифатида маълум ва машҳур. Муаллиф мазкур китобида америкалик ҳамда сицилиялик мафиячиларнинг кирдикорларини, унинг туб илдизларини, қолаверса, уларнинг сиёсий арбоблар, қонун ҳимоячилари билан алоқаларини тўлатўкис очиб берган. Шу боисдан ҳам бу асар жаҳон миқёсида оммалашиб кетган ва кино санъаткорлари томонидан экранлаштирилган.

Марио Пьюзонинг бу китобидан кейин унинг узвий давоми сифатида “Сицилияликлар” деб номланган асари кенг жамоатчилик томонидан севиб ўқилмоқда, қайта-қайта нашр этилмоқда.

Адибнинг юқорида тилга олинган икки китобининг бош қаҳрамони Корлеонелар сулоласининг тақдири тўғрисида “Сўнги Дон” асари асосида ўн қисмдан иборат телефильм яратилган.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

172

йилдан илиб, тўппа-тўғри қамоқхонага жўнатардим. — У бир неча дақиқа жим қолди, сўнгра жиддий чимирилган қошлари остидан Америго Бонасеранинг рангпар юзига қараб қўйди. Кейин янада жиддийроқ қовоқ солиб, қахр-газабини зўрға босиб елка қисдию, хулоса чиқарди:

— Лекин ёшликларингни, ҳали номларингга ҳеч қандай доғ тушмаганини ва ота-оналарингиз обрў-этиборини, қолаверса, қонунимиздаги адолатпарварлик бизларни ўч олишга даъват этмаслигини ҳисобга олиб, ҳар бирингизни уч йил муддатга шартли равишда қамоққа ҳукм қиламан.

Ҳар қандай оғир вазиятда ҳам ички кечинмаларини сиртига чиқармаслик бўйича қирқ йиллик кўникма-ю мурдашуй Бонасеранинг қуйилиб келган нозилигини, газабини сиртга чиқармасликка ёрдам қилди. Унинг ёшгина, хушрўйгина қизи афти-ангори мажақланиб, касалхонада ётипти-ю, мана бу махлуқларга эса бемалол озодликда юришга руҳсат берилди. Америго Бонасеранинг устидан ошкора масхарабозлик қилиш демақдир. Ана, оғизлари қулоғига етган ота-оналари суюкли ўғилларини ўртага олволишди. Албатта улар хурсанд бўлишади-да! Ахир уларнинг кўнглидаги иш бўлди-ку!

Бонасеранинг томоғига аччиқ бир нарса тақалгандай бўлди, тишлари қаттиқ қисилгани учун оғзи аччиқ тупук билан тўлди. Бонасера кўкрак чўнтагидан оқ рўмолча олиб, лабларига босди. Анави икки ўсмир, уни масхара қилгандай сурбетларча кулиб унинг ёнидан ўтиб кетди. Бонасера крахмалланган рўмолчасини лабига қаттиқроқ босиб, лом-мим демасдан уларни ўтказиб юборди.

Ўсмирлар кетидан уларнинг ота-оналари — икки аёл ва Бонасерага тенгдош, америкаликларга хос кийинган икки эркак ўтиб кетди. Улар Бонасерага қандайдир яширин такаббурлик ва тантана билан қараб қўйишди.

Бир умр Америкада яшаган Бонасера қонун ва тартиб-интизомнинг кучига ишониб келарди. Шунинг учун ҳам кўп нарсага эришди. Ҳозир ҳам, гарчи ва ваҳшиёна бир нафратдан ақл-идроки хира тортиб, дарҳол қурол сотиб олиб анови икки махлуқни отиб ташлаш истаги миясига санчилиб азоб бераётган бўлса-да, ўзини босди. Ҳеч нарсага тушунолмаётган анграйиб турган хотинига қараб: — Бизни масхара қилиб, устимиздан кулишди, — дея Бонасера бир неча дақиқа жим қолди ва харажат ҳақида ўйлаб ўтирмай, қўшиб қўйди:

— Адолат излаб Дон Корлеоне остонасига бош уриб боришдан бошқа илож йўқ.

Лос-Анжелесдаги хонтахлит меҳмонхоналардан бирида Жонни Фонтейн, гўё хотини уни лақиллатиб кетган одамдай зўр бериб виски ичиб ўтирарди. У қизил диванга чўзилган қўйи шишанинг оғзидан ичар, тез-тез юзини пақирдаги майда муз парчалари солинган сувга чайқаб олар, вискининг тахир таъмини босиш учун муздай сувни симирарди. Соат миллари сахарги тўрт эди. Суюқоёқ хотини ҳозир кириб келса, унинг таъзирини бериб қўйиш тўғрисидаги ўй-фикрлар бошида ғужғон ўйнардди. Хотини эса умуман қайтиб келармикин? Аслида биринчи хотинига қўнғироқ қилиб, қизчаларининг ҳол-аҳволини сўраб қўйса ҳам ёмон бўлмасди. Айниқса, ишлари чаппасидан кета бошлагандан бери ўртоқларига қўнғироқ қилгиси ҳам келмай қолди. Бир пайтлар дўстларига сахар соат тўртларда қўнғироқ қилгудай бўлсами, уларнинг боши осмонга етарди. Энди эса улар Жоннини хаёлларига ҳам келтиришмайди. Американинг энг машҳур кино юлдузлари ҳам шон-шуҳрат чўққиси томон дадил кўтарилаётган Жонни Фонтейндан омад юз ўтирганлигини аниқ ҳис қилишган эди. Ажабо...

У яна шишага ёпишди ва ниҳоят эшик қулфи очилганини яққол эшитди. Кўк бинафшаранг кўзлари порлаб турган, фаришталарга хос қиёфаси, нозик сарвиқомат лобар хотини унинг олдида келиб бир оз тин олмагунича, Жонни шишани оғзидан қўймади. Дунёдаги миллионларча эркак зоти Марго Эштоннинг лагофатли чеҳрасига ошиқ-у беқарор эдилар. Бу чеҳрани экранларда бир бора кўриш учун сон-саноқсиз пул сарф қилишарди.

— Қаёқларда санқиб юрибсан? — сўради Жонни Фонтейн.

— Э, шунчаки баъзи бировларнинг қўйнида ётиб келдим, — деди Марго бепарволик билан.

Марго мўлжални нотўғри олган эди. Жонни у ўйлаганчалик маст эмасди. Жонни столча устидан сакраб ўтди-да, хотинининг ёқасидан олди. Лекин хотинининг сеҳрли чехраси унга яқинлашганда қаҳр-ғазабидан асар ҳам қолмади, ҳаммаси бир зумда сўнди-қолди. Марго эркаланиб лабларини бурди. Аммо бу гал у янглишганди. Жонни кутилмаганда мушт тортди.

— Фақат юзимга урма, Жонни, ахир кинога тушяпман! — дея чийилларди у.

Мушт Маргонинг жағига теккан захоти, у йиқилди. Жонни унинг устига миниб олиб, елкаларига, биқинларига, қуёшда қорайган ипадек юмшоқ думбаларига дўппослайверди. У Маргони, бир пайтлар Нью-Йоркнинг “дўзах ошхонаси” деб аталган ташландиқ гўшаларида кўчада қолган безори болаларни дўппослаётгандай калтакларди. У Маргони бир оз аяди. Бошқача йўл туголмасди ҳам. Марго эса унинг устидан ошкора куларди. Чалқанча ётиб олган кўйи белидан юқори қисми кўтарилган Марго Жоннини эрмаклаб куларди.

— Қани, келақол, Жонни, бўл тезроқ. Келақол энди. Ахир кўнглинг нима тусаётганини биламан-ку.

Жонни Фонтейн ўрнидан турди. Гўзаллигини ўзига қалқон қилиб олган бу махлуқни ўлдирса ҳам озлик қиларди. Марго юзтубан ўгирилиб, сакраб турди-да, худди ёш қизчалардай ирғишларкан:

— Ҳечам оғримасди, ҳечам оғримасди, — деди.

Сўнгра жозибали кўзларига мунг билан жиддий кўшимча қилди:

— Шўрпешона тентак, худди ёш болага ўхшайсан. Қорнимни қаттиқ эздинг. Эҳ, Жонни, бир умр сўлаги оқиб юрган бузоқлигингча қоласан. Сен севги ҳақида болаларга ўхшаб фикр юритасан. Одамлар ростдан ҳам бир пайтлар сен кўшиқларингда куйлаганингдек ишлар билан шуғулланыптилар, деб ўйлайсанми? — У бошини чайқади. — Вой бечора-ей. Хўп, омон бўл.

Марго ётоқхонага кириб кетди. Қулфнинг шиқирлагани эшитилди.

Жонни ерга ўтириб олиб, қўллари билан юзини беркитди. Алам ва хўрликдан кўнгли бузилиб кетди. Лекин у бекорга Нью-Йорк харобазорларида балоғатга етмаганди. Бир пайтлар Голливуднинг қалин чангалзорларидан соғ-омон чиқишга ёрдам берган эски кўникма телефон дастасини кўтариб, аэропортга етиб олиш учун такси чақаришга мажбур қилди. Фақат бир одам уни қутқариб қолиши мумкин эди. Бунинг учун Нью-Йоркка, ўша одам олдига учиш керак. Ҳозир Жонни жуда-жуда муҳтож бўлган куч-қудрат ва ақл-идрокни, ҳозирча ишонч илинжи милтиллаб турган меҳр-муҳаббатни яккаю ягона ўша одам тимсолида кўриб турарди. У Жоннининг Рухоний отаси Дон Корлеоне эди.

Чехраси худди ўзи пиширган, бетига ун сепилган, пўрсилдоқ италян нонларидек дум-думалоқ ва қип-қизил новвой Назорин хотинига, қизи — келинчак Катаринага ва новвойхона ишчиси Энцога қаҳр тўла нигоҳини қадади. Энцо ҳарбий асирлар кийимини кийиб олишга улгурган, яшил рангдаги “ҲА” ҳарфлари ёзилган бойлогични боғлай олишни ҳам унутмаганди. Ҳозир Губернаторлар оролида бўладиган кечки текширувга кеч қолишдан безиллаб турарди. Ҳар кўни чин ваъда эвазига америкалик хўжайинлар қўлида ишлаш учун рухсат бериладиган минглаб италиялик асирларга ўхшаб у ҳам бу мурувватдан маҳрум бўлиб қолишдан кўрқиб яшарди. Шунинг учун ҳам, ҳозирги оддийгина нарса унга жиддий бўлиб туюлаётганди.

— Ҳали менинг оиламни бадном қилмоқчимидинг? — бақирди Назорин.

— Менинг қизимга эсдалик қилиб совға тайёрлаб қўйдингми хали?

Урушнинг охири кўриниб қолди, у ёғини тасаввур қилиш қийин эмас, — Америка кетимга бир тепади-ю, осонгина Сицилиядаги қишлоғимга жўнаб кетавераман думимни ушлатмай, деб ўйладингми?

Оёқлари калта, гўлабирдай келган Энцо қўлини кўксига қўйиб йиғламоқдан бери бўлиб, айни пайтда ўзини ҳам йўқотмасдан:

— Ра опе, қизлар маъбудаси ҳаққи, онт ичиб айтаманки, қилган яхшиликларингизга заррача ҳам хиёнат қилганим йўқ. Қизингизни чин юракдан, самимий ҳурмат-эҳтиром билан севаман. Худди шундай ҳурмат, эҳтиром билан уни менга қаллиқ қилиб беришингизни ўтиниб сўрайман. Тўғри, бунақа нозик нарсани илтимос қилишга менинг ҳаққим йўқ. Лекин Италияга жўнатиб юбориш-

са, мен Америкага икки дунёда ҳам қайтиб келолмаслигим мумкин. Катеринага ҳеч қачон уйланолмай қолишим мумкин.

Назориннинг хотини Филомена гапнинг лўндасини айтди.

— Аҳмоқлик қилма, — деди у хўппасемиз эрига. — Нима қилиш кераклигини жуда яхши биласан. Энциони ҳеч қаёққа кеткизмайсан. Лонг-Айлендаги қариндошларимизнига жўнатиб юбор, ҳозирча ўша ерда яшириниб турсин.

Катерина хўнграб йиғларди. Тўладан келган, лаби устида туклари бўртиб қолган Катерина мақтанарли даражада гўзал эмасди. Энцидек кулинг ўргилсин эрни қаёқдан ҳам топарди. Бошқа ким унинг сийналарини меҳр-муҳаббат билан эҳтиёт қилиб силаб-сийпалайди.

— Мана, — деб Италияга кетвораман, ўшанда биласизлар! — деб бақирди у отасига. — Энциони олиб қолмасанглар, у билан қочиб кетаман.

Назорин унга қув кўзларини қадади. Қизи шўх эди. Энци иссиқ нонларни саватларга жойлаштириш учун қизининг орқасидан қисилиб пештахта томон ўтмоқчи бўлган пайтларда қизи унга суркаланганига кўп бор кўзи тушган эди. Тезда чорасини кўриш керак, худо кўрсатмасин-у, акс ҳолда. — Назориннинг хаёлига кўрқинчли ўйлар келди, — бу зумрашадан бошқа каттароқ ишларни ҳам кутиш мумкин. Энциони Америкада олиб қолиш, унга Америка фуқаролигини олиб бериш керак. Бу ишнинг уддасидан чиқадиган фақат бир одам бор. Бу одам Рухоний ота, дон Корлеонедир.

Бу уч кишининг ҳар бири ва бошқа жуда кўп кишилар мисс Констанция Корлеонедан 1945 йил августининг сўнги шанбасида бўладиган никоҳ тўйига олтин ҳарфлар билан ёзилган таклифномалар олдилар. Келиннинг отаси дон Вито Корлеоне гарчи ўзи ҳозир Лонг-Айленддаги катта алоҳида ҳовлида яшаса ҳам, аввалги кўшнилари ва дўстларини эсдан чиқармаганди. Меҳмонлар ўша ерга тўпланишади ва албатта шоду хуррамлик кун бўйи давом этади. Тўйда кейинчалик одамлар эслаб юрадиган воқеалар кўп бўлади. Япония билан бўлаётган уруш тугади, фронтдаги ўғиллар ташвиши ҳам энди бу байрамга раҳна сололмайди. Тўй эса қувончу шодликларга эрк бериш учун зўр баҳона бўлади.

Шундай қилиб, тўй бўладиган шанба куни эрталабданоқ ўз иштироки билан оилавий тантананага файз қўшиш мақсадида Нью-Йорк шаҳридан Дон Корлеоненинг дўстлари тўп-тўп бўлиб кела бошладилар. Уларнинг ҳар бири албатта тўйга совға билан банкнот тўла қалин конверт билан келди. Чек йўқ эди. Конвертга солинган таклифнома совға қилган одамнинг кимлигидан ва унинг дон Корлеонени қай даражада ҳурмат қилишидан далолат берарди.

Дон Вито Корлеоне ҳар қандай одам ёрдам сўраб дадил мурожаат қилаоладиган киши эди. Ҳалигача бирон одам унинг ҳузуридан куруқ қайтмаганди. У куруқ ваъда бермас, дунёда ўзидан қудратлироқ, бойроқ одамлар ҳам борлиги, унинг қўли қисқалиги тўғрисидаги баҳоналарга йўл қўймасди. Бундай пайтларда у албатта сизнинг дўстингиз бўлиши шарт эмасди. Агар ёрдами учун миннатдорчилик билдиришингизнинг имконияти бўлмаса, бунинг ҳам аҳамияти йўқ эди. Фақат бир нарса — сиз ўзингизни унинг дўсти деб аташингизни талаб қиларди, холос. Ана шундагина дон Корлеоне ёрдам сўраб келган одам қанчалик қашшоқ ва юпун бўлмасин, унинг ғам-ташвишларини худди ўзининг ғам-ташвишларидек қабул қиларди. Бу ташвининг олдини олиш учун унга ҳеч бир куч тўсқинлик қилолмасди. Хўш, бунинг эвазига нима талаб қиларди? Дўстлик, “Дон” деган фахрий унвонни ва камдан-кам ҳолларда “Рухоний отам” дея қариндошларча самимий мурожаат талаб қилинарди, холос. Яна-чи? Бир шиша хонаки вино, унинг Рождество байрами дастурхонига махсус тайёрланган — лочира нон, бир сават мева каби арзимаган совғалар талаб қилинарди, холос. Буларнинг ҳаммаси моддий тўлов сифатида эмас, фақат ҳурмат-эътибор маъносида тақдим этиларди. Табиийки, оддий инсонийлик талаб қилганидек, сиз ундан қарздор эканлигингизни ва вақти келганда унга қўлингиздан келганча хизмат қилишингиз кераклиги тўғрисидаги ваъдангизни оларди.

Ҳозир қизининг никоҳ тўйи ўтаётган ажойиб кунда дон Вито Корлеоне Лонг-Айлендда, денгиз соҳилидаги алоҳида ҳовлиси дарвозаси олдида меҳмонларни кутиб олаётганди. Уларнинг кўпчилиги оиласининг тинчлиги, тўқлиги учун Дондан миннатдор эдилар ва бугунги оилавий байрамда уни ҳеч тортинмасдан

“Руҳоний ота” деб аташарди. Бу ердаги ҳамма одамлар, ҳатто бармен ва официантлар ҳам, Доннинг ўз одамлари эдилар. Дўстлар таом тайёрлашар ва катта парк йўлакларига ёрқин безаклар занжирларини осишарди.

Меҳмоннинг ким бўлишидан қатъий назар, бойми ёки камбағалми, машҳурми ёки камтарларнинг камтарими, дон Корлеоне ҳар бир кишини мамнуният билан, кучоқ очиб кутиб олар, ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмасди. Меҳмонлар бир-бирига навбат бермай фрак унга қўйиб қўйгандай ярашгани, танимаган одам дон Корлеоненинг ўзини куёв деб ўйлаши мумкинлиги тўғрисида мулозамат қилиб гапиришарди.

Уч ўғлидан икки нафари эшик олдида у билан ёнма-ён туриб меҳмон кутишарди. Улардан қаттаси Сантинони отасидан бошқа ҳамма “Санни” — “Ўғилча” деб атарди. Ўрта ёшдаги италянлар унга гайрлиги келиб қарашар, ёшлари эса ҳавас қилишарди. У Америкада яшовчи италияликларнинг биринчи авлоди учун хос бўлмаган даражада новча, ҳўкиздай кучли эди. Қалин кўнғироқ сочлари янада новчароқ қилиб кўрсатарди. Унинг қиёфаси Купидоннинг дағал ниқобини эслатарди: юз тузилиши тўғри, лекин худди камон каби қалин лаблари унинг шаҳватпарастлигидан дарак бериб турар, чуқурчаси бор жағи нима учундир бадахлоқ одам деган тасаввур ҳосил қиларди.

Тўйхонадаги зиёфат пайтида сонлари семиз, оғзи катта ёш италян аёллар ўзларича хомтама бўлиб умид ва ишонч билан Сонни Корлеоне томон қараб-қараб қўйишарди. Лекин бугунги бу ёш меҳмонлар беҳуда хомтама бўлишаётганди. Бугунги кунда хотини ва уч фарзанди тўйхонада эканлигига қарамай, Сонни Корлеоненинг режаси бошқача эди. У келинчакнинг энг яхши кўрган дугонаси Люси Манчинидан кўзини узмасди. Келинчакнинг дугонаси ҳам буни жуда яхши биларди. Гулдор кўйлак кийиб, қалин қора сочларига янги очилган гуллардан гулчамбар тақиб олган Люси Манчани боғда стол ортида ўтирарди. Тўйга тайёргарлик кўрилган бутун ҳафта мобайнида у оқибатини ўйламасдан Соннига шўхлик қилиб юрди. Бугун эрталаб эса черков ибодатхонасида унинг кўлини қаттиқ қисиб қўйди. Ҳали турмушга чиқмаган қиз бундан ортиқчасига юраги бетламасди.

Сонни Корлеоне ҳеч қачон отасига тенглаша олмаслигини, отаси эришган нарсаларга эриша олмаслигининг Люси Манчини учун сариқ чақачалик аҳамияти йўқ эди. Аксинча, Сонни Корлеоне кучли ва жасур эди. Унинг сахийлигини ва кўнгли бўшлигини ҳамма биларди. Тўғри, отасидан фарқли ўлароқ, унинг жаҳли тез чиқар, ўзини тута билмасди. Шунинг учун кейинини ўйламасдан ноўрин ишлар қилиб қўйиши мумкин. Гарчи у отасининг яхши ёрдамчиси бўлса ҳам, Дон Корлеоне уни ворис қилиб қолдиришига кўпчилик шубҳа қиларди.

Ўртанча ўғли Фредрико — одатда уни Фред ёки Фредо деб аташарди — ҳар бир италян орзу қиладиган йигит эди. Иззат-икромли, садоқатли, отасининг чизган чизигидан чиқмайдиган Фредо ўттиз ёшга кирган бўлса ҳам ота-онаси билан бирга яшарди. Гарчи ота-оналарига хос бўлган Купидонга ўхшаш белгилар сақланиб қолган бўлса ҳам, у бақалоқ, тўладан келган, ўша қалин кўнғироқ сочларга, ўша қалин ҳиссиётли лабларга эга бўлса ҳам кўримсиз эди. Доим қовоғини солиб юрадиган бу қамгап йигит отасининг чинакам суянчиғи эди, ҳеч қачон унинг сўзини икки қилмасди, аёлларга айланишиб кўнгилсиз ҳодисаларга йўл қўймасди. Лекин у ана шундай хислатларга қарамасдан, бошлиқ учун зарур бўлган куч-қудратдан, одамларни эргаштира билиш қобилиятидан маҳрум эди. Шунинг учун унинг ҳам дон Корлеоненинг вориси бўлишига одамлар ишонишмасди.

Учинчи ўғли Майкл Корлеоне отаси ва акаларининг олдида йўқ эди. У боғнинг олис бурчагидаги стол атрофида ўтирар, бироқ шу ерда ҳам унга қизиқувчи нигоҳлардан яширина олмаган эди.

Майкл Корлеоне дон ўғилларининг кенжаси ва қудратли отасининг хоҳиши-иродасини тан олмайдиган ягона одам эди. Акаларидан фарқли ўлароқ, унга на Купидонга ўхшашлик, на серсуяк қиёфасининг белгилари насиб этмаганди. Унинг сақичдай қоп-қора сочлари тўғри таралганди, акалари сочига ўхшаб кўнғироқ эмасди. Унинг тиниқ, зайтун сингари жигарранг танасига кўп қизлар ҳавас қилишар, умуман унинг хушбичимлиги назокат жиҳатидан гўзаллиликда қиз-

лардан қолишмасди. Дон кенжа ўгли ҳақиқий эркак бўлиб вояга етишишига шубҳаланиб, ташвишланган пайтлар ҳам бўлган эди.

Майкл Корлеоне ўн етти ёшида отасининг ташвишларини пучга чиқарди.

Бугун ана шу учинчи ўғил отаси ва қадрдон оиласидан узоқлигини атайин тавкидламоқчи бўлгандай боғнинг олис бурчагидаги стол атрофида ўтирарди. Майклнинг ёнида унинг севиқлиси, гарчи у ҳақда ҳамма эшитган бўлса ҳам, лекин бугунга қадар ҳеч ким кўрмаган туб америкалик қиз ўтирарди. Майклга одоб ўргатишнинг зарурати йўқ эди. У севгилисини ҳамма билан, шу жумладан, қариндош-уруғлари билан ҳам таништириб чиқди. Қиз уларда унчалик яхши таассурот қолдирмади. У озгин, оқ-сарикдан келган бўлишига қарамасдан ўзини ўта эркин тутарди. Булардан ташқари аёл киши учун унинг қиёфасидаги зийраклик, ўйноқлик ҳам ортиқча эди. Исми ҳам қандайдир гайритабиий, қулоққа ёқимсиз эшитилади: Кей Адамс. Қиз унинг ота-боболари Америкага бундан икки юз йил олдин келишиб, ўрнашиб қолганлиги ва Адамс бу жойдаги оддий фамилиялардан бири эканлигини айтиши мумкин эди. Бироқ бундан стол атрофида ўтирганларга нима фойда?

Дон учинчи ўғлига мутлақо эътибор бермаётганлигини ҳамма сизди. Урушгача Майкл Доннинг суюкли ўғли эди ва вақти келганда оилавий ишларни бошқаришни ҳеч иккиланмасдан унга топширишни отаси ўйлаб юрарди. Майкл худди отаси сингари куч-қудратга, ақл-идроққа — бир сўз билан айтганда, одамлар ҳурмат қиладиган туғма қобилиятга эга эди. Лекин Иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолдию, Майкл Корлеоне отасининг хошиш-иродасига қарши кўнгилли бўлиб денгизчи пиёдалар қўшинлари сафига жўнаб кетди.

Дон Корлеоне кенжа ўғли унга бегона бўлган давлатга хизмат қилишини хоҳламас, ҳалок бўлишига эса мутлақо йўл қўймоқчи эмасди. Врачларнинг томоғини мойлаб ҳамма ишни ими-жимиди тўғрилади. Эҳтиёткорлик чорасини кўриш учун кўп пул сарфлади. Бироқ Майкл йигирма бир ёшга кириб қолган, ўз тақдирига ўзи хўжайин эди. У ҳарбий хизматга чақирилиб, жанг қилиш учун океан ортига жўнаб кетди. Капитанлик лавозимигача кўтарилиб, ҳарбий медаллар билан мукофотланди. 1944 йили “Лайф” журнали саҳифаларида унинг сурати ва кўрсатган жасоратлари ҳақидаги фоторепортаж босилиб чиқди. Танишларидан бири журнални дон Корлеонега кўрсатганда (оила аъзоларидан ҳеч бири унга журнални кўрсатишга журъат этолмаганди) Дон менсимагандай қилиб:

— Бундай мўъжизаю кароматлар бегоналар учун кўрсатилади, — деди.

1945 йилнинг бошида оғир яралангандан кейин Майкл Корлеонени ҳарбий хизматдан бутунлай бўшатиб юборишди. Бу отасининг иши эканлиги етти ухлаб унинг тушига ҳам кирмаганди. Уч ҳафта уйда дам олиб ётгандан кейин ҳеч ким билан маслаҳатлашиб ўтирмади-да, Ханновернинг Нью-Гемпшир шаҳарчасидаги Дортмут дорилфунунига ўқишга кирди ва ота-онаси уйини тарк этди. Мана, сингисининг тўйини ўтказиш, шу билан биргаликда бўлғуси хотинини — худди ювилавериб асл рангини билиб бўлмайдиган ҳолга келган латтага ўхшаш рангпар америкалик ёшгина аёлни кўрсатиш учун келганди.

Майкл Корлеоне тўйга келган обрў-эътиборли меҳмонлар ҳақида қизиқарли латифалар айтиб, Кей Адамсни зериктирмай ўтирарди. Бу тўпори одамларни кўриш Майклнинг ўзи учун ҳам қизиқарли эди. Кейнинг ҳар қандай янгиликка, ҳали ўзи билмаган нарсаларга ўчлиги Майклни доим мафтун этиб келарди. Хонаки вино қуйилган ёғоч бочка ёнида турган бир тўп одамлар Кейнинг эътиборини тортди. Майкл Америго Бонасерани, новвой Назоринни, Люка Бразини таниди. Кей ўзига хос зийраклик билан уларнинг уччаласи ҳам алланарсадан хафалигини сизди. Бунга Майклга айтганда, у кулимсиради:

— Бўлмасам-чи. Улар илтимосчилар. Отам билан ёлғиз гаплашиш учун қулай пайтни пойлашиб туришипти.

Ҳақиқатан ҳам уларнинг ҳар уччаласи Дон Корлеонедан кўз узишмаётганини четдан туриб ҳам сезиш мумкин эди.

Хиёбон охиридаги тош тўшалган майдончанинг нариги томонига қора “шевроля” машина келиб тўхтаганда хонадон соҳиби дарвоза олдида ҳамон меҳмонларни кутиб олиш билан банд эди. Олдинги ўриндиқда ўтирган икки киши

дафтарчаларини олиб зудлик билан бошқа машиналарнинг номерларини ёза бошлади. Сонни отаси томон ўгирилиб:

— Полициядан келишган, — деди.

Дон Корлеоне елкасини қисди:

— У кўча менга қарамайди. Билганини қилишсин.

Дон Корлеоне у одамларнинг кимлигини яхши биларди. Бекорга унинг энг яқин дўстлари, энг обрў-эйтиборли меҳмонлар ўз машиналарида келмасликлари тўғрисида огоҳлантириб қўймаганди. Дон Корлеоне хафа бўлмади. Жамият сени ҳар қадамда ҳақорат қилишини билсанг, доим бунга тайёр турсанг, энг кичкина одам ҳам катта куч-қудратга эга бўлган одамдан қасос оладиган пайт албатта келади, деган ўй билан ўзини-ўзи юпатиб, ҳақоратларга бардош бериши кераклигини у аллақачон тушуниб етганди. Ана шу оддий ҳақиқат Донни ортиқча такабурликдан сақлар, унга яқин кишилари беҳад қадрлайдиган камтарона хокисорлик хислатларини бахш этарди.

Ана уй ортидаги боғдан музика садолари эшитилди. Таклиф этилган меҳмонларнинг ҳаммаси тўпланди. Дон Корлеоне қақирилмаган меҳмонлар тўғрисидаги гапларга қўл силтади-да, икки ўғли ҳамроҳлигида тўй базмига йўл олди.

Катта боғ юзлаб одамлар билан гавжум эди: бировлар гуллар билан безатилган тахта эстрадада рақс тушишар, бошқалар турли ширинликлар, хилма-хил таомлар, графинларга хонаки винолар қуйилган узун столлар атрофида ўтиришарди. Келинчак Конни Корлеоне ёш куёв, энг яқин ўртоғи, куёвжўралар ва дугоналари билан тўкин-сочин безатилган махсус сўричада тантанавор кайфиятда ўтирарди. Тўй қадим замонлардан бери Италияда давом этиб келаётган халқ удуми бўйича ўтаётганди. Гарчи бу келинчакка ёқмаса-да у ён босишга мажбур бўлди, чунки у бунингсиз ҳам танлаган куёви туфайли отасини ранжитиб қўйган эди.

Куёв Карло Рицци фақат ота томонидан сицилиялик эди. Онаси Италиянинг шимолида туғилган эди. Унинг кулранг сочлари ҳамда кўм-кўк кўзлари ўғлида мужассам эди. Куёвнинг ота-оналари ҳозир Невадада яшашар, Карло эса қонунга зид арзмаган иш қилиб қўйганлиги туфайли. Нью-Йоркка келиб қолганди. Бу ерда у Сонни Корлеоне билан учрашиб қолди ва Сонни орқали унинг синглиси билан танишди. Табиийки, дон Корлеоне дарҳол Невадага ишончли одамларини жўнатди. Улар полиция билан келишмовчилик Карлонинг ёшлиқ қилиб эҳтиётсизлик билан қурол ишлатгани натижасида рўй берганини хабар қилишди. Ташвиш қиладиган жиддий ҳеч нарсанинг ўзи йўқ эди, қоғозларни осонгина йўқ қилиш мумкин, кейин куёвтўра сутдай оппоқ бўлади-қолади. Ишончли кишилар шу билан биргаликда Донга Невададаги қонуний киморхоналар тўғрисида батафсил ахборотлар ҳам олиб келишди. Бу маълумотларни қизиқиш билан тинглаган Дон ҳамон ўша киморхоналар ҳақида ўйларди. Дон Корлеоне ютуқларининг сири шунда эдики, у ҳар қандай арзмаган нарсадан ўзига фойдали, тегишли хулоса чиқара оларди.

Конни Корлеоне севги тўла кўзлари билан куёвга тикилиб тўймасди. Карло Рицци ёшлигидан ёрдамчи ишларга ёлланиб, саҳроларда ишлаганди. Очик осмон остидаги оғир жисмоний меҳнатдан унинг мускуллари бўртиб чиққан, устидаги фрак чокларидан сўкилиб кетай дерди. У қаллиғига тинимсиз мулозamat қилар, тез-тез вино кўйиб берар, худди театр томошаларида иштирок этишаётгандай қаллиғига намойишкорона хушомадгўйлик қиларди. Айни пайтда тасодифан кўзи тушиб қолгандай келинчакнинг ўнг елкасида осилиб турган қалин конвертлар солинган ҳамёнга қараб-қараб кўярди. Унда қанча пўл борикин? Ўн мингми? Йигирма мингми! Карло Рицци беҳад хурсандлигини аранг яшириб ўтирарди. Булар бошланиши, холос. Кимга куёв бўляпти денг — қирол насли-насабига мансуб бўлган одамларга. Энди улар хоҳлашса ҳам, хоҳлашмаса ҳам Карло ҳақида бош қотиришга, унга ғамхўрлик қилишга мажбур.

Меҳмонлар орасидаги қотмадан келган, сочлари силлиқ таралган олифта бир йигитнинг нигоҳи ҳам атлас ҳамёнда эди. Тарки одат — амри маҳол, деганларидай, Полли Гатто бу ёғлиқ нимтани ўғирлашнинг осонроқ йўлини қидираётганди. Худди болалар душман танкларини пўкак тўппонча билан мажақлаш-

ни орзу қилганлари каби, рўёбга чиқмас хомхаёл эканлигини яхши билган Полли қиладиган иши йўқлигидан ўзини шу йўл билан овутарди. У рақс майдончаси томон қаради. Майдончада унинг устози бўлмиш, ёши анчага бориб қолган хўппасемиз Питер Клеменца ёш аёлларни гирдикапалак қилиб айлантирарди. Кўринишидан баҳайбат ва қўпол бўлган Клеменца шундай енгил ва моҳирона рақс тушардики, томошабинлар уни қарсақлар билан олқишлашарди. Ёши бир-мунча улғайиб қолган аёллар унинг тирсагидан ушлаб рақс тушишга таклиф қилишарди. Ёшроқлари эса ўзларини четга олиб, унга йўл беришар ва Клеменца рақс тушаётганда мандолинанинг оҳангига жўр бўлишиб, қарсақ чалишарди. Ниҳоят, Клеменца ҳолдан тойиб, стулга ўтириб қолди. Полли Гатто дарҳол унга бир стакан муздай қизил-қизил вино тутди. Кейин терлаб кетган, суяклари бўртиб чиққан юзини янги рўмолча билан артди.

— Бўлди, иш ҳам эсингдан чиқмасин, — деди Клеменца гўлдираб. — Бор, бир айланиб кел-чи, ҳамма нарса жойидами?

Полли одамлар орасида кўздан ғойиб бўлди.

Тўрт музикачи томоғини ҳўллаб олишга кириб кетишди. Ёш раққослардан бири Нино Валенти улар қолдирган мандолинани олди-да, чап оёғини стулга тираб қочиримли сицилианча қўшиқлардан бирини бошлаб юборди. Нино Валентининг чиройли чехраси тинимсиз ичкиликбозликдан сал шишинқираган эди, у ҳозир ҳам ичиб олганди. Нино Валенти кўзларини ўйнатиб, қўшиқнинг қичиқди жойларини завқ-шавқ билан куйлар, аёллар белларини ушлаб қийқаришар, эркаклар эса ҳар бир тўртликнинг охирида жўровоз бўлишарди.

Одоб-ахлоқ чегарасидан чиқмаслиги билан одамлар орасида мақолга айланиб кетган дон Корлеоне (унинг семиз бақалоқ хотини бунга мутлақо парво қилмасдан бошқалар билан теппа-тенг қичқирарди) аста уйга кириб кетди. Қулай пайтдан фойдаланган Сонни Корлеоне дарҳол келин-куёвлар даврасидан Люси Манчинине ёнига келиб ўтирди. У ташвишланмаса ҳам бўларди: хотини ошхонада тўй пирогига сўнгги пардоз бериш ишлари билан банд эди. Сонни қизнинг қулоғига алланималар деб пичирлади, қиз ўрнидан турди. Сонни бир оз кўтиб турди-да, баъзи бир меҳмонлар билан бир-икки оғиз гаплашган бўлиб, одамлар орасидан ўтиб, қизи кетган томонга юрди.

Уларни юзлаб кўзлар кузатиб турарди: келинчакнинг энг яқин дугонаси бўлган, гулдай очилган, коллежда ўтказган уч йил мобайнида бутунлай америкалашиб кетган Люси Манчини алақачон “ўтмиши бор” қизга айланиб қолган эди. Узун пуштиранг кўйлагининг этакларини сал кўтариб олган Люси Манчини сохта масъум табассум билан уйга кирди-да, ҳожатхонага олиб борадиган зинапоядан югуриб кетди. У эшик олдида қайта пайдо бўлганда юқоридаги майдончада Сонни Корлеоне ўзига имлаб турарди.

Томас Хейген дон Корлеоненинг бурчакдаги ишхонасининг ёпиқ деразасидан байрамона безатилган боғдаги ўйин-кулгини кузатиб турарди. Унинг орқасида девор бўйлаб чўзилган тоқчалар қонуншуносликка оид китоблар билан тўла эди. Хейген Дон оиласида ишбоши бўлиб хизмат қилар, ҳозир эса унга вақтинча маслаҳатчи вазифаси ҳам юкланган, шунинг учун у Корлеонелар оиласида мансаб масъулиятига кўра биринчи ўринда турарди. Улар Дон билан биргаликда ушбу хонада жуда кўп чигал масалаларни ҳал этишганди. Мана ҳозир ҳам Руҳоний ота меҳмонларни ёлғиз қолдириб, шу хона томон юрди. Хейген тушунди, тўй ўз йўлига, бугун ҳам ҳал қилинадиган анча-мунча ишлар бор. Дон ҳозир бу ерга киради. Сонни Люси Манчинининг қулоғига алланималар деб пичирлагандан кейин рўй берган воқеаларни Хейген кўриб турганди. Бу воқеани Донга айтсамми-айтмасамми деб пешонасини тириштирди. Йўқ, айтишга арзимайди. У ўгирилиб стол устида ётган Дон билан танҳо суҳбатлашиш учун рухсат олганлар рўйхатини кўлга олди. Хейген рўйхатни хонага кирган дон Корлеоненинг қўлига тутқазди.

Руҳоний ота:

— Бонасерани кейинроққа қолдир, — деди.

Хейген ойнаванд эшикни очиб, тўғри боғдаги илтимосчилар ҳамон атрофида тўпланиб турган вино бочкаси томон юрди. Бақалоқ новвой Назоринни имлаб чақирди.

Дон Корлеоне новвойни кучоқлаб, дўстона кутиб олди. Улар болалик йилларини Италияда бирга ўтказишган, бирга улғайишган эди. Ҳар йили Пасха байрамада дон Корлеоненинг уида катталиги араванинг филдирагидай келадиган янги пиширилган ватрушкалар, тухум сариғи суртилганидан олтиндай товланиб турадиган буғдой нонлар келтириларди. Рождество байрамада, Дон Корлеоне туғилган кунларида дастурхонни безатадиган қатламалар, тортлар ва кремли сомсалар ҳам Назориннинг садокатидан гувоҳлик бериб турарди. Кам-ҳосил ёки серҳосил келишидан қатъий назар, ҳар йили Назорин узоқ ёшлик йилларида дон Корлеоне томонидан ташкил этилган новвойлар касаба уюшмасига аъзолик бадалларини кечикмасдан ўз вақтида тўлиб келарди. Буларнинг эвазига ҳеч қачон ҳеч нарса сўрамаганди. Хуллас, садокатли дўстлиги туфайли эришган ҳақ-хуқуқини талаб қиладиган ва дон Корлеоне унинг илтимосини қондирадиган пайт етиб келган эди.

Мезбон новвойни қимматбаҳо италян сигаретаси билан сийлади, каҳрабодай тиниқ вино билан меҳмон қилди ва меҳрибонлик билан елкасига қўл ташлади. Бировга илтимос билан мурожаат қилиш учун қанчалик дадиллик, қанчалик жасорат кераклигини у ўзининг аччиқ тажрибасидан яхши биларди.

Новвой дон Корлеонега қизи ва Энцо воқеасини сўзлаб берди. Тўғриси айтганда йигит Американинг ғалаба қозониши учун жанг қилди. Мана, уруш ҳам тугади. Энди толеи паст бу йигитни Италияга жўнатмоқчи бўлишяпти. Назориннинг қизи эса бу ерда куёвтурани соғиниб, сарғайиб хазон бўлади. Бахти қаро севишганларга фақат Руҳоний отагина ёрдам бериши мумкин. Ҳамма умид ўшандан.

Назорин гапини тугатгач, дон Корлеоне мийиғида кулиб қўйди.

— Азиз дўстим, ташвиш қилма, бирор чорасини топармиз.

У қандай йўл тутиш кераклигини батафсил тушунтирди. Энг аввало уларнинг округидан сайланган конгрессменга ариза ёзиш керак. Конгрессмен Энцо Америка фуқаролигига эга бўлишини таъминлайдиган махсус қонун лойиҳасини конгрессга тавсия қилади. Бундай қонун лойиҳаси албатта қабул қилинади. Дон Корлеоне бу ишларнинг ҳаммаси пул билан битишини, ҳозирги қиймат билан икки минг доллар кетишини тушунтирди. Дон Корлеоне керакли одамларнинг томоғини мойлайди ва ишни хамирдан қил суғургандай битказди. Дўсти бунга рози бўлармикин?

Назорин мамнун бош қимирлатиб рози эканлигини билдирди. Албатта, у мушук бекорга офтобга чиқмаслигини, бундай ишлар бекорга қилинмаслигини биларди. Конгресснинг махсус қарори — айтишга осон, холос! Бу ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Назорин кўзларига ёш олиб миннатдорчилик билдирди. Дон Корлеоне уни эшиккача кузатиб қўйди ва тайёр бўлиб туриши кераклигини тайинлаб айтди. Керакли одамлар новвойхонага учрайди, ҳамма нарсани келишиб олишади, зарур қоғозларни тўғрилашади. Улар остонада кучоқлашиб хайрлашдилар. Назорин боғда кўздан ғойиб бўлди.

Хейген кулимсираб Донга қаради.

— Бу Назорин тушмагур девор бўлмаса кўчани кўрадиган одам тоифасидан экан-ку! Бор-йўғи икки минг долларга ҳам куёвлик, ҳам доимий ёрдамчилик бўлиб қолди. Сув текинга-я! — У жим қолди. Сўнгра: — Бу ишни кимга топширамиз? — деб сўради.

Дон Корлеоне ўйланиб қошларини чимирди:

— Бизнинг сицилиялик конгрессменимиз тўғри келмайди. Қўшни округдаги яҳудий конгрессменни ишга сол. Назориннинг манзилгоҳини ҳам ўзгартир. Урушдан кейин бунга ўхшаш воқеалар кўп бўлади, — деб ўйлайман. Иш кўпайиб, баҳоси кўтарилиб кетмаслиги учун Вашингтонда бизга қарашли одамлар кўпроқ бўлишига эришиш керак. — Хейген ён дафтарчасига турли белгилар қўйди: “Конгрессмен Лютекс бўлмайди, Фишер билан гаплашиш керак”.

Дон Корлеоне яна нима гап, дегандай бошини кўтарди.

— Люка Брази ҳузурингизга кирмоқчи, лекин у рўйхатда йўқ. Сизни шахсан табрикламоқчи: одамлар олдида табриклаш мумкин эмаслигини билади, — деди Хейген.

Доннинг қиёфасида норозилик ифодаси пайдо бўлди.

— Уни албатта қабул қилиш керакми?

Хейген елка қисди.

— Сиз мендан яхшироқ биласиз. Тўйга таклиф қилганингиздан беҳад миннатдор эканлигини айта оламан, холос. Буни кутмаган экан. Кўринишидан мамнунлигини билдирмоқчи бўлса керак.

Дон Корлеоне, ҳаммаси тушунарли. Люка Бразини чақир, дегандай кафти очик қўлини кўтарди.

Боғда юрган меҳмонлар орасидан башарасига ўрнашиб қолган ва қон-қонига сингиб кетган баджаҳлик ифодаси билан бошқалардан ажралиб турган Люка Брази Кей Адамснинг диққат-эътиборини тортди. Унинг кимлигини сўради. Майкл аста-секин ва имкони борича малол келмайдиган қилиб отаси ҳақидаги ҳақиқатни тушунтириш мақсадида Кейни тўйга бошлаб келганди. Кўринишидан Кей Донни оддий, эҳтимол ҳеч нарсанинг фарқига бормайдиган, палапартиш иш тутадиган савдогар, деб ўйлади. Майкл гапни узоқдан бошлаб аста-секин унга бор гапни тушунтиришга ҳаракат қилди. У Шарқий соҳадаги жиноятлар дунёсида Люка Бразидан кўрқинчлироқ кимса йўқлигини айтди. Миш-мишларга қараганда, унинг маҳоратининг ўзига хослиги шунда эдики, ҳар қандай қотилликка яқка ўзи, шерикларсиз қўл урарди, бу эса қонун ҳимоячиларини жиноятчини топиб, жазолаш йўлидаги ҳар қандай имкониятдан маҳрум қиларди. Майкл лабини чўчқайтирди.

— Буларнинг ҳаммаси қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини билмайман. Лекин отам билан унинг ўртасида қандайдир дўстона алоқа борлигини аниқ билман.

Шундагина Кей бир нарсани тушунгандай бўлди. Лекин бунга ҳали ўзи ҳам ишонмаган ҳолда шунчаки ўсмоқчилаб сўради:

— Сен бу нусха отанг билан ҳамкорликда иш олиб боришига ишора қиляпсанми?

Жин урсин, яшириб нима қиламан, ўйлади Майкл. Тўғриси айтман.

— Бундан ўн беш йил илгари баъзи бир кимсалар отамни синдирмоқчи бўлишган. У чет элдан зайтун мойи келтириб сотарди. Отамни ўлдирishга ҳам уриниб кўришган, бироқ мўъжиза туфайлигина у тирик қолган. Отамнинг душманлари билан Люка Брази шуғулланган. Одамларнинг айтишларига қараганда, у ярим ой ичида олти кишини ўлдириб, катта шов-шувга сабаб бўлган зайтун мойи урушига чек қўйган экан.

Майкл худди ҳазиллашаётгандай кулиб гапирди. Кейнинг эса бутун вужудини қалтироқ босди.

— Ҳақиқатан ҳам отангга гангстерлар ўқ узишганми?

— Бу воқеа ўн беш йил аввал бўлган, — деди Майкл. — Шундан бери ҳаммаёқ сув қуйгандай жим-жит. — У лақиллаб кўп нарса айтиб қўйганидан ташвишлана бошлади.

— Мени кўрқитмоқчи бўляпсанми? — деди Кей. — Менга уйланмоқчи эмасан, тамом-вассалом. Шунинг учун кўрқитяпсан. — У тирсаги билан Майклни туртди. — Жуда бопта ўйлабсан.

Майкл кулди.

— Сен бу нарсалар ҳақида бош қотириб кўр, демоқчиман.

— Шошма, у ҳақиқатан ҳам олти одамни ўлдирганми? — сўради Кей.

— Агар газеталарга ишонадиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам шундай, — деди Майкл. — Аммо ҳеч нарса далилланмаган. Лекин умуман олганда, бу Люка дегани осон чақиладиган ёнғоқ эмас.

Люка Бразининг олдида ҳақиқатан шайтоннинг ўзи ҳам қалтираб қолиши мумкин эди. Унинг бирор жойда пайдо бўлишининг ўзи хавф-хатарнинг тимсоли эди. Паст бўйли, суяклари йўғон, калласи катта Люка Бразининг башарасида ҳайвоний ваҳшийлик мухрланиб қолганди. Унинг жигарранг кўзларида ботқоқликнинг кўнғирранг ўлик мавжи каби совуқлик яширинган эди. Хом бузоқ гўшти рангини эслатувчи узун ингичка лаблари ҳам бениҳоя шафқатсизлик ҳамда ҳаёт нишонаси йўқлиги билан одамни лол қолдирарди.

Люка Бразининг шуҳрати одамларни даҳшатга солар, унинг дон Корлеонега садоқати тўғрисида афсоналар тўқилган эди. Унинг бир ўзи дон Корлеоне куч-

қудрати пойдеворида бутун бир таянч устунини ташкил этарди. Люкага ўхшаш кимса камдан-кам топиларди.

Люка Брази полициядан ҳам, жамиятдан ҳам қўрқмасди. У худодан ҳам, шайтондан ҳам қўрқмас, ҳеч бир одамдан ҳам қўрқмас, айни пайтда ҳеч бир одамни севмас ҳам эди. Лекин фақат дон Корлеонедан қўрқар ва фақат уни севарди, ҳурмат қиларди. Шафқатсизлиги билан донг таратган Люка Брази Дон ўтирган хона остонасидан ҳатлаб ўтиши биланоқ унга ҳурмат-эҳтиром билдириб, тахтадай қотиб қолди. Дудуқланиб-дудуқланиб Донни тўй билан табрик-лади, биринчи невараси ўғил бўлсан, леб истак билдирди. Сўнгра тўйга атаб олиб келган совғани — банкнот солинган конвертни Донга топширди.

Люка Бразиға худди мана шу керак эди. Худди шу дақиқаларда Донда қандайдир ўзгариш юз берганини Хейген сезиб қолди. Дон Корлеоне Бразини худди қирол катта хизмат кўрсатган одамни қабул қилгандек ҳурмат-эҳтиром билан, лекин дўстона такаллуф билан қабул қилди. Ҳар бир хатти-ҳаракати, ҳар бир сўзи билан дон Корлеоне Люкани қадрлашини билдириб турди. Тўёна шахсан ўз қўлига топширилганига дон Корлеоне мутлақо таажжубланмади. У ҳамма гапни тушунганди.

Бу конвертда бошқа конвертлардагига қараганда кўп пул борлигига шубҳаланмас ва бўларди. Ахир Брази бошқалар қанча тўёна қилишлари мумкинлигини ҳисоб-китоб қилиш учун бекорга бир неча соат бош қотирмаганди-да! Ким Донни ҳаммадан кўра кўпроқ ҳурмат қилишини кўрсатиб қўйиш учун унинг тўёнаси бошқаларникидан зўрроқ бўлиши керак эди. Худди шунинг учун ҳам у конвертни ёшларга эмас, балки шахсан Корлеоненинг қўлига топширди. Дон ҳам унинг арзимаган табригига самимий сўзлар билан миннатдорчилик билдириб бу ўзбошимчаликни кечирди. Хейген Люка Брази қиёфасидаги шафқатсизлик йўқолиб, гурур ва мамнуниятдан қалди тикланиб бораётганлигини кўриб турарди. Хейген эшикни очди. Люка Брази Доннинг қўлини ўпиб, ташқарига чиқди. Хейген табассум билан уни кузатиб қўйди. Унга жавобан чорпахилдан келган, паст бўйли қотилнинг тирикликдан асар бўлмаган резина лаблари икки томонга қараб ёйилди.

Эшик ёпилгач, дон Корлеоне аста енгил нафас олди. Фақат Люка Брази олдида у ўзини ўта безовта ҳис қиларди. Даҳшатли табиий офатга ўхшайдиган бу одамни ҳеч қандай тизгинга солиб бўлмасди. У билан ҳар дақиқада портлаб кетиши мумкин бўлган портловчи модда билан муомала қилгандай ўта мулоимлик, эҳтиёткорлик билан гаплашиш керак эди. Дон елкаларини қисди. Нима қипти, агар зарурат туғилгудек бўлса, портловчи моддани ҳам мутлақо зарар етказмайдиган қилиб портлатиш мумкин.

— Биргина Бонасера қолдими? — дегандай дон Хейгенга қаради.

Хейген бош иради. Дон Корлеоне пешонасини тириштирди.

— Майли, қақир, лекин олдин Сантинони топиб кел. Кўзи пишсин.

Хейген Сонни Корлеонени излаб боғни тўла айланиб чиқди. Бонасерадан яна бир оз кутиб туришни илтимос қилиб, Майкл Корлеоне севиклиси билан ўтирган столга яқинлашди.

— Соннини кўрмадингми? — сўради ташвишланиб.

Майкл бош чайқади. Энди буниси етмай турганди, ўйлади Хейген. Агар ҳалигача Сонни келиннинг дугонаси билан кўнгилхушлик қилаётган бўлса, кўринг томошани. Соннининг хотини, унинг ота-оналари шу ерда. Катта жанжал бўлиши мумкин. У ташвишланиб бундан ярим соат илгари Сонни кириб кетган хона томон юрди.

Унинг окрасидан қараб қолган Кей Адамс яна Майклдан сўради:

— Бу ким? Бизни таништираётиб акам дегандинг, лекин унинг фамилияси бошқа. Кейин мутлақо италияликка ўхшамайди.

— Том ўн икки ёшидан буён бизникида яшаб келяпти. Ота-онасиз қолгандан кейин кўчаларда дайдиб юриб, қаердандир юқумли кўз касаллигини илаштириб олганди. Кунлардан бирида Сонни уни бизникида тунаб кетиш учун бошлаб келди. Шу бўйича қолиб кетди. Борадиган жойи йўқ эди-да! Уйлангандан кейингина алоҳида яшай бошлади.

Кейнинг кўзлари ёшланди.

— Худди китоблардаги воқеаларга ўхшайди. Отанг кўнгли юмшоқ одам экан. Шунча фарзанди бўлатуриб, қаровсиз қолган болани ҳам қарамоғига олиш осон иш эмас.

Гарчи оилада тўрт бола бўлиши италиялик муҳожирларда оз ҳисобланса ҳам, Майкл баҳслашиб ўтирмади. Фақат:

— Томни ҳеч ким ўғил қилиб олгани йўқ. У биз билан яшаб қолди, холос, — деди.

— Шунақами? Қизик, нега энди у сизлар билан яшаб қолди?

Майкл кулиб қўйди.

— Отам айтадики, Том фамилиясини ўзгартирса, ота-онасига нисбатан ҳурматсизлик бўларди.

Улар Хейген Соннини отаси ўтирган хона эшиги олдига бошлаб кетганини, сўнгра Америго Бонасерани қўли билан имлаб чақирганини кўришди.

— Нега улар бугун ҳам отангни тинч қўйишмаяпти? — сўради Кей.

Майкл пиқиллаб кулди:

— Чунки одатга кўра қизининг тўйи куни ҳеч бир сицилиялик бирон-бир одамнинг илтимосини рад этолмайди. Ҳеч бир сицилиялик бундай имкониятни қўлдан бой бермайди ҳам.

Люси Манчини пуштиранг кўйлагининг этагини сал кўтариб, зинапоядан энгил югуриб чиқди. Юқоридаги майдончада турган Сонни унинг қўлларидан ушлаб тортиб олди-да, йўлак бўйлаб етаклаб бўш хоналардан бирига олиб кириб кетди. Қизнинг тиззалари қалтирарди. Эшик ёпилгач, Сонни тамакиннинг қўланса ҳиди бурқсаб турган лабларини қизнинг лабларига босди.

Эшик бир неча дақиқадан буён аста-секин тақилларди, лекин буни улар фақат эндигина сезишди. Люси шошилиб пуштиранг кўйлагининг этагини туз ширди. Том Хейгеннинг ўта секин овози эшитилди:

— Сонни, шу ердамисан?

Сонни “ҳайрият-е” дегандай энгил нафас олди. Люсига кўз қисиб қўйди.

— Шу ердан, Том. Нима дейсан?

Хейген ўша секин овоз билан:

— Дон хонасида сени кутиб ўтирибди. Дарҳол келсин деяпти, — деди.

Қадам товушлари аста узоқлашиб, кейин тинди. Сонни яна бир-икки дақиқа кутиб турди-да, Люсининг лабларидан қаттиқ ўпиб, эшик орқасида ғойиб бўлди.

Люса пахмайиб кетган сочларини тузатди, яна бир бор кўйлагининг этагини, пайпоқларини текислади. Сўнгра зинапоядан югуриб тушиб, боққа кирди-да, келин-куёвлар столидаги аввалги ўрнига, келиннинг ёнига бориб ўтирди. Сонни хафа бўлиб, лабларини чўччайтирди:

— Қаёқларга йўқолдинг, Люси? Нима бўлди, худди маст одамга ўхшайсан. Энди қимирламай ёнимда ўтир.

Малласоч куёв бир нарсани сезиб қолгандай оппоқ тишларини кўрсатиб тиржайди-да, Люсига вино қуйди. Энди Люсига барибир эди. У ҳиди гупиллаб димоққа урилган қора суюқлик билан қуруқшаб қолган лабларини намлаб мариқиб ича бошлади. Унинг кўзлари қадаҳ устидан Сонни Корлеонени изларди. Ҳозир у бошқа ҳеч кимни кўрмасди. Қувлик билан келиннинг қулоғига пичирлади:

— Яна икки соатгина сабр қилиб тур. Кейин сен ҳам бу дунёнинг сўз билан ифода қилиб бўлмайдиган лаззатлари борлигини билиб оласан.

Конни пиқирлаб кулди.

Люси худди келинчакка аталган ноёб хазинани ўғирлаб олган кимсадай, бе-парво ўтирарди.

Америго Бонасера Хейгеннинг кетидан бориб бурчакдаги хонага кирди. Дон Корлеоне катта ёзув столи орқасига чўкиб олган. Дераза ёнида Сонни Корлеоне тик турарди. Дон бугунги қабул мобайнида биринчи марта меҳмонни хушламай кутиб олди: у билан кучоқлашиб кўришиш тугул, ҳатто қўлининг учини ҳам узатмади. Бонасеранинг хотини уй бекасининг энг яқин дугонаси эди, акс

ҳолда тўйга таклифнома олиш дафн этувчи идора бошлиғининг етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди. Америконинг ўзини эса дон Корлеоне мутлақо ёқтирмасди.

Бонасера гапни узоқдан бошлади:

— Рафиқангиз — чўқинтирган қизим тўйга келолмаганлиги учун маъзур тутасиз ва буни мутлақо ҳурматсизлик деб ўйламанг. У ҳамон касалхонада ётипти. — Бонасера бегона одамлар олдида гаплашишни истамагандай Сонни ва Том Хейгенга қараб қўйди. Дон бунга парво ҳам қилмади.

— Қизингиз туфайли бошингизга тушган кулфатдан хабардормиз. Агар бирор-бир ёрдамим тегадиган бўлса, тортинмай айтаверинг. Ҳар ҳолда менинг хотиним қизингизнинг чўқинтирган онаси бўлади. Бу илтифотингизни ҳали унутганимиз йўқ. — Бу киноя эди. Америго урф-одат талаб қилишига қарамасдан, дон Корлеонени ҳеч қачон “Тутинган ота” деб атамаганди. Америконинг қонсиз юзи кулранг тус олди. У айлангириб ўтирмасдан тўғриси сўради:

— Агар иложи бўлса сиз билан ёлғиз гаплашмоқчиман.

Дон Корлеоне бошини чайқади.

— Мен бу одамларга бутун борлиғимни ишонаман. Уларнинг ҳар бири менинг ўнг қўлим. Чиқиб туришларини илтимос қилиш уларни ҳақорат қилиш билан баробар бўлади.

Мурдашуй бир неча дақиқа кўзини юмиб турди ва ўз мижозларини юпатаётгандай овозини кўтармай бир хилда гапира бошлади.

— Мен қизимни Америкада қабул қилинган талаблар асосида тарбияладим. Американи ҳурмат қиламан. Америка оёққа туриб олишимга имкон берди. Мен қизимни эркин қўйдим, лекин айна пайтда унга ҳеч қачон оиламиз ор-номусини ерга урмасликни ўргатдим. Қизим италиялик бўлмаган бир йигит билан танишиб қолди. Кинога бирга борадиган бўлишди. Улар кинодан кеч қайтарди. Йигит бирор марта ҳам уйимизга киргани йўқ, биз билан, яъни қизнинг ота-онаси билан танишмади. Ҳаммасига чидадим. Лом-мим демадим, айбим шу. Икки ой илгари йигит қизимни сайр қилиб келишга таклиф этди. Яна бир ўртоғини ҳам етаклаб олибди. Қизимга виски ичиришиб, уни зўрламоқчи бўлишибди. Уддасидан чиқишолмапти. Қизим бунга йўл қўймапти. Шунда уни дўппослашипти. Касалхонага бориб кўрдим, икки кўзи моматалоқ бўлиб кўкариб кетипти. Қаншарини уриб синдиришипти. Докторлар симли тахтакач қўйишди. Қизим азоб-уқубатга бардош беролмай “Ота, отажон, гуноҳим нима? Нега улар мени бу куйга солишди?” деб хўнграб йиғларди. Унга кўшилиб мен ҳам йиғладим.

Гарчи овозидан ҳамон унинг ҳаяжонланаётганини сезиш мумкин бўлмасада, кўз ёшлари гапиришга халақит берарди.

Дон Корлеоне ўзига хос ишора билан ҳамдардлик билдирди. Бонасера давом этди, энди унинг овозида чинакам инсоний изтироб бор эди.

— Кўзимнинг оқу-қораси бўлган қизим жуда ёқимтой, чиройли эди. Одамларга ишонарди. Энди ҳеч қачон ҳеч кимга ишонмайди. Энди ҳеч қачон аввалгидай ёқимтой ҳам бўлмайди. — Бонасеранинг елкалари силкина бошлади. Унинг заҳил ёноқларида хунук қизил доғлар пайдо бўлди. — Мен интизомли америкалик сифатида полицияга мурожаат қилдим. Безориларни қамоққа олишди. Кейин суд қилишди. Далил-исботларни рад этиб бўлмасди. Ҳар икки йигит ҳам ўзини гуноҳкор деб тан олди. Судья уларни ҳар бирини уч йилдан муддатга шартли тарзда ҳукм қилди. Ўша куниеқ суд залининг ўзида уларни озодликка чиқариб юборишди. Мен аҳмоқ бўлиб қолавердим. Анови махлуқлар эса менинг устимдан кулишиб, ошқора масҳара қилишди. Ана шунда хотинимга “Адолатни дон Корлеонедан излаш керак” дедим.

Дон Бонасеранинг гапларини бегона одамнинг ғам-ташвишига ҳамдардлик белгиси сифатида бошини эгиб ўтириб тинглади. Бироқ Бонасера у гапини тугатгач:

— Нега полицияга мурожаат қилдингиз? Нега бошидаёқ менинг олдимга келмадингиз? — деди. Бу сўзлардан унинг кадр-қиммати ҳақоратланганини сезиш қийин эмасди.

Бонасера эшитилар-эшитилмас:

— Мен нима қилишим керак? Мендан нимани талаб қилишди денг? — Бу сафар унинг овози ўта совуқ, кўрс эшитилди.

— Хўш, сиз илтимос қилган нарса нима экан? — жиддий сўради дон Корлеоне.

Бонасера Хейген ва Сонни Корлеоне томон қаради ва бошини чайқади. Дон ўрнидан турмасдан бутун гавдаси билан олдинга эгилди. Бонасера бир оз жим туриб, кейин лаблари Доннинг туклари яққол кўриниб турган қулоқларига теккудай яқин келди. Дон Корлеоне Бонасеранинг гапларини нигоҳини олиб бўшлиқларга тиккан ҳолда, худди тавба-тазарру қилиб сиғинаётган руҳонийдек эҳтироссиз, бепарво тинглади. Анча вақт ўтди. Бонасера сўнгги сўзларини пичирлаб айтиб, қаддини ростлади. Дон унга ўткир нигоҳини қадади. Бонасера қизариб кетди, лекин кўзини олиб қочмади.

Ниҳоят Дон:

— Бунинг иложи йўқ, — деди. — Ҳар қандай иш ҳам меъёрида бўлишини билиш керак.

Бонасера овозини кўтариб, лўнда қилиб:

— Буёғидан ташвиш қилманг. Қанча бўлади? — деди.

Бу сўзлардан Хейген сергакланди ва асабий ҳолда бошини кўтарди. Сонни Корлеоне суҳбат бошлангандан буён биринчи марта ўгирилиб қаради ва истехзоли жилмайиб, қўлларини кўкраги устига қўйди.

Дон ўрнидан турди. Унинг юзидан ҳеч нарса ни англаб бўлмасди, овозидан томирдаги қонлари музлаб қолгандай эди.

— Бир-биримизни кўпдан бери биламиз, — деди у. — Лекин бошингизга ташвиш тушгунга қадар менинг олдимга бирор марта ёрдам ёки маслаҳат сўраб келмагандингиз. Сўнгги марта қачон мени бир пиёла чойга таклиф қилганингизни ҳам эслай олмаяпман. Ахир ёлғиз қизингизни менинг хотиним чўқинтирганди-ку! Очиқчасига айтганда сиз дўстлигимизни писанд қилмадингиз. Менга боғланиб қолишдан кўрқдингиз.

Бошимга кўнгилсизликлар орттириб олишни хоҳламагандим, — деди Бонасера бўғиқ овоз билан.

Дон қўлини кўтарди:

— Йўқ, шошманг. Бир пас жим туринг. Американи сиз ўзингизча жаннат деб тасаввур этгандингиз. Катта ишлар қилдингиз, мўмай-мўмай пул топдингиз. Сиз бу дунёни хоҳлаганингизча ўйнаб-кулиб яшайдиган тинч-сокин маскан, деб ўйладингиз. Ишончли дўстлар орттиришни хаёлингизга ҳам келтирмадингиз. Бунинг сизга кераги ҳам йўқ эди. Чунки, сизни полиция кўриқлар, қонун ҳимоя қилар экан, сиз ва ҳамтовоқларингиз нимадан ҳам ташвиш қилардинглар. Дон Корлеоненинг сизга нима кераги бор эди! Нима ҳам қилардик. Менга осон бўлгани йўқ. Лекин қадрламайдиганларни, писанд қилмайдиганларни мажбур қилиб дўст тутинишга ўрганмаганман. — Дон бир дақиқа тўхтаб мурдашўйга истехзоли жилмайиб қўйди. — Мана энди остонамга келиб, “Дон Корлеоне, адолат юзага чиқишига ёрдам беринг” деяпсиз. Шунда ҳам ҳеч қандай ҳурмат-эҳтиромсиз сўраяпсиз. Қизимнинг никоҳ тўйи куни уйимга келиб, менга қотилликни таклиф қиляпсиз. Сўнгра эса дон Корлеоне Бонасерани ошкора эрмаклагандай “Қанча пул кетса тўлайман” десин. Йўқ, мен хафа бўлаётганим йўқ, фақат мени бунчалик менсимаганлигингизнинг сабаби нима эканлигини тушунолмаяман.

Азоб-уқубат ва кўрқиб яшашдан зада бўлиб қолган мурдашўйнинг қалб тубидан бир нидо отилиб чиқди.

— Америка мени бағрига олди, бошпана берди. Мен бу юртнинг намунали фуқароси бўлмоқчи эдим. Фарзандларим Америка фарзандлари бўлиб қолишларини орзу қилгандим.

Дон маъқуллаш маъносида кафтларини икки марта бир-бирига уриб қўйди.

— Ажойиб сўзлар. Жуда зўр. Шундай экан, шикоят қилишингизга ҳеч қандай асос йўқ. Бориб касалхонадаги қизингиздан хабар олинг, гуллар, ширинликлар олиб боринг. Қизингиз ҳам хурсанд бўлади, сиз ҳам юпанасиз. Ростини айтганда, бу сиз ўйлагандай ташвишли нарса эмас. Йигитлар ёш, қизиққон пайти. Бунинг устига улардан бири катта амалдорнинг ўғли. Шунақа, азизим.

Америго, сиз ҳамма вақт тўғрисида одам бўлиб келгансиз. Гарчи мени назар-писанд қилмай келган бўлсангиз ҳам Америго Бонасеранинг гапларига шак-шубҳасиз ишонишимни эътироф этишим керак. Шунинг учун ҳам бу ярамас ўйларни миянгиздан чиқариб ташлашга ваъда беринг. Бу америкаликларга хос нарса эмас.

Бу сўзларнинг замирида аччиқ, заҳарханда киноя бор эдики, Доннинг овозидаги яширин қаҳр-ғазабдан ҳамма иш чаппасидан кетганини сезган бечора мурдашўй ўзини қўйгани жой тополмай қолди. Лекин бу гал ҳам бўш келмади.

— Мен адолат юзага чиқишини илтимос қиламан.

Дон Корлеоне бўлиб-бўлиб:

— Адолат судда юзага чиққан, — деди.

Бонасера ўжарлик билан бош чайқади.

— Йўқ. Судда анови махлуқлар учун адолат юзага чиқди. Менга нисбатан адолатсизлик бўлди.

Дон бу фарқнинг нозик жиҳатларига тўғри баҳо бергандай бошини эгди.

— Сизнингча адолат юзага чиқиши учун нима қилиш керак? — сўради Дон.

— Қонга — қон, жонга — жон бўлиши керак, — деб жавоб берди Бонасера.

— Жуда ошириб юбордингиз, — деди Дон. — Ахир қизингиз тирик қолип-ти-ку?

— Қизим тортган азоб-уқубатларни улар ҳам бошларидан ўтказишсин, — деди Бонасера истаб-истамай.

Дон унинг яна нима дейишини кутиб турди. Бонасера сўнгги журъат билан:

— Бунинг учун қанча тўлашим керак? — деди.

Бу изтироб тўла қалб нидоси эди.

Дон Корлеоне ўгирилиб олди. Бу гап тамом дегани эди. Бонасера қилт этмай тураверди.

Шунда Дон дўсти янглишиб, хато қилганда ундан хафа бўлмайдиган кўнгилчан одамдай бу дақиқада ранги ҳар қандай ўлик ранги билан рақобатлаша оладиган тусга кирган мурдашўйга қаради. Энди дон Корлеоне шошилмасдан, мулойимлик билан гапирди.

— Энг аввало менинг ҳомийлигим остида бўлишдан нега кўрқасиз? — деди у. — Адвокатларга пул сарфлайсиз: улар эса сизни хоҳлаганларича лақиллатишлари мумкинлигини яхши билишади. Сиз суд ҳукми ҳақида куйиниб гапир-япсиз, у судья эса исловатхоналардаги аёллар сингари сотқин бир нарса. Ким кўпроқ узатса, ўшанинг ишини тўғрилайди. Шунча йилдан бери пул керак бўлса судхўрлик қилиб терингизни шилиб олаётган банкка бордингиз, олган қарзингизни қайтариш имкониятига эга эканлигингизни суриштириб билгунларига қадар, овқат ейдиган идишингизга бурунларини суққунларига қадар, эшигингиздаги қулф тешигидан мўралашиб, сизнинг кимлигингизни билгунларига қадар садақа сўраган гадодай қўл чўзиб жим тураверасиз.

Дон бир дақиқа жим қолди. Унинг овозида қатъият, жиддийлик бор эди.

— Агар менинг олдимга келганингизда ҳамёнимни қўлингизга тутқазиб қўйган бўлардим. Агар менинг олдимга келганингизда қизингизга озор берган анови махлуқлар бугун аччиқ кўз ёшларини тўкиб ўтиришган бўларди. Агар, худо кўрсатмасин, бирор кор-ҳол бўлиб, душман орттириб олсангиз, у менинг ҳам душманимга айланарди. Унда, — Дон қўлини кўтариб, бармоғи билан Бонасерани кўрсатиб, — душманларингиз сиздан кўрққан бўлишарди, — деди.

Бонасера бошини ҳам қилиб, синиқ овоз билан пичирлади:

— Ёрдам қилинг, ҳамма шартларингизга кўнаман.

Дон Корлеоне унинг елкасига қўлини қўйди.

— Яхши, — деди у. — Майли, адолат юзага чиқсин. Эҳтимол шундай кун келарки, менга ёрдамингиз тегиб қолар, яхшилигимга яхшилик билан жавоб қайтарарсиз. Ҳозир эса бу келишувимизни менинг хотинимдан, қизингизнинг чўқинтирган онасидан совға сифатида қабул қилинг.

Бонасера алланималар деб миннатдорчилик билдириб ташқарига чиққач, дон Корлеоне Хейгенга:

— Бу ишни Клеменцага топшир. Қон ҳидини сезиб, ўзини йўқотиб қўймайдиган оғир-босиқ йигитлардан танлаб олсин. Анови мурдаларнинг ҳамтовоғи

калласини пуч хомхаёллар билан тўлдириб олганлигидан қатъий назар, биз қотил эмасмиз.

Дон ота-онасининг умиди бўлган тўнғич ўгли боғда бўлаётган тўй-томошаларни кўриш учун яна деразага қараб олганлигини кўрди. Бундан ҳеч бало чиқмайди, ўйлади у. Сантино бу ишга мутлақо қизиқиш билдирмаётганлигидан ҳеч қачон у оилавий ишни эплай олмаслиги кўриниб турарди. Бошқа одам излашга тўғри келади. Асло кечиктирмаслик керак. Ахир Доннинг ўзини ҳам бу дунёга боғлаб қўйган эмас.

Боғдан шоду-хуррамлик овозлари эшитилди. Ҳар уччаласи ҳушёр тортди. Сонни Корлеоне деразага ёпишди. Ташқарига қараб олгач, чехраси ёришиб, эшик томон юрди.

— Айтмаганмидим, Жонни ҳарҳолда тўйга келипти.

Хейген дераза ёнига яқинлашди.

— Чиндан ҳам ўша, сиз чўқинтирган Жонни, — деди дон Корлеонега. — Шу ерга чақирайми?

— Йўқ, — деди Дон. — Меҳмонларни хурсанд қилаверсин. Олдимга киришга улгуради. — у Хейгенга кулиб қаради. — Ҳали кўрасан. У яхши йигит.

Хейгеннинг қалбида рашкми, ҳасадми, шунга ўхшаш бир нарса пайдо бўлади. Куруққина қилиб:

— Икки йилдан буён қорасини кўрсатмаганди. Яна бирор кўнгилсизлик юз берган бўлса керак. Балки ёрдам зарурдир.

— Бошига иш тушганда чўқинтирган отасининг олдига келмай, кимнинг олдига келади, — деди дон Корлеоне.

Боққа кириб келаётган Жонни Фонтейнни биринчи бўлиб келинчак Конни Корлеоне кўриб қолди. Шу дақиқадаёқ унинг ёлғондакам жиддийлигидан асар ҳам қолмади.

— Жон-ни-и! — дея қичқириб, ўтирган жойидан отилиб турди-да, югуриб бориб, унинг бўйнига осилиб олди.

Жонни Фонтейн уни маҳкам бағрига босди, лабларидан ўпиб, келинчакни кучоқлаб олган ҳолда бошқалар етиб келгунга қадар тураверди. Бу ердагиларнинг ҳаммаси Жоннининг қадрдон дўстлари эдилар. У Уэст-Сайд кўчаларида ана шу дўстлари билан бирга улғайишган. Конни уни куёвтўра олдига судраб келди. Малла сочли куёв энди бугунги куннинг қаҳрамони бўлмай қолганлигидан хафа бўлаётганлиги яққол сезилиб турарди. Бундан Жоннининг кулгиси келди. У одатдаги одамшавандалигини кўрсатиб, куёвнинг қўлларини маҳкам қисди ва унинг шарафига бир қадаҳ винони шарт кўтариб юборди.

Меҳмонлар ўгирган айвончадан таниш овоз эшитилди:

— Эй, Жонни, яхшиси, биронта кўшиқ айтиб берсанг-чи!

Жонни бошини кўтариб қаради: юқоридан Нино Валенти унга кулиб қараб турарди. Жонни сакраб айвонга чиқди-да, Нинони кучоқлаб олди. Илгари уларнинг орасидан қил ҳам ўтмас, бир-биридан ажралишмас, бирга куйлашар, қизлар билан бирга сайрга боришарди. Кейин Жонни кўшиқчи бўлиб, радиога ўрнашиб олгач, доврўғи кўтарилиб кетди. Кинога тушиш учун Голливудга жўнаб кетгач, Нинога шунчаки уёқ-бўёқдан лақиллаш учун бир-икки марта кўнғироқ қилди ва Нинонинг овозини маҳаллий клублардан бирида эшитиб кўришлари-га эришишга ваъда берди. Лекин сўзининг устидан чиқишга уриниб ҳам кўрмади. Ҳозир Нинонинг овозини эшитиб, унинг жилмайиб турган чехрасида ўша бепарволик, сархушлик, жиндеккина сурбетликни кўриб, Жоннининг дўстига нисбатан меҳри яна товланиб кетди.

Нино мандолина торларини чертди. Жонни Фонтейн унинг елкасига қўлини ташлади.

— Келинчак шарафига, — деди-да, ер тепиниб, сицилианча ишқий лапарлардан бирини куйлай бошлади. Жонни куйларкан, Нино чиройли хатти-ҳаракатлари билан гавдасини қимирлатиб, унга жўр бўлиб турди. Бундан боши осмонга етган келинчак очилиб-сочилиб ўтирар, меҳмонлар эса мамнун эканликларини қийқариқлар билан ифода қилишарди. Кейин ҳамма ер тепиб, лапарнинг ҳар бир тўртлиги охиридаги шўхлик ифодаланган сатрига жўр бўла

бошлади. Токи Жонни янги қўшиқ айтишга тайёрланиб, томоғини ҳўллаб олгунга қадар тўхтамай қарсақ чалиб туришди.

Ҳамма у билан фахрланарди. Жонни туриш-турмуши билан бу ердагиларнинг ўзлариники эди. У машҳур қўшиқчи, кино юлдузи бўлиб етишди. Ер юзидаги энг жозибали, энг лафофатли аёллар ҳам уни йўлдан уриб, ўзига оғдириб олиш дардида юришарди. Аммо у мағрурланиб кетмади, чўқинтирган отасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, уч минг мил йўл босиб, тўйга етиб келди. У Нино Валентига ўхшаган эски қадрдонларини ҳамон севарди. Ҳали она сути оғзидан кетмаган Жонни ва Нино биргаликда қўшиқ айтиб юрган пайтларида вақти келиб Жонни Фонтейн элик миллион аёл қалбига ўт солиши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаганди.

Жонни Фонтейн айвончадан чўзилиб, келинчакни даст кўтариб олди-да, ўзи билан Нинонинг ўртасига қўйди. Қўшиқчилар бир-бирларига қараб сал энгашдилар. Нино мандолина торларини чертиб юборди, торлар бўғиқ овоз билан тиринглади. Бу хонандаларнинг эски одати, жасорат ва муҳаббат биринчилиги учун ҳазил олишуви эди. Уларнинг овози худди шамшир каби бир-бири билан кесишди, қўшиқ нақоратини навбат билан гоҳ униси, гоҳ буниси баланд овозда куйлашарди. Жонни мамнуният билан Нинога ўз овози билан унинг ҳаммага маълум ва машҳур оҳангини босиб кетишга, иккинчи қўли билан келинчакни ушлаб олиб, Нино қўшиқни ёлғиз ўзи ғолибона тугаллашига имкон берди. Қийқириқлар ва қарсақлар остида уччаласи бир-бирини кучоқлашди. Тўйга келган меҳмонлар янги-янги ашулалар куйлаб беришни ундан талаб қилишарди.

Фақат бир кишигина Жоннининг турмушида қандайдир кўнгилисизлик юз берганини сезиб турарди. Бу дон Корлеоне эди. У кўполроқ, лекин беғараз овоз билан меҳмонларни асло ранжитиб қўймастикни тайинлади.

— Мен чўқинтирган одам тупканинг тубидан тўйимизга ташриф буюриб, ҳурмат-иззат кўрсатса-ю, унинг томоғини намлаб қўйиш ҳеч кимнинг хаёлига келмаса.

Жоннига дарҳол ўнлаб шароб тўла қадахлар узатилди. У ҳар бир қадахдан бир ҳўпландан ичди-да, “чўқинтирган отаси” томон интилди. Улар кучоқлашиб кўришдилар. Жонни Доннинг қулоғига бир нарсалар деб пичирлади — Дон уни ичкарига етаклаб кириб кетди.

Жонни хонага кираркан, Том Хейген унга қўл узатди. Жонни унинг қўлини қисиб:

— Ишларинг қалай, Том? — деб сўради.

Бироқ бу мулозаматда Жоннининг одатдаги самимийлигидан асар ҳам йўқ эди. Унинг бегоналарча мулозаматидан Хейген бир оз хафа бўлди. Том дон Корлеоненинг ўтқир шамшири эди. Баъзида ана шундай муаммоларга ҳам бардош беришга тўғри келарди.

— Тўйга таклифнома олганимда чўқинтирган отам мендан хафа эмаскан, — деб ўйладим.

— Хотиним билан ажралишганимдан буён сизга беш марта кўнгироқ қилишга уриниб кўрдим. Ҳар гал Том ё йўқ, ё банд деб жавоб беради. Бу беҳуда гаплигини, мендан ранжиб қолганлигингизни билардим.

Дон икки стаканга биллур шишадан шароб қўйди.

— Ўтмишни кавлаштиришнинг нима кераги бор. Хўш, қалай? Ҳали яна бирор кунингга ярайманми? Ёки шон-шухратинг, миллионларинг сени ёрдам қўли етмайдиган юксақликка кўтариб қўйдими?

Жонни оловранг шаробни бир кўтаришда сипқордию, бўш стаканни Доннинг олдига қўйди. У ҳеч нарсадан тортинмай бепарво гапирарди.

— Қайдаги миллионларни айтасиз, отахон. Ишим тобора чаппасидан кетяпти. Тўғри айтган экансиз. Хотиним ва болаларимни ташлаб, саёқ хотинга уйланмасам бўларкан. Мендан тўғри хафа бўлган экансиз.

Дон елкаларини қисди.

— Мен сенинг ташвишингни қилдим. Ҳарҳолда чўқинтирган ўғлимсан. Бор гап шу.

Жонни хонада уёқдан-буёққа юра бошлади.

— Ўша аҳмоқни деб ақлимни еб қўйган эканман. Голливуднинг биринчи юлдузи. Фариштадек гўзал. Кинода суратга олишлар нималар билан тугашини билсангиз эди! Агар гримчи сал яхшироқ пардоз берса, ўша билан тунайти. Борди-ю оператор бир оз ўзгачароқ суратга олса, ҳоли жойга чақиради-да, ихтиёрини унга топширади. Тўғри келган одам билан дон олишиб кетаверади. Худди чойчақа бераётгандай ҳар қадамда ўз танасини ҳада қилади. У жодугарнинг жойи шайтоннинг базмхонаси экан.

Дон Корлеоне унинг сўзини бўлди.

— Оилангнинг аҳволи қалай?

Жонни чуқур хўрсинди.

— Оиламни маблағ билан таъминлаб қўйганман. Ажралишганимиздан кейин Жинни ва қизларимга суд ҳукмида белгиланганидан кўроқ пул тўлай бошладим. Ҳар ҳафтада хабар олиб турибман. Уларсиз зерикаман. Баъзида шундай сиқилиб кетаманки, ақлдан озай дейман. — У яна бир стаканни бўшатди. — Кейинги хотиним эса менинг устимдан кулгани-кулган. Нега уни рашк қилишимни тушунмайди. Ҳаётдан орқада қолаётганмишман, италянча эҳтиросларни оммалаштираётганмишман, кўшиқларим эса бўлмагур пуч нарсалар эмиш. Буюққа келаётиб яхшигина дўппосладим. Фақат юзига урмадим, чунки ҳозир кинога тушяпти. Биқинлари, қўл-оёқларини кўкартириб ташладим. У бўлса худди мени эрмаклагандай ҳиҳилаб кулади. — Жонни сигарета туташтирди. — Шунақа гаплар, отахон, шунинг учун ҳам бундай ҳаётдан тўйдим, яшагим келмай қолди.

Дон Корлеоне лўнда қилиб:

— Бу ишларда сенга ёрдам бериб бўлмайди, — деди-да, жим қолди. Сўнгра: — Овозингга нима бўлди? — деб сўради. Тақдир ҳазили туфайли кўз очиб-юмгунча Жонни Фонтейннинг манманлигидан, димоғдорлигидан асар ҳам қолмади. У ели чиқиб кетган коптоқдай шалпайиб қолди.

— Отахон, энди мен кўшиқ айта олмайман, томоғим огрияпти, нима бўлганлигини докторлар аниқлаша олмаяпти.

Хейген ва Дон ҳайратланиб унга қарадилар. Жонни Фонтейндан ҳар нарса ни кутиш мумкин. Бироқ умидсизлик, қўрқоқлик унинг учун бутунлай бегона нарса эди. Жонни давом этди:

— Менинг икки фильмим катта даромад келтирди. Кино юлдузи эдим. Энди мени кинодан суриб чиқаришмоқчи бўлишяпти. Кўпдан бери студия хўжайинининг мени кўрарга кўзи йўқ. Мен билан орани очик қилиб олиши учун унга жуда қулай пайт келди.

Дон Корлеоне ўрnidан туриб дағдаға билан сўради:

— Нега у сени ёмон кўриб қолди?

— Мен сўлларнинг митингида сўзга чиқдим, кўшиқлар куйладим. Эсингиздами, бу ишим сизга ҳеч қачон ёқмасди. Жек Вольцга ҳам ёқмади. У менга коммунист деган лақабни ёпиштирмоқчи бўлди. Бироқ қанчалик уринмасин, бу лақабни менга ёпиштира олмади. Кейин у кўз остига олиб юрган бир лобар қизни йўлдан урдим. Шундай бўлиб қолди. Фақат бир кечага, тўғрироғи, қиз мени йўлдан урди. Хўш, шундай вазиятда мен нима қилишим керак эди? Бу ҳам етмагандай, энди анови фоҳиша ҳам мени уйдан ҳайдаяпти. Агар тиз чўкиб ялиниб бормасам, Жинни ва болалар ҳам мени уйга киритишмайди. Кўшиқ ҳам айта олмайман. Нима қилишим керак, отахон, нима қилишим керак?

Дон Корлеоненинг қиёфасида совуқ нафрат ифодаси пайдо бўлди. Унда ҳамдардликдан заррача ҳам асар йўқ эди.

— Энг аввало ўзингни эркак кишидек тутишинг керак, — деди у.

Кутилмаганда ғазабдан унинг юзлари тиришди.

— Ўзингни эркак кишидай тутишинг керак! — ўшқирди у.

Дон Корлеоне стол устидан чўзилиб, бир оз жаҳл ва айни пайтда меҳр билан Жоннининг сочларидан тортиди.

— Ё худо, менинг ёнимда шунча вақт бирга юргандан кейин ҳам амманнинг бузоғидай ландовурлигича қолаверса-я! Сен, Голливуднинг хунаса қўғир-

чоғи, кўз ёшингни оқизиб, мендан ёрдам сўраб келдингми? Хотин кишиларга ўхшаб “Нима қиламан? Вой, энди нима қиламан?” деб нола қилгани келдингми?

Дон Корлеоненинг сўзлари кутилмаганда Жоннининг гапларига шу даражада ўхшаб кетдики, Жонни ва Хейген бундан мазза қилиб кулишди. Дон Корлеоне хурсанд эди. Жонни унинг қалбидан чуқур жой олганди. Қизиқ, пуштикамаридан бўлган ўғилларининг сочиндан тортса қандай жавоб беришаркин? Сантино узоқ хафа бўлиб, жирракилик қилиб юрарди. Фредо калтакланган итдай бўлар эди. Майкл совуққина кулиб қўярди-да, уйдан чиқиб кетиб, бир неча ой қорасини кўрсатмасди. Жонни эса бутунлай бошқача, Доннинг ҳамма сўзларини сабр-тоқат билан илжайиб ўтириб тинглайди, гапнинг муқаддимасиданок отахоннинг мақсадини англаб олади.

Дон Корлеоне давом этди:

— Сенга қараганда ўн чандон обрўлироқ бўлган продюсернинг тумшуғи остидан у кўз остига олиб юрган аёлни илиб кетсанг-у кейин ишдан ҳайдаяпти, деб шикоят қилиб юрсанг. Ўйлаб топган нарсасини қаранг! Бир фоҳишанинг орқасидан оилангни ташлаб, фарзандларингни отасиз қолдириб кетасан-у, яна мени кучоқ очиб кутиб олишмаяпти, деб кўз ёши қиласан. Кинога тушаётганлиги учун аяб хотин кишининг башарасига мушт тушира олмайсану, яна у сени масхара қилиб кулганидан таажжубланасан. Аҳмоқона яшадинг, аҳмоқлигингча қолганингга таажжубланмасан ҳам бўлади.

Дон Корлеоне нафасини ростлаб олди-да, шошмасдан сўради:

— Эҳтимол бу сафар менинг маслаҳатларимни қулоғингга оларсан?

Жонни Фонтейн елка қисди:

— Жинни билан қайта яраша олмайман, чунки у қўядиган шартларга риоя қилолмайман. Мен ўйнаб-куламан, ичаман, бўйдоқлар даврасида бўламан, буларсиз яшай олмайман. Латофатли, офатижон аёллар орқамдан соядек эргашиб юришади, уларни қувлаб юборишга журъат этолмайман. Шулардан кейин Жиннининг олдига борганимда ўзимни энг разил, энг жирканч одамдай ҳис қиламан. Бу ола хуржунни қайтадан бўйинга илиш мутлақо тўғри келмайди.

Дон Корлеоненинг сабр косаси тўлиб-тошаётганлиги кўриниб турарди. Бундай ҳол камдан-кам рўй берарди.

— Хотининг билан яраш деб сени биров мажбур қиялпими? Билганингни қил. Қизларингга оталик қилмоқчи экансан, жуда соз. Агар эркак киши фарзандларининг чинакам отаси бўлмас экан, у эркак эмас. Менимча, хотинингни шартларингга кўндир. Болаларинг билан бирга яшай олмайсан, деб қаерда айтилган? Фақат шахсий орзу-истакларингни деб турмушингни йўлга солишга ҳаққинг йўқлиги қаерда ёзилган?

Жонни Фонтейн кулимсиради.

— Йўқ, отахон, қадимги италиялик аёлларга ўхшаган сабр-тоқатли уй бекалари ҳозир кам. Жинни мутлақо кўнмайди.

Дон ачитиб:

— Сен ўзинг лапашангсан, — деди. — Бир аёлга белгиланганидан ортиқча пул тўлайсан, иккинчисининг эса кинога тушаётганлиги учун башарасига туширишдан кўрқасан. Сен ўзи доим хотинларни ёқлаб иш тутасан. Гарчи у дунёда тўғри жаннатга тушсалар ҳам хотинлар бу дунёда фақат ишга ҳалал берадилар. Биз эркаклар эса дўзах ўтида жизғанақ бўламиз. Яна бир гап. Шу йиллар мобайнида сени зимдан кузатиб юргангидан хабардорсан. — Энди Дон жиддий гапира бошлади. — Ҳа, сен мен чўқинтирган энг яхши одамлардансан. Шу пайтгача менга нисбатан бирор марта ҳурматсизлик қилганинг йўқ. Хўш, эски кадрдонларинг билан муносабатларинг қандай? Сени бугун биттаси билан, эртасига иккинчиси билан кўришаётганлари ростми? Киноларда кулгили ролларда ўйнаган анови италиялик эсингдами? Нимадир бўлиб, иши юришмай қолдию, у билан учрашмай қўйибсан. Энди сен машҳур одамсан-да, шунақами? Ёки мактабга бирга қатнаган, бирга қўшиқлар айтиб юрган болалиқдаги кадрдон дўстинг Нино. Иши юришмаганидан ҳаддан ташқари кўп ича бошлади, лекин турмушидан шикоят қилганини ҳали бирон одам эшитгани йўқ. Эшакдай ишлайди, юк машинасида шағал ташийди, шанба кунлари хонанда-

лик қилиб чойчақа топяпти. Ҳеч қачон сен ҳақингда ёмон гап айтмайди. Унга ёрдамлашворсанг бўларди. Нима қипти. Яхшигина овози бор.

Жонни оғир-босиқ, лекин ҳорғин овозда тушунтирди:

— Отахон, унда истеъдод йўқ. Тўғри, тузуккина кўшиқ айтади. Лекин зўр эмас.

Дон Корлеоне қовоқларини шундай уйдики, кўзлари ўрнида узун чизиқча пайдо бўлди.

— Хўш, сен ўзинг-чи, ахир сен ҳам осмондан юлдузни узиб олмаганинг-ку! Хоҳлайсанми, ишга жойлаштириб қўяман? Нино билан юк машинасида шағал ташийсан.

Жонни лом-мим демади, Дон давом этди:

— Дўстлик ҳамма нарсадан улуғдир. Дўстлик истеъдоддан юқори туради. Дўстлик ҳар қандай ҳукуматдан кучлидир. Дўстлик оиладан сал пастроқда туради, холос. Сен бунга ҳеч қачон унутма. Агар дўст орттирганинга бугун менинг олдимга ёрдам сўраб келмаган бўлардинг. Энди айт-чи, нега кўшиқ айттолмайман, деяпсан? Боғда яхшигина куйладинг-ку? Нинодан қолишганинг йўқ.

Хейген ва Жонни бу ўткир пичингга жавобан кулиб қўйишди. Энди оғир-босиқ бўлиш, мурувват кўрсатиш навбати Жоннига келди.

— Томоғни ишдан чиқариб олдим. Икки-учта кўшиқ айтганимдан кейин бир неча соат, баъзида бир неча кун овозим чиқмай қоляпти. Репетиция, ёзув пайтида айтаётган кўшигимни охиригача етказа олмай қоляпман. Томоғим бўғиладиган бўлиб қолди.

— Шунақа дегин. Демак, аёллар масаласида ишинг чаппасига кетипти-да. Овозинг бўғилиб қопти. Энди айт-чи, анови амалдор, голливудлик pezzonovante билан ораларингдан қандай қора мушук ўтди?

Шу вақтгача қуруқ гап-сўз бўлаётганди. Энди эса амалий иш бошланди. ...

— У ҳақиқатан ҳам катта амалдор, — деди Жонни. — Киностудиянинг хўжайини, кино воситалари ёрдамида ҳарбий ташвиқот бўйича президент маслаҳатчиси. Бир ой олдин бу йил катта шов-шувга сабаб бўлган романни экранлаштириш ҳуқуқини сотиб олди. Бу китобни дўконлардан топиб бўлмайди; уни қайта-қайта нашр этиб улгуришмаяпти. Асардаги бош қаҳрамон менга худди куйиб қўйгандай ўхшайди. Мен учун бу ролни ўйнашга зарурат ҳам йўқ — экранда шунчаки кўришиб қўйсам бўлади. Ҳатто кўшиқ айтишининг ҳам ҳожати йўқ эди. Шу ролни ўйнасам менга академиянинг мукофотларини беришлари ҳам эҳтимолдан узоқ эмасди. Мен худди шу роль учун яратилганимни, шу ролни ўйнасам бу сафар актёр сифатида яна шон-шухрат чўққисига кўтарилишимни ҳамма билади. Итдан тарқаган Вольц эса ўчакишиб, менга бу ролни бермаяпти. Бу ролни энг паст ставкада, амалда бекорга ўйнашга ҳам розиман. Бироқ у барибир мени яқинлаштирмаяпти. Агар студияга келиб ҳамманинг олдида кетимдан ўпса, ўшанда ҳам ўйлаб кўраман, деб гап тарқатганмиш.

Дон Корлеоне бетоқатлик билан бу лирик хотимани тўхтатди. Ақлли одамлар ҳамма вақт турмуш қийинчиликларидан чиқиш йўлини топишади. У Жоннинг елкасини силади.

— Ҳамма нарсадан кўнглинг совиб кетганини кўриб турибман. Энди мен ҳеч кимга керак эмасман, ҳамма мендан юз ўгирди, деб ўйлайсан. Топдимми? Бунинг устига озиб, қуруқ чўп бўлиб қолибсан. Кўринишингдан кўп ичасан, шундайми? Кечалари ухлай олмай тугма дори ютасан, тўғрими? — у норози бўлиб бошини чайқали. — Энди маслаҳатларимга қулоқ солиб, менинг айтганларимни қиласан, — давом этди Дон. — Тўй ўтгач, меникида бир ой қоласан, одамлардек овқатланасан, тўйиб-тўйиб ухлайсан. Бирга бўлсак, менга ҳам яхши, балки сен кўкларга кўтариб мақтаган Голливудда керак бўлиб қоладиган турмуш масалаларида “Чўқинган отангдан” анча-мунча нарсаларни ўрганиб оларсан. Хонандаликни, ичкиликбозликни, аёлларни хаёлингдан чиқариб ташлайсан. Бир ойдан кейин Голливудингга қайтиб боришинг мумкин. Ана шунда анови амалдор pezzonovante сен орзу қилаётган ишни беради. Келишдикми?

Жонни Фонтейн Доннинг қўли узатган жойига етишига ишонмасди. Тўғри, унинг “Чўқинган отаси” сўз бериб устидан чиқолмаган ҳол бўлган эмас.

— У ярамас Эдгар Гувернинг қадрдон дўсти, — деди Жонни. — У сизнинг гапингизга парво ҳам қилмайди.

— У ишбилармон одам, — деди Дон зерикарли оҳангда. — Мен шундай бир нарсани таклиф қиламанки, у қандай қилиб кўниб қолганини ўзи ҳам сезмай қолади.

— Энди кеч қолдик, — деди Жонни. — Ҳамма шартномаларга қўл қўйиб бўлинди, бир ҳафтадан кейин суратга олиш бошланади. Сизнинг боришингиздан ҳеч бир фойда чиқмайди.

Дон Корлеоне унга:

— Бор, меҳмонларнинг олдига чиқ, — деди. — Дўстларинг сени кутиб қолишди. Буёғини менга қўйиб бер.

Дон Жоннини эшик томонга қараб елкасидан туртиб қўйди. Хейген столга ўтириб, ён дафтарчасига алланарсаларни ёзиб олди.

Дон чуқур хўрсинди.

— Яна одам қолдимиз?

— Солоцонинг ишини энди кечиктириб бўлмайди. Шу ҳафтада уни қабул қилишингиз керак. — Хейген қўлида қалам билан дафтарчани ушлаб шай турарди.

Дон елкасини қисди.

— Тўй ўтди, майли, сен айтган кунинг қабул қилайлик.

Бу сўзлардан Хейген икки хил хулоса чиқарди. Энг муҳими Виргилий Солоццога рад жавоби берилади. Иккинчиси, дон Корлеоне жавобни қизининг тўйи ўтгунга қадар кечиктирган экан, демак, унинг рад жавоби бирор-бир кўнгилсизлик билан боғлиқ бўлади.

Хейген эҳтиёткорлик билан сўради:

— Клеменцага одамларининг бир қисмини уйга жойлаштиришини тайинлайми?

Дон афтини буриштирди.

— Нега? Тўйгача жавоб бермаганимни сабаби шундаки, бир умр эсдан чиқмайдиган бу кун ҳақида ҳатто келажакда ҳам заррача кўнгилсизлик бўлишини хоҳламадим. Бундан ташқари Солоцонинг ўй-фикрларини олдиндан билиб олишни хоҳлардим. Энди у бизга *infamita* таклиф қилмоқчи бўлаётганлиги маълум. Бу шармандалик ва разилликдан бошқа нарса эмас.

— Демак, рад жавобини бермоқчисиз? — деди Хейген.

Дон бош қимирлатди.

— Мен бу масалани оилавий кенгашда муҳокама қилиб, кейин жавоб бериш керак, деб ҳисоблайман, — қўшимча қилди Хейген.

Дон кулиб қўйди.

— Шунақа дегин. Майли, муҳокама қилайлик. Калифорниядан қайтиб келганингдан кейин. Эртагаёқ Калифорнияга уч. Калаванинг учини топишга ҳаракат қил. Ўша кино корчалони билан учраш. Солоццога сен келганингдан кейин қабул қилишимни айтиб қўй. Яна нима гап?

Хейген эътиборсизлик билан аниқ ахборот берди:

— Касалхонадан қўнғироқ қилишди. Аббандандонинг нон-насибаси битганмиш, эрталабгача жон таслим қилишини айтишди. Қариндош-уруғлари видолашиб қолишсин дейишди.

— Меҳмонларни кузатиб бўлайлик, — деди дон Корлеоне. — Женкога ҳеч нарса қилмайди, кутиб туради.

— Сенатор қўнғироқ қилди, — деди Хейген. — Тўйга келолмаганлиги учун узр сўради. Сизни ўзи тушунади, деб қўшиб қўйди. Уйингиз рўпарасида машиналарнинг номерларини ёзиб юрган ФБРнинг икки одамини кўзда тутган бўлса керак. Совғасини ишончли одамдан бериб юборипти.

Дон бошини қимирлатиб қўйди. Сенаторга тўйга келмасликни ўзи маслаҳат берганини айтиб ўтиришнинг фойдаси йўқ эди.

— Совғаси арзигуликми?

Хейгеннинг италян-ирландча қиёфасида гаройиб бир ифода пайдо бўлди. Бу юксак мақтов белгиси эди.

— Антиқа кумуш буюм, қимматбаҳо нарса. Агар сотмоқчи бўлишса, нақ мингга пуллашади. Бу ноёб буюмни топгунча сенатор анча овора бўлган. Унинг даврасидаги одамларга буюмнинг қанча туриши эмас, ноёблиги муҳим.

Дон Корлеоне Хейгеннинг гапларини хурсанд бўлиб тинглади. Бу сенатор-дек одам томонидан унга кўрсатилган катта ҳурмат-эҳтиром эди. Люка Бразига ўхшаб сенатор ҳам дон Корлеоне кудратининг мустаҳкам таянчларидан бири эди. Люка сингари у ҳам совғаси билан Донга нисбатан сўнмас садоқатини яна бир қарра исботлаганди.

Жонни боғда пайдо бўлиши билан Кей Адамс уни таниди. Танидию, қаттиқ таажжубланди.

— Жонни Фонтейн билан танишмисизлар? Нега илгари айтмадинг? Энди албатта сенга тегаман, хотирингни жам қилавер.

— Хоҳласанг сени ҳам таништириб қўяман, — деди Майкл.

— Энди кераги йўқ, — деди Кей хўрсиниб. — Уч йил унинг ишқида куйиб-ёндим. Унинг концертига тушиш учун ҳар сафар Нью-Йоркка келардим. Ҳар бир концертдан хириллаб, овозим бўғилиб чиқардим. Жуда зўр куйларди-да!

— Шошма, танишиб оласан ҳали, — деди Майкл.

Жонни иккинчи қўшиқни тугатиб, Дон Корлеоненинг орқасидан уйга кириб кетганда Кей истеҳзо билан:

— Ҳар нарса десанг дегину, фақат Жонни Фонтейн каби саҳна юлдузи ҳам отамдан ёрдам сўрайди деб юрма.

— Жонни отамнинг чўқинтирган ўғли, — деди Майкл. — Агар отам бўлмаганда у ҳеч қачон саҳна юлдузи бўлмасди.

Кей Адамс қувонганидан:

— О, яна бир ажойиб воқеани эшитишга тўғри келади шекилли, — деди.

Майкл бош чайқади.

— Бу воқеани сенга айтишга ҳаққим йўқ.

— Менга ишонишинг мумкин, — деди Кей.

Майкл ҳазил-хузулни йиғиштириб қўйиб, воқеани унга айтиб берди. Фақат саккиз йил олдин отаси ҳали қизиққон одам бўлганлигини, у ўзи чўқинтирган одам манфаатлари тўғрисида гап кетаётганлиги учун ишни ёпти-ёпти қилишни ор-номус иши деб билганлигини таъкидлаган ҳолда ҳеч қанақа изоҳ келтирмасдан сўзлади.

Воқеанинг моҳиятини икки оғиз сўз билан баён этиш мумкин эди. Саккиз йил илгари Жонни машҳур жаз-ансамбли таркибида мислсиз муваффақиятларга эриша бошлади. У радиотингловчилар учун бериладиган концертларда лаққа хўракка айланиб қолди. Бахтга қарши ансамблнинг раҳбари, эстрадачилар даврасида анча машҳур бўлган Лесс Галли деган кимса оғир шартлар билан беш йил муддатга Жоннинг қўл-оёғини ипсиз боғлаб олган эди. Бошловчи муסיқачилар билан ҳар қадамда шундай иш тутишарди. Жоннинг Лесс Галлидан бошқалар ҳам ёллаб олишлари мумкин эди. Пулини эса Лесс Галли тую қилиб кетаверарди.

Дон Корлеоне шахсан ўзи у билан музокаралар олиб боришга киришди. У Жонни билан бўлган шартномани бекор қилиш учун Галлига йигирма минг доллар таклиф қилди. Галли Жонни келтирадиган даромаднинг ярмини олиш шарти билан рози бўлишини айтди. Бу Доннинг нафсониятига тегди. У йигирма мингни ярмигача камайтирди. Жон-дилидан севадиган эстрада билан боғлиқ бўлмаган ишларда ҳеч нарсанинг фарқига бормаидиган ансамбль раҳбари шу шартноманинг мағзини чақишга мутлақо яроқсиз бўлиб чиқди. У Доннинг таклифини рад қилди.

Эртаси куни дон Корлеоне эстрада бошлиғи ҳузурига шахсан ўзи ташриф буюрди. У дўстлари — маслаҳатчиси Женко Аббандандо ва Люка Брази билан келди. Бошқа гувоҳлар йўқ эди. Дон Корлеоне Лесси Галлини ўн минг долларлик чек қоғозини олгандан кейин Жонни Фонтейн фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар қандай даъволардан воз кечиши ёзилган тилхатга қўл қўйишга мажбур қилди. Асосли далиллар билан чеккасига тўлпончани тақади-да, бир минут ичида ё қоғозда мистер Галлининг имзоси бўлишини, ё миясининг қатиғи чиқи-

шини кескин айтди. Табиийки, Лесс Галли қўл қўйди. Дон Корлеоне тўппончани чўнтагига яширди-да, Галлига имзоланган чекни узатди.

Бу воқеанинг давомии тарих саҳифаларида қолиб кетди. Жонни Фонтейн ва унинг қўшиқлари Америкада шов-шувга сабаб бўлди. Жонни иштирок этган икки музикали кинокомедия Голливуд студиясига кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даромад келтирди. Унинг пластинкаларини сотиш эвазига миллион-миллион даромад тушди. Кейин у болалик йилларидан бери яхши билган, ўзи севиб олган хотини билан ажралишиб, икки боласини ташлаб кетди. Кейинчалик Голливуднинг энг гўзал малласоч кино юлдузига уйланиб олди. Орадан кўп ўтмай кейинги хотини унинг кўзига чўп санчиб, ҳаёсизларча фоҳишалик қилишини сезиб қолди. Шундан сўнг ичкиликка берилиб кетди, қиморхоналардан чиқмай қўйди, хотинларнинг кетидан соядек эргашиб юрадиган бўлиб қолди. Овоздан маҳрум бўлди. Пластинкаларига бўлган талаб камайиб кетди. Кино-студия у билан қайта шартнома тузишдан воз кечди. Унинг олдида фақат битта йўл қолган эди. У ҳам бўлса “Чўқинтирган отаси” ҳузурига қайтиш. Мана, Жонни ўша чўқинтирган отасининг олдида ўтирипти.

Кей ўйчан деди:

— Отангга ҳасад қилмайсанми? Гапларингга қараганда отанг бошқаларга кўп яхшилик қиларкан. — У бурнини жийирди. — Гарчи қонун йўл қўймайдиган усуллардан фойдаланса ҳам, жуда кўнгилчан одам бўлса керак.

Майкл хўрсиниб қўйди.

— Сиртдан қараганда ҳақиқатан ҳам шундай. Лекин сенга бир нарсани айтиб қўяй. Биласанми, кутб тадқиқотчиларида шундай бир қоида бор — кутб томон кетишаётганда йўлнинг маълум бир қисмини босиб ўтишгач, ҳар эҳтимолга қарши бирор кори-ҳол юз берса, керак бўлиб қолади, деб махсус жойларда озиқ-овқат қолдириб кетишади. Отамнинг одамларга қиладиган яхшиликлари ҳам шунга ўхшаган гап. Шундай кун келадики, отам яхшилик қилган ҳар бир одам марҳамат қилиб, жавоб қайтаришга мажбур бўлади.

Тўй пирогини келтиришгач, уни мақтаб-мақтаб тановул қилиб бўлгунларига қадар қош қорая бошлади. Тўй муносабати билан Назорин бор маҳоратини ишга солиб тайёрлаган пирог томоша қилиб ўтирадиган даражада чиройли безатилган эди. Келинчак малласоч қаллиғи билан “асал оий” сафарига жўнаб кетаётиб ҳам ундан бир бўлагини ушатиб олиб, шошилиб оғзига солди. Дон меҳмонларни ҳурмат-эҳтиром билан кузатди, айна пайтда ФБР айғоқчиларининг қора машинаси ҳам ғойиб бўлганлигига эътибор берди.

Ниҳоят уй олдида охириги автомобиль — узун қора “кадиллак” қолди: унинг рулида Фредди ўтирарди. Дон ёши ва бесўнақай гавдасига нисбатан тез ва чаққон одимлаб келиб олдинги ўриндиққа ўтирди. Сонни, Майкл ва Жонни Фонтейн орқа ўриндиққа жойлашдилар. Дон елкаси оша қайрилиб Майклга:

— Жазманинг шаҳарга ўзи етиб оладиган бўлди-да, майлими? — деди.

Майкл бош қимирлатди.

— Том етказиб қўядиган бўлди.

Дон Корлеоне мамнун бўлди. — Хейген ҳеч бир нарсани кўздан қочирмас, ҳамма ишга улгурарди.

Ҳали талонга бензин олиш бекор қилинмаган, шунинг учун ҳам Манхеттанга олиб борадиган айланма йўл бўм-бўш эди. Орадан бир соат ҳам ўтмасдан машина француз касалхонаси жойлашган қўча томон бурилди. Йўл-йўлакай дон Корлеоне кенжа ўғлининг ўқишлари билан қизиқди. Майкл ҳаммаси кўнгилдагидай бўляпти, деди. Сонни олдинги ўриндиқка эгилиб:

— Сиз Жоннининг Голливуддаги кўнгилсизликларини бартараф этиб, ишларини битириб бермоқчи бўлганингизни айтди. Мен ҳам борсам бирор ёрдимим тегиб қолармиди!

Дон Корлеоне қисқа жавоб берди:

— Том бугун Калифорнияга учади. Иш мураккаб эмас, ёрдимчи керак бўлмайти.

Сонни хохолаб кулди.

— Жонни сизнинг уринишларингиздан ҳеч бир иш чиқмайди, деяпти. Шунга ёрдамим тегмасмикин, деб ўйлагандим.

Дон Корлеоне Жонни Фонтейн томон бурилиб:

— Шубҳаланишга қандай асосларинг бор? “Чўқинтирган отанг” бирор марта ваъдасининг устидан чиқмаган вақт бўлганми? Қачондан бери мени қўлидан ҳеч қандай иш келмайдиган ваъдабоз деб ўйлайдиган бўлиб қолдиларинг? — деди.

Жонни ноқулай аҳволга тушиб қолди.

— Отахон, сиз тушунинг, студияга жуда катта одам, ҳақиқий pezzonovante хўжайинлик қилади. Уни қўлга олиш осон эмас, бу борада ҳатто пул ҳам иш бермайди. Таниш-билишлари кўп. Бу ишни уддалай олишингизни ҳатто тасаввур ҳам қилолмаяпман.

Дон аста жилмайиб:

— Мен айтдимми, тамом, ўша роль сенга тегади, — деди ва ҳазиллашиб тирсаги билан Майклни туртиб қўйди. — Нима дейсан, Майкл, тутинган ўғлимизни хижлат қилиб қўймаймизми?

Майкл бош чайқади: у отасининг сўзларига заррача ҳам шубҳа қилмасди.

Ҳаммаси касалхона эшиги томон боришаётганда дон Корлеоне ўглининг қўлига туртиб қўйди ва улар бошқалардан орқада қолишди.

— Дорилфунунни битирганингдан кейин, тўғри уйга келиш, бор, — деди Дон. — Баъзи бир нарсаларни сенга мўлжаллаб қўйганман. Кейин афсусланмайсан, деб ўйлайман.

Майкл индамади. Дон норози бўлиб томоғини қирди.

— Сени нималар қизиқтиришини мен билмайман, деб ўйлайсанми? Ёмон нарсани раво кўрмайман. Ҳозирча эса хоҳлаган ишингни қилавер — эркаксан, ахир. Лекин ўқишингни битирганингдан кейин олдимга кел.

Женко Аббандандо узоқ вақтгача ўлимга панд бериб келди. Лекин мана энди касалхона каравотида тинка-мадоли қуриб, ҳар дақиқада ажал бўғзидан олишини биларди. У озиб-тўзиб, чўп бўлиб кетган, қалин, қоп-қора сочлари ўрнида жонсиз толалар қолганди.

— Женко, дўстгинам, мана, ҳузурингга таъзимга ўғилларимни бошлаб келдим. Нақ Голливуднинг ўзидан қанақа меҳмон қадам ранжиди қилганини ҳам кўриб қўй. Жоннини танияпсанми?

Ўлим тўшагида ётган Аббандандо миннатдорчилик билдириб, нурсиз кўзлари билан Донга қаради. Семиз, бақувват қўллар қуруқ устихон бўлиб қолган қўлни секин силади. Хотини ва қизлари каравот олдида қатор ўтиришиб, Женконинг белларидан ўпишар, чап қўлини силашарди.

Дон қадрдон дўстининг ўнг қўл бармоқларини кафтлари орасига олди.

— Тезроқ тузалиб чиқ. Иккимиз Италияга, ватанимизга, қишлоққа жўнаймиз, — деди мулойимлик билан. — Худди оталаримиз, боболаримиз сингари қовоқхона деразаси остида шар ташлашамиз.

Ҳаёт билан видолашаётган Женко бошини қимирлатди. Сўнгра қўли билан имлаб иккаласини ёлғиз қолдиришни сўради. Омбурдек қўллари билан Доннинг билагидан маҳкам ушлади. У бир нарса демоқчи бўларди. Дон Корлеоне бошини эгиб, стулини сурди ва яқинроқ ўтирди. Женко Аббандандо болалик йиллари тўғрисида алланималар деб гўлдиради... Бирдан унинг кўмирдай қоп-қора кўзлари йилтиллаб кетди. Энди у пичирлаб гапира бошлади. Дон янада яқинроқ сурилди. У бошини чайқади, палатадагилар ҳайрон бўлиб, қотиб қолдилар: дон Корлеоненинг кўзларидан тинимсиз ёш қуйиларди. Узуқ-юлуқ пичирлаш овози аста-секин кучайиб бутун палатани тутди. Аббандандо жон талвасаси билан бошини ёстиқдан кўтарди ва хира кўзлари билан Дон томонга қараб, қоқ қуруқ бармоқларини ниқтади.

— Отагинам, — деди изтироб тўла овоз билан. — “Чўқинтирган отагинам”, илтижо қиламан, мени қутқариб қол. Бутун жону-танним оловда ёняпти, миямни қурт-қумурсқалар емираётганини аниқ сезиб турибман. Мени қутқариб қол, отагинам, сенинг қўлингдан ҳамма нарса келади, бечора хотинимнинг кўз ёшларини даф қил. Ахир Корлеонеда таллашиб-тортишиб, бирга улғайганмиз-ку!

Наҳотки сон-саноқсиз гуноҳларим учун тўппа-тўғри дўзахга тушишдан ваҳима босаётган шу дақиқаларда ўлиб кетишимга йўл қўйсанг?

Дон жим турарди. Аббандандо давом этди.

— Бугун қизингнинг никоҳ тўйи. Илтимосимни рад этишга ҳаққинг йўқ.

Дон ҳар бир сўзи куфронийлик ва алаҳсираш пардаси орқали нишонга аниқ етиб борсин, деган мақсадда оғир-вазминлик билан дон-дона қилиб шундай деди:

— Қадрли дўстим, бу менинг қўлимдан келадиган иш эмас. Агар куч-қудратим етганда сенга парвардигори оламдан кўпроқ меҳр-шафқат кўрсатган бўлардим. Лекин сен ўлимдан кўрқма. Ҳар кунни эрталаб ҳам, кечкурун ҳам черковда сенинг руҳингга ибодат қилишади. Хотининг ва болаларинг сенинг арвоқингга дуо ўқишади. Ҳар томондан гуноҳларингни кечиришни сўраб илтижолар ёғилиб турса, сени жазолашга парвардигори олам ҳам қандай журъат қилади?

Женко Аббандандонинг суяклари туртиб чиққан юзидаги яширин ифода тиниқлашди, унинг лабларида истехзоли жилмайиш пайдо бўлди.

— Э-ҳа, демак, худо билан келишиб қўйган экансан-да?

Жавоб кескин ва совуқ жаранглади.

— Худога шак келтирма. Тақдирга тан бер.

Аббандандо бошини ёстиққа қўйди. Кўзларидаги талвасали умид учқунлари сўнди. Палатага ҳамшира кирди ва касал кўргани келганларни ташқарига чиқара бошлади. Дон ўтирган жойидан турди. Аббандандо унга қўлларини чўзди.

— Кетма, отахон, — деди у, — мен билан бирга бўл, ажални кутиб олишимга ёрдамлаш. Балки ажалбобо ёнимда сен ўтирганингни кўриб кўрқар, мени унинг чангалидан қутқариб қолишни илтимос қиларсан-а? — ўлим тўшагида ётган Женко энди ўзини жинниликка солиб, Донни ошқора масхара қила бошлаганиди. — Ахир сен ҳарҳолда ажал билан қариндошсан-ку! Дон бу гаплардан хафа бўлишидан кўрқиб, Женко унинг қўлидан маҳкам ушлаб олди. — Кетма, кўлингни менга бер. Биз қанчадан-қанча одамларни бирга лақиллатиб кетганимзи сингари ажалбобого ҳам чап бериб кетамиз. Отахон, мендан узоқлашма.

Дон икковларини ёлғиз қолдириш тўғрисида ишора қилди. Ҳамма чиқди. Дон Корлеоне Женко Аббандандонинг қоқ қуруқ қўлини катта кафтлари орасига олди. Ажал писиб кириб келишини кутиб, қадрдон дўстини мулоийм, ёқимли гаплар айтиб юпатди. Ҳақиқатан ҳам у Женко Аббандандо ҳаётини инсоннинг ҳамма душманлари орасида энг маккори ва разили бўлган ажал чангалидан қутқариб қолиш қудратига эгадек туюларди.

Конни Корлеоне учун тўй кўнгилдагидек ўтди. Карло Рицци куёвлик бурчини бинойидай адо этди. Бунга келиннинг ҳамёнидаги йигирма минг доллардан ортиқ тўёна пуллари кўпроқ туртки бўлди. Айни пайтда келинчак ҳамёндан ажралишдан кўра қизлик иффати билан видолашишга тайёр эканлигини кўрсатди. Куёв ҳамёнга эга бўлиш учун Коннининг қош-қовоғини кўкартиришига тўғри келди.

Люси Манчини уйга келиб Соннининг кўнғироқ қилишини ва албатта учрашувга таклиф этишини кутди. Охири сабр-бардоши чидамай ўзи кўнғироқ қилди. Аёл киши жавоб берди. У телефон трубкасини илиб қўйди. Сонни билан ярим соат йўқ бўлиб кетган пайтда хотинлар унинг хатти-ҳаракатини қийиб-бичишганидан, қадрдон сингლისининг энг яқин дугонаси Сонни ҳирс-эҳтиросининг янги қурбони бўлганлиги тўғрисида миш-мишлар пайдо бўлганлигидан беҳабар эди.

Кей Адамсни меҳмонхонага Клеменца ва Поли Гатто етказиб қўйишди. Нью-Йорк томон кетиб боришаркан, Кей гоҳ унис билан, гоҳ буниси билан шакаргуфторлик қилиб борди ва улар Майкл ҳақида ҳурмат, самимий ҳайрихоҳлик билан гапиришганда жуда ажабланди. Ўз отаси хонадонида ёт ва бегона деган уй-фикрни Кейга сингдириш Майклга нима учун керак бўлиб қолдйкин. Клеменца эса хирқироқ овоз билан гўё Доннинг ўзи Майклни ўғиллари орасида энг қобили деб ҳисоблаганини ва фақат Майклгина ундан кейин дон Корлеоне оиласини бошқара олишини айтганлигини Кейга уқтирмакчи бўларди.

— У қанақа иш ўзи? — ҳеч нарсдан хабари йўқ одамдай сўради Кей.

Поли Гатто унга бирров қараб олди ва руль чамбарагига маҳкамроқ ёпишди. Орқа ўриндикда ўтирган Клеменца ҳам соддадиллик билан:

— Майкл ҳали сизга айтгани йўқми? — деди. — Мистер Корлеоне Америкага Италиядан зайтун мойи келтириб сотадиган энг йирик савдогар-ку! Уруш тугади, энди ишлар юришиб кетади. Фақат далил бўлиш керак. Майклга ўхшаган мияси бутун йигитлар жуда керак бўлади.

Шаҳарга етиб келишганда Клеменца Кейни меҳмонхона навбатчиси ҳузурига қадар кузатиб қўймоқчи бўлди. Кей қаршилиқ қилишга уриниб кўрди.

— Хўжайин хонангизнинг эшигигача соғ-саломат етказиб қўйишимни тайинлаган. Мен топшириқни адо этишни керак, — деди соддалик билан.

Кей калитни олди. Клеменца уни лифтгача кузатиб қўйди ва лифтга чиққунча кутиб турди. Кей хайрлашаётиб унга жилмайиб қўл силкиди ва Клеменца унга самимий табассум билан жавоб қилди. Яхшики Кей Клеменца навбатчидан:

— У меҳмонхонага қандай фамилия билан жойлашган? — деб сўраганини кўрмади.

Навбатчи Клеменцанинг бошидан оёғигача совуқ назар ташлади. Клеменца кафтлари орасида коптокча қилиб думалоқланган кўк қоғозни стол устига ташлади. Навбатчи қоғозни чаққон илиб олди-да, дарҳол жавоб берди:

— Мистер Майкл Корлеоне рафиқаси билан.

Машинада Поли Гатто:

— Дўндиқ қиз экан, — деди.

— Эрталаб эртароқ кел. Хейгеннинг бизга топшириғи бор экан. Дарҳол ишга киришиш керакмиш, — деб тўнғиллади.

Шундай бўлдики, Хейген якшанба куни кечқурун хотини билан хайрлашиб, аэропортга жўнади.

Том Хейген учун кун ҳам оғир, ҳам омадли бўлди. Тунги соат учда Женко Аббандано кўз юмди. Дон Корлеоне касалхонадан қайтаётиб Хейгенни расмий равишда ўзининг янги маслаҳатчиси — consiglieri этиб тайинлаганлигини айтди. Бу ҳамма нарсдан ташқари Хейген бугундан бошлаб бой бўлиб қолганлигини билдирарди. Бугундан бошлаб у қанчалик қудратли бўлиб қолганлиги тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Дон қадимий ва ҳамма вақт қадрлаб келинган анъанани бузди. Асрлардан буён фақат насл-насаби асл ҳақиқий сицилияликларгина consiglieri бўла олиши одат тусига кириб қолганди. Бу борада ҳамма нарсани фақат сукут сақлаш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш қонуниятлари она сути билан бирга қон-қонига сингиб кетган тув сицилиялик Хейганга Дон ўз империясидаги энг муҳим маслаҳатчилик лавозимини ишониб топшириши мумкин эди.

Корлеоне хонадони уруғ-аймоғи бошида Дон турар, у хонадоннинг бутун фаолиятини бошқариб борарди. Дон билан унинг хоҳиш-иродасини амалга оширадиганлар, буйруқларини бевосита ижро этадиганлар ўртасида учта тўсиқ, учта қатлам бор эди. Жиноятчининг изига тушган биронта одам ҳам унинг охирига етиб боролмасди. Бунинг ёлғиз битта шарти бўлиб, consiglieri хиёнат қилмаслиги керак эди. Дон Корлеоне ўша якшанба куни эрталабоқ Америго Бонасеранинг қизини калтаклаган ўсмирларга нисбатан қандай йўл тутиш кераклиги тўғрисида батафсил кўрсатмалар берди. Лекин ҳамма гапни якка-ёлғиз қолишганда Том Хейгеннинг ўзига айтди. Хейген бўлса бу кўрсатгани кундуз куни гувоҳларсиз ёлғиз қолишганда Клеменцага етказди. Буйруқни ижро этишни Клеменца ўз навбатида Поли Гаттога топширди. Поли Гатто керакли одамларни танлаши ва буйруқни аниқ адо этиши керак эди. Лекин Поли Гатто ҳам, унинг одамлари ҳам бундай топшириқ нима сабабдан берилганлигини, у дастлаб кимдан чиққанлигини билишмасди. Доннинг бу буйруққа дахлдорлигини исботлаш учун занжирнинг ҳамма бўғинлари нобоп бўлиши керак. Лекин бундай ҳол юз бермайди, деб ким кафолат бера олади? Дарвоқе, шундай бўлиб қолганда қандай йўл тутиш кераклиги ҳам белгилаб қўйилган. Ҳалқалардан энг муҳим бўғини йўқ қилиб ташланади.

Маслаҳатчи Дон номидан очик-ойдин иш тутадиган ҳоллар ҳам бўларди. Бундай пайтларда ҳам Дон бир четда қолиши учун ҳамма иш қилинарди. Ҳозир худди ана шундай иш юзасидан Хейген Калифорнияга учиб кетаётганди. Хейген унинг consiglioti лавозимидаги бундан кейинги тақдири кўп жиҳатдан шу топшириқнинг қандай бажарилишига боғлиқ эканлигини яхши тушунарди. Иш нуқтаи назаридан қараганда Жонни Фонтейн янги фильмдаги орзу қилган ролини олиш-олмаслигининг мутлақо аҳамияти йўқ. Хейген томонидан шу жумага белгиланган Виргилий Солоццо билан бўладиган учрашув масаласи муҳимроқ эди. Лекин Дон нуқтаи назаридан қараганда ҳар икки масала тенг қиматга эга эканлигини, ақли consiglioti шунинг ўзидан ҳамма нарсани тушуниб, тегишли хулоса чиқариб олиши кераклигини Хейген яхши биларди.

Самолёт корпуси дирилларди. Бу овоз унингсиз ҳам безовта бўлиб келаётган Хейгеннинг гашига тегарди. Асабларини тинчитиш учун у стюардессадан мартини сўради. Бу ёққа жўнашидан олдин у кино корчалони Жек Вольц ҳақида батафсил маълумот олганди. Унинг Жоннига айтган гапларига қараганда, Хейген ҳар қандай вазиятда ҳам Жек Вольц билан тил топиша олмаслигини тушунди. Айни пайтда Дон албатта Жоннига берган ваъдасининг устидан чиқишига Хейген заррача шубҳаланмасди. Демак, унинг вазифаси Вольц билан боғлаш ва музокара бошлашдан иборат.

Хейген кресло суюнчилигини орқага ётқизиб, фикрини бир жойга тўплашга уриниб кўрди. Шундай қилиб, Жек Вольц ҳақида қуйидагиларни билиб олди. Бу одам Голливуддаги энг йирик уч кино корчалонидан бири, ўзининг студияси бор, ўнлаб етакчи киноартистлар у билан шартнома тузишган. У Қўшма Штатлар президенти қошидаги ҳарбий ахборотлар бўйича маслаҳат кенгашининг аъзоси, кинематография бўлимига бошчилик қилади, яхши лўнда қилиб айтганда урушни улуғловчи картиналар яратади. Ҳатто Оқ уйга тушликка ҳам таклиф этилган. Голливуддаги ишхонасида Эдгар Гуварни қабул қилган. Бу гаплар албатта қулоққа дабдабали эшитилади, лекин аслида ҳам шундаймикин? Аслида бу гаплар расмий муносабатлардан бошқа нарса эмас. Вольц асосан ўта сўл реакцион эътиқодни ёқтирадиган шахс бўлиб, кўп душман оттириб олиш билан ҳисоблашмасдан салтанатидан хоҳлаган тарзда фойдаланиш тўғрисида сиёсий давраларда ҳеч қандай таъсирга эга эмасди.

Хейген чуқур хўрсинди. Йўқ, Жек Вольц билан тўқнашиш бўлмағур иш. У портфелини очди. Ҳозир айни ёзув ишлари билан шуғулланадиган пайт бўлса ҳам анча чарчаганди. У стюардессадан яна битта мартини сўраб олди-да, ўз ҳаётига оид хаёлларга берилиб кетди. У ҳеч нарсадан афсусланмас, аксинча ўн йил илгари шу йўлни танлаб олишга нималар сабаб бўлганидан қатъий назар, иши ўнгидан келганди. Муҳими унинг учун бу йўл тўғри бўлиб чиқди. У муваффақиятларга эришди. У катта кишилар мамнун бўладиган даражада бахтли, турмушидан рози эди.

Том Хейген ўттиз беш ёшида новча, қотмадан келган, сочини калта қилиб олдирган, бир сўз билан айтганда диққат-эътиборни тортмайдиган одам эди. У маълумотига кўра юрист бўлиб, дипломни қўлга олгандан кейин уч йил мутахассислиги бўйича ишлади. Лекин ҳозирги иши Корлеонелар хонадонининг ошкора иши — мамлакатга зайтун мойи келтириб сотиш билан унчалик боғлиқ эмасди...

Том ўн бир ёшида тенгдоши Сонни Корлеоне билан дўстлашиб қолди. Хейгеннинг онаси кўр бўлиб қолган, ичкиликни канда қилмайдиган отаси шундан кейин ароқхўрликка муккасидан берилиб кетганди. Унинг касби дурадгорлик бўлиб, ҳаётида бирон марта диёнатсизлик қилмаган ҳалол одам эди. Лекин ичкилик тўғрисида у оиласини, хотини ўлгандан кейин кўп ўтмай эса ўзини ҳам адоий тамом қилди. Етим қолган Том Хейген кўчаларда тентираб, дарвозаларнинг тағларида тунаб юрди. Сингисини бегоналар тарбиясига беришди. 1920 йилда Америка жамияти қаровсиз қолган болаларни қарамоғига оладиган меҳрмурувватли хонимлар қўлидан қочиб кетадиган ўн бир ёшли кўрнамак, безори болалар билан шуғулланмасди. Бунинг устига Хейгеннинг кўзи йиринглашадиган бўлиб қолди. Қўшнилари ўртасида болага кўз оғриғи онасидан юққан, ундан узоқроқ юрган маъқул деган гап-сўз тарқалди. Одамлар уни четлаб ўтадиган

бўлиб қолишди. Ҳали бағритошлик, шафқатсизлик нималигини билмаган ўн бир ёшли Сонни Корлеоне дўстига ачиниб, уйига бошлаб келди ва уни қабул қилишларини қатъий талаб қилди. Том Хейгеннинг қуюқ, ёғли томат қайла солинган спагетти билан меҳмон қилишди — бу овқатнинг мазаси бир умр унинг оғзида қолди. Сўнгра йиғма каравотга жой қилиб беришди.

Дон Корлеоне сўраб-суриштириб, гап-сўз қилиб ўтирмасдан безори болани оиласида олиб қолди. Шахсан ўзи болани врачга олиб борди ва кўзини даволатди. Дон Томни коллежда, сўнгра дорилфунуннинг ҳуқуқшунослик бўлимида ўқитди. У асранди болага ота сифатида эмас, кўпроқ ҳомий сифатида ёрдам кўрсатди. У ҳеч қачон болага кўнгилянлик қилмади, бироқ ажабланадиган жойи шундаки, пуштикамаридан бўлган ўғилларига нисбатан Хейген билан кўпроқ ҳисоблашарди ва ҳар қандай масалада хоҳиш-иродасини унга зўрлаб ўтказмасди. Коллежни битиргандан кейин Хейген ҳуқуқшунослик ўқишига ўз хоҳишига кўра кирганди. Кунларнинг бирида у дон Корлеоненинг:

— Кўлида портфели бор бир қонуншунос кўлида автомати бор юз нодонга нисбатан кўпроқ нарсани ўмариб кетади, — деганини эшитиб қолганди.

Бу орада Сонни билан Фредди ўрта мактабни тамомлашганидан кейин дон Корлеоненинг норозилигига қарамасдан, қатъий туриб ота изидан бориш истагини билдирдилар. Фақат Майкл дорилфунунга ўқишга кирди, лекин Япония уруши бошланган куннинг эртасигаёқ кўнгилли бўлиб, пиёда денгизчилар сафига жўнаб кетди.

Адвокатлик дипломини олгандан кейин Хейген ота-онаси Нью-Жерсида ўтроқлашиб қолган ёш италиялик қизга уйланди ва алоҳида яшай бошлади. Хотини ҳам дорилфунунни тамомлаган бўлиб, бу ўша даврда унинг тоифасидаги қизлар учун камдан-кам учрайдиган ҳол эди. Тўйдан кейин, дон Хейгенни у бошлайдиган ҳар қандай ишда: адвокатлар идораси ташкил этиб, мижозлар топишда, ё бўлмаса унинг учун ер-сув, уй-жой каби мол-мулк билан савдо қилишни йўлга қўйишда қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини айтди.

Хейген бунга жавобан одоб билан бош эгиб:

— Сизнинг қўл остингизда ишламоқчи эдим, — деди.

Дон бундан ажабланди, лекин мамнун бўлганлиги ҳам кўриниб турарди.

— Мен қанақа ишлар билан шуғулланишимдан хабардормисан? — сўради у.

Хейген тасдиқ ишорасини билдирди. Йўқ, у пайтларда Хейген Доннинг қанчалик катта куч-қудратга эга эканлигини билмасди. У роса ўн йил, Женко Аббандандо ётиб қолиб, consiglieriлик вазифаси зиммасига юклангунга қадар бундан беҳабар юрди. Шунга қарамасдан Хейген ўша пайтда Доннинг ишларидан хабардор эканлигини билдириб, бош қимирлатган ва дон Корлеоненинг кўзига дадил қарай олганди.

— Худди ўғилларингиз каби мен сизнинг қўл остингизда ишлашни хоҳлайман, — деди Хейген.

Бошқача қилиб айтганда, Хейген чексиз садоқат ва итоат билан Дон салтанатини сўзсиз тан олиш билан хизмат қилиш орзусида юрарди. Дон ҳам Хейген унинг уйига қадам босган дастлабки кундан бошлабоқ асраб олинган бу болага оталарча меҳрибонлик кўрсатганди. Доннинг одамларга беҳато баҳо бериши тўғрисида бекорга латифалар тўқилмаганди. Дон Хейгенни дарҳол бағрига босди ва шундан кейин у билан деярли ўз ўғлидай муносабатда бўла бошлади. Лекин гоҳи-гоҳида унга, ёки ўзигами:

— Том, ота-оналарингни унутма, — деб эслатиб қўярди.

Хейген ота-онасини унута олармиди. Мана, бир неча йилдирки, тунлари уни даҳшатли бир туш таъқиб этиб келади. Тушида худди онасига ўхшаб кўр бўлиб қолганмиш. Улғайиб кўлидаги ҳасса билан ерни дўқиллатиб, йўл босиб садақа сўраб юрганмиш, орқасидан болалари кичкина ҳассачаларини дўқиллатиб, садақа сўрашармиш. Хейген ётган жойидан сакраб туриб кетар, унинг кўз олдидан мисоли туманли парда ортида кўриниб турган дон Корлеоненинг қиёфаси сузиб ўтар, шундан кейин Хейген тинчланиб, кўнгли ўрнига тушарди.

Дастлабки уч йил мобайнида Дон ундан фақат Корлеоне хонадони ишлари билангина эмас, шунингдек, одатдаги хусусий амалий ишлар билан ҳам шуғулланишни талаб қилди. Бу йўл билан тўпланган тажриба кейинчалик унга беҳад

катта фойда бўлди. Бундан ташқари ана шу йиллар мобайнида унинг кўнглидаги дон Корлеоне қўлида ишлайми ёки ишламайми, деган шубҳа ҳам бутунлай барҳам топди. Кейин Доннинг аллақандай алоқалари бўлган криминалист-адвокатларнинг машҳур фирмасида яна икки йил ишлаб йўл-йўриқ ўрганди. Жиний ҳуқуқшунослик билан шуғулланар экан, фавқуллодда қобилиятга эга эканлигини намойиш қилди. Буни ҳамма эътироф этди. Шундан кейин бутунлай дон Корлеоне хизматига ўтгач, олти йил мобайнида Дон унинг ишидан ҳеч қандай камчилик топа олмади.

Хейген зиммасига *consigliogi* вазифаси юклангандан кейин, сицилиялик бошқа йирик оилавий концернлар Корлеоне оиласини камситиб “Ирландияликлар тўдаси” деб атайдиган бўлишди. Бундан Хейген хурсанд бўларди. Бироқ, бу айтилган вақтда у вақти келиб, Доннинг ўрнини эгаллаб олишига ва оилавий концернни бошқаришига умид қилолмаслигининг ҳам ифодаси эди. Дарвоқе, бунинг қанақа фарқи бор? У ҳеч қачон олдига бундай мақсад қўймаган. Бу валинеъматига ва унинг кўрсатган меҳр-оқибатига нисбатан ҳурматсизлик бўларди.

Самолёт Лос-Анжелесга кўнганида ҳали тонг отмаган эди. Хейген меҳмонхона калитини олиб хонасига кирди. Соқолини қиртишлади, душда чўмилди, кейин шаҳар узра тонг отишини кузатиб дераза ёнида узоқ турди. Сўнгра Жек Вольц билан соат ўнга белгиланган учрашувни кутиб, бир оз дам олди. Учрашувни келишиб олиш кутилганидан ҳам осон бўлди.

Учрашувдан олдин Хейген кино ходимлари касаба уюшмасининг ҳар қандай иш қўлидан келадиган ходими Билли Гоффга кўнгирақ қилди. Дон Корлеоненинг кўрсатмаларини яна бир марта эсга олган Хейген Гофдан эртага Жек Вольц билан учраштиришни, унга Хейген учрашув якунидан қониқмаса киностудия ходимлари иш ташлашлари мумкинлигини шама қилиб ўтишни илтимос қилди. Гофф бир соатдан кейин учрашув соат ўнда бўлишини, иш ташлаш ҳақидаги шамани Вольц тушунганлигини, лекин бу шама унга мутлақо таъсир қилмаганлигини айтди.

— Агар зарурат туғилиб қолгудай бўлса, Дон билан шахсан ўзим гаплашимга тўғри келади, — деб қўшимча қилди Гофф.

— Зарурат туғилиб қолгудай бўлса, сиз билан Доннинг ўзи гаплашади, — деди Хейген.

Гофф Доннинг орзу-истакларига қўшилаётганлигига Хейген асло таажжубланмади. Аслида-ку, Нью-Йорк Корлеоненинг отамерос мулки ҳисобланарди, лекин дон Корлеоне касаба уюшмаси раҳбарларига ёрдам берган кунлардан куч-қудратга эга бўла бошлагани ҳам тасодифий ҳол эмасди. Уларнинг кўпчилиги ҳамон Дондан қарздор эдилар.

Аммо учрашув эрталабки соат ўнга тайинланганлиги яхшилик аломати эмасди. Демак, у биринчи бўлиб қабул қилинади ва тушликка таклиф этилмайди. Демак, Вольф уни шунчаки кичкина югурдаклардан бири, деб ўйлаётди. Демак, Гофф унга дурустроқ дўқ-пўписа қилмаган — эҳтимол Вольфдан Гоффнинг ўзи ҳам пора олар. Ҳар ҳолда Доннинг панада туриш одати айрим пайтларда Корлеонелар оиласига зарар ҳам келтиради, — ўйлади Хейген. — Унинг исми бегона одамлар учун таниш эмасди.

Хейгеннинг тахминлари тўғри чиқди. Вольф уни қабулхонада ярим соат кутишга мажбур қилди. Майли, ҳечқиси йўқ. Қабулхона жуда муҳташам, қулай эди. Хейгеннинг рўпарасидаги бинафшаранг диванда жуда чиройли бир қизча ўтирарди. Хейген бунақасини умрида кўрмаганди. Ёши ўн иккиларда, бундан катта эмас. Гарчи кийимлари қимматбаҳо бўлса ҳам катталарга ўхшаб, оддийгина кўринарди. Қизнинг ақл бовар қилмайдиган олтинранг сочлари, чуқур, худди денгиз сингари кўм-кўк катта-катта кўзлари, янги пишган гилосдай алвонранг дудоқлари оҳанграбодай ўзига тортарди. Қизчанинг ёнига, онаси бўлса керак, бир аёл келиб ўтирди. Аёлнинг муз каби совуқ такаббурона қарашлари Хейгенни қиздан кўзини олиб қочишга мажбур қиларди. Хейген мамнуният билан унинг қулоқ тубида шавла қайнатишга ҳам тайёр эди. Аждаҳо-она таъқибидеги фаришта қизча, ўйлади ўзича Хейген кўзлари аёлнинг совуқ нигоҳи билан тўқнашаркан.

Ниҳоят тўладан келган ўрта ёшлардаги, бағоят башанг кийинган аёл ичкаридан чиқиб, Хейгенни қатор хоналар орқали кино корчалони ўтирган катта одамга бошлаб кирди. Хонадаги ҳамма нарса: жиҳозлар ҳам, иш қилиб ўтирган одамларнинг ташқи кўриниши ҳам кўзни ўйнатарди. Хейген истеҳзоли жилмайиб қўйди. Юлдузни бенарвон урадиган бу олғирларнинг ҳаммаси кинофильмларда ўйнаш илинжида хизматга киришган. Уларнинг кўпчилиги бир умр шу ерда қолиб кетишади, баъзи бирлари эса омадсизликка учрагач, қаддон гўшасига равона бўлишади.

Жек Вольц қадди-қомати келишган, семира бошлаган қорни костюми остида деярли билинмайдиган новча одам эди. Хейген унинг таржимаи ҳолини яхши биларди. Ўн етти ёшида Ист-Сайдда бўш пиво бочкаларини юмалатар, дўкандан майда-чуйда олиб чиқиб, кўчада савдо қиларди. Йигирма ёшида тикувчилик устахонасидаги чеварларни сиқиб сувини ичишда отасига ёрдамлашди. Ўттиз ёшида Нью-Йоркдан Фарбга кетиб арзон кинотеатр очди ва суратга олинаётган фильмларни молиявий жиҳатдан таъминловчи бўлиб қолди. Қирқ саккиз ёшида Голливуд қироллари орасида биринчиликни кўлга киритди. Ёшлигидаги каби кўпол, дағал, ўтакетган хотинбоз, ҳимоячиси йўқ асл кино юлдузлари орасида ёвуз қашқирга айланди. Эллик ёшга етганда бошқача йўл тугиб, қиёфасини ўзгартиришга киришди. Сухандонликдан сабоқ ола бошлади. Уйда майда-чуйда ишларни қилиб юрадиган англиялик одамдан кийинишни, яна бир англиялик бош хизматкордан жамоатчилик орасида ўзини туттишни ўрганди. Бева қолганидан кейин номи дунёга танилган, чиройли, актриса аёлга уйланди. Ҳозир у олтимишдан ошганди, Президентлик маслаҳати кенгашининг аъзоси, кино санъатини ривожлантиришга ёрдам кўрсатувчи ўз номидаги миллион-миллион пули бор фондга асос солишга улгурган эди. Қизи англиялик лордга турмушга чиқиб кетган, ўгли эса италиялик маликага уйланди.

Репортёрлар бутун Америкага жар солганларидек, унинг энг сўнгги қизиққан нарсаси шахсий йилқи заводи бўлиб, фақат ўтган йилнинг ўзида заводга ўн миллион доллар сарфлаганди. Хартум лақабли машҳур инглиз айғирини кўз кўриб, кулоқ эшитмаган баҳога — олти юз минг долларга сотиб олиб, яна бир катта шов-шувга сабаб бўлди. Мисли кўрилмаган бу йўрға бундан кейин мусобақа йўлакларига чиқарилмайди, фақат насл олиш учун отхонада қолдирилади, деб эълон қилди.

У Хейгенни назокат билан, силлиқ қиртишланган, офтобда бир текис қорайган юзида табассумга ўхшаш бир ифода билан кутиб олди. Энг зўр пардозчилар бор маҳоратини ишга солганликларига қарамасдан, унинг қиёфасида йиллар қолдирган асорат яққол кўриниб турар, юзи худди ошланган тери парчаларидан тикилган бўлимга ўхшарди. Бироқ ҳаракатлари чаққон, дон Корлеоне каби у ҳам ўзи яшаётган дунёни бир ўзи идора этиб тургандай ҳис этиши яққол сезилиб турарди.

Хейген дарҳол мақсадга кўча қолди. У мижози, дўсти Жонни Фонтейннинг топшириғига биноан келганлигини, у нуфузли, обрў-эътиборли одамлиги, мистер Вольц арзимаган ёрдам туфайли унинг миннатдорчилигига ва бир умр ихлос қўйишига умид қилиши мумкинлиги тўғрисида гапирди. Арзимаган ёрдам эса киностудияда келгуси ҳафтада суратга олина бошлайдиган янги ҳарбий фильмга Жонни Фонтейнни таклиф қилишдан иборат эди.

Ошланган терини эслатадиган қиёфа совуққонлигича қолди.

— Дўстингиз менга қанақа хизмат кўрсатмоқчи? — сўради Вольц. Унинг овозида сезилар-сезилмас такаббурлик ифодаси бор эди.

Хейген бунга эътибор бермади.

— Корхонангизда касаба уюшмаси томонидан кўнгилсизликлар бўлиши мумкинлиги кутиляпти, — деб тушунтирди у. — Дўстим сизни ана шу кўнгилсизликлардан халос этаман, деб тўла кафолат беради. Сизда машҳур бир актёр бор. Студиянгиз у туфайли катта пул топади. Лекин айна пайтда у учига чиққан гиёҳванд ҳамдир. Ҳозир нашадан героинга ўтди. Дўстим шундай йўл туттиши мумкинки, у бундан кейин героин тополмай қолади. Келгусида эса ҳар қанақа мушкуллик юз берганда менга кўнғироқ қилсангиз ҳаммасини тўғрилаймиз.

Жек Вольц мақтанчоқ ёш боланинг гапларини эшитаётгандай бу гапларга сабр-тоқат билан қулоқ солди. Кейин жўртгага Ист-Сайдча йўл тутиб, тиккасидан сўради.

— Нима, ҳали менга дағдаға қилиб кўрқитмоқчимисиз?

Хейген вазминлик билан жавоб берди.

— Мутлақо ундай эмас. Мен дўстона ёрдам сўраб келдим. Сиз бундан ҳеч нарсасиз ютқазмаслигингизни айтмоқчи эдим, холос.

Шу дақиқада худди биров буйруқ бергандай Вольцнинг юзи ўзгариб бад-жаҳл қиёфага айланди. Лаблари буришди, бўялган қалин қошлари олов чақнаган кўзлари устида қора тасмачага айланди. У стол устидан Хейген томон энгашди.

— Гап бундоқ, ўша хўжайинингизга қисқа ва лўнда қилиб айтиб қўйишингиз мумкин. Жонни Фонтейн бу картинада ҳеч қачон ўйнамайди. Майли, ўша мафиядаги ўғриваччалар корхона эшикларидан чигирткадай ёпирилиб киришсин, уларнинг ҳаммасига тупурдим. — У ўзини орқага ташлади. — Сизга эса, биродар, кичкина маслаҳат. Жон Эдгар Гувер деган бир одам бор; балки эшитгандирсиз! — Вольц такаббурона кулиб қўйди. — У яқин дўстим бўлади. Менга тазйиқ ўтказмоқчи бўлаётганингизни сал шипшитиб қўйсам, тамом, азизим, устихонларингизни ҳам йиғиштириб ололмай қоласизлар.

Хейген унинг гапларини тишини тишига қўйиб эшитди. У Вольцдай одамдан каттароқ нарсаларни кутган эди. Наҳотки ўзини аҳмоқона тутадиган шундай бир кимса юз миллионлаб маблағи бор компанияни бошқарса! Бу масалада бош қотирса бўлади. Бунинг устига Дон капиталини кўпайтирадиган ширкат қидираётган эди. Агар кинога Вольцга ўхшаган тўнкалар хўжайинлик қилишаётган бўлса, балки Донга энг керакли нарса ҳам шудир. Ҳақоратлар Хейгенга мутлақо таъсир қилмади. Музокара олиб бориш санъатини у Доннинг ўзидан ўрганганди. Ҳеч қачон кўрқитма, дағдаға қилма, аксинча муҳолиф томонни соғлом фикр юритишга мажбур қил. “Фикр юритиш” сўзи сицилианча “*rajunah*”, текшириб кўрмоқ деган маънони билдирар ва бирмунча жаранглироқ эшитиларди. Музокара олиб бориш санъатидаги энг муҳим нарсаси ҳақоратларга, дағдағаларга эътибор бермасликдан, ўнг юзинга шапалоқ туширишса, чап юзини тутиб беришдан иборат эди. Хейген Дон катта шов-шув кўтарган йирик мафиянинг аъзоси бўлган ашаддий гангстерни гапга кўндириш учун саккиз соат ҳақоратларга бардош қилиб ўтирганининг гувоҳи бўлганди. Саккиз соат — кейин дон Корлеоне ноилож кафти очиқ қўлини юқори кўтариб, стол атрофида ўтирганларга мурожаат қилар экан, шундай деган эди:

— Бу одам масалани у билан шошилмай, тинч ҳал қилишимиз кераклигини тушунмаяпти, — дея сўнг бир-бир босиб хонадан чиққанди.

Ваҳимага тушган гангстер бўрдай оқариб кетганди ўшанда. Доннинг орқасидан югуриб бориб, чақириб келишганди. Ўшанда музокаралар битимга келиши билан тугаганди, лекин икки ойдан кейин гангстерни сартарошхонада отиб кетишганди.

Хейген секин, мулойим овоз билан давом этди:

— Кўз югуртириб кўярсиз, мана бу менинг ташрифномам, — деди у. — Адвокатман. Наҳотки оғримаган бошимга бекордан-бекорга ғавғо орттириб олишни хоҳласам? Ақалли бирон-бир сўз билан сизга дағдаға қилдимми? Мен шунчаки Жонни Фонтейн шу фильмда суратга тушиши учун ҳар қандай шартингизга кўнишга тайёрман, дедим. Менимча арзимаган илтифотингиз учун анча нарсаси таклиф қилияман. Бунинг устига Сиз кўрсатадиган илтифот манфатларингизга ҳам мос келади. Жоннинг айтишига қараганда, бу ролга ундан бошқа ҳеч ким мос келмаслигини сиз лутфан эътироф этгансиз. Айтиб қўяй, акс ҳолда биз сизга ҳеч қачон мурожаат этмаган бўлардик. Бунинг устига агар пул масаласи ташвишлантираётган бўлса, фильмни суратга олишни молиялаштиришни дўстим зиммасига олади. Фақат илтимос, мени ногўфри тушунманг. Иложи бўлмаса йўқ, денг. Сизни ҳеч ким мажбур қилаётгани йўқ, мажбур қилолмайди ҳам. Дарвоқе, айтиб қўяй, хўжайинимиз мистер Гувер билан дўстлигингиздан хабардор ва бу дўстликни қадрлайди ва беҳад ҳурмат қилади.

Вольц ғоз патидан қилинган катта қизил ручкада алланарсаларни ёзиб ўтирарди. Пул ҳақидаги гапни эшитгач, бошини кўтарди. Унда дастлабки қизиқиш пайдо бўлди.

— Ҳисоб-китобларга қараганда, бу картина беш миллионга тушади, — деди такаббурлик билан.

Хейген бу рақам унга таъсир қилганлигини билдириб, хуштак чалди. Кейин ўша бепарволик билан:

— Хўжайиннинг у бошлайдиган ҳар бир ташаббусини қўллаб-қувватлайдиган дўстлари кўп, — деди.

Фақат ҳозиргина Вольц унга жиддий эътибор бера бошлади. У Хейгеннинг ташрифномасига кўз югуртириб чиқди.

— Нима учундир сиз ҳақингизда эшитмаган эканман, — деди у. — Нью-Йоркдаги йирик адвокатларнинг кўпчилиги менга таниш. Сиз қаёқдан келиб қолдингиз?

— Мен катта бир фирманинг вакилиман, — деди Хейген қуруққина қилиб. — Фақат шу фирма ишлари билан бандман. Бошқа ҳеч қанақа иш билан шуғулланмайман. — У ўрндан турди. — Хўп, майли, бошқа вақтингизни олмайман.

У қўлини узатди. Вольц унинг қўлини қисди. Хейген эшик томон бир неча қадам ташлаб, кейин ўгирилиб қаради:

— Менинг билишимча ўзини катта одам қилиб кўрсатадиган кичик одамлар билан тез-тез учрашиб туришингизга тўғри келади шекилли. Мен билан бўлган бугунги учрашув бунинг акси. Ҳар иккимизни танийдиган одамлардан менинг кимлигимни батафсил сўраб-суриштиришингиз мумкин. Агар бирор янги фикр туғилиб қолса, менга меҳмонхонага қўнғироқ қиларсиз. — У жим қолди. — Эҳтимол, сизга ақл бовар қилмайдиган нарсадек кўринар, лекин мижозимнинг қўлидан шундай ишлар келадик, унинг олдида ҳатто мистер Гувер ҳам ип эшолмайди. — У корчолоннинг кўзлари қисилганини кўрди. Вольц ниҳоят қаршисида қанақа одам турганлигини тушунди. — Ҳа, дарвоқе, мен картиналарингизнинг ашаддий ишқибозиман, — қўшиб қўйди Хейген хушомад қилиб. — Эзгулик йўлида ижод қилишингизга ҳеч нарса ҳалақит бермайди, деб умид қиламан. Ватан сизга раҳмат айтади.

Кечқурунга бориб Хейгенга продюсернинг котибаси қўнғироқ қилиб, тахминан бир соатдан кейин машина боришини, тушлик қилгани шаҳардан ташқарига Вольц ҳузурига етказиб қўйишини, уч соат йўл юрилишини, шунингдек машинадаги музлатгичда ичкилик ва егулик овқат борлигини айтди. Вольц уйига шахсий самолётида боришини Хейген биларди. Нега уни бирга учишга таклиф қилмадийкин? Котиба назокатли овоз билан давом этди:

— Мистер Вольц буюмларингизни олволишингиз кераклигини айтди. Эрталаб сизни аэропортга етказиб қўйишармиш.

— Яхши, — деди Хейген.

Буниси ҳам қизиқ тушди. Эрталаб Нью-Йоркка учиб кетишимни Вольц қаёқдан билиб олақолдийкин? У бир дақиқа ўйланиб қолди. Вольц унинг изидан айғоқчи қўйгани аниқ. Ундай бўлса Вольц Хейген Доннинг номидан иш кўраётганлигини ҳам билади, демак, Дон ҳақида ҳам баъзи бир тасаввурга эга. Энди у ишга жиддий киришади, қарабсизки, иш ўнгидан келиб турипти, ўйлади Хейген. Вольцнинг калласи у бугун эрталаб ўйлаганига қараганда тузукроқ ишлаши ҳам мумкин экан.

Жек Вольцнинг ер-мулки худди эртақлардаги, дабдабали олди-қочди фильмлардаги каби ажойиб манзарани эслатарди. Уйи айнан заминдор қўлдорнинг саройи, катта боғ, унинг орқасида бўрсиллаб турган қора гуноқли ер устига ётқизилган от миниб сайр қиладиган йўлак, отхона, бугун бир умрга мўлжалланган ўтлоқ. Яшил тўсиқлар, гулзорлар, майсазорлар таниқли киноюлдузларининг сочи сингари текис қилиб қирқилган.

Вольц Хейгенни кондиционерли ойнаванд айвонида кутиб олди. Продюсер уйбоп бўлиб, қайтарма ёқали кўк шойи қўйлак, хантал рангли шим, юмшоқ чарм сандал кийиб олганди. Ёрқин ранглар ва қимматбаҳо газламалар Вольцнинг ошланган терига ўхшаган дағал башарасини бўрттириб кўрсатарди. У пат-

нусдаги мартини куйилган икки узунчоқ стаканнинг бирини Хейгенга узатди. Вольц ўзини эрталабдагига қараганда анча мулозиматли тутарди. У Хейгеннинг елкасига қўл ташлаб:

— Тушликка бир оз вақт бор экан, — деди. — Юринг, отларимни кўрсатаман.

Отхонага йўл олишаркан:

— Сизнинг кимлигингизни суриштириб кўрдим, Том, — деди. Корлеоне сизнинг хўжайинингиз эканлигини дарҳол айтмасдан бекор қилипсиз. Сизни Жонни томонидан ёллаиб, сурбетлик билан мени қўлга олмоқчи бўлаётган ўртамиёна фирибгарлардан бири деб ўйлабман. Мени осонлик билан қўлга олиб бўлмайди. Бу билан душманларимни кўпайтириб олмоқчи эмасман, йўқ, бунақа одатим йўқ. Дарвоқе, келинг, кайфиятимизни бузмайлик. Иш ҳақида тушликдан кейин гаплашсак ҳам бўлади.

Ажабланидан жойи шунда эдики, Вольц анча сертавозе мезбон экан. У Америкадаги ҳамма йилқи заводларини синдиришга ёрдам берадиган янгиликларни жорий этаётганлиги тўғрисида батафсил сўзлаб берди. Отхона тўла ўтга чидамли материаллардан қурилган бўлиб, ёғ томса ялагудек тоза сақланар ва махсус хусусий хуфиялар гуруҳи томонидан қўриқланар экан. Охирида Вольц Хейгенни “Хартум” сўзи ёзилган оғир бронза тахтача михланган бўлма ёнига бошлаб келди.

Ҳатто бу соҳада мутлақо тажрибаси бўлмаган Хейген ҳам бўлмадаги айғирнинг бениҳоя зўрлигини осонгина ҳис қилди. Бошидан оёғигача бир текисда қоп-қора айғирнинг фақат кенг пешонасида оппоқ юлдузчаси бор эди. Хартумнинг узун жигарранг кўзлари олтин олмалардай ялтиллер, таранг қора сағриси атласдай товланарди. Вольц болаларча гуруҳ билан:

— Бу дунёдаги энг зўр аргумоқ, — деди. — Ўтган йили Англияда нақ олти юмалоққа сотиб олганман. Ишонтириб айтаманки, ҳатто рус подшолари ҳам битта отни бунча пулга сотиб олишмаган. Лекин уни пойгага қўймайман, наслини кўпайтираман. Ҳали Америкада қулоқ эшитмаган тез чопадиган отлар стиштираман. — У секин “Хартумжон, Хартум!” дея отнинг яғринини силаб қўйди. Вольцнинг овозида юрак тубидан чиққан бир меҳр бор эди. От ҳам буни сезди.

— Биласизми, отда жуда яхши юраман. Ваҳоланки, биринчи марта эгарга ўтирганимда эллик ёшда эдим. — У қулди. — Момом Россияда бирон казак билан пинҳона дон олишиб қўйган бўлса керак, томиримда казак қони бор. — Вольц Хартумнинг қорнини қитиқлаб қўйди ва завқ ҳамда ҳасад билан қўшимча қилди: — Қаранг, табиат унга ато қилган кўрк-нафосатни кўринг. Агар шундай отлардан бир уюр бўлгандами...

Уйга қайтиб киришди. Дастурхон устида уларга бош хизматкор назорати остида уч қарол хизмат қилди. Дастурхон олтин попуқлар билан безатилганди, овқатни кумуш идишларда келтиришди. Лекин таомнинг ўзи Хейгенга ўртамиёна кўринди. Вольц ёлғиз яшаб, овқатга лоқайд қарайдиган бўлиб қолса керак. Хейген иш ҳақида оғиз очмасдан кутиб турди. Вольц билан йўғон Гавана сигараларини туташтиришгандагина сўради:

— Хўш, шундай қилиб Жоннига роль берасизми?

— Иложи йўқ, — деди Вольц. — Ҳатто мен хоҳлаганимда ҳам Жоннининг бу фильмда қатнашишининг иложи йўқ. Ҳамма билан шартнома тузиб қўйилган, келгуси ҳафтадан суратга олиш бошланади. Ҳозир бирон нарса ўйлаб топиш қўлимдан келмайди.

Хейген шошмасдан деди:

— Мистер Вольц, бировга бўйсунмайдиган одам билан иш олиб бораётганда битта устунлик бор — бу сиз айтаётган ўй-фикрлар билан ҳисоблашмаслик. Хоҳлагандай иш тутиш сизнинг ихтиёрингизда. — У сигарасини бурқситиб тортди. — Менинг дўстим ваъдасининг устидан чиқа олишига ишонмаяпсизми?

Вольц қуруқчина қилиб:

— Мени касаба уюшмалари билан кўнгилисизликлар қутаётганини биламан, — деди. — Гофф кўнғироқ қилди. У билан кўполроқ гаплашдим, аблаҳ, гўё ҳар йили мендан конвертга солинган юзлаб пулни ўмариб кетаётганини эсидан

чиқариб қўйгандай. Ҳақиқий эркаклар ролини ўйнайдиган анови актёрни гиёҳвандликдан ҳалос этишга эришдингиз ҳам дейлик. Лекин буларнинг ҳаммаси мени унча қизиқтирмайди. Картиналарга ўзимнинг пулим етади. Ҳамма гап шундаки, ўша разил Фонтейнни кўрган кўзим йўқ. Хўжайинингизга айтиб қўйинг, бу мен рад қилишга мажбур бўлган унинг ягона илтимоси бўлади, бошқа ҳамма илтимосларини мамнуният билан қабул қиламан. Ҳар қандай илтимосларини. Фақат бир оғиз шама қилиб қўйса бас.

Ундай бўлса, аблаҳ, нега мени бу ерга; тупканинг тагига етаклаб келдинг, ўйлади Хейген. Продюсер яна ниманидир айта олмаётгани кўриниб турарди.

Хейген совуққина қилиб деди:

— Сиз аҳволни нотўғри тасаввур қилдингиз, деб кўрқаман. Мистер Корлеоне Жонни Фонтейнга “Чўқинтирган ота” бўлади. Улар ўртасидаги муносабат ўта яқин бўлиб, муқаддас черков билан боғлиқ. — Бу гаплар айтилаётганда Вольц одоб сақлаб бошини эгиб турди. Хейген давом этди. — Италияликларда шунақа ҳазил бир гап бор. Ҳаёт шунчалик шафқатсизки, яна бир отасиз яшаш мушкул. Шунинг учун ҳам уларда “Чўқинтирган оталар” бўлади. Жоннининг отаси вафот этган. Шу боисдан ҳам мистер Корлеоне унинг олдида жавобгардир. Сизга бошқа бирон-бир масала билан илтимос қилишга келсак, бундай илтимос бўлмайди. Мистер Корлеоне жуда инжиқ одам, у бир марта илтимосини рад этган одам билан бошқа гаплашмайди.

Вольц елкасини қисди.

— Афсус. Мен барибир рад жавоби беришга мажбурман. Лекин сиз шу ердалигингизда ҳал қилиб олайлик, айтинг-чи, касаба уюшмалари туфайли бўладиган кўнгилсизликларни бартараф этиш қанчага тушади? Нақ тўлайман. Ҳозирнинг ўзида.

Баъзи бир нарсалар ойдинлаша бошлади. Жоннига роль бермасликка қатъий аҳд қилган экан, Вольц у билан нега овора бўлиб ўтирганини билиб олиш учун энди Хейген бош қотирмаса ҳам бўларди. Бу учрашув ҳеч нарсани ўзгартира олмайди. Вольц ўзини хавф-хатардан олис, деб ҳис қила бошлади. Унга дон Корлеоне салтанати кўрқинчли эмасди. Ҳақиқатан ҳам Вольц дон Корлеоненинг нимасидан кўрқади? Олий сиёсий давралардаги алоқалари, ФБР бошлиғи билан танишлиғи, кинофильмлар ишлаб чиқариш саноатидаги сон-саноксиз маблағи, чексиз ҳукмронлиги бўлгани ҳолда яна нимадан кўрқади. Соғлом фикр юритадиган ҳар қандай одам, шу жумладан, Хейген ҳам, Вольц ўз имкониятини тўғри баҳолайди, деб ҳисобларди. Агар продюсер иш ташлаш туфайли юз берадиган зарарга рози бўлса, Дон ҳеч қандай йўл билан унга яқинлаша олмайди. Бу ҳисоб-китобларнинг ҳаммасида битта нозик жойи бор эди. Дон Корлеоне Жоннига ўша ролни сен ўйнайсан, деб ваъда бериб қўйганди. Хейген эса бундай ҳолларда дон Корлеоне бирон марта ваъдасининг устидан чиқа олмаганини эслай олмайди.

Хейген оғир-босиқлик билан:

— Гапларимнинг мазмунини атайлаб бузаяпсиз. Сиз мени тамагирликка шерик қилиб қўймоқчисиз. Мистер Корлеоне касаба уюшмалари билан бўладиган жанжалда фақат дўстлик туфайли, унинг ҳомийлиги остидаги одамга ёрдам берганингиз учун миннатдорчилик билдириш мақсадида сизнинг ёнингизни олишга ваъда берапти. Сиз бир томондан, у бир томондан ҳаракат қилсангизлар, бу бир-бирингизга ўзаро дўстона илтифот кўрсатишдан бошқа нарса эмас. Лекин сиз бу ишга жиддий ёндошмоқчи эмаслигингизни кўриб турибман. Мен шахсан сиз хато қиялпсиз, деб ҳисоблайман.

Вольц худди қулай пайтни кутиб тургандай бирдан туюқиб кетди:

— Мен ҳаммасини жуда яхши тушундим, — деди у. — Бу ерда мафиянинг қўли борлигини кўриб турибман. Сиртдан қараганда ҳаммаси осонгина, силлиққина, аслида эса дағдаға, кўрқитиш. Очиқчасига гаплашайлик. Гарчи Жонни Фонтейн худди шу роль учун тугилган бўлса ҳам, у ҳеч қачон бу ролни ўйнай олмайди. Аммо буюк экран юлдузлари қаторидан ўрин олиш учун унга фақат шу ролни ўйнаш кифоя. Лекин у буни ҳеч қачон ўйнай олмайди. Чунки мен жирканч ва ғаламисларнинг доирасига ўйнайдиган бу одамдан нафратланман ва уни кино олампидан супуриб ташлайман. Бунинг сабаблари бор. У

менинг ҳимоямдаги энг умидли шогирдларимдан бирини нобуд қилди. Бир қизчани беш йил ўқитдим — ашула дарси, рақс дарслари, актёрлик маҳорати дарслари учун ўқитувчилар ёлладим, юз минглаб доллар сарфладим. Уни кино юлдузи қилиб тарбияламоқчи эдим. Мен ҳам кўнгилхушлик қилишдан, завқланишдан ҳали қолмаганлигимни далиллаш учун сизга бор гапни айтаман. Гап долларда ҳам, центларда ҳам эмас. Қизча бениҳоя гўзал эди, бундан ташқари жуда кўп аёллар билан кўнгилхушлик қилганимга қарамасдан, тўшакда ундан жозибалироғини, офатижонроғини кўрмагандим. Кўпчилик бемалол куйлай-верадиган тенор овози ва италянча энгил-елпи опера қўшиқлари билан Жонни пайдо бўлдию, қиз ҳам дом-дараксиз ғойиб бўлди. Жоннини афзал кўриб, мени ҳаммага масхара қилиб ташлаб кетди. Менинг мартабамда, мистер Хейген, масхара бўлишга йўл қўйиб бўлмайди. Фонтейн билан ана шунақанги ҳисоб-китобларим бор.

Хейген энди ҳақиқатан ҳам таажжубланди. Ақли расо, нуфузли, бадавлат одам жиддий масала ҳал бўлаётганда арзимаган майда-чуйдалар ҳақида гапириб ўтирса-я! Ақл бовар қиладимиз? Хейгенлар, Корлеонелар даврасида аёллар гўзаллиги, уларнинг ишқий саргузаштларининг муҳим масалаларга мутлақо дахли бўлмасди. Гап никоҳ ва оила шарафи ҳақида борган пайтлардан ташқари ҳамма ҳолларда бу ҳар кимнинг шахсий иши ҳисобланарди. Хейген сўнги марта уриниб кўрмоқчи бўлди.

— Сиз мутлақо ҳақсиз, мистер Вольц, — деди у. — Лекин сизнинг даъво-дастурларингиз шунчалик муҳимми? Амалда арзимаган нарса бўлган бу хизматингиз менинг мижозим учун қанчалик муҳим эканлигини Сиз ҳисобга олмаяпсиз. Мистер Корлеоне Жоннини гўдаклигидан, чўқинтирган пайтидан бери биледи. Жоннининг отаси вафот этганда, оталик бурчини мистер Корлеоне ўз зиммасига олган. Шунини унутмангки, жуда кўп одамлар уни “Чўқинтирган ота”, деб аташади, яхшилиги учун миннатдорчилик билдирадиган, ҳурмат қиладиган одамлар ўта сероб. Мистер Корлеоне ҳеч қачон дўстлари бошига иш тушганда ташлаб кетмайди.

Вольц ўрнидан шитоб турди.

— Бўлди, етарли, гаплашиб бўлдик. Ҳар қанақа муттаҳамлар менга ўз шартларини тиқиштиришлари етмай турганди. Улар менинг шартларимни бажаришсин. Шундай телефон трубкасини кўтарсам, азизим, сизнинг ҳам панжара орқасида тунашингизга тўғри келади. Агар ўша томтешар ошнангиз куч ишлатмоқчи бўлса, тездаёқ мен унга ўхшаш ношуд эстрадачи эмаслигимга ишонч ҳосил қилади. Ҳа, бунақа воқеаларни эшитганмиз. Тушунинг, ахир ўша мистер Корлеоненингизни ҳам исини чиқармасдан гумдон қилишади. Зарур бўлса, бунинг учун ҳатто Оқ уйдаги ошна-оғайнилариимни ҳам ишга соламан.

Тўнка, вой ярамас тўнка-ей! Қандай қилиб бу тўнка pezzonovante бўлиб қолдидикин, деб ўйлади Хейген. Президентнинг маслаҳатчиси, дунёдаги энг йирик киностудиянинг хўжайини эмиш яна. Очиғини айтганда Дон бу ишга пул сарфласа бўларкан. Вольц ҳар бир сўзни айнан ўз маъносида тушунади. Унинг негизда қандай маъно борлигига ақли етмайди.

— Меҳмондорчилик учун, кўнгилли оқшом учун миннатдорман, — деди Хейген. — Аэропортга етиб олишимга ёрдамлаша олмайсизми? Тунагани қолмаганим маъқул. — У Вольцга совуқ жилмайиш билан қараб қўйди. — Мистер Корлеоне нохуш хабарни дарҳол эшитишни афзал кўради.

Хейген прожекторлар билан ёритилган устунлар орасида машина кутиб турганда йўлак олдида лимузинга икки аёл ўтираётганини кўриб қолди. Бу аёллар Хейген эрталаб Вольцнинг қабулхонасида кўрган ўн икки ёшли олтин сочли кичкина гўзал қизча ва унинг онаси эди. Фақат ҳозир қизчанинг янги пишиган гилосдай лаблари шишиб, қандайдир шакли йўқ чаплашиб кетган қип-қизил лой парчасига айланганди. Кўм-кўк кўзлари хиралашган, пиллапоядан лимузиннинг очик эшиги томон тушиб келаркан, узун оёқчалари яраланган тойчоқнинг оёқларидай букилиб, чалишиб кетарди. Онаси қизчани қўлтиқлаб ўриндиққа ўтқазди-да, қулоғига алланималар деб пичирлади. Сўнгра секин ўгирилиб, Хейгенга бошдан-оёқ кўз югуртириб чиқди. Унинг ёввойи қушларниқига

ўхшаш кўзлари тантанавор ифода билан ёнарди. Бир дақиқадан кейин у ҳам машина ичида кўринмай қолди.

Шунинг учун Вольц Лос-Анжелесдан самолётда бирга учишни таклиф қилмаган экан-да, ўйлади Хейген. Демак, тушликкача дам олиш ва ҳали она сути оғзидан кетмаган кичкина қизча билан кўнгилхушлик қилишга вақт қолиши учун қизча ва онаси билан бирга учган. Ҳали Жонни шунақа даврда яшамоқчими? Начора, унга, дарвоқе Вольцга ҳам, омад тилашдан бошқа илож йўқ.

Поли Гатто ҳар қандай ишга, айниқса, муштлашишга шошилмай, ҳафсала билан тайёргарлик кўрарди. У ҳамма нарсани олдиндан ҳар томонлама пукта режалаштириб олишни ёқтирарди. Чунончи, бугунгига ўхшаш, гарчи иккита мишиқининг яхшигина таъзирини бериб қўйишни иш деб ҳисобламаса ҳам, вазифа аниқ бажарилмаса ишқал чиқиши мумкин. У пиво симираркан, мишиқи кучукваччаларнинг бар пештахтаси олдида турган қизлар билан нималар тўғрисида гаплашаётганлигини билиш мақсадида улар томонга қаради.

Исми шарифлари Жерри Вагнер ва Кевин Мунан бўлган бу кучукваччаларнинг кимлигини Поли Гатто миридан-сиригача ўрганиб чиққанди. Таътилдан коллежга қайтгунларига қадар зудлик билан яхшилаб таъзирини бериб қўйиш зарурлигини Полига Клеменца тайинлаганди. Қанақа фалоқат босиб бу топшириқни албатта Нью-Йоркда адо этиш керак бўлиб қолдийкин? Буйруқни бериб, хоҳлаган жойингда, хоҳлаганингдек бажар дейиш ўрнига бу ярамас Клеменца ҳам уни ундоқ, бунди бундоқ қил, деб ҳар қадамда кўрсатма беради. Мана, ҳозир ҳам анови жононлар ўсмирларга эргашиб олишса, яна бир оқшом бекор ўтди, деявер.

У қизлардан бири хоҳолаб кулганини эшитди.

— Нима бало, ақлингни еб қўйганмисан? Машинага? Сен билан-а? Йўғ-а, зарур келгани йўқ. Анови бечора қизга ўхшаб касалхонага тушиш ниятим йўқ.

Қизнинг овозида ғурур, айна пайтда бошқа бировнинг бахтсизлигидан севиниш бор эди.

Поли Гаттога шу керак эди. У кружкадаги пивони ичиб, кўчага чиқди. Тунги соат бир. Вазият кўнгилдагидай. Фақат бардангина чироқ кўриниб турибди. Бошқа ошхоналар ва дўконлар аллақачон ёпилган. Полициячиларнинг кўриқчи машинаси билан шуғулланишни Клеменца зиммасига олган. Машина радио сигнал олмагунча кўринмайди. Шунда ҳам воқеа содир бўлган жой томон шошилмасдан йўл олади.

Поли машина эшигига суянди. Новчалигига қарамасдан орқа ўриндикда икки одам деярли кўринмасдан ўтирарди.

— Эшиқдан чиқиши билан дарҳол қўлга олинглар, — деди Поли.

Дарҳол қўлга олинглар эмиш. Полиция унга архивдан олинган икки суратни берган ва бу махлуқлар ҳар куни кечқурун қайси барда бўлишларини, пештахта олдида туриб олиб қизларнинг жиғига тегишларини айтган эди. Поли икки бақувват ёрдамчини танлаб олди-да, яхшилаб ақлини киритиб қўйиш керак бўлган ўсмирларни тасвирлаб берди. Қай даражада дўппослаш кераклигини айтди. Бир сўз билан айтганда бошга урмаслик керак, гарданига хоҳлаганча тушириш мумкин. Бошқасини ўзлари билишади.

— Лекин битта шарт бор, — деди Гатто. — Агар ўсмирлар касалхонада бир ойдан кам ётишса, яна ўша юк машинасида ишлашларингга тўғри келади.

Икковлон машинадан тушишди. Униси ҳам, буниси ҳам оддий боксчи бўлишган, лекин иккаласи ҳам инқирозга учраган спорт клубидан нарига ўтишолмаган, шунда Сонни яхшигина пул ишлаб олишлари учун имконият яратиб, уларни кутқариб қолганди. Ҳозир уларнинг ҳаёти унчалик ёмон эмас. Табиийки, ҳар иккиси ҳам бу яхшиликни унутмаганликларини кўрсатиб қўйиш имконияти туғилганидан хурсанд эдилар.

Жерри Вагнер ва Кевин Мунан бар эшигидан чиқишганда ҳар иккиси ҳам Поли кутган даражада маст эди. Қиз уларни хоҳишига кўнмади, мақсадларига эришолмаган йигитчаларнинг жаҳли чиқди. Эринчоқлик билан машина копитига суяниб турган Поли Гатто хаҳолаб кулди ва кесатиб:

— Бу дейман, қиз жуда чиройли қилиб бошлаб кетди-ку. Икки қўлинг бурнингда қолавердинг-ку, — деди.

Бу гап йигитларнинг жон-жонидан ўтиб кетди. Улар Поли томон югуришди. Шунақаларни дўппослаб хумордан чиқасан-да. Пакана, нимжон, бунинг устига ўлгудай сурбет, биринчи бўлиб ўзлари ташланишади. Йигитлар югуриб келиб Гаттога ташланишди. Худди шу дақиқада Полининг шериклари орқадан келиб, йигитларнинг қўлларини қайиришди. Поли дарров буюртма билан махсус тайёрланган калта темир тиканаклар қадалган кастетни ўнг қўлига тақди. У ҳафтасига уч марта спорт машғулотларига қатнарди. Шунинг учун ҳам аниқ ишларди. Бир зарба билан Вагнер исмли кучукваччанинг қаншарини пачақладди. У шалпайиб тушиб, жим бўлди. Бунга беш секунд вақт кетди, холос.

Навбат Кевин Мунанга келди. Қолмишига у дағдаға қила бошлади. Боксчилардан бири забардаст қўли билан секингина мушт туширганди, Мунан ҳам шилқ этиб тушди. Боксчи иккинчи қўли билан овоз чиқармайдиган қилиб Мунаннинг томоғидан бўғди.

Поли Гатто машинага шўнғиди-да, моторни ўт олдириди. Бу пайтда икки шериги Мунаннинг дабдаласини чиқаришарди. Улар худди вақт зиклигини унутиб қўйишгандай ҳафсала билан ишлашарди. Мунаннинг қорнига туширилган ҳар бир зарба шилқиллаганга ўхшаш кўнгил айнитадиган овоз чиқарарди. Гатто кўзи Мунаннинг юзига тушиб қолди. Уни таниб бўлмасди. Иккала боксчи Мунанни йўлакда қолдириб, энди Вагнерга ташланишди. Бу пайт инқиллаб оёққа туриб олган Вагнер одамларни ёрдамга чақира бошлаган эди. Овозни эшитиб, бардан кимдир бошини чиқарди, энди шошилиш керак эди. Чалиб юборишган эди, Вагнер тиззалаб қолди. Калтакловчилардан бири унинг қўлини қайирди-да, белига чунонам тепдики, нимадир қисирлагани аниқ эшитилди. Вагнернинг мудҳиш чинқириғини эшитиб, ҳамма уйларнинг деразалари очила бошлади. Энди анови иккови жуда тез ишлай бошлашди. Бири Вагнернинг бошини худди тахтакачдай кафтлари орасига олиб, уни кўтариб турди. Иккинчиси бу жонсиз нишонга тинимсиз зарба туширди. Бардан одамлар югуриб чиқишди, лекин бу жанжалга аралашишга ҳеч бири журъат этолмади. Шу пайт Поли Гатто бақирди:

— Тугатинглар, бу ердан ғойиб бўлдик.

Икки забардаст кимса сакраб машинага чиқишди. Поли тўла газ берди. Кейин кимдир машинанинг қандай рангда, қандай кўринишда эканлигини айтади, бошқа биров унинг номерини эслайди, шу билан ҳамма иш тугайди. Номер Калифорниядан келган машинадан ўғирлаб олинган эди. Қора “шевроле” қаби машиналардан эса Нью-Йоркда камида юз мингга бор.

Давоми бор